# ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯЛАР: СТРАТЕГИЯ, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

**Халқаро илмий мақолалар тўплами**

**II қисм**

**Самарқанд - 2018**

УДК
ББК

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯЛАР: СТРАТЕГИЯ, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ: халқаро илмий мақолалар тўплами. 2 қисмда. 2-қисм. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2018. – 301 б.

ISBN
ISBN

Мазкур халқаро илмий мақолалар тўпламини нашр этишдан мақсад педагогика, психология, таълим соҳасидаги замонавий тенденциялар ва олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш, апробациядан ўтказиш, эришилаётган илмий ва амалий ютуқларни оммалаштириш ҳамда ўзаро алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Тўплам илмий тадқиқотлар, ишланмалар ҳамда илғор тажрибалар билан қизиқувчи илмий ва педагог ходимлар, докторантлар, магистрлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Унинг электрон шакли samdu.uz сайтида жойлаштирилган.

Тўпламга киритилган мақолалар муаллифлик таҳририда берилган. Келтирилган иқтибослар, номлар, атамалар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, интеллектуал мулкка доир меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга риоя қилинишига муаллифлар масъулдирлар. Таҳририят нуқтаи назари муаллифлар нуқтаи назари билан мос келмаслиги мумкин.

Тўплам Самарқанд давлат университети Илмий кенгашининг 2018 йил 26 февралдаги 8-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Бош муҳаррир **Махматмуродов Шавкат Олимович,** филология фанлари номзоди, доцент

Бош муҳаррир ўринбосари **Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич**

Таҳрир ҳайъати:

**Джураев Рисбой Ҳайдарович** - педагогика фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги

**Шодиев Нарзиқул** - педагогика фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Холбой Ибрагимович** - педагогика фанлари доктори, профессор

**Фоменко Светлана Леонидовна** - педагогика фанлари доктори, профессор (Россия)

**Хайруллин Аскар Гафиятуллович** - фалсафа фанлари доктори, профессор (Россия)

**Исакулова Нилуфар Жаникуловна** - педагогика фанлари доктори, профессор

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич -** - педагогика фанлари доктори, профессор

**Хасанова Кибриё Хасановна** - педагогика фанлари номзоди, профессор

**Шодиев Фахриддин Тешаевич** - филология фанлари номзоди, доцент

**Нарзикулова Фируза Батуровна** - психология фанлари номзоди, доцент

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна -** филология фанлари номзоди, доцент

**Файзиев Мирзаали Асфандиярович** - педагогика фанлари номзоди, доцент

**Шодиев Рустам Нарзиқулович** - фалсафа доктори (PhD), профессор (Хитой)

**Рахимова Гулбахор Қаршибоевна** - филология фанлари номзоди

**Пўлатова Муҳаббат Эгамбердиевна** - ўқитувчи

**Сулаймонова Дилдора Назаровна** - ўқитувчи

# БЎЛАЖАК МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ИШИГА МЕТОДИК ТАЙЁРЛАШ

Н.Шодиев,
Самарқанд давлат университети, п.ф.д., профессор,
М.А.Файзиев,
Самарқанд давлат университети, п.ф.н., доцент

*Мақолада олий мактаб математика таълим йўналиши бўйича бўлажак математика ўқитувчиларини келгуси педагогик фаолиятларида маънавий фаолиятга методик тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар таҳлил қилиниб, унда математика ўқитиш методикаси фанининг мазкур соҳа бўйича потенциал имкониятлари ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *методика, математика, олий, таълим, ўқитиш, маънавий тарбия, маънавий тайёргарлик, маънавий фаолият.*

*В работе рассматриваются вопросы, связанные с анализом методической подготовленности будущих учителей к предстояшей деятелности по духовному воспитанию, а также разработана потенциальная возможность курса методики преподавания математики в этой области.*

***Ключевые слова:*** *методика, математика, высшее образование, преподавания, духовное воспитание, методическая подготовленность к духовному воспитанию, духовная деятельносить.*

*The work deals with the issues related to the analysis of the methodical preparedness of future teachers for the forthcoming activity in spiritual education, and also developed the potential possibility of a course in the methodology of teaching mathematics in this field.*

***Key words:*** *methodology, mathematics, higher education, teaching, spiritual education, methodical preparedness for spiritual education, spiritual activity.*

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да [1], Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» [2] асарида ёш авлодни маънавий тарбиялаш масаласи таълим муассасалари олдига устувор вазифа сифатида қўйилган. Мазкур вазифанинг самарали ҳал қилиниши кўп жиҳатдан ушбу ишга узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг қай даражада тайёргарлигига боғлиқ.

Айни пайтда, мактаб математика ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлар, анкета-сўровлар натижалари ҳамда уларнинг педагогик фаолиятларини ўқувчиларни маънавий тарбиялаш нуқтаи назаридан таҳлили уларнинг кўпчиликлари мазкур ишга тайёр эмасликларидан далолат бермоқда. Жумладан, айрим математика ўқитувчиси дарсдан, синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни маънавий тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситалари тўғрисида чегараланган тасаввурга эга эканлиги намоён қилинди. Улар айниқса, дарс, тўгарак, мавзули кечада ўқувчиларнинг маънавий тарбияланганлик даражасига мос методик таъсир кўрсатиш усулларини танлашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Бунинг асосий сабаблари қаторига ўқитувчи педагоглар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари (ОТМ)да ўқув-тарбия жараёни бўлажак ўқитувчиларни мактабда маьнавий фаолиятга тайёрлашга етарли даражада йўналтирилмаганлиги; талабаларниг илмий, педагогик-психологик, методик тайёргарлигида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганлиги; педагогик амалиёт, илмий-тадқиқот, илмий-методик изланиш, аудиториядан ташқари ишларнинг ўқувчиларни маънавий тарбиялаш бўйича имкониятларини тўла намоён қилинмаганлигини киритиш мумкин.

Юқорида баён қилинганлар, ОТМда бўлажак математика ўкитувчисининг ўқувчиларни маънавий тарбиялашга методик тайёрлаш масаласини ўрганишни тақозо этади.

Амалдаги математика ўқитиш методикаси фани дастури «Умумий методика» ва «Хусусий методика» каби қисмлардан ташкил топган бўлиб, у бўлажак ўқитувчиларга, асосан, математика фанини ўқитиш бўйича назарий ва амалий билимлар беришга қаратилганлигини таъкидлаш баробарида мазкур дастурда талабаларни маънавий

фаолиятга тайёрлаш масаласига бевосита эътибор берилмаган [8].

Аммо, олиб борган қиёсий таҳлилларимиз ушбу фаннинг «Умумий методика» бўлимида математика фанининг мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг методик тизими педагогика ва психология қонунлари ҳамда таълим назарияси асосида очиб берилиши муносабати билан мазкур бўлимнинг мавзу ва саволларини ўрганиш жараёнида бўлажак математика ўқитувчиларини моваруаннаҳрлик қомусий олимларнинг умумпедагогик ва дидактик ғоялари, қарашлари ва таълимотлари билан таништириш бўйича кенг имкониятлар мавжудлигини намоён қилишга имкон берди [10].

Қуйида «Умумий методика» бўлимининг «Математика ўқитиш принциплари», «Математика ўқитиш методлари» мавазулари мисолида бўлажак математика ўқитувчисининг математика тарихига оид хотирасини таркиб топтириш, ўзлигини англашга йўналтирилган буюк қомусий алломаларимизнинг математика таълими бўйича умумпедагогик ва дидактик ғоя, қарашлари билан боғлиқ саралаб олинган материаллардан намуналар келтирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

| Мавзулар | Маънавий тарбия мазмуни |
|---|---|
| Таълим принциплари ва методлари | Ал-Киндий математик (арифметика, геометрия, астрономия) билимларни эгаллаш одамда ижобий хислатларни таркиб топтириш ва ақлий қувватларни ривожлантириш учун мутлақ зарур, чунки уларсиз бутун умри давомида Аристотель китобини ўқиса ҳам унда қаралган фанларнинг бирортасини ҳам ўзлаштира олмайди. Бундай одам яхши хотирага эга бўлса ҳам қанчалик уринмасин, у бегона сўзларни айтиб беради. Бироқ моҳиятини ҳеч қачон тушунмайди, деб айтган фикрлари ҳозирги замон педагогик тушунчаларига кўра таълимнинг илмийлик ва онглилик принципларига мос келишини; у ўз асарларида таълимни бошқаришда тизимилилик ва кетма-кетлик принцияларига амал қилиш лозимлигига катта эътибор берганлигини талабаларга кўрсатиш.<br>Абу Наср Форобий илмий ишлар тузилмаси ва мантиғида илмийлик, кўргазмалилик, тушунарлилик паринциплари талабларига амал қилганлигини математика моддий дунёнинг айрим томонлари алоқаларини, яъни объектив реалликнинг миқдор ва сифат муносабатларини ҳамда фазовий шаклларини акс эттиришини таъкидлаб, у таълимнинг аниқ сезиладиган жисмлардан бошлаб, сўнгра математик тушунчаларни қарашга ўтиш зарур деган хулосаси таълимнинг кўргазмалилик, тизимлилик принципларига мос келишини талабаларга тушунтириш орқали уларда ифтихор ҳис туйғусини уйғотиш.<br>Абу Наср Форобий «Мусиқанинг катта китоби»да «Сон» ҳақидаги фан (Арифметика) одамларнинг амалий эҳтиёжидан келиб чиққанлиги; «Натурал сонлар» арифметика фанининг асоси сифатида одамлар томонидан дунёни қадим замонлардан бошлаб идрок этишнинг таркибий қисми ҳисобланиши ҳақидаги концепциядан келиб чиқиб, улуғ мутафаккир фанни назарий ва амалий қисмларга бўлиб, педагогикага таълимнинг амалий йўналтирилганлик, ҳаёт билан ва кишиларнинг кундалик фаолиятлари билан алоқадорлик ғоясини олиб кирганлигини талабаларга тушунтириш.<br>Абу Райҳон Беруний инсон ҳаётида фаннинг етакчи ролини қўллаб-қувватлаш баробарида, таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни амалда синаб кўрилган илмий маълумотлар билан таништириш; таълимни тушунарли бўлиши учун ўқитувчи яқиндан узоққа, маълумдан номаълумга доимий равишда олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини талабаларга тушунтириш орқали уларда буюк бобокалонимиз руҳига меҳр-муҳаббатни таркиб топтириш.<br>Абу Али Ибн Синонинг дидактик принципларига, жумландан, таълимни кўргазмалилик принципига катта қизиқиш билдирганини, яъни реал предмет (маълум ўлчамлардаги учбурчак ёки тўрт бурчак, бошқа ўлчамларда тўғри чизиқ ёки эгри чизиқ)ларни ёки уларнинг тасвирларини идрок қилиш туфайли инсонда объектив реалликни тўғри акс эттирувчи тасаввурни шакллантиради |

| | |
|---|---|
| | деган фикрлари таълимнинг кўргазмали принципини ифодалашини; таълимда кўргазмалилик тушунчаси идрок қилишнинг кўриш, эшитиш, пайпаслаб ҳис этиш ва бошқа турлари билан боғланганлигини талабалар билан муҳокама қилиш, уларда ўзбек халқига даҳлдорлик ҳиссини уйғотиш.<br>Ал-Хоразмийнинг арифметик асарларида таълим олувчиларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш мақсадида билимларни кетма-кет баён қилиш принципини кенг ишлатганини; илмий асарларни тушунтириш (изоҳлаш)да таълим методининг савол-жавоб шаклини ишлатганини кўрсатиш.<br>Абу Наср Форобийнинг тажриба – кўргазмалилик таълим методига катта эътибор берганлигини; ташқи объектлар ҳақида бирламчи билим манбалари сифатида инсон-субъектни объект билан боғликлигида сезишнинг беш турини (сезиш (пайпаслаб ҳис этиш), кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм сезиш)ни қараганини; билимни боши ва исботлашнинг асоси сифатида кузатиш ва тажрибага асосланган кўргазмалилик методига катта эътибор берганини; таълимнинг муҳим умумий методларидан бири машқ деб ҳисоблаганини; ёзиш санъатида қунт билан узоқ вақт давомида бажарилган машқ натижасида инсон бу санъатда баркамолликка эришишини ва у бу билан қанча узоқ вақт шуғулланса, у шунчалик кучли ва ушбу санъатда тобора мукаммал бўлиб бораверишин ҳақидаги фикрларини; математика таълими методикасига тўхталиб, уни ўқитишда ўқитувчиларга дедукция методидан фойдаланиш бўйича тавсия берганлигини кўрсатиш.<br>Абу Райҳон Берунийнинг методик мулоҳазаларида таълимни ташкил этишда ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, савол-жавоб каби методлардан фойдаланишни тавсия қилганлигини; тажриба ва кузатиш, табиат ва инсон ҳаёти вақтида янги билимларни эгаллашнинг энг ишонарли воситаси эканлиги тўғрисидаги фикрини; катехизис шаклидаги суҳбат орқали янги билимларни такрорлаш ва айтишни буюк аллома юқори баҳолаганини талабаларга тушунтириш;<br>Абу Али Ибн Сино «Тиб қонунлари»да тиббиёт таълимида кенг қўлланилган билимларни тизимли ва кета-кетликда баён қилиш, қадимги Юнонистон ва Шарқ тиббиёт илмини тушунишга олиб келувчи мантиқий тузилган мулоҳазалар каби таълим методларини акс эттирганини талабаларга кўрсатиш. Унинг фикрича таълим методларининг асосида ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва уларнинг шахсий тажрибалари ётиши керак. «Тиб қонунлари» асарида назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкам алоқасини, умумийликдан хусусийликка боришда тажрибага таянишни талабаларга кўрсатиш. |

Математика ўқитиш методикаси фанининг «Хусусий методика» бўлимида амалий ва семинар машғулотлари режалаштирилган бўлиб, унда умумий ўрта мактаб математика фанининг 5-9 синфлар дастур ва дарсликлари билан танишиш ва уларнинг тузилиш принципларини ўрганиш кўзда тутилган [11]. Тадқиқотимиз мақсадига мувофиқ, бўлажак мактаб ўқитувчилари диққат эътибори мазкур дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларда қомусий олимларимизнинг бой математик мероси қай даражада акс эттирилганлигини намоён қилишга қаратилди ҳамда уларнинг маънавий йўналтирилганлиги аниқланди. Жумладан, 5-9 синфларда ўрганиш кўзда тутилган жами 66 та мавзудан атиги саккизтасида қомусий олимларимизнинг математикага доир асарларини ўрганиш режалаштирилганлиги намоён қилинди. Улар жумласига «Ал-Хоразмийнинг «Алгоризми ҳинд ҳисоби ҳақида асари»; (Абу Райҳон Берунийнинг нисбатлар назариясига оид ишлари ҳақида» (5-синф); Ғиёсиддин-ал-Кошийнинг «Ҳисоб илми калити» асари ҳақида; Мирзо Улуғбек илмий мактабининг математика ривожидаги роли»; Ғиёсиддин ал-Кошийнинг «Айлана ҳақида рисоласи»; эҳтимоллар назариясининг ривожланишида Ўзбекистон олимларининг роли (6-синф). Бир номаълумли биринчи даражали тенгламани ечиш. Ал-жабр вал-муқобала усули (6-синф); «Ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асари ва ундаги масалалар» (7-синф)»; «Квадрат тенгламаларни ечишнинг Ал-Хоразмий усули. Ал-Хоразмий

масалаларидан намуналар» (8-синф); Беруний ва Улуғбекнинг тригонометрик «Зижлари» мавзу ва саволлар (9-синф) киритилганлигини таъкидлаш жоиз [9]»

Айни пайтда, олиб борган изланишларимиз ўқувчиларни математикага доир бой илмий меъросимиз билан таништириш орқали уларда миллий ифтихор ҳис-туйғусини шакллантиришга бевосита қаратилган мавзу ва саволларнинг математика фани дастурининг мазмунида етарли даражада ўрин олмаганликларидан далолат бермоқда.

Юқорида баён қилинган камчиликларни маълум даражада бартараф этиш мақсадида математика фани намунавий дастури мазмуни [11] таълимнинг тарихийлик, таълим-тарбиянинг бирлиги каби принциплари асосида синчковлик билан ўрганилиб, моваруаннаҳрлик буюк мутаффакирларнинг математика фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларига доир материаллар математика ўқитиш жараёнига сингдиришнинг потенциал имкониятлари намоён қилинди. Шу асосда танлаб олинган тарихий материаллар дидактик ишланди ва улардан математика ўқитувчилари фойдаланишларини қулайлаштириш учун маънавий мазмунга эга бўлганлари жадвал кўринишида ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

| | Мавзулар, синфлар | Маънавий тарбия мазмуни |
|---|---|---|
| 1. | Натурал сон ва ноль (V) | Абу Райҳон Берунийнинг «Сон» тушунчасига «Сон-бирликларидан иборат тўплам»дир, деган таърифини; натурал сонлар, жуфт-тоқ сонларга берган таърифини;<br>Жамшид Коший «Арифметика калити» асарида «Сонлар» ва уларнинг турларини бутун сонлар арифметикасини қараганини; Али Қушчининг «Арифметика калити» асарида жуфт-тоқ, туб ва мукаммал сонларга берган таърифини талабаларга кўрсатиш орқали уларда математикага қизиқиш уйғотиш, ўзликни таркиб топтириш. |
| 2. | Каср сонлар. Оддий касрлар (V) | Мирзо Улуғбекнинг содиқ шогирди Али Қушчи «Арифметик рисола»си, «Касрлар ҳақида рисола»сида касрлар устида амаллар, уларни бажариш тартибига бағишланганини талабаларга кўрсатиш. |
| 3. | Ўнли касрлар ҳақида дастлабки маълумотлар. Ўнли касрларни қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш (VI) | Европада ўнли касрларнинг кашфиётчиси деб тан олинган англиялик математик Симон Стивен (1548-1620 й.й.)дан 150 йилча олдин Жамшид Коший ўнли касрни назарий жиҳатдан асослаб берган ва улар устида амаллар бажаришни кўрсатиб берган. Али Қушчининг «Арифметик рисола»си, «Касрлар ҳақида рисоласи» ўнли касрлар ва улар устида амалларни қонун-қоидаларини инсоният тарихида математикага биринчи бўлиб олиб кирганига талабалар диққатини жалб қилиш. |
| 4. | Мусбат ва манфий сонлар | Самарқандлик олим Али Қушчи XV асрда математика фани тарихида биринчи бўлиб, мусбат ва манфий сонларни киритганини, сон тушунчаси ҳақидаги таълимотда олдинга қўйилган муҳим қадам эканлигини талабаларга айтиб бериш орқали уларда ўзбек халқига дахлдорлик ҳис туйғусини уйғотиш. |
| 5. | Тақрибий ҳисоблашлар (VI) | Жамшил Коший «Айлана ҳақида рисола»сида «$\pi$» сонини, яъни айлана узунлигини унинг диаметрига нисбатини алломагача маълум бўлган аниқликдан ҳам каттароқ аниқликда ҳисоблаб, у $2\pi$ учун ўнли саноқ системасида $2\pi$=6,2831853071795865 қийматни олганини кўрсатиш.<br>Коший $\pi$ учун топган қийматини 1597 йили 160 йилдан кейин Ван Ромен, 1873 йили У.Шенкс янада аниқроқ ҳисоблаганликларини талабаларга кўрсатиш. |
| 6. | Тригонометрик функциялар ҳақида Тушунча (IX) | Али Қушчи тригонометрик функциялар қимматини ҳисоблашда чизиқли интерполяция усулидан фойдаланганлигини; Ал-Коший «Ватар ва синус ҳақида» рисоласида синуснинг бир даража қийматини ҳисоблаш билан шуғулланиб, уни 18 рақамгача аниқликдаги қийматини топганлигини кўрсатиш орқали бўлажак математика ўқитувчиларида меҳнатсеварлик, қомусий олимларимизга меҳр-садоқатни таркиб топтириш; Мирзо Улуғбек Расадхонаси қошида тригонометрик «Зиж» жадвалларни вужудга келтириш муносабати билан математик ҳисобдонлардан иборат дунёда биринчи ҳисоблаш маркази фаолият |

| | | |
|---|---|---|
| | | кўрсатганига талабалар диққат-эътиборини жалб қилиш. |
| 7. | Тўғри тўртбурчакнинг юзи (V) | Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида тўғри тўртбурчак узунлиги ва юзасини ҳисоблаш қоидаси келтирилган. |
| 8. | Тўғри тўртбурчакли параллеле-пипедни нг ҳажми (V) | Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида уч ўлчамли параллелепипеднинг ҳажмини ҳисоблаш усули берилган. |
| 9. | Учбурчакни ясаш (амалий машғулот) (VI) | Абул Вафо Бузжонийнинг «Геометрик ясашларда ҳунармандларга керак бўлган нарсалар ҳақидаги китоб» асарида учбурчакни ясаш қоидаси берилган.<br>Жамшид Кошийнинг «Ўлчаш ҳақидаги китоби». |
| 10. | Учбурчакнинг юзи (VI) | Мухаммад ибн-Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида учбурчакнинг узунлиги ва юзасини ҳисоблаш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берганини кўрсатиш. |
| 11. | Айлана узунлиги ва доира юзи (VI) | Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида айлана, шу жумладан, ромб, учбурчак, айлана каби текис фигураларнинг узунлигини ва юзаларини ҳисоблаш қоидалари келтирилган. |
| 12. | Энг содда геометрик шакл (фигура)лар (VII) | Мусо ал-Хоразмий ўз асарлари билан инсониятни ҳозирги замон формал математик тафаккур тарзига ўргатган олимдир. Европада алломанинг математикасига қизиқиш «Ал-жабр вал-муқобала амалларидан қисқача китоб» асарининг англиялик Роберт Честерский ва италиялик Герардо Кермонскийлар томонидан 1145 йили лотин тилига таржима қилишидан бошланган. |
| 13. | Циркуль (VII) | Циркуль (Паргор) ёрдамида оддий геометрик шаклларни ясаш усуллари (Абул Вафо Бузжонийнинг «Геометрик ясашларда ҳунармандларга керак бўлган нарсалар ҳақидаги китоб» асарида атрофлича маълумот берилган). |
| 14. | Тўғри тўртбурчакнинг юзи. Учбурчакнинг юзи. (VIII) | Жамшид Кошийнинг «Ўлчаш ҳақида китоб» асарида оддий текис фигураларнинг юзаларини ўлчаш қоидалари атрофлича кўрсатиб берилган. |
| 15. | Учбурчакка ва мунтазам кўпбурчакка ташқи ва ички чизилган айланалар (VIII) | Абул Вафо Бузжонийнинг «Геометрик ясашларда ҳунармандларга керак бўлган нарсалар ҳақидаги китоб»да берилган томони бўйича тенг томонли учбурчак; квадрат ва кўпбурчакни ясаш; турли шаклларга ташқи ва ички айланалар чизиш ҳақида бой маълумотларни бўлажак ўқитувчиларга тақдим этиш. |
| 16. | Тўғри бурчакли параллеле-пипед, призма ва пирамида ҳажмлари. Цилиндр, конуснинг ҳажмлари. (IX) | Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида уч ўлчамли фигураси бўлган пирамиданинг ҳажмини ўлчаш кўрсатиб берилган. Жамшид Кошийнинг «Ўлчаш ҳақидаги китоби»да мураккаб фазовий жисмлар шаклларигача шакллар ҳажмларини ўлчаш қоидалари мукаммал тушунтириб берилган. |
| 17. | Тўғри бурчакли параллелепипед, призма ва пирамиданинг ҳажмлари. (IX) | Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала» асарида куб, параллелепипед, конус, пирамида каби уч ўлчамли фигураларнинг ҳажмларини ўлчаш қоидалари берилган.<br>Жамшид Кошийнинг «Ўлчаш ҳақидаги китобида» мураккаб фазовий шаклларгача бўлган шаклларни ўлчаш қоидалари мукаммал тушунтириб берилган. |
| 18. | Цилиндр, конус ва шарнинг ҳажмлари (IX) | Мухаммад ибн-Мусо ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобалани ҳисоблаш ҳақида кичик» асарида Конус каби уч ўлчамли фигуранинг ҳажмини ҳисоблаш масалалари назарий ва амалий асослаб берилган. Улуғбекнинг Самарқанд академияси (француз ёзувчиси ва файласуфи Вальтер ибораси) олимлари геометрия соҳасида қилган ишлари |

| | | |
|---|---|---|
| | | ноевклид геометриясининг вужудга келишига озми-кўпми таъсир кўрсатган. Чунки Самарқанд олимлари томонидан Евклиднинг «Негизлари»га ёзилган шарҳ 1578 йили Туркия томонидан Испанияга сотилган эди. Бу шарҳ орасида Евклиднинг V постулатини исбот қилишга уринишлар ҳам бор бўлган. |

Бўлажак математика ўқитувчисининг методик тайёргарлигида маънавий мазмун билан бойитилган тўгарак, мавзули кеча, конференция, викторина, мусобақа, деворий газета каби синфдан ташқари машғулотларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ал-Коший, Али Қушчи каби қомусий олимларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва уларнинг жаҳон математика фани тараққиётига қўшган ҳиссалари билан талабаларни қуроллантиришга имкон берадиган маънавий йўналтирилган тўгарак, мавзули кечалар, танлов, викториналарни, деворий газеталарни тайёрлашда уларни бевосита фаол иштирок қилишини таъминлаш жуда муҳимдир [5,12].

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимизнинг тикланиши, уларни чуқур ўрганиш орқали талабаларни мактабда маънавий-тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, жамиятимизнинг узлуксиз таълим муассасалари олдига қўйган талаби бўлиб, у мазкур соҳадаги изланишларни янада жадаллаштиришни тақазо этади.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997. –Б.30-63.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -173 б.
3. Абдураҳмонов А. Улуғбек академияси. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1998.
4. Ахмедов С.А. Ўрта Осиёда математика тараққиёти ва уни ўқитиш тарихидан. –Т.: Ўқитувчи, 1977. –216 б.
5. Каримов Т., Ҳасанов Э. «Беруний мактаб саҳнасида» математика кечаси ўтказишга оид қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1978. –35 б.
6. Кары Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. –М.: 1950.
7. Ибодов Ж., Матвиевская Г.П. Улуғбек шогирди – Али Қушчи. –Т.: Фан, 1994. –34 б.
8. «Математика» йўналиши умумкасбий фанлар бўйича ўқув дастурлари. –Т.: ЎзМУ нашри, 2003. –84 б.
9. Сирожднов С.Х., Матвиевская Г.П. Ал-Хорезми – выдающийся математик и астроном средневековья. Пособие для учителя. –М.: Просвещение, 1983. -78 с.
10. Тляшев Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых – энциклопедистов Ближнего и Среднего Востоко эпохи средневековья. –Т.: Фан, 1989. –145 с.
11. Умумий ўрта таълим ўқув дастури. Математика //Таълим тараққиёти ахборотномаси, 1999, 4-сон. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 171-208.
12. Шодиев Н., Шукуруллаева С. Ёшларга аждодларимизнинг илмий мероси ҳақида. –Т.: ABU-MATBUOT - KONSALT, 2008. –128 б.

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИНШОЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПСИХОЛОГИК, ПЕДАГОГИК ВА МЕТОДИК ТАЛАБЛАР

Қ. Ҳусанбоева,
Сирдарё давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ, п.ф.д., профессор,
М. Ҳазратқулов,
Самарқанд давлат университети

*Иншо ёзиш жараёни ўқувчининг фикрлаш қобилиятини шакллантириб қолмай, балки унинг ички онгига муҳим таъсир этувчи, бола руҳиятида чексиз ўзгартишлар ясашга қодир ижодий*

*машғулот турларидан биридир. Ушбу мақолада иншонинг таълим-тарбия воситаси эканлигининг илмий асослари кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *сюжет, пейзаж, ҳиссиёт, индивидуаллик, эпизод, бадиий тасвир, иншо, образлилик, ёзма иш, узлуксиз таълим, тасаввур, атроф-олам, кўникма, бошланғич таълим, мактабгача тарбия даври, оғзаки матн.*

*Организуя сочинение по картине, необходимо иметь в виду, что данный вид работы не только формирует у учеников самостоятельное мышление, но и оказывает серьезное влияние на внутренний мир учащегося, вызывая в нем значительные изменения. В данной статье рассматривается научное обоснование данного вида работы как учебно-воспитательного процесса.*

***Ключевые слова:*** *сюжет, пейзаж, чувство, индивидуальности, эпизод, художественного образа, метафоры эссе, письменные работы, непрерывное обучение, воображение, мир окружающей среды, навыки, образование, дошкольный период, словесный текст.*

*Organizing an the essay writing on pictures it is necessary to take into consideration that the given type of work forms in not only the individual thinking but, it also seriously influences on the their inner world causing them to be ready for significant changes. In the present article the scientific basis is considered to be the given type of essay writing as the educational and training means.*

***Key words:*** *the story, the landscape, a feeling of individuality, episode, artistic image, the metaphor of the essay, written work, continuous learning, imagination, the world of the environment, skills, education, preschool period, the verbal text.*

Психологик адабиётларда таъкидланишича, ижод жараёнида инсон ақлининг фаолияти унинг ўзи томонидан бевосита кузатилмайди. Бу фаолиятнинг нечоғлик мустақиллигини кузатиш ҳамда уни ривожлантириш таълим-тарбия жараёнининг, мактаб ва ўқитувчининг вазифаси. Бунинг учун ўқитувчидан таълим жараёнининг ҳар босқичида ҳар бир ўқувчининг шахси, интеллектуал имкониятлари, интилишлари ва қизиқишларини билиш талаб қилинади. Бу жараённи бевосита адабий таълим, хусусан, иншо ёзиш жараёни билан боғлаб шуни айтиш мумкинки, ўқувчи таълимнинг ҳар босқичида ўрганилаётган бадиий асар қаҳрамонларини ўзига хос тарзда қабул қилади. Иншо ёзиш асносида уларнинг шахсига, хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришда ҳам ҳар хиллик бўлади. Бола руҳиятига хос бундай индивидуал хусусиятларни билиш ўқитувчи иш фаолиятида катта аҳамият касб этади. Ўқитувчи бадиий асар матни устида ишлаш, асарлар асосида иншо ёзишни ташкил этиш методини аниқлашда, асосан, шу жиҳатларга таяниши керак бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (7–10 ёш) адабий қаҳрамоннинг шахси, хатти-ҳаракатлари билан танишиш асносида ундаги умумий ахлоқий сифатларни илғаб олишади. Уларнинг хулосалари кўпинча бир тарафлама бўлиб, асардаги воқеа-ҳодисалар асосида кескинлик билан чиқарилади. Бола хаёлан асар қаҳрамонлари билан биргаликда саргузаштларда иштирок этар экан, қаҳрамоннинг шахсий сифатлари билан эмас, матндаги лавҳалар, воқеалар ривожи билан кўпроқ қизиқади. Бошланғич синф ўқувчилари асар муаллифи ифодалаётган жараёнга киришга, ёзилганларни тасаввур қилишга, кулгили эпизодларда маза қилиб кулишга, фожиали ҳолатларда қайғуришга тайёр. Аммо улар муаллифга ишонмасликка, унга муносабат билдиришга, матннинг афзаллик ёки нуқсонларини муҳокама қилишга қодир эмаслар. Бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган тақлидчилик бу даврнинг ўзига хос хусусияти саналади. Бу ҳолат ўзлаштирилиши лозим бўлган сифатларнинг ташқи жиҳатини кўчиришда намоён бўлади. Уларга хос бўлган айтилганни ўзидек такрорлаб бериш баъзида ҳаддан ошиб кетади. Улардан билганларини ўз сўзлари билан гапириб бериш сўралганда, кўпчилиги бунинг уддасидан чиқишолмайди. Бу ёшда хотира кучлилиги билан бирга нутқнинг ривожланмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Уларнинг кўпчилигига бир марта эшитган нарсасини бошқа сўзлар билан ифодалаб бериш қийинлик қилади. Бу босқичда ўзлаштиришга, билганларини шуурига сингдиришга мойилликдан унумли фойдаланиш керак бўлади. Ўзлаштирганларини қоғозга тушириш жараёни эса янада кўпроқ қийинчилик билан амалга ошади. Шунинг учун бошланғич таълимнинг дастлабки босқичида кўрилган қўғирчоқ фильмлар, болаларга хос бадиий фильмлар ҳақида оғзаки иншолар ташкил этиш, юқори босқичида эса аввал суратлар

асосида, аста-секинлик билан ўқиш дарсларида ўрганилган бадиий матнлар асносида иншолар ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. [3].

Бошланғич синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма иншоларини ташкил этишда ўқитувчилар уларга хос бўлган қуйидаги психологик-педагогик хусусиятларни билишлари мақсадга мувофиқдир:

– таълимнинг ҳар босқичида ўқувчиларнинг ёшига хос умумий жиҳатларни;
– бу ёшдаги ўқувчиларга хос бўлган тақлидчиликни;
– уларга хос бўлган айтилганни ўзидек такрорлаб бериш баъзида ҳаддан ошиб кетишини;
– билганларини ўз сўзлари билан гапириб бериш сўралганда, кўпчилиги бунинг уддасидан чиқолмаслигини;
– бу ёшда хотира кучлилиги билан бирга нутқнинг етарли даражада ривожланмаганлигини;
– кўпчилигига бир марта эшитган нарсасини бошқа сўзлар билан ифодалаб бериш қийинлик қилишини;
– бошланғич синф болаларининг ўзлаштиришга, билганларини шуурига сингдиришга мойиллигини;
– таълим жараёнининг ҳар босқичида ҳар бир ўқувчининг шахси, интеллектуал имкониятлари, қобилияти ва қизиқишлари айрича эканлигини;
– бошланғич синф ўқувчилрига хос бўлган адабий қаҳрамоннинг шахси, хатти-ҳаракатлари билан танишиш асносида ундаги умумий ахлоқий сифатларни илғаб олиш қийнлигини;
– бошланғич синф боласи хаёлан асар қаҳрамонлари билан биргаликда саргузаштларда иштирок этишга, матндаги лавҳалар, воқеалар ривожига кўпроқ қизиқишини;
– асар муаллифи ифодалаётган жараёнга киришга, ёзилганларни тасаввур қилишга, ҳазиллардан қотиб-қотиб кулишга, қаҳрамонлар учун қайғуришга мойиллигини;
– улар муаллифга ишонмасликка, унга муносабат билдиришга, матннинг афзаллик ёки нуқсонларини муҳокама қилишга ҳали қодир эмасликларини;
– дарсларда ўзлаштирганларини қоғозга тушириш жараёни кўпчилик болаларга қийинчилик туғдиришини. [4]. Бошланғич синфларда ҳар хил мавзуларда иншо ёзиш ишларини ташкил этишда буларга алоҳида эътибор қаратиш мазкур жараённинг самарадорлигини таъминлайди.

Бола ёш босқичларига кўра турлича қизиқишга эга бўлади, ўзига хос фикрлайди ва ҳис қилади. Турли ёшда турлича фаолият кўрсатади, борлиққа муносабати ҳам ҳар хил бўлади. Бешинчи, олтинчи синф ўқувчилари – кичик ўсмир ёшидаги болаларнинг ўқитувчилар ва бир-бирлари билан ўзаро муносабати ўзгара бошлайди. Бу даврда фаолликнинг хусусий шакллари кузатилади, уларнинг интеллекти ўзини намойиш эта бошлайди. 11–12 ёшли болаларнинг кўпчилиги ўқишга бепарволик билан қарайдилар: ўзларини ошиқча қийнамайдилар, уй вазифаларини берилган топшириқ даражасида бажарадилар, кўпинча, ўзларини овутадиган бошқа нарсаларни ўйлаб топишга мойил бўладилар.

Ўқувчилар мактаб ёшига етганда уларда инсонни баҳолашдаги кескинлик ва бирёқламалилик камаяди. Бу ёшдаги болани шахснинг ахлоқий сифатлари, унинг ички дунёси, характерининг шаклланиши ва бунга туртки бўлган омиллар кўпроқ қизиқтира боради. Аммо кичик ўсмир ҳам адабий қаҳрамонни унинг шахсига хос бўлган барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда, яхлит баҳолашга қодир эмас. У кўпинча қаҳрамоннинг у ёки бу фазилатига урғу берган ҳолда шахсини баҳолайди. Ўрта мактаб ёшидаги болалар фикрлашида анчагина сабрсизлик сезилади. Бу даврда болалар дарсда бажариладиган ишларнинг тезлигига эҳтиёж сезадилар, орадаги бўшлиқларни қийналиб ўтказадилар. Қийин, мураккаб вазиятларнинг узоқроқ сақланишни хуш кўрмайдилар. Шуниси характерлики, бу ёшдаги болалар берилган топшириқларни ёки бир ўтиришда қойиллатиб

ҳал қиладилар ёки умуман бажармайдилар. Бу ёшдаги ўқувчиларга иншо ёзиш вазифасини топширишда ўқитувчи ёшга хос бўлган бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақил муҳокама ёки танқидий таҳлил қилиш ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фаолиятида анча чегараланган бўлади. Бу босқичдаги ўқувчилар билимларни тайёр ҳолида, ўта майдаланган даражада қабул қилишни унча хушламайдилар. Айримлар вазифани тахтадан кўчирмасдан ўзлари ечишга мойил бўладилар, агар топшириқни ўқитувчининг кўмагисиз ҳал қила олишга кўзлари етса, устознинг қўшимча тушунтиришларидан қочадилар. Баъзан уларнинг фикр ифодалашида мустақил мулоҳазани ҳам илғаш мумкин.

Ўз шахсий фикрини айтиш истаги, ўрганганлари орасидан ўзиникини ажратиб ифодалашга ҳаракат бошланғич синфларда, ҳатто 5-синф боласида ҳам кам учрайди. Ўқувчиларнинг бундай хулқи шахс тараққиётининг янги поғонасига кўтарилиши билан изоҳланади. Улар олтинчи синфга ўтганларида фикр баён этиш истагининг белгилари намоён бўла бошлайди. Боланинг бу даврдаги жисмоний ва ақлий ривожланиши унинг тафаккур фаоллиги характерини ҳам ўзгартиради: уни мустақил ақлий зўриқишга ундайдиган топшириқлар кўпроқ ўзига торта бошлайди. Бу ҳол, аввало, ҳар бир предмет бўйича алоҳида ўқитувчи бўлиши, ўқитувчига муносабатнинг тубдан ўзгариши ва ўқувчи мустақиллигининг ортиши билан изоҳланади.

Бешинчи, олтинчи синф ёшидаги болаларга хос бўлган фаолиятга мойиллик, иштиёқнинг зўрлиги, мустақилликка интилиш шахслик шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Булар ўз ҳолича боланинг умумий тараққиётини таъминлайди. Бу ёшда шаклланган маънавий фазилатлар келажакда ижодий фаоллик гарови бўлиши ва махсус қобилиятларнинг юзага келиши шартларидан бири бўлиши мумкин. Бу босқичда бой берилган имкониятлар эса боланинг ҳаётида ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ҳар бир ўқитувчи яхши англаши керак.

Мактаб таълимининг ўрта босқичи ёшидаги болалар интизомли ўқувчи бўлиб, талаб этилган нарсаларни бажаришдан кўра ўз интеллектуал кучини ўзлари учун қизиқарли бўлган нарсаларга сарфлашни хуш кўрадилар. Бу даврнинг диққатга сазовор томони шундаки, болаларда айрим мустақил ишларни ва амалий топшириқларни бажаришга мойиллик кучли бўлади. Бу даврда ўқувчиларни аввалги босқичларда учрамаган топшириқлар руҳлантиради. Улар бундай топшириқларни бажаришга жон-дили билан киришадилар. [3].

Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларда (13–15 ёш) ўрта мактаб ёшида шакллана бошлаган инсон туйғуларини, унинг дунёқарашини тушунишга бўлган қизиқиш ортиб боради. Психологик тараққиётнинг бу босқичига ўтган ўқувчиларга ўқитувчининг шахси катта аҳамият касб этади. Тўққизинчи синф ўқувчиларини кичик ўсмирлар билан таққослаб уларда назарий фикрларнинг сезиларли ривожланганлигини пайқаш қийин эмас. Бу ёшдаги ўқувчиларда ҳар хил муаммоларни ўзларича мустақил ҳал қилишга уриниш янада кучаяди. Ўзаро тортишувлар, дарслардаги мунозаралар, ҳар хил муҳокамаларда қатнашиш боланинг бу ёшдаги табиий ички эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Синфлар юқорилаб борган сари болалар танқидий мулоҳаза юрита бошлайдилар, тортишадилар, муаммо мазмуни юзасидан салмоқли саволлар бера бошлайдилар. Ўқитувчилар болалар шу ёшга етгунларича бошланғич мактабда, таълимнинг ўрта босқичида уларни бу даврга тайёрлашлари, ҳар босқичнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаб олишлари керак бўлади.

Ўқитувчидан бошланғич синфда ўтиладиган ҳар бир дарсда болаларнинг руҳий, жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда уларни мустақил мулоҳаза юритиб, муносабат билдиришга ундайдиган иншоларни ёздиришга йўналтириш талаб қилинади. 5–6-синфларда иншоларни ташкил этишда ўқувчининг шу босқичдаги интеллектуал имкониятларини инобатга олган ҳолда иш юритиш лозим бўлади. Токи, бола психологик жиҳатдан маълум ёшга етганда унинг бирорта имконияти бекорга кетмасин, иштиёқи сўниб қолмасин. Бу борада ўқитувчининг дарс жараёнини, хусусан, иншоларни қандай ташкил

қилиши, ўқув ва иншо материалини қай йўсинда тақдим этиши билан бирга билим ва маънавий сифатлар даражасини аниқлаш йўлларининг нечоғли турфалиги ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шахси ва унинг фаолиятдаги мустақиллиги, маънавий камолоти биринчи ўринда туриши мақсадга мувофиқдир.

Одатда, дарсдан ташқари бирор қизиқарли ҳаётий ҳодиса ёки кино муҳокама қилинганда ўқувчилар анча дадиллашиб кетадилар. Шундай вазиятларда улар ўз ақлий ва ёш имкониятларидан кўра кўпроқ нарсаларни билиши маълум бўлиб қолади. Дарсликларда дарс жараёнида болаларни худди шундай қизиқтирадиган, уларни ўйлантирадиган, табиатига, ёш хусусиятига мос мавзулардаги иншоларнинг кўпроқ берилиши, ўрганилган асарлар ёки иншо мавзуси сифатида таклиф этилган мавзулар юзасидан тақдим қилинган савол-топшириқларнинг турфалиги дарслардаги шундай вазиятларнинг асоси бўлади. Ўқувчиларнинг руҳий мувозанатдан чиқиши эса уларни маънавий камолот сари етаклаш гаровидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. \\Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: 1997. –Б. –214 б.
2. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –288 б.
3. Ҳусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. –368 б.
4. Husanboyeva Q. Literature as a factor for development of morality and independent thinking. –T.: Tamaddun, 2016. –298 b.
5. Diane Larsen-Freeman. Techniques and Principles in Language Teaching. Oxford university press. Great Britian, –2013.


## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОСИ, САБАБИ ВА ЕЧИМЛАРИ


Ф.Х.Набиев,
Самарқанд давлат университети, т.ф.д., профессор,
М.С.Аббасова,
Самарқанд давлат университети



*Мақолада таълим ва тарбиянинг уйғунликда ривожланиш масаласи таҳлил қилинган бўлиб унда маънавият билимдан орқада қолаётганлиги муаммо сифатида кўрсатилган. Муаммонинг сабаби ва ечимини маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг даражасини пастлиги ва юқорилиги ҳамда интеллектуал мулк тушунчасининг шаклланганлиги билан боғлиқлиги асослаб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим ва тарбия, билим ва маънавият, эҳтиёж, интеллектуал мулк, қизиқиш ва масъулият.*

*В статье анализирована задача гармоничной развитие учебы и воспитания в ней проблематично показана отсталость духовности от знание. Причина и решение данной проблемый обсновано тем, что низость и высота степени подребности к духовности обусловлена с развитием понятия интеллектуальной собственност.*

***Ключевые слова:*** *учебно-воспитательный, знание и духовност, потребность, интеллектуалная собственность, интерес и ответственность.*

*The aim of this article is to discuss the development of the eduktional upringing harmony, it shovs us that Spirituality is not equal as an edukation. The cause of this problem is thet people's support to the spirituality and not developed intellektual mind.*

***Key words:*** *education end upringing, knovladge and spirituality, support, intellektual mind interest and responsibility.*


Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўли ва кучли давлатдан кучли

фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксаклик асосида бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳисси билан яшашга қодир бўлган авлоднинг тарбияланишини тақозо этади. Ёшларимизни ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етишида таълим-тарбия тизими ҳеч қандай муболағасиз, ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки таълим тизимининг функцияси жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксак авлодни тарбиялаб беришдан иборат. Бугунги кунда ёшларимизни баркамол қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлишига қарамасдан, таълим-тарбиянинг уйғунликда ривожланишини таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу масала хусусида гапириб, “.таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”лигини ўта муҳим муаммо сифатида белгилаб берди, [1, 23-б].

Олий ўқув юртида тарбияни ривожлантириш тўғрисида гапиришдан олдин, тарбия тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб олиш лозим. Тарбия шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мақсадида унинг жисмонан ва маънан ривожланишига тизимли ва мақсадли таъсир этиш жараёни ҳисобланади ва у таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбия жараёнида билим ва маънавият шаклланади, ҳозирча маънавият билимдан орқада қолмоқда, натижада билими кучли, аммо маънавияти нисбатан паст кадрлар тайёрланмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрелда имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарорда ёшларни маънавий юксалтириш масаласини энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берган. Қарорда “Олий таълимнинг маънавий–ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Таълим ва тарбия уйғунлигининг таъминланмаганлиги, яъни маънавий юксалишнинг замон талабларидан орқада қолаётганлиги “Оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган ахлоқсизликда, диний фундаментализмнинг вайронкор ғояларига берилганлик ҳолатида, оиланинг глобал инқирозининг аломатларида, порахўрлик иллатида ва бефарқлик кайфиятида яққол кўриниб турибди.

Ушбу муаммонинг асосий сабаби таълим тизими Ғарб мамлакатлари таълим тизимининг стандартларига асосланганлигидадир. Ғарбда маънавиятга эҳтиёж кучли бўлмаган, шунинг учун уларнинг таълим тизимида маънавий юксалишга жиддий эътибор қаратилмайди. Ваҳоланки, Ғарбдан фарқ қилиб, Шарқ мамлакатларида доимо маънавиятга эҳтиёж кучли бўлган. Маънавий юксалишнинг замон талабларидан орқада қолаётганлигининг асосий сабабларидан яна бири интеллектуал мулкка нисбатан эгалик ҳиссининг заифлиги деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўли ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёни ҳам маънавиятнинг заифлашувига сабаб бўлмоқда. Чунки демократия ва фуқаролик жамияти одамлар эркинликларининг ривожланишига асосланган, маънавият эса, қайсидир маънода, одамлар эркини чеклашни англатади.

Маънавиятнинг заифлашувини келтириб чиқарган яна бир сабаб маънавият доимо фидойилик асосида ривожланган деган фикрни тўғри деб ҳисоблаш билан боғлиқ. Ушбу фикрни тўғри деб бўлмайди, чунки фидойилик мураккаб вазиятларда маълум бир вақт давомида бўлиши тўғри, агар фидойилик доимий бўлса, адолатсизлик келиб чиқади.

Маънавий юксалишнинг орқада қолаётганлигининг яна бир сабаби олий ўқув юртларида тарбиявий ишлар механизмининг етарли даражада такомиллашмаганлиги ва ёшларимизнинг тарбияси олий ўқув юрти босқичигача бўлган даврда яхши йўлга қўйилмаганлигида. Асосий сабабларидан яна бири маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг талаб

даражасидан пастлиги.

Олий ўқув юртида тарбия жараёни сифати пастлигининг сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат олий ўқув юртларида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганлигида, балки олий таълим босқичигача бўлган даврдаги тарбияга ҳам боғлиқ, айниқса, оиладаги тарбияга боғлиқ. Шунинг учун асосий эътибор олий таълимгача бўлган босқичда ва, энг аввало, оиладаги тарбияга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилиши ҳам тарбия тизимини янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусда гапириб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик. Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча худудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим” деб таъкидладилар. Шу билан биргаликда таълим-тарбиянинг сифатини ошириш учун ота-онанинг бола тарбияси олдидаги масъулиятини ошириш чораларини кўриш лозим. Чунки инсон тарбиясида оиладаги тарбия ва муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Билим ва маънавиятнинг уйғунликда ривожланишини таъминлаш муаммо бўлиб қолаётганлигининг сабабларидан яна бири уларга бўлган эҳтиёжнинг бир хил эмаслигидадир. Бошқача қилиб айтганда, билимга бўлган эҳтиёжга нисбатан маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг пастлиги. Чунки билимга бўлган эҳтиёжни шакллантириш осонроқ, лекин маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш эса анча қийин. Инсонда бирор-бир нарсага нисбатан эҳтиёж шаклланиши учун ўша нарса унга нима учун кераклигини билиши лозим. Ана шу керакликни ҳис қилиш эҳтиёжни англатади. Билим инсонга нима учун кераклигини англаб олиш осонроқ, чунки билим инсон орзу қилаётган бахтли ҳаётга эришишга хизмат қилади.

Бу фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, билим инсонга бахтли ҳаётга эришиши учун хизмат қилади. Лекин маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг унинг бахтли бўлиши билан боғлиқлигини англаб олиши қийинроқ кечади, чунки маънавият инсонга нимадир беришидан кўра кўпроқ инсондан ниманидир олишга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, маънавият инсонга эркини чеклаб, ўзини тийишини таъминлайди, лекин инсон табиатан эркин мавжудот ва у эркин бўлишни хоҳлайди. Шунинг учун унинг эркини чеклашга хизмат қиладиган маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш қийин кечади. Лекин бу маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш мумкин эмас дегани эмас. Маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш мумкин, фақат бунинг учун инсоннинг бахт тўғрисидаги тушунчасини аниқлаб олиш ва унга эришишда маънавиятнинг аҳамиятини кўрсата билиш керак бўлади.

Маънавиятнинг аҳамиятини кўрсатиш учун эса олдин маънавият ўзи нима эканлигини ва унинг моҳиятини англаб олиш лозим. Маънавиятнинг моҳияти инсон қалбидаги хусусият, яъни моддий бойликка бўлган эҳтиёжни жиловлайдиган ва маънавий бойликни устун қўядиган хусусиятдир. Инсон ўзининг маънавиятига баҳо берганда ана шу моҳиятдан, яъни моддий ва маънавий бойликка бўлган муносабатидан келиб чиқиб баҳо бериши лозим. Агар инсон асосан моддий бойликка интилиб яшаса, бу унинг маънавиятининг қашшоқлигини белгилайди. Агар инсон ўзининг моддий бойликка бўлган эҳтиёжини жиловлаб, маънавий бойликни устун қўя олса, бу унинг маънавиятининг юсаклигини белгилаб беради.

Инсоннинг бахтли бўлишида маънавиятнинг ўрнини аниқлаш учун фақат маънавиятнинг моҳиятини англаб олишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун инсон орзу қилаётган ва интилиб яшаётган бахтли ҳаёт нима эканлигини аниқлаб олиш керак бўлади, чунки одамлар бахт тушунчасини ҳар хил талқин қилишади.

Инсонда маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантириш учун бахтли ҳаёт ва маънавиятнинг моҳияти тўғрисидаги тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини англаб олиш

лозим. Инсоннинг бахтлилиги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг тўлиқ қондирилганлик ҳолати экан, маънавияти юксак одам ўз эҳтиёжини жиловлай олиши билан бахтли бўлишга осонроқ эришади. Инсоннинг бахтлилиги унинг маънавиятига боғлиқлигини билиш маънавиятга бўлган эҳтиёжни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Маънавиятга бўлган эҳтиёж эса, маънавиятни юксалтирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Маънавиятни юксалтиришда маънавият тарғиботчиларининг, умуман, устоз-мураббийларнинг шахсий ибрати ҳам муҳим роль ўйнайди. Агар тарбиячининг айтаётган гаплари билан қилаётган ишлари ўртасида уйғунлик бўлмаса, яъни устоз ўзининг хулқи билан ибрат бўлмаса, ёшларнинг маънавиятини юксалтира олмаймиз. Устоз шогирдларига ибрат бўлиши учун у, энг аввало, адолатли бўлиши, нафсини тия олиши ва касбий фаолиятига доир билими мукаммал бўлиши лозим.

Инсоннинг маънавиятига баҳо берганда асосий мезон унинг ҳатти-ҳаракати, амаллари эмас, балки унинг амали остида ётган мотиви, яъни ундовчи сабаби ҳисобланади. Талабаларнинг маънавиятини юксалтириш учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тизимида “Мотив” номли ёшлар тўгарагини ташқил этиш мумкин. Ушбу тўгаракда ёшларнинг хулқи мотив нуқтаи назаридан таҳлил қилиб борилади.

Интеллектуал бойлик бўлган маънавиятни юксалтиришда ақлий меҳнат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, хизмат соҳасида интеллектуал мулк бозорини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тадбиркорлик маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Тадбиркорлик маданияти билим ва маънавият негизида шаклланади ва унинг шаклланиши тадбиркорлар ўртасида маънавий-маърифий ишларнинг амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Лекин бунинг учун тадбиркорлик ва хизмат соҳасида банд бўлганларда билим ва маънавиятга эҳтиёж шаклланган бўлиши лозим. Ҳозирча бундай эҳтиёж замон талабларидан орқада қолмоқда. Шунинг учун давлат тадбиркорда шундай эҳтиёжни шакллантириш чораларини кўриши замон талаби ҳисобланади. Тадбиркорлик маданияти паст бўлса, эртага миллий хавфсизлигимизга таҳдид бўлган ўта бой ва ўта камбағал тоифалар келиб чиқиши эҳтимоли кучаяди.

Интеллектуал мулк бозорини шакллантириш хусусий мулкка асосланади, яъни бунда шахс ўзининг интеллектини приватизация қилиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Интеллектуал мулкка нисбатан хусусий мулкнинг шаклланиши эса билим ва маънавиятга нисбатан қизиқиш ва масъулиятни келтириб чиқаради. Ана шунда мактабда, коллежда, лицейда ва олий ўқув юртида ўқиётган талабаларда билим ва маънавиятга бўлган қизиқиш, масъулият ва эҳтиёж шаклланади. Бу эса, ҳар қандай фаолият турини, жумладан, билим ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қиладиган таълим ва тарбия тизимини самарали қилувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент.- “Ўзбекистон”- 2017 йил, 45 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 23 декабр 2-бет.


## БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА УНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ


Ҳ.Раббанақулов,
Самарқанд давлат университети, ф.ф.н., доцент



*Мақолада чет эл ёзувчилари томонидан яратилган асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни ёшлар таълими ва тарбияси жараёнида самарали фойдаланиш ҳамда маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *тарбия, дунёқараш, таржима, бадиий асар индивидуаллиги, услуб.*

*В статье освещена роль переведения на узбекский язык произведений ведущих зарубежных писателей в формировании духовного мировоззрения и эффективного использования в процессе обучения и воспитания молодёжи.*

***Ключевые слова:*** *воспитание, мировоззрение, перевод, индивидуальность художественной литературы, стил.*

*The article covers the role of translation of works created by foreign writers into the Uzbek language and their effective use in the process of education and upbringing of young people and the formation of their spiritual outlook.*

***Key words:*** *education, outlook, translation, individuality of art, style.*

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабаётимиз ривожини янги босқичга кўтариш, жумладан бадиий адабиёт ва бадиий таржима бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, улғайиб келаётган ёшларимиз нафақат миллий тилимиз ва адабиётимиз, балки бошқа халқлар маънавиятидан ҳам хабардор ва баҳраманд бўлишлари шарт. Бунинг учун ёшларимизни бой қадимий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш билан бирга уларни чет тилларини ўрганишга жалб қилишимиз, бошқа халқлар адабиёти маҳсули бўлмиш бадиий, илмий-фалсафий асарлар билан ҳам таништиришимиз, бунинг учун чет эл ёзувчи ва шоирлари томонидан яратилган асарларни ўзбек тилига таржима қилишимиз ва шу йўл билан ўзбек халқи маданиятини янада бойитишимиз ва кўкларга кўтаришимиз зарур. Ушбу фикримизни амалга оширишда таржимашунослик илмининг аҳамияти беқиёс. Бу борада Ўзбекистонда катта ишлар амалга оширилган, тажриба тўпланган ва таржимачилик фаолияти миллий адабиёт яратишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Таржима орқали адабиётлар ўзаро яқинлашади, демак, халқлар ҳам бир-бирини таниб, бир-бирига ҳурмати ортиб боради. Бу таржиманинг умуминсоний, ижтимоий ва сиёсий функциясидир. Яхши асарлар таржимаси китобхонларнинг дидини тарбиялайди, тафаккури, дунёқарашини оширишга хизмат қилади. Таржима асарлари орқали китобхон янги-янги ёзувчилар, шоирлар билан танишади, севиб қолади. Масалан, Сергей Есенин Э.Воҳидов таржимасида, Гарсиа Лорка Ш.Раҳмон таржимасида, Умар Хайём Ш.Шомуҳамедов таржимасида, Фёдор Достоевский И.Ғафуров таржимасида ўзбек китобхонларининг севимли адибларига айланиб қолдилар. Демак, мазкур адиблар ўзбек таржимонлари томонидан ўзбек китобхонлари учун кашф этилди.

Мана шу кашф этиш тушунчасида таржима санъатининг моҳияти акс этган, десак хато бўлмайди. Чунки, шу тушунча ижодкорликни, асар муаллифи услуби, нияти ва адиб сифатидага салоҳиятини беришни билдиради. Таржима аниқлиги ҳам шу мезон билан боғланади. Бундан кўриниб турибдики, таржимада асосий масала - услуб масаласидир.

Услуб деганда биз асар муаллифининг индивидуал хусусиятларини ҳам, таржимоннинг «ўзлигини» ҳам назарда тутмоқчимиз. Услуб ёзувчиларни бир-биридан ажратиб турадиган асосий белги экан, қадимда яшаган классиклар асарлари бўладими, ҳозирги замон ёзувчиси асарлари бўладими, унинг услубини акс эттириш таржимада асосий талабдир. Бунинг маъноси шуки, таржимани баҳолаш учун матнларни қиёсий таҳлил қилганда хам шу нуқтани асос қилиб олиш лозим.

Услуб - бу ёзувчининг ўзига хослиги, бошқа ёзувчилардан фарқланиб турувчи хусусиятлари, ўзича ҳаётни мушоҳада этиб бадиий тасвирлаш йўли, ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиш қудрати, қобилияти, илҳомининг парвози, санъаткорлигининг мезонидир. Услуб фақат бадиий форма бўлмай, балки асарнинг ҳар бир майда элементидан бошлаб, унинг бутун ғоявий-бадиий яхлитлигида намоён бўлади. Она тили бойликларидан фойдаланишда ҳам, бадиий жанрлар, сюжет ва композицияни тузишда ҳам, образлар яратишда ҳам, асарнинг оҳанги, ритми, ички ҳаракати, юмор ёки сатириклик даражасини юзага келтиришда ҳам - хуллас, унинг бутун ички ҳаётини таъминлашда ёзувчининг тасвир тарзи акс этган бўлади. Ҳар бир ёзувчининг ўз услуби бўлиши билан бирга унинг ҳар бир асарининг ҳам ўзига хос услуб ва хусусиятлари бор.

Бадиий асарнинг индивидуаллиги - унинг ўз яшаш ҳуқуқи, специфик характери демакдир. Бу индивидуал характер шакл ва мазмун бирлигида санъаткор ижодхонасида туғилиб вояга етади ва ҳаётда мустақил яшаш заминига эга бўлади. Шундай қилиб бадиий асар ўз характерига эга бўлган яхлит организмдир.

Ёзувчининг услуби унинг дунёқараши, ўзи амал қиладиган адабий метод ва оқимнинг ҳаамда замонасининг талаби билан белгиланади.

Асар услубини қандай бериш керак? Оригиналнинг бутун хоссаларини ўзида гавдалантирадиган ва айни вақтда тўлақонли бадиий асар ҳисобланувчи таржиманинг бўлиши мумкинми?

Ҳар бир тилнинг ўзига хос қоида-қонунлари. стилистик хусусиятлари бор. Бадиий асарда халқ тилининг шу томонлари акс этган бўлади, уни бутунича таржимада, бошқа бир тилда гавдалантириш имконияти йўқ. Таржима билан оригинал ўртасидаги нисбат А=А бўлиши мумкин эмас. Асл нусхадаги бутун услуб хусусиятлари таржимада ҳеч вақт тўла акс этмайди, яъни таржима билан унинг оригинали орасида фарқ бўлиши зарурий, табиий ҳодиса. Улар нисбатан А=А эмас, балки А=А[!] дир. Таржиманинг сифати шу фарқнинг даражасига қараб белгиланади. Масалан, асарнинг аслини тарозининг бир палласига, таржимани эса иккинчи палласига қўйсак, модомики, тарозининг шайини ҳеч қачон учма-уч бўлмайди, унда қайси томон оғиру - қайси томон енгил бўлмоғи даркор. Агар асл томон кўп тош босса, сўзма-сўзлик ва агар таржима томоннинг оғирлиги ошиб кетса - эркинликка йўл қўйилган бўлади. Таржимон икки томонни ҳам эътиборга олиши, сўзма-сўзликка ҳам, ўзгартирувчи эркинликка ҳам ён бермаслиги лозим. Таржима асл нусханинг ўзига хос услуб хоссаларини сақлаш билан бирга янги китобхонга тушунарли, севилиб ўқиладиган оригинал адабиётнинг таркибий, тенг ҳуқуқли қисмига айланадиган бўлмоғи керак. Бунинг учун таржимон оргиналдан нимани сақлаш керагу, нимани ташлаши лозим, унинг услубининг қайси томонларини бера олади, нимани қурбон қилади. Яна шу нарсани аниқ билиш керакки, ҳеч вақт тенг келмайдиган тарози паллаларининг мувозанатини тута билиши, уларнинг оғир-енгиллигини кузатиб бориши, аҳамияти катта нарсани аҳамияти кам нарсадан фарқлай олиши керак. Худди шу нуқтадан бошлаб таржимоннинг маҳорати намоён бўлади. Бу вазифани муваффақият билан амалга ошириш унун у асарга ижодий ёндашиб, унинг муҳим, характерли томонларини сақлаб, ҳар жиҳатдан оригинал ўрнини боса оладиган, баъзи шаклий белгилари билан аслидан узоқлашган бўлса ҳам, лекин асосий белгилари билан руҳан унга яқин турадиган таржима яратиши талаб қилинади. Аниқ, ижодий таржима шу йўсинда яратилади. Шунинг учун бўлса керак, тадқиқотчиларимиз бу масалага кўп эътибор қилганлар. Ғ.Саломовнинг «Таржима назарияси асослари» дарслиги, «Таржима ташвишлари» номли монографиясида таржима ва таржимонлар услубини қиёсий аспектда ўрганишга кўп саҳифалар ажратилган. «Дўстлик кўприклари», «Таржимон маҳорати» китобларида ҳам турлича товланишдаги услубий ранг-баранглик ва унинг таржимада берилиш муаммолари қараб чиқилган, турли даврларда яшаган шоирларнинг асарлари таҳлилий назардан ўтказилган.

«Таржима санъати» тўпламининг олтита китобида босилган мақолалар билан танишиб чиққанимизда ҳам шунинг гувоҳи бўламизки, олимларимиз ва мунаққид адибларимиз таржимон маҳоратини. асосан, услуб нуқтаи назаридан текшириб, баҳолаганлар. Масалан, 1973 йилда чоп этилган 2-китобдаги Ш.Шомуҳамедовнинг «Ҳам санъат, ҳам илм», Ғ.Саломовнинг «Бадиий таржима хақида ўй ва мулоҳазалар», С.Саломованинг «Шолохов тилининг образлилиги ва буни таржимада акс эттириш», Н.Комиловнинг «Зулфиянинг иккинчи ижоди», 4-китобга кирган Ғ.Саломовнинг «Таржима масалаларини комплекс ўрганиш тажрибаси», А.Ориповнинг «Юзинчи маъно», Н.Владимированинг «Улкан адабий тарихий воқеа», 5-китобдан жой олган А.Мухторнинг «Мураккаб санъат», Байрам Ҳорун ўғли Тоҳирбоевнинг (Боку) «Таржимашунослик фанининг назарий илдизлари», Н.Владимированинг «Ойбекнинг таржимонлик манераси хусусида», 6-китобдаги Н.Комилов ва Т.Жўра ҳамкорлигида ёзилган «Бадиий таржиманинг тараққиёт майллари», З.Исомиддиновнинг

«Сўздан сўзни фарқи бор» каби мақолаларида услуб масаласи турли тиллардаги бадиий матн таҳлили асосида текширилган.

Таржимон услуби масалалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган олимларимиздан бири проф. Нажмиддин Комиловдир. Олимнинг фикрича, муаллиф услуби таржимон орқали воқеликка айланади. Таржимон қанчалик маҳоратли, ёрқин индивидуал услубга эга бўлса, асар жозибасини шунча аниқ бера олиши мумкин. Бунда услублар «чатишуви», «қардошлиги» юз беради. Ҳамма гап асарни юракдан ҳис қилиш, уни севиб қолишда. Н. Комилов «Илоҳий комедия» (А. Орипов) ва «Фауст» (Э. Воҳидов) асарлари таржималарини таҳлил қилиб, шундай хулосага келган.

Таржимонлик фаолияти билан шуғулланган адибларимиздан Э.Воҳидов, А.Орипов, С.Аҳмад, О.Матчон, Р.Парфи, Ш.Раҳмон, Т.Жўра, Х.Даврон, М.Қўшмоқов, Отаёр, С.Раҳмон ва бошқалар ҳам адабиётимизга янги оҳанглар, шеърий ранг-баранг образлар, янги ғоя, пафослар билан ижод қилишган.

Шундай қилиб, муаллифнинг индивидуал услубини таржимада бериш таржимашунослик фанининг асосий масаласи бўлиб келган. Етук олимларимиз бу масалага йирик тадқиқотлар бағишлаб, уни турли томондан ўрганиб чиқдилар. Бу тадқиқот, бир томондан таржимашунослик илмини ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан қиёсий услубшуносликка ҳам ҳисса бўлиб қўшилади.

Таржимашунослик Ўзбекистонда жиддий бир илм сифатида шаклланди. Унинг шаклланиш жараёни, тарихи, сатҳи, қамраб олган ўзига хос масала ва муаммолари борлиги маълум бўлди. Натижада, ўзбек филологияси фанининг ўзи ҳам кенгайиб, бойиб, янги уфқлар сари интилиб бормоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т.: Ўқитувчи. – 1978 й. – 156 б.
2. Ғафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. Т.: Меҳридарё, 2008. – 119 б.


## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ТЕНГЛАМАЛАР ТУШУНЧАСИ


Х.Э. Назаров,
Самарқанд давлат университети, п.ф.н., доцент,
М.Холмуродов,
Самарқанд давлат университети



*Бу мақолада асосан бошланғич синфларда тенглама тушинчасини шакллантириш тенгламалар ечимини дастлаб танлаш усули билан ечиш,сўнгра тенгламаларда компанентлари ўзгариши билан амал натижаларининг ўзгаришига қараб тенгламаларни ечиш йўллари кўрсатиб берилган.*



***Калит сўзлар**: математик белгилар, сонли ифода, сонли тенглик, ўзгарувчили ифода, ўзгарувчили тенглик.*



*В этой статье рассматриваются понятия и формы передачи уравнений в начальной школе. Кроме того, показаны решения и формы передачи переменных уравнений.*



***Ключевые слова**: математические символы, числовые выроожение, числовые равенства, переменное выражение, переменное равенство.*



*This article deals with the concepts and forms of the transfer of equations in elementary school. In addition, solutions and forms for the transmission of variable equations are shown.*



***Key words** mathematical symbols, numerical degeneration, numerical equalities, variable expression, variable equality.*


Математикани бошланғич синфларда ўрганар эканмиз, математик белгилардан тузилган жумлалардан, яъни соф математик тилдаги жумлалардан фойдаланамиз. Масалан, $2\cdot x+3=5$, $6-x=3$, $3\cdot x=9$, $8:x=4$ математик белгилар ёрдамида ёзилган жумлалар.

Маълумки, ҳар қандай жумла сўзлардан, сўзлар эса бирор алфавитдаги ҳарфлардан иборат. Демак, математика тилининг алфавити бўлиши керак. Математика алфавити ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун математикада қандай белгилар учраганини эслайлик. Масалан, ўнлик саноқ системасида сонларни ёзиш учун қуйидаги ўнта рақамлардан фойдаланилади: 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9.

Ўзгарувчиларни, тўплам ва уларнинг элементларини белгилаш учун лотин алфавитининг қуйидаги ҳарфларидан фойдаланилади: a, b, c, z, A, B, C, Z. Математик амалларни ёзиш учун бошланғич синфларда +, –, ·, : ва бошқа белгилардан фойдаланилади.

Математик жумлалар тузиш учун = , >, <, ‖, ⊥ ва бошқа муносабат белгиларидан фойдаланилади. Бундан ташқари ( ), [ ], { }, ( ] , [ ) ва вергуллардан фойдаланилади. Қайд қилинган ҳамма белгилар математик қонун-қоида, исботларни аниқ, қисқа ва бир маъноли тушуниш билан боғлиқ заруратдан вужудга келган математика тилининг алфавитига киради. Математика алфавитидаги белгилардан маълум математик қоидалар бўйича математик жумлалар тузилади. Маьлумки бошланғич синфларда асосан биринчи ва иккинчи босқич амаллари қўлланилади. Яьни биринчи босқич амали қўшиш ва айириш, иккинчи босқич амали кўпайтириш ва бўлишдир.

Маълумки, 3+7, 24:8, 3·2-4, (25+3)·2-17 ёзувлар сонли ифодалар дейилади.

Сонли ифоданинг қийматини ҳисоблашда аввал иккинчи босқич амаллари, сўнгра биринчи босқичамаллари бажарилади. Сонли ифодада кўрсатилган амалларни кетма-кет бажариш натижасида ҳосил бўлган сон сонли ифоданинг қиймати дейилади.

Масалан, 3·2-4 сонли ифоданинг қиймати 2 га тенг.

Сонли қийматга эга бўлмаган ифодалар ҳам мавжуд. Бундай ифодалар маънога эга эмас дейилади. Масалан, 8:(4-4) ифода маънога эга эмас .

Сонли ифодалардан ташқари ўзгарувчили ифодалар мавжуд. Масалан, $2a+3$ ифодада $a$- ҳарфи ўзгарувчи, шунинг учун бундай ифодаларга ўзгарувчили ифодалар дейилади.

Бошланғич синфларда ўзгарувчини белгилаш учун ҳарфлардан ташқари белги ҳам қўлланилади. Масалан, 2+3, 3-1. Бундай ифодалардаги ўзгарувчининг ўрнига қўйиш мумкин бўлган сонлар тўплами эса берилган ифоданинг аниқланиш соҳаси бўлади.

$3\text{-}4y$ ифодада $y$ ўзгарувчи ҳар қандай ҳақиқий қийматларни қабул қилиши мумкин, чунки $y$ нинг ҳар қандай қийматида маънога эга бўлган сонли ифода ҳосил бўлади. Демак, $3\text{-}4y$ ифоданинг аниқланиш соҳаси R бўлади.

Бошланғич синфларда ўқувчилар дастлаб 2+3, 7-4 кўринишдаги сонли ифодалар билан танишадилар, уларни мос ҳолда йиғинди ва айирма деб айтадилар. Сўнгра мураккаброқ кўринишдаги сонли ифодалар пайдо бўлади, аммо “математик ифода” ва “ифоданинг қиймати ” терминлари юз ичида ҳисоблашлар бажарилгандан кейин пайдо бўлади.

Агар иккита сонли ифодалар тенглик белгиси билан бирлаштирилса, сонли тенглик ҳосил бўлади. Масалан, 7+2 ва 10-1 сонли ифодалар тенглик белгиси билан бирлаштирилса, 7+2=10-1 сонли тенглик ҳосил бўлади.

Агар 3+2 ва 7-3 сонли ифодалар тенглик белгиси билан бирлаштирилса, 3+2=7-3 сонли тенглик ҳосил бўлади, бу жумла ёлғон . Шундай қилиб, мантиқий нуқтаи назардан сонли тенглик бу рост ёки ёлғон бўлиши мумкин.

Агар сонли тенгликнинг чап ва ўнг қисмларидаги сонли ифодаларнинг қийматлари бир хил бўлса, сонли тенглик тўғри тенглик бўлади.

Бошланғич синфларда асосан $x+5=7$, $x\text{-}2=7$, $2\cdot x=8$, $8\text{-}x=3$ ва ҳоказо кўринишдаги тенгламалар ўрганилади.

Дастлаб бундай тенгламалар ечимини танлаш йўли билан $x$ ўзгарувчининг қиймати топиб олинади. Ўқувчилар тенгламаларни ечишда ечимини танлаш йўли билан ечиш қийинлик қила бошлаганларидан кейин амаллар компонентлари билан натижалари орасидаги боғланишларни билганлик асосида ечилади.

Қўшиш амали натижалари билан компонентлари орасидаги боғланишларни билганлик асосида тенгламалар ечиш билан биринчи марта ушбу кўринишдаги масалани

ечишда амалга ошади. “Номаълум сонга 32 ни қўшсак , 66 ҳосил бўлади. Номаълум сонни топинг” Масала бўйича $x$+32=66 тенглама тузилади.

Бу тенгламада биринчи қўшилувчи номаълум, уни топиш учун йиғинди 66 дан иккинчи қўшилувчи 32 ни айириш керак. Биринчи қўшилувчи 34 га тенг бўлади.

Бундай мисоллар ($x$+32=66) тенглама деб аталиши ва тенгламадаги номаълум сонни топиш тенгламани ечиш эканлиги ўқувчиларга таъкидланиши лозим.

Тенгламаларни ечишга ўргатишнинг дастлабки босқичлариданоқ, ўқувчиларни тенгламаларни текширишга ўргатилади. Топилган номаълум сон ифодага қўйилади, сўнгра унинг қийматини ҳисоблаб тенгламадаги берилган қиймат билан таққосланади.

Сўнгра, $x$+12=33-7 , $x$+(45-17)=40 ва ҳоказо кўринишдаги тенгламаларни ечишга киришиш лозим.Бундай тенгламаларни ечиш учун ифодадаги амалларни бажарилиш тартибини билиш, шунингдек, ифодаларда энг содда алмаштиришларни бажара олиш укуви зарур.

Масалан, $x$-8=70 +14 тенгламани ечиш учун ўқувчилар аввал 70 ва 14 сонларининг йиғиндисини топиб оладилар ва янги $x$-8=84 тенгламани ҳосил қиладилар. Сўнгра номаълум камайувчини топиш учун 8 айрилувчини айирмага қўшиб, уни ҳисоблайдилар $x$ =92.

Тенглама тўғри ечилганини текшириш учун номаълумнинг топилган қийматини ифодага қўйиб, унинг қиймати ҳисобланади. Агар ифодаларнинг чап ва ўнг томондаги қийматлари тенг бўлса, тенглама тўғри ечилган ҳисобланади.

Компонентлардан бири номаълум сон қатнашган ифода бўлса , масалан, ($x$+8)-13=15, 70+(40-$x$)=90 ва шунга ўхшаш тенгламалар ўқувчилар учун энг мураккаб ҳисобланади. Чунки бундай тенгламаларни номаълум компонентларни топиш қоидаси икки марта қўлланишга тўғри келади. Масалан, (14-$x$)+12=20 тенглама қуйидагича ечилади.

Номаълум сон биринчи қўшилувчининг таркибида, биринчи қўшилувчини топиш учун йиғиндидан иккинчи қўшилувчини айирамиз. Бунда қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$14-x=20-12$$
$$14-x=8$$

Бунда номаълум сон айрилувчи, буни топиш учун камаювчидан айирмани айириш керак.Яьни $x$=14-8

$x$=6 ҳосил бўлади.

Бундай кўринишдаги тенгламаларни ечишда ўқувчилар ифодаларни анализ қилишни ва номаълум компоненталарни топиш қоидаларини яхши билиб оладилар. Шунингдек ўқувчиларга хатоларнинг олдини олишга ва тенгламалар ечиш кўникма малакаларини эгаллашга ёрдам беради.

Мураккаброқ тенгламалар асосан қуйидаги режа асосида ечилиши лозим .

Масалан: 1) :3+180=260 тенгламани ечиш учун энг олдин қайси амал бажарилишини аниқлаш керак . Номаълум сон биринчи қўшилувчи ифода ичида бўлганлиги сабабли, биринчи қўшилувчини топиш учун йиғиндидан иккинчи қўшилувчини айириш керак : $x$:3=260-180.

Натижада $x$:3=80 бўлади. Номаълум бўлинувчи , бўлинмани бўлувчига кўпайтиришга тенг бўлади. Яъни,

$$x:3+180=260$$
$$x:3=260-180$$
$$x:3=80$$
$$x=80\cdot 3$$
$$x=240$$

~~240:3+180=80+180=260~~

2) ($x$-410) :3=150 бундай кўринишдаги тенгламани ечиш учун ҳам , дастлаб қайси амал охирида бажарилишини аниқлаб олиш лозим . Сўнгра номаълум сон қайси амал компоненти таркибига кириши аниқлаб олинади.

Номаълум сон бўлинувчи таркибида, буни топиш учун бўлинмани бўлувчига

кўпайтириш керак. Яьни

$$(x\text{-}410) :3=150$$
$$x\text{-}410 =150\cdot 3$$
$$x\text{-}410=450$$
$$x=450+410$$
$$x=860$$
~~(860-410) :3=450 :3=150~~

Бошланғич математика курсида бир қатор шундай тенгламалар берилганки, уларни ечиш учун арифметик амаллар компонентлари билан натижалари орасидаги боғланишларга доир билимлардан фойдаланиши шарт эмас.

Масалан : 1) $74+5\cdot x=74$ . Бунда йиғинди биринчи қўшилувчига тенг бўлгани учун иккинчи қўшилувчи нолга тенг бўлади: $5\cdot x=0$ , кўпайтма нолга тенг бўлгани учун , биринчи кўпайтувчи нолдан фарқли бўлганлиги сабабли иккинчи кўпайтувчи нолга тенг бўлади. Яъни $x=0$ .

2) $(1+x)\cdot 36=36$. Бундай кўринишдаги тенгламада, кўпайтма иккинчи кўпайтувчига тенг, шу сабабли биринчи кўпайтувчи 1 га тенг.

$1+ x=1$ бунда йиғинди биринчи қўшилувчига тенг, шу сабабли иккинчи қўшилувчи ($x=0$) нолга тенг.

3) $(37\text{-}b) :8=0$ . Бу тенгламада бўлинма нолга тенг, шу сабабли бўлинувчи нолга тенг.

$$37\text{-}b =0$$

айирма нолга тенг бўлгани учун камаювчи айрилувчига тенг бўлади $b=37$.

Бу билимлар ўқувчиларнинг математик тафаккурларини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қойидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. М.Ахмедов, Н.Абдураҳмонов, М.Жумаев. Математика. 1-синф. - Т.: Турон-иқбол”,-2016.
3. Н.Абдураҳмонова, Л.Ўринбоева. Математика. 2-синф. Т.: “Янгийўл Полиграф сервис”, 2016.
4. С.Бурхонов, Ў.Худоёров, Қ.Норқулов. Математика. 3-синф. - Т.: Шарқ, 2016.
5. Н.У.Бикбаева,Е.Янгабоева. Математика. 4-синф. – Т.: Ўқитувчи, 2017.


## ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ НА УРОКАХ ПРИРОДОВЕДЕНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ


М.И.Нуриддинова,
Самаркандский государственный университет, к.б.н., доцент



*В данной статье представлены материалы о экологическом воспитании младщих школьников на уроках природоведения в начальных классах. Приведены данные о экологическом образовании и воспитании, их взаимосвязь, формирование экологического воспитание младших школьников на уроках природоведения.*



***Ключевые слова:*** *экологическое образование, экологическое воспитание, природоведения, методы, урок.*



*Ушбу мақолада бошланғич синф табиатшунослик дарслари жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларга экологик тарбия бериш ҳақида сўз юритилган. Бунда экологик таълим ва тарбия, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва табиатшунослик фанларини ўқитиш жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларга экологик тарбияни шакллантириш усуллари ҳақида фикрлар билдирилади.*



***Калит сўзлар:*** *экологик таълим, экологик тарбия, табиатшунослик, экологик маданият, дарс.*



*This article presents materials on the ecological education of junior schoolchildren at the lessons of*

*natural history inprimary classes. Stotistics on environmental education and upbringing, their interrelation, the formation of ecological education of younger schoolchildren at the lessons of natural histori.*

***Key words:*** *ecological education, ecological, natural history, lesson.*

Экологические проблемы современности являются общечеловеческими, и их диапазон колеблется от уровня местных до глобальных. Актуальность и значимость проблемы позволили ввести экологические материалы в учебные программы среднего и высшего образования, в том числе и в начальных классах.

Воспитание учащейся молодёжи, ее экологическое образование являются приоритетами государственной образовательной политики Республики Узбекистан. Основы формирования гармонично развитого поколения заложены в Законе «Об охране природы», «Об образовании», «Национальной программе по подготовке кадров» и других документах.

Экологическое образование, просвещение и информирование являются одними из приоритетных направлений региональной природоохранной политики. Они реализуются управлением по охране окружающей среды в сотрудничестве с департаментом образования, комитетом по молодежной политике и департаментом культуры и искусства. Общая цель этих направлений - формирование экологической культуры молодежи, как неотъемлемой части общечеловеческой культуры, способствующей здоровому образу жизни, духовному росту общества, устойчивому социально-экономическому развитию, экологической безопасности региона и каждого человека.

Цель экологического образования - формирование осознанной деятельности личности. Задачи профильного экологического образования - обозначить проблемы, выяснить причинно-следственные связи, проанализировать создавшуюся экологическую ситуацию, научитьдумать молодежь глобально, а действовать конкретно. [2;3].

Экологическое образование позволить расширить и углубит знания о взаимосвязях в экосистемах, факторах влияющих на эти взаимосвязи, об огромном биологическом разнообразии его обитателей. Воспитать у современной молодежи чувство патриотизма и ответственности за судьбу этого прекрасного творения Природы. Природа и человек взаимодействуют друг с другом по определенным законам, нарушение которых приводит к необратимым экологическим катастрофам. В результате аналитической деятельности можно прийти к выводу, что необходимо учиться рациональному способу хозяйствования. Но это можно сделать, только вооружившись экологическими знаниями [1] .

Понятие "экологическое воспитание" является, относительно новый в социально-философских, педагогика-психологических науках и в науках о природе. Поэтому пока мало что сделано в определении его сущности и категориального статуса.

Экологическое-воспитание, на наш взгляд, можно определить как процесс систематического, целенаправленного и основанного на научном мировозрении воздействия на человека с целью формирования и развития у него определенных систем чувств, способностей, навыков, представлений, понятий и взглядов, необходимых для сознательного отношения к природе, рационального использования и охраны ее ресурсов в интересах человечества. [1;3].

Экологическое воспитание связано с привлечением широких кругов населения к решению экологических проблем современности, управлению и контролю за процессом обмена веществ между обществом и природой, с активной социальной деятельностью, человека по охране, воспроизводству и рациональному использованию природных ресурсов. Ученые рассматривают экологическое воспитание как основную часть системы воспитания в целом, цель которого- всестороннее развитие личности.

Нам известно, что воспитание в широком смысле слова – это процесс и результат развития личности под воздействием целенаправленного обучения и воспитания. Обучение же – это процесс взаимодействия учителя и учащегося, в ходе которого осуществляется образование человека.

Поэтому чтобы экологическое воспитание не было беспочвенным, обязательно нужно формирование экологического сознания. Экологически образованная личность, зная какой вред природе приносят те или иные действия, формирует свое отношение к этим действиям и решает для себя вопрос об их правомерности. Если человек экологически образован, то норма и правила экологического поведения будут иметь под собой твёрдое основание, и станут убеждениями этого человека.

Исходя из этого, встаёт вопрос: в чем сущность экологического просвещения в начальных классах и какие понятия доступны для воспитания младших школьников?

В начальнкх классах это представления успешно развиваются у учеников в курсе «Окружающий мир» (1-2- класс). Однако наиболее полное развитие они, конечно, должны получать в курсе «Природоведение» (3-4-класс) и предметов природоведческого цикла в старших классах.[1]

Какие же экологические связи устанавливаются на уроках данного курса?

Здесь, на доступном учащимся уровне, рассматриваются связи между неживой и живой природой, между различными компонентами живой природы (растениями, животными), между природой и человеком. Через познание данных связей и отношений ученики изучают окружающий мир и в этом им также помогают экологические связи. Их изучение способствует развитию логического мышления, памяти, воображения, речи.

Постоянное внимание учителя к раскрытию экологических связей значительно повышает интерес учащихся к предмету. При описательном же учении курса интерес у школьников постепенно снижается, это происходит неизбежно, даже в том случае, если учитель привлекает занимательные факты, загадки, пословицы и т.д., поскольку теоретический уровень материала остаётся, по существу, неизменным. Если же при изучении природоведения раскрываются разнообразные и достаточно сложные связи, существующие в природе, теоретический уровень материала повышается, познавательные задачи, поставленные перед учеником, усложняются и это способствует развитию интереса.

Изучение экологических связей, способствует повышению экологической культуры школьников, воспитанию ответственного отношения к природе.Без знания экологических связей трудно представить возможные последствия вмешательства человека в природные процессы. Без этого невозможно полноценное экологическое воспитание школьников.

В курсе природоведениях в начальных классах для развитие экологического воспитание младших школьников можно выделить *три уровня изучения природы*.

*Первый уровень*: объекты природы рассматриваются в их отдельности, без акцентирования внимания на связях между ними. Это важный уровень, без которого изучение последующих уровней будет затруднено, но им нельзя ограничиваться.

*Второй уровень:* объекты природы рассматриваются в их взаимной связи. Например, изучается, чем питаются различные животные, строятся цепи питания.

*Третий уровень*: рассматриваются уже не только предметы природы, а процессы. На предыдущих уровнях изучались предметы, а на этом изменения, которые с ними происходят. Какие природные изменения нас интересуют в природе, прежде всего?

Во-первых: сезонные – в их основе лежит действие природных факторов; во-вторых: изменения, вызванные деятельностью человека. Эти процессы возникают в природе благодаря факторам, которые передаются по цепочке существующих связей.

Третий уровень изучения природы помогает учащимся на основе экологических знаний объяснить явления природы, а в некоторых случаях и предсказать их.

Для полноценного экологического воспитания необходимо изучение природы на всех трех уровнях. Рассмотрим некоторые связи, изучаемые на уроках природоведения. [1,2].

Связи между живой и неживой природой состоят в том, что воздух, вода, свет, минеральные соли являются условиями, необходимыми для жизни живых организмов, изменение в действиях этих факторов определённым образом влияет на организмы. Например, известно, как ярко проявляются способности живых организмов к жизни в воде.

У организмов, обитающих в наземно-воздушной среде, прослеживается очень интересная форма с неживой природой: движение воздуха – ветер служит средством распространения плодов и семян целого ряда растений, а сами эти плоды и семена имеют хорошо заметные приспособительные признаки.

Между живой и неживой природой существуют связи и обратного характера, когда живые организмы оказывают влияние на окружающую и неживую природу. В лесу, благодаря растениям, больше влаги, чем на лугу, в лесу другая температура, другая влажность воздуха.

Почва образованна взаимосвязью неживой и живой природы с живыми организмами. Она занимает как-бы промежуточное положение между неживой и живой природой, служит связующим звеном между ними. Многие полезные ископаемые, которые относятся к неживой природе образовались из остатков живых организмов. Экологические связи внутри живой природы тоже очень разнообразны. Например, деревья, изменяя освещенность, влажность, температуру воздуха под пологом леса, создают определенные условия, благоприятные для одних растений нижних ярусов и неблагоприятные для других. Так называемые сорняки в поле или огороде, поглощают значительную часть влаги, питательных веществ из почвы, затеняя культурные растения, влияя на их рост и развитие, угнетая их.[1].

Между животными разных типов особенно хорошо прослеживаются пищевые связи. Это отраженно в понятиях «насекомоядные животные», «хищные животные». Интересны связи между животными одного вида, например, распределение гнездовой или охотничьей территории, забота взрослых животных о потомстве. Перечисленные виды связей между живой и неживой природой, между компонентами живой природы появляются в лесу, на лугу, в водоёме, благодаря чему последние становятся не просто набором разных растений и животных, а природным сообществом. Очень большое значение имеет раскрытие связей между человеком и природой. Причем, человек рассматривается как часть природы, он существует внутри природы и неотделим от нее.

Связь между человеком и живой природой проявляется, прежде всего, в той многообразной роли, которую природа играет в материальной и духовной жизни людей. Вместе с тем они проявляются и в обратном воздействии человека на природу, которое в свою очередь может быть положительным (охрана природы) и отрицательным (загрязнение воздуха, воды, уничтожение растений, животных и другое). Воздействие человека на природу может быть прямым – сбор дикорастущих растений на букеты, истребление животных на охоте; и косвенным – нарушение местообитания живых организмов, то есть нарушение того состояния живой или неживой природы, которое для данных организмов необходимо: загрязнение воды в реке приводит к гибели рыбы и так далее. Получая определённую систему знаний на уроках «Природоведения», ученики также могут усвоить нормы и правила экологического поведения. Но нормы правила поведения будут плохо усвоены, если не будут учитываться условия экологического воспитания.

*Первое важнейшее условие – экологическое воспитание* учащихся должно проводится в системе, с использованием местного краеведческого материала, с учетом преемственности, постепенного усложнения и углубления отдельных элементов от 1 к 4 классу.

*Второе непременное условие* – надо активно вовлекать младших школьников в посильные для них практические дела по охране местных природных ресурсов. Таких дел очень много: это внутреннее и внешнее озеленение школы, сквера, уход за цветниками, шефство над лесными участками там, где лес находится близко от школы, сбор плодов и семян луговых и древесно-кустарниковых растений, уборка валежника, охрана и подкормка птиц, шефство над памятниками природы в ходе изучения родного края и тому подобное. [2;].

И так, на основе выше изложенного материала можно сделать следующее выводы:

1. Теоретическая основа экологического воспитания основывается на решении задач в

их единстве: обучения и воспитания, развития. Критерием формирования ответственного отношения к окружающей среде является нравственная забота о будущих поколениях. Правильно используя различные методы воспитания, учитель может сформировать экологически грамотную и воспитанную личность.

2. Как известно, воспитание тесно связанно с обучением, поэтому воспитание, основанное на раскрытии конкретных экологических связей, поможет ученику усвоить правила и нормы поведения в природе.

3. Существуют основные правила поведения в природе, которые могут усвоить учащиеся начальных классов. Нельзя навязывать детям эти правила, нужна целенаправленная, продуманная работа для того, чтобы знания перешли в убеждения.

4. Вопросами экологического воспитания и образования младших школьников занимаются многие педагоги современности. Они делают это по-разному. Это происходит от того, что вопрос экологического воспитания сложен и неоднозначен в толковании.

**Список использованной литературы:**

1. Нуриддинова М.И. Бошланғич таълимда экологик тарбия асослари. - Самарқанд: 2003.

2. Нуриддинова М.И. - Экологическое образование и воспитание школьников на уроках природоведения в начальных классах. «Олималарнинг қишлоқ тараққиёт ва фаровонлигини таъминлашдаги роли». Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 10-сентябр 2009-йил, Самарқанд, 2009.

3. Нуриддинова М.И., Шодиева М. - Особенности экологического воспитания. “Таълим муаммолари” журнали, № 1, 2014 йил.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР МАТЕМАТИКА КУРСИГА МАНТИҚИЙ МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

М.Қ.Мамажонова,
Андижон давлат университети,
А.Ахлимирзаев,
Андижон давлат университети, п.ф.н., доцент

*Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг математик қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда мантиқий масалаларнинг аҳамияти ва тутган ўрни, бошланғич синфлар математика курсига киритилиши таклиф этилаётган мантиқий масалалар турлари ва уларни ечиш усуллари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *мантиқий масалалар, ўзаро бир қийматли мослик, тартиб муносабати, гипотеза тузиш, Дирихле принципи.*

*В статье рассматривается роль и место логических задач в формировании и развитии математических способностей учащихся начальных классов, виды логических задач предложенных для включения в курс начальной математики и приемы их решения.*

***Ключевые слова:*** *логические задачи, взаимно–однозначное соответствие, отношение порядка, составление гипотезы, принцип Дирихле.*

*The articledealsthe role and place of logical tasks in the formation and development of mathematical abilities of primary school pupils, the types of logical problems proposed for inclusion in the course of initial mathematics and methods for their solution.*

***Keywords:*** *logical problems, one-to-one correspondence, order relation, hypothesis formulation,Dirichlet principle.*

Бошланғич синфлар математика курсида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ривожлантиришда матнли масалалар ва уларни ечиш муҳим роль ўйнайди. Маълумки, масала шартида қўйилган саволга жавоб бериш учун арифметик амалларни танлаш ва ҳисоблашларни бажариш талаб этиладиган масалалар матнли масалалар дейилади. Лекин

бугунги кунда умумий ўрта таълимнинг янги таълим стандартларига ўтиши муносабати билан ўқувчиларни умуммаданий, шахсий ва билиш фаолиятини ривожлантириш вазифалари қўйилиб, уларнинг ўқув фаолиятини такомиллаштириш, текстли масалалар тушунчаси мазмунини кенгайтириш ва бу масалалар билан бир қаторда комбинаторик, мантиқий масалаларнинг киритилишини тақозо этмоқда.

Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг янги тасдиқланган давлат таълим стандартига асосан математика ўқув фани бўйича умумтаълим мактабларининг бошланғич 4–синф битирувчилари қуйидаги малака талабларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

А1– математика фанини ўрганишнинг бошланғич даражасида: содда амалий, матнли ва мантиқий масалаларни еча олади;

- объектларни хоссалари бўйича тартиблайди ва содда комбинациялар туза олади

А1+ -математика фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражасида: - содда амалий вазиятларда камбинаторик ва мантиқий масалаларни еча олади деб кўрсатилган [1, 36-б.].

Бошланғич синфларда мантиқий масалаларни ечишнинг бошқа масалаларни ечишдан фарқи шундаки, кўп ҳолларда уларнинг ечимини топиш учун бир неча ҳолларни кўриб чиқишга тўғри келади, бу эса ўқувчилардан қўйилган мақсадга эришиш учун сабр-тоқатни талаб этади, яъни шахснинг ирода сифатларини тарбиялашга ёрдам беради.

Методик адабиётларда мантиқий масала тушунчаси турлича талқин этилишини кўришимиз мумкин. В.П.Заесёнок мантиқий масала деб уларни ечиш учун мулоҳазалар устида турли операцияларни бажаришни кўзда тутадиган масалалар деб талқин қилади [2]. Л.П.Стойлова эса мантиқий масалалар – бу шундай масалалардирки, уларни ечишда қўйилган саволга жавобни излаш муҳокама қилиш асосида чиқарилади [3] деб ҳисоблайди. Бундай масалаларни ечишда ҳисоблашларни бажариш ёрдамчи роль ўйнайди ёки, умуман, керак бўлмаслиги ҳам мумкин. Биз ҳам мантиқий масалани ушбу талқинига таянган ҳолда уларнинг шакли, мақсади, мураккаблик даражаси ва ечиш усулларига қараб бошланғич синфлар математика курсига киритилиши мумкин бўлган мантиқий масалаларнинг қуйидаги типларини ва уларни ечиш усулларини кўриб ўтамиз.

1. Тўпламлар ўртасида ўзаро бир қийматли мосликни ўрнатишга доир мантиқий масалалар.

Маълумки *X* тўпламнинг ҳар бири элементига *У* тўпламнинг ягона элементи мос келтирилса ва *У* тўпламнинг ҳар бири элементи *X* тўпламнинг фақат битта элементига мос келса *X* ва *У* тўпламлар орасидаги мослик ўзаро бор қийматли мослик дейилади. Шунинг учун бу типдаги масалаларни ечиш учун тўпламлар элементлари ўртасида талаб этилган мосликни тўғри ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Масала. Синфда ўтказилган шахмат мусобақасида Аҳмад, Ботир, Вали ва Соҳиб иштирок этди. Ботир биринчи ўринни эгалламаганлиги, Соҳиб иккинчи ўринни эгаллаганлиги, Аҳмад эса биринчи ўринни ҳам, охирги ўринни ҳам эгалламаганлиги маълум бўлса, болаларнинг ҳар бири қайси ўринларни эгаллаган?

Ечиш. Масала шартига кўра 2 та: ўқувчилар исмлари тўплами ва ўринлар тўпламига эгамиз. Биринчи тўплам элементларини А, Б,В, ва С нуқталар билан, иккинчи тўплам элементларини 1,2,3,4 сонлар билан, улар ўртасидаги мосликни кесмалар билан белгилаймиз. Агар тўплам элементлари ўртасида қаралаётган мослик ўринли бўлмаса, у ҳолда уларни штрих чизиқлар билан туташтирамиз. Чизмадан Аҳмад фақат 3- ўринни эгаллаганлиги Ботир 4-ўринни эгаллаганлигини кўриш мумкин. Демак, Вали 1-ўринни эгаллаган.




2. Тўплам элементларини тартиблашга доир мантиқий масалалар.

Бу типдаги масалаларни ечишнинг асосида тартиб муносабати тушунчаси ётади: R муносабат X тўпламда бир вақтнинг ўзида антисимметриклик ва транзитивлик хоссаларига эга бўлса, бу муносабат тартиб муносабат дейилади. Агар X тўпламда тартиб муносабати аниқланган бўлса, у ҳолда бу тўплам берилган муносабат ёрдамида тартибланган дейилади. Шунинг учун бу типдаги масалаларни ечишда берилган тўплам элементларини тўғри тартиблаш муҳимдир.

Мисол. Дафтар ручкадан арзон, лекин қаламдан қиммат. Бу предметлар ичида энг қимматини топинг.

Ечиш. Дастлаб масала моделини тузамиз. Бу ҳолда ярим тўғри чизиқ “нарх чизиғи” бўлади. Предметларни ярим тўғри чизиқда мос нуқталар билан белгилаймиз. Бунда арзонроқ предметни ярим тўғри чизиқда чапроқда қиммат предметни, ўнгроқда белгилашга келишиб оламиз.

Тартиб билан ҳар бир шартни тўғри чизиқда белгилаймиз.



- дафтар ручкадан арзон. D нуқта Р нуқтадан чапда жойлашди.



- дафтар қаламдан қиммат бўлса, қалам дафтардан арзон бўлади Қ нуқта D нуқтадан чапда жойлашади.

Ярим тўғри чизиқда энг қиммат предмет Р– ручка эканлиги кўриниб турибди.

3. Энг ёмон ҳолни кўришга доир мантиқий масалалар.

Бу типдаги масалаларни ечишда талаб этилаётган тасдиқ энг ёмон (ноқулай) ҳолат учун тўғри эканлиги исботланса, у ҳолда қолган бошқа барча ҳоллар учун у албатта доимо ўринли бўлади. Шунинг учун бундай масалаларни ечишда энг муҳими- бу энг ёмон ҳолатни тўғри аниқлашдан иборат бўлади.

Масала. Халтада 6 та оқ ва 3 та қора шар бор. Халтадан энг кам сондаги нечта шарлар олинганда, улар орасида, албатта:

1) ҳеч бўлмаганда, камида битта оқ шар;
2) ҳеч бўлмаганда, камида битта қора шар;
3) ҳеч бўлмаганда, камида битта оқ ва камида битта қора шар бўлади.

Ечиш. 1) Равшанки бу ерда энг ёмон ҳол бу биз халтадан доимо қора шарларни тортиб олишимиз бўлади. Бунда 3 та шарни тортиб олганимиздан кейин ҳам биз оқ шарни тортиб ололмаймиз. Лекин 4 та шарни тортиб олсак, бу 4 та шарлардан ҳеч бўлмаганда, камида, 1 таси оқ шар бўлади.

4. Кечиб ўтишга доир мантиқий масалалар.

Бу типдаги масалалар дарёнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига ўтказиб қўйишни назарда тутиб, бунда муаммо сузадиган воситаларнинг етишмаслиги, уларнинг юк кўтариш пассажирлари сони ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бу типдаги масалаларни ечишда гипотезалар билан ишлаш усуллари: гипотезаларни тузиш, уларни текшириш ва тахлил қилишдан кенг фойдаланилади.

Масала. Ота иккита ўғли билан дарёдан ўтиши керак. Қирғоқда битта қайиқ бўлиб, у фақат отани ёки иккита ўғилни кўтара олади, холос. Ота билан ўғиллар қандай қилиб дарёнинг у томонига ўтиши мумкин.

Ечиш. Дарёдан ўтишни нимадан бошлаш кераклигини аниқлаш учун иккита гипотезани таклиф этамиз:

А – ота дарёдан ўтади;

Б – 2 та ўғил дарёдан ўтади.

А гипотезани текширамиз. Агар ота дарёдан ўтса, қайиқ дарёнинг бошқа қирғоғида бўлади, ўғиллар дарёдан ўтиша олмайди. Демак, А гипотеза чин эмас, уни ўчирамиз.

Б гипотезани текширамиз. Агар иккала ўғил дарёдан ўтса, кема дарёнинг бошқа қирғоғида бўлади. Кемани орқага қайтариш керак, буни эса ўғиллардан бири бажаради. Демак, Б гипотеза чин. Демак биринчи рейс билан 2 та ўғил дарёдан ўтади. Иккинчи рейс билан дарёдан ким ўтиши кераклигини аниқлаш учун янги гипотеза таклиф этамиз:

А – ўғил дарёдан ўтади;

Б – ота дарёдан ўтади.

Гипотезаларни текшириш натижасида А гипотеза чин эмаслигига, Б – гипотеза чин эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Демак, иккинчи рейс билан ота дарёдан ўтади.

Қайиқни ортига қайтаришни ўғил амалга оширади. Охирги рейс билан иккала ўғил бола дарёнинг бошқа қирғоғига ўтади.

5. Тортишга доир мантиқий масалалар.

Бу типдаги масалаларни ечиш асосида у ёки бу фактни ўрнатиш( ҳақиқий тангалар ичидан қалбаки тангани аниқлаш, массасига кўра юкларни тартиблаш ва бошқалар) тошсиз, паллали тарозида амалга оширилади. Кўп ҳолларда тортилаётган объектлар сифатида тангалар ишлатилиб, талаб этилаётган фактни кўрсатилган миқдорда тортишлар бажариб аниқлаш ёки кўрсатилган фактни ўрнатиш учун минимал тортишлар сонини топиш масалалари кўрилади.

Масала. Учта танганиннг биттаса қалбаки. У бошқа тангалардан енгил. Тошсиз, паллали тарозида бир марта тортиш орқали қалбаки тангани қандай аниқласа бўлади?

Ечиш. Тарозининг ҳар бир палласига биттадан тангани қўямиз. Тангани тортишда қуйидаги икки ҳол бўлиши мумкин.

1 – ҳол. Тарози палласига қўйилган тангалар бир хил оғирликка эга. Бу ҳолда уларнинг иккаласи, ҳақиқий тангалар бўлиб, бир четга олиб қўйилган танга қалбаки бўлади.

2 – ҳол. Тарозининг бир палласига қўйилган танга енгил бўлиб, у қалбаки бўлади.

6. Дирихле принципига асосланган ҳолда ечиладиган мантиқий масалалар.

Дирихле принципи берилган хоссаларга эга бўлган объектнинг мавжудлигини билвосита исботлашда қўлланиладиган мантиқий усуллардан бири бўлиб, унинг мазмуни қуйидагичадир: n та яшикка сони n дан ортиқ бўлган предметлар жойлаштирилса, у ҳолда шундай яшик топиладики, унда биттадан ортиқ предмет жойлашади.

Дирихле принципини қўллаб мантиқий масалаларни ечиш учун масала шартида “яшик” лар нимани англатиши ва уларга жойлаштирилаётган “предметлар” нимани англатишини тушуниб етиш муҳимдир.

Масала. Синфда 25 та ўқувчи бор. Уларнинг ичидан туғилган куни бир ойда бўлган 3 та ўқувчи топилишини исботланг.

Ечиш. Масала шартида “яшик”лар бу ойлар сони бўлиб, “предметлар” эса синфдаги ўқувчилар сонидир. Календар йилда 12 ой бўлгани учун, ҳар ойда туғилган ўқувчилар сони 2 та десак, у ҳолда уларнинг барчаси 24 та ўқувчи бўлади. Демак 25 - ўқувчи туғилган куни бир ойда бўлган 3 – ўқувчи бўлади.

Мантиқий масалаларда келтирилган ҳолатлар, вазиятларни тахлил этиш асосида ўқувчилар зарурий ахборотни излаш ва ажратиш кўникмаларини эгаллайдилар, масалани шартида келтирилган объектларни муҳим ва муҳим бўлмаган белгилари бўйича ажратиш тажрибасига эга бўладилар. Масалалар ечимини излаш босқичида уларда сабаб-оқибат боғланишларини ўрнатиш, мулоҳаза қилишнинг мантиқий занжирини қуриш, конкрет шартларга таянган ҳолда масаланинг энг қулай самарали ечиш усулларини танлаш, муаммо қўйиш ва уни ифодалаш каби ўқув фаолиятининг хусусиятларини ривожлантиради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори. lex. uz./pages/ getpage.aspx?/ act/id =3153714 – (Мурожаат санаси: 05.03.2018).

2. Заесёнок В.П. Эвристические приёмы решения логических задач. Математика в школе. – 2005.

3. Математика. Сборник задач: учеб.пособие для студ. учреждений высш.проф.образования/ [Л.П.Стойлова, Е.А.Конобеева, Т.А.Конобеева, И.В.Шадрина]. - М.: Издательский центр “Академия”, 2012.-240с. – (Сер.Бакалавриат).

# САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ ИЖОДИДА ИЛМ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Б.М.Мухитдинова,
Самарқанд давлат университети, ф.ф.н., доцент

*Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган, олим ва шоир Сайидаҳмад Васлий Самарқандийнинг давр ижтимоий масалаларига муносабати ҳамда маърифатпарварлик, таълим ва тарбия, илм ўрганиш, ёшларни зукко ва доно қилиб тарбиялаш масалалари ёритилиб берилади.*

***Калит сўзлар:*** *давр, мадраса, таълим ва тарбия, илм-маърифат, мударрис, хат ва савод.*

*В статье освещаются вопросы отношения поэта конца XIX – начала XX века Сайидахмада Васли Самарканди к социальным проблемам современного ему общества и личности. Поэт также) (своих произведениях выражает мысли о просветительской деятольности, об обучении и воспитании молодого поколения, о формировании у них широкого мировоззрения.*

***Ключевые слова****: период, медресе, обучение и воспитание, наука и духовность, мударрис, писменность и грамота.*

*The article is about scientist and poet Saidahmad Vasli Samarkandi's works whu lired at the end of XIX - in the beginning of XX century on relations to social problems of that period, issuet about upbringing the youth as clever and wife, studying, education and upbringing.*

***Key words:*** *period, madrassah, education and upbringing, mudarris, letter and clerkship.*

1905 йилда содир бўлган инқилобий ҳаракат барча аҳли илм ва «аҳли фаҳм» зиёлиларни сиёсий мақолалар билан матбуотда қатнашиб, давлат тузуми ва жамият ҳаёти муаммолари ҳақида фикр юритишга, имконият бўлганда эса, фаол ҳаракат қилишга даъват этди. Шу давр шоирлари ва ёзувчилари ижодининг асосий мавзуси «Ватан харобасининг ислоҳига интизорлик», Ватан, миллат, халқ келажагига умид кўзи билан қарашдан иборат эди. Улар янги бир ҳаётни, миллатнинг боши сарбаланд, онги равшан, ҳаёти фаровон жамиятни орзу қилар эканлар, бундай ҳаётга эришиш йўлини фақат халқ орасида маориф ва илғор маданиятни тарқатиш, уйқудаги авомни илму фан ёрдамида уйғотиш, кўзини очиш орқали амалга ошириш мумкинлигини оташнафаслик билан тарғиб этадилар.

Жадидларнинг асосий эътибори асрлар давомида эзилиб, ижтимоий-маданий савияси ачинарли ҳолда қолган, иқтисодий аҳволи эса чидаб бўлмас даражада бўлган меҳнат аҳлининг шароитини яхшилаш, уни маърифат ва маданиятга ошно қилиш орқали бахт ва фаровонлик йўлига олиб чиқишга қаратилган эди. Жадидлар очган ўнлаб мактаблар кенг халқ оммаси ўртасида илм-фанга бўлган қизиқишни оширди. Улар ўзларининг адабий ижодлари билан илм-фан ва маданият йўлидаги курашга катта куч сарфладилар.

XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган, ижодий мероси ҳануз жиддий тадқиқ этилмаган олим ва шоир Сайидаҳмад Васлий Самарқандий ўзининг сермаҳсул ва баракали ижоди билан адабиётимизнинг маърифатпарварлик ва анъанавий йўналишдаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Васлий Самарқандий Туркистон миллати бўлмиш мусулмонларни тараққий этаётган халқлардан орқага қолдираётган нарса жаҳолат, деб тушунади. У «жаҳолат дардига фақат маърифат билангина даво қилмоқ мумкин», деган хулосага келади. «Ҳар давлат ва миллатни тараққийсини энг боши илмдур. Илмсиз тоифа мевасиз дарахт каби эрур», деб ёзади шоир «Туркистон вилояти газети»нинг 1904 йил 2-сентябрь [1; 7-б.] сонида босилган «Самарқанд рус-тузем мактаби» номли мақоласида. Унинг фикрича, ҳар бир давлат маориф тизими, хусусан, бошланғич мактаблар аҳволидан яхши хабардор бўлмоғи, бу соҳанинг иқтисодий таъминотида ҳиммат кўрсатмоғи, аҳолининг барча табақалари фарзандларини, албатта, ўқитиш лозимлигига тарғиб ва ташвиқ қилмоғи зарурдир. Васлий тажрибали мударрис ва мураббий сифатида давлат раҳбарлари мактаб дастурлари ва мактабдор домлаларни вақт-вақти билан текшириб, имтиҳон қилиб туришлари лозимки, токи улар халқнинг фарзандларини «жоҳил, нодон ва ашрор» қилиб қўймасунлар, деб ҳисоблайди.

Васлий ушбу мақоласида ҳукумат таълим тизимининг фаолият дастурини чизиб

беради. «Ҳукмдор катталаримиз мактаб аҳволидан огоҳ бўлсалар лозимдур. Ҳар маҳалл, масалан, юз бола бўлса, зўрға тўққизи мактабға келур, боқий тўқсон бири жоҳил ва нодон қолур. Жоҳил ва нодон киши ҳеч ёмон ишдан қайтмас. Катталар буюрсунлар, ҳар маҳаллани бошлиси мактаблардин огоҳ бўлиб, маҳалладаги болаларни мактабга ташвиқ қилсунлар», дея таъкид этади шоир. Шоирнинг кўрсатмаларига кўра, бечора ва қашшоқ кишиларнинг фарзандларига ҳам раҳм-шафқат қилиниб, «хайрот» берилиб, ўқитиш лозим", деб қайд этади.

Шоирнинг фикрига кўра, туркистонликлар учун авлоди ватанни тарбият этмоқ лозим, бунинг учун эса эркакларни илм ва фан арбоблари қилиб етиштирмоқ чорасини кўриш керак. Бунинг учун эса «Ҳамма авлоди ислом ва рижоли кироманни ғоят иҳтимом ила мактабларга кирмаклари лозим ва фарз англаб, зарурий ва мажбурий этиб, бошдан енгил осон тариқ ила таълим этмакни вожиботдан билиб, бу матлаб учун бу дастурнинг жамъи мадориси билоди Туркистонға баробар жорий этмакни лозим билса керак».

Васлий маориф тизими ислоҳотининг барча жабҳаларида амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан мулоҳазаларини баён этади. Унингча, маориф ислоҳоти фақат давлат ёки шу соҳа мутахассисларининг вазифаси эмас, балки барча тоифа кишиларининг бурчидур. Шоирнинг куюниб ёзишича, ҳар қайси мулла шаҳар ва қишлоқлардаги ўқитиш тизимига ўзи билганича бирор янгиликни киритиб юбормоқда.

Бу тартибсизликка барҳам бериш учун Васлий маориф ташкилотлари эътиборига қуйидаги 10 мулоҳазани таклиф этади:

1) муддати таҳсил неча сана бўлмоғи керак?
2) ҳар санада неча ой таҳсил айёми бўлур?
3) ҳар ҳафтада неча кун дарс ўқилур?
4) ҳар таҳсил кунлари неча дарс ўқулса нофеъ бўлур?
5) бир сана ўқутулмуш китобнинг неча дарсға таҳсил топиши лозим?
6) ҳар дарснинг миқдори неча сатр ва ёки саҳифа бўлмаки вожиб?
7) шогирдларнинг тушунмаклари лозимми ёки дарсхонага кириб чиқса бўлурму?
8) мадрасаларға шогирдни маълумотлиқ қилмаклари вожибми ёки кун ўткариб шогирдларни бошқа ишларға мардикор қилсалар жойизми?
9) ижозат олиб хатмкарда бўлмак учун расмий дарсларни билмак, улум ва фунунға олим бўлмоқ лозимми ёки бир вақт жамоаға шерик ад-дарс бўлиб келиб-кетиб, уч-тўрт сўм бериб, Муллаи Жалолхон бўлса кифоями?
10) ҳар ким ўз бошича умр кечуруб, вақфларни еб, мударрисман деб юрса бўлурму ёки улуғ уламолар ва ҳукумат тарафларидан назорат ва таҳқиқ фарзми? [2; 392-394-б].

Кўринадики, Васлий юртимизда маориф тизимини ислоҳ қилиш ва уни энг демократик тамойиллар асосида қайта қуриш учун бугунги кун жаҳон таълим стандартлари даражасидаги таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлаган. Васлийнинг ушбу мулоҳазалари барча даврлар учун замонавийлиги, амалий жиҳатдан қулайлиги ва умумжамоа манфаатлари учун холисона баён этилганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Маориф соҳасидаги қарашларини изчил ривожлантира борган шоир кетма-кет турли жанрлардаги асарларни ижод этаверади. У «Ал-Ислоҳ»нинг кейинги сонларидан бирида «Ислоҳи тадрис ҳақинда» сарлавҳали мусаддасини эълон қилади. Мусаддас 8 банддан иборат бўлиб, маърифий ва танқидий фикрлардан иборат. Шоир бу шеър воситаси билан ўлка маориф тизимига жиддий ўзгартиришлар киритилмоғи лозимлигини қаттиқроқ таъкидлайди [3; 514-516-б].

Васлий ўзининг маориф тизими хусусидаги фикрларини «Ал-Ислоҳ»дан ташқари ўз даври матбуоти нашрларидан «Садои Фарғона», «Ойна» каби журналлар саҳифаларида эълон қилган мақолаларида ҳам ривожлантиради. «Жарида ва усули жадид» деб номланган мақоласида шоир жариданинг миллат ва уммат тараққийси учун нималар қилмоғи лозимлиги, бу соҳада жарида фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар хусусида фикр юритади. Шоир жарида саҳифаларида берилаётган баъзи мақолаларни кескин танқид қилар экан, бу ҳодиса нашрнинг обрўсини тушириб юборишидан хавотир қилади. «Янги

шаклдаги мактабларнинг айблари шудирки,- дейди Báслий, – улардаги баъзи манфаатпараст муаллимлар ўз мактабларини шогирдларига тарғиб қилиш ниятида ўта муболаға билан мақтаб, мадраса арбоблари ва мударрисларни таҳқир қиладилар - деб ёзади шоир, - Ҳолбуки, булар бир хат ва савод муаллимидурлар». Шоир бир ватанпарвар сифатида, жариданинг ўқувчи қўлига етиб бориши учун ҳам жон куйдиради. У мадрасаларда муштарийлар пайдо бўлишини истайди [4; №80].

Васлийнинг «Туҳфатул-аҳбоб» девонида ҳам иккита дидактик мавзудаги катта ҳажмдаги шеърлар киритилган. Улардан бири «Ўқуғучи бир бола оғзидан» деб номланиб,

*Мен бир боламен ўзгинам ёш,*
*Ёшимға ярошти ушбу кенгош [5; 120-б].*

байти билан бошланади. Иккинчиси эса, «Мактабға муҳаббатлик бола», деб номланган бўлиб, бу асар ҳам бола тилидан келтирилган байтлар билан бошланади:

*Борармен эрта бирлан мактабимға,*
*Борубон ўлтуруб ўз мансабимға [5; 121-б].*

Маснавий шаклида ёзилган бу икки шеър бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради. «Ўқуғувчи бир бола оғзидин» шеъри 17 байтдан иборат. Унда илм олишнинг аҳамияти, мактаб тарбиясининг ҳаёт учун, инсон камолоти учун зарурлиги уқтирилади. Шоир ёзади:

*Кичкиналик замонда ҳар кас,*
*Ўз бошича бир нимарса билмас.*
*Ёш-ёш болаларки билмаюрлар,*
*Мактаб сориға қадам қўюрлар.*
*Мактабда билурлар ҳар на лозим,*
*Устодга бўлсалар мулозим [5; 120-б].*

Бола қалбининг мактабга, илмга ташналиги, устоз-муаллимдан миннатдорлиги, китобга муҳаббати 20 байтлик иккинчи шеърда яна ҳам равшанроқ ва таъсирчанроқ тасвирланган. Бола мактабга бир қувонч, шодлик билан интилади:

*Тўлур мактабда кўнглум шодликдин,*
*Бўлурман шод бу ободлиқдин…*
*Ўқумоқни чунон яхши кўрурман,*
*Ки ҳар дарсимда бир шайъ ўрганурман [5; 121-б].*

Бола ўз устозларини ота-онасидай яхши кўради, чунки устозлари меҳр билан илм ўргатадилар, ақлини пешлаб саводхон қиладилар, бола олим бўлиш, оламни таниш иштиёқида ёнади. Васлийнинг фикрича, турли билимлардан хабардор бўлиш лозим. Бола тилидан келтиради:

*Манга ҳар нарса билмақ бўлса вожиб,*
*На вожиб, балки ҳар илми муносиб.*

Боланинг илм хазинаси – китобга муносабати қуйидагича тасвирланади:

*Яна яхши кўрарман китобим,*
*Китобимдур чароғим, офтобим.*
*Анинг нури ила кўнглумдадур нур,*
*Китобим жаннату қоғозлари ҳур[5; 121-б].*

Шоир танлаган усул, яъни мактаб боласининг тилидан сўзлаши ўзига хос тарғиб-ташвиқ усули эди. Чунки кўп болалар саводсиз, мактабларга бормас, илму адабдан, демак, замондан бехабар умр ўткарарди. Мақсад ана шу болаларни мактабларга жалб этиш, миллат келажаги бўлган ёшлар қалбига илм нурини киритиш эди. Васлий ҳар икки шеърда ҳам илмсевар боланинг ўзига хос образини яратган деса бўлади. Шубҳасиз, бунда маориф жонкуяри, илму ирфон орқали халқни уйғотишга бел боғлаган одамнинг интилишлари, пок нияти ўз аксини топган. Шу тариқа шоир ҳар бандни замонаси кишиларининг нуқсонини баён қилиш билан бошлаб, афсус-надоматлар чекиб, бу иллатларнинг сабабини очиб кўрсатишга интилади. Ғафлат, нодонлик, илмсизликнинг ҳалокатли оқибатларини излайди. «Мактаблар ичра бир гўзал авлод» йўқлиги, шу учун ривожу равнақ тўхтагани, «миллатнинг инқирозига бу бир гувоҳ» эканлигини ачиниб ёзади. Шоирнинг кузатишлари

реал ҳаётнинг инъикоси эканлигини шу ҳам тасдиқлайдики, «ўн минг нафарнинг бир нафари ўлди аҳли илм, ул ҳам ҳамиша мотам андуҳ ила низор». Яъни, ўқимишли, саводхон, оқ-қорани таниганлар жуда кам, лекин шулар ҳам хору зор яшамоқда.

Враслийнинг бу фикрлари Фитрат, Беҳбудий, Чўлпон, Ажзий каби тараққийпарвар зиёлилар қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Васлий жаҳолатни, илмсизликни миллат, халқнинг душмани, деб билади. Бу масалани шоир ўзининг туркий ва форсий шеъриятида изчил давом эттирди. У ўзининг «Армуғони дўстон» деб номланган форсий девонида мазкур мавзудаги фикр-мулоҳазаларини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиб, деярли ҳеч қандай ўзгариш сезмагач, бевосита ҳар бир толиби илмнинг ўзига мурожаат этади. Шоир толибга ҳар бир китоб ва рўзномалардан ширин қиссаларнинг дилкаш маъноларини ўрганиб олмоғи зарур эканлигини уқтиради:

*Аз ҳар китоб маънии дилкаш ту хонда дон,*
*В-аз ҳар қарида қиссаи ширин шунида гир [6; 43-б].*

Миллатни тўғри йўлга солмоқ учун эса уни маърифатли қилиш зарур. Аммо Васлийнинг назарида ўқитиш тизими носоз ва аҳли муаллиму мударрис ҳануз жаҳолат ботқоғидан чиқа олмаётирлар:

*Расидаем ба жое зи фарти ғафлату жаҳл,*
*Касе ба равнақи миллат накард саъйи салис [6; 51-б].*

Мазмуни: жаҳолат ва нодонликдан шу даражага етибмизким, ҳеч бир киши миллатимиз ривожу равнақи учун саъю-ҳаракат қилиб курашмайди.

Васлий девонидан жуда кўп мавзулардаги шеърлар жой олган бўлишига қарамай, асосий – етакчи мавзу таълим ва тарбия, илм ўрганиш, ёшларни зукко ва доно қилиб тарбиялаш масаласи бўлиб қолаверади. Шоир турли муносабат билан бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этаверади. Маърифатпарварлик ҳамиша, ҳамма замонда долзарбдир. Бу мустақилликка эришган Ўзбекистон учун ҳозир ҳам биринчи даражали вазифа бўлиб ҳисобланаётгани, давлат бунга алоҳида аҳамият бериб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилгани бунинг исботи ҳисобланади. Шу боис, бемалол айтиш мумкинки, XIX аср охири XX аср бошларидаги Миллий уйғониш даври арбоблари, жумладан, Васлий Самарқандий асарларини ўрганиш ҳозирги ёш авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Васлий Самарқандий. Самарқанд рус-тузем мактаби // Туркистон вилоятининг газети. 1904. – №35. – Б. 7.
2. Васлий Самарқандий. Ҳиммате ар-Рижол тақое ул-жабал // Ал-Ислоҳ. 1915. – №13. – Б. 392-394.
3. Васлий Самарқандий. Ислоҳи тадрис ҳақинда // Ал-Ислоҳ. 1915. – №17. – Б. 514-516.
4. Васлий Самарқандий. Жарида ва усули жадид // Садои Фарғона. 1914. – №80.
5. Васлий Самарқандий. Туҳфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913.
6. Васлий Самарқандий. Армуғони дўстон. – Самарқанд: Демуров матбааси, 1909.


## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА НЕМИС ТИЛИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ


М.Бегматов.
Самарқанд давлат университети, п.ф.н., доцент,
А. Ҳасанов,
Самарқанд давлат университети



*Ушбу мақола бошланғич синфларда немис тилидан амалий машғулотларни ташкил этишда*

*инновацион педагогик технологияланинг аҳамиятини кўрсатишга бағишланган. Мақолада интерфаол усуллар ёрдамида ўқувчиларга немис тилини ўргатиш, қизиқишларини ошириш, мулоқотни шакллантириш масалалари ёритиб берилган.*
***Калит сўзлар:*** *инновацион технология, интерфаол, таълим, аҳамият, хорижий тил, мулоқот*
*Данная статья посвящена значению инновационных педагогических технологий в организации практических занятий по немецкому языку в начальных классах. В статье освещены вопросы обучения учащихся немецкому языку при помощи интерактивных методов, повышения интересов учащихся к немецкому языку и формированию общения.*
***Ключевые слова:*** *инновационная технология, интеактивной обучение, значение, иностранный язык, общение.*
*The given article describes the significance of innovative pedagogic technologies use in German language practical lessons, elementary classes. The issues of teaching pupils German language with the help of interactive methods are disclosed in the article, as well as the increase of students' interests in learning German language and communication formation.*
***Keywords:*** *innovative, technology, interactive, education, significance, foreign language, communication.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида ўйин тарзидаги ва оғзаки нутқни ўстириш дарсларини ташкил этиш кўзда тутилган. Таълимнинг кейинги босқичларида бундай дарслар такомиллаштирилиб борилади, ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ҳам ошиб боради. Дастлаб ўйин тарзидаги дарсларда асосан турли рангли расмлардан фойдаланилса, кейинги босқичларда ўқувчиларга мулоқотга киришиш ўргатиб борилади. Чет тили дарсларини ташкил этиш, уни самарали усуллар билан олиб бориш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Ўқувчилар билан мулоқотга киришиш анча қийинчиликлар туғдиради.

Жаҳон таълими тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, жамият тараққиёти шу жараёнда жорий этилган таълим тизимининг ривожи ва такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидагиислоҳотнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади» [1, 62-б].

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари педагогик технологияларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, асл моҳиятини англаб етиш, афзаллик жиҳатларини аниқлаш ва ниҳоят, амалиётга татбиқ этишга киришилган давр сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда педагогик технологияларнинг тарафдорлари, тарғиботчилари, назариётчилари билан бир қаторда амалиётчилари ҳам шаклландилар. Ўзбек олимларидан Азизхўжаева Н., Йўлдошев Ж., Очилов М., Шодиев Н., Сайидаҳмедов Н., Толипов Ў., Фарберман Б.Л., Ғозиев Э., Нишоналиев У. ва бошқалар инновацион педагогик технологияларнинг мамлакатимиз таълим тизимига мос жиҳатларини ишлаб чиқдилар.

Айниқса, Ж. Йўлдошев, М. Очилов, Н.Шодиев, Н.Сайидаҳмедов, Ў.Толипов, Б.Л.Фарберман кабилар чет элларда кенг тарқалган инновацион технологияларни ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича қилган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўқитишнинг инновацион технологиялари ва уларни педагогик амалиётда қўллаш механизмлари ўтган асрнинг саксонинчи йилларида АҚШ педагоглари Ж.Стил, К.Мередис, Ч.Темплар томонидан яратилган, ана шунга кўра микрогуруҳлар, мунозара, кластер, синквейн, ақлий ҳужум каби олтмишдан зиёд интерфаол усуллар тавсия этилган. Бу усуллар таълим жараёнида қўлланилишининг соддалиги ва ўқувчиларни юқори интеллектуаллик даражаларида фикрлашга ундашлари билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам, улар жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар таълим тизимида самарали қўлланмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз таълим тизимида муаммоли ўқитиш технологиясини қўллаш бўйича муайян тажрибалар ҳам тўпланган. Булар эса, таълим жараёнида интерфаол усуллардан оқилона фойдаланишнинг илмий-услубий асослари бўлиб ҳисобланиши мумкин. Интерфаол усуллардан оқилона фойдаланиш таълим жараёнига жўшқинлик, изланувчанлик кайфиятини бахш этади, ўқувчиларда ўз имкониятларига ишонч ва ўз меҳнати натижасидан мамнунлик ҳиссини вужудга келтиради, билишга оид қизиқишларини янада орттиради. Булар эса, таълим жараёнида ўқувчилар шахси баркамоллашувининг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланиши табиийдир. Таъкидлаш лозимки, замонавий дарснинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишлари, микрогуруҳлар таркибида фаол ишлашларини таъминланиши, ўқитувчи эса, уларга маслаҳат берувчи, йўлловчи, уларнинг билиш фаолиятларини бошқарувчи вазифаларини бажариши ва ҳатто, ўқувчилар (микрогуруҳлар) фаолиятини баҳолашни ҳам эксперт гуруҳи ихтиёрига ўтказишга эришиши даркор. Умуман олганда, замонавий дарсда ўқитувчи ҳукмрон, ахборот берувчи ягона манбаа эмас, балки ўқувчиларнинг мустақил ўқиб-ўрганишларини осонлаштирувчи, уларнинг билиш фаолиятлари учун қулай шароит яратувчи шахс бўлиши лозим.

Маълумки, бошланғич синфларда ўқитиш жараёнида бола ҳар куни ўзи учун нотаниш бўлган нарса ва ходисаларга дуч келади. Педагогнинг вазифаси болалардаги билимларни мунтазам равишда ошириб бориш, уларни тартибга солиш, аниқлаштиришдир. Бола теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, баъзи сифатлари ва асослари ҳақида, уларнинг қайси материаллардан тайёрланганлиги тўғрисидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Улар табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қонуниятларини билиб оладилар. Билимларни эгаллаб бориш натижасида боланинг шахси ҳам шаклланиб боради. Бола санъатнинг ҳар хил турлари тўғрисидаги тасаввур ва тушунчани эгаллаб олади. Мана шу реал билимларни эгаллаши натижасида болада теварак-атрофни объектив тушунишнинг таркибий қисмлари шаклланади. Теварак атроф, буюм ва нарсалар боланинг сезги органларига, яъни анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларга айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Сезги атроф-муҳитни билишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Болаларнинг билимларни эгаллаб олишлари уларнинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, ақлий малака ва кўникма эгаллаб олишлари, уларнинг мактабда муваффақиятли ўқишлари учун, бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишда, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқотда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бундай мулоқот жараёнида турли ахборотлар узатилади, ўз навбатида ахборотни қабул қилиб олган ўқувчи ушбу ахборотга ўз муносабатини билдириши талаб қилинади. Таъкидлаш керакки, чет тили дарсларида ташкил этиладиган мулоқот ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилишни, уни изчиллик билан бошқаришни, ўқитувчининг ўқувчи билан, ўқувчининг ўқувчи билан ўзаро фикр алмашувини ҳамда ана шу мураккаб жараёнда ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакаларини шакллантиришни, уларни ривожлантиришни кўзда тутади.

Таъкидлаш керакки, кўпчилик олимлар мулоқот функцияларини икки гуруҳини: ижтимоий ва ижтимоий-психологик, баъзилари эса уч гуруҳини: информацион-коммуникатив, релацион - коммуникатив, эффектив - коммуникатив, яна бошқалари билим берувчи, эмоционал ва тарбиявий вазифаларни кўрсатиб ўтадилар. Бизнинг фикримизча, умумий таълим мактаблари шароитида ўқув дарсликлари ва қўлланмаларида ифодаланган таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда мулоқотнинг уч асосий ва муҳим вазифасини: таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажаришда дарс жараёнида қўлланадиган дидактик ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Дарсда дидактик сўзлар ўйинини ташкил этилиши ва унинг муваффақиятли ўтказилиши ўқувчилар онгли фаолиятининг фаоллашуви, билимларни пухта эгаллаш воситаси сифатида муҳим рол ўйнайди, шунингдек, ўқувчиларнинг чет тилига бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади. Бундай ўйинларда иштирок этиш ўқувчиларда

жамоа бўлиб ишлаш, дўстона муносабатда бўлиш, диққат-эътиборини жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш хусусиятларини шакллантиради ва ривожлантиради. Дарс жараёнида дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг чет тилидаги нутқни эшитиш, ундан хулоса чиқариш қобилиятларини тарбиялайди, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини оширади.

Тўғри ташкил этилган дидактик ўйинлар хорижий тилнинг фонетикасини ўрганиш жараёнида ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда ўқувчилар мураккаб тил ҳодисаларини ўзлаштиришлари лозим бўлади, масалан, товуш, ҳарф, бўғин, сўз, гап каби тушунчаларни англаб етиши талаб қилинади, адабий талаффуз қоидаларига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ўйинларни ўқувчилар синфларида гуруҳларга бўлиниб ва қаторлар ўртасида ўтказиш мумкин.

Масалан:

а) *Ким тўғри талаффуз қилади?* Ўқитувчи томонидан карточкаларга ёзилган сўзлар кўрсатилади, турли рангли расмлар намоиш қилинади, улардаги нарсалар номлари чет тилида айтилиши талаб қилинади, уларнинг тўғри талаффуз қилиниши назорат қилинади. Қайси гуруҳ тўғри ва аниқ талаффуз қилса, бу вазифани ўз вақтида бажарса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади;

б) *Кимнинг хотираси яхшироқ?* Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади, улар навбат билан немис тилида ёд олган сўзларни (отлар, сифатлар, сонлар, феълларни) айтадилар, ўқитувчи бу сўзларнинг тўғрилиги ва тўғри талаффуз қилинишини назорат қилиб, ҳисобини олиб боради. Қайси гуруҳ кўпроқ сўзларни тўғри айтиб берса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади.

Инновацион педагогик технологиялар қўлланган хорижий тил таълими жараёнида бундай ўйинларнинг тўғри ва самарали ташкил этилиши дарсда кўрсатилган расмларни чет тилида номланишини, утилган мавзуларни эслаб қолиш, ўқув материалини тез ўзлаштириш, уларни онгли равишда, ёддан такрор айтиб бериши орқали хотирани мустаҳкамлаш, ўрганилган сўз ва ибораларни ўз нутқларида қўллаш малака ва кўникмаларини шакллантиради ҳамда маълум даражада ривожлантиради. Ўқув жараёнида ҳар томонлама пухта ўйлаб ташкил қилинган бундай ўйинлар ўқувчиларнинг немис тилида равон ва жонли сўзлашув малака ва кўникмаларини тарбиялайди, инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти туфайли ўқувчилар фаоллиги ошади, ҳамда улар дарснинг қизиқарлирок, самаралироқ ўтишини таъминловчи воситалардан бири сифатида намоён бўлади, маълум даражада ўқувчиларнинг талаффузлари яхшиланиб, уларнинг чет тилидан билим савиялари ортиб боради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори.
3. Абдуқодиров А. Умумий ўрта таълим мактабларида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари //Узлуксиз таълим ж. - 2002. № 4. - 60-73-б.
4. Авлиёқулова Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари.-Т., 2001.
5. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ташкил этишнинг назарий асослари. Пед.фан.доктори. дисс... автореф.-Т.: 2003.-44 б.
6. Жўраев Р.Ҳ., Раҳимов Б.Х., Холматов Ш. Янги педагогик технологиялар. Муаммоли таълимга асосланган ўқув –методик қўлланма.-Т.: Фан, 2005.-66 б.
7. Зарипов К. Янги педагогик технологияни татбиқ этиш босқичлари. //. Халқ таълими. 1997. № 4. 4-12 б.
8. Зокиров И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асослари. Пед.фан.ном.диссертация.-Тошкент.-2005. 131б.
9. Перкас С.В. Ролевые игры на уроках английского языка// Иностранные языки в школе, 1999, №4.-С.23.

# ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ОРФОГРАФИЯДАН ДАСТУРИЙ-ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ғ.Яхшибоев,
Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти, ф.ф.н., доцент,
Г.Эргашева,
Самарқанд давлат университети хузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Бошланғич синфларда компьютер дастурларидан фойдаланиб ўқитиш тажрибаси уларни қўллашда белгиланган кетма-кетликка риоя этиш лозимлигини кўрсатди. Ақлий ҳаракатлар шаклидаги онг ва онг остида кечадиган фикрлаш жараёнларининг ташқи шаклдан ичкига ўтиши фақатгина мазкур босқичларга амал қилиниши орқали амалга оширилади.*

***Калит сўзлар:*** *дастурий педагогик воситалар, вазифалари, турлари, типологияси, ўргатувчи модул*

*Опыт обучения с использованием компьютерных программ в начальных классах показал, что при их применении следует соблюдать определенную последовательность, так как переход внешних по форме процессов рассуждений во внутренние, протекающие в плане сознания и подсознания в форме умственных операций, осуществляется успешно только при условии следования от этапа к этапу.*

***Ключевые слова:*** *программные педагогические средства, задачи, виды, типология, обучающая модуль.*

*The experience of training with using computer programs in primary school showed that at their application it is necessary to observe the certain sequence, as the transition external under the form of processes a reasoning by a rule in internal processes proceeding by way of consciousness and subconsciousness in the form of intellectual operations is carried out successfully only under condition of following from a stage to a stage.*

***Keywords:*** *programmed pedagogical means, task, form, typology, education modulus.*

Халкимиз азалдан фарзанд тарбияси, унинг камолига алохида эътибор ва масъулият билан ёндошиб келади. Баркамол авлодни вояга етказиш, уларга тарбия бериш, илмли, билимли ва баркамол инсон килиб тарбиялаш хар бир одамнинг, айникса, укитувчи-мураббийларнинг асосий вазифасидир.

XXI- аср «Компьютер» асрида яшар эканмиз,Ахборот технологиялари яратилаётган ва ривожланаётган жамиятда ишлаётган мутахассис- укитувчига қўйиладиган асосий талаблардан бири хозирги кунда ахборот шароитларида ва вақт танқислигида ҳам ёт ахборот таъсирлари остида вазифаларини самарали ҳал этиш ўқувидан иборатдир. *Фойдаланувчининг компьютер билан ўқув мулакотинитошкил этиш ва таъминлаш учун мўлжалланган амалий дастурлар дастурий-педагогик воситалар (ДПВ) деб аталади.*

ДПВнинг функционал вазифаси - ўқувчининг щахсий имкониятлари ва нимани маъқул кўришини ҳисобга олиб, ўқув ахборотини тақдим қилиш ва ўқитишга йўналтиришдан иборатдир.

Дастурий воситалардан (ДВ) ўқув мақсадларида кўп йиллик фойдаланиш тажрибаларига қарамасдан, унинг имконияти ҳали охиригача кашф этилганича йўқ. Бунинг сабаби ўқитиш мақсадларида компьютерли ўқитиш тизимини яратиш ва қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини очиб берувчи назарий асосларнинг яратилмаганлиги ва айрим ДПВларнинг таснифи, типологияси ва қуйиладиган талабнинг мажмуи йўқлигидир.

Ўргатувчи дастурларнинг дидактик йўналганлиги мақсадлар ва вазифаларнинг қўйилишига боғлиқ.

ДПВларнинг функционал йўналганлиги бўйича қуйидагилар фарққилинади: намойиш қилувчи; маслаҳат қилувчи; операцион тренажёрлар; назоратни амалга оширувчи дастурлар; аборот-тестловчи; машққилиш; мураббий; муаммоли ўқитиш; имитацион ва моделлаштирувчи; ўйин; ўргатувчи; тайёрловчи; назорат қилувчи; намойиш қилувчи; моделлаштирувчи; ахборот; коммуникацион ўргатувчи; ахборот, назорат қилувчи; аралаш [2].

ДПВларнинг методик вазифаси бўйича таснифи қуйидагича:

1. Ўқитиш натижаларининг шаклланганлик даражаси бўйича: билиш (янги материални ўрганиш); шакллантирувчи (ўкувлар ва малакалар устида ишлаш); умумлаштирувчи (билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш); назорат қилувчи (эришилган билимларни ташхислаш: уқувлар ва малакаларни назорат қилиш); комбинацияланган, ёрдамчи.

2. Ўқув фаолиятини бошқариш усули бўйича: бошқарувчи (ўқитиш жараёнини йўналтиради); ташхисловчи (ўзлаштириш даражасини аниқлайди); намойиш қилувчи (ўқув материалини намойиш қилади); генерацияловчи (ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, мустақил ишлаш учунсаволлар, топшириқлар тўпламига эга); операциялар бажарувчи (ўқувчиларга топшириқлар, саволларни мустақил қўйиш ва ечишни таклиф этади); назорат қилувчи (билимлар, уқувлар ва малакаларни назорат қилиш ўтказилади).

ДВ ҳар бир типининг вазифаси ундан ўқитиш жараёнида фойдаланишнинг методик мақсади ва ДВнинг ўқув жараёнини жадаллаштирадиган ва уни сифат жиҳатидан янги даражага ўтказадиган имкониятларини акс эттиради.

ДВнинг бундай типологиясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги бир қатор холатлар туфайли булиб, улардан асосийлари куйидагилардир: мавжуд ёки таклиф этилаётган ДВларни укитувчи ёки методистнинг танлаб олиши зарурлиги; энг яхшисини танлаб олиш учун бир тип доирасидаги ДВларни таккослаш; ДВларнинг мураккаблик буйича иерархиясини яратиш; турли методик вазифали мавжуд ДВлар тўпламида фойдаланувчининг йўл тутишини енгиллаштириш зарурати.

ДВларнинг методик вазифаси бўйича энг муфассал типологиясини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўргатувчи дастурий воситалар - методик вазифаси билимлар бериш, ўқув ва амалий фаолият малакаларини шакллантириш ва ўзлаштиришнинг дастур воситалари билан амалга ошириладиган, тескари алоқа билан ўрнатиладиган даражасини таъминлашдан иборат;
- тренажёрлар ўқув фаолияти ўқувлари ва малакаларини машққилиш учун мўлжалланган. Улардан, одатда, илгари ўтилган материални такрорлаш ва мустаҳкамлашда фойдаланилади;
- назорат қилувчи дастурий воситалар - ўқув материалини эгаллаш даражасини назоратқилиш учун мўлжалланган;
- тест дастурлар - ўқувчининг хатолари сабабларини қайд қилиш, билимлари, ўқувлари ва малакаларини бахолаш, интеллектуал ривожланиш даражасини аниқлаш учун фойдаланилади;
- ахборот-изланиш дастурий тизимлари -
- ахборот-маълумотномали дастурий воситалар - фойдаланувчига зарурий ахборотни танлаш ва чиқариб олиш имкониятини беради; уларнинг методик вазифаси - ахборотни тизимлаштириш бўйича малакаларни шакллантиришдан иборат;
- имитацион дастурий воситалар - вокеликнинг асосий структуравий ва функционал характеристикаларини бирор чекланган сондаги параметрлар ёрдамида ўрганиш учун унинг маълум аспектини ифодалайди;
- ихтиёрий композицияли моделлаштирувчи дастурий воситалар -ўрганувчининг ихтиёрига маълум воқеликни моделлаштириш учун функцияларнинг асосий элементлари ва типларини тақдим этади; улар объект, ҳодиса ёки ҳолатни тадқиққилиш мақсадида уларнинг моделини яратиш учун мўлжалланган;
- намойиш қилувчи дастурий воситалар - ўқув материалининг кўргазмали тақдим этилишини, ўрганилаётган ходисалар, жараёнлар ва объектлар орасидаги ўзаро алоқадорликни визиуаллаштиришни таъминлайди.
- *ўқув-ўйин дастурий воситалари* - ўқув вазиятларини ўтказиш учун мўлжалланган (масалан, ўқувларни шакллантириш мақсадида зарур қарорлар қабул қилиш ёки саъй-ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш). Улар турлиўйин ва ўқув-ўйин фаолиятини

таъминловчи воситадир; ҳордиқ дастурий воситалари - ўқувчиларнинг синфдан, мактабдан ташқари ишини ташкил этишда фойдаланилади ва хотирани ривожлантириш мақсадини кўзда тутади.

Ўқитиш амалиётида бундай иш режимларига эга бўлган комбинациялангандастур мақбул қурилишини қайд этиш лозим: намойиш режими; машқ қилиш режими; ўйин режими (ундан ўқув мақсадларида ва чарчоқни чиқариш учун фойдаланилади); назорат ва маслаҳат режими. “Ўргатувчи дастур” атамаси кўпчилик тадқиқотчилар томонидан келтирилган таснифлардагидан кенгроқ маънода, чунончи, типи ва вазифаси бўйича битта мақсад: билим ва малакаларнинг маълум даражасига эришиш, уларни назорат қилиш мақсадига эга бўлган барча дастурлар тўплами сифатида тушунилади. Масалан, комбинациялаган дастурлар умумий тиниш белгиси бўйича гуруҳланган орфография қоидаларини ўрганишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Дастурлар автоном (аниқ бир дарслик билан боғланмаган) ва локал (аниқ бир дарсликдаги мавзуларни ёритиш билан боғлиқ) дастурларга ажратилади. Автоном ДПВларнинг яратилиши мақсадга мувофиқдир, чунки ҳозирги вақтда кўплаб муқобил дарсликлар ва ўқитиш тизимлари мавжуд бўлиб, компьютерли дастурларни маълум бир дарсликка боғлаш оқилона иш бўлмайди.

Дастурларни чизиқли, тармоқланган, циклик алгоритмлар бўйича таснифлаш мумкин. Комбинацияланган дастурларда аралаш дастурлаштириш усули қўлланилади. Амалда адаптив, қисман адаптив, ноадаптив дастурлар мавжуд.

Адаптив дастур ўқув материалини баён этилиш усулини ўқитиш шароитларининг ўзгаришига; ҳар бир ўрганувчининг орфографик материални ўзлаштириш даражаси ва тезлигига боғлиқ равишда алмаштириш имконини беради. Адаптив дастурда у ёки бу саволлар, топшириқдир, шарҳлар, тавсиялар ўрганувчинингтаклиф этилган саволга жавобининг тўлалиги ва тўғрилигига мос равишда компьютерда танланадиган бир неча вариантлари бўлади.

Комбинацияланган дастурларни адаптив дастурлаш деб айтиш мумкин, чунки улар маълум босқичда адаптив характерда бўлади. Чунончи намойиш режимида дидактик материалнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари томонидан идрок қилиниши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир неча вариантларини тақдим этиш кўзда тутилган; орфографик кўникма бирламчи мустаҳкамлаш бўйича тренинг режимида хатолар бўлганида машина улар йуқ бўлгандагига қараганда кўпроқ топшириқлар таклиф қилади; тренингрежимида ўқувчилар топшириқларни тез ва бехато бажарганларида, уларга қўшимча ўйинли материал таклиф этилади.

Ўргатувчи дастурлар қисмларининг эркинлик даражаси бўйича фарқланади. Тизимга бирлаштирилган дастурлардан фойдаланилганда нисбатан мустақил модулларга мурожаат қилиш имконияти бўлади. Бу модуллардан бири (намойиш-машқ қилиш дастури) қоида билан бирламчи танишиш ва машқ топшириқларини бажариш учун, иккинчиси (назорат-машқ қилиш дастури) билимлар, кўникмалар ва малакаларни жорий назорат қилиш учун, учинчиси якуний назоратда орфографик хатоларни қайд этиш ва тушунтириш учун фойдаланилади.

Ўргатувчи модул ўқув материалининг тизимли квантлаш, муаммовийлик, модуллик, когнитив визуаллаштириш тамойиллари асосида тузилган, бир ёки бир неча орфографик тушунчаларни компьютерли воситалардан фойдаланиб ташкил этиладиган турли методлар ёрдамида ўрганишга йўналтирилган логик тугал бирлигини ифода қилади.

Дастурлар ташкил этувчи элементларининг сони ва жойлашиш кетма-кетлиги бўйича фарқланади.

Комбинацияланган дастурлар тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади.

I қисм - маълум назарий маълумотларни долзарблаштиришга йўналтирилган (орфографик қоидаларни ўрганишга тайёрлаш).

II қисм - янги қоида ва у бўйича қилинадиган иш-ҳаракатларни кўргазмали намойиш этиш.

III кисм - тренажёр бўлиб, у орфографик таҳлил бўйича машқларни ўз ичига олади. Тренинг кўп сонли бир ҳил типдаги мисоллардан иборат бўлмаслиги лозим. Агар ўрганувчи 5тача топшириқни ишонч билан бажараётган бўлса, бошқа иш турларига ўтилиши лозим.

IV кисм - назорат қилувчи.

Бу қисмлар учта модулга бирлаштирилган. Биринчи (намойиш-машқ қилиш) модулига I-II қисмлар, иккинчи (назорат-машқ қилиш) модулига III қисм, учинчи (тестловчи) модулга IV қисм киради.

Қоидаларнинг таърифларини онгли билиб олиш, орфографик масалани ечищда илк қоидаларни қўйишда компьютер дастурининг модулларини кетма-кет қўллаш ёрдам беради. Уларнинг мазмуни ҳар бир қоиданинг компонентларини таърифланишдаги таниш, танланма ва якуний белгиларни аниқлаш йўли билан ўзлаштириш бўйича изчил ва пухта ишлашга йўналтирилган.

Биринчи (намойиш-машқ қилиш) модулининг таркиби:

1-бўлим - орфографик материални ўрганишга тайёргарлик;

2-бўлим - қоиданинг ифодаланиши устида ишлаш;

3-бўлим-ўрганилган орфограммаларнинг сўзларда белгиланиш тартиби, қоиданинг таърифланишига таянган ҳолда ишлаш;

4-бўлим - орфографик тушунчаларни бирламчи мустаҳкамлаш.

Иккинчи (назорат-машқ қилиш) модул вариантли топшириқлар ва машқларни ўз ичига олади.

Учинчи (тестловчи) модул *ўқувчи*бажарганида баҳо оладиган табақалаштирилган топшириқларни ўз ичига олади.

ЭҲМ учун дастур тузишда ўқувчилар иш-ҳаракатларининг мотивацияланиши зарурлигиҳисобга олинади. ЭҲМ дастурлари биланишлаганда саъй-ҳаракатларни бажариш мақсади тушунарли бўлиши лозим. Ўқиш нуқтаи назаридан бу маълум қоида ёки қоидалар тизимини эгаллаш, психологик нуқтаи назардан орфографик таҳлилни ўтказиш чоғида тафаккурнинг, ақлий саъй-ҳаракатлар операцион структурасининг ривожланишидир.

Фаолият мақсади билан дастлабки танишиш компьютерли ўргатув дастурлар билан ишлашда ўқитувчининг олдиндан тушунтириши йўли биланамалга оширилади.

Бу борада I босқич (саъй-ҳаракатлар тахминий асоси схемасини тузиш) қоидаларни ўзлаштириш учун ўқувчиларнинг ЭҲМда дастур билан ишлашларида уни қўллаш бўйича таянч операциялар логикасини тушуниб олишлари учун мўлжалланган. Дастур биринчи модулининг 1-3-бўлимларида орфографик саъй-ҳаракатларнинг қатьий аниқланган кетма-кетлиги ўрнатилади.

II босқич (саъй-ҳаракатларнинг моддий ёки моддийлашган кўринишда бажарилиши) дастур ўргатувчи модулининг 4-бўлими билан ишлаш жараёнида қоида алгоритмини бирламчи мустаҳкамлашга йўналтирилган машқларни бажаришда орфографик таҳлил босқичларини экранда босиш йўли биланбосқичларни ёзма тахт қилиш сифатида амалга оширилади.

Тахминий фаолиятни ижро қилиш асосининг шаклланишига компьютер дастури ўргатувчи модулининг тўртинчи бўлими – “Орфографик таҳлил қадамларини бирламчи мустаҳкамлаш” даги машқлар ёрдам беради.

III босқич (саъй-ҳаракатни ташқи нутқ сифатида шакллантириш) машинасизўқитишда ўргатувчи модулнинг биринчи модули билан ишлаш тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Тўғри танланган дидактик материал билан ишлаш қоида бўйича билимлар ва саъй-ҳаракатларнинг умумлашишига олиб келади.

IV босқич (ташқи нутқнинг шаклланиши) ичида имлицит характерда ихчам гапириш билан боғланган ва дастурнинг иккинчи (назорат-машққилиш) модулида қўйилган орфографик машқларни мустақил бажаришда амалга оширилади. Орфографик таҳлил

бўйича иш-ҳаракатлар қоиданинг таърифланиши билан кўрсатиб берилган ва динамик жадвалда акс эттирилган тартибга мувофиқбўлади.

V боскич (саъй-ҳаракатни ақлий жиҳатдан бажариш) дастурнинг учинчи босқичи билан ишлаб, назарий машқларни бажаришда амалга оширилади.

Бошланғич синфларда компьютер дастурларидан фойдаланиб ўқитиш тажрибаси уларни қўллашда маълум кетма-кетликка риоя қилиш лозимлигини кўрсатди. Чунки интериоризациялаш (қоида бўйича шаклан ташқи мулоҳазалар жараёнларининг онг ва онгости соҳасида ақлий операциялар шаклида кечадиган ички жараёнларга ўтиши) фақат босқичдан босқичга бориш шартидагина муваффақиятли амалга ошади. Юқорида санаб ўтилган босқичларнинг ҳеч бўлмаганда бирининг ўтказиб юборилиши ўқувчиларнинг орфографик билимларни ёзув амалиётига қўллаш жараёнида камчиликларга йўл қўйишига олиб келади.

Дастурлар дисплей экранидан тақдим қилинадиган материал характери бўйича ҳам фарқланади. Улар фақат тил бирликларини (сўз, сўз бирикмалари, гапларни) ўз ичига олиши мумкин; тил материали ва жадвалларни ўз ичига олиши мумкин; тил материали ва расмларни ўз ичига олиши мумкин; тил материали, расмлар ва жадвалларни ўзичига олган бўлиши мумкин.

Орфография бўйича дастурлар асосида тил материали ётади. Бироқ ёрқин кўриш образлари, график кўргазмалилик, тасвирларнинг динамик характерда бўлиши (мультипликация) материалнинг яхшироқ хотирлаб қолинишига ёрдам бериши сабабли дастурларнинг комбинацияланган типи мақсадга энг мувофиқдир. Комбинацияланган дастурлар характери бўйича турлича кўргазмали материални оператив тақдим этиш компьютер имкониятларидан фойдаланиш имконини беради.

Методик адабиётда ўқувчиларнинг ЭҲМ билан диалогининг характери бўйича дастурларнинг икки типи фарқланади: 1) фақат хатони қайд этувчи дастурлар; 2) уни тушунтирувчи дастурлар [3].

Иккинчи типдаги дастурларнинг истиқболли эканлиги шубҳасиздир, чунки компьютернинг хатоларни тушунтириши, уни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши қоидаларни онгли қўллашга йўллаши мумкин.

Ўргатувчи компьютер дастурлари билан ишлашнинг турли ташкилий шакллари бўлиши мумкин:

1) индивидуал ишлаш;
2) жуфт бўлиб ишлаш;
3) гуруҳли ишлаш.

Компьютерда индивидуал ишлаш мақбулроқдир. У табақалаштирилган ёндошувни амалга ошириш имконини беради. Бироқ методика фанида ўқитишни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойилини амалга оширишни қийинлаштирадиган жуфт бўлиб, гуруҳли ишлашнинг тўғрилиги инкор этилмайди ва компьютерли синфда ЭҲМлар сони чегараланганлиги туфайли ўқитувчи ташкилий шаклларга ҳам мурожаатқилишига тўғри келади.

Шундай қилиб, орфографик мавзуларни ўрганиш дарсларида намойиш-машққилиш, назорат-машққилиш ва тестловчи модулларни ўз ичига оладиган ва уларга фақат хатоларни қайд қилишгина эмас, балки тушунтиришга қодир, индивидуал ишлашга йўналтирилган адаптив-ўйинли ва муаммоли топшириқлар кирадиган комбинацияланган дастурлар мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
2. Азимов Э.Г. Теория и практика преподавания родного языка как иностранного с помощью компьютерных технологий. -М., 1996. -291 с.
3. Гальперин П.Я. Методы обучения и умственное развитие ребенка. - М., 1985. - 45 с.

# УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Х.Т.Назаров,
Самарқанд давлат университети, п.ф.н., доцент,
А.К.Самяев, А.З.Ғаниев, Л.З.Ибрагимов
Самарқанд давлат университети

*Ушбу мақолада умум таълим мактабларида география фанидан амалий машғулотларни ўтишда таълим технологияларидан фойдаланишга эътибор қаратилган. Шунингдек уқувчиларда назарий билимларни амалий машғулотлар орқали янада мустаҳкамлашга масалалар ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *таълим технологиялари, назарий билимлар, амалий машғулот, тизимли ёндашув, билим, кўникма.*

*В данной статы особое внимание удевлется методики проведение практических занятий по географии с исползованием различных педагогических технологий в общеобразовательных школах.*

***Ключевые слова:*** *образовательные технологии,теоретические знания, практическая подготовка, систематический подход, знания, умение.*

*In this article, special attention is paid to the methodology of conducting practical classes in geography with the use of various pedagogical technologies in general schools.*

***Keywords:*** *educational technologies, theoretical knowledge, practical training, systematic approach, knowledge, ability.*

Республикамиз биринчи Прездентининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида шундай сатрлар келтирилган «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини, авваламбор, фарзандларимизнинг ўниб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак» [1, 23 б]. Ушбу мисралар келажак ёш авлодимиз таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини бу масала ўта долзарб бўлиб давлат миқёсига ҳал қилинилиши шарт бўлган биринчи даражали масала эканлигини англатади. Мамлакатимиз мустақиликка эришган дастлабки йилларида «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ларини қабул қилиниши республикамизда жаҳон андозаларига мос, узликсиз таълим тизимини шакилланишида ва уни босқичма-босқич ривожлантириш йўлини берилганлиги келажак авлодни таълим-тарбияси нақадар долзарб масала эканлигини англатиб, келажакда тайёрланадиган мутахасислар республикамизни жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишда, иқтисодиётимизни барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Таълим сохасини ривожлантириш ушбу йўналишлари нақадар тўғрилигини ҳозирда бутун дунё тан олиб турибди, ва бугунги кунда соҳани янада ривожлантиришни янги янги инновация, технологияларга асосланган таълим тизимини шакилланиб бормоқда [8].

Республикамиз Прездентi Шавкат Мирзиёевнинг республикани янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда узликсиз таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлар имкониятини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алохида эътибор қаратилганлиги ва мамлакатимизни ривожлантириш дастурига киритилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини бўлган умум таълим мактабларини давлат таълим стандартларига мувофиқ география таълимини мақсад ва вазифалари белгилаб берилган бўлиб, бу фан бутун сайёрамиз ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун билим беришга қаратилган. Географик билимлар ер ҳақидаги илмий дунёқарашни, ижтимоий-иқтисодий билимларни шакллантириб, дунё минтақаларида жамият ва табиатни ўзаро боғлиқликда ривожланиши, географик объект ва ҳодисалар ҳақида, уларни келиб чиқиши тарихи тўғрисида билим ва кўникмаларини ҳосил бўлишига хизмат қилади. Кийинги 50-60 йиллар давомида табиат ва жамият ўртасидаги ривожланиш мувозанатни

бузилиши натижасида юзага келадиган экологик муаммоларни сабабларини аниқлашда географик компонентлар орасида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳал этиш асосида муаммоларни бартараф қилиш юзасидан зарурий билим ва кўникмалар ҳосил қилади [3, 44-б].

Ўқувчилар география фанидан назарий дарс давомида олган билимларини янада мустаҳкамлаш учун доимо амалий машғулотларни ўташлари катта аҳамиятга эга бўлиб, бу дарс вақтида ва дарсдан кейинги вақтларда ҳамда тўгарак фаолятида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир [5, 61-б.]. Амалий машғулотларни дарс давомида географик майдончада ёки табиатга уюштирилган экурсияларда амалга ошириш мумкин. Амалий дарслар аниқ режа асосида амалга оширилса уни самарадорлиги яна ошади.

Амалий дарсларни олиб боришда таълим технологияларидан фойдаланиб аниқ режа асосида ташкил этиш дарс самарадорлигини ошириш билан бирга талабаларда назарий билимларни амалий машғулотлар орқали янада мустаҳкамлашга замин яратади. Ҳамда табиат ва жамият ўртасидаги ривожланиш қонуниятларини чуқур тахлил этиш орқали табиат тўғрисида яхлит билим ва кўникмалар шаклланади. Амалий машғулотлар ўтишда таълим технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқамиз.

Амалий машғулотларда тизимли ёндашув орқали, амалиёт давомида кузатилган барча маълумотлар ягона тизимга мужассам этилади, жараёнларни мантиқийлиги, уни бирга бўғимларни ўзаро боғлиқлиги [6, 71-б] таҳлил этилиб, яхлит бир тизимга тўғриланади. Ушбу усулда барча воқеа ва ходисаларни ҳосил бўлиши сабаблари тўлиқ тахлил қилишга эришилади.

Фоалиятга йўналтирилган ёндашув. Ушбу усулда барча ўқувчиларни амалиёт буйича тўпланган маълумотлагни индивидал таҳлил этилиб уларни ўқув жараёнлардаги қобилиятлари ва имкониятлари, ташаббуслари очиб берилади. Ушбу услуб орқали ўқувчиларни келгусида қайси фаолият турига нисбатан қизиқиши, имконияти ва ташаббускорлиги тўлиқ таҳлил этилади [7, 58-б].

Диалогик ёндошув. Амалий дарслар давомида танишган лойиха ва ҳодисалар, тўпланган маълумотлар укувлар ўртасида савол-жавоб тариқасида мухокама этилади ҳар бир ўқувчини амалиёт давомида олган таъсуротлари, сўров натижасида аниқланади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Бу услуб орқали ўқувчи ва ўқитувчининг ўртасидаги амалиёт дарсини самарадорлиги тўғрисида ўзаро хамкорликдаги фикрлари эшитилади ва умумий хулосалар қилиниади. Ушбу услубда таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида демократик, тенглик ҳамкорлик асосида ўз фикр ва мулохазаларини билдиришлари лойиха ва ҳодисалагни, объектив ва субектив томонларини тўлив очиб беришлари зарур, бу билан ўқувчида мустақил фикр юритиш ва фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини солиштириш орқали уларда фаолият мақсади ва мазмунини баҳолаш кўникмалари шаклланади.

Муаммоли таълим. Амалий машғулотларда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш муоммаларни аниқлаш, уларни келиб чиқишидаги сабаблар ва уларни бартараф этиш йўллари таҳлил этилади [4, 88-б]. Муоммали таълимда воқеа ва ходисалар ўрганишда юзага келган объектив қарама-қаршиликлар сабабларини аниқлаш ва хал этиш йулларини топиш орқали амалга оширилади. Ушбу усул орқали ўқувчиларда қарама-қаршиликларни аниқлашни йуллари, тафаккур этиш ва амалий фоалиятда компетенция ижодий йўлларни қўллаш кўникмалари шаклланади [6, 66-б].

Ахборотни тақдим қилишнингзамонавий воситалари ва усулларини қўллаш. Амалиёт дарсларида қўлланган маълумотлар ягона тизимга келтирилиб уларни статистик методлар орқали ишлов берилади бу усулда ГАТ дан ҳам фойдаланиш мумкин. Олинган маълумотлар асосида компютер ахборот технологияларини қўллаган ҳолда графиклар, карта, карта-схемалар тузилади. Ушбу услуб орқали маълумотлар базаси шакллантирилиб улар асосида ўрганилаётган ҳудудга тўлиқ таъриф бериш мумкин. Маълумотлар базасидан кейинги илмий тадқиқот ишларида хам фойдаланиш имконияти ҳосил бўлади. Ушбу усул ўқувчиларни мустақил ишлаш ва ижодий фаолиятни янада ривожланишига хизмат қилади.

Умуман олганда мактаб тизимида география фани ўқитишда амалий машғулотлари таьлим технгологиялари орқали тўғри ташкил қилиш ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ортиши ва уларда хосил бўлган билим ва кўникмаларни узоқ вақт хотирада сақланиб қолишига хизмат қилади.

География фани бўйича амалий машғулотларини табиат қўйнида ўтиш орқали ўқувчилар ўз ўлкасини ўрганиш, ўлка тўғрисида илмий билимларга эга бўлиш ва ўз ўлкасини севишга ўргатади. Ўқувчининг табиатни асрашга бўлган муносабати дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, ўқитувчи уларни табиатга экскурсиялар, саёҳатлар даврида янада мустаҳкамлашга эришади. Чунки ўқувчилар дарс давомида олган билимларин табиатда бевосита кузатиб, рўй берган ҳар хил ижобий ва салбий табиий ходисаларини бартараф қилиш йўлларини излайдилар. Ўқувчилар табиатга уюштирилган экскурсиялар давомида табиат компонентлари бўлган: сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос равишда боғлиқликда ривожланиши ҳамда уларда содир бўладиган ўзгаришини бевосита ўз кўзлари билан кўриб улар тўғрисида илмий хулосалар чиқарадилар. Табиатнинг бир бутунлиги, унинг бир компонентига таьсир ўтказиш бутун табиат комплексида ўзгариш содир бўлишига олиб келишига ўзлари гувоҳ бўлади.

Ўқувчилар ўз кузатишларида аниқланган табиат ходисалари ҳақидаги ўзгаришларни дафтарларига қайд этиб боиршлари, таҳлилий ўрганишлари билан бирга, унинг содир бўлиши сабабларини аниқлашлари муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт давомида олган маьлумотлари таҳлил этиш асосида назарий билимлари янада мустаҳкамланади уларда тасаввур идрок этиш, мустақил фикр юритиш, ижодий фаолиятни амалиётга тадбиқ этиш каби кўникмалар шаклланиб, табиатга бўлган мехр муҳаббати янада ошади ва уларда экологик билимлар тўпланади натижада ўқувчилардат экологик маданият шакилланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак география фани амалий машғулотларини таьлим технологиялари асосида режали ташкил қилсак. Ўқувчиларни география фанига бўлган қизиқишини янада ошириш орқали табиатни мухофаза қилишга интилиши янада кучаяди ҳамда география фани назарий билимларини амалиёт орқали мустахкамланишига эришилади. Ўқувчилар олган билимлар тўла ва аниқ бўлишига, дарсларни ўзлаштиришни енгиллаштиради ўқитиш самарадорлигини оширилиши ва ўқувчиларни мустақил ижодий ишлаш малака ва кўникмаларини шакллантиради. Экологик тарбия орқали улар онгида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий мухитни келажак авлодга соф холда етказиш каби кўникмаларни шакллантиради. Бу эса экологик муҳитни тоза сақлаш, уни асраб-авайлашга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини ва уни халқаро, давлат ва жамоатчилик ташкилотларини жалб этган ҳолда амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтилади. Экологик таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш ўқувчиларда экологик саводхонликни ошириш билан бирга, экологик маданиятни шакллантиради, бу эса барқарор ривожланиш гаровидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдиева З.А. География фанида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш. - Навоий., 2003. - 108 б.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

3. Ваҳобов Ҳ., Зайнутдинов А. География ўқитиш методикаси. 1-қисм / Маърузалар матни. -Т.: Университет, 2000.

4. Қурбонниёзов Р. География таълими методикаси. -Урганч, 2002.

5. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Холиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Т.: ТДПУ, 2013.

6. Сайидаҳмедов М.С. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. -Т.: Университет, 2005.

7. Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усулларидан фойдаланиш. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.

8. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни. -Т.: 1997.
9. www.ziyouz.com.

## АДАБИЙ ЭРТАКЛАРНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

М.Вафоева,
Самарқанд давлат университети, ф.ф.н.,
Ў.Асамова,
Самарқанд давлат университети, талаба

*Мақолада адабий эртакларнинг бадиий хусусиятлари, ёзилиш услуби ва уларни бошланғич синфларда ўргатиш усуллари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *халқ оғзаки ижоди, эртак, адабий эртак, шеърий эртак, насрий эртак.*

*Данная статья посвящается изучению стиля написания и анализу художественных особенностей сказок в начальном обучении.*

***Ключевые слова:*** *устное народное творчество, сказка авторская сказка, стихотворная сказка, прозаическая сказка.*

*The article focuses on the artistic features of literary fairy tales in elementary grades, the writing style and they are taught in the elementary school teaching methods.*

***Keys words:*** *folklore, fairy tale, literary fairy tale, poetic fairy tale, prosaic tale.*

Эртак – халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қадимий, оммавий жанрларидан бири бўлиб, тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳрли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодидаги эртаклар насрда яратилганлиги билан характерли. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида эртак “етук” шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Эртак ҳаёт ҳақиқатининг хаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосида тасвирланганлиги, тилсим ва сеҳр воситаларига асосланиши, воқеа ва ҳаракатларнинг ажойиб-ғаройиб ҳолатларда кечиши, қаҳрамонларнинг ғайритабиий жасорати билан фольклорнинг бошқа жанрларидан фарқ қилади.

Эртакларнинг муаллифи мавжуд бўлиши ёки мавжуд бўлмаслигига қараб икки турга: халқ оғзаки ижоди намуналари ва адабий эртакларга ажратилади. Халқ оғзаки ижодидаги эртакларнинг муаллифи номаълум бўлиб, у оғиздан ўғизга, авлоддан авлодга ўтиб, баъзи бир ўзгаришларга учраши мумкин. Адабий эртаклар маълум бир муаллиф томонидан яратилиб, ўқувчиларга етказилади. Албатта, адиб бу эртакларни халқ оғзаки ижоди намуналаридан озиқланган ҳолда, ҳаётий воқеалар ёки хаёлий орзу-умидлари асосида яратади.

Адабий эртакларни ёзилиш шаклига қараб ҳам иккига: шеърий ва насрий шаклда ёзилган эртакларга бўлишимиз мумкин.

Бошланғич синф дарсликларида берилган халқ оғзаки ижоди намуналари ва адабий эртакларнинг тили содда, равон талаффузи ва тушунилиши осон бўлган матнлардан бўлиши зарур. Чунки ўқувчи бу эртакларни осон ўқиши, таҳлил қилиши, тўғри хулоса чиқариши ва ҳаётга татбиқ қила олишида етакчи ва дастуруламал восита сифатида қабул қилиши керак.

Бошланғич синфларда эртакларни ўргатишда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ўстиришга, мазмунга, кетма-кетликка, узвийликка алоҳида эътиборни қаратишлари лозим. Эртакларнинг педагогик қиммати шундан иборатки, болалар унда тўғрилик, ҳалоллик, камбағал кишилар қийинчиликдан қутилганидан, яъни яхшилик, эзгулик рўёбга чиққанидан ва ёмонлик, ёвузлик маҳкумликка учраганидан қувонадилар. Улар ҳаётда ҳам доим шундай бўлишни истайдилар (1.105-б).

Ёпиқ (воқеий) шеърлар ёки шеърий усулдаги адабий эртаклар кишилар ҳаётида юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган бирор воқеани умумлаштирган ҳолда ифодалаш билан ҳикояларга ўхшайди. Воқеаларни ифода этувчи воситаларнинг оҳанг жиҳатдан тартибга солиниши, кичик бўлакларнинг изчил ва бир меъёрда такрорланиши, мисраларда оҳангдош сўзларнинг қўлланиши билан шеърий нутқ саналади. Шу сабабли бундай асарларни ўрганишда шеър ва ҳикоя устида ишлаш методикасидан фойдаланилади (1.129-б). Бошлангич синф дарслигида берилган Шукур Саъдулланинг “Лақма ит”, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Ҳар ким экканин ўрар”, Анвар Обиджоннинг “Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак” адабий эртаклари шеърий усулда ёзилган бўлса, Мурод Хидирнинг “Икки сахий”, Азиз Абдураззоқнинг “Бақа билан тақа”, Чингиз Айтматовнинг “Жимжилоқ”, Ханс Кристиан Андерсеннинг “Болалар гурунги” адабий эртаклари насрий йўлда; Азиз Абдураззоқнинг “Данак ичидаги дарахт” эртаги эса насрий ва шеърий усулда ёзилган.

Шеърий усулда ёзилган адабий эртакларда бадиий тил воситалари маъноларини очиш (ўхшатиш, метафора, жонлантириш), оҳангдош сўзларни аниқлаш, банд ва мисралар, бўғинлар сонини белгилаш, ифодали ўқиш, айрим эпизодларни ёд олдириш каби иш турлари айтиб ўтилса, асарнинг таъсирчанлиги ошиб боради. Масалан, 4-синфда Абдулла Ориповнинг “Шарқ ҳикояси” (4.132-135-б) эртагини, аввало, ифодали ўқишдан бошлаймиз, эртакда тасвирланган пайт (*Аллақайси замонда*), ҳодиса (*ота-ўғил сафари*) ҳақида суҳбат уюштирилади. Оҳангдош сўзлар (*замонда-омонда, олишди-қолишди, зор эди-бор эди*) аниқланади, бўғинлар сони белгиланади:

Аниқ йили эсимда йўқ – 8 бўғин
Аллақайси замонда – 7 бўғин
Бир қишлоқда ота-ўғил – 8 бўғин
Яшар экан омонда – 7 бўғин

Эпик шеърларни ўқишга ўқувчилар алоҳида тайёрланади, уларда ифода этилган воқеалар, юз берган давр ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Бундай шеърларнинг насрий асарлар каби тугуни, кульминацион нуқтаси, ечими мавжуд бўлади. Шу сабабли асар мазмуни қуйидаги савол-топшириқлар орқали таҳлил қилинади:

- Воқеалар қайзи замонда тасвирланган?
- Ота-ўғил қаерда яшар эдилар?
- Улар қаерга йўл олдилар?
- Ота-ўғил ўртасида нима бор эди?
- Асарда эшак қандай тасвирланади?
- Эшакка дастлаб ким минди?
- Йигитнинг орияти нима учун қўзғалди?
- Нимадан ота-ўғил ҳориб-толди?
- Миллион йиллик қариндошлик риштаси қандай узилди?
- Ота-ўғилнинг ўртасига нима тушди?

Бу каби савол-топшириқлар нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар томонидан ҳам тузилиши мумкин.

Эпик шеърларни таҳлил қилиш асар воқеалари жараёнида қаҳрамон ҳолатларини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантириш имконини берувчи таълимий воситалар – расмлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Бунда айрим эпизодларга расмлар чиздириш мумкин.

Халқ оғзаки ижодидаги эртаклар ўзига хос қурилиши билан ажралиб туради, яъни уларда кириш қисми, воқеалар ривожи, тугалланмалар мавжуд бўлади. Бу шаклий қурилишни адабий эртакларнинг ҳам айримларида кузатиш мумкин. Масалан, Азиз Абдураззоқнинг “Данак ичидаги дарахт” (4.176-179-б) эртагининг кириш қисми

*Бир бор экан, бир йўқ экан,*
*Бир йўқ экан, бир бор экан.*
*Шаҳримизда чаққон, доно*

*Раъно деган қиз бор экан.*

- дея анъанавий шеърий йўл билан, худди шу муаллифнинг "Чумчуқ билан чумоли" (4.137-б) эртаги эса "Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қишлоқда каттакон тепалик бор экан", - деб насрий йўл билан бошланади.

"Данак ичидаги дарахт" эртагида данак ичидаги мағизнинг ўсиб дарахт бўлгани, Раънонинг ниҳолни қўриқлаши воқеалар ривожини ташкил этса, Кимки уни (дарахтни) кўрмоқчи бўлса, уч йилдан кейин баҳорда Раънolarникига бориши эртакнинг туғалланмасини ташкил этади. Бу адабий эртакнинг ўзига хос хусусияти шундаки, асарнинг кириш қисми шеърий, воқеалар ривожи, асар туғалланмаси насрий йўлда ёзилиши билан фарқланиб туради.

Бошланғич синф ўқувчиларига адабий эртакларни ўқитишда анъанавий усулдан кўра ноанъанавий усулда турли ўйин воситаларидан фойдаланиб дарс ўтиш самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз. Чунки ўқувчилар эртакни бир марта ўқиб чиқса, улар учун тушунарли бўлади. Лекин турли хил ўйин воситалари орқали адабий эртакларни ўқитиш эртакнинг мазмунини чуқурроқ англаб этишга ва эсда сақлаб қолишга, эртак қаҳрамонларига нисбатан меҳр уйғотишга ёрдам беради. Ўқувчиларга адабий эртакларни ўқитишда педагогик технологияларни интерфаол усулда,ўйин воситалардан фойдаланиб дарс ўтиш орқали ўқитувчи юқори натижаларга эришиши мумкин.

Бошланғич синф дарсликларида насрий йўлда ёзилган адабий эртакларнинг турли хил мавзулардаги намуналари келтирилган. Жумладан, М.Муродовнинг "Чумчуқча" (3.31-32-б.), Я.Саъдуллаеванинг "Данаквой" (3.33-35-б.), Ф.Жалилованинг "Қўриқчининг сабоғи" (3.52-53-б.) адабий эртаклари шулар жумласидандир. Масалан, 3-синф "Ўқиш китоби"да берилган Муаззам Иброҳимова қаламига мансуб "Аразлаган копток, китоб ва қалам" (3.36-37-б) эртаги тили равон ва соддалиги, бугунги ҳаётда учраб турадиган воқеаларга асослангани билан ўқувчиларга ибрат бўладиган асар ҳисобланади. Ушбу эртакнинг ҳажми кичик бўлгани билан мазмун жиҳатдан жуда бой. Бошланғич синф ўқувчилари бу эртак орқали дангасалик ёмон иллатлигини билиб оладилар. Ўқитувчи бу эртакни ўқувчилар билан биргаликда саҳналаштириши ҳам мумкин. Дастлаб эртак ифодали ўқиб берилади, эртак ҳақидаги билимлар умумийлаштирилади. Асарни саҳналаштириш учун ўқувчилар ролларга бўлиб чиқилади ва "Ролли ўйин" ташкил қилинади. Бу эртакни ролларга бўлишда ўқитувчи ўқувчиларнинг ролга мосини танлаб олиши, сўнгра улар қандай сўзларни айтиши кераклигини аниқлаштириб олади. Ўқувчиларга эртак қаҳрамонларига мос ниқоб ва кийимлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Саҳналаштирилган эртак қуйидагича бошланади:

(Ўқитувчи). Бор экан-да, йўқ экан, Санжар исмли дангаса бола бўлган экан, унинг хонасидаги жавонда эртак китоб (2-ўқувчи), футбол майдонини кўрмайдиган копток (3-ўқувчи), "Менда ҳеч расм чизмайди" - деб ранжийдиган қалам (4-ўқувчи) яшар экан. Санжар (1-ўқувчи ) мактабдан зўрға судралиб қайтиб сумкасини бир бурчакка отибди. Ечиниб, ухлаб қолибди. Буни кўриб турган жавондаги китоблар сумка ичидаги дарсликларнинг аҳволига ачиниб:

(2-ўқувчи). Бечораларнинг қовурғалари синиб кетгандир.

(Ўқитувчи). Қалам ва коптокнинг ҳам сабри тугабди. Улар биргаликда Санжардан яхшироқ болани топмоқчи бўлишибди.

(4-ўқувчи). „Юринглар! Ҳаммамиз Бобурнинг ёнига борамиз, у бизлар билан чиройли расмлар чизади".

(Ўқитувчи). Қалам барча рангли дўстларини тўплаб, Бобурнинг олдига кетиб қолибди.

(2-ўқувчи). „Китоблар, сумка ичидаги дарсликлар, барчангиз ёнимга келинг! Маликанинг ёнига борамиз. У китобларни жуда севади, ҳар доим қўлида китоб, у бизлардан фойдаланади, озода сақлайди.

(Ўқитувчи). Эртак китоб жавондан тушиб, барча китобларни ёнига чақирибди. Сумка ичидаги китобларни ҳам олибди. Улар Маликанинг уйига кэтишибди.

(2-ўқувчи). Мен эса Беҳрузнинг уйига бораман, у дарсларини тайёрлаб бўлгач, доим футбол ўйнайди. Мен у билан зерикмайман.

(Ўқитувчи). Ёзги таътил бошланибди. Санжар ҳам бошқа болалар қатори оромгоҳга борибди. Оромгоҳда баъзи болалар китоб ўқир, бошқалари расм чизар, ўғил болалар эса футбол ўйнашар экан.

Санжар жуда зерикибди, эртак ўқимоқчи бўлиб қараса, китоби Маликада, расм чизмоқчи бўлса, қаламлари Бобурда экан.

Болаларга қўшилиб футбол ўйнамоқчи бўлса, Санжарни кўрган копток:

(3-ўқувчи) “Мен Санжардан ҳафаман, у билан ўйнашни хоҳламайман”

(Ўқитувчи). Копток майдондан чиқиб кетибди. Бу Беҳрузнинг олдига кетиб қолган ўзининг коптоги экан.

(1-ўқувчи). Мен қилган ишимдан жуда пушаймонман, китобларим, қаламларим ва коптогим, мени кечиринглар, бошқа бундай қилмайман, энди дангасалик қилмайман.

Ўқитувчи эртакни саҳналаштириб кўрсатгандан сўнг эртак юзасидан савол-жавоб ўтказади.

Ролли ўйинлар орқали эртакни саҳналаштириш натижасида ўқувчининг тафаккури, дунёқараши ўсади. Чунки, ўқувчи эртак саҳнасида бевосита иштирок этиши ёки бўлмаса кўриб туриши натижасида эртак воқеалари, қаҳрамонлари билан бирга бўлади, қаҳрамонларга нисбатан унда меҳр уйғонади ва мана шу саҳналаштирилган эртак унинг хотирасига бир умрга сақланади.

Иккинчи синф «Ўқиш китоби»да берилган Азиз Абдураззоқнинг “Меҳмон келди” (2.97-99-б.) номли адабий эртагини ўқувчиларга кластер, ақлий ҳужум, савол-жавоб ёки бўлмаса ролли ўйинлар орқали етказиш мумкин. Ўқитувчи матнни ифодали ўқиб беради. Ўқувчилар асарни қанчалик тушуниб олганлигини текшириб кўриш учун турли ўйин воситалари орқали дарс ташкил қилинади. Дарсни бундай ташкил этишдан мақсад ўқувчиларни насрий асарларни ўқишга қизиқишини ошириш, ўз халқига ва ватанига нисбатан меҳр уйғотишдир. Ўйинлар фақат ташқи муҳитдаги нарса ёки воқеа ҳодисаларни билиш воситаси эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ўқитувчи “Меҳмон келди” эртаги матнини ўқитишда, Раънонинг ижобий хислатларини кўрсатишда кластер методидан фойдаланади.




Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб олади ва “Битта ручка” ўйинини ташкил қилади. Ўйин шарти қуйидагича: Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга биттадан ручка ва биттадан варақ беради. Икки гуруҳдаги ўқувчиларга ҳам эртакдаги Раънонинг хислатларидан бирини ёзиш, ручка ва варақни ўртоғига узатиш айтилади. Қолган ўқувчилар ҳам шу ручка билан ёзишади. Ручка ва варақ ўқитувчига биринчи бўлиб етиб келган гуруҳ ғолиб саналади. Бу ўйин воситасида ўқитувчи ўқувчиларни эртак ҳақидаги билимини текширади.

Асарни ўқитиш жараёнида ўқитувчи “Куч бирликда” ўйинидан фойдаланиши мумкин. Бу ўйин ўқувчиларда жамоавийлик ҳиссини шакллантиришга ёрдам беради. Ўқитувчи доскага эртакка оид бирор гапни ёзади: Ойижон, бугун тушимда менга чиройли

кўйлак олиб келганмишсиз, – дебди. Ўқувчилар гапни давом эттиради. Ўқувчилар боғланишли матн тузишади. Бу ўйин ўқувчиларда асарни эсда сақлаш қобилиятини шакллантиради ва боғланишли матн тузишга ёрдам беради. Ўқитувчи дарс сўнгида ўқувчиларнинг асар ҳақидаги билимларини умумийлаштириши учун "Ақлий ҳужум" ўйинидан фойдаланиши мумкин. Бу ўйин саволлари ўқилади. Ўқувчилар тезкорлик билан саволларга жавоб беради. Масалан,

1. Раъно ишларни қандай бажарарди?
2. Раъно қандай туш кўрди?
3.Раънонинг ойиси нима учун бундай йўл тутди?
4. Раъно меҳмонларни қандай кутиб олмоқчи бўлди?
5. Раънолarникига кимлар меҳмон бўлиб келди?

Бу ўйин орқали мавзу ҳақидаги билимлар умумийлаштирилади. Дарс сўнгида ўқитувчи ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида адабий эртакларни ўргатишда юқорида кўрсатилган ўйин воситаларидан фойдаланиб дарс ташкил қилинса, дарс самарадорлиги янада ортади. Ўйинлар орқали ташкил қилинган дарс биринчидан, ўқувчиларни асарга бўлган қизиқишини уйғотса, иккинчидан матн мазмунини чуқурроқ англаб этишига кўмак беради, персонажларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш, баҳолаш кўникмасини ўстиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, эртаклар ўқувчининг дунёқараши, тафаккури, одоб-ахлоқини ўсишига, унда тарбия сифатларининг такомиллашишига ёрдам беради. Биз бошланғич синф ўқувчиларига эртакларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда турли ўйин воситалари билан, жумладан, "БББ" ўйини, ақлий ҳужум, кластер, савол-жавоб ёки бўлмаса ролли ўйинлар орқали дарсни ташкил қилсак, катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:рўйхати**

1. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. Т.: "Ношир", 2009.
2. Ғафforова Т. ва бошқа "Ўқиш китоби": 2-синф учун дарслик. Тошкент: "Шарқ", 2016.
3. Умарова М. ва бошқа. "Ўқиш китоби": 3-синф учун дарслик. Тошкент: "Ўқитувчи", НМИУ, 2016.
4. Матчонов С. ва бошқа. "Ўқиш китоби": 4-синф учун дарслик. Тошкент: "Янгийўл полиграф сервис", 2016.
5. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. Тошкент: "Шарқ", 2002.

## МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Э.М.Мардонов. Қ.Остонов,
Самарқанд давлат университети, п.ф.н., доцентлар,
М.Холмуродов
Самарқанд давлат университети

*Бу мақолада математика ўқитиш жараёнида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари баён этилган. Бундан ташқари, мақолада ҳар бир компетенцияга доир ўқитиш усуллари ва уларга мос мисол ва масалалардан фойдаланиш ҳақида тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар**:математика, компетенция, масала, процент, ҳаракат, софизм, мустақил иш, дарс-семинар, схема, матнли масала.*

*В этой статье рассматривается некоторые аспекты формирования ключевых компетенций в процессе обучения математике. Кроме того, в статье даны рекомендации по использованию*

*методов обучения и соответствующие им примеры и задачи по каждой компетенции.*

***Ключевые слова****:математика, компетенция, задача, процент, движение, софизм, самостоятельная работа, урок-семинар, урок-конференция, схема, текстовая задача.*

*This article discusses some aspects of the formation of key competencies in the teaching of mathematics. In addition, the article gives recommendations on the use of teaching methods and the corresponding examples and tasks for each competence.*

***Key words****: mathematics, competence, task, percentage, movement, sophism, independent work, lesson-seminar, lesson-conference, scheme, text problem.*

Фанда компетентлик тушунчасига умумий ёндашуви йўқ. Лекин уни ҳар бир муаллиф ўзича тушунади. Мана шу кенг маънода компетентлик тавсифи билан дунёда стандартларни ва аттестация жараёнини ўзгартириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода ҳам Ўзбекистонда таълимда компетентлик ёндашуви асосий қоидалари баён қилинган. Компетентликнинг асосий белгиси қобилиятни компетентлик дастлаб пайдо бўлган шароитлардан бошқа шароитларга ўтказиш имконияти ҳисобланади.

Асосий таянч компетенцияларига қуйидагилар киради: қадрият-маъноли, умуммаданий, ўқув-билиш, ахборот, коммуникатив, ижтимоий меҳнат, шахсий компетенциялар [1,21 –б.].

Ҳар қандай инсонга самарали, рақобатбардош ходим бўлиши учун ижодий, мустақил, маъсулиятли, коммуникабел инсон бўлиши, шахсий ва жамоа муаммоларини ҳал эта оладиган бўлиши зарур. У янгиликни билишга эҳтиёж эга бўлиши, зарур ахборотни топа олиши ва танлай олиши лозим. Бу сифатларни мактабда ихтиёрий фан бўйича, шу жумладан математика бўйича компетентлик ёндашувини қўллаб шакллантириш мумкин, бу эса таълимнинг шахсий ва ижтимоий омилларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларда универсал билимлар, кўникма ва малакаларнинг ҳамда мустақил фаолият тажрибаси ва шахсий маъсулияти шаклланади.

Қадрият-маъноли компетенция. Ўқувчи бугун ҳамда кейинги машғулотда нимани ва қандай ўрганаётганини ва қандай қилиб олинган билимлардан кейин ҳаётида фойдаланишини тасаввур қилиши лозим, Бу компетентликнинг бу кўринишин ривожлантириш учун қуйидаги усулларни қўллаш мумкин [2,23-б.].

1. Янги мавзуни ўрганиш олдидан ўқитувчи бу ҳақда гапиради, ўқувчилар бу мавзу бўйича нимага?, нима учун?, қандай?, нима билан?, нима ҳақида? каби саволлар тузадилар ва энг қизиқарлиси баҳоланади ва ҳеч қандай савол жавобсиз қолмайди. Натижада ўқувчилар қачон ва қандай нимани ўрганишларни аниқ билиб оладилар. Бундан ташқари, бу усул уларга мавзуни ўрганиш мақсадини тушунишларига ҳамда дарснинг билимлар системасидаги ўрнини англашларига ва демак, бу дарс материалининг бутун мавзудаги ўрнини англашларига имкон беради.

2. Қандайдир конкрет машғулотда ўқувчилар мустақил дарсликнинг алоҳида параграфини ўрганадилар ва бу параграф конспектини тузадилар. Улар олдига масала қўйилади. Ўқилган нарсани қайта сўзлаб бериш ёки тушунтириб бериш, ажратиш, белгилаш, хулоса чиқариш, қайд этиш, санаб ўтиш, талаффуз этиш ва ҳ.к. лар таклиф этилади. Натижада ўқувчилар нафақат ўрганилаётган материални тушунадилар, балки муҳимини ажратиш, унинг бошқалар учун ҳамда ўзи учун муҳимлигини асослашга ўрганадилар.

3. Олимпиадалар давомида ўқувчидан ундан предмет мантиқини қўллашни талаб этувчи ностандарт топшириқларни қўллаш ҳам бир усул ҳисобланади. Масалан, “Вали 10 синфда, Карим 7 синфда ўқийди. Вали 6 синфда ўқиганида Карим нечанчи синфда ўқиган ?” Бу масалани ечишда ўқувчи унинг ечишда иккита амални ажратишлари: а) болаларнинг ёшлари орасидаги айирмани топиш; б) якуний жавобни топиш. Кўпгина ўқувчилар тўғри жавобни топадилар, лекин уларнинг бир нечтасигина масала ечимини қисқа ёзувини келтира оладилар – масалани кўргазмали тасвирини ясай оладилар ва ана шундай ўқувчиларда математик тафаккур ривожланган бўлади ва улар масала матнини схематик тасвирини туза оладилар.

Масала. Парламент  тенг сондаги иккита палатадан иборат. Муҳим қарорни қабул қилиш билан боғлиқ қўшма мажлисда иккала палатанинг барча вакиллари қатнашдилар. Масаланинг муҳимлигидан овоз беришда  ҳеч ким бетараф бўлмади.  Натижалар якунида қарор 25та кўп овоз билан қабул қилинди деб эълон қилинди. Оппозиция : «Бу ёлғон!» деб қарши чиқди. Улар буни қандай аниқлай олдилар?

Ечиш. Иккала палатадаги депутатлар умумий сонини қараймиз. У жуфт, чунки бутун парламент иккита бир хил сондаги палатадан иборат. Қарши овоз берган депутатлар сонини х деб белгилаймиз. У ҳолда қўллаб қувватлаб овоз берганлар х + 25 та бўлади.У ҳолда депутатларнинг умумий сони 2х+25 га, яъни тоқ сонга тенг. Лекин биз биламизки, у жуфт сон эди. Демак, овозлар нотўғри  ҳисобланган.

4. Бу  компетенцияда мактабда касбга йўналтириш ҳақида гапириш мумкин  ва уларда улар қизиққан соҳага танлашларига ёрдам берилади. Бунда масалалар  на фақат математикани билишни,  балки амалий зийракликни ривожлантиришга, конкрет вазиятда муаммони еча олишга ўргатишга йўналтирилган бўлади. Улардан баъзиларини келтирамиз.

Амалий масалалар:

- Узунлиги 40см, эни 25см ва баландлиги 10см қопқоқсиз қутини ясаш учун  қандан ўлчамдаги  картон талаб этилади?
- Узунлиги 17 см, эни 13 см ва баландлиги 5 см қопқоқсиз19 та қутини ясаш учун нечта  120 см х 105 см ўлчамдаги  тесмир тунука керак бўлади?
- Мактаб 424 ўқувчини Самарқандга Улуғбек  расадхонасини кўриш учун  ва 477 ўқувчини Регистон майдонига экскурсияга жўнатмоқда Автобусларда ҳар бир ўқувчи жойга эга ва уларнинг барчаси банд бўлиши учун қанча жой бўлиши лозим? Бундай автобуслардан нечтасини буюртма қилиш лозим?

Умуммаданий компетенция. Бошқа фанлардан маълумотларни математика дарсларида фойдаланиш  ва математика тушунча ва усулларни бошқа дарсларда ва ҳаётда қўллаш бу компетенция зиммасига киради.  Математика дарсларида  ўқитувчи предмет ташкил этувчисини ажратиши, маълум усулларни янги вазиятда қўллашга ўргатишга ёрдам бериши лозим. Бунинг учун:символик матн билан ишлашда баъзи усулларни намойиш этиш, унинг маъноси, мантиқи, алмаштиришлар хусусиятларни очиб бериш лозим; символик матн билан ишни ташкил этиш оддий матнни математик тилга ўтказиш, геометрик тилдан векторлар тилига, бир усул билан берилган моделдан бошқасига ўтиш, яъни масалани қайта бошқадан  ифодалаш каби усулларга ўргатиш талаб этилади; саводли мантиқан тўғри нутқни шакллантиришда математик луғатни тузиш, математик диктантлар ўтказиш, тартибли сонларни, математик атамаларни тўғри ёзишга, талаффуз қилишга ва қўллашга оид топшириқларни бериш шулар жумласига киради [3, 16-б.].

Ахборот компетенциясини шакллантиришда: тарихий маълумотлардан фойдаланиш; дарс-семинар ва дарс-конференциялар ўтказиш; схема ва сонли ифода бўйича масала тузиш; турли қадимги ўлчов бирликларини билишга ўргатиш; геометрик фигуралар моделларини ясай олишга ўргатиш каби услублардан фойдаланиш мумкин.

Ҳаракатга доир матнли масалаларни ечишда ҳам масалани тушуниш учун унинг қисқа ёзуви орқали унинг шарт ва талабларини тушуниб олиш кўникмаларини ривожлантирниш мумкин. Масофа, тезликни топишга доир  масалалардан ташқари,  яқинлашиш тезлигини- иккита объектнинг  бирлик вақт ичида бири-бирига қараб ҳаракати давомида босиб ўтган масофага доир масалалар учрайди. Масалан, иккита пунктдан бири-бирига қараб иккита пиёда йўлга чиқса, ҳамда биринчисининг тезлиги 100 м/д, иккинчисиники 105 м/д, бўлса, у ҳолда яқинлашиш 100+105, яъни  205 м/д. бўлади. Демак, ҳар бир дақиқада улар орасидаги масофа  205 метрга камаяди. Демак, яқинлашиши тезлигини аниқлаш учун объектларнинг тезлигини қўшиш лозим.

Узоқлашиш тезлиги – қарама-қарши йўналишларда ҳаракатлана-ётган иккита объектнинг бирлик вақт ичида босиб ўтган йўли. Масалан, агар икки пиёда бир пунктдан қарама-қарши йўналишда йўлга чиқиб, биринчисининг тезлиги 4 км/с, иккинчисиники  6 км/соат бўлса,  у ҳолда узоқлашиш тезлиги 4+6,  яъни 10 км/с бўлади. Ҳар бир соатда улар

орасидаги масофа 10 кмга ошади. Узоқлашиш тезлигини топиш учун объектлар тезлигини қўшиш лозим. Масалан, биринчи соатда улар орасидаги масофа 10 км бўлади. Буни расм орқали кўрсатилганда ҳам кўринадики, биринчи йўловчи 4 км, иккинчиси 6 км йўл босиб ўтган. Жами бўлиб 1 соатда улар орасидаги масофа 4+6, яъни 10 километрга тенг бўлди.

**Коммуникатив компетенцияни шакллантиришда**: 1) мисолларни шарҳли ечиш, масалаларни оғзаки ечиш; 2) уй вазифасини оғзаки изоҳлаб бериш; 3) математик софизмлардан фойдаланиш; 4) гуруҳларда ишлашни ташкил этиш; 5) оғзаки синовларни топшириш каби усуллар қўлланилиши мумкин. Масалан, қуйидаги софизмлардан фойдаланиш мумкин: 1. “x-a=0 тенглама илдизга эга эмас”.Тенгламанинг иккала томонини x-a га бўламиз, 1=0 ни оламиз? Бу тенглик нотўғри бўлгани учун, берилган тенглама ҳам илдизга эга эмас. Тушунтириш. x-a га бўлиш мумкинми? x=a – тенгламанинг илдизи бўлгани учун тенгламанинг иккала томонини x-a га бўлиб, биз илдизни йўқотдик ва шунинг учун 1=0 нотўғри тенгликни олдик.

2.”Икки олдинг-демак, беш олдинг (ёки a=b)”. a=b+c тенгликни қараймиз. Унинг иккала қисмини a-b га кўпайтирамиз, $a^2$-ab = ab+ac-$b^2$-bc ни оламиз. ac ни чап томонга ўтказамиз: $a^2$-ab-ac = ab-$b^2$-bc. Чап ва ўнг қисмлардаги умумий кўпайтувчини қавсдан ташқарига чиқарамиз.

a(a-b-c)=b(a-b-c). Тенгликнинг иккала томонини a-b-c га бўламиз. a=b ҳосил бўлади.Тушунтириш. Иккала томонни (a-b-c) га бўлиш мумкин эмас, чунки таърифга кўра a=b+c, бундан (a-b-c)=0, нолга бўлиш мумкин эмас.

**Ижтимоий меҳнат компетенцияни шакллант**иришда: оғзаки ҳисоблаш малакаларига ўргатиш; процент ҳисоблашларни ўргатиш каби услублардан фойдаланиш мумкин. Масалан, процентга доир масалалар ечишни ўргатишда қуйидагича иш юритилади. Бунда аввало масала турини аниқлаш лозим. Процентга доир масалаларни учта турга ажратиш мумкин:1) соннинг процентини топиш; 2) сонни унинг проценти бўйича топиш;

3) иккита сонинг процент нисбатини топиш.

Масала турини унинг шарти ёзувидан аниқлаш мумкин. Агар 100% қаршисида сон турса, бу масала соннинг процентини топиш масаласи. Агар 100% қаршисида номаълум турса, у ҳолда бу масала сонни унинг проценти бўйича топиш масаласи. Агар номаълум қиймат процентлар устунида турса бу иккита соннинг процент нисбатини топиш масаласидан иборат.

Шахсий такомил компетенциясини компетенцияни шакллантиришда: ўз-ўзини текшириш мақсадида математик машқларни мустақил текшириш; диққатлилик ва қизиқарлилик, танқидий муносабат, олинган жавобни шартларга мослигини текшириш; масалаларни турлича усуллар билан ечишга ўргатиш каби усуллар қўлланилиши мумкин.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳар бир компетенцияни математика дарсларида шакллантиришда ўзига хос усуллардан ҳамда компетенцияни предмет мазмунига мос қирраларни ҳисобга олиш талаб этилади ва ана шуларни дарсларда тўлиқ ҳисобга олгандагина туркум компетенцияларни самарали шаклланиши учун зарур шароитлар яратилган бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций // Интернет-журнал "Эйдос". - 2005.

2. Денищева Л.О., Глазков Ю.А., Краснянская К.А. Проверка компетентности выпускников средней школы при оценке образовательных достижений по математике. // Математика в школе. - №6 -2008. с. 20-30.

3. Иванов Д.А. Компетенции и компетентностный подход в современном образовании. // Завуч. Управление современной школой. - №1. – 2008. с. 4-24.

# УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТН МАВЗУСИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Ш.М.Ҳайдаров,
Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги ХТХҚТМО, ф.ф.н., доцент

*Мазкур мақолада матн ва унинг турлари, матн мавзусини умумтаълим мактабларида ўқитилиши, умумтаълим мактабларининг она тили дарсликларида матн мавзусига ажратилган дарс соатлари хусусида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар**: матн, ҳикоя матни, тасвирий матн, муҳокама матни, грамматик структура.*

*В данной статье освещается тексты и их виды, обучение в общеобразовательных школах тематиков по тексту, об отведенных часов по темам текста в учебниках родного языка вобщеобразовательной школе.*

***Ключевые слова:** текст, текст рассказ, изобразительный текст, текст обсуждения, грамматическая структура.*

*On this article represent texts and types of texts and teaching in public schools thematic of the text, about divisions hours of theme of text in exercises book of mother tongue in public schools.*

***Key words:** text, text story, Art text, discussion text, grammatical structure.*

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан умумий ўрта таълимни янада ривожлантириш борасида бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 2017 йил 15 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 140-сонли Қарори билан “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом таълим соҳасидаги янгиланишлар ва тузатишлар борасидаги туб бурилиш бўлганлиги айни ҳақиқат.

Эндиликда умумтаълим мактаблари она тили ва адабиёт фанининг ўқув дастури ва ўқувчиларда комптенцияларни шакллантиришга йўналтириш асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурининг қиёсий таҳлилига кўра 5-9 синф дастурларида умумий 31,2% ўзгариш бўлди. Бунда 5,6,7,9-синфларда такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарслари ҳисобидан 4 соатдан “Матн” йўналишига алоқадор янги мавзулар киритилди. Бу ҳол ўқувчи ёшларимизга таълим-тарбия беришнинг замонавий ёндашувини белгилаб берувчи, уларнинг нутқини шакиллантирувчи ва ривожлантирувчи воситалардан бўлиб хизмат қилиши табиий.

Ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқини шакллантиришда тилнинг аҳамияти қанчалик муҳим бўлса, матннинг ҳам муҳимлиги катта ўрин тутади. Миллий маданият ва маънавиятнинг камол топишида тил қудратли маърифий қурол ҳисобланади. Миллий истиқлол туфайли ўзбек тилшунослигида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди, тилни илмий тадқиқ этишнинг янги йўналишлари юзага келди. Бу ўзгаришлар, энг аввало, тилшунослигимизда шу кунгача эришилган ютуқларни миллий мафкура ва миллий истиқлол ғоялари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, умумлаштириш ва келгусида бажарилиш лозим бўлган ишларни режалаштириш жараёнида кўзга ташланмоқда. Жумладан, ўзбек тилининг синтактик қурилишини янгича асосларда ўрганиш, ўзаро диалектик муносабатда бўлган тил ва нутққа яхлит бир ҳодисанинг икки томони сифатида қараш ва ушбу ҳодиса нуқтаи назаридан лисоний бирликларни баҳолаш, уларни чуқур илмий-назарий тадқиқ этиш бугунги ўзбек тилшунослигининг жиддий ютуқларидан биридир, дейиш мумкин. Зеро «янгисини қурмай туриб эскисини бузмаслик» тамойилининг бошқа соҳалардан кўра кўпроқ илм-фанга татбиқ қилинишининг зарурати ҳақида тўхталишга эхтиёж йўқ. Чунки, муайян бир фаннинг тараққиёти ўтмишда яратилган кашфиётларнинг умумлаштирилиши ва унга давр эхтиёжларини ҳисобга олиб қўшилган янгиликлар билан белгиланади. Ҳар қандай фан миллий қадриятлар замирида тараққий этиш баробарида умуминсоний қадриятлар билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда гапдан йирик синтактик бутунлик – матннинг лингвистик табиати билан боғлиқ тадқиқотларнинг сифати ва кўлами ортиб бормоқда. Матн муаммоси ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Айниқса, бадиий матннинг шаклланиш

тарзи, бадиий матн компонентлари ўртасидаги семантик-синтактик муносабатларнинг тадқиқотчилар эътиборидан тушмаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Олиб борилаётган изланишлар ва тадқиқотларнинг ўта муҳимлиги яна шунда кўринадики, матнга алоқадор бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ёш авлодни умумтаълим мактабларидан матн ва унинг турларига қизиқишларини шакиллантиришга эътибор қаратилмоқда. Мактаб ўқувчиларига ёшларидан ва таҳсил олаётган синфидан келиб чиқиб матн, матн турлари, матннинг амалий аҳамияти, матн тузилиши, матн тузиш, диалогик матн, манологик матн, матн компонентлари каби тушунчалар ўқитилмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 2017 йил янги таҳрирдаги 6-синфларига мўлжалланган “Она тили” дарслигида 4 соатлик матн мавзусига [3, 11-19-б.] ўрин ажратилган. Унда матнга *“Маълум бир фикрни батафсил ифодалаш учун гапларни тилимизнинг муайян қоидалари асосида боғлаб, матн тузамиз. Мазмун ва грамматик жиҳатдан боғланган, бир мавзуни ифодаловчи гаплар матнни ҳосил қилади”* деган таъриф келтириб ўтилган [3, 11-б.]. Юқоридаги таърифдан кўринадики, ёш ўқувчи бундай таърифни ўқиши ва тушуниб олиши учун кўп қийинчиликларга дуч келмайди. Чунки келтирилган таъриф ўқувчига содда ва аниқ, қолаверса, тушунарли қилиб берилган.

Ўқувчи матн мавзусига ажратилган дарснинг 1-соатининг ўзидаёқ матн ва унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиши баробарида, матн турлари ҳақидаги мисоллар билан ҳам танишиб ўтиши мумкин. Бунинг учун дарсликнинг айни шу қисмида матн ва унинг турлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиши учун ўқитувчига қулайлик яратилган. Дарснинг 2-соатида матн турлари ҳақида тўхталиниб, ўқувчининг тушуниш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда Ҳикоя матни, Тасвирий матн ва Муҳокама матни тўғрисида маълумотлар мисоллар билан бойитилган. Масалан,

*Ниҳоят, Лондондан Тошкентга учадиган бўлдик. Ҳаво кемасига чиқишимиз билан осойишта ва ёқимли овоз янгради: “Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!” Ростини айтсам, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу сўзлар менинг тилимда, она тилимда жаранглади! Ватанимдан минглаб чақирим нарида, тағин юзлаб хорижий йўловчилар ўтирган кемада!..*

*Ақалли мана шу ҳолатнинг ўзи учун Истиқлолга минг бора таъзим қилишга тайёрман*! (Ў.Ҳошимов) [3, 13-б.].

Юқоридаги “Ифтихор” номли матн 6-синф она тили дарслигининг 34-машқида келтирилганининг ўзиёқ ўқувчи учун танланган матннинг амалий томонини белгилаб бермоқда. Матн мавзусидан миллатга, ватанга, миллийликга бўлган эътиборнинг ёш авлод тарбиясига таъсири сезилиб турган бўлса, матнда келтирилган жумлалар ёш авлод кўксини ғурурга, фахрга, ўзбек эканлигидан мамнунлик ҳиссига буркайди. Иккинчи томондан матннинг мавзусига қараб матн ҳикоя матн турига киришини пайқаб олишларига қийинчилик туғдирмайди.

Дарсликнинг 39-машқида “Берилган матнни кўчиринг, бу матнни тузишдан кўзланган мақсадни аниқлашга ҳаракат қилинг. Унга сарлавҳа топинг”, деб келтириб ўтилган. Матнни қуйида келтирамиз.

*Орол ўша-ўша. Узоқдан туриб қарасанг, кўз тўймайди. Илон каби буралиб оқувчи дарё шу ерга келганда, иккига ажралган, уч чақиримдан сўнг яна бирлашади. Қўш кокил янглиғ ирмоқ орасидаги орол эса яшнаб туради. Наъматак, ёввойи жийда, бақатерак жой ташлагандек айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Сувга эгилиб турган жийда барглари кумуш каби товланади.Атроф сокинлик ҳукмида. Дарёнинг оқиши ҳам, оролдаги қалин дарахтзорнинг эпкинда тебраниши ҳам улуғвор.* (Тоҳир Малик).[3, 15-б.].

Ушбу матн билан танишган ўқувчи матн мазмунидан келиб чиқиб, матн ҳикоя мазмунида эмас, балки тасвирий мазмунда эканлигини пайқайди. Чунки матнда келтирилган тасвирий ҳолатларни кузатиш мумкин. Ўқувчи учун тўғри танлаб олинган ушбу матннинг асосий мазмунига эътибор қаратилганда ҳам матнда ифодаланаётган тасвирлар юртимизнинг ноанъанавий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган. Матнда

келтирилган *орол, дарё, наъматак, ёввойи жийда, бақатерак, атроф-муҳит, дарахтзор* тасвирлари ёзувчи томонидан моҳирлик билан тасвирланганки, ҳар қандай ўқувчига буни пайқамасликнинг иложи йўқдай. Ўқувчи ушбу матн мазмунидан келиб чиқиб, матнга сарлавҳа танлашда ҳам ҳеч қандай муаммога дуч келмайди.

Ўқувчи учун ҳикоя ва тасвирий матнлар тушунтирилиб, уларда билим ва кўникма ҳосил бўлгандан сўнг, муҳокама матни ҳақидаги маълумотларни эгаллаш қийинчилик туғдирмаслиги табиий ва айни дарсликда ҳам шу жараёнга эътибор қаратилган. Муаллифлар дарсликда матн турларин келтиришда ўқувчининг психикасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини назардан қочирмаган, назаримизда.

6-синфлар учун мўлжалланган она тили дарслигининг матн мавзусига мўлжалланган 4-соати муҳокама матни учун ажратилгани ҳам бежиз эмасдек. Айни бу пайтга келиб ўқувчилар матн ва унинг мавзуси хусусида етарлича маълумотларга эга бўлиб улгурган бўлишади. Эндиликда ўқувчининг ўзи ҳам мустақил ҳолатда гапларни бир-бирига боғлаб матн яратиш даражасидаги ҳоатга келиб улгуради. Фақатгина мазмунга қараб матн турларини аниқлашда бироз оқсалишлар кўзга ташланиши мумкин. Бундай ҳолатни бартараф этиш мақсадида навбатдаги матн тури ҳақидаги маълумотдан ҳам ўқувчини хабардор қилиш лозим бўлади. Қуйида муҳокама матни учун берилган 49-машқни таҳлилга тортамиз.

*Одамлар сабзавотни овқатга жуда қадимдан ишлатиб келадилар. Ўрта Осиёда пиёз, сабзи, қалампир, турп ва бошқа сабзавот экинлари икки минг йил илгари ҳам экилгани маълум. Сабзавот ўтсимон ўсимлик бўлиб, унинг бирор серсув қисми, чунончи, сабзи, турп, шолғомнинг этли илдиз меваси; карам ва салатнинг барглари; гулкарамнинг ғунчаси; равочнинг барг банди; помидор, бодиринг, бақлажонинг меваси овқатга ишлатилади. Сабзавотлар мазали бўлиши билан бирга жуда фойдали ҳамдир.* (“У ким. Бу нима” китобидан) [3, 19-б.].

Юқоридаги машқда матнни ўқиб, унинг мазмунини қайта ҳикоя қилиш, Сабзавотлар ҳақидаги фикрлар асосида муҳокама матни тузиш топшириғи берилган. Ўқувчи бу каби мазмундаги матнни кўрганда осон аниқлик киритиши учун муҳокама матнининг таърифи билан яқиндан таниш бўлишлари зарур. Матннинг ушбу турини ўқувчига тушунтириш жараёнида дастлаб матннинг таърифи келтириб ўтилади ва ўқувчи бу каби матнларни фарқлашда матн мавзуси нима ҳақида эканлигига асосий эътиборини қаратиши талаб этилади.

Матнда фикр юритилаётган асосий мавзу муҳокамага қаратилганлигини, сабзавот мавзусига эътибор тортилаётганлигини ўқувчига тўғри тушунтириб ўтилсагина ўқувчи бу каби матнлар мазмунидан матн турини тезда топа олишлари мумкин бўлади. 6-синф ўқувчилари учун матн мавзусига ажратилган 4 соат дарс жараёнида матн турларини ўқувчи онгига етказиш ўқитувчидан юқори малака талаб қилиши ва ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасидаги бир-бирларини осон тушунишга бўлган талаб қондирилиши лозим.

Янгиланган таҳрирдаги Низомда келтирилишича, 5-синфдан 9-синфгача бўлган она тили дарсликларига матн мавзуси учун 4 соатдан жой ажратилиши кўзда тутилган. Биз кўриб чиққан 6-синф она тили дарслигида асосан матн ва унинг турларига ўқувчининг ёш доирасидан ёндошилганлигига гувоҳ бўламиз. Юқори синфларда, жумладан, 7, 8, 9-синф она тили дарсликларига киритилиши кўзда тутилган матн мавзуларида матн таҳлилига эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Ваҳолангки, юқори синф ўқувчилари матн турлари ва матн мавзуларини мукаммал эгаллагач, таҳлил билан кўпроқ шуғуллансалар мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки матн таҳлили ўқувчини бадиий асарга бўлган қизиқишларини ошириш учун хизмат қилиши айни ҳақиқат.

Бадиий матн тили одатий граматик структурадан тубдан фарқ қилиши ва бу ҳол ўқувчи ёшларимизда турли хил муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши, уларнинг асар тилига бўлган қизиқишларини сўндириши, классик адабиётимиз дурдоналарига эътиборини сусайтириши мумкин. Бу каби масалалар, муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги борасида тадқиқот олиб бораётган

олимларимиз зиммасига улкан маъсулият юклайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низом.- Т., 2017 .
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, Д.Набиева. Она тили: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун.- Т.: Тасвир, 2017.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИНИ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Г.Рахимова,
Самарқанд давлат университети, ф.ф.н.

*Бошланғич таълимда Алишер Навоий ҳикматларини ўқитиш усуллари таҳлил этилган.*
***Калит сўзлар**: тарбия, таълим, сир, маърифат.*
*Методы преподавание афоризмов Алишера Навои при первом степени образование.*
***Ключевые слова:** воспитание, образование, секрет, просвещение.*
*In the initial training, it is usual to teach the wisdom of Alisher Navoiy.*
***Key words:** upbringing, education, secret, enlightenment.*

Тарбия инсон ҳаётида жуда муҳим саналади, шу сабабли таълим жараёнида бунга алоҳида эътибор қаратиш педагогларнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Буни бевосита бадиий адабиёт орқали амалга ошириш мумкин. Чунки бадиий асарлар ўқувчи онгига етарли даражада ўз таъсирини кўрсата олади. Айниқса, мумтоз адабиётимиз, хусусан, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарларини ўрганиш, уларда акс эттирилган умуминсоний ғоялар комил инсонни тарбиялашни ташкил этади. Бу бугунги кунимиз учун ҳам долзарб масала саналади.

Маънавий этук инсонни тарбиялаб вояга этказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги даврда буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодидаги маърифий ғоялар, панд-ўгит ва йўриқномалар биз учун мукаммал дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоий ижодини ўрганиш борасида шу вақтгача жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, кейинги йилларда умумтаълим мактабларининг деярли барча синфларида, академик литсейлар, касб-хунар коллежларининг адабиёт дарсликларида Навоий ижодини ўрганишга кенг ўрин берилган. Бошланғич таълимда, яъни 1-4 синф ўқиш ва одобнома дарсликларида [4-5] буюк шоиримиз ҳақидаги болаларга ўрнак бўладиган кичик-кичик афсона ва ривоятлар, асарларидан ҳикоят тарзида намуналар келтирилан. Бундай маълумотлар Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ёш болаларга сода ва тушинарли тарзда ўргатишдаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади, албатта. Бошланғич таълимда шоир ижодини ўрганиш, назаримизда, худди шу тарзда давом эттирилиб, аста-секинлик билан босқичма-босқич соддадан мураккабга, яни буюк шоирнинг инсоният маънавиятини бойитаётган ҳикматлари мазмун-моҳиятини болаларнинг фикр доирасига мос равишда изоҳи билан берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, Алишер Навоий ҳикматлари билан куролланган баркамол авлод жаҳонга юз тутади, Дунё илм аҳли билан умумбашарий мавзуларда ҳеч қўрқмасдан беллаша олади. Зеро, ҳазрат Алишер Навоий битганидек:

Агар ҳикматга бўлса илтифотинг
Ки, бўлсин Нуҳ умрича ҳаётинг. [2].

Агар билим олишга, дунёнинг сиру синоатларини ўрганишга ўзингда хоҳиш топа олсанг, ўзингни шунга кўниктира олсанг, олган билимларинг келгусида ўзингга асқотади, дейди шоир. Бу ҳикматни бир қарашда ўқувчига яхши ниятда узоқ умр берилишини сўраб

билдирилган тилак сифатида қабул қилишимиз мумкин. Бироқ нима учун айнан Нуҳнинг умричалик умр тўғрисида фикр юритилмоқда, шоир ҳикматининг мағзи ҳам шунда-да. Ушбу саволга Нуҳ исмли пайғамбар бўлганлигини унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асаридаги “Нуҳ ва кема” ҳикоятини оғзаки сўзлаб бериш орқали жавоб топиш ва ўқувчига тушинтириш мумкин. [6].

Ҳикоятда келтирилишича, олам талатўб бўлиб, бутун мавжудотнинг қирилиб кетиш хавфи туғилади. Шунда Нуҳ пайғамбар тирик мавжудотни сақлаб қолиш мақсадида бир катта кема қурдиради ва унга инсонлар қатори, ҳайвонлар, қушлар, умуман, тирик мавжудотдан бир жуфтдан олиб денгизга тушади, кема саёҳатига отланади, шу тариқа бутун мавжудот сақланиб қолинади. Айтишларича, Нуҳ пайғамбар бир минг этти юз йил яшаган экан. У кишининг инсониятга қилган бундай яхшилиги ҳеч қачон унитилмайди. Ҳазрат Алишер Навоий инсон ўз умри давомида бир-бирларига ана шундай яхшилик қилиб яшаса, унинг умри ҳам Нуҳ пайғамбар умри каби мангуликка дахлдор бўлади демоқчи.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил.
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил. [3].

Илм олиш қийинчилигидан қўрққан одам билим ололмайди, бу йўлнинг машаққатларига сабр ва бардош, қунт ва чидам билан ҳаракат қилган одамгагина илм хазинасининг эшиклари очилади. Ҳар бир одам ўз мақсадлари йўлида ўзи курашмоғи зарур. Бунунг учун ўз имкониятларини чамалаб кўрмоғи, шу иш менинг қўлимдан келадими, уддалай оламанми, йўқми деб ўзини имтиҳон қилмоғи, имкониятни фақат ўзидан қидирмоғи лозим. Шундагина, бошқалардан нажот сўраб ўтирмайди, ўз-ўзига суянсагина орзу-ниятлари рўёбга чиқади, дея ёшларга мурожаат қилади шоир. Ўрни келганда ўз билимига ишонмай, турли хил йўллар билан, ўзгаларнинг кўмагида олий ўқув юртларига кириб қолаётган ёшларимизнинг кейинчалик ўқишни уддалаёлмай талабалар сафидан чиқарилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага чун таҳсин дегил. [2].

Ёлғон гапиришни одат қилган одам ўзининг бу қилиғидан уялиши ўрнига, кишиларни алдаганидан фахрланади. Ёлғон гапига гўллик билан қулоқ солувчи ва унга ишонувчи кимсани топса, ўз мақсадига етган бўлади. Агар ёлғончининг ёлғон сўзи фош бўлса, у юзи қаро бўлиб, бутун умр одамлар қаторига қўшила олмайди. Инсонлар ҳар қандай шароитда ҳам тўғри сўзлашга одат қилиши, ёлғондан ҳазар қилиши лозимлиги уқтирилмоқда. Рост сўзловчи, ўз сўзининг устидан чиқа оладиган кишилар эса халқ орасида доим ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши таъкидланган. Ушбу ҳикматнинг маъносини болаларга янада тўларок қилиб тушинтиришда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” [2] достонидаги “Ёлғоннинг зарари, тўғриликнинг фойдалари”га бағишланган ўнинчи мақолатида келтирилган “Шер билан дуррож” ҳикоятини келтириб ўтиш мумкин. Она шер ўрмонда ёш боласини маълум вақтгача бир жойга қўйиб, ўзи ов қилгани кетишга мажбур бўлар, қаровсиз қолган шербаччани чумолилар талашиб, баданига шикаст етказар экан. Шу боис, боласини ёлғиз ташлаб кетмаслик учун доимо оғзида тишлаб олиб юришига тўғри келаркан. Бир куни она шернинг рўпарасидан дуррож (қуш) чиқиб қолади. Улар сўзлашишиб, бир-бирлари билан дўстлашиб қоладилар. Шунда она шеър боласини Дуррожга қолдириб бемалол овга кетадиган бўлади. Дуррож яхши дўст бўлади, шербаччага ғамхўрлик қилади, бироқ у табиатан жуда ёлғончи эди. Ҳар сафар она-болани алдаб, ўз сўзларига лаққа тушишганликларидан уларни масхаралаб кулади. Она шернинг бундан жаҳли чиқсада, дўстлиги сабаб койинмайди. Аммо кунларнинг бирида Дуррожнинг бошига чинакамига ташвиш тушиб, аёнки, дўстларини ёрдамга чақиради, лекин она шер ва унинг боласи бу Дуррожнинг ҳамшагидай бир ҳийласи бўлса керак деб, ёрдамга боришмайди. Оқибатда, Дуррож ўз ёлғонларининг қурбонига айланади, тузоққа тушади.

Одами эрсанг демагил одами,
Оникм йўқ халқ ғамидин ғами. [3].

Кимки ўзини ҳақиқий инсонлар қаторида кўришни истаса, халқнинг ғаму ташвишини

ўзининг кулфати деб қарамоғи лозим. Халқнинг оғирини енгил қилиш ғами билан яшаган одамгина ҳақиқий инсон саналади. Ушбу сўзларни Навоий шунчаки ўгит сифатида айтмаган, балки ўзи ҳам бу эзгу фикрларга амал қилган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш шоир ҳаётининг мазмунига айланган. Ўзининг вақф ерларидан келган даромадларини мамлакатни обод этиш, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаган. Каналлар қаздирган, мадраса, кутубхона, шифохона қурдирган, Муҳтож кишиларга кийим-кечак тарқатган, уларни озиқ-овқат билан таъминлаган. Мадрасаларда илм толибларига маош тўлаган. Бу фикрларимизни "Вақфия" асарида келтирилган шоирнинг ўз эътирофидан ҳам англаш мумкин. "Илгимдин келгунча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамин қўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул ҳазрат (Султон Ҳусайн Бойқаро) арзиға еткурдим". [3].

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунингни қилғали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш. [2].

Бизнинг шарқона қадриятларимизда ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш, беминнат хизматини қилиш, уларнинг дуосини олиш каби умуминсоний ғоялар маънавиятимизнинг юксак кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу эса Навоий ҳикматларининг асосий мавзуларидандир. Шоир, фарзанд отаси учун керак бўлса бошини, онаси учун жисмини фидо этмоғи, фарзандлари камолоти йўлида нур сочганликлари туфайли уларнинг бирини ой, бирини қуёш деб билмоғи лозимлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам буюк шоирнинг серқирра ижодини чуқур ўрганиш, бу бебаҳо хазинага тинимсиз мурожаат этиш ёш авлод маънавиятини бойитади, уларни замонасининг тўғри фикрловчи, онгли ва тоза виждонли кишилари сифатида шаклланишлари учун хизмат қилади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" [1] асарида уқтирганидек: "Айни вақтда …замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халқимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни ҳақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш барчамиз, аввало адабиёт аҳлининг вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Хуллас, Алишер Навоийнинг "Маънолар хазинаси"даги ана шундай ҳикматларни ўрганиш ва ёш авлодга ўргатиш биз, ўқитувчиларнинг бурчимиздир. Зотан, бўлажак бошланғич таълим ўқитувчилари ўқув жараёнини ташкил этишда қуйидаги талабларга жавоб бера олиши лозим. Булар, биринчидан, буюк шоирнинг инсоният маънавиятини бойитаётган ҳикматлари мазмун-моҳиятини болаларга ўргатиш шакллари ва методларидан хабардор бўлиши, иккинчидан, замонавий талаблар асосида ўқувчи шахси, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлишини англаган ҳолда, педагогик технологияларнинг таснифи ва асосий жиҳатларини ўзлаштириши, учинчидан, таълим жараёнини технологиялаштириш ҳақида тасаввурга эга бўлиши, тўртинчидан, Алишер Навоий ҳикматларини ўргатишда фаол қўлланиладиган замонавий педагогик ва инновацион технологияларни пухта эгаллаган бўлиши керак.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: "Маънавият", 2009.–302 б.
2. Алишер Навоий. МАТ, 20 жилдлик. 7- жилд. – Т.: "Фан", 1997. 541 b.
3. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, 13-жилд.– Т: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1966. 256 б.
4. Ўқиш китоби. Дарслик. 3-синф. – Т.: "Ўқитувчи", 2016. 57 б.
5. Одобнома. Дарслик. 3-синф. – Т.: "Ўқитувчи", 2016. 48 б.
6. Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 1-жилд. –Т.: "Фан", 328 б.

# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА БАДИИЙ АСАР УСТИДА ИШЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

М.Вафоева,
Самарқанд давлат университети, ф.ф.н.,
У.Шодиёрова,
Самарқанд давлат университети, талаба

*Мазкур мақола бошланғич таълимда бадиий асар устида ишлаш босқичлари, яъни синтез, анализ, иккинчи синтез босқичларининг асосий вазифалари ва иш мазмуни тадқиқига бағишланади.*
***Калит сўзлар:*** *синтез, анализ, иккинчи синтез, композитсия, тугун, кулминация, ечим, жонлантириш.*
*Эта статья посвящается работе над этапами художественной произведении в начальном образовании, то есть работа над синтезом, анализом, главными задачами и целью работы этапов второго синтеза.*
***Ключевые слова:*** *синтез, анализ, второй синтез, композиция, проблема, кульминация, развязка, оживление.*
*This article is dedicated to the work of stages of work of art at primary edication, and also it is dedicated to the synthesis, analysis, the main aims and the aim of work of the second synthesis's stages.*
***Keys words:*** *synthesis, analysis,the second synthesis, composition, problem, culmination, denouement, reanimation.*

Сўз олам ва ундаги нарсалардан олдин пайдо бўлганлиги, у дунёдаги барча нарсаларнинг асоси эканлиги барча илмий ва бадиий китобларда қайд этилади. Сўзнинг чексиз қудратга эга эканлигини мана шундан ҳам билса бўлади. Ҳар бир инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган, маънавий озуқа берадиган бадиий адабиёт ана шундай қудратга эга сўз билан иш кўрадиган санъат тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бадиий адабиёт сўз санъати деб юритилиши бежиз эмас, албатта.

Бадиий адабиёт санъатнинг мураккаб ва серқирра тури бўлиб, инсонда маънавий баркамолликни шакллантиришнинг таъсирчан воситаларидан бири саналади. Инсонлардаги турфа туйғулар, нозик кечинмалар, ўзгача руҳий ҳолат жилваларини фақат сўз ёрдамида ифода этиш мумкин. Шунинг учун бадиий адабиётнинг асосий иш қуроли, материали – сўзлиги билан ажралиб туради.

Санъатнинг адабиётдан бошқа ҳар қандай тури инсон ҳаёти ёки ҳиссиётининг фақат биргина ҳолатини ифода эта олади. Бадиий адабиёт эса тасвирланаётган кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг ҳозирги ҳолатини қанчалик ишонарли акс эттирса, унинг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам шунчалик таъсирчан ва жонли тасвирлай олади. Демак, инсонда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда бадиий адабиётнинг имконияти beниҳоя катта эканлигини инкор этиб бўлмайди. Буни биргина мисол билан асослаш мумкин. Масалан, атрофимиздаги олам, табиатшунослик дарсларида булут, шамол, шудринг, қор, ёмғирнинг қачон, қандай ёғиши ҳақида назарий маълумотга эга бўлади, бу эса ўқувчи тафаккурини бойитишга хизмат қилади. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган шоир Абдураҳмон Акбарнинг “Сўзловчи ёмғир” (2,175-17-6.) деб номланган шеърининг ҳиссиёт ва туйғуларга таъсирини ўрганамиз:

Ишим ўзи шунақа:
Ҳамма жойга ёғаман.
Қариндошман қор билан,
Шудрингвойга тоғаман.

Яйловдаги сурувдек
Кўкда сузиб юрсак ҳам,
Бизлар асли Ерликмиз, -
Дейдилар булут онам.

Ватан яшнасин десанг,
Бўлсин десанг чаман, боғ,

Болам, унга куздамас,
Кўпроқ кўклам чоғи ёғ.
Онажоним сўзидан
Кайфиятим чоғ бўлиб,
Шошиламан заминга
Баҳор келганда кулиб.
Ҳазиллашиб – тортқилаб
Майсалар қулоғидан,
Ғубор – чангни юваман
Гулларнинг япроғидан.

Шоир ёмгир ёғишининг қандай содир бўлишини батафсил тасвирлаб, нима учун шундай бўлганлигини илмий асосда тушунтириб бераётгани йўқ, балки мавжуд ҳаётий ҳолатнинг манзарасини бадиий сўз ёрдамида яратиб берган. Бу манзарада атрофимиздаги олам, табиатшунослик дарсларида бўлмаган, аммо бадиий адабиётга хос бўлган, шоирнинг туйғу ва кечинмалари мужассамлашган.

Бундан кўринадики, бадиий адабиёт маънавий ҳақиқатларни, фан илмий ҳақиқатларни ифода этади. Илмий ҳақиқат фикр, мантиқ орқали билинса, маънавий ҳақиқатни ҳис-туйғу воситасида туйиш мумкин. Маънавий ҳақиқатлар инсон мавжудлигининг мақсадини белгилаб берса, илмий ҳақиқатлар ана шу мақсадга эришишга хизмат қиладиган воситаларни топиб беради. Бу эса инсон фаолиятида маънавиятни илмсиз шакллантириш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Ҳар қандай бадиий асар, аввало, кечинма, ҳиссиёт, муносабатнинг маҳсули бўлганлиги сабабли кишиларда турли хил ҳис-туйғу уйғотади. Бадиий адабиёт, асосан, туйғулар билан иш кўрганлиги учун инсонлар ҳамиша таъсирлар оғушида, муносабатлар ва кечинмалар қуршовида бўлади. Чунки шоир ва ёзувчилар ўз кечинма ва ҳиссиётларини китобхонга юқтиришга интилади.

Бадиий асар устида ишлаш ва унинг асосий босқичларини белгилашда ўқитувчи бадиий асарнинг санъат асари сифатида ўзига хос хусусиятларини ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини назарда тутади.

Бадиий асарда барча қисмлар – ғоявий асос, композитсия, сужет, тасвирий воситалар – ўзаро боғлиқ бўлади. Масалан, Азиз Абдураззоқнинг "Данак ичидаги дарахт" [2, 176-179-б.] эртагида «данак ичидаги мағизнинг ўсиб дарахт бўлгани, Раънонинг ниҳолни қўриқлаши» воқеалар ривожини ташкил этса, «Кимки уни (дарахтни) кўрмоқчи бўлса, уч йилдан кейин баҳорда Раъноларникига бориши» эртакнинг тугалланмасини ташкил этади.

Ўқувчиларни бадиий асар устида ишлашга ўргатиш уларда адабий-естетик таҳлил малакасини шакллантириш ва ўстириш орқали таълим-тарбия беришни назарда тутади. Асар матнини таҳлил қилиш муаллиф фикрини, ҳиссиёти ва хулосаларини тушунишга ёрдам беради, асарда ифода этилган воқеаларга муносабат уйғотади. Асар таҳлили ўқитувчидан ўқувчилар фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришни тақозо қилади.

Ўқувчи асарнинг мазмуни билан уни мутолаа қилиш пайтида танишса, таҳлил қилишда унинг поетик воситаларига мурожаат қилади. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешлаб борса, таҳлил асар замиридаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда бадиий асар устида ишлаш уч асосий босқичга бўлинади:

**Биринчи босқич** *(биринчи синтез).* Бу босқичнинг асосий вазифаси матнни яхлит идрок этиш асосида асарнинг аниқ мазмуни ва тасвирий ифода воситалари билан таништиришдан иборат (1,89-б.). Масалан, 4-синф ўқиш китобидаги *Мунавварқори Абдурашидхоновнинг "Ҳар ким экканин ўрар"*(2.31-32) шеърий эртагини оладиган бўлсак, унда оғил, келин, невара ва ота ўртасидаги муносабатлар акс эттирилган.

Бундай шеърларнинг мазмуни ўқувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунда таълимий воситалар – расмлардан фойдаланиш яхши самара беради. Асар матни устида ишлашда уни қисмларга бўлиш амалга оширилади. Масалан, бу шеърий эртакни уч қисмга бўлиш мумкин. 1- қисм:

Бир кишининг отаси,
Кўп яшамиш, қартаймиш.
Соч-соқоли оқармиш,
Беллари кучдан қолмиш.

Нон еганда лаблари
Бурни билан сўзлашур.
Чой ичганда қўллари
Қалтирашиб, титрашур.

Бели икки букилган
Юрай деса юролмас.
Бир ўтирса ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас.

2-қисм:

Ўғил, келин, невара
Зерикдилар бу ҳолдан.
Қутулмоқчи бўлдилар
Бир иш қилиб у чолдан.

Ўғил билан невара
Кун кеч бўлгач, турдилар.
Кўтардилар у чолни
Саҳро сари юрдилар.

3-қисм:

Бир ўринга етганда
Сўзга кирди аста чол.
Деди: "Ўғлим, сўзимга
Бирозгина қулоқ сол.

Мен отамни бир замон
Бу ўринга келтириб,
Ташлаб кетган чоғимда
Қолган эди термулиб.

Навбат келди ўзимга,
Сен ҳам мени келтирдинг.
Мен отамга не қилсам,
энди менга сен қилдинг.

Менга ярар шул ўрин,
Бир кун сенга ҳам ярар.
эл аро бор бир матал:
"Ҳар ким экканин ўрар".

Кўринадики, 1-қисмда асосий фикр кекса отанинг ташқи кўриниши, аҳволи ишонарли сўзлар орқали чизилган, 2-қисмда ўғил, келин, неваранинг чолдан зерикиб, саҳро сари юрганлари, 3-қисмда эса кекса отанинг иқрори тасвирланган. Ҳар бир қисмда асосий фикр аниқлангандан сўнг, режа тузилади ва қайта ҳикояланади, қаҳрамонларга тавсиф берилади ва тарбиявий хулосалар чиқарилади.

**Иккинчи босқич** *(анализ).* Бу босқичнинг вазифаси ва иш мазмуни бир неча қисмлардан иборат, жумладан,

а) воқеалар ривожининг боғланишини белгилаш:

Бир ўринга етганда
Сўзга кирди аста чол.
Деди: "Ўғлим, сўзимга
Бирозгина қулоқ сол.

Мен отамни бир замон
Бу ўринга келтириб,

Ташлаб кетган чоғимда
Қолган эди термулиб.

б) асарда иштирок этувчи шахсларнинг хулқ-атвори ва уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш – кекса отанинг хусусиятлари:

Нон еганда лаблари
Бурни билан сўзлашур.
Чой ичганда қўллари
Қалтирашиб, титрашур.
Бели икки букилган
Юрай деса юролмас.
Бир ўтирса ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас.

с) асар композитсиясини очиш:

*– тугун:*

Бели икки букилган
Юрай деса юролмас.
Бир ўтирса ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас;

*– кулминатсион нуқтаси:*

Ўғил билан невара
Кун кеч бўлгач, турдилар.
Кўтардилар у чолни
Саҳро сари юрдилар;

*– ечими:*

Навбат келди ўзимга,
Сен ҳам мени келтирдинг.
Мен отамга не қилсам,
энди менга сен қилдинг.

д) асарнинг аниқ мазмунини тасвирий воситалар билан бирга таҳлил қилиш: *Соч-соқоли оқармиш, Беллари кучдан қолмиш. Нон еганда лаблари Бурни билан сўзлашур* – жонлантириш;

е) қаҳрамонлар хулқ-атворини баҳолаш: муаллиф ҳаётда ким нима қилса, шунга яраша тақдирланиши, одамнинг тақдирдан қочиб қутила олмаслиги, нима экса, шундай ҳосил олишини тасвирлаган.

**Учинчи босқич** *(иккинчи синтез).* Бу босқичнинг иш мазмуни иштирок этувчи шахслар (*ота – ўғил – набира*)нинг муҳим хусусиятларини умумлаштириш (*набира бир кун келиб бобосининг ишини такрорлаши*), қаҳрамонларни таққослаш ва баҳолаш (*бобонинг ўз қилмишига иқрор бўлиши, бу хатони ўғил ва набира такрорламаслиги*), асарнинг ғоясини аниқлаш (*ҳаётда ким нима қилса, шунга яраша тақдирланиши ёки жазоланиши, одамнинг тақдирдан қочиб қутила олмаслиги, нима экса, шуни ўриши*), бадиий асарни ҳаётни билиш манбаи ва санъат асари сифатида баҳолашдан иборатдир. Иккинчи синтездан сўнг асарга боғлиқ ҳолда мақоллар топтириш, ибратли ҳикоятлар айтиб бериш, асардан олган таассуротларини ҳаёт билан боғлаш каби ишлар ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Асар таҳлили тушунарли ва қизиқарли, ҳаётий тажрибаларга бой бўлса, ўқувчилар фаоллиги ортади, чунки асарни таҳлил қилиш улар учун ижодий жараён ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қосимова К., Матчонов С., Ғуломова Х., Йўлдошева Ш., Сариев Ш. Она тили ўқитиш методикаси. Т.: “Ношир”, 2009.
2. Матчонов С., Шожалилов А., Ғуломова Х., Сариев Ш. Долимов З. “Ўқиш китоби”: 4-синф учун дарслик. Тошкент: “Янгийўл полиграф сервис”, 2016.
3. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. Тошкент: “Шарқ”, 2002.

4. Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Р.Қосимова,
Самарқанд давлат университети, доцент

*Мақолада бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарсларини замонавий тарзда, гимнастика машғулотлари орқали ташкил қилиш ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *дарс, ҳаракатли ўйинлар, амалий машғулот, сафда туриш, акробатик машқлар, жисмоний баркамоллик.*

*В статье имеются интересные информации о современной методике проведения уроков физкультуры в начальных классах через гимнастические упражнения.*

***Ключевые слова:*** *урок, подвижные игры, практические занятия, постоение ряда, акробатческие упражнения, физическая гармония.*

*The article contains interesting information about the modern methods of conducting physical education lessons in the elementary classes with the help of gymnastic exercises.*

***Key words:*** *lesson, outdoor games, practical exercises, row building, acrobatic exercises, physical harmony.*

Элимизда “Бола бошидан” деган ҳикмат бор. Бу талаб бошланғич синф ўқувчиларининг таълим-тарбиясига ҳамда ҳар томонлама чиниқиб улғайишига ҳам ҳамоҳангдир. Зеро, жисмоний тарбия инсон камолотини таъминловчи ижтимоий-педагогик жараёнлардан бири эканлиги ва бошланғич таълим жараёнида жисмоний тарбияни қўллаш технологиялари ҳамда I-IV синф ўқувчиларини жисмоний тарбия воситалари билан доимий равишда шуғулланишга одатлантириш, шунингдек, жисмоний тарбия тизими, жисмоний тарбия таълими ва жисмоний тарбияни ўқитиш усуллари "Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти" дарслиги (2005), таълим-тарбия муассасалари "Жисмоний тарбия" дастури (1999) ва бир қатор ўқув-услубий қўлланмаларда (К.М.Маҳкамжонов, Р.С.Саломов, Ф.А.Керимов, Т.С.Усмонхўжаев ва бошқалар) ҳам батафсил баён этилган. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда. Дарҳақиқат, "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш" (30 октябр 2002 йил), ўқувчи ёшларнинг кўп босқичли спорт мусобақалари ("Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ва бошқалар)ни ўтказиш каби тадбирларга бағишланган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва уларни амалга оширишдаги улкан салоҳиятли тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни (1997), Давлат таълим стандартлари, Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури, Баркамол авлод Давлат Дастури (2010) узлуксиз таълимда жисмоний тарбия таълимини такомиллаштиришга даъват этмоқда. Табиийки, бу ижтимоий-педагогик жараёнлар спортда катта ютуқларни қўлга киритишга асос бўлади. Шу билан биргаликда, педагогика ва жисмоний тарбия назариясида ўқув ва таълимнинг асосий шакли дарс эканлиги уқтирилади. Бу жисмоний тарбия фанига ҳам тааллуқлидир. Жисмоний тарбия дарсларида алоҳида турлар мавжуд бўлсада, уларнинг мазмунлари, шакллари бир-бири билан узвий боғланиб, такрорланади. Масалан сафланиш, сафда юриш, навбат билан машқ ўйинларни бажариш ва бошқалар фақат гимнастика дарсларидагина эмас, балки енгил атлетика, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар дарсларида ҳам қўлланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, гимнастика дарсларида ҳар бир амалий ҳаракатни тўғри бажаришга алоҳида эътибор берилади, бошқа дарсларда эса фақат ташкилий жиҳатларгина кўзда тутилади. Юқорида таъкидланганидек, жисмоний таълим фақат дарслар асосидагина эмас, ҳатто дарсдан ташқари ва мактабдан ташқари ташкил этиладиган турли оммавий соғломлаштириш тадбирлари орқали ҳам ташкил этилади. Уларни асосан қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Оила шароитида эрталабки гимнастика ёки мактабдаги дарсгача гимнастика.

2. Турли хил фанларни ўқитишда толиқишни камайтириш мақсадида жисмоний маданият лаҳзаларини ўтказиш.

3. Катта танаффуслар вақтида оммавий соғломлаштириш ўйин-машқлари.

4. Машғулотларда мавжуд бўлган спорт тўгараклари ва соғломлаштириш (жисмоний тарбия дарсларидан озод этилганлар учун) машғулотлари.

5. Синфда ва синфлараро ўтказиладиган спорт мусобақалари ("Қувноқ старт", "Умид ниҳоллари" ва бошқаларга тайёргарлик).

6. Байрамлар, улуғ айёмлар, касб куни, дам олиш куни, таътил пайтларида ўтказиладиган турли спорт мусобақалари, сайр-саёҳатлар.

7. Илғор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар, фахрий педагоглар, тиббий ходимлар, Республика ва жаҳон чемпионлари, истеъдодли мураббийлар иштирокида давра суҳбатлари.

8. Синфларда ва уй шароитларида жисмоний тарбия ва спорт мавзусида видео тасвирлар, видеотелефонларни намойиш этиш.

9. Спорт иншоотларида ўтказиладиган нуфузли спорт мусобақалари ва оммавий маданий тадбирларни синф билан ёки оилавий шароитда томоша қилиш.

10. Болалар ҳаётини ёритиб берувчи газета, журналларни ("Соғлом авлод учун" ва ҳ.к.) ўқиб боришга одатлантириш.

Бу каби таълим-тарбия воситалари ва усуллари ижтимоий кундалик турмуш шароитда у ёки бу шаклда ўтказиб борилади. Уларга болаларни жалб этиш, амалий иштирок этишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бў- лади. Зеро, икки минг ўн саккизинчи йил 5 мартда "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисида Президент фармони эълон қилинди. Бу янги фармонда: " болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш" асосий масалалар сифатида алоҳида таъкидланган [1].

Дарҳақиқат, жисмоний тарбия назарияси бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний баркамолликни, ҳар томонлама тараққий этган юксак маданият ва ахлоқни тарбиялаш бўйича таълим-тарбия жараёнларини илмий асосда қуришни белгилайди. Бу амалий фан ўқитувчисини бошланғич синф ўқувчилари жисмоний баркамоллигининг воситалари, шакллари ва усуллари тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиради, унда махсус ва тегишли ҳаракат кўникмаси ҳамда малакаларини шакллантиради. Шу тариқа тарбия такомиллашади [2, 135-б.].

Бу борада I-IV синфларда ўтиладиган дарсларнинг турлари ва асосий мазмуни ҳақида баъзи бир тушунчаларни келтириш мумкин. Буни биз биринчи синф Гимнастика дарслари мисолида изоҳлашга уринамиз [3-14].

Маълумки, сўнгги йилларда гимнастика дарсларини ташкил қилиш усуллари ва педагогик маҳоратни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш натижаларига кўра қуйидагиларни эътироф этиш мумкин, яъни:

1. Болаларнинг бўйига кўра сафда туришини даъват этиш шарт эмас. Чунки бу ёшдаги болалар энг аввало, ўзаро таниш, яқинлари билан ёнма-ён туришни маъқул кўради. Дастлабки дарсларда бир-бирининг қўлини ушлаб сафда туриш, сафда юриш усуллари қўллаш мумкин. Лекин бу йўл доимий равишда такрорланса, болаларда мустақил юриш - туриш ва машқ ўйинларни бажаришда ишончи тезда ривожланмайди.

2. Саф (ёнма-ён), қатор (олдинма-кейин) машқларини бажаришга ўргатишда "сафлан", "бир қаторга тур" каби ибора- буйруқларни ишлатиш зарур. Ўқув йилининг II чорагида ўқувчиларнинг бўйига қараб сафланишга (қаторга) ўргатиш мумкин. Бу оралиқда ўқувчилар бир-бирини яхши таниб олади ва ўз жойларини - кимдан кейин ва кимдан олдин туришини англайди.

"Сафлан", "қатордан тарқал" буйруғини ҳам "тарқал" ибораси билан тушунтириш ва амалда такрорлаш лозим бўлади.

1. Икки қатор сафга туриш ва тарқалиб яна сафланиш вазифаларини энг аввало, алоҳида бажартириш, маълум кўникмалар ҳосил қилингандан кейингина бошқа ўйин-машқлар ва спорт турларида (енгил атлетика, ҳаракатли ўйин ва бошқаларда) ҳам қўллаш лозим бўлади. Саф ёки қаторга туришда ҳамма ўқувчилар асосий талабларни (бўйига қараб туриш) тенг бажара олмайди. Айниқса, қиз болалар яқин тенгдошлари, дугоналари билан ёнма-ён ёки олдинма-кетин туришни истайди. Натижада эса жой талашиш, саф, қатор тартиб-қоидалари бузилади. Шу сабабдан, ўқитувчи асосий тартиб-қоидаларни тўғри ва ўз вақтида бажаришни мунтазам эслатиши, қоидалар бажарилиши, назорат қилиши ва талаб қилиши шарт бўлади.

2. Сафда, қаторда юриш, умумривожлантирувчи жисмоний машқларни (гимнастика машқлари) бажаришда ўз жойини билиш, машқларни бажариш услубига эътиборни жалб этиш мақсадида ўқитувчи сергак ва ҳушёр бўлиши, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиши лозим.

3. Акробатик машқларни (олдинга, ёнга дўмбалоқ ошиш, қўлларга таяниб чарх-айланиш, тўсиқлардан сакраб ўтиш ва ҳ.к.) бажаришни ўргатишда бажарилиш усулларини аниқ кўрсатиш, кўргазмалиликни кўпроқ қўллаш, айниқса хатоларни тўғрилашда ўқитувчи кўпроқ амалий ёндашиши лозим.

4. Гимнастика нарвончаси (девор), турник, брус ва бошқа асбобларда осилиш, тортилиш, гавдани кўтариб ошиб тушиш, гимнастика скамейкасида юриш, мувозанат сақлаш, югуриб ўтиш ва бошқа ҳаракатларни ўргатишда ҳам намуналик, кўргазмалилик, рағбатлантириш, хатоларни тўғрилаш ва ҳоказо усуллари ўқитувчи томонидан диққат билан қўлланилишига тўғри келади.

5. Эркин машқлар, рақслар, бадиий гимнастика қисмларини (элемент) ўргатишда ўқувчиларнинг барча жисмоний сифатлари қаторида руҳий (психологик) ҳолатларни (қизиқиш, кувноқлик, мустақил ҳаракатлар ва ҳ.к.) эътиборга олиш, қўшиқ ва мусиқалардан фойдаланиш лозим.

Бу жараёнлар ўқувчиларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

6. Гимнастика дарсларидаги юриш, югуриш, сакраш, тўпларни улоқтириш, бир-бирига узатиш, отиш ва бошқа ўйин - машқлар енгил атлетика, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар, кураш каби турларни айнан такрорлаш (яхши натижа кўрсатиш, меъёрий талабларни бажариш) эмас, балки қоматни тўғри ўстириш, жисмоний сифатларни шакллантириш, руҳий озуқа бериш каби тарбиявий жиҳатларга қаратилади.

Умуман олганда, бошланғич синф ўқувчиларининг диққат-эътибори ва ижрочилик фаолиятини ўстиришда буйруқ топшириқларни аниқ, қисқа мазмунда тушунтириш ҳамда таълим технологиялари асосида амалда бажариш керак [4].

Шу асосда жисмоний тарбия дарсларини мазмунан қизиқарли ташкил этиш ва ўқувчиларнинг жисмоний қобилиятларини шакллантириш ҳамда уларни ҳар томонлама тарбиялаб ўстириш ҳозирги давр талабидир.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисида Президент фармони. Тошкент шаҳри, 2018-йил, 5 март // www.gov.uz

2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Қосимова Р., Болтаев З. Жисмоний тарбия асослари ва методикаси.Ўқув қўлланма. –Самарқанд, 2017.

4. Мирсолиева М., Ибрагимова Г. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат. –Т.: ТДПУ, 2015

# ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР МАВЗУСИНИ ЎТИШДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Л.З.Ибрагимов, М.З.Давранова,
Самарқанд давлат университети

*Мазкур мақолада умум таълим мактабларида "Табиий ресурслар" мавзусини ўқитишда республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов асарларидан қўшимча манбаа сифатида фойдаланишга эътибор қариатилган.*

***Калит сўзлар**: табиий ресурслар, географик ўрин, минерал бойлик, табиий шароит, хомашё захиралари, экспорт.*

*В настоящей статье рассматривается некоторые аспекты при изучение темы "Природных ресурсов" на уроках географии в общеобразовательной уроки на примере изученных произведений первого президента И.А. Каримова как дополнительный источник.*

***Ключевые слова:** природные ресурсы, географическое положение, минеральные богатства, природные условия, сырье запасы, экспорт.*

*In this article is considered some aspects studying the topic of "Natural resources" in geography lessons in general educational lessons, as exemplified by the study of the first president IA. Karimov as a as an additional source.*

***Key words:** natural resources, geographical location, mineral wealth, natural conditions, raw materials, export.*

"Ўзбекистон табиий географияси фанини ўқитишда Президент И.А.Каримов асарларидан фойдаланган ҳолда олинган бир соатлик дарс ишланмаси" бўлимида 7-синф Ўзбекистон табиий географияси курсининг 16-дарси, "Ўзбекистонннинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалари" мавзуси дарс ишланмаси келтирилган. Дарс ишланмада дарс технологик харитаси орқали умумий мақсад ва вазифалар белгилаб олинган. Президент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"асари асосида қўшимча маълумотлар берилган. Дарс ишланмада мақсад ва вазифалар аниқ қўйилган. Мақсад ва вазифаларни бажаришга оид кўрсатмалар берилган.

## ДАРСНИНГ ТЕХНОЛИК ХАРИТАСИ

| Мавзу | Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалари |
|---|---|
| Мақсад, вазифа-лар | Ўқувчиларда табиий ресурслар, фойдали қазилмалар ва тушунчаларини шакллантириш; унинг табиий шароити ҳақидаги билимларни ёдга тушириш; мавзуга оид янги атамалар билан таништириш.<br>Ўқувчиларни дарсликдан ташқари адабиёт ва турли манбаларни ўқишга даъват этиш, ўз мақсадига эришиш руҳида тарбиялаш, жамоа бЎлиб ишлаш, ўзаро ёрдам ва берилган вазифани бажаришда маъсулият сезиш кўникмаларини таркиб топтириш. Президент асарларини ўрганишга ўргатиш. |
| Ўқув жараёни нинг мазмуни | Ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ишлашга Ўргатиш, ўз-ўзини бошқаришга йўналтириш, нутқ маданиятини Ўстириш, ҳозиржавоблик, башорат қила билиш хусусиятларини ривожлантириш.<br>Ўқувчиларда мавзу асосида билим ва кўникмаларни шакиллантириш, географик атлас ва хариталар билан ишлашга қизиқиш ўйғотиш. |
| Ўқув жараёни ни амалга ошириш техноло-гияси | Услуб: "Гуруҳлар билан ишлаш", "Жуфтликда ишлаш", "Б.Б.Б". "Ким чаққон",<br>Шакл: Савол-жавоб, жамоа ва якка тартибда ишлаш, амалий машғулот.<br>Восита: Ўзбекистон Республикаси харитаси , 7 -синф географик атласи, ёзувсиз харита, магнет доска.<br>Техник воситалар: Видеопроектор, экран. 7-синф ўқув атласи, ёзувсиз харита, 8-синф дарслиги, пресидент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"асари<br>Турли дидактик материаллар.<br>Усул: Тартибли равишда гуруҳларда ва жуфтликда ишлаш. |

| | |
|---|---|
| | Назорат: Амалий машғулот. Савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш.<br>Баҳолаш: 5 балл тизим асосида баҳолаш. Ер шари шаклидаги карточкалар билан тақдирлаш. |
| Кутила-ётган натижа-лар | Ўқитувчи: Мавзу белгиланган вақт ичида барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади. Ўқувчиларнинг дарсда фаоллиги ошади. Уларда фанга нисбатан қизиқиш ўйғонади. Амалий машғулот давомида барча ўқувчилар баҳоланади. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчилар оғзаки ва амалий машғулотларни мустақил бажарадилар, бошқаларга етказиш, савол ва жавоб беришга ўргатилади.<br>Ўқувчи:Мавзу юзасидан янги билимга эга бўладилар. Гуруҳлар билан ишлашни ўрганадилар, эслаб қолиш, айта олиш, кўрсата олиш кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Турли расм ва видеофилмлар намойиши уларда аниқ тасаввур ҳосил қилади. |
| Режалар | Ўқитувчи: Янги педагогик технологиларни ўзлаштиради ва дарсда татбиқ этиб, такомиллаштиришга эришади. Ўз устида ишлайди. Мавзуни ҳаётий воқеялар билан боғлайди ва солиштиради.<br>Ўқувчи: Мавзу юзасидан берилган топшириқ устида мустақил ишлаши ўрганади. Ўз фикрини равон баён эта олади. Гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади. |

## ДАРС МАВЗУСИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРИ

**Дарс мақсади:**

**а) таълимий мақсад:** Ўқувчиларга оълканинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалари ҳақида билимлар бериш.

**б) тарбиявий мақсад:** Ўлкасидаги табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларидан унумли фойдаланиш юзасидан фикрларини эркин айта олишга ўргатиш

**д) ривожлантирувчи:** Турли интерфаол усуллар ёрдамида ўқувчиларни янги мавзуни ўзлаштиришга эришиш.

Дарс жараёнида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакалар:

**Билим:** Ўлканинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалар аниқланган ҳудуларни карталар орқали кўрсатиш, уларни хўжаликдаги фойдалиш даражаси, республика иқтисодиётидаги ўрнига баҳо бериш.

**Кўникма:** Турли ҳудудлардаги табиий ресурслари иқтисодий аҳамиятини билиш, фойдали қазилма турларини номма-ном билиш, улардан фойдаланиш ҳақида маълумотларга эга бўлиш.

**Малака:** Ўлканинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалар аниқланган ҳудуларни ёзувсиз картага туширишни билиш, фойдаланиш жараёнига оид муаммоларини ҳал этишга доир ўз фикрини айта олиш.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИ

Ўзбекистонда Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Умумий қилиб айтганда география соҳасига биринчи президентимиз И.А.Каримов асарларида алоҳида урғу берилган бўлиб, ҳозирги кунда бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда республиканинг табиий ресурслари (бойликлари) алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчи президентимиз асарларида келтирилга бази маълумотларни сўзимизнинг тасдиғи дея айта олишимиз мумкун, зеро: “Ҳозирга қадар 2.7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан номоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган бўлиб, улар 100 га яқин минерал хомашё турларини ўз ичига олади, шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. Ҳозирга қадар 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 млрд АҚШ доллорини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал хомашё потенсиали 3.3 триллион АҚШ доллоридан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим” [1, 230 б]. Юртимизда топилган минерал хомашё ресурслари орасида ёқилғи – энергетика ресурслари айниқса аҳамиятлидир. Бу ўринда, нефт, газ ва кўмирнинг салмоғи анчайин катта. Буларнинг захиралари республика

эҳтиёжини тўла қондирибгина қолмасдан балки, чет эл давлатларига экспорт қилиш имкониятини ҳам бермоқда. Юртимиздаги фойдали қазилмалар ва уларнинг захиралари ҳақида биринчи президентимиз ўзининг асарларида шундай таъриф берилган “Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубометрга яқин, кўмир – 2 миллиард тоннадан ортиқ, нефт конлари эса 160 дан ортиқни ташкил қилади.” [1, 234 б]. Ёқилғи бойликлар тарқалган худудлар георафик ўрнидан келиб чиққан ҳолда турли минтақаларга ажратилган яъни, “Юртимизда тарқалган нефт ва газ мавжуд бўлган бешта асосий минтақалар ажратилган бўлиб, булар: Устюрт, Бухоро–Хива, Жануби–Ғарбий Ҳисор, Сурхандарё, Фарғона минтақаларидир. Бу ҳудудлардан Жануби – Ғарбий Ҳисор ва Бухоро – Хива нефт ва газли минтақада энг йирик газ конлари жойлашган бўлиб, булар Шўртан ва Муборак гуруҳларига кирувчи конлардир. Кўмир конлари эса асосан Ангрен, Шарғун, Бойсун конларидан қазиб чиқарилади”[1, 233-234 б]. Шу каби ёқилғи бойликлари юртимиз ҳудудидан кўплаб топилган, ҳозирда уларга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси жаҳонда қимматбаҳо маъдан захираси бўйича етакчи давлатлар қаторида туради. Юртимизда бу қазилмаларнинг захиралари улкан бўлиб, айниқса рангли, нодир, безакбоб тошлар ва ер бағрида кам учрайдиган метал захираларига эга, булар орасида олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, рений, мармар, гранит, габбро ва волфрам каби элементлар асосийлари ҳисобланади. Бу бойликлар юртимизда табиий географик ўрни, иқлим шароити ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турлича тарқалган. Бу қимматбаҳо бойликлар биринчи президентимиз И. А. Каримов асарида қуйидагича келтириб ўтилган яъни “Ҳозирги вақтда юртимизда 40 та қимматбаҳо метал конлари қидириб топилган. Улар орасида энг аҳамиятлиси олтин ҳисобланиб, уларнинг асосий захиралари олтин конларининг ўзида – Марказий Қизилқумда жойлашган бўлиб, тасдиқланган захиралари бўйича Республикани дунёда тўртинчи ўринга олиб чиқади. Мурунтов олтин кони дунёдаги гигант конлар жумласига киради. Дунёнинг энг йирик олтин вилояти бўлган Қизилқумда Мурунтовдан ташқари Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аристонтов, Тўрабой ва бошқа янги конлар аниқланиб ўрганилмоқда.

Бундан ташқари Республикада кумуш конлари ҳам бор. Булар Навоий вилоятидаги Високоволтное, Ўқжетпес, Косманачи конлари ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конидир. Шу билан бир қаторда юртимизда уран ҳам ишлаб чиқарилади. Аниқланган уран захиралари 50-60 йил мобойнида қазиб олишга етади. Рангли метал рудаларининг захиралари асосан Олмалиқ руда майдонида жамланган. Қалмоққир кони ноёб конлардан бўлиб, у мис-молибден рудаларини қазиб чиқариш бўйича чет элдагилардан анча устун туради. Бу коннинг рудасини Олмалиқ кон металургия комбинати қайта ишлайди. Қўрғошин, рух асосан Жиззах вилоятининг Учқулоч ва Сурхандарё вилоятининг Хонжиза конларида жамланган. Шу билан бирга юртимиз ренийнинг ноёб захираларига ҳам эга. У Олмалиқ конидаги мис рудалари билан боғлиқ. Шунингдек Республикада 20 та мармар, 15 та гранит ва габбро борлиги аниқланган. Қоплама тошларнинг умумий захиралари 85 миллион куб метрдан ортиб кетади. Газғон, Нурота, Зарбанд конларида мармар блокларни ҳозирги замон техналогияси асосида қазиб олувчи корхоналарни чет эллик шериклар иштирокида лойиҳалари мавжуд” [2, 14 б]. Шу ўринда ер бағрида рудамас қазилмаларни ҳам кенг тарқалган бўлиб, булар қаторида фосфорит, калий тузи, ош тузи, тош тузи кабиларнинг захиралари улкан ҳисобланади. Бу қазилмаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан асосан саноат, қишлоқ хўжалиги ва шу каби соҳаларда фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда Қизилқум фосфорит комбинати қурилмоқда. Унда 2.7 миллион тонна фосфорит концентрати олинади. Бундан ташқари Марказий Қизилқумдаги Қорақат конида дастлабки қидирув ишлари олиб борилди, ва Шимолий Жетитов конининг миқдори ҳам аниқланди. Шу билан бирга аниқланган захиралари 300 миллион тоннага яқин бўлган фосфорит конларидан амалда фойдаланилмаётир. Республикада 5 та тош тузи кони – Хўжаикон, Тубакат, Борсакелмас, Бойбиччакон ва Оққалъа конларидан тахминан 90 миллиард тонна хомашё бор” [3, 17 б]. Шу ўринда юртимиз мана шундай фойдали қазилмалари билан фахирланмоғи лозим.

Мана шундай табиий бойликларимиз албатта чет эл инвестисияларини ўзига жалб этмасдан қолмайди. Дунёнинг етакчи чет эл компаниялари ва фирмалари ҳозирнинг ўзиданоқ бу йўналишда фаол қатнашмоқда. И. А. Каримов бу йўналишга катта эътибор қаратган ва бу компаниялар тўгрисида ўзининг асарида шундай келтириб ўтган: "1992-йилда олтин қазиб олиш бўйича "Зарафшон – Нюмонт " Ўзбекистон- Америка, 1998-йилда олтинга бой конларини ўзлаштириш бўйича "Омонтов Голжфилдс" Ўзбекистон – Британия, тўқимачилик соҳасида "Қобул-Тўйтепа-Текстил" (Жанубий корея ), "Аснамтекстил", "Катекс", "Елтекс", "Самжинтекс" (Туркия), "Суппертекстил" (АҚШ) каби қўшма корхоналар ташкил этилган". [3, 41 б]. Яна шуни таъкидлаш жоизки, юртимиз айрим табиий ресурсларни экспорт ва импорт қилиш имкониятларига ҳам эга бўлган мамлакатлар сирасига киради. Ўзбекистон чет давлатларга асосан, қора ва рангли метал, электр энергия кабиларни экспорт қилувчи ва ўз навбатида саноат моллари ва истемол махсулотларини импорт қилувчи мамлакат ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўз эҳтиёжидан ортган электр энергияни Тожикистон, Қозоғистон ва Авғонистонга экспорт қилмоқда. Юртимизда 2012-йилда экспорт 13.6 млрд, импорт 12.8 млрд АҚШ доллорни ташкил қилди [4, 2 б]. Ҳозирги фан-техника ривожланган даврда табиий бойликлардан бетартиб фойдаланиш натижасида кўпгина экалогик ва салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан "Б.Б.Б" ўйини ташкил этилади. Ўйинда ўқувчилар мавзу юзасидан қуйидагича жадвал асосида ишлайди.

| БИЛАРДИМ | БИЛИБ ОЛДИМ | БИЛМОҚЧИМАН |
|---|---|---|
| Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва фойдали қазилмалари | Ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурсларнинг турлари, номлари, уларнинг захираси | Табиий ресурсларни халқ хўжалигидаги аҳамиятини, қайси соҳаларда фойдаланилиши |

**Хулоса.** Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки юқорида келтирилган фикрлар асосида юртимиз ҳудудининг табиий бойликлари салоҳиятининг нечоғлик муҳум аҳамиятга эга эканлигини англадик. Бу имкониятлар ватанимизни келажакда энг ривожланган давлатлар қаторида бўлишини таъминлашга ҳизмат қилади. Биринчи президентимиз Ислом Каримив асарларида географик соҳадаги имкониятларимиз кенг таризда ёритиб берилган. Шу ўринда яна инсонлар маънавиятини бутун қилувчи, онгидаги ғоявий бўшлиқни тўлдирувчи, ватанга содиқлик ҳиссини уйғотувчи ва марифарга элтувчи фикирлар тўғрисида ҳам кўп маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". – Т.: Ўзбекистан, 1997. – 326 б.
2. Каримов И.А. "Хавсизлик ва барқарор таррақиёт йўлида". Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998 – 429 б.
3. Каримов И.А. "Ватан равнақи учун ҳаммамиз маъсулмиз". Т. 9. Т.: Ўзбекистон, 2001 – 432 б.4.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламлиислоҳатлар ва модернизатсия йўлини қатъият билан давом этиитриш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.
5. Вахабов Ҳ. География таълими методикаси. – Т.: Ўзбекистан, 2008. – 138 б.


## ОИЛА - БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНИНГ БОШ МЕЗОНИ СИФАТИДА


М.Норбошева,
Термез давлат университети



*Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг шахс сифатида шаклланишида оиладаги шахслараро муносабатларнинг ўрни ҳамда мактабгача ёшдаги болада ўзига нисбатан муносабат*

*ота-она билан мулоқоти таъсири остида шаклланиши илмий кузатувлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида ўрганилганлиги батафсил ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *оила, ота она, бола, шахс, муносабат, маънавият, мактабгача ёш*

*В этой статье подробно описывается роль межличностных отношений в формировании личности детей дошкольного возраста и формирование отношения к своей личности у детей дошкольного возраста под влиянием общения с родителями на основе научных исследований и экспериментальных опытов.*

***Ключевые слова:*** *семья, ребёнок, родители, личность, отношения, духовность, дошкольный возраст, чувства нравственности*

*This article describes in detail the role of interpersonal relationships in shaping the personality of children of preschool age and attitudes in relation to their identity in children of preschool age under the influence of communication with parents on the basis of scientific research and experimental experiences*

***Key words:*** *preschool, family, behavior, parents, preschool age, parents, children of preschool age.*

Келажаги буюк давлатни бунёдга келтириш учун ҳар қандай давлатнинг фуқароси дастлаб оилада ва сўнгра мактабгача таълим муассасасида мукаммал тарбияланиши лозимлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Бу борада мамалакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китобида шундай дейилади: “Биринчи вазифа - биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш,маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур” [2, 281- б].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш масалалари жиддий муаммо сифатида кўриб чиқилганлиги ва ўз навбатида бугунги кунгда мазкур Фармонни амалдаги ижросини таъминлаш масалалари долзарб ва устивор вазифаларимиздан биридир [3].

Айниқса, бизнинг ўзбек халқимиз учун энг муқаддас қадриятлардан бири бўлган–оила ижтимоий институти ҳақида, оилаларнинг жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва болалар таълим-тарбиясидаги аҳамияти масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Чунончи, оила ҳамма замонларда ҳам фарзанд тарбияси, уни камолотининг бош мезони ҳамдир. Бу борада, буюк давлат арбоби, биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида фарзанд тарбиясида мактабгача ёш даврини ҳисобга олиниши лозимлиги қуйидагича таъкидланади: “... айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма

қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади” [1, 53-б].

Ўзбек оиласи кўп қатламли бўлгани боис бола онгида соғлом билимларнинг шаклланиши жараёнида боболар, момолар, қариндош уруғлар ҳам бевосита иштирок этади.

Оилада фарзанд тарбиясига тўхталиб, Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Ҳар бир оиланинг саодати ва иззати, албатта шу халқни ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли, тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади” [4].

Шунингдек, буюк маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, миллий таълим-тарбия фидойиси Абдулла Авлоний ҳам бола тарбиясида ота-оналарнинг ўрнига алоҳида аҳамият қаратади:

“Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият” [5].

Шунинг учун оилада фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг ўрни катта эканлиги ва ҳамма вақт долзарблиги уқтирилади. Онанинг барча хислатлари, одамийлик фазилатлари фарзандларга ўтади ва уларнинг маънавиятини замон руҳи билан қуроллантиради.

Фарзанд тарбиялашда кўп асрлик миллий-педагогик анъаналардан, умуминсоний қадриятлардан кенг, оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Бунда оиланинг маданий даражаси, оила муҳитини қарор топтирадиган маънавий қадриятлар ва эҳтиёжларнинг роли ниҳоятда каттадир. Оила мустаҳкамлигининг энг асосий омили бу фарзанддир. Халқимизда “Болалик уй бозор, боласиз уй мозор” деган пурҳикмат нақл бор. Ҳақиқатдан ҳам фарзанднинг дунёга келиши инсон ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан биридир.

Бизга маълумки бола тарбиясининг энг мукаммал кўриниши оилада шаклланади. Болани қайси ёшдан ва қачондан бошлаб тарбиялаш керак? Жаҳон олимларининг олиб борган изланишларига кўра туғилганда барча болалар алоҳида қобилият ва лаёқат билан дунёга келар экан. Уни шакллантириш ва тарбиялаш орқали бу юзага чиқади. Тадқиқотчилар энди туғилган чақалоқларни ўнтасини алохида олиб тарбиячилар ва энагалар қўлига топшириб уларга уч ёшгача алоҳида тарбия ва эътибор берилган, кейинчалик уларни ҳар доимгидек оила ва жамият аъзоларига қўшилганда улар ўз тенгдошларидан ажралиб турувчи, билим савияси анча юқори кўрсаткичларни кўрсатган. Агар эътиборсиз қолдирилса қобилиятлар сустлашиб, охир оқибат сўнар экан. Бундан маълумки болани бу ёшларда эътиборсиз қолдириш кўп нарсани йўқотиш демакдир.

Олимларнинг таъкидлашича, одамнинг ақлий жихатдан ривожланиши асосан 3 - 4 ёшлик пайтига тўғри келади. Яъни ўзига керакли бўлган маълумотларни беш ёшгача хотирасида тўсиқларсиз қабул қилади, беш ёшдан ошган болада хотира жараёни сустлашиб боради. Агар шу даврда унинг тарбиясига эътибор берилмаса, мия ривожланишдан орқада қолиши ёки боланинг хулқ-атворига ёмон таъсир қиладиган нохуш одатлар шаклланиши мумкин.

Бола тарбияси учун умумий бир қолип йўқ, уни боланинг ўзига хос хусусиятлари атроф муҳит шароитларига, соғлиғига боғлиқ бўлади. Бироқ ота - она фарзанд тарбиясида баъзи бир қоидаларга риоя қилмоғи керак.

1-қоида. Фарзандингиз билан тўғри муносабатда бўлинг, унга мулойим гапиринг. Болага ота-онанинг кайфияти тез таъсир қилади, сизнинг кайфиятингиз йўқ, жаҳл қилиб болага бақирсангиз ёки уни силталасангиз, туртсангиз у йиғлайди, инжиқланади ёки сиздан қўрқади, бу эса боланинг нормал психик ривожланишига таъсир кўрсатади, бола ўжар ва қайсар бўлиб қолади. Шунинг учун хам ота - она ҳар қандай шароитда хам болага хотиржам муносабатда бўлиш керак.

2-қоида. Болани тарбиялашда бир муҳитдан - иккинчи бир муҳитга ўтишда шошилманг, чунки боланинг бунга мослашиши анча қийин бўлади, масалан доимо

онасининг қучоғида ухлашга ўрганган бола беланчакга ётқизганинггизга кўнмай ухлаёлмайди. Шундай мисоллардан яна бири меҳмондорчиликка ёки дала ҳовлига борганда бола ўз уйига кетишни талаб қила бошлайди, бундай аҳволга тушмаслик учун эса бола ҳаётини тез-тез ўзгартириб, ранг-баранглаштириш лозим.

3-қоида. Ота - онанинг ҳар бир хатти - ҳаракатини болалар доим кузатиб борадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар, шунинг учун фақатгина яхши хатти-ҳаракатларга боланинг эътиборини тортиш керак. Болага сўз билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар орқали кўрсатилган таъсир ва эътибор уларни шакллантиради. Болада яхши кўникма ва малака бўлса сиз бундан хурсанд бўласиз, аксинча бўлса бунда айбни фақат ўзингиздан қидиринг.

4-қоида. Болага бирон бир иш буюришдан аввал уни шу ишни бажариш кераклиги тўғрисида гапириб туриш ёки амалиётда кўрсатиш керак, шунда бола бу вазифани бажаришга қийналмайди, унда кўникма ҳосил бўлади.

5-қоида. Тарбиянинг яна муҳим сифатларидан бири бу тарбиядаги ҳамжиҳатликдир. Қимматбаҳо вазани олиб ўйнайман деган болага она рад жавобини берган, ота келиб олиб берса, болада мумкин, мумкин эмас деган тушунчалар ўртасида тафовут юз беради. Яна болада айёрлик ҳам юзага келиши мумкин, яъни отам ёки онам мени тарафимни олаяпти, демак мен тўғри иш қилаяпман деган тушунчалар хам шаклланиши мумкин.

Хуллас бола тарбияси жуда мураккаб ва масъулиятли жараён эканлигини инобатга олиб бўлғуси ота-оналар махсус тайёргарлик кўришлари мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.Маънавият 2008.
2. Ш.Мирзиёев. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ўзбекистон НМИУ, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
4. А.Фитрат. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. Т. “Маънавият” 1998.
5. А.Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» Ziyouz.uz.


## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ


Л.А.Мухторова,
Термез давлат университети



*Ушбу мақолада бошланғич синф ўқиш дарсларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиб ўқиш дарслари сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг ривожлантириш бўйича фикр мулоҳазалар баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *инновацион таълим, касбий компетентлик, мустақил таълим.*

*В данной статье обсуждена роль эффективности применения инновационных технологий в повышении начального обучения. Приведены конкретные примеры по использованию инновационных технологий на занятиях начальных классах.*

***Ключевые слова:*** *инновационные технологии, профессиональная компетентность, самостоятельная деятельность.*

*This article discussed the role of the effectiveness of innovative technologies in the improvement of elementary education. Specific examples of the innovative use of technology in the classroom elementary school.*

***Key words:*** *innovative technologies, professional competence, and independent activities.*


Республикамиз таълим тизимини замонавий даражада такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан кўзда тутилган асосий мақсад – ёш авлодга таълим-тарбия бериш сифати ва самарадорлигини ошириш, уларни ўз юртининг

содиқ фарзанди этиб тарбиялаш ва мустаҳкам билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янги чуқур билимлар талаб этувчи технологияларнинг ривожланиши шароитларида мустақил равишда янги билимларни эгаллаш, касбий маҳорат чўққиларини эгаллашга қодир ва касбий мослашувчанлик ҳислатларига эга бўлган чуқур билимли, юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш орқали таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу эса ўз навбатида ўқув жараёнини илм-фаннинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда ташкил этишни, замонавий ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши XXI аср ўқитувчисидан педагогик маҳоратни, ўткир иродани, педагогик-психологик билимларни, ўз фанини чуқур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводхонликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади. Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда талабаларни ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиалардан амалий машғулотларда фойдаланиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш бўйича режаларини аниқ белгилашига эришишни уларнинг ички эҳтиёжига айлантириш талаб этилади.

Шунигдек, “Баркамол авлод йили” давлат дастурида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ёшларнинг ўз ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўйилган вазифаларда “таълим жараёнига янги ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларни кенг жорий этиш ва ўқитиш сифати тубдан яхшилаш ... самарали тизимни янада ривожлантриш кўзда тутилган долзарб вазифалардан бири эканлиги қайд қилинди.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беришдаги муҳум вазифаларнинг асосий қисми ўқиш дарсларида амалга оширилади. Ўқиш ва нутқ ўстириш дарслари жараёнида дастурда белгиланган мавзулар асосида ўқувчиларга муайян билим берилади. Ўқиш кўникмаларини такомиллаштира бориш билан бир қаторда ўқувчиларни маънавий баркамол инсон руҳида тарбиялаш вазифаси ҳам диққат марказида бўлади. Бошланғич таълимда ўқиш ва нутқ ўстириш дастурининг мақсад ва вазифаларига кўра ўқиш дарслари орқали ўқувчилар тўғри, онгли, равон, тез ва ифодали ўқишга ўргатилади. Болалар бу жараёнда китоб билан ишлаш кўникмасига эга бўла борадилар ва уларда китобга муҳаббаттуйғуси уйғотилади. Мазкур жараённинг сифатли ва самарали амалга оширилиши бевосита ўқиш дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишга боғлиқдир.

Бугунги кунда бошланғич синфларда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизатсиялаш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу сабабли бошланғич синф ўқиш дарсларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш ҳамда педагогик маҳоратини шакллантириш, таълим самарадорлигини ошириш, модулли ўқитиш технологиясини қўллаш муаммоларини ўрганиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало,

тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Инновацион таълим технологиялари – бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўз олдига таълим шаклларини самарадорлигини ошириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг алоқасини ҳисобга олиб яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир. Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш таълимни такомиллаштиришда инновацион таълим технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан биридир.

Бошланғич синфларнинг «Ўқиш китоби» дарслигида берилган материаллар орқали ўқувчиларда ДТС талабларига мувофиқ билим ва кўникмалар ҳосил қилиш болаларни комил инсон руҳида тарбиялаш она ватан ва ўзбек халқига муҳаббат туйғусини ўстириш;ўқув машғулотларида дастур талаб қилган илмни ўқувчиларга етказиш; уларда ўқиш ва нутқ кўникмаларини такомиллаштириш;берилган бадиий асар образларда тасаввур қила олиш кўзда тутилади. Ўқиш дарслари ўз моҳияти, мақсад ва вазифаларига кўра бошланғич таълим тизимида алоҳида ўрин тутади. Барча предмет дарсларини ўқиш фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки матнни тушуниб, бир маромда, тўғри ва ифодали ўқишни ўргатиш билан ўқиш дарслари шуғулланади. Ўқиш дарслари орқали ўқувчиларнинг ДТС бўйича ўзлаштиришлари кўзда тутилган билимлами ҳамда ўқув - билув кўникма ва малакалами эгаллашларига йўл очилади.

Бошланғич синф, хусусан, 4-синф ўқиш дарсларида ўқувчиларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш жамоада ўз ма`сулиятини англаш, ҳислатлари таркиб топдирила борилади. 4-синфда эса ўқувчиларнинг ўқишга оид кўникма ва малакалари янада такомиллаштирилади. Яъни ўқиш материалларини тушуниш ва матн устида ишлашга э`тибор кучайтирилади. Ўқиш дарсларида бадиий асарни мунтазам мутолаа қилиб бориш истагини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жуда мураккаб бўлиб, агар у амалга оширилмаса ўқувчида ўқиш кўникмаси ва малакаси кам фойдали бўлади. Ўқувчиларда бадиий асарни мустақил мутолаа қилишни шакллантириш бадиий асарларга жозибали томонларни кўра олиш, тушуниш ва ҳис этишга боғлиқдир. Бу ўқувчи билим ва тажрибасини кенглиги бадиий мушоҳада қобилиятларини ривожланишини талаб этади.

Ўсиб келаётган ёш авлодда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, соғлом ва баркамол наслни тарбиялаб этиштириш мураббийларнинг муҳим бурчидир. Чунки мустақил фикрловчи ўқувчиларгина келажакда ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишиб, мустақил республикамизни илғор жаҳон давлатлари қаторига олиб чиқадилар. Шу ўринда З.Нишонованинг «Мустақил фикрлашга ўргатиш» номли мақоласидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир: «Ҳозирги давр ўқитиш тизими ҳам кўпроқ хотирани ривожлантиришга қаратилган. Бироқ айрим ўқитувчиларда бугун бир мавзуни тушунтириб, тайёр ҳолда ўқувчиларга етказиб бериб, эртасига шу мавзунинг мазмунини сўраши ёки шеърни ёд олишга бериш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бундай дарсда ҳеч қандай муаммоли вазият яратилмайди ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг ўқиш дарсларида мавзу материалини тушуниш, уни эркин ва мустақил фикрлашига имкон берилмайди. Ўқитувчиларнинг ўзлари ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олмаслигини билишади. Лекин қандай қилиб ўқиш дарсларида ўқувчида мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантириш мумкин? - деб берилган саволга жавоб беришга қийналадилар».

Ўқувчининг онги ва тафаккури энди шаклланиб келаётган бошланғич синфларда ўқитувчининг маҳорати, унинг замонавий технологияларни таълим жараёнига моҳирона тадбиқ эта олиши, таълимнинг янги-янги йўл ва усулларини излаши, илғор педагогик тажрибалардан ижодий фойдалана олиши жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини келгуси фаолиятга тайёрлашда, инновацион педагогик технологияларни амалиётга жорий этишга тайёрлаш таълим олдига қўйилган муҳим талаблардан биридир. Чунки инновацион таълим технологиялари биринчидан, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларни осон ва қизиқиб ўрганишлари учун имконият

яратса, иккинчидан, ўқитувчининг ҳам профессионал ўсишига, ҳам маънавий ривожланишига ёрдам беради.

Инновацион таълимнинг ривожланишидаги асосий сабаблардан бири таълим соҳасида юзага келган инқироздир. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклларда намоён булишида қуйидаги умумийлик мавжуд: 1) ижтимоий амалиётнинг ривожланаётган эҳтиёжлари билан олий таълим муассасаларида тайёрланаётган битирувчиларнинг реал тайёргарлиги орасида тафовутлар; 2) бошлснғич таълим олдига янги мақсадларнинг қўйилиши ва бошқаришнинг ташкилий тузилиши ва шаклларининг мураккаблашуви; 3) таълим жараёни субъектларининг қизиқишлари ва имкониятлари.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёҳуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни эчишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараённи ташкил этишга ташкилий –технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур. Таълим-тарбия ишлари жараёнида ўқувчиларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдалана олиши муҳимдир. Бу эса ўкувчиларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялаш, ўқув фаолиятини таҳлил қилишини талаб этади. Бугунги кунга келиб, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функтсияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқиш дарсларида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқув машғулотлари самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди, ўкувчининг фаол ва мантиқий фикрлаш қобилияти, нутқ маданияти, диққати, мантиқий хотираси ва ақлий қобилиятини ривожлантиради, ўқитувчининг инновацион фаолияти эса педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Нишонова З. Мустақил фикрлашга ўргатиш // «Меҳнат таълими меҳнат ўқитувчиси» журнали. 1999 йил. №3.

2. Б.Ходжаев, Ш.Зуфаров. Педагогик ииноватика. -Т.: «Фан ва технология», 2010 йил.

3. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: ТДПУ, 2005 йил.

4. Ишмуҳамедов Р.Ж. инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 3-бет.

# ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

Ш.Н.Бегашева,
Термез давлат университети

*Мазкур мақолада инсонийлик фазилатларининг шаклланишида оиланинг роли муаммоси ёритилган. Мақолада шунингдек, оилада ота-она ўз фарзандларида мақсадга интилувчанлик, ботирлик, ишга масъулият каби инсонийлик ҳислатларини шакллантириб бориши хамда уларнинг келгусида баркамол бўлиб вояга етишларига замин бўлиши хусусида назарий ва амалий маълумотларни келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *шахс, мақсадга интилувчанлик, оила, бола тарбияси, аҳлоқий тарбия, тарбиячи.*

*В данной статье расмотрена проблема роль семьи в формировании человеческих качеств. В статье также, приведена научные и практические материалы о формировании родителями у ребенка человеческих качеств, как целенаправленност, масъулият к делу, ботирлик и их роли становление в будущем.*

***Ключевые слова:*** *личность, целеустремленность, семья, воспитпние ребенка, нравственное воспитание, воспитатель.*

*This article examined the problem of the role of the family in the formation of human qualities. The article also contains scientific and practical materials on the formation of the parents the child's human qualities as tselenapravlenno, mashulya materlik and their role in the future establishment.*

***Key words:*** *personality, commitment, family, wojtyna child, moral education, teacher.*

Инсониятнинг кўпайиши табиат қонуни бўлгани каби, бола дунёга келган кундан бошлаб ота-онанинг бола тарбияси учун жавобгарлиги ҳам бизнинг жамиятимизнинг қонунидир. Азалдан бола тарбияси билан ёшлигидан, асосан, она шуғулланган, отанинг асосий вазифаси оилани боқиш бўлиб, уйда бўлган вақтда болани назорат қилиб боришдан иборат эди. Бугунги оилавий тарбия, “Миллий ва замонавий ўзбек боласининг сиймоси қандай бўлиши керак?” деган саволга жавоб талаб қилмоқда. Бугунги бола ўтган аср боласидан кескин фарқ қилади, ўзбек ўғил-қизлари замонавий комил инсон сиймосига эга бўлмоғи лозим. Табиийки, бу жараёнда оилавий тарбиянинг ўрни беқиёс.

Бола, асосан, оилада тарбияланади. Оила ўз муҳити орқали боланинг дунёқарашига ва хулқига доимо ўз таъсирини ўтказиб туради. Ибн Сино таъбирича, ота-она бола тарбиясини унга исм қўйишдек олийжаноб вазифадан бошлайди. А.Авлоний эса бу соҳада биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигини таъкидлайди. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлса, тарбия ва амалий иш ва тажриба воситасида амалга оширилади.

Ота-она тўғри тарбия олиб боришга изланиш, ўқиш ва тажриба орттириш орқали эришади, яна шуниси аҳамиятлики, боладаги барча хислатлар ахлоқ билан камолга етади. Шу боис тарбия яхши ахлоқ билан безатилмоғи керак. Ахлоқий тарбияга эса оилада асос солинади. Бу ўринда ота-оналар ва уларнинг шахсий ибрати намуна ҳисобланади, чунки ота-оналар бола ҳаётидаги илк тарбиячиларидир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, болага ҳеч нарса намуна кучидек таъсир кўрсата олмайди. Оилавий тарбия ижтимоий тарбиянинг бир қисми бўлиб, боланинг ижтимоий, эмоционал, хулқий ва бошқа сифатларга асос солади, теран шакллантиради ва камол топтиради. Оила жамиятнинг энг кичик ўчоғи ҳисобланиб, бу даргоҳда келажак кишиси камолга етади, шахснинг шаклланиши эса ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали жараён. Оилавий тарбия боланинг умумий ва ҳиссий ривожланишини таъминлаш билан бирга унинг мавжуд имкониятларини ва ақлий тафаккурини ўстиради.

Боланинг жисмонан соғлом, аҳлоқан пок, меҳнатсевар, маданиятли интеллектуал салоҳиятли бўлиб ўсишдан жамиятимиз ҳам манфаатдор. Ўқув тарбиявий муассасаларнинг тарбия борасидаги ишлари қанчалик яхши йўлга қўйилишидан қатъий назар, тарбия масалаларини оила ҳал қилади. Боғча ва мактаблар таълим берса ва тарбияласа, ота-оналар фақат тарбиялабгина қолмай, улар билан бирга яшайдилар ҳам. Шу имкониятлар боис

боланинг таъсири кучли ва узоқ давом этади. Ота-оналарнинг фарзанд учун фидойи бўлишлиги, бу ўзбек миллатига хос бўлган ажойиб фазилатдир. Шу маънода болаларимиз камолотига якка ҳолда ёндошиш, ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбияси эҳтиёжини шакллантириш, ўз-ўзига хизмат қўрсатиш малакаси, маиший хизмат, ижтимоий меҳнатга маънавий-руҳий тайёрлаш каби мезон ва қоидаларга асосланиб иш тутишимиз мақсадга мувофиқдир.

Бола тарбияси жуда қадим замонлардан буён оилада амалга ошириб келинган бугунги кун тарбиявий жараённи оилада юксак маданий савияда олиб боришни тақозо этяпти. Янги авлод XXI асрга кириб келди, вақт эса кутмайди. Ёшларимиз илм-фан, маданият, санъат ва техника юксак даражада ривожланган бир шароитда яшамоқда. Шарқ мутафаккирларининг ғоялари тарбиявий масалаларда халқ донишмандлиги билан уйғунлашиб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда, ота-оналарнинг болалар тарбиясига муносабатида оиладаги ўзаро муносабат, қариялар ва болаларга беминнат ғамхўрлик, болаларни кичик ёшдан меҳнатга ўргатиш бўйича ўй-фикрлари акс эттирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. [1,126-б].

Оилада ота-она ўз фарзандларида мақсадга интилувчанлик, ботирлик, ишга масъулият ҳислатларини шакллантириб бориши катта аҳамиятга эга. Шунингдек, қиз болаларни ёши улғайган сари оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни янги оилада одоб-ахлоқ меъёрларига, урф-одатларга, оила юмушларига ва хаётнинг нозик соҳаларига пухта тайёрлаб бориш вазифаси ҳам оилада, айниқса, онадан жуда катта меҳнат талаб қилади. “Онасини кўр, қизини ол” мақоли ҳам бежиз эмас. Фарзандлар мустақил оила қуришганда оиласи қанчалик мустаҳкам ёки нозик бўлиши ҳам қиз болаларнинг ўз оилаларида олиб кетган тарбиясига нечоғлик боғлиқлигини кўпчилик оналар яхши англайдилар. Агар оилада ота-оналар ҳалол меҳнатлари эвазига ҳаёт кечираётган бўлсалар бундай оиладаги болалар ҳаётда муносиб иносн бўлиб етишадилар. Бола ҳаёт ҳақидаги яхшилик ва ёмонлик, фойдали ёки зарарли тушунчаларни биринчи бор оилада ота-онаси, ака-укаси ва опа-сингилларидан олади. Ота-онанинг характер хусусияти, хулқ-атвори бола тарбиясида ҳал қилувчи омилдир, чунки бола уларнинг ҳар бир ҳаракати, сўзи ва ҳар бир қилмишидан ибрат олади. Шу жиҳатдан ота-она маънан юксак, ахлоқан пок, ростгўй ва маданиятли бўлмоқлари лозим. Айниқса ҳозир камёблашиб бораётган одоб намунаси билан ибрат кўрсатмоқ жуда муҳимдир.

Агар биз одобни бойлик десак, унга амал қилиш эса комилликдир. Болани меҳнат орқали тарбиялаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади, чунки қадимдан меҳнат-тарбиянинг асоси бўлиб ҳисобланган. Инсон тарбияси меҳнатга бўлган муносабатига қараб белгиланади. Меҳнатсевар боланинг ота-онаси номига ҳамиша раҳматлар айтилади. Меҳнат-бу ҳаёт, десак ҳам ўринсиз бўлмайди, негаки, ҳаётни меҳнатсиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик оилаларда болани ёшлигиданоқ, ҳунарга, маълум бир касбга, умуман, меҳнатга ўргатиб боришади. Бу жуда қувонарли ҳол, чунки боланинг қандай касб танлаши жуда муҳим ҳаётий масала бўлиб, уни ҳал қилишда оила ёрдам бериши керак. Ахир “Бола бошидан” деб бекорга айтишмаган. [2, 48-б].

Оилада яхши меҳнат қиладиган болалар мактабда ҳам яхши ўқишади, тиришқоқ ва жамоатчи бўлишади. Уй юмушлари, оила аъзоларининг ўзаро меҳрга йўғрилган илиқ муносабатлари болалар тарбиясини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан болажон халқ. Шу боис катта оила бўлиб яшаб келишган. Кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда бола тарбияси анча енгил кўчар экан. Катта оилаларда ота-она бериш керак бўлган тарбиянинг анчагина фоизини болалар ака-укаларидан, опа-сингилларидан ва қариндош-уруғларидан ўзлаштириб олишди. Шу сабабли бундай оилаларда жанжал тўполон эмас, балки ўзаро ҳурмат, дўстлик, сокинлик ва осойишталик ҳукм суради. Улар уйдаги меҳнати орқали жамоатчиликнинг дастлабки сабоғини олишади.

Бола тарбияси жараёни муаммал бўлиши учун ота-оналар аввало ўзлари бир-бирига меҳрли бўлишлари муҳим. Ота-онанинг болага бўлган меҳр-мухаббати-бу ҳиссиётдир. Оила шароитида болада ота-онасининг меҳри, эркалашлари асосида ота-оналарга,

қариндош-уруғларига бўлган ҳиссиётлари шаклланиб боради. Боланинг отасига бўлган ҳурмати, онанинг ҳурматини жойига қўйишда асос бўлади. Онага бўлган меҳр-мухаббат, оқибат-натижада ўз оиласига, хотини, фарзандларига бўлган муносабатларида ўз аксини топади. Болани ёшлигиданоқ билим олишга қизиқтириш, уларни китоблар оламига олиб кириш, уларни ёшига мос расм, бадиий китоблар тавсия қилиш, китоб ўқиш маданиятини ўргатиб бориш, улар учун оилада адабий муҳитни яратиш ҳамда жуда муҳим ишлар ҳисобланади. Китобларни танлашда уларнинг кўп жилдлигига қараб эмас, балки савиясига қараб танлаш жоиздир. Боланинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришда оилада ота-она муҳим ўрин тутади.

Баъзи носоғлом муҳитдаги оилаларда кўнгилсиз воқеалар бўлиб туриши ҳам сир эмас, бундай болалар орасидан ҳатто қонунбузарлар ҳам келиб чиқмоқда. Бунга сабаб, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги уқувсизлиги, тажрибасизлиги панд бераётган бўлса ажаб эмас. Ахир “Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак”, дейишган буюк педагог олимларимиз. Шунга қарамасдан оила ўзининг хусусиятлари ва такрорланмас таъсири билан бола тарбиясида муҳит омиллигича қолмоқда.

Мутафаккирлардан Абу Носир Фаробий: “Таълим тарбиянинг бирдан бир вазифаси киши яшаб турган жамиятнинг талабларига тўла тўкис жавоб бера оладиган ва жамиятни бир бутунликда тинчлик ва фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган мукамал инсонни етиштиришдадир” – деб таъкидлайди. Жамиятда ёшлар тарбияси, хулқ-атворининг тўғри шаклланиши учун барча шароитлар яратилсада, оиладаги муҳит болалр шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбек оиласи тарбия маскани деб айтилишининг мазмуни шундан иборатки, болаларга илк тарбия асослари оилада берилади. Мактабгача ёшдаги боланинг умумий шаклланиши бевосита оила муҳити, ундаги тарбиявий муносабатлар ҳамда ота-онанинг фарзанд тарбиясидек вазифасига қай даражада масъулият билан ёндошувига боғлиқ бўлади. Нафақат мактабгача ёшда балки, бола таълим муассасасига қадам қўйган таълимнинг илк босқичи хисобланган бошланғич синфда ҳам болаларга таълим беришда таъсирчан куч – оилавий тартиб, яъни уларнинг ўзаро муносабати, ота-онанинг хулқ-атвори, маънавий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича ота-она оилада ўз ҳатти-ҳаракати билан фарзандга намуна кўрсатади. Агар отанинг дунёқараши кенг ва серқирра бўлса, унинг фарзанди ҳам кенг фикрли бўлиб ўсади, аксинча, отанинг тор фикрлаши ва салбий хислатлари фарзандни жамиятда етук, интилувчан бўлишига тўсқинлик қилади. Ота-она фарзандларининг биринчи тарбиячиси хисобланида. Фарзанд тарбияни тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришдир. Бунга қўрқитиш, камситиш, ишончсизлик ва норозиликни билдириш, дўқ-пўписа, буйруқ бериш билан эришиб бўлмайди. Ота-она фарзандига оилани муқаддас билиб, уни қадрли бўлишини ўргатиши лозим. Бунинг учун фарзандлари руҳий дунёсини билиб, унга мос муомала қилишлари лозим. Ота-оналар фарзандлари олдида обрў орттиришлари учун уларнинг руҳий дунёсига кириб боришлари керак. Фарзандларининг феъл-атвори, хулқи, қобилияти, қизиқиши, руҳий дунёсини чуқур билиш ва тарбияда уларни хисобга олиш оилада ўзаро муҳитни яратиш мумкин.

Айниқса, оилада катталар обрўси қўрқитиш асосида эмас, балки самимийлик, ҳурмат замирида қурилиши муҳимдир. Оила аъзоларининг ўзаро иноқлиги, аҳиллиги, ҳатти-ҳаракати, муомала маданияти, меҳнат фаолияти фарзандлар қалбига ижобий туйғуларни олиб киради. Болалар тарбияга берилувчан ва катталарга ишонувчан бўладилар. Ота-оналар бу ҳолатни ҳисобга олишлари шарт. Ота-она таълим-тарбия жараёнининг бошланғич даврлариданоқ бола тарбиясига эътиборли бўлишлари, зарур ҳолларда мутахассислар билан маслаҳатлашишлари, боланинг камчиликларини огоҳлантириш билан бир қаторда унинг ютуқларини рағбатлантириш, болани ўйин орқали ундаги руҳий толиқиш, асабийлик, жиззакилик, қайсарликлардан ҳоли бўлишликка

эришиш мумкин. Ўз вақтида болалар камолоти ҳақида қайғуриш, уларда инсонийлик фазилатларини шакллантириш ва бу борада тарбиячи, педагог ва психологлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ота-онанинг фарзардларни баркамол қилиб тарбиялашдек машаққатли ишларига кўмак беради.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**


1. Бола маънавиятини шакллантириш. (Йўлдошев Ж.таҳрири остида.) – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. Тошкент. 1998 й.


## ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛИЙ БАДИИЙ АНЪАНАЛАР ВОСИТАСИДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ


Ш.Мустафаев, О.Собирова,
Самарқанд давлат университети



*Ушбу мақолада миллий бадиий анъаналарнинг мазмуни ва шакллари билан таништириш орқали талабаларни маънавий эстетик тарбиялашнинг самарали йўл-йўриқлари ва тавсиялар тўғрисида сўз юритилган.*



***Калит сўзлар:*** *мустаҳкам иммунитет, натижадорлик, танқидий муносабат, виртуал социологик тадқиқот.*



*В данной статье рассматривается содержание формы национальных художественных традиций в обеспечении эффективного руководства по духовно эстетическому воспитанию студентов.*



***Ключевые слова:*** *прочный иммунитет, результативность, критическое отношение, виртуально – социологическое исследование.*



*This scientific article discusses the content and forms of national artistic traditions and provides effective guidance and guidance on the spiritual aesthetic education of students.*



***Key words:*** *strong immunity, effectiveness, critical attitude, virtual-sociological research.*


Муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганлиги, юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага етганлиги, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига доир 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганлигини ҳақида таъкидлаб ўтилган. [1, 2-б.].

“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалардан бири этиб олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш, тарбиявий тадбирлар самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш белгилаб берилган. [2, 11-б.].

Олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий ишлар мазмунини такомиллаштириш ва тарбиявий тадбирлар натижадорлигини ошириш учун аввало оқилона ишлаб чиқилган тизим-тартиб бўлиши лозим. Тизим бўлмаса, ҳеч бир ишда самара кўринмайди. Аҳён-аҳёнда ўтказиладиган, бири-бири билан боғланмаган тадбирлар ўтказиш билан мақсадга эришиб бўлмайди.Ана шундай масалалардан бири – талаба ёшларни миллий анъаналар, байрамлар воситасида ғоявий-эстетик тарбиялашдан иборат. Келажагимизнинг эгалари бўлмиш ёшларимизнинг маънавий гўзаллигини шакллантиришнинг самарали воситаларидан бири – миллий анъаналар, танловлар, байрамлардан илмий асосда фойдаланишдир. Миллий ғурур, муносабатлар гўзаллиги,

ўтмишни қадрлашга қаратилган тадбирлар талабаларда маънавий-эстетик диднинг шаклланишига хизмат қилади. Бу эса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг миллий бадиий анъаналарнинг мазмуни ва шакллари билан таништириш орқали талабаларни маънавий эстетик тарбиялашнинг самарали йул-йўриқларни ишлаб чиқиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқариш заруратини ҳосил қилади. Ушбу йўналишда олий таълим муассасалари бадиий ҳаваскорлик тўгараклари жуда катта ғоявий-эстетик имкониятларга эга.

Ёшларимизнинг бўш вақтларини биз тўлдирмасак, бошқалар тўлдиришади. Бу вазифани адо этишда олий таълим муассасаларининг тўгараклари, хусусан бадиий тўгараклари бой имкониятга эга. Бадиий тўгараклар:

- талабаларни миллий ғояга чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ мақсадга фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган бадиий восита, усул ва технологияларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;
- миллий ғоя тарғиботининг шакл ва мазмуннинг бадиий уйғунлигини, мунтазамлигини, тизимлилигини, узлуксизлигини таъминлаши;
- ўзбек халқининг бой бадиий меросидан ёшларимизнинг мунтазам ва тўлақонли баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига шароит яратишга қаратилган ғоявий-бадиий тарбия ишларини маҳорат билан олиб бориши лозим.

Биз тадқиқотимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Telegram ижтимоий тармоғида ҳаваскорлик тўгараклари аъзоларининг мулоқот форум каналини ташкил этдик. Унда ёшларнинг бадиий, ғоявий қарашларини виртуал социологик ўрганиш мақсади кўзда тутилди. Яъни машҳур кишиларнинг санъат ҳақидаги афоризмлари, ҳикматли фикрлари, қарашларини ўртага ташлаб, уларга бадиий тўгараклар аъзоларининг муносабатлари ўрганилди.

Мулоқот мавзуларидан бири "Жавобсиз саволлар: ёшлар ва классик мусиқа", деб аталди. Унда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги "Агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас", деган фикрининг маъно-мазмуни талқин қилинди. [3, 143-б.].

Қуйида форум иштирокчиларининг мазкур фикрга муносабатларини келтирамиз:

**Муниса:** Бетховен, Моцарт, Бах каби ўз мусиқаси билан жаҳонни ларзага келтирган бастакорлар мусиқаси 20 йилча бурун, ёшлар томонидан ижобий қабул қилинарди. Ҳа, ҳозирги ёшларнинг классикага бўлган муносабатидан кўра ижобий эди. Бироқ ўша "ижобий" муносабатни яхши ҳам деб қабул қилиш, ўзимизни алдаш демакдир. Ҳозирги замон ёшлари ҳақиқий санъатни қабул қилишдан кўра, унинг энг салбий томонларини ўзида акс эттирган – замонавий мусиқани афзал кўришади. Хўш, нимага мусиқа "Замонавий"-у, салбий бўларкан?

**Мурод:** Барчамизнинг хабаримиз бор, ҳозирги шоу-бизнес тўлиқ замонавийлашиб кетди, уни бошқаришни ўз қўлларига олган кишилар эса, кўпроқ пул ишлаб, бойлик орттириш мақсадида, ҳозирги ёшларга келгусида салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришгани йўқ. Ёшлар эса ҳақиқий мусиқадан йироқлашиб, "бир кунлик" мусиқага ўрганиб қолиши, ўша мусиқанинг бир ой ўтар-ўтмас эскириб қолиши, буларнинг барчасини бир сўз билан – деградация (деградация – лотинча "деградатио", "бузилиш", "сифатсизлик" – бирор-бир объект характеристикасининг салбий тарафга ўзгариши жараёнидир) дейишимиз мумкин.

**Жаҳонгир:** Нега ёшларимиз классик, мумтоз мусиқадан йироқлашди? Балки, ҳозирги ёшларнинг ҳаёт ритми бошқачадир ва бу мусиқа уларни қониқтирмас? Журналист, мусиқа фанлари доктори Александра Сергиенко бу борада шундай дейди: "Биласизми, умуман, ёшлар, классик мусиқани тинглашга интилишмаган, чунки уни англаб этиш учун кишидан тарбия, маънавий дунёнинг кенглиги, қайсидир маънода мусиқий талант зарур".

Ҳурматли Александра Владимировна, кечирасиз-у, аммо мен сизнинг фикрингизга

қўшила олмайман. Классик, мумтоз мусиқани тинглаш, унитуш учун, махсус мусиқий дид эгаси, ёки мутахассис бўлиш шарт эмас. Масалан, менинг рокер – дўстларим мисолида шуни айтишим мумкинки, улар “рок”мусиқасини тинглаб, ўзларини“рокер”деб ҳисобласа-да, классик мусиқани эшитиб, уларни муҳокама ҳам қилишади. Ҳа, ҳа, худи шундай. Албатта, бундай ёшларнинг борлиги дилни қувонтиради. Бироқ, ачинарлиси, бундай ёшларнинг камайиб кетишидир.

**Баҳора:** Жаҳонгир, биласизми, менимча классикмусиқаниёшларгамослаштириш керак. Нега? Машҳур, виртуоз скрипкачи Вардан Маркос шундай дейди: “Мен турли хил мамлакатларнинг классик, мумтоз мусиқасини сақлаб қолишни, уни ривожлантиришни истайман. Тан олиш керак, ёшлар – классик, мумтоз мусиқани тинглашни хоҳламайди, бироқ ўша мумтоз мусиқани замонавий кўринишдаги қайта ишлови, муаммонинг ечими бўлиши мумкин. Мени концертларимдан чиқиб, филармония концертларига борган ёшларни ўзим кўрганман, менимча, концертимдан кейин, ҳеч бўлмаганда бир киши классик мусиқа тинглашини бошлаши, бу менинг кичик ғалабам бўлади”.

**Ҳилола:** Жаноб Вардан Маркоснинг истаги мақтовга лойиқ, бироқ классик мусиқага қайта ишлов бериш, уни бутунлай ўзгартириш, бу тўғрими? Ахир унда унинг ўзига хос жозибаси, табиийлиги йўқолиши тайин-ку!

**Хуршид:** “Умуман олганда, классика – бу ажойиб, ҳақиқий мусиқа. Яқинда университетимизда, Самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ижодига бағишланган кеча бўлди. Курсдош дўстларим орасида классик мусиқа эшитувчилар кўп эмас. Мени ўзим ҳам классик мусиқанинг мухлисимасман, лекин ҳар қалай, 5-6 та классик қўшиқдан хабарим бор...”

**Дамир:** Луғатда “классик” сўзининг маъноси “ажралиб турувчи, намунали, барча томондан тан олинган прогрессив санъат, адабиёт”, деб белгиланган. Сизларни билмадим-у, лекин мен классик мусиқа деганда Бах ва Бетховеннинг парикларини, мумтоз мусиқа деганда Юнус Ражабий, Таваккал Қодировни, эски, қадимий мусиқий асбобларни тасаввур қиламан. Тўғриси, агар мактаб пайтларида мусиқа фани ўқитувчимиз шу бастакорлар ҳаётини ўқишга мажбур қилмаганида, шуларниям билмасдим.

**Мурод:** Менинг мобил телефонимда классик мусиқа борми? Йўқ! Мен мунтазам равишда мумтоз мусиқа тинглаб тураманми? Йўқ. Тўғриси, уларнин нозик тарафларини англашда ҳам қийналаман. Кундалик ҳаётда, мен поп ва рок мусиқасини хушкўраман. Бироқ, классик, опера, филармония, мумтоз мусиқа концертларига кириб, улардан баҳраманд бўлиш имкони туғилса, ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиламан ва биласизми, гап замонавийликда, модада ҳам, принципларда ҳам эмас, балки, эҳтиёжнингборлигида.

**Ҳилола:** Классика – олам ва жамият тўғрисидаги ўз кечинмаларини, фикр-ўйларини бизгача этиб келишини хоҳлаган буюк аждодларимиздан қолган ёдгорлик. Ҳар бир классик асарда, у хоҳ мусиқий, хоҳ адабий бўлсин, ўзгача яширин маъно жойланган. Сизнингча миллийлигимиз нимадан келиб чиқиши мумкин? Миллий қадриятларимиздан, урф-одатларимиздан ва миллий санъатимиз, асарларимиз, ёинки мумтоз мусиқамиздан эмасми? Буларнинг барчаси бир-бирини тўлдириб, ўзлигимизни келтириб чиқарувчи маънавий кучдир. Шундай экан, ўзингиз ўйланг ҳурматли форум, қарорни ўзингиз қабул қилинг...”

Талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш шаклларидан бири - **оғзаки журналдир**. Оғзаки журнал талабаларга санъат, адабиёт, тўғрисида қисқа хабарларни оғзаки етказиб беришга имкон беради. У рамзий “саҳифалар”дан иборат бўлади. Айниқса, талабаларнинг ҳаваскорлик ва ижодий ишларида унинг аҳамияти катта бўлиб, қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Оғзаки журналда муайян мавзу шарҳлаб берилади. У битта масалани, битта муаммо ёки бир неча муаммо мажмуини акс эттириши мумкин. Ҳар бир саҳифага муҳаррир тайинланади.

**Суҳбат -** одатда мавзуни асослашдан бошланади. Талабалар бўлажак мухокамага тайёрланади. Суҳбатнинг асосий босқичида бошловчи ахборот беради, мухокама учун материал курсатади, саволларни ўртага ташлайди. Талабаларни мустақил фикрлаб,

хулосалар чиқаришга ундайди. Фикрлар, бахс-мунозаралар ҳамда ўзининг якунловчи сўзида барча фикрларни умумлаштиради. Улар асосида муҳокама қилинган муаммонинг ечимини ифодалайди.

**Бадиий экскурсия** – миллий адабиёт ва санъат намуналарининг асл нусхаларини музей ва кўргазмаларда кузатиш ва ўрганишга имкон берадиган ғоявий-эстетик тарбия шаклидир. Санъат ўлкашунослиги бўйича экскурсиялар талабаларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг самарали усулидир.

**“Нотиқлар” клуби.** Кейинги йилларда олий таълим муассасаларида эстетик йуналишидаги янгидан янги тўгараклар ўз ишини бошламоқда. Шулардан бири – “Нотиқлар” клубидир. Республикамизда ўтказилаётган тантанали, ғоявий-эстетик, сиёсий тадбирларда нотиқлик иқтидорига эга талаба-ёшларнинг иштироки тобора оша бормоқда. Бу эса бошқа талабалар учун намуна ролини бажариб, талабаларни ғоявий-эстетик тарбиялаш самарасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

2. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008. 143-б.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА МУСИҚИЙ-РИТМИК ҲАРАКАТЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ САФАТИДА

Б.Р.Болтаев,
Самарқанд давлат университети

*Мазкур мақолада мактабгача таълим муассасаси мусиқа машғулотлари жараёнида мусиқий-ритмик ҳаракатларини олиб борилиши, ушбу фаолият турининг тарбияланувчиларни жисмонан соғлом ривожланишида қанчалик аҳамиятли эканлилигига доир қимматли фикрлар келтирилган. Шунингдек мусиқий-ритмик ҳаракарлардан фойдаланишнинг шакл ва методлари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *ритм, марш, такт, обруч, дўлонча, қашқарча,*

*В этой статье представлены мнения о проведении музыкальных и ритмических движений в протсесе музыкалных занятий в дошкольных образовательных учреждениях и о значимости такого рода деятелности в физически здоровом развитии учащихся.*

***Ключевые слова:*** *ритм, марш, такт, обруч, дуланча, кашкарча.*

*In this article opinions on the conduct of musical and rhythmic movements in the process of musical studies in preschool educational institutions and on the importance of such activities in the physically healthy development of students are given.*

***Key words****: rhythm, march, tact, hoop, dulancha, kashkarcha.*

Истиқлол шарофати билан юртимизда «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш» йўлидан борар эканмиз, жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг бутун келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли мактабгача таълим уйғун ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда республикамизда 4893 та давлат таълим муассасаси фаолият олиб

бораяпти. Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис Ўзбекистон республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9-сентабрдаги ПҚ-3261, [1,1-б] ҳамда 2017 йил 30-сентабрда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқарув тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни тадбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интелектуал, маънавий-эстетик жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшиалаш мақсадида фармоиши қабул қилинди.[5,1-б].

Ушбу чиқарилган қарор ва фармоишлар айни вақтда қабул қилингани юртимиз аҳолисини бирдек қувонтирди. Сабаби уйда ўсган бола билан мактабгача таълим муассасасида тарбияланган боланинг фарқи кескин сезилишини Президентимиз ҳам ўз маърузаларида қайта-қайта такрорлади.

Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган машъулотлар орасида мусиқа машғулотлариниг аҳамияти беқиёсдир. Бўлажак мусиқа мутахассислари ёш авлод онгига юксак туйғуларни сингдириш, уларда Она Ватанга муҳаббат, гўзалликка интилиб яшаш, уни асраш ва яратишга бўлган иштиёқ уйғотувчи касб эгалари ҳисобланадилар.

Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотлари бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик, ўқув қўлланмаларини замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланади. Мусиқий таълимнинг олий мақсади: ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда мусиқа бойлигини идрок эта оладиган, етук, баркамол, маданиятли, нафақат ўз миллий анъаналарини, балки бошқа миллатлар маданиятидан бохабар ва бу анъана, маданиятларини ҳурмат қиладиган қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Мусиқий машғулотлар олдига қўйилган ҳар қандай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, аввало, мусиқа раҳбарининг педагогик тайёргарлигига боғлиқ.

Мусиқий машғулотлар боғчада ўтиладиган бошқа машғулотлардан анча фарқ қилади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- мусиқа машғулотлари мусиқа саводи ва ижрочиликка доир бир неча фаолият турларидан (қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш, мусиқа саводи, болалар мусиқа чолғу асбобларида жўр бўлиш) ташкил топади;

- бу машғулотлар бошқа машғулотлардан ўзининг ифода воситалари, яъни «тили» билан фарқ қилади. Тасвирий санъат ранглар билан, адабиёт сўз билан, мусиқа эса товушлар орқали вужудга келадиган оҳанглар воситасида инсонга таъсир этади;

- мусиқа машғулотлари болаларнинг руҳиятига, эмоциясига фаол таъсир кўрсатиб, уларни қувонтиради, ижодий кечинмалар ҳосил қилиб, маънавий озуқа беради;

- мусиқа машғулотлари жисмоний тарбия, расм, одобнома, атрофимиздаги олам каби машғулотлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Мусиқий машғулотларни олиб боришда мусиқа раҳбари кичкинтойларнинг ёши ва қизиқишларини эътиборга олиши лозим. Машғулотнинг тузилиши ўқув материалларининг мазмунидан келиб чиқиши керак. Бунда асарларнинг таълимий, тарбиявий аҳамияти, бадиий савияси, болалар ёшига мослигининг ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Мусиқа машғулотларининг тузилиши қуйидаги фаолият турларидан иборат:

*-мусиқий-ритмик ҳаракатлар*. Миллий руҳни ўзида акс эттирган халқ қўшиқлари, лапарлари болаларнинг оламни бадиий ҳис этишларига, завқланишларига ёрдам беради. Мусиқий образларга мувофиқ турли характердаги ҳаракат ва рақсларни, турли образларни тасвирлаш муҳим аҳамият касб этади. Ритмик ҳаракатлар мусиқий қобилиятни шакл-

лантириш ва ривожлантиришда жуда муҳимдир. Мусиқий-ритмик ҳаракатлар болалар руҳиятига мусиқий асарнинг мазмуни ва кайфиятини сингдиради, бу болаларнинг жисмонан соғлом бўлишларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади;

-*мусиқа тинглаш* – ҳар бир боланинг мусиқа тинглаш маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бола, аввало, мусиқани идрок этиб, сўнгра унга мос ҳаракатларни бажаради;

-*мусиқа саводи*. Мусиқа машғулотларида болалар қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш билан бирга қўшиқлар, мусиқий асарларнинг тузилиши, темпи, характери, лади, куйи, ритми, товуш баландлигини ҳам онгли равишда англашлари лозим. Бу уларнинг ақлий салоҳияти, мусиқий ўқуви, хотираси, нутқи, онги ва билимини оширади;

-*қўшиқ куйлаш*. Қўшиқ куйлаш жараёнида болаларнинг нутқи, мусиқий ўқуви, мусиқий қобилияти, хотираси ривожланади. Жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш болаларни дўстликка чорлайди, уларнинг ўзаро ҳурмат, табиатга ва она-Ватанга муҳаббат каби туйғуларини тарбиялайди;

-*болалар мусиқий чолғу асбобларида жўр бўлиш* – мусиқа машғулотиарида энг қизиқарли, барча болалар севиб қатнашадиган фаолият туридир. Болалар мусиқа чолғу асбоблари орқали жонли ижро ҳар қандай болани ўзига жалб этади. Уларнинг мусиқага бўлган қизиқишларини янада оширади, ритм туйғуси, мусиқий ўқуви, хотирасини мустаҳкамлайди. Кичкинтойларда ажабланиш, завқланиш, ҳайратланиш, қувониш каби руҳий ҳолатларни вужудга келтиради. [5, 28-б].

Ритмиканинг асосчиларидан бири швейцариялик олим мусиқашунос композитор э.Жак-Далкрос шундай деган эди: «Ритм ҳаракатлар асосида яшамоқ керак». Мусиқий ўйин ва машғулотлар болаларнинг уч ёшдан етти ёшгача тавсия этилади. Ритмик ҳаракатлар болалар боғчасида бошланғич гуруҳларда ва мусиқа мактабларида, уй шароитида янада чуқуррoқ ўрганилиши мумкин. [4,162-б].

Болаларнинг ақлий, нафосат ва жисмоний ривожида рақс, мусиқали ўйинлар ва мусиқага мос ҳаракатлар бажариш муҳим аҳамият касб этади. Бунда мусиқа маданияти дарсларида, мусиқага мос ҳаракатлар бажариш қуйидаги вазифалардан иборат:

-ўқувчиларнинг мусиқий ўқуви, айниқса, хотираси, ритм туйғуси мусиқага мос ҳаракатлар ёрдамида яхши ривожланади. Ҳар қандай ҳаракат тури мусиқий асарнинг суръати ва ритми остида бажарилади, ҳаракат билан боғлиқ бўлган мусиқий оҳанглар бола хотирасида турғун сақланади;

-рақс ва мусиқий ҳаракатлар болада ҳаракатчанлик, чаққонликни ривожлантириб, қоматининг тўғри ўсишига ва баданини чиниқтиришга катта ёрдам беради;

-мусиқий асарлар ўқувчиларда турлича эмоционал ҳислар уйғотиб, турлича кайфиятлар ҳосил этиб, уларнинг онгида ўзига хос образлар яратадики, болалар асар мазмунини турли ҳаракатлар ва ишоралар билан ифодалашга ҳаракат қиладилар.

Демак, мусиқага мос ҳаракатлар ўқувчиларнинг ақлий ва нафосат қобилятини ривожлантириш билан биргаликда иродасини ҳам ривожлантиради.

Мусиқий асарлардан марш, рақс ва ўйинлар ўқувчиларга тез таъсир этади, шунинг учун ҳам қувноқ рақс, қизиқарли мусиқали ўйинлар ҳар бир боланинг эътиборини ўзига тортади. Ритмика болаларда мусиқий ҳаракатларни, эстетик тарбияни оширишда катта рол ўйнайди. Боғча ёшидаги болалар илк ёшдан бошлаб сакрайди, ўйнайди, лекин бу боланинг ритмик ҳаракатланди, дегани эмас. Бу даврда болалар мусиқа остида эмоционал ҳаракатланади, эшитиш қобилияти ўсади. Мусиқа остида ҳаракатланиб, тарбиячилар билан биргаликда кичик-кичик қўшиқлар ҳам куйланади.

Ҳаракат турлари учга бўлинади.

1. Асосий ҳаракатлар: юриш, югуриш, сакраш.

2.Гимнастик ҳаракатлар: предметлар билан, яъни лента, обруч, байроқчалар ва копток билан.

3. Рақс ҳаракатлари: мусиқа остида ритмик ҳаракатлар ҳақида назарий билимга эга бўлиш мумкин.

Қуйида берилаётган куйлар мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган мусиқа машғулотлари жараёнида мусиқий-ритмик ҳаракатларни амалга ошриш учун мисол бўла олади

**Дўлонча.** (Ўзбек халқ куйи) Катта ва тайёрлов гуруҳлари учун

1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, бош ўнг ва чап томонга 1- мартадан айлантирилади.

2- ҳолат: елка учун. Оёқлар елка кенглигида, қўллар елкада. Аввал ўнг, сўнгра чап елка олдинга ва орқага тўрт марта айлантирилади.

3- ҳолат: қўл учун.

4 марта «коптокни юқорига от» ҳаракати бажарилади.

4- ҳолат: бел учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, 1 деганда, олдинга эгиладилар, 2 деганда, дастлабки ҳолат, 3 деганда, орқага эгилиб, 4 деганда, дастлабки ҳолатга келадилар (4 марта).

5- ҳолат: тизза учун.

Ўнг қўл тирсаги чап оёқ тиззасига, чап қўл тирсаги, ўнг оёқ тиззаси теккизилади.

6- ҳолат: оёқ учун.

Қўллар белда, оёқлар жуфт ҳолатда икки марта сакраб, 3-4 ҳисобида ўнг ва чап оёқ бирин-кетин олдига ва орқага ҳаракатланади.

7- ҳолат: нафас учун.

Қўллар орқадан юқорига кўтарилиб, олдга тушурилади ва енгил нафас олинади [2,48-б].

**Do'loncha**
(O'zbek xalq kuyi)
Katta va tayyorlov guruhlari uchun

**O'rtacha tez**



**Қашқарча.** (Ўзбек халқ куйи). Тайёрлов гуруҳи учун

1- ҳолат: бош учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар белда, бош ўнг, чап, юқори ва пастга қаратилади.

2- ҳолат: елка учун:

Оёқлар елка кенглигида, қўллар пастда, елкалар икки марта ўнг, икки марта чап томонга айлантирилади.

3- ҳолат: қўл учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар олдинда, юқорига, ўнгга бирин-кетин ҳаракатлантирилади, сўнг дастлабки ҳолат.

4- ҳолат: бел учун.

Қўллар белда, оёқлар елка кенглигида, ўнг ва чап томонга икки мартадан эгиладилар.

5- ҳолат: тизза учун.

Оёқлар елка кенглигида, қўллар тиззада, ярим эгилиш — ўнг ва чап томонга эгиладилар.

6- ҳолат: оёқ учун.

Қўллар белда, оёқларни навбат билан олдинга, ёнга, орқага узатиб, дастлабки ҳолатга келадилар.

7- ҳолат: нафас учун.

Қўллар ярим эгилган ҳолда, пастдан юқорига кўтарилади. [6, 49-50-б].

**Qashqarcha**

(O‘zbek xalq kuyi)

Tayyorlov guruhi uchun

**O‘rtacha tez**



**Хулоса**. Шуни айтиб ўтишимиз лозимки мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган мусиқа машғулотлари, айниқса мусиқий-ритмик ҳаракатларлар ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўзлаштирган ҳолда эстетик жиҳатдан тарбияланишга, ритмни ҳис қилиб тўғри юрушни, мусиқа остида ҳаракат қилишни ўрганиб, қоматлари чиройли бўлган ҳолда жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб етишишда муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Болтаев Б. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотларини ташкил этиш услублари.- 2017 й. “СамДУ” нашриёти (Услубий қўлланма)
2. Соипова Д. Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси.- Тошкент.; 2009 й.
3. Юсупова Н. Мусиқа саводи методикаси ва ритмика.- Тошкент.; 2010 й. “Мусиқа” нашриёти.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Самарқанд.; 2017 й 12-сентабр.114 (22.914) сон “Зарафшон” газетаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.Тошкент.; 2017й 3-ноябр. 198(6892)сон “Халқ сўзи” газетаси.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Л.Норқулов,
Самарқанд давлат университети,
Ҳ.Қорабоев,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Ушбу мақола бошланғич таълим сифат-самарадорлигини оширишда замонавий ёндашувлар масалаларига бағишланган.*

***Калит сўзлар:*** *Бошланғич таълим, тарбия, замонавий ёндашувлар, технология, шахс, ўқитувчи, интеграция, инновация, дарс, самарадорлик, натижа.*

*Автор статьи предлагает рекомендации по улучшению подготовки к качеству и эффективности начального обучения.*

***Ключевы слова****: технология, интеграция, инновация, урок, эффективность, результат.*

*This article focuses on modern trends in improving the quality of primary.*

***Key words:*** *technology, person, teacher, integration, innovation, lesson, effectiveness, result.*

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга ўргатиш, теварак-атроф ва табиат билан таништириш, ижодий ва мантиқий фикрлаш хислатларини, нутқ ва хулқ-атвор маданиятини, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш ҳамда шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришдан иборат.

Шунга кўра , бошланғич таълимнинг асосий вазифалари:

- иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал потенциалларини мунтазам ошириб боришларига шароит яратиш;

- ижодий ва мантиқий тафаккур қила олиш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, дунёқарашини, коммуникатив саводхонлигини ва ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантириш;

Жисмонан соғлом бўлишга, моддий борлиқ гўзалликларини ҳис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан завқлана олишга, миллий урф-одатларни ўзида сингдиришга ва ардоқлашга, уларга риоя қилишга ўргатишдан иборат.

Бошланғич таълимнинг самарадорлиги ўқувчиларда ўзига хос тарзда таркиб топган таълимий фаолиятнинг кенг қамровли даражасига боғлиқ.

Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. Бунинг учун эса у бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак. Шу ерда биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг «Биз ўғил-қизларимизни ўзларини англашга, мустақил, онгли фикрлашга, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишиги йўл қўймаслигимиз лозим» [1, 16-б.], деган сўзларини мисол қилиб келтирган ҳолда мактаб ўқувчиси, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей талабаларининг нутқ бойлигини оширишимиз, бадиий ва илмий адабиётларга қизиқишини ривожлантиришимиз, уларнинг дунёвий ва диний илмлардан қай даражада хабардорлигини аниқлашимиз керак бўлади.

Ўқитиш тизимида педагогик технологияларини самарали қўллаш педагогнинг касбий компетентлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли педагогик технологияларнинг самарадорлигини педагог томонидан уларнинг қўлланилишига кўра ҳам баҳолаш мумкин.

Ибн Сино таълим жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим деб ҳисоблайди: ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш; боланинг қобилият ва майлларини эътиборга олиш; болага кучи етадиган машқларни бажартириш; таълимни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши. Болага таълим ва тарбия бериши учун саховатли, донно, иймонли, ахлоқий ва ақлий тарбия усулларини яхши биладиган, иродаси кучли муаллим ва тарбиячини танлаш зарур. Муаллим соғлом, пок, ҳалол, хушмуомала киши бўлмоғи лозим.«Бошланғич таълим концепцияси»да бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси таърифланади: «...энг муҳими балаларда ўқиш, ўрганишга чинаккам хавас, иштиёқ уйғотувчи, эътиқод хосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади.» ва яна шу концепциядан бошланғич синф ўқитувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. Ўқитувчи: «...Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли бўлиши; болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбиялай олиши; нутқий равон, халқ тили бойлиги ифода усули ва тасвир воситаларини адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши» [2, 183-б.] зарур.

Педагогик жараённинг моҳияти-ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланди.

Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкил этиш қуйидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиш воситаларининг

рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади. Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда қурилган «синтетик назария» сифатида қаралади.

Педагог олим Ж.Йўлдошев «Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади» [4, 76-б.] - деб хисоблайди.

Таълим жараёни бир нечта шартларга мувофиқ ташкил этилади.

Улар қуйидагилардир:

1) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши.

2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан рағбатнинг уйғониши;

3) ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмунини белгилаш;

4) ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришни йўлга қўйиш омилларининг мавжудлиги [3,23-б].

Ўқувчининг фаолият мазмунини тўлақонли ёритилишида таълим шакли, метод ва воситаларининг аҳамияти катта. Зеро, улар ўқувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим, кўникма ва малакаларини аслидек, мавжуд даражасида ёритиб бериш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самарали, илғор, ноанъанавий таълим шакл, метод ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади.

Таълим жараёнининг мақсади ДТС, ўқув режаси дастури, шунингдек, дарслик, қўлланмаларда белгилаб берилган муайян мавзу ҳамда фан (ёки курс)нинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва қизиқишлари, таълим берувчининг билим ва малака даражаси, дунёқараши, ижодкорлиги, вазиятни баҳолай ҳамда унга мувофиқ тезкор ҳаракат қила олиш лаёқати ва ҳакозо омилларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг оммалашиб бормоқда. Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий Таълимнинг шакл, метод ва воситалари таълим жараёнининг мазмуни асосида белгиланади шаклларининг асосийси сифатида маърузадан кенг фойдаланилмоқда. Ўрта таълим мактабларида дарс умумий 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ дарс бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Бошланғич таълимда кўрсатмалилик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- тасвирлаш;
- намойиш этиш;
- экскурсия;

Намойиш этиш ҳамда экскурсия ўқувчиларининг ўқув материалларини аниқ образлар воситасида бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштилиши учун уларнинг сезги органлари - эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон беради [5,84б]. Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалидир. Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмалиқуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув қўлланмалари, радио, телевидение ва комьютер ва хоказолардан иборат

Технология тараққиётида инсон психологияси катта ўрин тутади. Тарихан педагогик технология тактик (стратегик эмас) жиҳатдан фаолият кўрсатган ва ривожланган. Ҳозирги кунда педагогик технологияларни амалда қўллаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Яхши дарс - бу саволлар ва гумонлар, умид чироқлари ва ихтиролар дарси. Юқори унумли, натижали дарс технологиясининг асосий қирралари эса қуйидагилардир:

- ўрганувчиларнинг билишга қизиқиши ва мустақил ақлий фаоллигини ошириш;
- дарс вақтини тежамкорлик билан ва мақсадли сарфлаш;
- ўқитишнинг усул ва воситаларининг турли хилларини қўллаш;
- ўрганувчиларнинг ақлий ҳаракатлари усулларини шакллантириш тренинглари;
- ўрганувчининг шахсий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга улуш қўшиш, биринчи галда, шахсни ўқитишга кўмаклашуви, ўз-ўзини бошқариш механизмлари;
- ўқитувчи ва ўрганувчилар шахси ўртасидаги ижобий ҳамкорлик;
- ўрганувчилар томонидан дарсда олинган билим, укув ва кўникмалар ҳажми ва мустаҳкамлиги.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон”2017 486 бет.
3. Абдуқодиров А.А., Ишмухамедов Р., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: Истеъдод, 2008.180 бет.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. 102 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.-Т.: “Ниҳол нашриёти, 2013 йил 278 бет.


## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН


О.Ч.Холов,
Термез давлат университети



*Ушбу мақолада ахлоқий фазилатлар мазмуни ва тарбия жараёнининг психофизиологик асоси ҳақида маълумотлар ёритилган. Шунингдек, ахлоқий фазилатларни бўлажак ўқитувчиларда ривожлантиришга доир тарбиявий тадбир лойиҳаси келтирилган.*



***Калит сўзлар:*** *тарбия, ахлоқ, ахлоқий фазилат, физиологик асос, биринчи ва иккинчи*

*сигналлар системаси, тарбиявий тадбир.*

*В статье рассматриваетсясодержание нравственные нормы и сведение психофизиологические аспекты в процессе воспитания, а также проведение мероприяти, проекти о нравственных нормах в развитие в учебно-воспитательном процессе.*

***Ключовой словы:*** *воспитания, нраственность, нраственные нормы, основы физиологи системы первой и второй сигналов, воспитательных мероприяты.*

*This article discusses the content of ethics and the psychophysiological background of the educational process. There is also a training on how to develop ethicalqualities in future teachers.*

***Key words:*** *teaching, morals, ethics, physiological structure, first and second signals system, educational measure.*

Бўлажак ўқитувчиларнинг ахлоқий фазилатларини ривожлантириш улар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш самарадорлигини таъминланишига, мазкур жараёнда эса, тарбияланувчиларнинг сезги аъзоларига, билиш жараёнларига иккинчи сигналлар системаси орқали таъсир кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳамма замонларда ҳам инсон одоби, ахлоқи долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Ахлоқ - кишиларнинг бир-бирига, оилага, жамиятга, Ватанга, табиатга нисбатан бўлган, маънавий асосланган, адолат мезонларига таянган муносабатларининг муайян тизимини ифодалайди. Муносабатлар эса бевосита ахлоқ нормаларига бўйсунишни талаб этади. Биз педагогларнинг вазифамиз эса ана шундай нормаларга тўлақонли жавоб берадиган бўлажак ўқитувчиларга таълим – тарбия бериб, уларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишдир. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, "…юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш - ҳар бир инсоннинг бурчидир" [ 1, 25 б. ].

Бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий фазилатларни ривожлантириш мавзусида баҳс юритар эканмиз, дастлаб, тарбия жараёниниг физиологик асосларига тўхталиб ўтамиз. "Тарбия олий нерв фаолияти физиологиясига узвий боғлиқ. Чунки - ҳар қандай тарбия ўзининг физиологик механизмига кўра, шартли реакция организмнинг ташқи таъсирга жавоби, кўникма ва таасуротларни ҳосил қилиш жараёнидир". Маълумки, биринчи сигналлар системаси–ҳаёт, табиат. Булар инсоннинг иккинчи сигналлар системаси учун табиий манба бўлиб хизмат қилади. Иккинчи сигналлар системаси эса - сўзларимиз. Сўзлар бизга биринчи сигналлар системаси ҳақида хабар беради. Масалан, ота-онани ҳурмат қилиш, Ватанни севиш, ҳалоллик, тўғрилик, инсонийлик, ростгўйлик, севги-муҳаббат каби ижобий фазилатларни эшитганимизда ўзгача ёқимли ҳисларни туямиз. Аксинча, ёлғон гапириш, ўзганинг ҳаққини ейиш, хоинлик, сотқинлик, бузғунчилик, бераҳмлик каби ахлоқий сифатларни эшитганимизда эса бизларда салбий ҳислар пайдо бўлади. Бундан келиб чиқадики, сўз ёки рамз, тимсол орқали биринчи сигналлар ҳақида маълумот олгач, одамда ҳурмат, ачиниш, раҳм-шафқат ёки аксинча нафрат каби кечинмалар ҳосил бўлади. Демак, биринчи сигналлар системаси орқали ҳосил қилиш мумкин бўлган хатти-ҳаракат, ҳис-туйгуларни иккинчи сигналлар системаси - сўзлар орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин [ 2, 98-99 б.].

Таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этишда авлод-аждодларимиз меросларидан фойдаланишимиз ҳам яхши самара беради деб ўйлаймиз. Биргина мисол: Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида муҳтожларни кўра била туриб то сўраб келмагунча сахо кўрсатмайдиган киши ҳам сахий эмасдур деб, ҳақиқий саховат қандай бўлишини таърифлайди. Саховат, қилган эҳсонларини таъма этмаслик, борига қаноат қилишлик, муҳтож одамни учратганда борини у билан баҳам кўришлик ва қилган савоб ишларини миннат қилмаслик инсонга хос юксак маънавий фазилат эканлигини талқин қилади. Инсон умри давомида фақат бойликларни, молу давлатни йиғиб ётиш эмас, балки уни сахийлик билан оқилона сарф этишни билиш керак дейди:

*Нақдни гулдек совурмагил,*
*Ғунча каби доғи гириҳ урмағил!* [ 3, 45 б. ]

Бунда шоир айтмоқчики, молу давлат йиғиб ётган кишининг мулки барибир ўзида қолмаслигини ва ҳатто, бу ҳолат уни ҳалок этиши мумкинлигини уқтиради. Бу орқали

кишиларни бойликка онгли муносабат бўлишлари учун ахлоқий фазилатларни эгаллаган бўлишларини уқтиради. Ана шундагини ҳар бир инсон бошқалар томонидан эъзозланади. Чунки бир шахс учунгина хос бўлган ахлоқ бўлмайди. Ахлоқий фазилатлар асосан кўпчилик ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Ана шундай ахлоқ нормаларига асосланган муносабатлар эса инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди.

Бўлажак ўқитувчиларда ахлоқий фазилатларни ривожлантиришда юқорида таъкидлаганимиздек, олиб бориладиган тарбиявий ишларни самараси беқиёсдир. Чунки бу жараёнларда талаба бевосита ўзи иштирок этади, турли мазмундаги маърузалар, суҳбатлар, савол-жавоблар, тадбирларда қатнашади, ўз ахлоқий фазилатларини бойитиб, ривожлантириб боради. Қуйида биз бўлажак ўқитувчиларнинг ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган тарбиявий тадбир режасини келтирамиз.

Мавзу: “Ахлоқ ва одоб – маънавиятнинг ўзагидир”. Тадбирни олиб боришдан кўзланган **мақсад** – маънавий баркамол инсонни тарбиялашда ахлоқий фазилатларни тарбиявий аҳамияти, уни ривожлантиришда авлодлар меросидан фойдаланишнинг ўрни, инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгиланишида ахлоқий фазилатларни нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Асосий вазифалар:

1. Инсон-ахлоқ - маънавий камолоти ва жамият тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида талабаларга маълумот бериш.
2. Ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамиятини ёритиш.
3. Миллий тарбия, унинг умумий ва хусусий жиҳатларини ёритиш орқали муайян тушунчаларни мустаҳкамлаш.
4. Ахлоқий қадриятларни тарбиявий аҳамияти, моҳияти ҳақида билим ва кўникмаларни ривожлантириш.

Тадбирни амалга ошириш жараёнида қўлланилган жиҳозлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: турли асарлар асосида ишланган плакатлар, ҳадислардан, турли адабиётлардан олинган ҳикматли сўзлар, мақоллар ёзилган лавҳалар, “Ахлоқ ва одоб – маънавиятнинг ўзагидир” номли деворий газета, мавзуга боғлиқ бўлган илмий, илмий-оммабоп ва педагогик асарлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан иборат жамланма.

“Ахлоқ ва одоб – маънавиятнинг ўзагидир” мавзусидаги тарбиявий тадбирнинг таркибий тузилмаси бир неча қисмлардан иборат бўлади. Чунончи:

1. “Инсон-ахлоқ - маънавий камолоти ва жамият тараққиёти бирлиги” – тадбир иштирокчилари билан диолог.
2. “Ахлоқий қадриятлар ва тарбия” – қисқача маълумотнома.
3. “Ахлоқ –одоб категориялари” – баҳс-мунозара.
4. “Ахлоқий фазилатларни мукаммал эгаллашда нима қилиш лозим?” савол-жавоблар.

Эътироф этиш жоизки, тарбиявий тадбир жараёнида талабалар иштироки жонли мулоқот, амалий хатти – ҳаракатларнинг амал қилиши кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тадбир бошдан оёқ стандарт кўринишда, фақатгина панд-насиҳатлар ёки илмий ғояларга асосланиб қолмаслиги, аксинча, амалий хатти – ҳаракатлар, оддий тушунчалар, фаолликка йўналтирувчи ибораларга бой бўлиши бу иштирокчиларда тадбир ҳақида салбий фикр туғилишини олдини олади десак хато бўлмайди.

“Ахлоқ ва одоб – маънавиятнинг ўзагидир” мавзусидаги тарбиявий тадбирнинг дастлабки босқичида талабаларга инсон ахлоқ-одоби, шахс маънавий камолоти ва шахснинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли хақидаги шахсий фикр-мулоҳаза ҳамда қарашларини баён этиш таклиф этилади. Бундан кўзланган мақсад талабаларни ахлоқий нормалар ва инсон камолоти ҳақида фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ундашдир.

Ахлоқ – одоб категориялари юзасидан баҳс-мунозара ташкил этиб, шахс фаолиятига ахлоқий баҳони жамоатчилик беришини, ахлоқлилик-шахс фаолиятининг жамотчилик

белгилаган маънавий мезонига ҳамоханг бўлиши даркорлигини уқтириб бориш лозим. Донолар айтганидек, ахлоқ инсон қалбидан чиққан нурдир. Бу нур баъзиларда ўта кучли, баъзиларда хира бўлади. Баъзиларда эса бу нур умуман сезилмайди. Ахлоқ нури бўлмаслиги инсонийлик фазилатларидан узоқликнинг белгисидир. Ахлоқий етуклик инсон ҳаётида бахтга эриша олишнинг асосий шартидир. Баҳс – мунозара жараёнида талабаларга мана шу фалсафани моҳиятини тўлиқ англаб олишларига эришиш энг олий мақсаддир.

Ахлоқий фазилатлар юзасидан савол-жавоб уюштириш турли ҳикматли сўзлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан:

“Нафс кетига тушган-нафсоният манзилидагина тўхтайди. Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламайди ва на қийнашни хоҳламайди”.

“Исроф қилиш-сахийлик эмас, ўринсиз совуришни ақилли одамлар сахийлик демас”.

“Қаноат-бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик камаймайди; у бир экинзордирки, уруғи иззат ва шафқат ҳосили беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир”.

“Қаноат – бир қўрғонки, унга кирсанг, нафсинг ғалвасидан қутиласан. Қаноат бир чўққики, унга чиқсанг, дўст-душманга муҳтожликдан холос бўласан”.

“Сабр – аччиқ, аммо фойда берувчи; қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф этувчи... Сабр-табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнгида соғлиққа эришади”.

“Ахлоқ ва одоб – маънавиятнинг ўзагидир” мавзусидаги тарбиявий тадбирни ташкил этиш жараёнида юқорида келтирилган эслатмаларни тадбир ташкилотчилари, мураббий педагоглар томонидан янада тўлдириб, мукамаллаштирилиб олиб борилиши тадбирни бўлажак ўқитувчилар томони-дан ижобий кутиб олинишига ва кафолатланган натижага эришишни таъминлайди. Шунингдек, тадбир якунида иштирокчиларни тарбиявий тадбирдан олган таассуротларини ўрганиш келгуси ишларни янада тўлақонли, мукаммал олиб бориш имконини беради десак янглишмаган бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. И.А. Каримов  Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.:  Маънавият,  2008. 25б.
2. М.Қуронов, Болам бахтли бўлсин десангиз…. /ота-онага ёрдам/. -  Т.: Маънавият”, 2013. 98-99 б.
3. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.:  1998. 45 б.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: 1996.


## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА САФАРНОМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


Ҳ.А.Неъматова,
Жиззах вилояти “Умид” ИДУМИ



*Мақолада умумий ўрта таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим тизимида узвийлик ва узликсизликни таъминлаш мақсадида адабиёт дарсларини ўқитишда Қамчибек Кенжанинг сафарномаларидан фойдалаланишнинг аҳамияти хусусида сўз юритилади.*



***Калит сўзлар**: сафарнома, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, “Бобур” номли халқаро жамғарма, “Бобур изидан” халқаро илмий экспедицияси, Бобораҳим Машраб.*



*В данной статье расматривается об использовании сафарнаме Камчибек Кенжа в процессе преподавания литературы с целью непрерывного обеспечения в системе общеобразовательного и профессионального и высшего образования.*



***Ключевые слова**: сафарнома,международный фонди имени Бабура, международная научная экспедиция «По следам Бабура», Бабарахим Машраб.*



*In this  article it ts  examined the  using safarnema written bu Kamchibek Kenja in the  teaching prosess of  literature for the aim of continually education in middle school, colleges and in high education system.*



***Key works:** safarnoma, international scirentefic expedition “On Bobur track”, Boboraxim Mashrab.*

Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни вояга етказиш давр талабидир. Ёшларни комил инсон руҳида тарбиялашда эса таълим тизимининг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда фан-техниканинг тезкорлик билан жадал ривожланиб бориши таълим самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Мамлакатимизда таълимни янада ривожлантириш, ислоҳ қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самараси ўлароқ, таълим соҳасида эришилаётган муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида адабиёт дарсларини ўқитишнинг бир қанча самарали усуллари амалиётга тақдим этилмоқда. Умумтаълим мактабларининг 9-синф адабиёт дарслари учун жами 102-соат ажратилган. Шундан I-чоракда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг лирикасини ўрганиш учун 3 соат; II-чоракда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини ўқитишга 4-соат ажратилган. Дарсликда Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги, шу билан биргаликда, унинг машҳур “Бобурнома” асарининг муҳим томонлари хусусида ҳам кўплаб маълумотлар ҳамда асардан парчалар келтирилган. Бундан ташқари, “Бобурнома” – ўзбек адабиётининг нодир асари мавзусидаги иншо ва таҳлил учун 3 соат ажратилган.

Дарс мавзуларини тақсимланган вақтдан унумли фойдаланган ҳолда тушунарли ва қизиқарли тарзда ташкил этиш ҳар бир ўқитувчидан юксак маҳоратни талаб қилади. Ўқувчилар асардан келтирилган парчаларни қунт билан ўқишар экан, уларда Бобур Мирзо яшаган давр ҳақида озми-кўпми тасаввур пайдо бўла бошлайди. Шу ўринда дарсларнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида, ўқитувчининг ўқувчиларга қуйидаги маълумотлар бериб ўтиши фойдадан ҳоли бўлмайди: “Азиз ўқувчилар! Республикамизда 1992 йил “Бобур” номли халқаро жамғарма ҳамда “Бобур изидан” халқаро илмий экспедицияси ташкил этилди. Ушбу экспедиция Бобур ва бобурийлар меросини излаб топиш, уларни юртимизга олиб келиш ва халқимизга етказиш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширилди. Қолаверса, Бобурийларнинг энг сўнгги вакиллари билан танишиб, улар билан дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга эришилди. Экспедиция сафарларининг батафсил маълумотлари Қамчибек Кенжанинг бир қатор сафарномаларида ўз аксини топган”. Ўқитувчи Қамчибек Кенжанинг сафарнома китобларидан бир нечтасини кўрсатиб ўтади. Танланган китобдан Бобур мирзо ва бобурийлар сулоласига оид бирор парча ўқиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Жумладан, экспедиция аъзоларининг Кобулдаги Бобур боғи ва унинг мақбараси ҳақидаги таассуротлари ёритилган қуйидаги: “Мақбара Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз ватани Андижоннинг Боғишамол мавзеида, ҳозирги Бобур миллий боғининг кифтида қад ростлаган рамзий қабр-марқадига икки томчи сувдай ўхшаш эди ( Тўғрироғи, Зокиржон Машрабов ўз ҳамроҳлари билан 1992 йили, экспедициянинг дастлабки сафари чоғида, Афғонистонда фуқаролар уриши кетаётган таҳликали бир паллада шу қабрдан тупроқ ва сағана тузилишидан фотонусха олиб қайтган эди ) Обида жуда содда, мўъжазгина... ” парчасини ўқиб бериш орқали уларда аждодларга ҳурмат, ватанга муҳаббат туйғуси сингдирилади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган слайд орқали эса Бобурийлар давлатининг бугунги кундаги кўриниши акс эттирилган фотосуратлар намойиш этилади (фотосуратлар экспедиция сафарлари давомида суратга олинган бўлиб, улар Қамчибек Кенжанинг сафарномаларига илова қилинган). Ўқитувчи парчани ўқиб бўлгач, ўқувчиларга бир қанча саволлар билан мурожаат этади:

1. Андижондаги Бобур боғи хақида қандай маълумотларга эгасиз?

2. Бобур Мирзонинг Андижондаги мақбараси қандай тузилишга эга?

3. Нима деб ўйлайсиз, нега Бобур ўз қабрини айнан Кобулда бўлишини истаган?

4.Сиз Бобур Мирзонинг номини абадийлаштириш борасида қандай хайрли ишларни амалга оширган бўлардингиз?

Дарс ниҳоясида, уйга вазифага қўшимча сифатида ўтилган мавзу асосида Бобир мирзо ҳақидаги тасаввурлари хусусида кичик иншо ёзиб келиш топширилади. Бу эса

кейинги дарсда ёзиладиган иншо учун қулай имкон яратади.

Таълим тизимининг кейинги босқичлари, яъни академик лицей ва касб-ҳунар таълимида адабиёт фани учун ажратилган дарс соатлари бироз бошқачароқ тақсимланади. Фаннинг номи “Адабиёт қоидалари” деб номланиб, Аниқ ва иқтисод фанлар ҳамда табиий фанлар йўналишларининг I- босқич талабаларига II-семестри учун жами 196 соат (назарий-124 соат, амалий-72 соат); Ижтимоий фанлар йўналишларининг I-,II-,III-босқич талабалари учун эса 232 соат (назарий-152 соат, амалий-80 соат) ажратилган. Юқоридаги фикрларнинг мантиқий давоми сифатида шуни айтиш мумкинки, дарс мавзуларига киритилган Маҳмуд Қошғарий, Фирдавсий, Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда сафарномалардан ўз ўрнида фойдаланиш кўплаб яхши натижаларга олиб келади.

Академик лицейлар учун чоп этилган дарсликда Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун 2 соат (назарий) ажратилган. Бу вақт мобайнида ўқитувчи мавзу юзасидан тўплаган барча маълумотларини бирма-бир етказиш асносида, дарсликда берилмаган аммо мавзуга алоқадор манбалар билан талабаларни таништириб ўтади. Бунинг эътиборли томони шундаки, ушбу маълумотлар талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада орттириб, узоқ вақт ёдида сақланиб қолишига сабаб бўлади. Қолаверса, талабаларнинг Олий ўқув юртига кириш истагидан келиб чиқиб, уларнинг кўпроқ маълумотларни билишга бўлган қизиқишлари эътиборга олинади. Сафарномалардаги маълумотлар эса улар учун янгилик бўлиши ҳамда ўз устиларида янада кўпроқ ишлашлари ва тинмай изланишлари учун замин ҳозирлайди. Фикримизни қуйидаги мисоллар билан давом эттирамиз: “...биз Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзолари Бобораҳим Машрабнинг асл қабри, дахмаси қаерда, деган масалага ойдинлик киритиш умидида шунча машаққатли йўлларни босиб, ният-мақсудимизга етиб турибмиз, Аллохга шукр. Тепаликдаги кулбани нима деб аташга ҳам ҳайронман, (ҳамроҳларимиздан бири “Зиёратгоҳ ба номи Қаландари Машраб”, бошқаси “Марбуди шоҳи Машраби Қаландар” деб уқтиришди).

Биз сағана деб ўйлаганимиз мозористоннинг жанубий чеккасидаги, шимолга қараган икки хонали эски уй бўлиб, Машраб қабри чапдаги каттароқ бўлмада экан. Хонанинг ўртасига ёғоч-тахтадан узунлиги уч, эни салкам икки, баландлиги бир метрдан зиёдроқ сўрисимон мослама қурилган бўлиб (қабр ўшанинг остида дейишди)... Хона деворларига мактаб ўқувчилари туҳфа қилган, Машраб шеърларидан парчалар тикиб ёзилган оқ, кўк, катта-кичик палаклар илиб ташланган“. Мазкур парча орқали Бобораҳим Машрабнинг қабри, унинг бугунги кундаги аҳволи ҳақида бирмунча тасаввурга эга бўлинади. Шу билан бир қаторда ўқувчиларда интилувчанлик ва изланувчанлик иштиёқи пайдо бўлади. Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти тўғрисидаги тафсилотларни бирма-бир баён қилиш асносида, умрининг сўнгги йилларидаги маъсуд дамлар ҳамда Балх ҳокими Маҳмуд Қатоғон буйруғига биноан дорга осилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилиб ўтилади. Шу ўринда ўқитувчи - талабаларни жумбоқли савол билан ўйлантиради:

1. Бобораҳим Машрабнинг қабри қаерда жойлашган?

2. Машрабнинг Ишкамишдаги қабри ҳақида эшитганмисиз?

3. Нима деб ўйлайсиз, балки бу қабр Ишкамишдаги Машрабнинг ихлосмандлари томонидан бунёд этилган рамзий қабрдир?

Сўнгра ўқитувчи юқоридаги саволларга аниқлик киритиш мақсадида сафарнома қатларидан ўрин олган қуйидаги ривоятларни келтиради: “Ҳожи Абдураҳмон Абдужалил ўғли Саид Муҳаммад ва бошқалар ўз билганларича изоҳлай кетишди, ҳар хил ривоятлар келтиришди. Нақллардан бирининг мазмунига кўра, Бобораҳим Машраб (Бу ердагилар Шоҳ Машраб дейишарди) дорга осиб ўлдирилган куни кечаси Маҳмуд Қатағоннинг тушига кириб, мени Темуз (Ишкамишнинг аввалги номи) деган жойга етказ, деган эмиш.-Йўқ, унақа эмас,-дейди бошқа ровий шоша-пиша.- Шоҳ Машраб Маҳмуд подшога қараб жасадимни сандиққа солиб, бир туяга ортинглар-да, уни ҳайдаб юборинглар, туя қаерга бориб чўкса, ўша жой менинг қабрим бўлсин, деган, туя шу ерда чўккан....Учинчи бир

одамнинг айтишича, диний ақидаларга кўра кўр-кўрона эътиқод қуйиган саводсиз “Мулло”лардан зада бўлган Машраб ўлимидан олдин дўстлари, мухлисларига: Бунда менинг ўлигимни ҳам тинч қўйишмайди, жасадимни олиб, чекка, ҳоли жойга олиб бориб кўминглар“, деб васият қилганмиш”.

Ўқитувчи яна талабаларга юзланади. Талабаларнинг ривоятлар ҳақидаги ҳамда ўзларининг чиқарган хулосаларини бирма-бир тинглаб умумлаштиради. Мавзу юзасидан берилган бу каби маълумотлар дарс самарадорлигини янада оширишга ҳамда талабалар интеллектуал билимларини бойитишга хизмат қилади.

Бу каби мисолларни Олий таълим тизимида ҳам амалга ошириш кўплаб ижобий натижаларга олиб келади. Олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган адабиёт соҳасига оид маърузалар билан бир қаторда Қамчибек Кенжанинг бир қатор сафарномаларидан ҳам ижобий фойдаланиш яхши самара беради. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу сафарномаларда нафақат адабиётга оид, балки бошқа кўплаб соҳаларнинг машҳур намоёндалари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, унда қомусий олим Абу Наср Фаробий ҳамда ҳандаса ва риёзиёт илмига ўзининг беназир ҳиссасини қўшган Умар Хайём ва Мусо ал-Хоразмий каби алломалар хусусида кўплаб қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Қамчибек Кенжанинг сафарномаларини мутолаа қилиш орқали талабалар ўз соҳасининг етук мутахасссиси бўлишлари билан бир қаторда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ҳам атрофлича бохабар бўлишади. Ажаб эмас, сафарномалардан таъсирланган ҳолда талабаларда ҳам саёҳатлари давомида ўз сафарномаларини ёзиш истаги пайдо бўлса. Таълим сифатини яхшилашга қаратилган кўплаб дастурларнинг яратилиши ва ижросининг таъминланиши кўплаб истеъдодларнинг юзага чиқишини таъминлайди. Бугунги кун ёшларини ўтмишимизнинг шонли саҳифаларида номлари зарҳол ҳарфлар ила муҳрланиб ёзилган буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, десак, асло янглишмаган бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан (Сафарнома-3). - Т.: Шарқ, 2006. - 178-б.
2. Қамчибек Кенжа. Буюклар изидан (Сафарнома-3). - Т.: Шарқ, 2006. -218-219-б.


## АДАБИЙ ТАЪЛИМДА БАДИИЙ АСАРНИ ИДРОК ҚИЛИШ УЗВИЙЛИГИ


Г.Ш.Файзуллаева,
Самарқанд давлат университети



*Ушбу мақолада адабиёт таълимини ўқитиш билан боғлиқ педагогик жиҳатлар, бадиий адабиётни қабул қилишнинг психологик асослари, тафаккур жараёнлари, адабиёт таълимининг узлуксизлигини, узвийлигини таъминлашда ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва алоҳида эътибор қаратиш, ўқув материаллари ўртасидаги изчиллик, боғлиқликни таъминлаш масалалари ёритилган.*



***Калит сузлар:*** *таълимда узвийлик, узлуксизлик, психологик жараён,тафаккур, хотира, идрок, тафаккур операциялари, адабий таълим.*



*В данной статье раскрыты вопросы педагогические функции обучения в литературном образовании, психологические основы восприятия художественной литературы, речемыслительный процесс, также рекомендуется учитывать возростные категории при обеспечении непрерывности, поэтапности литературного образования, обеспечение взаимосвязи между учебными материалами.*



***Ключевые слова и словосочетания:*** *поэтапность в образовании, непрерывность, психологический процесс, мышление, память, понимание, мыслительные операции, литературное образование.*



*This article is dedicated connection in education of literature, pedagogical features in education of literature, psychological bases in cognition of classic literature consciousness processes particularly*

*considering of connection in pupils age continuity of features in education of literature, continuity connection matters guaranteeing in education materials.*

***Key words:*** *continuity in education, connection, psychological process, consciousness memory, reason, operations of literary education.*

Таълим тизими тамомила янги мазмун касб этаётган бугунги кунда адабиёт ва унга дахлдор фанларнинг мазмунини қайта таҳлилдан ўтказиш, таълим соҳаси бўйича унинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш асосида тубдан ислоҳ қилиш ва ҳаёт билан боғлаш лозимлигини кўрсатади.

Адабий таълим тизимида узвийликни таъминлаш бу жараённинг қонуниятлари, ташкилий элементлари, педагогик-психологик асослари, ҳаракатлар кетма-кетлигини билишини тақозо этади. Негаки, таълим-тарбиянинг муваффақияти инсоннинг руҳий жиҳатдан ривожланганлик даражаси билан боғлиқ.

Адабиёт таълимида ўқув материалларини узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида жойлаштириш натижасида ўқув жараёни узвийлиги ҳамда узлуксизлигининг таъминланиши, аввало, ўқувчи томонидан мавзунинг тўла идрок этилиши, фан асосларининг яхлит ўзлаштирилишига ёрдам беради. Тушунча ва билимларнинг самарали идрок этилиши, ўз навбатида, мантиқий хотиранинг шаклланиши ва унинг ривожланишига йўл очади. Ўқитувчи адабий билимларни ўзлаштиришда муҳим рол ўйновчи психологик ҳодисаларнинг қай даражада кечганлигини ҳар бир адабиёт дарсида назорат қилиб борсагина, ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг ўзлаштирганлик даражасини баҳолай олиши мумкин.

Маълумки, таълим жараёнида ўқув материаллари бўлаклари орасида муайян изчиллик, узвийлик, узлуксизлик сақланмас экан, ўқув материали тўлиқ ўзлаштирилмайди. Шунинг учун адабий таълимнинг узвийлиги тамойилига амал қилиш дидактиканинг муҳим принципи бўлиб, оддийдан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб боришни англатади. У ДТС, ўқув режалари, дастурлар, дарсликларда материалларнинг бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлишини, таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни талаб қилади. Шунга кўра, “билим фан қонуниятларини ўзлаштириш, кўникма ўрганилган билимларни турли вазиятларда қўллай олиш, малака ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни ҳаётга татбиқ этиш маҳоратидир” [3, 4-б.].

Идрок қилиш жараёнида бадиий асарнинг образлари тизими тасаввур қилинади, қаҳрамонларнинг характер хусусияти, кечмиш-кечирмишларининг моҳияти англанади. Адабиёт ўқитиш методикасида “матн мазмунини тушуниш” билан “бадиий матнни идрок этиш” ўзаро фарқли тушунчалар сифатида талқин қилиниб, биринчиси асар устидаги ишларнинг дастлабки босқичи учун, иккинчиси эса навбатдаги босқич учун ажратилади, асарни идрок этиш тушунчаси бевосита бадиий образларни англаш билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. [4, 15-б.].

Адабий таълим идрок қилиш тушунчаси билан боғлиқ экан, ўқувчи янги материални тўлиқ идрок этиши учун ўқитувчи, биринчидан, идрок этишнинг мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаши зарур.

Иккинчидан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва мавжуд билим даражасини инобатга олган ҳолда, янги материални идрок этишга тайёрлашда ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирилган материал мазмунини билишлари тақозо қилинади. Акс ҳолда ўқувчи янги материал мазмунини идрок этиши мумкин эмас.

Учинчидан, янги материал самарали ўзлаштирилиши учун мавзуни бўлимларга бўлиб тушунтириш, муҳим ўринларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Тўртинчидан, янги мавзу мажмуавий ҳолда ўрганилиб, олдин ўтилган материаллар кейинги мавзулар учун асос бўлса, шунингдек, таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминловчи фан ичидаги ва фанлараро алоқалар назарда тутилса, ўқув материалининг мазмуни чуқур, тўла идрок этилиши мумкин.

Кейинги муҳим билиш жараёнлари хотира ва тафаккур уйғунлиги билан чамбарчас

боғлиқдир. Ўқувчиларни бадиий асарнинг жанр хусусиятлари билан таништираётган ўқитувчи, уларнинг механик хотирасини эмас, балки мантиқий хотирасини ривожлантириши керак. Бинобарин, мантиқий хотира ўрганилаётган материалнинг ташкилий шаклини эмас, аксинча, мазмунини эслаб қолиш, ўрганилаётган материални мавжуд билимлар билан боғлаш, таҳлил қилиш ва англашга хизмат қилади. Бундай хотира – *хотира турларидан материални маъно томонидан ўзаро боғланган ҳолда тушуниб, эсда қолдиришга асосланади* [2, 54 - б.]. Бу англаш жараёнининг ўзи тафаккур қилиш жараёни ва тафаккур операцияларини ишга солади.

Тафаккур операциялари ўта мураккаб. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш, умумлаштириш, тушуниш, ҳис қилиш, ўз фикрини исботлаш, фикр юритиш, далилларни топишга ўргатиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда бадиий асарларнинг эмоционал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Эмоционаллик ўқувчида муайян ҳис–туйғуларни уйғотиши билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳар бир асар ўз характер ва хусусиятларига кўра, индивидуал ёндашиш, шарҳлашни талаб этади. Масалан, Муса Жалилнинг “Моабит дафтари” шеърий тўпламидаги “Ишонма” [1, 19 - б.] номли шеърнинг асл моҳиятини идрок этиш учун, аввало, шоир бу асарни қандай вазиятда яратганини шарҳлаш керак. Чунки бу шеър ҳар сония ўлим нафаси уфуриб турган Моабит концлагерида, урушнинг тақдири ҳали қандай ҳал бўлиши номаълум бўлмаган вақтда ёзилган. Шеър матнини талқин қилишда қаҳрамонлик, садоқат, ватанпарварликни мадҳ этувчи шоир матонатига алоҳида эътибор берилади:

Сенга мендан хабар берсалар,
“Муса ўлди энди”, - десалар,
Йўқ ишонма, жоним,
Бу сўзни –
Дўстлар айтмас, мени севсалар, - мисраларида шоирнинг инсоний фазилати ифодалангани ўқувчига уқтирилади.

“Ишонма” шеъридаги барча сўзлар маъноси ўқувчига яхши таниш. Шунинг учун уларнинг изоҳига тўхталиб ўтиш шарт эмас. Матнда кўчма маънода қўлланган “ўтли қўшиқ” бирикмасининг изоҳланиши билан чекланиш кифоя.

Ўқувчилар диққати дастлаб мисраларда бўғин ва туроқлар сони ҳамда тиниш белгиларининг ишлатилишига қаратилади.

Ўқитувчининг мисралардаги туроқлар сони тенг бўлмаса-да, уларнинг қатъий тартибда келганлиги ҳақида тушунча бериши адабий-назарий таҳлилнинг муҳим жиҳатидир:

| | |
|---|---|
| Сенга мендан хабар берсалар, | 4+5=9 |
| “Муса ўлди энди”, - десалар, | 4+5=9 |
| Йўқ ишонма, жоним, | 4+2=6 |
| Бу сўзни – | 3 |
| Дўстлар айтмас, мени севсалар | 4+5=9. |

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган изланишларимиз бадиий адабиёт намуналари таҳлилига филологик ёндашув эмас, балки таълимнинг инсонпарварлиги нуқтаи назаридан ёндашиш ижобий самаралар беришини кўрсатди. Шундагина ўқувчи олган билимларини амалиётда намоён эта олади. Таълимнинг анъанавий тизими ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасини тўлиқ ташхис қила олмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ўқитиш жараёни, хусусан, адабиёт дарсларида муаммоли таълим усуллари, табақалаштирилган ёндашувни ўз ичига оладиган замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш услубшунос олимлар томонидан кенг миқёсда қўллаб-кувватланмоқда. Чунки таълимнинг замонавий технологияларида ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришга, унинг барча жиҳатларига, хусусан, ўрганилаётган мавзунинг узвийлигига, педагогик ва психологик асосларига алоҳида эътибор қаратилади.

Руҳшунослар кичик ёшдаги ўқувчиларнинг китобхонлик идрокидаги сифат

кўрсаткичи ҳақида гапириб, “содда реализм” [4, 25 - б.] деган иборани алоҳида таъкидлайдилар. Бундай вазиятда ўқувчи бадиий асарда тасвирланганлардан бадиийликни кўра олмайди, балки бадиий асар таҳлилидан ўз ҳаётига яқин воқеликнигина қидиради. Адабиёт ўқитувчиси ана шу камчиликни бартараф этишга киришар экан, асар таҳлилида ҳаёт воқелигига боғлиқ ҳолда бадиийлик қонуниятларига амал қилиш хусусиятларини ҳам ёдда тутиши зарур бўлади. Бу жараён эса ўқитувчидан қўшимча меҳнатни, яъни ўқувчиларнинг шахсий-индивидуал хусусиятларини эътиборга олишниҳамда шунга мувофиқ ишлашни талаб қилади.

Кўринадики, филологик таҳлил ҳам, ўқув таҳлили ҳам ягона мақсад йўлида маслакдошдир. Агар академик таҳлил бадиий асарнинг тил хусусиятлари, ёзувчининг поэтик маҳорати, услубини тадқиқ қилишга қаратилса, ундан фарқли ўлароқ, ўқув таҳлилининг тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Таълимий таҳлил бу гўзалликни англаб етишга, ҳис қилишга ёрдамлашадиган таҳлил йўналиши ҳисобланади. Ўқувчи таҳлил жараёнида ёзувчи бадиий маҳорати устида бош қотирар экан, муаммони шахс сифатида кашф эта боради. Шунга кўра таҳлилнинг бу йўналишини фан билан санъатнинг қоришмаси дейиш мумкин. Айнан мана шу жиҳати ўқитувчидан адабиётшунослик бўйича чуқур билим ва услубий тайёргарликни бирга қўшиб олиб боришни талаб этади.

Педагогик-психологик жиҳатдан қаралганда, 5-6-синфлар учун – “содда реализм”, ёш ўқувчининг онгида бадиийлик ва воқеликнинг қўшилиши, 7-8-синфлар учун – китобхонлик идрокининг шиддат билан ривожланиши, 8-9-синфлар учун – бадиий асарни тўлақонли ўзлаштириш, санъат ва ҳаётнинг тарихий эстетик алоқаларини англаш, шу билан бир пайтда бу ёш босқичида китобхон идрокининг асосий ғояга боғланиб қолиши кузатилади. Натижада ўқувчида бадиий образни аниқлаштириш қобилияти заифлашади. Адабиёт ўқитувчисининг дастлабки икки даврга нисбатан, учинчи даврда (8-9-синфлар) бадиий матнни муаммоли таҳлил қилишга ўргатиш маҳсулдор бўлади ҳамда китобхоннинг академик лицей ва касб-ҳунар коллеж даврида психологик жиҳатдан бадиий асар ҳақида мустақил фикрлаши ва оқилона хулоса чиқаришини таъминлайди.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг энг муҳим мақсади эстетик ривожланган ва инсоний тафаккурга эга бўлган замонавий китобхонни тарбиялашдир. Бироқ адабиётга эстетик ёндашувнинг таркибий қисмлари бўлмиш ҳиссиётлилик, қизиқиш, китоб ўқишга муҳаббат кабилар фақат узлуксиз, мақсадли, динамик ва оқилона танланган ва тақдим қилинган адабий маҳсулот, пухта ўйланган адабий билимлар тизимига асосланади. Шундан келиб чиқиб, ўқувчилар адабий таълими мазмунидаги узвийлик муаммоси катта аҳамият касб қилади. Ўқувчиларнинг психология, педагогика ва ўқитиш амалиёти томонидан аниқланган ва қайд қилинган ёш хусусиятлари ўқувчилар адабий таълимида қуйидаги босқичларни белгилаб беради: адабий ўқиш (I-IV), бошланғич адабий курс (V-IX: биринчи узв - V-VII синфлар, иккинчи узв -VIII-IX синфлар), тарихий-адабий асосдаги курс (ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи ёки ҳозирда X-XI).

Шу билан бирга, бадиий адабиёт билан танишув энг ёш пайтидан бошланади. Шунинг учун болада китоб ўқишга бўлган қизиқишни тарбиялашда ҳал қилувчи роль оилага, унинг ижтимоий-маданий муҳитига ва ота-оналарнинг китобхонлик маданиятига ажратилган.

Хулоса қилиб айтганда, адабий билимларни ўзлаштиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари таълим жараёнида инобатга олинса, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ўқувчиларининг адабий билим, кўникма ва малакалар узвийлиги таъминланади, бу эса янги ўқув материалининг тушунчаларини тасаввур этиш, англаш ва мавжуд билимлар билан узвий боғлай олиш ҳамда тизимлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Адабиёт. Қ. / С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаев. – Т.: “Маънавият”, 2017. – 19 б.
2. Баратов Ш.Р. ва б. Психологиядан изоҳли луғат. Т.: Фан, 2008. – Б. 52 – 54.

3. Дониёров Б. Таълим жараёнида билим, кўникма ва малаканинг ўрни. // Тил ва адабиёт таълими. 2010, №4. –Б. 3-6

4. Ниёзметова Р.Ҳ. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари.// Пед. фан. докт. дисс.-Т.: 2007. –Б. 15, 25.

## МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

А. Джуракулова, М. Чориева,
Термез давлат университети

*Мақолада математика ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари ижодий қобилиятини шакллантириш, унинг методик асослари атрофлича ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *математика, бошланғич синф, ўқувчилар, ижодий қобилият, шакллантириш, методик асослар, мулоҳаза, интеллектуал, мантиқий билим, тамойил.*

*Данная статья рассматривает методические основы формирования творческой способности учащихся начальных классов в процессе обучения математике.*

***Ключевые слова:*** *математика, начальный класс, учащихся, творческий способность, формирования, методические основы, предсказывание, интеллектуал, логическое знание, принцип.*

*The article deals with the creative abilities of pupils in the process of teaching mathematics in primary schools.*

***Key words:*** *math, primary school, pupils, creative, abilities, formulation, methodological, foundations, reasoning, intellectual, logical knowledge, principle.*

Жамиятимизни сифат жиҳатдан янгиланишининг зарурий шарти унинг интеллектуал, компетенциявий потенциалини оширишдан иборат. Фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, соғлом ҳаётий позицияга эга чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайдиган масала ҳисобланади [1]. Ўқувчиларда ижодий мулоҳазаларнинг таркиб топиши ва ривожланишига бағишланган психолого–педагогик тадқиқотлар натижаларини кўриб чиқишдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: ижодий мулоҳазаларнинг ривожланиши таълим жараёни билан бевосита боғлиқ; маълум шароитларда бошланғич ижодий қобилиятни шакллантириш ўқувчиларда бошланғич синфда муваффақиятли равишда амалга ошиши мумкин. Ижодий қобилиятнинг интеллектуал маданиятнинг компоненти сифатида шаклланиш жараёни мақсадга йўналтирилган, узлуксиз, концентрик ва мактаб ўқув предметларини ўқитиш жараёнининг барча босқичлари билан боғланган бўлиши керак.Бу масалаларнинг ечими кўп жиҳатдан узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланган умумтаълим мактабларига боғлиқ.

Шахснинг интеллектуал даражаси иккита асосий параметр билан тўла характерланади, булар, олинган ахборотлар ҳажми ва бу ахборотларни амалий фаолият жараёнида турли муаммоли вазиятларга қўллашда фойдалана олиш қобилияти. Бу параметрлардан биринчиси инсоннинг билимдонлигини, иккинчиси интеллектуал ривожланганлигини характерлайди [2]. Асосий интеллектуал қобилият қаторига биринчи навбатда математикани ўрганиш жараёнида шаклланадиган ижодий қобилият киради. Математик хулосалар объектларнинг ўзи ва математикада уларни лойиҳалашда қабул қилинадиган қоидалар, мулоҳазаларни асослаш ва исботлаш қобилиятни шакллантириш, аниқ таърифлаш имконини беради, ижодий интуицияни ривожлантиради, ижодий қурилиш механизмини қисқа ва ёрқин очиб беради ва уларни қўллашга ўргатади.

Исталган фанни, хусусан, математикани ўрганиш ижодий қобилиятнинг икки турини: ўзига хослик (специфика)ва шакллантиришни назарда тутади. Математикада биринчи турга ҳисоблаш, тенглама тузиш ва ечиш, матнли масалалар шартларини математик тилга ўтказиш ва уларнинг ечимларини топиш қобилияти, иккинчи турга эса берилган объектни

таҳлил қилиш, унинг аломатларини аниқлаш, объектларни уларнинг аломатларига кўра таққослаш, уларни умумлаштириш, бир жинсли объектлар мажмуида аломатларнинг қонуниятларини сеза олиш, фаразларни илгари суриш, уларни исботлаш ёки инкор этиш, ўз мулоҳазаларини асослаш қобилияти киради.

Бирор-бир бўлим, мавзу мазмунини ташкил этувчи махсус материални ўрганишга киришишдан олдин ўқувчилар ижодий қобилиятнинг баъзи комплексларини эгаллаган бўлишлари керак, чунки психологлар (П.Я.Гальперин, Н.Ф.Талызина, М.Г.Давлетшин, З.Нишанова, Р.Суннатова, Б.Адизова ҳ.к) фикрича ижодий қобилиятни шакллантириш махсус материални онгли равишда мустаҳкам ўзлаштириш учун зарурий шарт ҳисобланади.Ижодий қобилият, шунингдек, билишларни умумлаштириш ва бир тизимга келтириш ҳамда мавжуд билимлардан янги билимлар келтириб чиқариш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади [4].

Фикрлашнинг ижодий усуллари дастлаб ўзлаштиришнинг махсус предмети сифатида ўзлаштирилиши керак, кейинчалик исталган ўқув предмети, исталган қобилиятни муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган билиш воситаси сифатида иштирок этади.

Болаларнинг ақлий ривожланишлари учун, хусусан, ижодий қобилиятни шакллантириши учун нафақат билимларини кенгайтириш керак, балки бу билимларни тизимга солиш, кетма–кетлигини ва боғланишларини ўрнатиш устида ҳам ишлаш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг манбаларидан бири пропедевтик машқлар тизимидир. Бироқ бу топшириқлар уларни бажаришда ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятлари ўқитувчи томонидан етарли даражада назорат қилинадиган ва йўналтирилган бўлсагина, ижодий қобилиятни шакллантириш воситаси бўлади.

Бир қатор методик тадқиқотларда бошланғич синфда математика ўқитиш жараёнида мантиқий билим ва маҳоратларни шакллантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг умумий методик тамойиллари аниқланган. Бу ишларни таҳлил қилиш асосида ва бошланғич синфлар спецификасини ҳисобга олиб мантиқий тайёргарликни ташкил этишнинг қуйидаги энг муҳим ларини кўрсатиш мумкин.

1. Ёш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар ҳисоби. Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий тайёргарлик дарсларида уларнинг ёшига хос хусусиятларни эътиборга олиш ва шу ёшга мос методикани қўллаш зарур. Шундай методик усулларни қўллаш керакки, улар болаларга объектларни қандай таққослашни, таърифларни қандай тузишни, классификациялашни, энг содда хулоса чиқариш ва исботлашларни осон тушунтиришга имкон берсин.

2. Изчиллик. Бошланғич синф ўқувчилари билан пропедевтик мантиқий ишлар унинг мактабнинг ўрта бўғини билан узвийлигини таъминлашга қаратилган. Бу ҳозирги замон мактаб математика курсининг «тўғридан–тўғри» мазмуний–мантиқий йўналишга қўйилганлиги билан асосланади.

3. Тизимлилик. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий қобилияти ни шакллантиришга қаратилган ишлар мақсадга йўналтирилган ва тизимли равишда ўтказилиши керак. Бу дегани, мантиқий билимларни ўрганиш бошланғич математика курсининг маълум бир жойига қаратилиб қолмаслиги керак. У аста–секин ва тизимли равишда дастурнинг турли мавзулари бўйича ўтказилади, бу ўз навбатида умуммантиқий маҳоратларнинг аста–секин ўрнатилишини таъминлайди, тафаккурнинг янада мураккаб мантиқий шаклларини ривожлантириш учун асос яратади.

4. Болалар уддалай оладиган бўлиши. Бошланғич синф математика курсининг билимларини маълум мантиқий билим ва маҳоратларсиз ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун мантиқий тушунча ва амалларга шундай шакл бериш керакки, уларнинг ўзлаштирилишини болалар уддалай оладиган бўлсин.

Тафаккурнинг мантиқий усуллари болаларда улар мактабга боришларига қадар конгитив ривожланиш даражасида мустақил шаклланган эмас. Буни ўқитувчи мантиқий билим ва маҳоратлар асосига киритиши керак.

Мулоҳазалар мажмуи билан уларнинг турли–туман хоссаларидан эмпирик материал сифатида фойдаланиш болаларга предметлар гуруҳлари устида мантиқий операцияларни бажаришда йўналиш олишга имкон беради, бу ўз навбатида уларга мулоҳаза юритишга асос бўладиган энг содда мантиқий операциялар ва қонуниятларни аниқлаш ва билиб олишларига ёрдам беради.

Машқлар мантиқий билим ва маҳоратларни амалий эгаллашга қаратилган бўлиши керак. Бунда айни бир хил мантиқий муносабатлар ва уларга мос амаллар турли–туман материалларда қайта ишланади. Шу каби материаллар билан ишлаш (ўйин, ҳаётий ёки ўқув характеридаги) болаларга мантиқий муносабатларнинг умумий аҳамияти ва уларнинг аниқ материалга боғлиқ бўлмаслигини тушунишларига ёрдам беради.

Ҳаракатнинг материаллашган шакли моделлаштириш каби фаолиятли аспектлар билан боғланган. Бошланғич синф ўқувчилари аниқ вазиятни математика тилига ва аксинча ўгиришни ўрганадилар. Бу каби фаолиятлар болалар онгида предметлар аломатларини бир–биридан ажратиш, предметларни фақат шу ажратиб кўрсатилган аломатлари бўйича таққослаш, кейин эса таққослаш амали алгоритмини материаллаштириш имконини беради. Мантиқий муносабатларни материаллаштириш шакл ва усуллари турлича бўлиши мумкин. Масалан, доиравий схемалар сифатида (Эйлер-Венн диаграммалари) слайдда тайёрланган ҳалқа ва доиралардан фойдаланиш мумкин, доиравий схемаларнинг тўлдирилиши ҳам турлича бўлиши мумкин. Турли рангдаги (кўк, қизил, яшил ва ҳ.к.), турли шаклдаги (учбурчаклар, квадратлар, доираларвах.к.), турли ўлчамдаги (катта ва кичик) шакллардан, шунингдек, турли предметлирасмлардан, шартли белгилардан (масалан, нуқта кўринишидаги) фойдаланиш мумкин. Бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий билим ва маҳоратларни шакллантириш учун турли абстракция даражасидаги материалларни ўз ичига олган турли таълим воситаларидан фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, математика ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари ижодий қобилиятини шакллантириш масаласи ўқувчиларга таққослаш, кузатишга доир тажрибаларни тўплашга, мураккаб бўлмаган математик қонуниятларни аниқлашга, исбот талаб этадиган фаразларни ўртага ташлашга имкон беради. Шу муносабат билан ўқувчиларда дедуктив мулоҳаза юритишга эҳтиёж туғилиши учун шароит яратади. Бундай масалалар ўқитувчига ўқувчиларда меҳнатсеварлик, мақсадга эришишда тиришқоқлик каби шахсий ахлоқий хислатларни тарбиялашга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 189-бет.
2. Дорофеев Г.В. Содержание школьного математического образования: Основные принципы и механизм отбора \\ Концепция содержания школьного математического образования. –М., 1991
3. Зайцева С.А. Методика обучения математике в начальной школе. –М.: Владос, 2008. – 238 с
4. Адизов Б.Р. Ижодий таълим жараёнига тизимли ёндашув//Халқ таълими. – Тошкент, 2001. – № 4,Б. 102–104.

## СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗЗРЕНИЯ НА ВОСПИТАНИЕ АЛИШЕРА НАВОИ

А.Т.Абдурахманова,
Термезский государственный университет

*Ушбу мақолада А.Навоийнинг асарларида келажак авлоднинг ривожланиши ва тарбиясига оид қарашлари ёритилганлиги ҳамда ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясига таъсири ҳақида баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *ривожланиш, тарбия, асарлар.*

*Автор статьи подчёркивает, что работы поэта А.Навойи посвящены развитию и воспитанию подрастающего поколения, его произведениях очень широко раскрыты вопросы обучения и воспитания, а его педагогические взгляды глубоко гуманистичны.*
***Ключевые слова:** развитие, воспитание, произведения.*
*The author emphasizes that the work of the poet A.Navoyi dedicated to the development and education of the younger generation, his works are very widely covers the issue of training and education, and his pedagogical views are deeply humanistic.*
***Key words:** development, education, works.*

Поднятие уровня образования молодого поколения, получение ценного опыта, развитие их личностных качеств и умений, а также возможность внести свою лепту в развитие страны одна из основных задач политики государства «Стратегия развития», привлечь молодежь к процессам республики, создать своего рода платформу. Важнейшим требованием к образованию является ориентация обучения не только на усвоение обучающимися определенной суммы знаний, умений и навыков, но и на развитие и воспитание личности школьника, на формирование у него познавательных и созидательных способностей, необходимых для успешной социализации в обществе и активной адаптации на рынке труда.

Воспитание детей - составная часть целостного педагогического процесса, которая включает в себя передачу детям умений и навыков, развитие у них творческого практического мышления, сознания и активности.

Научить детей некоторым приемам еще не означает сближение школы с жизнью, необходимо изменить сам учебно-воспитательный процесс, используя разнообразные формы и методы обучения с опорой на конкретный материал, взятый из окружающей жизни и природы, на непосредственный опыт и наблюдение детей.

Воспитание активности предполагает приучение детей к творчеству, активной деятельности, осмыслению окружающей жизни. Воспитание у школьников активности лежит в основе эффективного взаимодействия гражданского и нравственного воспитания, составляет фундамент творческой активности и продуктивности в учебной деятельности, в физкультуре и спорте, в художественной самодеятельности.

Все работы Алишера Навои были посвящены развитию и воспитанию подрастающего поколения. А. Навои, поэт и философ направления, высоко ценил науку и человеческий разум и считал мудрость и знание украшениями человека. В его произведениях очень широко раскрыты вопросы обучения и воспитания, а его педагогические взгляды глубоко гуманистичны. Он уделял большое внимание вопросам воспитания ребенка, который для Навои был светилом в доме, приносящим в семью счастье и радость. Принуждающие методы обучения и в школе, и дома Навои осуждал, выступая против телесных наказаний. Невежественных учителей он считал наказанием для школы, потому что учитель обязан в совершенстве знать преподаваемый им предмет, понимать нужды народа, обладать глубокими знаниями и во всем показывать пример. Навои призывал учителей прививать ученикам любовь к родине и уважение к самому ценному и высокому дару вселенной – человеку. В произведениях поэта значительное место занимают вопросы трудового и нравственного воспитания. В духовной жизни Востока особую роль стала играть одна из религиозных направленностей мусульманской религии. Суть данного учения заключается в утверждении, что все в мире создано Богом. Самое совершенное его творение – человек, призван стремиться слиться душой с Богом. Абстрактное представление о данном течении включало разные другие течения, которые имели множество оттенков. Объяснение такого разнотечения может заключаться в разнообразии исторических и социально-экономических условий разных регионов мусульманского мира. В некоторых странах зарождение происходило с осуждениями жестокости, мошенничества и алчности общества. Затем учение обрастало новыми направлениями, которые часто были очень далеки друг от друга. Встречаются в е требования аскетизма, отречения от благ, отшельнического образа жизни, предпочтения бедности. Одним из основных направлений в этом учении была

необходимость жизни проповедников исключительно своим трудом, при этом они должны быть честными и чистыми во всем. Постепенно так развилась педагогика. Педагоги сделали свое учение инструментом развития человека, а это является прямым доказательством обучающей миссии течения. Педагогика основана на любви и утверждает, что, прежде всего реализация человеческих возможностей связана с его внутренним миром, самосовершенствованием и саморазвитием. То есть эволюция педагогики происходит внутри него самого и в его взаимоотношении с обществом. Навои подчеркивал эволюционный характер человеческих усилий, которые являются оправданными в любом случае, и когда эти усилия прилагает один человек, и когда целая группа. Этот гениальный поэт и мыслитель сыграл важную роль в развитии педагогической мысли. В собственной системе обучения он использовал интеллектуальные упражнения и объяснения, бездействие и деятельность, размышления. Его подлинной характеристикой является то, что практически за каждым человеком он оставляет возможность добиться успеха в осуществлении его предназначения. При помощи иллюстраций и притч Навои различными способами выражал одну и ту же мысль, чтобы она как можно глубже проникла в ум читателя. Учителя эпохи А.Навойи считают, что любая идея может проникнуть в так называемый закрытый ум, лишь, если ей удастся пройти сквозь завесу обусловленности. Именно поэтому педагоги используют присущие каждому человеку основные элементы, которые пока еще не уничтожены разными проявлениями обусловленности. Эти элементы определяют педагоги развитие, самый важный и постоянный из них – любовь, которая является фактором, имеющим цель вести и человека и все человечество к завершенности. Она находится в тесной взаимосвязи с озарением, они усиливают друг друга. А сила познания велика настолько, что без подготовки выдержать ее нельзя.

Современная педагогика предполагает постоянный пересмотр, коррекцию воспитательного процесса, который меняется в потоке знаний о человеке. История отечественной и западной педагогики наглядно показывает различность течений и направлений в ней, каждое из которых имеет важную задачу воспитания личности учеников. Своеобразным способом передачи знаний выступает метод находить решение в ситуации обучения, применяя софийские притчи и легенды, содержащие в себе вековую мудрость. Они учат находить решение проблемы, развивают мышление, воображение и интуицию. Некоторые притчи несут вдохновение, другие же побуждают задуматься или смеяться. Они открывают для учеников новые жизненные ориентиры и ненавязчиво предлагают пути личностного роста и будущих изменений.

Классики педагогической мысли предлагают множество других факторов, которые имеют весомое значение в становлении личности учеников. К примеру, причиной неудач и дискомфорта является дисгармония, при обучении самым важным, что необходимо сообщать, является чувство гармонии. Развить в детях гармонию не так сложно, как кажется на первый взгляд, для этого достаточно показать ребенку самые разные проявления гармонии в разных жизненных ситуациях. Современные педагогические исследования подтверждают необходимость гармоничного развития и воспитания подрастающего поколения. педагогическая мысль выражается в выборе средств обучения учителем по своему усмотрению, это могут быть специальные идеи, термины и упражнения. В педагогике представлены разные способы постижения знаний, иногда оно идет от дисциплины и обучения, а иногда от природного расположения. педагогическую практику обуславливают ее установки на необходимость следовать такому принципу: усвоить определенный комплекс переданных наставником знаний, совершенствоваться нравственно, овладеть специальным комплексом физических и психологических упражнений. Параллельно с духовным ростом у человека развивается и способность к пониманию.

Такие великие восточные ученые, как А. Навои в своих литературных трудах выражали педагогические идеи нравственного совершенствования, представили роль преемственности знаний и духовный аспект воспитания. Их труды наполнены гуманизмом,

мудростью, проницательностью и обращены к человеческим ценностям. Познание человека в того времени в педагогике заключается в духовном, энергетическом и физическом аспекте. Учитель и ученик находятся в ситуации диалога, коммуникабельности и самораскрытия, они ищут новые формы обучения в зависимости от времени, места и учеников, что является живым процессом образования.

Произведения А.Навойи того времени можно охарактеризовать следующими понятиями: призыв к учению, развитие ума, получение разносторонних навыков и их применение на практике, совершенствование нравственности.

Будучи творением коллективной народной мысли, памятником седой старины, педагогические воззрения Алишер Навои, и сегодня питают умы и сердца людей, они верно служат настоящему и будущему. В этом факте ярко проявляется преемственность, соединяющая прогрессивные народные педагогические идеи прошлого с бесценным и с каждым днем все обогащающимся опытом педагогики воспитания, накопленным всеми народами нашей страны в период обновления жизни общества. Мысли и работы А. Навои это часть нашей общей воспитательной системы, исполняет свой долг, воспитывая молодое поколение на прогрессивных традициях прошлого, героике настоящего и идеалах будущего.

**Список использованной литературы:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлаш тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Абдуль-Кадыр И. Истина а. - М: ИД Ансар, 2004. – 288 с.
3. Е.Э.Бертельс. Работы по истории ислама и арабского халифата. - М.: Восточная литература, 2003. – 40 с.

## ОТ+СИФАТДОШ МОДЕЛИДА ШАКЛЛАНГАН ҚЎШМА СЎЗЛАРНИ ЎҚИТИШ

Б.Мирсанов,
Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

*Мазкур мақола от + сифатдош моделида шаклланган қўшма сўзлар ясалишидаги жиҳатлар тадқиқига бағишланади. Шунингдек, тушум келишигидаги от, равишдош орқали ифодаланган ҳол, сифатловчи аниқловчи билан – (а)р формали сифатдошнинг қўшилишидан шаклланган қўшма сўзлар очиб берилади.*

***Калит сўз:** сўз, от, сифатдош, воситасиз тўлдирувчи, тушум келишиги, воситали тўлдирувчи, равишдош, ҳол, сифатловчи.*

*Данная статья посвещается исследованию аспектов строения сложных терминовобразованныхпо модели существительное+ причастие. А также, выясняются сложные словы, образованные добавлением причастии формы –(а)р собстоятельсвом,определяюшим определением выраженным существительным в внительном падеже,наречим.*

***Ключевые слова:** термин, существительное, причастие, косвенное дополнение, внительный падеж, прямое дополнение, наречие, обстоятельсво, определяюший.*

*The given article is dedicated to the research of aspects the complex words structure formed on the model of Noun + Participle. And also, complex words are being identified by adding of participle form (a) r with adverbial modifier, defining attribute expressed by noun in accusative case and adverb.*

***Key words:** term, noun, participle, indirect object, accusative case, direct object, adverb, adverbial, modifier, defining.*

Маълумки, мактаб қадимдан эзгулик, билим ва тафаккур кошонаси сифатида эъзозланиб келинади. Мактабда эгалланган пухта билим эртанги ҳаётимизнинг мазмуни белгилайди, десак муболаға бўлмайди. Фарзандларимизнинг билимли, зукко бўлишлари учун, албатта, уларни ёшлигидан ҳар бир фанга қизиқтириш зарур. Ҳар бир ўқитувчи

болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини пухта ўрганган ҳолда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш устида тинимсиз изланиши, ўзидаги бор билимни маҳорат билан ишга солиши зарур.

Боланинг ақлий қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири нутқ ўстириш ишлари ҳисобланади. Болаларнинг нутқ ўстириш, она тили нормаларини пухта ўзлаштиришлари учун табиатни кузатиш масаласига эътибор қаратиш лозим. Бу кузатиш ва олган таассуротларини сўз билан ифодалаб бера олишларига замин ҳозирланиши лозим. Аввало, уларни от сўз туркуми билан ифодаланадиган ўсимлик ва ҳайвон номларининг номини айтишга ўргатишимиз зарур. Масалан, бешиктерватар, болтаютар, бўрибосар, ерқазарлар, кунқарғар; почақирқар, тилқияр, тошёрар, сувкесарлар, қуёшсевар, эчкиэмар, сувйиғар, кунқарғар, қумтешар, кунгабоқар, искабтопарлар, тириктуғар кабилар. Болаларнинг луғат бойлигини ўстириш учун қўшма сўз билан ўсимлик ва ҳайвон номларининг номини нисбатлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда мантиқий фикрларни шакллантиришда таснифлаш машқларидан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчидан ўсимлик ва ҳайвон номларининг номини таҳлил қилиш, уларни гуруҳлаш ва маълум тартибда жойлаштиришни талаб қилади. Таснифлашда қуйидагича гуруҳларга ажратилади: “ҳайвонлар”, “ўсимликлар” каби.

Ўқувчиларнинг билимларини турли ўйинлар орқали мустаҳкамлаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқувчиларни зийракликка, чаққонликка ҳамда фикрни тўғри ва аниқ ифода этишга қаратилган ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Масалан,

***1- топшириқ***

Синфда ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, 1 – гуруҳга ушбу от+сифатдош моделида шаклланган қўшма сўзларни от қисмини карточкаларга ёзишни, 2- гуруҳга эса сифатдош қисмини ажратиб ёзиш топшириғини берамиз.

| 1-гуруҳ карточкасидаги от сўз туркумига оид сўзлар | 2-гуруҳ карточкасидаги сифатдошга оид сўзлар |
|---|---|
| бўри | Боқар |
| ер | Ёрар |
| поча | Босар |
| тил | Қирқар |
| тош | Қияр |
| сув | қазарлар |
| ечки | йиғар |
| қуёш | кесарлар |
| қум | Эмар |
| кунга | туғар |
| тирик | севар |

***2 - топшириқ***

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига биттадан карточка олишни ва олган карточкага мос от ва сифатдошни топиш топшириғини беради. Бунда ўқувчилар жуфт бўлиб ишлайди ва қўшма сўзни топиб, унга таъриф беради. Масалан, тўғри жавоб: эчкиэмар – узум нави. Ўқувчиларнинг топқирлиғи асосида уларнинг билимлари аниқланади ва баҳоланади.

Илмий адабиётларда от + сифатдош моделида шаклланган қўшма сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштирувчи тавсифлар мавжуд. Хусусан, профессор А.Ғуломовнинг “Содда гап” номли ишида сифатдош орқали ифодаланган аниқловчи ҳақида шундай маълумот келтирилган: “Сифатдош аниқловчи предикативлик элементига эга, чунки у аслида феълдир (тасдиқ ёки инкорни билдириши, замонга муносабатни англатиши ва бошқалар). Сифат аниқловчи бу хусусиятга эга эмас (ёш бола-чопаётган бола). Икки турдаги бу сифатловчиларнинг кўрсатилган фарқлари биринчисини атрибутив аниқловчи деб, иккинчисини предикатив-атрибутив аниқловчи деб аташга имкон беради. (Бу фарқлаш ва сўз академик А.А.Шахматовнинг баён этганичадир.)” [2. 73-б.]

“Сифатдош аниқловчи ўзига махсус тўлдирувчи, ҳол қабул қила олади, бу билан у

аниқловчини ёйиқ тусга киритади.” [2.73-б.]

Муаллифнинг сифатдош аниқловчининг предикативлик элементига эгалиги ҳақидаги қайдлардан аён бўлишича, сифатдошнинг бу хусусияти қўшма сўзларни шакллантиришда ҳам жуда қўл келади. Аслида –ар (-р) қўшимча билан ясалган сифатдош ҳақида гап юритилмаган бўлса ҳам, бу жиҳатлар *сувйиғар, тилқияр, кунгабоқар, тириктуғар, сувкесар* каби қўшма сўзларнинг шаклланишига ҳам алоқадордир. Фақат бу ўринда қўшма сўзларни шакллантиришда эллипсиснинг ўрни ҳам борлигини қўшимча қилишимиз зарур бўлади.

Гап шундаки, А.Ғуломов таъкидлаган сифатдош аниқловчиларда аниқланмишнинг тушиб қолиши (еллипсисга учраши) кузатилади: *сувйиғар, тилқияр, кунгабоқар* каби қўшма сўзларда *ўсимлик* сўзи, *тириктуғар* сўзида *балиқ* сўзи, *сувкесар* сўзида *қуш* сўзининг тушиб қолиши натижасида аслида аниқловчи бўлган компонентнинг ўзи ном қиёфасига эга бўлган, шундай қўлланиш одат тусини олган.

От + сифатдош моделида шаклланган қўшма отларнинг таркибий қисмлари ўзаро тўлдирувчи + кесим синтактик муносабатида бўлади: *отни боқар – отбоқар, бешикни терватар – бешиктерватар, музни ёрар- музёрар каби.*

Дарс жараёнида ўқитувчи “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”дан ўсимлик ва ҳайвон номларини қандай изоҳланишини болаларга айтиб берадилар. Масалан, Бешиктерватарлар – ҳашаротлар туркуми. Танаси йирик ва чўзиқ. Боши танасидан ажралиб туради. Жуда ҳаракатчан. Бошининг икки ёнида йирик фасеткали кўзлари жойлашган... Хавф - хатар туғилганида ёки ўлжа пойлаётганида олдинги оёқлари ва танасининг олдинги қисмини даст кўтариб тебраниб туради. Шу сабабдан «бешиктерватар» деб аталган....Ўзбекистонда 20 га яқин тури бор... [1. 287–б.]

Ном ўхшатиш ассосиацияси маҳсули. Ҳашаротнинг ҳаракати – инсоннинг болани бешикка белаб, тебратиш ҳаракатига ўхшатиляпти. Ўхшатиш обекти – ҳашарот, ўхшатиш образи – инсоннинг бешик тебратиш, ўхшатма белги – ҳаракат. Эллипсислашув: бешикни тебратишга ўхшаб ҳаракат қиладиган ҳашарот > бешиктерватар > *бешиктерватар*. Кўчиш метафорик характерда.

Болтаютар – йиртқич қушлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб қуш. Ўзбекистонда учрайдиган йиртқич қушларнинг энг йириги. Уз. 1,1 м гача, қаноти ёйилганда2,7 м га боради...Ўлимтиклар ва суяклар билан озиқланади... [1. 519–б.].

Мазкур йиртқич қушнинг ўлимтиклар ва уларнинг суяклари билан озиқланиши инсон тасаввурида болтани ҳам ютиши мумкинлиги муболағали ҳолатдир. Демак, бу ном ҳам ўхшатиш ассосиацияси маҳсулидир. Бу қушнинг номланишида инсонга хос хотира тасаввуридан хаёл тасаввурига ўтиш кузатилади. Шундай ёндошув мавжуд . Эллипсислашув: болтани ҳам ютар қуш > *болтаютар.*

Бўрибосар – Ўрта Осиё овчаркаси — Ўрта Осиёда тарқалган жайдари итзоти...Еркаги бўйдор, гавдали, кўкраги кенг, калласи катта, оёклари

бақувват, овози ҳайбатли...Асосан эркаги кўпроқ қадрланади. Чорва моллари подаларини бўрилархужумидан сақлаш (номи ҳам шундан),

ўтовқўраларни қўриқлаш вазифаларини бажаради... [1. 86–б.].

Ўз тўлдирувчисига эга бўлган сифатдошдан шаклланган бу сўз аслида *бўрини ҳам босар ит* бўлиб, эллипсислашув таъсирида абсолют ҳоким бўлак *–ит* маъносини ўз зиммасига олишдан шаклланган.

Кунқарғар – тангачалилар туркумининг агамасимонлар оиласига мансуб бир тури. Бўйи 26-29 см... Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг чўл ва саҳроларида кўп... [1. 17–б.].

Почақирқар – раънодошлар оиласига мансуб тиканли бута. Бўйи 15-25 *см*. Барглари оддий, тескари-тухумсимон, эллипссимон, пояга навбат билан жойлашган... Ўзбекистонда адир ва тоғ ёнбағирларида, йўл ёқаларида кўп ўсади [1. 371–б.].

Енсиклопедик мақолада номнинг мотивлашувига оид маълумот йўқ. Бизнингча, ўсимлик бўйининг 15-30 смли экани, тиканларининг калта, учи илмоқли ва пастга қайрилганлиги бутанинг орасидан юрган одамнинг кийими почасини йиртиши ёки оёқнинг болдир қисмини қирқиб жароҳатлаши унга *почақирқар* деб ном берилишига сабаб бўлган.

Аслида ном *почани қирқадиган ўсимлик* тарзида юзага келиб, кейин эллипсис таъсирида *почақирқар* кўринишини олган.

Тилқияр - ғалладошларга мансубкўп йиллик ўтлар туркуми. Ер юзида15 тури мавжуд. Ўзбекистонда бир тури тарқалган. Таркибида кумарин моддаси бор. Тилқияр экстракти вино ва бошқа ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. [1. 393–б.]

Тошёрар – тошёрардошларга (тошёраргуллилар) оиласига мансуб ўтлар туркуми...Арктикада ва тоғли раёнларнинг шағалли, тошли ён бағирларида ва қояларида ўсади. Ўзбекистонда фақат Сибир тошёрари Фарғона вилояти Ҳамзаобод қишлоғи атрофидаги тоғларнинг салқин жойларида ўсади; айрим турлари манзаралиўсимлик сифатида ўстирилади [1. 519–б.]. Бу ўсимликнинг тоғли, шағалли тошли жойларда ўзига имкон топиб ўсгани сабабли инсон унга тошёрар номини берган. Бу номда ҳам эллипсиснинг изи бор. Натижада халқона ном юзага келган.

Эчкиэмар – маҳаллий ўртапишар, хўраки узум нави. Баъзан қизил ҳусайни деб нотўғри айтилади. [1.270-б.].

Кунгабоқар – мураккабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик, асосий мойлиекинлардан бири...Илдизи ўқ илдиз, яхши ривожланган, пояси тик ўсади, дағал, юқори қисми шохланади, бўйи 4 м га боради... Тўпгули саватча (диам. 35-40 см)....Меваси - листа, 4 қиррали, ранги оқ, кулранг, 1000 та уруғи вазни 100- 150 г. Кунгабоқар уруғининг катталигига, мойининг миқдорига ва мағзининг чиқишига қараб 3 гуруҳга бўлинади: Мойли Кунгабоқар – пистаси майда, 1000 до-насининг вазни 35-80 г, мағзи таркибида 53-63% мой бор; чақиладиган Кунгабоқар – пистаси йирик, 1000 донасининг вазни 100-170 г, мағзининг таркибида 20-35% мой бўлади (поясидан силос ҳам бостирилади); оралиқ К, - ҳамма кўрсаткичлари ўртача... Бу ўсимлик саватчаси қуёш чиққандан то ботгунча офтобга бурилиб, ҳаракатланиб туриши сабабли кунгабоқар деб аталган [1, 782–б].

Бу ўсимлик номи унинг қуёшли кун давомида тўпгулининг ҳаракати асосида шаклланган. Унинг тўлдирувчи қисми воситали - “кунга” сўзи билан ифодаланган. Номнинг бу кўринишида барқарорлашуви жараёнида мутлоқ ҳоким бўлак–ўсимлик компоненти эллипсисга учраган. Номнинг мотивлашувини изоҳлаш шарт эмас. Шу билан бирга ўқитувчи ўсимлик ва ҳайвон номларнинг қандай шакллангани ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтса, ўқувчиларнинг тасаввури, тафаккури кенгайиши, бадиий нутқи такомилига эришишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари учун, уларни топқирликка, фикрлашга ундайдиган, ижодий фаоллигини оширишга қаратилган ўйинли усулларни дарс жараёнида қўллаш ўқитувчининг маҳорати саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2005. – 12 жилд.

2. Ғуломов А.Ғ. Содда гап. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. Т, Ўзбекистон Республикаси ФА нашриёти, 1955, 73-бет.

3. Ғуломов А., Тихонов А.А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1977, 402-бет.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШГА ТАЙЁРЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Н.А.Юнусова,
Самарқанд давлат университети хузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Ушбу мақолада ёшларни экологик онг ва экологик маданиятини шакллантириш ҳамда экологик тарбия беришга тайёрлаш мезонлари ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:*** *экологик онг, экологик таълим, экологик тарбия, экологик маданият, экологик фаолият, табиат компонентлари.*

*В данной статье речь идёт о критериях экологического воспитания молодёжи, формировании экологического сознания и экологической культуры.*

***Ключевые слов:*** *экологический разум, экологическое образование, экологическое воспитание, экологическая культура, экологическая деятельность, природние компоненты*

*In given article speech goes about criteria of ecological education of youth, formation of ecological consciousness and ecological culture.*

***Keywords:*** *ecological cognition, ecological education,ecological training, ecological culture, ecological action, nature components.*

Инсон табиат маҳсули бўлиши билан бирга, атроф муҳит ҳолатини ҳам ўзгартиришга қодир бўлган геобиологик куч ҳамдир. Инсониятнинг табиат, атроф-муҳит билан мулоқоти муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Бу мулоқот икки хил йўналишда: жисмоний (куч) ва маънавий (сўз) орқали бўлади. Инсон табиат билан мулоқат қилганда жисмоний ҳаракатидан фойдаланилади. Бу ҳаракат ўзига ва атроф-муҳитга нисбатан ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Биосферада яшовчи жонли мавжудот ҳисобланмиш инсоният бир-бири билан сўз орқали мулоқот қилади. Инсонларнинг бир-бирларига айтаётган сўзлари ижобий ёки салбий натижа беради. Бу натижа инсониятнинг ўзига ҳам, атроф муҳитга ҳам таъсир этади.

Инсон атроф-муҳит, табиат компонентлари (сув, ҳаво, тупроқ, қуёш) билан ақлий ва жисмоний қуввати ёрдамида мулоқот қилади. Бу мулоқот ижобий ва салбий бўлади. Агар мулоқот ижобий бўлса атроф-муҳит гуллаб яшнайди. Салбий бўлса атроф муҳит вайрон бўлади. Бундай жараёнлар тарихда бир неча бор содир бўлган. Атроф- муҳит талофат кўриб, инсоният азият чеккан. Ҳозир ҳам шундай ҳолатлар кузатилмоқда. Айниқса, инсониятнинг атроф-муҳит, табиат билан мулоқот маданияти ҳамда Авесто, Қуръони Карим, Ҳадиси шарифларда, донишманд, аллома ва шоирларнинг асарларида, халқ педагогикасида батафсил фикрлар келтирилган.

Табиат билан инсон орасидаги муносабатларни англаб етган аллома, донишманд, олим, дин арбоблари инсониятнинг ўзи ва олам ҳақидаги тасаввурларини ошириб, тўғри йўлга бошлаганлар. Тажрибалар шуни кўрсатдики, аждодларимизнинг табиат, атроф-муҳит ҳақидаги ҳикматли, доно, мазмунли ғояларини ўрганиш инсонни юксак экологик маънавиятга йўллайди. Табиат ва инсон орасидаги муносабатларни англатувчи аллома, донишмандларнинг дуру-гавҳарларини жамлаш, уларни саралаш. Тизимлаштириш ва ундан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ ушбу муаммо ҳозиргача илмий-педагогик жиҳатдан ҳал этилмаган. Бу ҳол таълим-тарбия сифатига салбий таъсир этади.

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёнидир. Назарий экологик билимлар (экологик онг) ҳамда атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Экологик фаолият эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи демакдир.

Ўзбекистон Республикасида табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда амалга оширилувчи ижтимоий-экологик ҳаракат мазмуни «Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси»да ўз ифодасини топган.

Табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, экологик муаммоларнинг ижтимоий хавфи хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни қайд этади: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва

минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир».

Ўқувчиларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

Болалар атроф-оламни қизиқиб, мунтазам ўрганиб боришларини ҳисобга олган ҳолда, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларда ўзи яшаётган жойи ва табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, табиий бойликлари ҳақида тўлиқ тасаввур шакллантириш зарур. Инсон ҳамиша табиат билан уйғунликда яшайди, табиат билан нафас олиб, табиат қўйнида ҳаёт кечиради. Атрофимизни ўраб турган оламда табиатнинг бир қарашда жуда оддий ва шу билан бирга жуда мураккаб сир-синоатлари, мўъжизалари, жумбоқлари ҳам ҳали жуда кўп.

Экологик тарбиянинг бош мақсади ўсиб келаёттан ёш авлод, фуқароларда табиатга ва табиий муҳитга нисбатан истеъмолчилик муносабатини бартараф қилиб, у билан уйғунликда яшаш ҳамда унга масъулиятли муносабагаи шакллантиришдан иборатдир. Табиатдага жамики нарсалар - бутун борлиқ, теварак-атроф, ҳаво, сув, адиру дадалар, тоғу тош, ўрмонларнинг тозалига, уларнинг ифлосланишининг олдини олиш ва муҳофаза қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини асраш, парвариш қилиш ва кўпайтириш экологак таълим-тарбия мазмунини ташкил қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларда экологик маданиятини шакллантириш жараёнида тарбиячи қуйидаги вазифаларга эьтибор бериши лозим:

1. Жонли ва жонсиз табиат, теварак-атрофдаги кишилар меҳнати ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

2. Табиат ва кишилар меҳнатидаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш.

3. Болалар дунёқарашини шакллантириш мақсадида жонли ва жонсиз табиатдага воқеликни болалар билан доимий кузатиб бориш.

4. Табиат ходисалари ўртасидаги ўзаро алоқани очиб бериш табиатнинг одамлар меҳнатига бўлган таъсирини кўрсатиш.

5. Табиатни асрашнинг аҳамияти ҳақидаги билимларни кенгайтириб бориш.

6. Санитария-гигиена ҳақидаги дастлабки билимларни шакллантириш.

Табиат, теварак-атроф билан таништирни машғулотларида болаларга мантиқий фикрлашни ўргатишга, ёши меъёрлари доирасида нутқ, меҳнат кўникмалари ва малакаларини шакллантиришга, интизом, ўзаро ёрдам, меҳнатга мухаббат уйғотиш, бошлаб қўйган ишини охирига етказиш каби хислатларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Экологик таълим-тарбия бериш жараёнида бадиий адабиёт, қуриш-ясаш, тасвирий санъат машғулотларининг ўзаро алоқаси муҳим аҳамиятга эга. Экологик таълим-тарбия жараёнида кузатиш, экскурсия, гуруҳ майдончалари ва табиат бурчакларида катталар меҳнатига ёрдам бериш, тажрибалар ўтказиш ишлари етакчи ўринга эга. Экскурсиялар давомида табиат ҳодисаларига, табиат жисмларига катта эътибор берилади. Таълим тизимида ислоҳотлар ўтказиш зарурияти, таълимнинг янги моделининг амалиётга татбиқ этилиши мактабгача таълим тизимига ҳам янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар киритилишини талаб этмоқда.

Инновацион таълим беришнинг асосий мезонлари машғулотлар давомида норасмий муносабатлар, мавзуни эркин ифодалаш, индивидуал ва жамоа бўлиб фикрлашни назарда тутади. Интерфаол усуллар педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми хисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Тарбиячи таълим жараёни ташкилотчиси, раҳбари ва назоратчиси ҳамдир. Тарбияланувчи машғулот давомида ўзини эркин ҳис қилиши ва жараён эмоционал жиҳатдан уни

қониқтириши, яъни унга ёқиши лозим, шунда у ўз фикрларини эркин баён эта олади. Тарбиячи янги билим берганидан кейин, бола мавзуни қандай ўзлашгарганини, унинг фикрини билиш, билимини синаш, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун саволни, албатга, тўғри қўя олиши керак. Саволлар беришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- саволлар аниқ ва қисқа бўлиши;
- битта савол билан битта нарсани сўраши;
- савол айнан мавзуга доир бўлиб, болага тушунарли бўлиши;
- саволлар "ёпиқ" эмас, балки "очиқ" бўлиши;
- тез-тез "нима учун?", "сен нега бундай деб ўйлайсан?", деган саволлар билан мурожаат қилиши керак бўлади.

Савол берганда, жавобини маълум бир муддат қўйиш керак ва зарур бўлса, саволни бошқачароқ талқинда такрорлаш мумкин, лекин ҳар қайси вазиятда ҳам жавобни, имкон қадар айтиб қўймаслик зарур. Интерфаол усуллар хилма-хил бўлиб, қайси усулни танлаш тарбиячининг ўтаётган мавзуси, дарснинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ бўлиши лозим. Ёшлар тарбиясида иштирок этаётган субъектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари, иинтернет ресурслари ва уларнинг ғоялари ёшларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997.- 137-бет.
2. Турдиқулов Э.О. Ижтимоий экологик ғоялардан таълим жараёнида фойдаланиш. - Т.: 2014 й
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. — Т.: ТГПУ, 2003г.


## ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА МАТН ТАҲЛИЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ


Р.Ҳ.Набиев,
Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ,
М.А.Шамсиева, О.Б Файзиева,
Жиззах шаҳар 13- мактаб



*Мазкур мақолада умумтаълим мактабларининг она тили дарсларида ўқувчиларга таълим мазмунини тушунтиришда таҳлилларни тўғри танлаб олиш ҳақидаги тавсиялар борасида фикр юритилган.*



***Калит сўзлар:*** *тил фактлари, нутқий иқтидор, матн, маънодошлар, шаклдошлар.*



*В данной статье ведется мысль о рекомендациях правильного выбора анализов при объяснении ученикам смысла образования на уроках родного языке в общеобразовательных школах.*



***Ключевые слова:*** *языковые факты, речевой талант, текст, синонимы, омонимы.*



On this article started up idea about recomendations right choose analysis and explain to pupils thought content of education in mother tongue lessons.



***Key words**: facts of language, faculty of speech, text, synonyts, homonyts.*


Таълим мазмуни масаласи педагогика тарихида энг қадимий ва айни пайтда, энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки инсоният тарихий тараққиётининг барча даврларида “Нимани ўқитиш керак” деган саволга жавоб излаш билан шуғулланадилар ва ҳали-ҳамон саволга тўлиқ, ҳар томонлама мукаммал жавобни топа олганларича йўқ. Дидактиканинг сўнги ютуқларини ўзида жам қилган, таълим мазмуни бўйича берилган ва берилаётган энг янги маълумотлар ҳам бундай мукаммалликка даъво қила олмайди. Бироқ муаммони ижобий ҳал қилишга интилиш, мустақил, эркин фикрловчи маънавий баркамол инсонни тарбиялашнинг энг илғор, замонавий методлари, усул ва воситаларини топишга

бўлган ҳаракат ҳеч қачон тўхтамаган ва у инсон зоти мавжуд экан тўхтамайди ҳам. Чунки, одамлар яшайдиган жамият доимий ривожланишда, такомиллашишда давом этади ва ижтимоий тараққиёт қонунлари асосида бетўхтов илгарилаб бораверади.

Барча ривожланган давлатларда таълим мазмуни давлат ва жамият тараққиёти ва талабларига кўра, педагогик технологияларнинг сўнги ютуқлари асосида белгиланади, шаклланади. Таълим мазмунини шакллантириш 5 та муҳим таркибий қисмлар ҳисобига амалга оширилади:

1. Ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган илмий – назарий билимлар тизими (тил фактлари, тушунчалар, қоидалар, таърифлар).

2. Танланган илмий – назарий билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими (кўникма – эгалланган тажрибалар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти, малака эса муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашувидир).

3. Ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш. Фаолиятни қайта хотирлаш, қисман ижодий ва тўлиқ ижодий даражада бўлиши мумкин. Қайта хотирлаш фаолияти – ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб машқ бажариш фаолиятидир. Бу эса ўрганувчининг фаоллик даражасини чегаралайди. У изланишга, кашф қилишга эҳтиёж сезмайди. Қисман изланувчанлик фаолиятида ўқувчи йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши, уни топиши, аввалги билимларни қисман номаълум шароитларда қўллаши мумкин. Илмий – ижодий фаолиятда ўқувчи ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз, олган билимларини бутунлай янги шароитда, масалан, компьютерда қўллай олиши, фаолият учун зарур бўлган, лекин ўзида бўлмаган билимлар манбасини топа билиши, улардан нутқий вазият тақозосига кўра, ўринли фойдаланиш кўникмаларини эгаллаши талаб қилинади. Ўқувчини ижодий фаолиятга қизиқтириш, унинг матн яратишга бўлган ҳар қандай уринишини қўллаб – қуввтлаш тажрибасига қанчалик кўп асосланса, таълимнинг самарадорлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

4. Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими. Бу муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мақсадга интилишдаги шериклик, ўзаро тенглик, ҳамкорлик, муҳокама, қиёсий таҳлил, тўғри ҳукм ва хулосага асосланмоғи лозим. Таълим мазмунининг бу таркибий қисмлари чизиқсимон бирин-кетинликда жойлашган ходисалар эмас, балки айланасимон яхлитлик бўлиб, бу айлананинг бошланиш ва тугалланиш нуқтаси биринчи ва бешинчи қисмлари, айлана доираси эса ижодий-амалий кўникмалар заҳирасини ташкил этади.

5. Ўқувчида мустақил фикрлаш, фикр ифодалаш ва матн яратиш кўникмаларини шакллантириш тизими.

Нутқий – амалий кўникмалар занжирининг энг муҳим, якунловчи ҳалқаси ўқувчида мустақил фикрлаш, фикр ифодалаш ва матн яратиш кўникмаларини шакллантириш тизими устида ишлаш – ўқувчи нутқий иқтидори, матн яратиш кўникмасининг малакага айланиши, тафаккур маҳсулининг моддийлашувидир.

Ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларида ДТС талаблари бўйича белгиланган она тили ўқитиш мазмуни ва ундаги матн устида ишлаш ва матн яратиш мавзуси юзасидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари лозим:

Грамматикага оид билимларни эгаллаш – фонетика, лексикология, сўз таркиби, сўз ясалиши, морфология ва синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, услубиятга оид тушунчаларни ўрганиш, улар амалиётига оид билим, кўникма, малакаларни эгаллаш;

- биринчи йўналиш: - ўқувчиларнинг луғат захирасини кенгайтириш ва бойитиш, сўзнинг луғавий маънолари устида ишлаш (уядош сўзлар, маънодошлар, зид маъноли, шаклдош, тарихий, олинма сўзлар в.ҳ.), ўқувчи учун нотаниш бўлган сўзлар маъноси ва қўлланиш доирасини аниқлаш;

Ушбу фикрларни исботлаш мақсадида қуйидаги мисолларни таҳлилга тортамиз:

*Ёшлигим ғанимат, болам, ўсиб, ун,*
*Чиқарма беҳуда садо ҳамда ун.*
*Кўр, қуёш тиғида ва тегирмонда*
*Эзилиб, сўнг азиз бўлди буғдой-ун.* [2, 173-б.]

Шеърий парчанинг биринчи мисрасида *"ун"* сўзи инсоннинг вақтлар ўтиб улғайиши ҳақида айтилган бўлса, иккинчи мисрада эса *"овоз ва товуш"* маъноларида қўлланилмоқда. Охирги мисрада инсонларнинг энг азиз неъматларидан бири бўлмиш *буғдой уни* ҳақида сўз кетмоқда. Ушбу шаклдош сўзларни бирма-бир мазмунини мисоллар ёрдамида изоҳлаб берсак, ўқувчи машқни янада аниқроқ англайди.

Бундан ташқари шаклдош сўзларнинг қандай сўз туркуми доирасида келаётганлигини изоҳлаб берсак, ўқувчилар мавзудан ташқари янги маълумотларга ҳам эга бўлади. Масалан:
*Олма (от) Олма (феъл)*
*Туш (от) Туш (феъл)*
*Тут (от) Тут (феъл)*

- иккинчи йўналиш: - ўзбек адабий тили меъёрлари, тўғри талаффуз, тўғри ёзиш, сўз танлаш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гап тузиш меъёрлари, тил бирликларининг услубий имкониятлари, хусусан, уядошлиги (бир мавзу, гуруҳ ва уяга мансуб сўзлар, фанлараро ва сатҳлараро алоқа) ва маънодошлиги (синонимияси), мустақил ва ижодий фикрлаш, фикрни тўғри аниқ равон ифодалаш, граматик синонимия (фразеологик синонимия, луғавий синонимия, қўшимчалар синонимияси, гап ва матн синонимияси) намуналари устида ишлаш, ифодали ўқитиш (қироат санъати) билан шуғулланиш;

Юқоридаги фикрларга аниқлик киритиш мақсадида 5-синф она тили дарслигида келтирилган қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

*1. Унинг қувноқ чеҳраси сув бетида қизга янада ёқимли кўринди. 2. Башарасига тушган қамчи зарбидан ерга йиқилди.* [2, 178-б.]

Биринчи ва иккинчи гапларимиздаги *"чеҳра" ва "башара"* сўзлари ўзаро синонимлик қаторини ташкил қилади. *"Чеҳра"* сўзида ижобий бўёқдорлик кучли бўлса, *"башара"* сўзида салбий бўёқдорлик маъноси акс эттирилган. Лекин ҳар иккала сўз биргина *"юз"* сўзи атрофида бирлашади.

Дарсликда фақат лексик синонимлардан фойдаланилган. Бундан ташқари фразеологик синонимлар ва қўшимчалар синонимлигидан ҳам машқлар берилганда, мавзу кенгроқ ёритилган бўларди. Яъни қуйидагича:

*1. Ерларимиз серсув бўлса, ҳосил ҳам мўл бўлади. 2. Лалми ердан кўра сувли ерларнинг ҳосили кўпроқ бўлади. 3. Одобни одобсиздан ўрган. 4. Карима опанинг ўғли беодоб қилиқлари билан кўчада кулгу бўлди.*

Юқорида келтирилган биринчи ва иккинчи гапларимиздаги *"сер"*-олди қўшимчаси билан *"ли"* қўшимчаси ўзаро қўшимчалар синонимлигини ҳосил қиляпти. Учинчи ва тўртинчи гапларда *"сиз"* ва *"бе"* олди қўшимчаси бир маънода қўлланилмоқда. Қўшимчалар синонимлигини худди шу аснода таҳлил қилиб берсак, ўқувчиларга ушбу мавзуни тушунтириш бир мунча соддалашади ва ўқувчининг мавзуни ўзлаштириши ҳама анча самарали бўлади.

- учинчи йўналиш: - Ўқувчиларда фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма равишда изчил, тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини эгаллаш, матн таҳлили, матн устида ишлаш ва матн яратиш фаолиятларини қамраб олади.

Ўқувчиларга матнни таҳлил қилиш жараёнини тушунтиришда, аниқ бир мавзу юзасидан ёндашиш лозим. Масалан: Бобомиз Амир Темур

*Темур бобомиз, қаттиққўл подшоҳ бўлган. Бутун умри давомида "Куч адолатдадир" деган шиорни илгари сурди. Бугун Амир Темурнинг анъаналари давом этмоқда. Бир сўз билан айтганимизда, Ўзбекистон Амир Темур орзу қилган юртга айланиб бормоқда.* [2, 268-б.]

Ушбу матнни феъл замонлари мавзуси юзасидан таҳлил қиламиз. Бунда гапдаги феълларни ажратиб олиб, замонларини изоҳлаймиз. *"Бўлган", "Илгари сурди"* феъллари

ўтган замонда ифодаланган бўлса, *“Давом этмоқда”, “Айланиб бормоқда”* феъллари эса ҳозирги замонни ифодаламоқда. Бундан ташқари феъл замонларини жадваллар асосида жойлаштирсак, вазифани мукаммал бажарган ва ўқувчида фанга бўлган қизиқишни янада оширган бўламиз.

Албатта, биз бу билан дарс сифати ва самарадорлиги ўқитувчи шахсига бутунлай алоқадор эмас, дейишдан йироқмиз. Ўқитувчининг ижобий фазилатлари, дарс бериш маҳорати қанча кучли бўлса, ўқувчи фаолияти шунчалик самарали бўлиши шубҳасиз, биз айтмоқчи бўлган фикр бошқа. Замонавий технология асосида ўтилган дарснинг ижобий самараси – ўқитувчи шахси ва унинг педагогик маҳорати маҳсулигина эмас, балки унда ўқувчининг, яъни ўрганувчи субеъктнинг ҳам илмий изланишлари, ижодий ўқув фаолияти, катта-кичик кашфиётлари ётади. Асосий талаб дарс режасида кўрсатилган фаолият турларининг мақсадга мувофиқ, аниқ ва мукаммал бажарилишидир. Зеро, замонавий дарсларда фаол ишловчи – ўқувчи, унинг йўналтирувчи топшириқлар, мустақил изланишлар натижасида эгаллаган билим кўникма малакалари, уларнинг ўқувчи нутқий фаолиятига, матн яратиш маданиятига ижобий таъсири – ДТС талабларида кўрсатилган “ижодий тафаккур соҳиби”га мос ва хос бўлган натижадир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Р.Сафаров, Р.Йўлдошев, М.Мирмахсудова.Она тилидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва мавзуий режалаштириш. – Т., 2004
2. Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, В.Қодиров, З.Жўрабоева. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун дарслик.-Т. Маънавият, 2015
3. Она тилидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, ўқув дастури ва мавзуий режалаштириш / Р.Сафаров., Р.Йўлдошев., М.Мирмахсудова. – Т., 2004 й.


## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА АБДУРАУФ ФИТРАТ ШЕЪРИЯТИНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАСИ


М.А Холова,
Самарқанд давлат чет тиллар институти



*Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида Абдурауф Фитрат шеъриятининг ўрганилиши ёритилади. Шоирнинг “Миррих юлдузига”, “Ўқитувчилар юртига” шеърлари таҳлилга тортилади.*

***Калит сўзлар:*** *узлуксиз таълим, эрк, озодлик, таҳлил, талқин.*

*В статье рассматривается изучение поэзии Абдурауфа Фитрата в системе беспрерывного образования, а также анализируются стихотворения “Миррих юлдузига”(“К звезде Марс”), “Ўқитувчилар юртига” (“Стране учителей”).*

***Ключевые слова:*** *беспрерывное обучения, свобода, воля, анализ, интерпретация.*

*The article focuses on the study of Abdurauf Fitrats poetry in the continual edicaation system where “Mirrix yulduziga” (“To the star Mars”), “O’qituvchilar yurtiga” (“To the teachers land”) poems have been analysed.*

***Key words:*** *continuous edication, liberty, freedom, analyses, interpretation.*


Дарс “Ҳикмат сабоғи” дарси билан бошланади. Бошланғич таълимда ўқувчилар Абдурауф Фитратнинг “Эрта саҳар тавоф қилгил, бу ватанимдир” шеъридан олинган сатрлар мазмунини изоҳлаб берадилар. Ўқитувчи уларнинг жавобларини умумлаштириб, ўқувчиларга Ватаннинг муқаддаслигини, унинг тинчлиги ва осойишталигини асраб авайлаш ҳар бир инсоннинг юксак бурчи эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шундан кейин ўқитувчи Абдурауф Фитрат ҳаёт йўли, унинг ижоди, бугунги замонавий шеърятимиз тараққиётига қўшган ўлкан ҳиссасига ўқувчиларнинг эътиборини қаратади.

Дарсликда Фитратнинг анъанавий шеър шаклу равишларини яхши ўзлаштирган, руҳиятига, сайқалига етган миллий оҳангларни чуқур ҳис қилган шоирлиги

таъкидланганлиги ўқувчиларга тушунтирилади. У айрича тафаккур ифодаларидан, аниқ-тиниқ ташбеҳлардан янги мажозлар яратади. Шу маънода у ўз йўли, ўз фикрлаш тарзини ойдин яратган шоирдир.

Фитрат ҳаёти ва фаолиятига бағишланган жуда кўп хорижий манбаларда, айниқса, замондошларининг хотираларида унинг номига доим "шоир" сифатлаши қўшиб айтилган. Бундай таърифнинг ишлатилиши шунчаки бўлмай, балки Фитратнинг яхшигина "таъби назми бор"лиги натижаси, унинг шоирлик истеъдодига алоҳида ҳурмат билан қараганликлари белгисидир. Фитрат шеърияти фақатгина дардманд, ўтли шеърлар мажмуидан иборат эмас. Замондошлари тўғри таъкидлаганларидек, у ўзбек шеъриятида янгича тизим, бармоқ вазнидаги шеърга йўл очди. Шеърият бошқа миллатлардан ўзлаштириб олинган вазнлардагина эмас, балки турк улусининг руҳидан отилиб чиққан, миллатнинг нутқ ва талаффуз товушларига мос бўлган, оғзаки адабиётда жуда кўп қўлланиш баробарида чархланиб, синовлардан ўтган ўз шеър тизими – бармоқ вазнини ўзлаштирсагина юксак парвозга қоим бўлишини ўз адабий тажрибаси орқали кўрсатди.

Шоир нисбатан сўнгги асарларидан саналмиш "Аруз ҳақида" рисоласида бундай дейди: "Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими, мен ёздимми, эсимда йўқ. Фақат шуниси маълумки, бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим". Яна у тажрибали бир олим сифатида огоҳлантириб айтадики: "Сени бир вақт Фитрат бошлиқ бир гуруҳ миллатчилар ёқлаган эдилар» деб бармоқ вазнини ташлаш тўғри эмас" Шу билан бирга, Фитрат биринчилардан бўлиб миллий шеър ифода тарзини янгилашга, шаклий ўзгаришлар қилишга уриниб кўрди. У бадиий асарнинг шакли ҳақида қуйидагича ҳақли хулосага келади: "Ҳолбуки, шаклга ифода тарзи, мажоз, истиора ва шеърнинг бутун поэтик хусусиятлари кирадир" - деган асосли фикрларини ўқитувчи ўқувчиларга тушунтиради.

Бошланғич таълим дарсликларида Абдурауф Фитрат ўзининг адабиёт соҳасидаги назарий қарашлари, шеър илми ҳақидаги фикрлари, драмалари ва шеърлари билан ҳар доим ўқувчилар диққатини жалб этиб келган. 2015-йилда Б.Тўхлиев, Ш.Исаева, Т.Шермуродовлар томонидан яратилган Академик лицейлар учун "Адабиёт" дарслигининг 3-қисмида Абдурауф Фитрат ижодига икки соат вақт ажратилган. Абдурауф Фитратнинг бу дарсликда "Абулфайзхон" драмаси, "Бир оз кул!", "Миррих юлдузига", "Ўқитувчилар юртига" шеърлари берилган. Бу дарсларда ўқитувчи ҳар бир дарс олдига тўғри мақсадлар қуя олгандагина яхши натижаларни қўлга киритиши мумкин. Бизнингча, Фитратнинг "Миррих юлдузига" шеърини ўргатиш, уни таҳлил қилдириш бўйича биринчи машғулотнинг тарбиявий аҳамияти "Шеър орқали ўқувчилар онгу шуурида озодликнинг, эркинликнинг, мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканлилигини, уни доимо кўз қорачиғидек асраш кераклилигини шакллантириш" бўлгани маъқул. Аслида бундан мақсад ўқувчиларга эркинлик, озодликни ўтмишда ота-боболаримиз қанчалик орзу қилганлигини, ўша орзуларни бугун биз кўраётганлигимзни ва бу эркни, озодликни асраб-авайлашга бурчли эканлигимизни ўқувчиларнинг онгига сингдиришдан иборат бўлади. Ўқитувчи юқоридаги фикрларни янада аниқ тушунтириш мақсадида "Миррих юлдузига" шеъридан парча келтиради:

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тукғони,
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсан?
Тувғонингга нечун сира гапурмасдан турибсан,
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир, нечук топдинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг даґи қучоғингда бўлурми?
Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар?
Ўрток қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?

Дарҳақиқат, "Ўрток қонин қонмай ичган зулуклар, Қардош этин тўймай еган

қоплонлар” юлдузлар дунёсида борми? Йўқ! Барча тубанликлар ердадир! Барча риёлар ерда, Туркистонда!!! Аслида ҳақсизлик ва адолатсизликлар шўро даврида ҳам давом этди. Бу ҳол нозиктаъб ватанпарвар шоир қалбида кучли оғриқ бўлиб акс-садо берди ва оловли, исёнкор шеърларга айланиб майдонга тушди. Ана шундай шеърлардан бири “Миррих юлдузига” деб аталади. 1922 йилда ёзилган бу шеър нафақат ўз даври ўқувчиларига кучли таъсир этди, балки кейинги авлодлар қалбида ҳам акс-садо бериб жаранглади. Шу сабабли ҳам бу шеърнинг тарбиявий аҳамияти бугун ҳам ўқувчилар учун муҳимлилигини ўқитувчи таъкидламоғи лозим.

Шеър давомида давр ҳаётини, давр кишилари қиёфасини, тузумнинг долзарб ижтимоий-сиёсий ва миллий-мафкуравий муаммоларини, Ватан ва истиқлолга чексиз муҳаббат азобларини юракларига жо этган оталаримизнинг заминдан, замондан, замондаги золимдан чора тополмай кўкка (Миррих – Марс юлдузи мисолида) нидо билан илтижо қилган жиққа ёшли кўзларини ниҳоятда теран ва чуқур бадиий гавдалантирилганини ўқувчиларга теранроқ тушунтириш учун қолган мисраларини ҳам ўқитувчи тўлиқ ўқиб, таҳлиллар келтиради:

Борми сенда ўксук йўқсилнинг қонин
Гурунглашиб чағир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдиргали бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатгувчи ҳоқонлар?
Борми сенда қорин-курсоқ йўлида
Элин-юртин, бори-йўғин сотқонлар?

Умуман олганда, XX аср ўзбек шеъриятидаги Ватан мавзуи ва Ватан образи аслида Фитрат шеърларидан бошланади.

Фитрат ватанпарварлик ғояларини ўз шеърларига сингдириши билан бир қаторда илм ва зиёга интилишнинг самараси ҳақида ҳам бир қанча гўзал шеърлар яратди. Жумладан, академик лицей дарслигида “Миррих юлдузига” шеъри билан бирга шоирнинг “Ўқитувчилар юртига” шеъри ҳам берилган. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга бу шеърни тушунтиришдан олдин илмнинг афзаллиги, у инсонни камолат сари елтувчи маёқ эканлиги тушунтирилиб, фикрининг тасдиғи сифатида “Ўқитувчилар юртига” шеъридан парча келтирилади:

Орқадошлар, тўпланайлик жаҳлнинг уйин йиққали,
Эл кўзин олган қоронғу пардаларни йиртқали.
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайлик турк элига тўғри йўллар очқали...

Бу шеърни ўқитувчи ўқувчиларга таҳлил қилиб, унинг туб моҳияти, ғояси ҳақида сўзлаб, бу мисраларга ўқувчиларнинг муносабат билдиришларини сўрайди. Шундан сўнг шеърнинг:

Эллари маҳвдан қутқаран илм эрур,
Бизлари ҳам бу кундан ўзи қутқарур. – нақорат мисрасини келтиради ва ўқувчиларга ўйда Фитрат ижодини қунт билан ўрганиб, шоирнинг шеърлари асосида призентация тайёрлаб келишни вазифа қилиб берса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, Фитрат ўзлигини сақлагани ҳолда ўз даврининг поэтик тафаккур изланишлари жуғрофиясини ҳам шаклий, ҳам мазмунан қамраб олган кўламли шоир. У ўз анъаналаримиз, мавжуд тажрибаларимиздан келиб чиқиб, шеърхонликнинг муайян қатламларидан олдинга кетаяпти, бинобарин, айни бадиий тафаккурнинг ривожланиш қонуниятларидан ўзиб ҳам кетгандек.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тўхлиев Б., Исаева Ш., Шермуродов Т. Адабиёт. Дарслик. III-қисм. Академик лицейлар учун. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2015. – Б. 68-91.

2. Фитрат А. Чин севиш. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.26.
3. Фитрат А. Аруз ҳақида. – Тошкент: 1936. – Б. 20-21.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: “Маънавият”, 2002. - Б.369.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. П.Ш.Зоҳидов. “Меъмор олами”. Т. Қомуслар бош таҳририяти, 1996. 226 –227 бет.
2. П.Ш.Зоҳидов. “Зеб ичра зийнат” Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 109 бет.
3. П.Ш.Зоҳидов. “Меъмор санъати“ Т. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 29 –30 бет.
4. И.Л.Ремпель. “Архитектурный орнамент Узбекистана”. Государственное издательство художественной литературы Узбекистана. Ташкент -1961.
5. А.Хаққулов. “Самарқанд меъморчилик санъати ”. Самарқанд - 1995.

## ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ж.Маннобов,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ,
Ш.Суванов,
Самарқанд давлат университети

*Мақолада таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни Интернет тизимидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш тамойиллари, усуллари ва уни амалга ошириш самарадорлиги ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *ахборот, ахборот хавфсизлиги, интернет воситалари, Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш усуллари.*

*В статье рассматриваются основные принципы, методы и эффективности формирования навыки учеников при использовании Интернета в процессе образовании.*

***Ключевые слова:*** *информация, информационное безопасности, средства Интернета, методы формировании культуры при использовании Интернета.*

*In clause the basic principles, methods and efficiency of formation skills of the schoolboys are examined at use of the Internet in process education.*

***Key words:*** *the information, information safety, means of the Internet, methods formation of culture at use of the Internet.*

Бугунги кунда ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши барча соҳаларга, шу жумладан таълим соҳасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу технологиялар на фақат ахборотларни узатиш ва қабул қилиш жараёнида, балки таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда ҳам самарали қўлланилмоқда. Бу эса республикамизда «2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йуналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» асосида амалга оширилаётган таълимий ва тарбиявий ислоҳотларнинг ягона мақсади – баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини қайта шақллантириш, унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда янгилаш асосида таъминланади.

Таълим ва тарбия тизимида педагогик фаолиятнинг ижтимоий ва профессионал шартлари доимий ўзгариб турадиган шароитда ушбу вазифани амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири бу ахборот коммуникацион технологиялари, шу жумладан Интернет воситаларидан фойдаланишдир[3].

Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг саводхонлиги ва интеллектуал салоҳи-ятини шакллантириш бевосита таълим муассаларининг моддий-техника ва замонавий ахборот технологиялари базасини мустахкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлар, дарсликлар, электрон ўкув қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш билан чамбарчас боғлик таълим тизимини такомиллаштиришда янги ахборот технология-ларидан, шу жумладан Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш орқали амалга ошириш имкониятлари кенгайиб бормоқда [3].

Бунга эса ўз навбатида таълим муассасаларида Интернетдан фойдаланиш имкониятини тўла яратиб бериш орқалигина самарали натижага эришиш мумкин. Ўқув жараёнида Интернет тармоғидан ўрганилаётган мавзуга тегишли маълумотларни излаб топиш, масофадан ўқитиш, ўрганган билимларини назорат қилиш, курс ва малакавий битирув ҳамда илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун лозим бўлган маълумотларга эга бўлиш, бошқа олийгоҳлар тажрибасини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва ҳокозалар учун қуйидаги дастурий тизимлардан фойдаланиш ўз самарасини беради:




Ўқув жараёнларида Web-сайтлардан фойдаланишнинг кўпгина ютуқлари мавжуд. Шу боис бундай сайтларни яратиш ва мазмунан янгилаб бориш таълим муассасаси фаолиятида муҳим аҳамият касб етади. Шундай екан ўқув муассасалари учун бағишланган сайтларни яратиш ҳар бир таълим муассасаси олдида турган бирламчи вазифалар қаторига киради. Бундай сайтларни ярариш уни ўрганиш мобайнида интернет тизими билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиш лозим. Бундай омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– дунё бўйича интернет хизмати имкониятларининг кенглиги;
– веб-сайтлар хизматидан фойдаланишнинг оддийлиги;
– Web-технологияларни тарқатишдаги қулайлик;
– реал вақт масштабида ахборотларга бўлган талаблар;
– муассаса ва хусусий шахсларнинг ўзлари тўғрисидаги ахборотларни интернетга жойлаштиришга интилиши;
– тармоқ маълумотлар базасида глобал машстабдаги ихтиёрий маълумотларни тўплаш.

Интернет технологиясидан таълим – тарбия жараёнидан самарали фойдаланишнинг асосий мақсади баркамол инсонни шақллантириш ва ривожлантириш бўлиб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади[2]:

– замонавий технологиялар асосида ёшларга таълим – тарбия бериш;

– ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни ўргатиш;
– ўқувчиларни мустакил фикрлашга ўргатиш;
– билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштиришга эришиш;
– турли технология ва усулларни қўллаш ҳамда такомиллаштириш;
– мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилиш, яъни ўқувчининг тайёргарлик даражаси ва қизиқишларини ҳисобга олиш.

Мутахассислар маълумотига кўра, мамлакатимиз ахборот бозорининг асосий истеъмолчилари бўлган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавобни асосан Интернетдаги электрон манбалар ва веб-сайтлардан қидирмоқ-да. Табиийки, бу эҳтиёж уларни Интернет томон етакламоқда. Интернет тармо-ғига уланиш ва ундан унумли фойдаланиш ахборот коммуникатив технология-ларини амалда қўллашдан иборатдир.

Шунинг учун ҳар бир талабани бутун таълим-тарбия фаолияти давомида узлуксиз таълимга ва ўз устида мустақил ишлашга бўлган талабни ва тайёргарлигини шакллантириш муҳим ҳисобланади, чунки улар таълим олаётган ўз соҳаси бўйича ҳосил бўлаётган ахборотлар оқимини муҳимлиги ва зарурлиги билиши, мустақил ахборотларни ишлаши, турли манбалардан, шу жумладан Интернет тармоғидан ахборотларни олиши, уларни тушуна-диган кўринишда ифодалаши ҳамда таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиши лозим.

Таълим ва тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш жараёнида интернет технологияларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш орқали ўқувчилар қуйидагиларга эга бўладилар [2]:

– ноанъанавий манбалар, яъни интернет тармоғи ва турли сайтлардан фойдаланиб ўқиш ва ўрганиш;
– мустақил билим олиш, ўз устида ишлаш, билимини бойитиш;
– ўрганиш ва ишлаш фаолияти соҳаларини кенгайтириш ва янги имкониятларни яратиш;
– изланувчанлик, ўзига нисбатан талабчанлик ва ижодий қобилиятларини намоён этиш;
– жамиятда ва фан техника тараққиёти натижасида рўй бераётган воқеа ва янгиликлардан ҳар доим хабардор бўлиш ҳамда улардан амалий иш фаолиятларида фойдаланиш.

Ҳар бир янгилик ва кашфиётларнингнинг ижобий ва салбий оқибатлари бўлганидек, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи жиҳатлари йўқ эмас, чунки айрим ёшларимизни хорижий ёки таъқиқланган сайтларга мурожаат қилаётгани, оила даврасида кўриб бўлмайдиган турли хил ахлоққа зид ва вахшиёна видеофильмларни томоша қилишаётган ва уларда бериладиган ахборотлар уларнинг хулқи ва дунё қарашига кескин салбий таъсир қилаётгани ҳам сир эмас. Бу мафкуравий хуружлар ҳисобланиб, энг аввало, ёшларнинг онгини эгаллаш, “оммавий маданият” деб қаралаётган мазкур иллат халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган одоб-ахлоқ, ибо, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, иффат-андиша каби фазилатларимизга тажовуз қилиш, кўп минг йиллик миллий қадриятлари-мизнинг илдизига путур етказишга йўналтирилган [1].

Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёни чуқурлашаётган, инсон онгини эгаллашга интилиш тобора кучаяётган ҳозирги шароитда ёш авлодни хорижий ёки таъқиқланган тармоқлардаги салбий ахборотлардан асраш учун, таълим-тарбия тизимида ўқувчиларда дунёда юз бераётган шиддатли жара-ёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш, интернетнинг имкониятларидан Ватанимиз шон-шуҳратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарурдир.

Ўқувчиларда интернетдан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, глобал тармоқда миллий ахборот ресурсларни кўпайтириш, ёш веб-ихтирочиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш

мазкур вазифанинг самарали ечимида муҳим аҳамиятга эга.

Янги ахборотларга қизиқишнинг ортиб бориши, қолаверса, тараққиёт-нинг тезлашуви натижасида юқори сифатли мобил телефонлар ҳамда компютерларга эга ўқувчилар интернетдан фойдаланиш давомида интеллек-туал салоҳиятларини юксалтиришяпти, бироқ уларнинг глобал тармоқдан олаётган маълумотлари сифати, моҳияти, салбий ёки ижобий мазмунга эга эканлигини тўлиқ назорат қилиш масаласи ҳозирги кунда ота-оналар, устоз-мураббийлар ва ёшлар тарбиясига мутасадди инсонлар олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб,уни ҳал қилиш учун барча таълим муасассаларида форумлар ташкил этиш, ўқувчилар иштирокида анжуманлар ўтказиш, миллий веб-сайтларимиздан жой олган махсус саҳифа ва онлайн мулоқот-ларда мунтазам фаол иштирок этиб бориш, шунингдек уларда интернетдан тўғри фойдаланиш маданияти ва кўникмаларини шакллантиришга қаратил-ган ахборотларни бериб бориш, ўқув-курслар ташкил этиш ва ўқувчиларнинг интернет манбаларидан фойдаланиш даражасини оширишга доир тадбирларни таълим муассасалари, кенг жамоатчилик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биргаликда амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида , интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда бeқиёс манба саналишини, кундан-кун сафи кенгайиб, фойдаланувчилар сони ортаётган маскур тизим дунё ҳамжамияти-нинг ахборотга бўлган эхтиёжини қондираётганини, ёшлар кўпроқ фойдала-надиган сайтларни тубдан янгилаш ва назорат қилиш зарурлигини таъкидл-аш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А “Юксак маънавият - енгилмас куч”.- Т.: ”Маънавият” нашриёти, 2008 йил.
2. Муҳаммадиева Ф. «Интранетнинг таълимдаги дидактик имкониятлари». Магистрлик диссертацияси, ТДПУ, 2006 йил.
3. Интернет сайт: www.ziyonet.uz, www.eduportal.uz.


## МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР САМАРАСИ


Д.М.Юлдашева,

Самарқанд давлат чет тиллар институти, магистр



*Мақолада иштирокчиларнинг мулоқот жараёни, уни кечишида етказилаётган маълумот берилган матнга мос бўлиши баробарида лисоний компонентлapларнинг танлови ва самараси ҳақида фикр юритилган.*



***Калит сўзлар:*** *матн, мулоқот, матни таҳлили, матн динамикаси, мулоқот иштирокчилари, мулоқот вазияти.*



*В статье рассматривается эфффективность и выбор лингвистических компонентов в соответствии текста и передаваемой информации участниками в процессе диалога.*



***Ключевые слова:*** *текст, диалог, анализ текста, динамика текста,, участники диалога, ситуация диалога.*



*The article focuses on the process of communicating the participants, the content of the information they are reporting, and the choice and effectiveness of the linguistic components.*



***Key words****: text, communication, text analysis, text dynamics, communication participants, communication status.*


Матн доирасида фойдаланилган тил компонентлари ва матн категориялари (хусусан, сюжет, лавҳа) узвий алоқадорликка эга бўлиб, ушбу боғлиқлик матннинг ташкиллаштирилиш принципи ҳисобланади.

Матн, нафақат коммуникатив тил бирлиги саналган гаплардан ташкил топади, балки гап доирасида амалга оширилади. Шунингдек, матн мазмуни унинг яратилиш сабаб аниқланади. Бу борада Н.С. Валгина энг қисқа ва асосли тавсифни келтириб ўтади:

“кетма-кет вербал (сўзга оид) белгилар” [1, 19-20-б.]. Албатта, матннинг бирламчи хусусияти маълум маъно касб этиш бўлса, иккиламчи вазифаси коммуникатив бирлик саналади. Матн коммуникатив бирлик сифатида “нутқий фаолиятнинг қайси давр, қандай вазиятда бажарилиши билан боғлиқ ҳолда шаклланиши” [4, 88-б.] муҳим саналади. Шунингдек, матндаги асосий хусусият унинг мазмуни, маълумотни қамраб олганлиги, тажриба ва билим таркиби [3, 518-б.] ҳисобланади. Фаолият принципларига асосланилган матн назариясининг қурилишида матн ва бошқа коммуникатив фаолият компонентлари турли сатҳларда кўриб чиқилиши мумкин: мавҳумий, ўрта ва аниқ: матн қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, матн типи, матн ҳодиса сифатида [2, 18-б.].

Аънанавий матн таҳлили тадқиқотларида, матн динамикаси ички (семантик) ва ташқи (лексик - грамматик) каби икки сатҳга ажратилган тарзда олиб борилади. Ташқи сатҳда матнда қўлланиладиган тил воситалари орқали матнниг дискретлиги аниқ юзага чиқади. Ички сатҳ доирасида мазкур дискретлик йўқолади ва матнни тўлалигича англашга олиб келадиган узлуксизлик юзага келади.

Мулоқот жараёнида мулоқот иштирокчилари маълум объектга қаратилган мавзу доирасида умумий тил системасига тегишли бўлган ва аниқ обеъктга алоқадор тил воситаларидан фойдаланишади. Мазкур воситалар ҳақиқий мулоқот турини ташкил этади. Мулоқот иштирокчилари белгиланган объект ёки мавзуга оид маълутларга эга бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, мавзуга ёндашув жараёнида тил бирликлари ва уларнинг синонимик гуруҳларидан самарали фойдаланиш мулоқот жараёнини самаралилигини таъминлайди.

DARRYL: .. What does that have to do with heaven and hellin the book.
PAMELA: … Well,
… I’m just sort of reiterating.
… I could read you some.
DARRYL: [No].
PAMELA: [I] mean is that allowed?
DARRYL: … No I I don’t want to hear anything out of a book with, ..chapter called heaven and hell.
PAMELA: You don’t.
DARRYL: .. No.
PAMELA: Nkay.
Well then let’s talk about [our vacation].
DARRYL: [I’m gonna be] closed-minded about it.
PAMELA: (TSK) … Oh dear.
(Hx)
DARRYL: (H) [But,
PAMELA: [That’s hell].

Келтирилган диологик нутқ ва ундаги маълумотлар, мулоқотдошлар танлаган мавзу ўзаро номутаносибликни келтириб чиқарган. Мавзу сифатида танланган book (*the book , a book* ) тил бирлигининг қўлланилиши нимани англатади? Мулоқот иштирокчиси Даррил heaven and hell ибораси китоб мавзусига тегишлими ёки китобнинг қизиқарсиз эканлигига ишорами? Кейинги иштирокчи фойдаланган *well* орқали нима тушинилади? Памелланинг кейинги нутқий ҳаракатидаги *sort of reiterating* қандай маълумотга эга? Памелла таклиф этган ‘I’ could read you some нима маънога эга? Яъни, Даррилни китобга бўлган қизиқишини уйғатишга қаратилганми ёки китоб мазмуни хусусида маълумот етказиш мақсади назарда тутилганми? Ёки умуман ўз нуқтаи назарини баён этишни мақсад қилганми? Қай даражада Памелланинг жавоби Даррил саволига мос келади ? Нима сабабда Даррил *no* деган рад жавобини беради? Даррил ўзи бошлаган мавзуни давом эттирмаслигининг мақсади нимадан иборат? Памелланинг *is that allowed* нимага қаратилган, ёки ишора вазифасини ўтаган? Мазкур ноаниқликларни таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Даррилнинг китоб тўғрисидаги фикри, шунчаки мулоқот жараёнини

бошлашга қаратилган бўлиб book (китоб-эҳтимол Памелланинг қўлидаги) восита саналади. Памелланиг *well* жавоби шунчаки мулоқот кечимини давом этттириш учун бир қадам ташланган жараён деб баҳолаш мумкин. Кейинги ўриндаги *I could read you some* таклифи сенинг рухсатинг билан маъносига ишора ва маъно *is that allowed* бирикмаси ёрдамида аниқлик киритилади. Бу ерда аниқлик киритувчи восита *I mean* тил бирлиги ёрдамида амалга оширилган. Кейинги ўринда Даррил келтирган *chapter* қанақанги боб хусусида кетаётганлиги тингловчига номаълумлигича қолади. Памелла қўллаган *Nkay* қанақанги нутқ бирлиги? Қандай функцияни бажарган? Каби саволлар орқали прагматик таҳлил амалга оширилади. Памелла томонидан (Well then let's talk about our vacation) нутқ мавзусининг ўзгартирилишидан мақсад нима? Жавоб сифатида танланган мулоқот мавзусининг самарасиз кечганлигини аниқлаш мумкин. Албатта, кейинги ўринларда қўлланилган тил бирликлари ҳам мулоқот жараёнини аниқ мавзуга қаратилганлигини англатмайди.

Мулоқотнинг самарали тарзда кечишида етказилаётган маълумот берилган матнга мос бўлиши баробарида лисоний компонентларларнинг танлови муҳим аҳамият каб этади. Мазкур танлов сўзловчи ва тингловчи (адресат) мулоқоти жараёнида юзага келадиган матнни маълум мавзуга алоқадор ҳолда кейинги маълумотлар билан узвийлигни таъминлайди.

Мулоқот акти иштирокчиларнинг мулоқот жараёнида юзага келадиган мураккаб нутқий интенциялари ва уларни берилган нутқий вазиятга мос келиши саналади. Шу билан бирга, мулоқот жараёни ва мулоқот шароитида муҳим аҳамият касб этадиган мулоқотдошларнинг шахсий характеристикаси, мулоқот шароитларини ҳис этиш жиҳатлари муҳимдир. Нутқий жараёнда адресант суҳбатдошига маълумот етказиш ёки информативлик даражасини ўзгартиришга қаратилган актларни амалга оширади. Бунинг натижасида адресат маълум реакция орқали мулоқот жараёнини бошланишига сабаб бўлади.

Мулоқот акти мулоқот вазиятининг мавжудлиги маҳсули саналади. Мулоқот вазияти ўз ичига мулоқот иштирокчилари, иштирокчилар ўртасида кечадиган мулоқот жараёнини таъминловчи нутқ бирликлари, нутқий вазиятни юзага келишига сабаб бўлган предмет, воқеа, ҳодиса ва шунингдек шарт-шароитларларни қамраб олади. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

A bell clanged importantly, and the ambulance cleared a lanethrough the crowd. A cool surgeon slipped into the midst ofaffairs.

'How do you feel, old man?' asked the surgeon stooping easilyto his task. The princess of silks and satins wiped a red drop ortwo from Raggles's brow with a fragrant cobweb.

'Me?' said Raggles, with a seraphic smile. 'I feel fine.'

He had found the heart of his new city.(O'Henry, 153).

Келтирилган мисолдаги адресатнинг 'How do you feel' акти адресантнинг вазиятдан хабардорлиги тўғрисидаги маълумотни сақлаши билан бирга мулоқот жараёнининг кечимини таъминлаш учун хизмат қилган. Кейинги ўринда адресант томонидан келтирилган 'I feel fine' ибораси мулоқотнинг вазиятга мос кечими деб ҳисоблаш мумкин.

Албатта, четдан қаралганда мулоқот самарали кечаётгандек туйилади. Оғзаки нутқда фойдаланиладиган лексик бирликлар стилистик ифодага эга бўлсада, прагматик нуқтаи назардан таҳлил этилиш орқали мулоқот мазмунини англаш имкони юзага келади. Қўлланилган баъзи тил бирликлари стилистик хусусиятга эга эканлиги ёки прагматик мазмун касб этиши мураккаблик туғдиради. Шунинг учун ҳам, оғзаки мулоқот жараёнида фойдаланиладиган лексик воситалар прагматика доирасида қаралиши муҳимлигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**


1. Валгина Н.С. Теория текста**.** Учебное пособие. –М.: Логос. 2003 г.-280 с.
2. Земская Ю.Н., Качесова И.Ю., Комиссарова Л.М., Панченко Н.В., Чувакин А.А:

Теория текста: учеб. пособие / Флинта, Наука; -М.: 2010. -132 с.
3. Кубрякова Е. С.Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира / Рос.академия наук. Ин-т языкознания. — М.: Языки славянской культуры, 2004. — 560 с.
4. Сафаров Ш.С.. Семантика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2013. -344 б.

## ЁШЛАРИМИЗ ОНГИ ВА ҚАЛБИГА ҚАРАТИЛГАН “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ТАҲДИДИ

С.Пардаев, Ж.Шомуродов,
Самарқанд давлат университети, магистрлар

*Ушбу мақолада мафкуравий таҳдидлар қаторида “оммавий маданият” таҳдидига қарши талаба-ёшларнинг қалбига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш, унга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш лозимлиги ҳақида фикр юритилган.*
***Калит сўзлар:*** *ёшлар субмаданияти, “китч” маданияти, “мид” маданияти, “арт” маданияти.*
*В этой статье, речь идет о важности внедрения идеи национальной независимости и усовершенствования иммунитета против угрозы «массовой культуры» среди молодежи.*
***Ключевые слова:*** *молодежное подсознание, «кич» культура, «мид» культура, «арт» культура.*
*This scientific article is about the importance of introducing the idea of national independence and improving immunity against the threat of "mass culture" among youth.*
***Key words:*** *youth subconscious, "kitsch" culture, "mid" culture, "art" culture.*

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Абдурауф Фитратнинг “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ,” деган сўзларини келтириб, “Қаранг, қандай бебаҳо, олтинга тенг сўзлар!” деб айтди ва Шундай деди: “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади” [1, 2 - б.].

Ушбу огоҳликка даъват ёшларни, айниқса олий таълим муассасаларида талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда янги, амалий вазифаларни белгилаб берди. Зеро, шу пайтгача бизга хуруж қилаётган мафкуравий таҳдидлар қаторида “оммавий маданият” таҳдиди бу даражада қайд қилинмаган ва маънавий-ахлоқий тарбия режаларида махсус қайд қилинмаган эди. “Оммавий маданият” иборасининг кенг тарқала бошлаши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. “Оммавий маданият” анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, ҳаёт тақазоси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривожи ва тарқатилиши бунга сабаб бўлди. Маънавий бойликларни индустриал тижорат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, маданиятни демократлаштириш, аҳоли билим даражаси ўсиши билан бирга унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

Анъанавий маданиятда бўлганидек, оммавий маданиятнинг ҳам универсал характеристикаси ҳамон мавжуд эмас. Буни шундай тушунтириш мумкин. Гап шундаки, “оммавий маданият” илмий-фалсафий категория сифатида ўзига якдил учта тушунчани қамрайди. Биринчидан, “маданият” – алоҳида характердаги маҳсулот. Иккинчидан,

“оммавийлик” – маҳсулотни тарқатиш меъёри. Учинчидан, “маданият” – маънавий бойлик.

Файласуф А.Я.Флиер таклифига биноан “оммавий маданият” йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- “Ёшлар субмаданияти” индустрияси;
- Оммавий ижтимоий мифология; одамга мураккаб қадриятлар йўналиши тизимини жойлаштириш; дунёни кўп қиррали тушунишини оддийлаштириш;
- Оммавий дам олишнинг ташкилий турларини, турли шоуларни, қизиқиш ва дам олишни саноат асосига кўчириш;
- Соғломлаштиришга қаратилган дам олиш индустрияси;
- Эҳтиёжни қондиришни бошқариш ва индивидуал, шунингдек, жамоа фойдаланадиган хизматлар, таклифларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш (реклама, имиджмейкерлик ва хоказо).
- Ҳар хил ўйинлар, механик ўйинлардан тортиб, электрон, компьютер ва бошқа воситалардан фойдаланиш [2, 38 -б].

Шундай қилиб оммавий маданият – бир ўлчамли ҳодиса эмас. У ўзига хос тур ва даражага эгадир. Ҳозирги замон маданиятшунослигида, одатда, “оммавий маданият”нинг учта асосий даражасини кўрсатадилар;

1. Китч – маданият (паст даражадаги, вульгар, беҳаёлар маданияти)
2. Мид – маданият (“ўртамиёна” маданият);
3. Арт – маданият (маълум бадиий мазмун ва эстетик қийматга эга маданият).

“Китч” немисча “кицчен” олмошидан ҳосил бўлган ва савияси паст, арзон ва жўн асар яратиб, сотишни билдиради. Бундай асарлар ҳақиқий санъат дурдоналари соясида пайдо бўладиган бўш, тез унутиладиган маданият маҳсулотларидир.

Муаммоларни чекланган, ҳаётдан узоқ қилиб тасвирлаш, образларни, ғоя ва сюжетларни қолипга солиш, майда турмуш ташвишларига ўралашиб қолган қатламга мўлжалланган маданият асарларини яратиш.

Мид – маданиятининг қамрови кенг, даражаси анча баланд. У анъанавий маданиятнинг айрим хусусиятларини акс эттирса ҳам, “оммавий маданият”га бевосита тааллуқлидир.

Арт маданияти одатда, аҳолининг билимли қисмига мўлжалланган “оммавий маданият”дир. Унинг вазифаси оммавий маданиятни максимал даражада анъанавий маданият стандартларига яқинлаштиришдан иборат.

Бундан ташқари баъзи бир мутахассислар оммавий маданиятнинг яна икки алоҳида турини – попмаданият ва рокмаданиятни ҳам кўрсатадилар, чунки ҳаёт уларнинг ҳам яшовчанлигини ҳамда муайян табақадаги кишиларнинг онгини эгаллаганлигини кўрсатди [3, 29 - б].

“Оммавий маданият” маданий моллар бозоридаги товарга айланиб, муайян хусусиятлар касб этди. Аввало у “оддий” (буни жўнлик деб атаса ҳам бўлади). Чунки кўпинча бундай маҳсулотлар “кўча одами”га мўлжаллангандир. “Оммавий маданият” ўз вазифасини тўла бажариши, яъни ишлаб чиқаришдаги асабийликларни олиб ташлаши учун у энг камида қизиқарли бўлиши лозим. Албатта, бундай маданий маҳсулотлар интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар эҳтиёжини қондириши мумкин ва инсон онги, кечинмаларига таъсир этади. Шунинг учун ҳам “оммавий маданият”нинг “энг қизиқарли” ва ҳаммага тушунарли мавзулари – мухаббат, оила, карьера, жиноятчилик ва хўрлаш, саргузашт, қўрқинч ва хоказолардир. “Оммавий маданият” байналминал ва миллий бўлиши мумкин. Эстрада мусиқаси бунга мисол бўлади: у ҳаммага тушунарли ва барча ёшдагиларга, билим даражасидан қатъий назар, аҳолининг барча қатламларига ўнғай.

Ахборот технологияси воситаларининг роли тобора кучайиб кетганлиги боис бўш, ўта саёз маданият маҳсулотлари ҳам бозорга чиқарилмоқдаки, уларнинг кўпчилиги маънавиятни юксалтириш мақсадида эмас, балки тижорат мақсадида тарқатилмоқда. Натижада анъанавий маданият маконида мумтоз халқ ижодиёти ёнида аҳоли онгини билим ва тафаккурини ўтмаслаштирадиган ижод маҳсуллари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу борада

мамлакатимизда бир қатор ташкилий-маърифий, маънавий ва моддий чоралар кўрилмоқда, албатта, лекин бундай маҳсулотлар ҳаётимизга селдай кириб келиши ҳамон тўхтамаётир. Бу эса мутасадди маданий ва илмий жамоатчилик олдига муҳим вазифалар қўяди.

Янги замон "оммавий маданият" маҳсулотларининг кутилган ҳаридорига айландилар. Улар учун бу маҳсулотларнинг ўзимизники ёки хорижники эканлиги унчалик ҳам аҳамиятли эмас эди ва ҳамон шу жараён давом этмоқда. "Жаҳон тўри" деб ном олган интернет тизими орқали "оммавий маданият" маҳсулотлари ҳеч қандай тўсиқсиз мамлакатимизга кириб келмоқда ва айниқса ёшлар ўртасида кенг тарқалмоқда.

"Оммавий маданият" маҳсулотлари сиртдан ялтироқ кўриниши, янгилиги билан уларни ўзига жалб қилади. Ёшлардан чуқур фикр-мулоҳаза юритишни талаб этмайди, уларни ўқишга, билим олишга эмас, балки ўйнаб-қувнаб, "яшаб қолиш"га чақиради. Аслида "оммавий маданият"нинг, уни тарқатаётганларнинг ҳам асл мақсадлари шундан иборат. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этишини ва оммавий маданият муаллифлари айнан ана шу аудиторияни назарда тутаётганини эътиборга олсак, вазифаларимиз масъулияти аниқ аён бўлади.

Ана шу вазифаларни ойдинлаштириш мақсадида биз "Талаба ғоявий-эстетик иммунитетнинг таркибий қисмларини белгилаб чиқдик: Ҳар бир талаба билан эркин суҳбат ўтказилади. Ҳар бир кўрсаткич 10 баллик тизимда баҳоланади. Бунда қуйидаги аниқловчи саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. "Оммавий маданият"нинг асосий мақсадини, мазмун моҳиятини билиш.
2. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари мазмун-моҳиятини билиш.
3. Миллий ва мумтоз санъатимиз турларини, афзалликларини билиш.
4. "Оммавий маданият" мафкураси мисолларини ҳозирги ҳаётда учраётган кўринишларини билиш, уларга мустақил муносабат билдира олиш.
5. Уларни фош қилиш қобилияти.
6. Ёт мафкураларнинг таъсир кўрсатиш усулларини билиш.
7. Ёт мафкуралар таъсирига дуч келганда нима қилишни билиш (Проектив педагогик вазиятлар орқали очилади.)
8. Миллий ва жаҳон санъати тарихи назарияси, анъаналаридан янгиликларидан хабардорлик
9. Севиб тинглайдиган ва ижро этадиган санъат намуналари орасида миллий санъат асарларининг ўрни.
10. Миллий санъатимизни тенгдошлари орасида  тарғиб қилиш.

Бундай вазиятда олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба-ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, ҳалқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш , биз учун мутлақо ёт ва бегона бўлган ғояларга нисбатан уларда мустаҳкам иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш лозим [4,12 – б. ].

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
2. Хаксли О. Искусство и банальность. М.:1989. 342 с.
3. Флиер А.Я. Массовая культура и её социальные функции. // ОНС: Общественные науки и современность. – М., 1998. - №6. – С. 138.
4. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 20 апрел ПҚ-2909.

# УЛУҒ АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИ, УЛАРНИНГ МЕРОСИНИ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

Г.Ирисқулова,
Самарқанд давлат университети, талаба

*Улуғ аждодларимиз ҳаёти, уларнинг меросини бошланғич таълимда ўргатиш усуллари таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:*** *мерос, аждод,усул, англаш, бетакрор.*

*Метод и анализы преподавание первом степени образование, наших великих предков и их жизни и наследия.*

***Ключевые слова****: наследия, предок, метод, осознание, уникальный.*

*Analyzed the methods of teaching the life of great ancestors, their heritage in the elementary education.*

***Key words:*** *heritage, ancestor, method, recognize, proprietory.*

Халқимиз маънавиятининг шаклланишида ўзларининг юксак тафаккурлари, бетакрор мероси билан тарих саҳифаларида мангуликка муҳрланган улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва қолдирган меросини бошланғич таълимда ўқувчилар онгига етказиш ниҳоятда зарурдир. Кичик мактаб ёшидаёқ ўқувчиларимиз аждодларимиз ким эканлигини билишлари, уларнинг қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш, ўрганиш билан бир қаторда англашлари лозимдир. Биз ўқувчиларимиз қалбида аждодларимиз ҳаётига жуда катта ҳурмат уйғотишимиз, уларнинг асрлар оша ўз қадрини яна-да ошириб келаётган меросини ўргатишимиз зарур. Токи, улар аждодларимиз қолдирган бебаҳо мероснинг қанчалик қиммат, бетакрор эканлигини билишлари, уларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти барчамизга ибрат, сабоқ эканлигини англаб етишлари лозимдир.

Бошланғич таълимда аждодларимизнинг ҳаёти, уларнинг меросини қаҳдай қилиб, қай тарзда ўргатишимиз керак? 2-сиҳф Оқиш китобида [2] “Нон – улуг неъмат” ривояти берилган. Ривоят аллома, ҳукмдор Мирзо Улуғбек ҳақида. Мирзо Улуғбек мулозимлари билан кетаётганида, йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолибди. Дарров отдан тушиб, уни қўйнига солибди. Мулозимларидан бири:-Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз? -деб сўраганида, шундай жавоб берибди: нонни биринчи бўлиб мен кўрдим. Шундай экан, уни ердан олишни бошқа бировга буюриш менинг нонга нисбатан ҳурматсизлигим бўлур эди. Ноннинг улуғлиги олдида менинг подшолигим нима бўлибди?!

Бу ривоят ўқувчилар учун тарбиявий аҳамияти қанчалик юқори даражада таъсир кучига эга. Биз мавзуни жуда содда қилиб, ҳикоя методи орқали ўқувчиларга тушунтириб, ноннинг ҳақиқатан ҳам улуғ неъмат эканлигини ва бобомиз султон, қирқ йил ҳукмдорлик қилганлигини, олим бўлганлигини, юлдузлар ҳақида жадвал тузганлигини тушунтириб, бизга ундан ноёб асарлар қолганлигига урғу бериб ўтишимиз зарур.

3-синф Ўқиш китобида [3] ҳам “Улуғлардан ўрганмоқ – оқиллик” бўлимида буюк аждодларимиз ҳаёти, мероси ҳақида мавзулар ёритилган. Биз мавзуларни ўқувчиларга ўргатиш жараёнида турли хил усуллардан фойдаланишимиз зарур. Абу Райхон Беруний айтганидек: Дарслар хилма-хил олиб борилса, болалар бир боғдан иккинчи боғга сайр қилгандек бўлади”. Миркарим Осимнинг “Зеҳни ўткир бола” ҳикояси берилган. Ҳикоя Абу Райхон Беруний ҳақида бўлиб, ҳикоянинг ўқувчилар учун биринчи ўринда тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Сабаби ҳикояда хоразмлик Абу Наср ибн Ироқ донишманд, олим Абу Райхон Берунийнинг зеҳни ўткирлиги ҳақида эшитиб, ҳузурига чақиртиради. Муҳаммад салом бериб ўн ёшга кирганлигини айтади. У улуғ зот “Зеҳнинг ўткир экан. Истасанг, сени ўзимга шогирд қилиб олай”, - деганида “Биз камбағал одамлармиз ўқиш ҳақини тўлай олмаймиз”, - деб жавоб қайтаради. Матнда боланинг саксовул, чўлдаги ҳар хил гиёҳлар териб уларнинг уруғини шаҳарга сотиб кун кечирганлиги, сўнг ўша хоразмлик олимнинг шаҳар ҳовлисига келиб, унга шогирд бўлганлиги ҳикоя қилинган. Матн

ўргатилиши давомида қўшимча маълумот сифатида Берунийнинг бизга қолдирган қимматли мероси ҳақида ҳам маълумотлар бериб бориш орқали унинг шахсига, ижодига жуда катта қизиқиш уйғотишимиз мумкин.

Мавзуни ўқувчиларга "Эркин фикрлаш" усули орқали ўргатилиб, мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ФСМУ технологияси усулидан [4] фойдаланиш ўринли. Чунки, ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини баён эта олишлари керак. ФСМУ технологияси усули ўқувчиларнинг олган билимларини аниқлашда катта ёрдам беради, ўқувчилар ўзларининг фикр мулоҳазаларини очиқ ойдин айта оладилар. ФСМУ технологияси ўқувчиларнинг ўз фикрларини ҳимоя қилишга ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билимларини баҳолашда тингловчиларга баҳслашиш маданиятини ўргатиши аҳамиятлидир.

Яна ушбу бўлимда "Ибн Синониг шогирдлари ҳақида" ривоят ёритилган [2]. Матнда Ибн Синонинг шогирдларига айтган маслаҳати ҳақида фикр юритилган. Бу мавзунинг ҳам тарбиявий жиҳати ўқувчилар учун жуда зарур. Чунки, бу маслаҳат нафақат шогирдлари ва авлодлари учун қимматли насиҳат ҳисобланади. Айтилишича, Ибн Сино "Ўрнимга беш зўр табиб қолдириб кетмоқдаман", -деганларида шогирдлари: "Устоз сиз қолдириб кетаётган табиблар кимлар?"- деб сўрашибди, Ибн Сино "Мен қолдириб кетаётган зўр табиблардан бири-тозалик, иккинчиси-парҳез, учинчиси бадантарбия, қўлган иккиси мижоз кайфиятдир", - деб жавоб қайтарган эканлар.

Ўқувчиларга улуғ аждодимиз ҳақидаги ривоятни ўргатиш билан бирга, унинг жаҳон илм-фанига қўшган ўлкан ҳиссасини, бебаҳо меросини ва жуда кўп йиллар давомида ўзининг қадрини ошириб келаётган табобати ҳақида маълумотлар бериб боришимиз орқали, уларга маънавий озуқа сифатида билим, кўникма, малакаларини шакллантиришда яқиндан ёрдам беришимиз мумкин. Ўқувчиларга мавзуни суҳбат асосида тушунтириб, мустаҳкамлаш жараёнида "Ким топқир" таълимий ўйини [2] орқали Ибн Синонинг қолдирган табибларини аниқлаш билан бирга болаларда ҳар доим эсда қоларли топшириқ сифатида тарбиявий аҳамият касб этади.

"Соҳибқирон Темур бобо" ривоятида [3] Темурбекнинг отаси кўп қўйларни ўғлига бериб, Самарқанд бозорига сотиб келишиш учун жўнатади. Темурбек қўйларнинг ҳаммасини минг тиллога сотиб турган пайтида бир қаландар одамларга сўзлаб турган экан. Қаландар қўлидаги қоғозда шеър битилган бўлиб, уни минг тиллога сотмоқ истагини айтади. "Шу ёзувнинг қадрига ким етиб, ким минг олтинга олса, дунёнинг охирига етади". Темурбек қоғозни олгач, қаландар унинг насл-насабини сўраб, кейин отанг олдига бориб ўқи, деган эди. Қоғозни отасига бериб очиб оқиганда "Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандар ўтиб кетди. Навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми яхшилик билан ном қолдир мазмунида рубоий экан. Отаси Темурбекка олтинларни кўп доно ишга сарфлаганини айтиб, унга риоя этиш кераклигини айтади. Ривоят ҳақида ўқувчиларга ҳикоя методи орқали ўргатилиб, Соҳибқирон бобомизнинг бунёдкор шахс эканлиги, зарур пайтда майдонга кириб келганлиги ҳақида, мамлакатни обод қилганлиги, илм-фанга катта эътибор берганлиги ҳақида ўқувчиларга қўшимча маълумот берилади.

Биз, буюк мутаффаккир Алишер Навоий ҳазратлатлари ҳақида ёритилган мавзуда унинг бебаҳо мероси ҳақида ҳам ёрқин дадилларни кўришимиз мумкин. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида бу улуғ аждодимиз ҳақида: "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир", [1] -деган эдилар. Абдуқодир Ҳайитметов қаламига мансуб "Доноларнинг доноси" ҳикоясида [3] бобокалонимиз Навоий ҳазратлари ёшлик чоғларидан кўп китоб мутолаа қилганликлари, зеҳни ўткир эканлиги, минглаб ғазалларни ёд билганликлари ҳақида сўз юритилган. Унинг устозлари Алишер ўз она тилини чуқур билганликларига қойил қолганлар. Навоий ҳазратлари форс, араб тилларини ҳам яхши билганлар. Алишер Навоий биринчи бўлиб, ўз

она тилида “Хамса” (беш достон) ёздилар. Навоий ҳазратларининг ҳикматли сўзлари халқ мақолларига айланиб кетган. Масалан, Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз, Билмаганни сўраб ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим. [5]

Ўқувчиларга мавзу юзасидан БББ методи [4] асосида дарсни ташкил қилиш жуда ўринли. Нега-ки, Навоий ҳазратлари ҳақида билмаган, эшитмаган бирор болакай топилмайди. Бу усулдан фойдаланиш ўқувчилар билм, кўникма, малакаларининг шаклланишида фойдали усул ҳисобланади. Алишер Навоий мероси ҳақида ўқувчиларга қўшимча маълумот бериш билан бир қаторда қўшимча топшириқ ҳам берилиши лозим. Чунки, улар туркий тилни жаҳонга танитган мутафаккир, аждодимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлишлари керак. “Ҳайратул-аброр”достонинг биринчи мақолатида сахийликни улуғлашга доир “Ҳотам Тоий” ҳикояти келтирилган. [5] Ҳотам деган бир сахий киши бўлган. Ундан бир вақтда ҳам сахий, ҳимматли одамни кўрган-кўрмаганлиги ҳақида сўраганларида, у қуйидаги воқеани ҳикоя қилади. Ҳотам ҳар доим камбағалларга кўплаб нарсаларни инъом қилар, уларни йиғиб зиёфатлар берар эди. Шундай зиёфатлар давом қилиб турган бир вақтда Хотам Тоий яқин орадаги бир даштга чиқади. У йўл юра-юра бир қучоқ тиканни орқалаб кетаётган мўйсафидни кўриб қолади. Мўйсафид ҳаддан ташқари ҳолдан тойган, юкининг оғирлигидан ҳассага суяниб, ҳар дамда тўхтар, оғир-оғир нафас олар, сўнг яна машаққат билан бир-икки одим ташлар эди. Бу ҳолни кўрган Ҳотамнинг мўйсафидга жуда раҳми келади ва унга “Ей, меҳнатда азобланган заҳматкаш нима учун ўзингга шунчалар азоб берасан? Ҳотам Тойининг бугун зиёфат берганидан хабаринг йўқми? Тиканни ташла, машаққат чекма, сен ҳам Ҳотамнинг уйига бориб, ноз-неъматлардан баҳраманд бўл!”, - дейди. Шунда мўйсафид бош кўтариб унга истеҳзо аралаш кулиб қарайди-да, вазминлик билан жавоб қайтаради: “Сен ҳали меҳнатнинг лаззатини тотмаган экансан, сен ҳам меҳнат қил, ўз қўл кучинг билан кун кечир, Ҳотам Тойининг миннатини тортма. Тер тўкиб топилган бир танга биров берган хазинадан афзалдир”. Мўйсафиднинг жавобидан Ҳотам Тойи изза бўлиб, чолнинг ҳимматини ўзининг ҳамма бойликларидан юқори эканлигига тан беради. Биз ўқувчиларни ана шу ҳикоят орқали меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига Навоий меросининг қанчалик қимматли эканлигини сингдиришимиз лозим.

Улуғ аждодларимиздан бири “Заҳриддин Муҳаммад Бобур” ҳикоясини ўрганиш орқали, ўқувчиларимиз учун буюк бобомизнинг ҳаёти, унинг қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш катта мактаб вазифасини ўтайди. “Бобур ижодини ўрганиш, айниқса, Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин юксак поғонага кўтарилди. Бунда биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг бу аллома шахсияти ва ижодига бўлган юксак муносабати алоҳида аҳамиятга молик: “Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизнинг тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман”, деган сўзлари Ўзбекистонда бу аллома ижодининггина эмас, у билан боғлиқ тарихий бадиий ва адабий манбаларни қидириб топиш, таржима ишларини жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишларининг янгича самарали усулларидан фойдаланишга даъватдир [6]. Бобур ижодида Ватанни қўмсаш, Ватанга муҳаббат туйғулари уфуриб туради.

Хуллас, улуғ аждодларимиз меросини ўқувчиларга ўргатиш уларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилади. Чунки, улар қолдирган маънавий мерос ўзлигини англашда туртки бўлиб, қалбларига эзгулик нурларини сочади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. –Т.: ”Манавият”, 2009. –342 б.
2. Ғаффорова Т., Нуриллаева З. 2-синф. Ўқиш китоби. – Т.: “Ўқитувчи”, 2016. –132 б.
3. Умарова М. ва бошқ. 3-синф. Ўқиш китоби. –Т.: “Ўқитувчи”, 2016. –143 б.

4. Ғаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар. –Т.: “Тафаккур”, 2012. –169 б.
5. Ғанихўжаева Н. “Хамса” ҳикоятлари. –Т.: “Фан”, 1986. –112 б.
6. Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. –Т.: “ШАРҚ”, 2011. –156 б.

## СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ОРГАНИЗАЦИИ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПЕДАГОГОВ

С.Л.Фоменко,
Уральский государственный педагогический университет, д.п.н., профессор (Россия)

*Мақолада замонавий узлуксиз касбий педагогик таълимнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган ҳамда катталарни ўқитишнинг замонавий методлари аниқланган.*

***Калит сўзлар:*** *педагогик таълим, узлуксиз касбий таълим, катталарни ўқитиш методлари.*

*В статье представлено понимание особенностей современного непрерывного профессионального педагогического образования, определены современные методы обучения взрослых.*

***Ключевые слова:*** *педагогическое образование, непрерывное профессиональное образование, методы обучения взрослых.*

*The important organization and technological aspects in the training of managers of educational establishments in a system of unbroken education for the activity in creative development of modern approaches to management of unbroken pedagogical educational system are presented in this article.*

***Key words:*** *unbroken education, pedagogical education, methods, management of quality of preparation of managers of educational establishments in a system of unbroken education.*

Для выполнения новых задач, стоящих перед современным обществом, необходимо образование иного качества, более высокого. Становится очевидным, что прежние формы, методы и средства обучения нуждаются в корректировке и модернизации. Ушел в прошлое миф о достаточности образования полученного в юности, о непродолжительном и краткосрочном периоде обучения в учреждениях образования. Специалист (педагог) сегодня должен обладать стратегическим мышлением, предприимчивостью, широкой эрудицией, высокой культурой. Развитие педагога образовательного учреждения может быть общим и профессиональным, желательно наличие гармоничного сочетания того и другого.

Система педагогического образования России представляет собой: совокупность преемственных профессиональных образовательных программ среднего, высшего и послевузовского педагогического образования; сеть взаимодействующих между собой учебных заведений и организаций среднего, высшего и послевузовского педагогического образования; федерально-региональную систему управления педагогическим образованием.

Эти особенности позволяют считать ее системой непрерывного педагогического образования.

Непрерывность образования есть принцип, на котором должна быть основана вся организация системы образования. Реализация этого принципа становится возможной при создании следующих компонентов образования:

- общее образование (развитие природных задатков и способностей, освоение накопленного обществом социального опыта, основных научных представлений социокультурных правил и норм);
- базовая профессиональная подготовка (освоение личностью профессиональных основ, взглядов и оценок данной области реальности, осознание присущих ей причинно-следственных связей и закономерностей) - обучение, формирующее основы квалификации специалиста, проводится один раз за весь период трудовой деятельности;

- специализированная профессиональная подготовка (овладение методами и инструментарием осуществления избранного специального вида деятельности);

- переподготовка и повышение квалификации (расширение и углубление общеобразовательного и профессионального уровня, овладение более широким диапазоном видов, методов, предметов и средств осуществления профессиональной деятельности);

- адаптация (перевод в "привычные" освоенных новых видов методов и средств осуществления деятельности и служебных ролей);

-подготовка к должностному росту (освоение специфических видов, функций, методов и средств достижения предлагаемой деятельности или уровня претензий).

Суть непрерывного образования состоит в постоянной адаптации, периодическом повышении квалификации и переподготовке кадров в течение всей активной трудовой жизни как в рамках формальной, так и в рамках неформальной системы образования на основе качественной базовой, начальной подготовки. Принцип непрерывности профессионального образования должен обеспечиваться этапностью и преемственностью прохождения каждым специалистом отдельных ступеней образования (от низших, начальных, к высшим) на основе последовательного усвоения знаний, умений, навыков. Для этого процесс обучения целесообразно строить по восходящей линии таким образом, чтобы каждая последующая ступень являлась логическим продолжением предыдущих и представляла собой законченный цикл обучения. Идея непрерывного образования существенно изменяет сложившееся понимание целей и задач, стоящих перед существующей системой образования. Целью образования в первую очередь должно стать развитие способности осваивать разнообразные и все более сложные виды деятельности, что позволит без ущерба для производства и человека преобразовывать профессию и специализацию. Это означает, что образование не просто дает профессиональную подготовку, а формирует умение и способность учиться и совершенствоваться.

Сущностной характеристикой понятия непрерывного образования является его понимание как системы видов деятельности, направленной на формирование, становление и развитие человеческой личности. Таким образом, система непрерывного образования должна состоять из двух частей - базового и дополнительного образования. С базовым образованием в принципе все более или менее ясно: это то, к чему мы привыкли (школы, училища, техникумы, вузы). Проходя эту цепочку, человек получает некий обязательный набор знаний, без которого немыслима полноценная жизнь в современном обществе. Дополнительное образование - это единая система разных учебных заведений и форм организованного самообразования. Именно оно, опираясь на базовое образование, дает человеку возможность получать все новые и новые знания. Основными видами обучения являются: - профессиональная подготовка специалистов, осуществляемая в случае отсутствия у работника профессии, она может осуществляться в виде индивидуальной, групповой, курсовой форм обучения; дополнительная подготовка специалистов, осуществляемая в форме: переподготовки (организуется с целью освоения новых профессий, либо для смены существующей профессии сотрудника); повышение квалификации (обучение, направленное на развитие и совершенствование имеющихся профессиональных знаний и навыков).

Решающую роль в процессе профессионального обучения и развития имеет личная мотивация педагогов в необходимости обучения.

Среди факторов, детерминирующих процесс профессионального и личностного роста преподавателя могут быть:

1) внешние – система требований к профессиональной подготовке преподавателя, появление новых технологий в системе образования, требующих новых знаний и умений; изменения в самой организации, что ведет к необходимости работника осваивать новые виды деятельности;

2) внутренние – это собственные мотивы личности, среди которых могут быть:

желание освоить новый вид деятельности, сохранить или получить более высокую должность, гарантировать стабильный доход, приобрести новые знания, расширить новые контакты, стать независимым и конкурентоспособным на рынке труда.

В этом отношении руководителям образовательных учреждений, организующим процесс профессионального обучения, необходимо помнить основные принципы обучения взрослых: осмысленность, практическая значимость изучаемого материала; связь изучаемого материала с жизнью с практикой и имеющимися знаниями у обучаемых; приоритет самостоятельного обучения и совместной деятельности обучающих и обучающихся; опоры на познавательные потребности обучаемых, их жизненный опыт; ориентация на разноуровневое освоение учебного материала; максимальную интеллектуальную и эмоциональную вовлеченность обучаемых в учебный процесс; неформальную атмосферу учебных занятий; осмысленность, критическое отношение к изучаемому материалу.

Для повышения эффективности обучения взрослых необходимо использовать современные методы обучения**.** К ним относятся:

- интернет-технологии (при реализации дистанционного образования);
- блочно-модульный принцип освоения программы обучения;
- инновационные игровые технологии.

Смена парадигм диктует новые требования к методам и средствам повышения квалификации специалистов. Слушатели системы дополнительного профессионального образования нуждаются не просто в анализе, а в философском осмыслении, рефлексии, уточнении основных подходов к развитию собственной профессиональной деятельности. В то же время существует закономерность: чем выше профессиональный уровень специалиста, тем труднее ему «сесть за парту». По мнению П.И.Третьякова, Т.И.Шамовой и др., взрослый человек «держится» за свои ценности и профессиональные стереотипы до тех пор, пока на деятельностном уровне не осознает необходимости и продуктивности отказа от некоторых из них. Разрушить данные стереотипы, содействовать становлению нового профессионального мышления позволяет использование *личностно-ориентированных форм и методов обучения,* которые делают слушателей системы повышения квалификации активными его участниками, способствуют их переводу из состояния пассивного созерцателя в позицию творца своего образовательного пространства, своей траектории обучения, а в конечном итоге обеспечивают непрерывное профессионально-личностное саморазвитие.

Кафедра высшего педагогического образования УрГПУ ведет подготовку специалистов по нескольким направлениям магистратуры, дополнительную профессиональную программу с присвоением дополнительной квалификации «Преподаватель высшей школы» и комплекс программ повышения квалификации работников образовательной сферы. Опыт работы кафедры высшего педагогического образования, показал, что использование современных методов в образовании взрослых существенно повышает качество образовательного процесса. Использование современных методов и технологий в процессе обучения взрослых обусловлено подготовкой организации к работе в новых условиях. Разработке обучающих программ должен предшествовать прогноз потребности организации в изменениях профессионально-кадрового потенциала. Современное обучение способствует успешной адаптации к изменениям внешней среды, обеспечивает потенциал развития. Наиболее эффективно это реализуется в процессе обучения в контексте *«погружения» всего коллектива в профессиональные проблемы,* использование *интернет-технологий,* представляющих собой комплекс образовательных услуг, осуществляемых посредством специальной информационно-образовательной среды. Из наиболее значимых параметров дистанционного образования с использованием новых информационных технологий следует выделить такие, как: интенсификация образовательного процесса; повышение мобильности подготовки, переподготовки и повышения квалификации; обеспечение эффективности использования

педагогического и иных ресурсов учебных заведений.

Наиболее сложным в процессе реализации *интернет-технологий* является организация работы с обучающимися. Для овладения теоретическим материалом в программах дистанционного обучения слушатель должен самостоятельно ознакомиться с переданными ему материалами, постараться ответить на контроль вопросы и выполнить творческие задания. Проблема возникает на уровне понимания материала, поскольку рядом нет преподавателя, готового оказать помощь. Для обеспечения эффективного общения, диалога с преподавателем кафедры высшего педагогического образования используются следующие методы: подготовка письменных: вопросов и ответов; контакты по телефону, электронной почте; встреча с преподавателем на консультациях и др.

В рамках данного подхода преподаватель-консультант проводит *периодические встречи с группой слушателей (тьюториалы),* на которых происходит обсуждение материала, самостоятельно освоенного учащимися, часто эти встречи проводятся по принципу семинара (подготовка и обсуждение докладов по наиболее актуальным и сложным темам), что дает возможность предоставить большинству слушателей активную роль: либо докладчика, либо оппонента. Проведение тьюториалов дает возможность решить проблему формирования коллектива, команды, способствует процессу интенсификации обмена опытом.

Для реализации дистанционного образования необходима разработка принципиально новых учебно-методических материалов отличающихся от существующих как по содержанию, так и по форме. Использование интернет-технологий позволяет активно и опережающим образом приобретать знания в течение всей творческой жизни человека, обеспечивая компетентное использование теоретических знаний в практической деятельности.

*Блочно-модульное предоставление информации* – это создание различных программ повышения квалификации и профессиональной переподготовки, поскольку образовательный модуль является относительно самостоятельной частью всей программы, охватывающей один из ее разделов (тем) и осваиваемой независимо от других. В этот блок могут включаться несколько тем или модулей программы, объединенных по характеру материала (теоретический, практический, прикладной). Комплекс блоков и *модулей:* формируется в зависимости от целей и задач всего курса обучения: блок общепрофессиональных, специальных целей и заданий, блок дисциплин по выбору, а также стажировка с целью приобретения навыков практической реализации знаний.

Примером может служить программа курсов повышения квалификации педагогических кадров по программе «Инновационная деятельность в образовательном учреждении», которая включает следующие модули:

***Модуль 1. Инновации в образовательном процессе ОУ.***

1.1.Нормативно – правовое обеспечение системы образования.

1.2.Современные инновационные технологии в образовательном процессе ОУ.

1.3. Исследовательская деятельность учащихся: современные подходы и технологии.

1.4.Профилизация школы: подходы и технологии.

1.5. Информационные технологии в образовании.

***Модуль 2. Педагог как субъект инноваций в ОУ.***

2.1. Педагог как организатор инновационной деятельности в ОУ: современные требования, аттестационные технологии, психология инноваций.

2.2. Управление инновационными процессами в ОУ.

2.3. Организация и проведение мониторинговых исследований в ОУ.

2.4. Тренинг профессионально ориентированных риторики, дискуссий и общения.

Мактабгача таълим муассасаси вакилларида бошланғич таълим ўқувчиларига нисбатан дунё қараш бироз фарқ қилади. Шу боисдан улардаги “махорат”ни бошқа бир услублар орқали юзага келтиришга ҳаракат қилиб кўриш лозим. Масалан, уларга янги бир тилни ўргатиш усулларидан бири – расмлар орқали ўқитиш. Бу нафақат ўзининг самарадорлиги билан, балки жуда ҳам тез ўзлаштиришлар кўзга ташланиши билан ҳам фарқ қилади. Бунда мактабгача таълим муассасалари вакилларига турли хилдаги ўргатилиши лозим бўлган предмет, нарса ва хатти-харакатларни тасвирларда акс эттирилган кўргазмали қуроллар орқали ўқитилиб бориш кўзда тутилади. Бунинг асносида боланинг ўнг ости қобилятлари янада ривожланади, дунёқарашлари кенгаяди ва асосийси, у тез ўргана бошлайди. Агар ўқитилиши лозим бўлган болакайларда ҳали нутқ ривожланишида баъзи бир “ортда қолиш”лар кузатилган тақдирда ҳам бу усул самара беради, албатта. Мисол тариқасида биз бирон бир мевани оладиган бўлсак, уни боғча

ёшидаги болаларга ўргатишда, унинг айнан инглизча вариантини тўғридан-тўғри ўргатиш бироз мушкулликни юзага келтиради. Бунинг ўрнига унинг тасвири туширилган олдиндан таёрланган “карточка”лардан фойдаланиш самаралироқ бўлиб ҳисобланади. Бунда унга унинг тасвирини кўрсатиб, уни инглиз тилидаги унга эквалент бўлган сўз, яъни “ан аппле”ни талаффузлар орқали “ǽн ǽпл” тарзида ёд олдириш, унинг тезроқ ўзининг онг остига бу мевани янги бир “ном” остида қабул қилишини кўришимиз мумкин бўлади. Бунда у айнан ўша мевани ранги, тузилиши, ҳажми ҳақидаги маълумотларни ҳам эслаб қолади ва бу унинг кейинчалик айнан шу турдаги мева маҳсулотини бошқа жойда ҳақиқийсини кўрганда уни эндиликда инглиз тилидаги вариантини ҳам айтиб бера оладиган бўлади. Бу усул қолган ўргатиш усулларидан фарқли томони ҳам мана шунда деб ўйлаймиз. Шу билан бирга ўқувчилар қуйидаги фикр-мулоҳазаларни қайноқ қалбига жойлаб олишлари ва уларга доимо амал қилишлари шарт: “Она тилида фикрлашга, тоза гапиришга, нутқингизни ҳар хил ёт унсурлардан сақлашга ҳаракат қилинг. Қаерда ва ким бўлмасин, она тилини камситишларига асло йўл қўйманг. Тил мавсумий либос эмаски, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб алмаштирилса. Онайи зор, Ватан, миллат ҳар бири биттадан. Она тили ҳам битта...Китоб билан абадий дўст тутининг. Орангиздан қил ҳам ўтмасин. Хорижий тилларни қунт билан ўрганинг”(5-43-44). Мухтасар айтганда, биз ДТС талабларидан келиб чикиб, фанлараро интеграциядан ўринли ва самарали фойдаланиб, бошланғич синфларда она тили, тасвирий санъат ва чет тили фанларининг предмети, мақсади, вазифаси ва илмий негизларини теран тушунтиришимиз, бошқа фанлар билан алоқасини мустаҳкамлашимиз, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таълим-тарбия бўйича қабул қилган ҳужжатларининг аҳамиятини очиб беришимиз, шунингдек, бошқа фанларнинг туб мақсадларини тарғиб этишимиз асосий интеграцион бурчимиздир. Натижада, фанлараро йиғилган қаймоқ фикрлар бошланғич синф ўқувчилари тафаккурида нурдай тўпланади ва қуёшдай зиё соча бошлайди. Қалби қайноқ, дили уйғоқ, дунёқараши кенг, жаҳон болаларига чиниқиши тенг баркамол авлодгина ибрат бўлиб, сўз соҳибқирони Навоий каби: “Олам аҳли билингизким, иш эрмас душманлиғ, Ёр ўлинг бир-биринғизгаки, эрур ёрлиғ иш” дея тенглар ичра тенг бўлажак, улар орқали мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ йўли кенг бўлажак.

**Фойдаланан адабиётлар рўйхати:**


1. Зиёмуҳаммадиев Б., Тожиев М. Педагогик технология – Замонавий ўзбек миллий модели. –Т.: Лидер Пресс, 2009, 20 б.

2. Давлат таълим стандарти (*5111700 – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш*). – Тошкент, 2015 йил.

3.Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури// - Т.: Таълим тараққиёти ЎР Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси. 7-махсус сон, 1999.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент, Маънавият, 2008.

5. Ғайбуллоҳ Ас-Салом, Сайди Умр. Толибнома (Сени ўйлайман болам). –Т.: Шарқ, 1996.


## ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ


И.Б.Аминов, Ф.Ш.Номозов, Х.Амриллаев,
Самарқанд давлат университети



*Бугунги кунда таълим самарадорлиги ўқув жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланишнинг сифатий характеристикаларини акс эттирувчи ОТМ фаолиятини стандарт кўрсаткичларини таҳлил этишни такоза этади. Ушбу маколада таълим тизимида ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методик асослари ёритилган, асосий масалалари ва уларни ҳал қилиш даражаси берилган.*

***Калит сўзлар:*** *ахборот технологиялари, ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари, имкониятлари ва самарадорлиги, ўқув жараёнида фойдаланиш учун ахборот технологияларнинг замонавий воситалари.*

*Качества образования на сегодняшний день сводится к анализу стандартных показателей деятельности вуза, отражающих качественные характеристики применение современных технологии в учебном процессе. В статье рассмотрены методические основы применение информационные технологии, в том числе мультимедийных технологии в образовании, выделяются основные задачи, уровни их решение.*

***Ключевые слова:*** *информационные технологии, задачи, эффективности и возможности использование информационные технологии, современные средства информационные технологии для использования в учебном процессе.*

*Qualities of education for today the application of modern technology in educational process is reduced to the analysis of standard parameters of activity of high school reflecting the qualitative characteristic. In clause the methodical bases application information technologies in formation are considered, the basic tasks, levels their decision are allocated.*

**Key words:** *information technologies, task, efficiency and opportunity use information technologies, modern means information technologies for use in educational process.*

Давлат таълим стандарти ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига кўра, ҳар бир бўлажак мутахассис ўз соҳасини мукаммал билиш билан бир қаторда ахборот коммуникация технологияларини етарлича ўзлаштирган ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш малака ва кўникмасига эга бўлиши керак. Демак, ҳозирги кун мутахассиси ахборот коммуникацион технологияларини мукаммал ўзлаштирган бўлиши, давримизнинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун ҳам, давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахборотлаштириш унинг моддий базасини бойитиш, ўқув жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш учун керакли замонавий дастурий воситалар билан таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

«2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича харакатлар стратегияси», Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 24 апрелда қабул қилинган «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ХТВ ҳузурида “Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбилари тўғрисида” ва бошқа эълон қилинган қарорлари бунинг яққол мисолидир. Ахборот коммуникация технологиялари воситаларининг ривожланиши барча соҳаларга, шу жумладан таълим соҳасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Компьютер технологияларидан фойдаланиш таълим жараёнини янги сифатий кўрсаткичларига эришишиш, дарсни ташкил этиш ҳамда бошқариш жараёнини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш имконинниятини яратади [2]. Таълим жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш натижасида таълим тамойиллари, моҳияти, концепциялари, усуллари ва услубияти ўзгаради. Жамиятни ахборотлашуви шароитида бўлажак мутахассисларни ахборот коммуникация технологиялари асосида мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг мавжуд қобилиятини шакллантириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалаларни ечиш учун таълим жараёнини ташкил этишда кўпроқ оммалашган замонавий атамалар технологияси, педагогик технология, ахборот технологияси, компьютер технологияси, мультимедиа, интернет, масофали ўқитиш, амалий дастурлар мажмуаси ва ҳоказоларни ишлатишга ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда [1]. Бу эса ахборот коммуникация технологияларидан таълим тизимида фойдаланишда натижаси тушунарлироқ, аниқроқ ва самаралироқ бўлиш имконини беради.

Бугунги кунда таълим жараёнида ахборот ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ўқитишнинг кўплаб замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Айниқса, MS Office дастурлари, мультимедиа технологиялари, масофадан ўқитиш тизими, интернет технологиялари, интеграллашган математик пакет (Maple, Matchad, Matlab)лар каби

ахборот коммуникацион технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб таълим жараёнини ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда [3].

MS Office дастурлари дарсларни ташкил этишда кўргазмали қуролларни яратиш, жадвалли маълумотлар билан ишлаш, материалларни намойиш кўрини-шида бериш, маълумотлар базасини яратиш имконини беради. MS Office дастурлари ичида таълим жараёни учун Excel дастурининг имкониятлари ўзига хоя аҳамиятга эга. Оддий арифметик амалларни бажариш, ифодалар ва функциялар қийматларини ҳисоблаш, функциялар графигини чизиш, тенглама ва тенгламалар системасини ечиш ва ҳоказолар бўйича билим ва малакаларни шакллантиришда Excel дастуридан фойдаланиш дарс жараёнини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш, талабаларни ўқув материалларини мукаммал ўзлаштириши ва эгаллашига, уларнинг мазмуни ва моҳиятини узоқ вақт эсда сақлаб қолишига, билим ва кўникмаларнини мустаҳкамлашига имкон беради.

Microsoft Power Point орқали тақдимот – бу экранда киритиладиган ва тарқатма материали бўла оладиган маърузалар режаси, матни, назарий ва амалий материаллар слайдлар ёрдамида тайёрланиб, уларни юпқа пленкаларда, оддий қоғозларда ва слайдларда ёки тўғридан-тўғри компьютер экранида намойиш қилиш мумкин. Дарс ўтиш жараёнида слайдларда ахборотларни исталган шаклда ва кўринишдаги матн, графика, жадвал ва диаграммалар шаклида ташкил этиш ва намойиш қилиш мумкин. Бугунги кунда намойиш слайдларини яратишда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш ўзининг ҳар томонлама ижобий самарасини бермоқда. Ана шулардан бири мультимедиа технологиясидир.

Мультимедиа – бу аниқ бир маҳсулот сифатида мужассамлашган график, аудио-мусиқа, видео-расмлар, ахборотлар, анимациялардан иборат бўлиб, унда фойдаланувчи учун тескари мулоқотнинг ҳам имконияти мавжуддир.

Мультимедиа воситаларидан таълим соҳасида фойдаланиш ва улар ёрдамида талабаларни ўқитиш, мультимедиа технологияларини таълим соҳасининг турли хил педагогик фаолиятларида қўлланилишининг асосий жиҳатларини ажратиб беради [4], яъни катта аудиторияларда маърузалар ўқиш жараёнида уни кўргазмали ва тушунарли тарзда баён қилиш учун тартибли равишда мультимедиали намойиш ва слайдларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Маърузачининг нутқи орқали бир вақтнинг ўзида намойишлар катта экранда мультимедия проектори ёрдамида кўрсатилади. Намойишлар ўз навбатида матнлар, товушлар, чизмалар, ҳаракатлар, тасвирлар ва бошқа анимацион элементлар орқали тўлдирилган бўлиши лозим. Мультимедиа технологиялари таълим жараёнини кўргазмали қуроллар ва воситалар билан таъминлаш муаммосини маълум бир даражада ҳал қилиши мумкин.

Таълим жараёнини мультимедиа технологиялари асосида ташкил этишда видео-маърузалар, анимацион моделлар, компьютерли лаборатория амалиётларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради, чунки мультимедиа технологиялари асосида ўқитишнинг асосий ўқув-услубий ва дастурий таъминоти - гиперматн, видео ва аудио-иловалар, анимациялар, катта сондаги намойиш материалларидан иборат бўлган мультимедиали ўқув қўлланмалари ҳисобланади [2]. Шунинг учун уларни яратишда таълим жараёнини ташкил этишнинг психологик ва педагогик тамойилларига асосланиш керак бўлади. Таълим тизимида талаб даражасида яратилган мультимедиали ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш натижасида ўқув жараёни такомиллашади ва унинг самарадорлик даражаси анча юқорига кўтарилади. Чунки унда юқори малакали ўқитувчи ва мутахассисларнинг маъруза ва амалиёт машғулотларининг энг яхши назарий ва амалий ўқув материалларидан фойдаланилади.

Шу билан бирга мультимедиали ўқув қўлланмалари ўқув материалларини яхши ўзлаштириш ва эгаллаш, улар мазмунини узоқ вақт эсда сақлаб қолиш, билимларни мустаҳкамлаш имконини беради ҳамда талабаларнинг ўқишга ва илмий изланишларга қизикишларини янада оширади, мустақил фикрлаш ва олган билимларини амалиётга

татбиқ этиш билим ва малакаларини янада шакллантиради.

Ўқув жараёнида ахборот технологиялари асосида масофадан ўқитиш тизимини ташкил этиш анъанавий ўқитиш тизими билан уйғунлашган ҳолда амалга ошириш кўп жиҳатдан яратилаётган ва қўлланилаётган педагогик дастурий воситалар - ўқув дастур, электрон ўқув қўлланма, автоматлаштирилган ўқитиш курслари ва ҳоказоларнинг мақсади, таркибий қисми, мазмуни ва ўқитиш сифатига боғлиқ бўлади [4]. Бунинг учун эса масофадан ўқитиш тизимида интерфаол интернет технологиялар: чат, муаммоли мунозара, телеконференция, ўқитувчи ва ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун турли хил дастурий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ақлий кўникмалари ва саводхонлигини оширишда бутунжаҳон интернет технологиясидан керакли маълумотларни танлаш ва улардан мақсадли равишда фойдаланиш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланиб, ундан ўрганилаётган мавзуга тегишли маълумотларни излаб топиш, масофадан ўқиш, ўрганган билимларини назорат қилиш ҳамда ижодий ишларини бажариш ва шу асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш учун кенг кўламда фойдаланилади.

Умуман, ўқув жараёнида ахборот ва дастурий воситалари билан бевосита мулоқот қилишда ўқувчилар ахборот технологиялари воситаларини турли хил соҳаларга тегишли масалаларни ечиш воситаси эканлигини кўради, англаб етади ва келгусида ўзининг амалий фаолиятида ундан фойдаланиш имконига эга бўладилар, шу билан бирга ўқувчиларда замонавий дастурий воситалардан фойдаланишга бўлган қизиқиши анча сезиларли даражада ижобий ўзгаради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Зайцева Л. А. Использование информационных компьютерных технологий в учебном процессе и проблемы его методического обеспечения. // Интернет-журнал "Эйдос". - 2006.
2. Соболев В.С., Степанов С.А. Концепция, модель и критерии эффективности внутривузовской системы управления качеством высшего профессионального образования // Университетское управление: практика и анализ. 2004. N 2(30). С. 102-110.
3. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования / Под ред. Е.С.Полат. – М.: Академия, 1999.
4. С.Н. Добрыдин. Некоторые аспекты использования новых информа-ционных технологий в обучении // Материалы всероссийской конференции «Наука и образование». Москва, 2002.


## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ МАЗМУНАН МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ


О.А.Қўйсинов,
Тошкент давлат педагогика университети, п.ф.н., доцент
Л.Э.Бобомуродова,
Самарқанд давлат университети



*Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида технология фанининг мазмун моҳияти ва хозирги кундаги муаммолари ҳамда истиқболлари вазифалар хақида фикр юритилган.*



***Калит сўзлар:*** *техникавий кўникмалар, технология ва дизайн, сервис хизмати, мазмунан интеграциялаш, касбга йўналтириш, технологик ёндашув.*



*В стати рассматривается проблема предмета технологии и перспективные решение в среднее образовательных учреждениях.*



***Ключевие слова:*** *технические навики, технология и дизайн, содержание основних направлений сервисних услуг, интеграция контента, технологический подход.*

*The article deals with the problem of the subject of labor, its perspective solution in secondary educational institutions.*
***Key words:*** *vocational education, technical skills, technology and design, content of the main lines of service and agriculture, integration of content, technological approach.*

Мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар таълим тизимини, жумладан, умумий ўрта таълим мазмунини давр нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари такомиллаштирилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда.

Бу борада ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим давлат стандарти технология фанидан техник объект ва технологик жараёнларнинг мазмунини, таълим олувчилар компетентлигининг зарур ва етарли даражасини, ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Технология фани бошқа ўқув фанларидан ўзининг қатор хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади:

- фанни ўқитишда амалий мазмун, эстетик тарбия ҳамда касб танлашга йўллаш жараёнининг устуворлиги;
- ишлаб чиқариш билан бевосита узвий ва чамбарчас боғлиқлиги;
- иқтисодий тежамкорлик;
- интегратив фан эканлиги, яъни уни ўқитишда ўндан зиёд ўқув фанлари билан алоқадорлиги ҳамда бир неча мустақил фанларни қамраб олганлиги;
- ўқитишда ўғил ва қиз болалар меҳнатининг ўзига хослиги;
- умумий ўрта таълим мактабларининг моддий техник жиҳатдан етарли даражада таъминганлик даражасига боғлиқлиги;
- технология фанидан касб-ҳунарга йўналтиришда ўқитувчилар касбий маҳоратининг шаклланиши билим, кўникма ва малакаларининг ўзига хослиги;
- ўқувчиларни илк мактаб ёшиданоқ касблар олами билан таништириш ҳамда йўналтириш ишлари амалга оширилиши;
- касб танлашга йўллаш ишлари технология дарсларида 1-9-синфларида узвий ва изчил равишда олиб борилиши ҳамда 10-11 синфларда алоҳида тарзда ўқитилиши;
- миллий қадриятлар асосида халқ ҳунармандчилиги бўйича буюм тайёрлаш технологияларининг жорий қилинганлиги;
- технология фани ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичи ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ҳамда ўқув марказларида ўқишни самарали тарзда давом эттиришларига замин яратади.

Умумий ўрта таълимда технология фанидан 1-9-синфларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва аграр соҳаларга оид касб-ҳунарлар билан танишадилар, фаолиятини ўрганиш билан бирга, уларнинг иш усулларини ўрганадилар. Бунда ўқувчилар металл, ёғоч, металмас ва газлама буюмларига ишлов бериш усулларини (чизма чизиш, лойиҳалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, қирқиш, бириктириш, елимлаш, пардозлаш, дизайнерлик, бичиш-тикиш, тўқиш ва бошқалар) бажариш бўйича умуммеҳнат билим, кўникма, малакалари ва компетентцияларини ривожлантиради. 10-11 синфларда танлаган соҳаларига мос равишда касб фаолияти билан шуғулланиш бўйича амалий машғулотлар тарзда ташкил этилади.

Ҳозирги кунда дунё бўйича ривожланаётган давлатлар аграр ишлаб чиқаришдан саноат ишлаб чиқаришга, яъни янги техника ва илғор технологияларга асосланган электротехника, электроника, робототехника, автоматлаштирилган саноат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор беришмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутахассисларнинг техник салоҳияти муҳим ўрин тутади. Ишлаб

чиқариш соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларнинг бошланғич техник кўникмалари айнан умумий ўрта таълим мактабларининг технология дарсларида шакллантирилади.

Технология дарслари V-IX синфларда хозирда иккита "Технология ва дизайн", "Сервис хизмати" йўналишлари бўйича ташкил этилади.

Ушбу ҳар бир технология фани йўналишларида материалшунослик, ишлов бериш асбоб ускуналари ва жиҳозлари, машина ва механизмлари, буюм тайёрлаш технологиялари, халқ ҳунармандчилиги технологияси, ишлаб чиқариш асослари, рўзғоршунослик асослари, электротехника асослари, касб танлашга йўналтириш билан якунланади.

2.1. **Технология ва дизайн йўналиши**. Бу йўналиш бўйича ташкил қилинган таълим жараёнида ўқувчилар турли материаллар (ёғоч, металл, пластмасса ва бошқалар)нинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларга эга бўладилар: уларни режалаш, арралаш, тешиш, йўниш, пардозлаш ишлари ва уларда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машинашунослик элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, электроника, автоматлаштириш, технологик хариталар, уларни тузиш, электротехника ишлари, уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш, меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария-гигиена талаблари тўғрисида назарий билимларга эга бўладилар.

Металл ва металлмас буюмлар билаш ишлашни ўрганиш жараёнида ўқувчилар турли асбоблар билан ишлаш, амалий кўникмаларни, технологик хариталар билан ишлаш, рўзғорбоп ва харидоргир буюмларни ишлаб чиқаришни ўрганиш бўйича асосий тушунча, техникавий андозалар (шаблонлар) ҳамда бошқа турдаги кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

2.2. **Сервис хизмати йўналиши**. Ушбу йўналиш бўйича қуйидагиларга эга бўлиш талаб этилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш ошпазчилик ва қандолатчилик асослари; озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги роли, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари, овқатланиш меъёрлари ва тартиби; таомлар турлари, миллий таомлар, ошхоналарнинг жиҳозланиши, озиқ-овқат саноати, санитария-гигиена талаблари ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидалари;
- тикувчилик асослари, газламаларга ишлов бериш, кийимлар турлари ва аҳамияти, бичиш-тикиш, тўқиш, буюмларни таъмирлаш, дизайнерлик ишлари, тикув машиналари, йигирув-тикув машиналарининг турлари, умумий тузилиши ва ишлаши;
- уй-рўзғор юритиш асослари, уй-рўзғор жиҳозлари каби қисмлардан иборат бўлиб, қуйидаги назарий билимларни ўргатишни назарда тутади: озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида кенг таркалган касблар, уларнинг тавсифлари, оила жамғармаси ҳамда уларни сарфлаш, қизлар болалар гигиенаси. Ўқувчилар қуйидаги кўникма ва малакаларни эгаллайдилар: озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш; турли уй-рўзғор асбобларини ишлатиш; турли таомлар тайёрлаш; замонавий маиший уй-рўзғор техника воситаларини ишлатиш; кийимларни бичиш, тикиш, тузатиш, таъмирлаш.
- қишки мавсумга тузламалар тайёрлаш. Интернер дизайни. Уй-рўзғор асбобларини (лампочка, розетка) тузатиш ишлари. Иссиқлик, электр, сув таъминоти ва оқава сув қувурлари системасидан тўғри фойдаланиш қоидалари. Замонавий кран, вентил ва сув оқизиш [2,47-б].

**Халқ ҳунармандчилиги асослари:** ўқувчиларга йўналишлар бўйича халқ ҳунармандчилиги технологиялари; ҳунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истиқболлари; ҳунармандчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; халқ ҳунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан

уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари; замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

**Электротехника ишлари:** ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш изоляциялаш ишлари; электр асбоблари; маиший электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф-муҳит ва инсон соғлигига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усуллари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрнини ташкил қилиш; кавшарлашда симлар, кавшар, флюслар турлари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш асбоблари ҳамда иш усуллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усуллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлаш; электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, асбобларни электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш ҳамда шу соҳага оид касб-ҳунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

**Электроника асослари:** электроника элементлари. Резистор ва конденсаторларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принципи. Резистор ва конденсаторларни кетма кет, параллел ва аралаш улаш. АВО метр ёрдамида умумий сиғим ва қаршиликни ўлчаш. Ярим ўтказгичли қурилмалар (диод, транзистор, тиристор, фотодиод, светодиод).

- ярим ўтказгичли диод ва унинг қўлланилиши. Ярим ўтказгичли диод билан танишиш. Ўзгарувчан ток тўғрилагичини тайёрлаш. Ҳаракатланувчи қурилмалар тайёрлаш. Автоматиканинг асосий тушунча ва атамалари. Автоматик қурилмалар (автоматик назорат, автоматик бошқариш, автоматик ростлаш). Автоматик қурилмаларнинг асосий элементлари. Содда автоматик қурилмаларни тайёрлашни ўрганиш (биметалл датчик).

**Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш бўлими:** ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ҳамда кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишда иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-ҳунар турлари; юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерьери ва жиҳозланиш дизайни; шаҳар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти тизими ҳамда ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хонадонларни таъмирлаш ишларининг асосий турлари; таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-ҳунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

**Ишлаб чиқариш асослари**: ўқувчилар мамалакатимиздаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишга оид технологик ҳужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиялари; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

**Касб-ҳунарга йўналтириш асослари.** Касбларни танлаш мақсади, шарт-шароитлари, касблар таснифлагичи. Касб танлаш формуласи, касбий тавсифнома. Касблар туркумлари, типлари ва бўлимлари хақида маълумот. Касбий маҳорат асослари. Касб-ҳунарга йўналтиришда қизиқиш, мойиллик, қобилият, касбий яроқлиликнинг аҳамияти билан босқичма-босқич таништириб бориш.

Ўқувчиларнинг ҳудудий, географик, маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаўзлари қизиққан соҳалар йўналишини ихтиёрий танлашларига ёрдамлашиш. Келгуси касбий ҳаёт йўлини онгли танлай олиш кўникмаларини шакллантириш.

Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини ўқитишни ташкил қилишда замонавий талаблардан келиб чиқиб, таълим стандартини ишлаб чиқиш, ўқув режа ва дастурларини, зарур дарсликларни яратиш, тарқатма ва кўргазмали материаллар тузиш, технологиянинг илмий-услубий асосини яратиш жараёни, аввало, ягона тизимга ва тартибга солиниши, бошқарилиши ҳамда энг муҳими, ўқув-тарбия тизимини мазмунан ва шаклан такомиллаштирилиши шу соҳада кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ишларини жадаллаштириши илмий-методик таъминотнинг асосини ташкил этади. Илмий-методик таъминот мактаб услубий кенгашлари, туман, вилоят халқ таълими бўлимлари, тегишли вазирликлардаги илмий-услубий кенгашлар фаолиятлари, илмий-тадқиқот институтларидаги, олий таълим муассасалари кафедраларида олиб борилаётган мазкур йўналишлардаги илмий изланишлар, тадқиқот-тажриба ишлари билан уйғунлаштирилиши ва мувофиқлаштирилиши лозим [1, 217-б].

Технология фанини амалга оширишнинг ўзига хос асосий шартларидан бири – унинг барча бўғинларидаги ўқув жараёнини моддий-техникавий, услубий-дидактик жиҳатдан ҳозирги замон талаблари асосида мажмуавий таъминланишидадир.

Технология фанининг моддий-техник таъминоти; дастгоҳлар, махсус бинолар, йўриқномалар, ҳуқуқий ва маъмурий ҳужжатлар мажмуалари, технологик ва хавфсизлик хариталари, турли материаллар, асбоб-ускуналар, мосламалар, энергия манбалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу таъминотни амалга оширишда давлат ташкилотлари, хусусий, кичик, қўшма корхоналар ва меҳнат жамоалари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик ёрдами жалб қилинса мақсадга мувофиқдир. Технология фанининг истиқбол тараққиёти янги педагогик технологиялар ва дидактик асосларини яратилиши ҳамда бевосита узлуксиз таълим амалиётига қўлланиши билан белгиланади.

Янги дидактик (ўқиш ва ўқитиш) тизимлари меҳнат таълимида қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- таълим-тарбиядаги педагогик технологиялар, қўлланиладиган меҳнат воситалари, қуроллари, қурилма ва мосламалар, ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини қўллаш;
- хорижий ривожланган давлатларда қўлланилаётган инновацион педагогик ва ахборот технологиялари тажрибаларидан республикамиз хусусиятига мос келадиганларини такомиллаштириб, қайта ишлаб, таълим жараёнида қўллаш;
- давлат ва хусусий таълим муассасаларидаги умумий ва касб-ҳунар таълими тизимларидан намуналар танлаб олинади, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини белгилашда тест, рейтинг каби баҳолаш усулларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топишига, жамиятда ишлаб чиқариш жараёнида автоматика, электроника, робототехника соҳаларининг ривожланишига, замонавий мутахассислар гуруҳи шаклланишига замин яратади.

Технология фанидаги янги мазмун ва модернизациялашни амалга оширишида, турли ўқув-тарбиявий, ишлаб чиқариш тадбирларини амалга оширилишида вазирлик, мактаб, оила, жамоатчилик хусусий ва давлат тасарруфидаги муассасалар, фирмалар, концернлар, бирлашмалар фаол иштирок этадилар.

Технология фанида инновацион дидактик тизимлар ўқитилаётган фанларнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини дастурли таълим асосида янгиланиши амалга оширилади. Технология дарсларини модернизациялашган мазмун асосида илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини самарарли қўллаш орқали ташкил этиш ўқувчиларнинг умуммеҳнат билим, кўникма ва малакалрини шакллантиришга, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2014.-456 б.

2. Ў.О.Тоҳиров. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Тошкент: РТМ, 2017. - 72 б.

## ОММАВИЙ ОНЛАЙН ОЧИҚ КУРСЛАР ИНТЕРНЕТ ТАЪЛИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

Р.М.Юсупов,
Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ, т.ф.н., доцент,
Б.Н.Қодиров,
Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Ушбу ишда Интернет таълимининг замонавий шакли сифатида очиқ университетларни ривожлантириш ва қўллаш масалалари қаралган. Бу ресурсларнинг Интернет тармоғидаги имкониятлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *Интернет, таълим, очиқ таълим, интернет-ресурслар, онлайн.*

*В данной работе рассматриваются вопросы развития и применения открытых университетов каксовременной формы интернет образования. Даны возможности этих ресурсов в сети Интернета.*

***Ключевые слова:*** *Интернет, образование, открытое обучение, интернет ресурсы, онлайн.*

*This paper examines the development and application of open universities as am odern form of Internet education. The possibilities of these Internet resources are described.*

***Key words:*** *Internet, education, open learning, internet resources, online.*

Бугунги кунда жаҳонда миллионлаб ва ҳатто миллиардлаб кишилар Интернет тизимида сақланаётган глобал ахборотларни олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, рақамли қурилмалар (симсиз алоқа) сонининг ўсишига, ахборотни узатиш тезлигининг ошишига,Wi-Fi-бирлаштирувчиларнинг сонининг ўсишига олиб келмоқда. Cisco компанияси маълумотларига кўра 2011 йилда хусусий интернет фойдаланувчилар сони 1,7 миллиардни ташкил этган ва 2016 йилга келиб уларнинг сони 2,3 миллиардга етади. [1]. Ҳозирги кунда эса дунёда 3 миллиардга яқин кишилар Интернет хизматидан фойдаланмоқда. Айниқса, ёш авлод ўз ҳаётининг катта қисмини Интернет тармоқларида ўтказмоқда. Интернетнинг энг замонавий ва истиқболли йўналиши - бу таълим соҳаси ҳисобланади. Бутун жаҳон талаба ёшлари учун интернетнинг афзалликларидан бири - бу исталган вақтда ва исталган миқдорда янгилаш ва ўзгартириш мумкин бўлган ахборотдан тез ва осон фойдаланиш ҳисобланади. Бунинг натижасида ўқитиш жараёни ва ўқув материалини тушуниш сифати кескин яхшиланади. Таълимда Интернет тармоғининг бошқа бир афзаллиги эса онлайн режимида масофавий ўқитишни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Масофавий ўқитиш дунёнинг исталган бурчагидаги кишилар учун турли хил предметлар бўйича билим олишда қулай ҳисобланади. Таълим олиш имкониятини кенгайтириш, бутун ҳаёт давомида ўқиш жараёнида эгилувчан ва индивидуал таълим хизматларини тақдим этиш учун бугунги кунда оммавий онлайн очиқ курслар хизмат қилмоқда. Бу очиқ курслар машғулот вақтини ва ўқитиш жараёнини ташкил этишда бир қанча эркинларни тақдим этиб, анъанавий курслар билан бир қатор умумий ўхшашликларга эга. Очиқ университетларда тингловчи ўқув материалини ўрганиш вақтини ўзи танлайди, маърузани конспект қилиш ёки қилмасликни, қўшимча топшириқларни бажариш ёки бажармасликни ўзи ҳал этади.

Бугунги кунда деярли ҳар бир таълим муассасаси Интернет тармоғида ўз тингловчисига эга, ўзининг таълим хизматларини тақдим этиши учун интернет маркетингидан фойдаланмоқда, электрон маълумотлар базаси, виртуал кутубхона ва бошқа шу кабиларни яратмоқда. Жаҳондаги таълим муассасалари ўзларининг онлайн курсларини Интернетга жойлаштириб катта интернет майдонини пайдо қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ўқитиш воситаларининг кенгайиши ва уларнинг кўринишининг ўзгаришига олиб келди.

Сўнги йилларда бутун жаҳонда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам масофавий таълимга катта эътибор қаратилмоқда. 2010 йилдан бошлаб жаҳон таълим маконида яна бир ўқитиш шакли яъни, бир вақтнинг ўзида минглаб талабаларни ўқитиш имконини берувчи оммавий онлайн очиқ курслар пайдо бўлди. COURSERA, EdX, MIT OpeenCourse Ware (MIT OCW) лар ана шундай ўқув курсларидан бўлиб ҳисобланади [2].

Биринчи очиқ университет ўтган асрнинг охирида пайдо бўлган. Бундай таълим муассасасининг ёрқин мисоли бўлиб, кейинчалик таълим ҳақида ҳужжат олиш имконияти билан алоҳида курслар бўйича эркин ўқитишни таклиф этувчи Буюк Британия очиқ университети ўқув курслари (OU UK) ҳисобланади. OU UK бошқа очиқ университетлар каби кўпгина материалларни мустақил режимда бепул ўрганишни тақдим этади, сертификат олиш учун эса тўлов зарур. Очиқ университетлар билан биргаликда очиқ таълим ресурслари концепцияси ҳам фаол ривожланмоқда. Таълим муассасалари ўз фанлари бўйича ўқув материалларини Интернетда очиқ ҳолда эълон қилмоқда. Бу ерда асосан маъруза матнларини, видео ва аудиомаърузаларни топиш мумкин. Жаҳонда бундай ресурсларнинг энг кенг тарқалгани ва оммабопи Массачусетс технология университети (MIT)нинг очиқ ресурслари портали ҳисобланади.

2012 йилдан бошлаб эса бутун жаҳондаги машҳур таълим муассасаларининг материаллари тақдим этиладиган EdEX лойиҳа жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Рус тилидаги бепул масофавий таълимни «ИНТУИТ» очиқ университетдан олиш мумкин. Унинг биринчи версияси 2003 йилда яратилган. Бу таълимий лойиҳанинг асосий мақсади билимларни эркин тарқатиш ва масофавий таълим хизматини тақдим этишдан иборат. Бугунги кунда «ИНТУИТ» тўловсиз (бепул) ўқув курслари орқали олий ва иккинчи олий таълим дастурларини, малака ошириш имкониятларини тақдим этади. Лойиҳа сайтида эса информатика, математика, физика, иқтисод, менежмент ва замонавий билимларнинг бошқа соҳалари бўйича бир неча юзлаб ўқув курслари очиқ ва бепул жойлаштирилган. «ИНТУИТ»да ўқитишни мобил иловалар ёрдамида ҳам олиб бориш мумкин. Шунингдек, экстернат ҳолда имтиҳонлар топшириш имконияти мавжуд. «ИНТУИТ» Россия ва МДҲ мамлакатларида энг оммавий очиқ таълим ресурсларидан бири ҳисобланади.

Очиқ университетга информатика бўйича дастурларни кенгайтириш натижаси сифатида Стэнфорд университетида яратилган Udacity хусусий таълимий ташкилотни киритиш мумкин. Масофавий курслар қулай ва Интернетда бепул, унда ҳар қандай хоҳловчи ўқиши мумкин. Курс инглиз тилида видео маъруза кўринишида ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда онлайн соҳада Стэнфорд университети ўқитувчилари томонидан асосланган Coursera – лойиҳаси фаол ривожланмоқда. Coursera доирасида тўлақонли ўқув курслари мажмуаси кўринишида Интернетда қуйидаги таълимий материаллар эълон қилинади: видео маърузалар, маърузаларнинг матнли конспектлари, тестлар, уй топшириқлари, шунингдек якуний имтиҳонлар учун топшириқлар. Courseraдаги курслар уларнинг университетдаги аналогига кўп жиҳатдан мос келади. Курс бўйича ўқув материалини ўрганиш вақти чегараланган, таклиф этилган топшириқ белгиланган вақт мобайнида бажарилиши зарур. Курс якуни бўйича оралиқ топшириқлар ва якуний имтиҳон муваффақиятли топширилгандан сўнг тингловчига курсни якунлаганлиги ҳақидаги сертификат юборилади.

Courseraда кўпчилик ўқув курсларнинг бошланиш ва тугаш вақти аниқ кўрсатилган, баъзи фанлар эса мустақил ўқиш режимида тақдим этилган бўлиб, уларга исталган вақтда кириш мумкин. БуCourseraнинг сессиясиз тақдим этиладиган масалан, Khan Academy ресурсларидан фарқли жиҳати ҳисобланади. Курс 8 ой мобайнида ўқитилади. Сессиядан сессияга материаллар такомиллаштирилади, янги топшириқлар қўшилади, хатоликлар тузатилади. Билим олишнинг стандарт жараёни эса қуйидагича: ҳафталик маърузаларни кўриб чиқиш, масалалар ечиш ва уйга берилган топшириқларни бажариш. Маъруза материалига қуйидагилар киритилган бўлиши мумкин: тест топшириқлари, уйга берилган топшириқларни бажаришга яхши тайёргарлик кўришга имкон берувчи турли хил машқлар. Тингловчи ўзини қизиқтирган материаллар бўйича савол бериши мумкин бўлган

видеоконференция режимида ташкил этилиши мумкин бўлган ўқитувчи билан алоқа муҳим рол ўйнайди.Тингловчи ҳар бир ҳафтанинг якунида уй топшириқларини бажариши керак. Одатда якуний баҳо уй топшириқларини баҳолаш ва курс охирида ўтказиладиган якуний имтиҳон натижалари асосида шакллантирилади. Жорий ёки тез кунда бошланадиган янги курс номи ва бошқа фойдали маълумотлар эса https://www.class-central.com. сайтига жойлаштирилган бўлади. Coursera лойиҳаси ғояси эса турли хил дастурлаш тилларини ўрганиш бўйича имкониятларни тақдим этувчи Hexlet курсда ривожлантирилган. Шуни қайд этиш керакки, МДҲ давлатларида очиқ университет концепцияси етарлича қўллаб қувватланмаган. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: бугунги кунда иш берувчи компаниялар, ташкилотлар, муассасалар ва фирмалар ёш мутахассисни ишга қабул қилишда асосан улардан давлат намунасидаги дипломни талаб этади. Бунда унинг дипломни қачон олганлиги ёки олий таълим муассасасини қачон битиргани муҳим эмас. Ҳатто бўш иш ўринларига бериладиган танловлар бўйича эълонларда ҳам талабгорнинг охирги вақтда қандай ўқув курсини ўтган бўлиши талаб этилмайди. Бу эса мазкур ҳудудларда оммавий онлайн очиқ ўқув курсларини ташкил этиш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ғарбда эса иш берувчилар ишга қабул қилинаётган мутахассиснинг қачон ва қандай тематика бўйича малака оширганига катта эътибор қаратади ва шу орқали улар очиқ таълимни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Турли хил бўш иш ўринларига давогарлар мустақил равишда ўз тематикалари бўйича онлайн очиқ курсларни ўтайди. Бу соҳага давлатнинг умумий муносабати ва уни қўллаб қувватлаш даражасини очиқ манбалар ва курсларнинг нафақат ривожига, балки унинг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳондаги кўпгина очиқ таълимни ташкил этишга оид лойиҳалар давлат ёки таълимни ривожлантириш фондлари томонидан молиялаштирилмоқда. Бу эса эълон қилинган материаллар сифатининг юқори даражасини таъминлашни кафолатлайди. Шуни таъкилаш мумкинки, очиқ таълим концепциясини ривожлантириш ҳамда очиқ таълим манбалари ва дастурларининг сифати жамиятга ва иш берувчига бевосита боғлиқ. Бунинг учун эса жамиятнинг маданий ривожининг шундай босқичига ўтиш керакки, бунда ҳар жамият аъзоси ўз билимини янгилаб ва бойитиб бориши нафақат мода, балки табиий ҳолга айланиши керак. Мана шу вақтдагина очиқ таълим фаол ривожланади ва унинг сифати кафолатланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**:

1. Cisco: в ближайшие четыре года нас ждет четырехкратный рост объема интернет-трафика.
2. URL: http://www.cisco.com/web/RU/news/releases/txt/2012/060112a.html
3. Allen E., Seaman J. Changing Course: Ten Years of Tracking Online Education in the United States. Babson Survey Research Group, LLC, 2013. P. 4. (43 p.)

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Б.С.Жамилова,
Бухоро давлат университети, ф.ф.н., доцент,
Г.М.Раҳматова,
Бухоро давлат университети, талаба

*Ушбу мақолада мактабгача таълим тизимини инновацион ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритилган. Бунда мактабгача тарбия муассалари тарбиячи-педагогларнинг машғулотларни олиб боришда техник воситалар ва замонавий технологиядан тўғри фойдаланиш, болаларнинг қобилиятини аниқлашга доир интерактив*

*методлар аҳамияти асослаб берилган.*

***Калит сўзлар**: инновация, таълим тизими, техник восита, ислоҳот, интеллектуал, аудио китоб*

*В статье рассматриваются вопросы об инновационном улучшении системы дошкольного образования. Также, показана роль интерактивных методов в замечании новых талантов у детей, правильное использование технических средств и современных технологий педагогами дошкольных образовательных учреждений в процессе занятий.*

***Ключевые слова:** инновация, система образования, техническое средство, реформа, интеллектуальный, аудио книга.*

*Thoughts about essential problems of innovational development of educational system in kindergartens are considered in the article. Additionally, one can find out the role of interactive methods in finding new talented kids, the right using of technical resources and modern technologies during studies by educational specialists of kindergartens.*

***Key words.**Innovation, education system, technical resource, reforms, intellectual, audio books.*

Жамият тараққиётидаги ислоҳотлар замонавий технологияга бўлган талабниошириб бормоқда. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида моддий-техник базани яхшилашга эътибор қаратилаётгани ҳам шундан. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларининг тубдан ислоҳ қилинишида бу жараёндаги камчиликлар асосий омиллардан бири саналмоқда.Бинобарин, 2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиш ва қарорларда МТМнинг моддий-техника базасинимустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнида замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига диққат қаратилган [1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани, жумладан, “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” борасида: “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш” ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган [2].

Дарҳақиқат, бола олти-етти ёшга тўлгунга қадар мактабгача тарбия муассасаларида ёки оилада тарбияланади. Ҳар қандай юрт ўз келажагини болалар ва ёшларнинг бугунги тарбиясига қараб белгилайди. Бироқ, фармонда таъкидланганидек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди. Ҳақиқатан, мактабгача таълим муассасаларида боланинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган мақсад, уларда замонавий техник воситалардан фойдаланиш, тарбиячи-педагогларнинг ўзлари ҳам бу борада етарли малакага эга эмаслиги долзарб муаммо ҳисобланади. Бинобарин, узлуксиз таълимни инновацион ривожлантиришда замонавий ёндашув энг аввало мактабгача таълим тизимида ўз аксини топмоғи зарур.

Ёш авлоднинг техник воситаларга бўлган қизиқиши ва ундан фойдаланиши дунё миқиёсида ўсиб бораётир. Шу сабабли, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнизамонавий техникаданчеклаш орқали эмас, улардан тўғри фойдаланишига эришиш муаммонинг ечимини белгилайди. Бунда педагог-тарбиячилар билан бир қаторда ота-оналарнинг ҳам мақсадли муносабатлари муҳим омилдир.Айтайлик, ҳозирда уяли алоқа воситалари, мобиль телефонларсиз ҳаётини тасаввур этолмайдиган ота-оналар ва педагоглар кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳатто жажжи болаларига ҳам ўйинчоқ, овунчоқ сифатида, баъзан эса мулоқот учун бувоситаларни фарзандларига олиб берадилар. Болалар ҳам 3-4 ёшдан бошлаб бемалол компьютер тугмачалари орқали ўзларига керакли ўйинлар, расмларни топади, телекўрсатувларга қизиқиши ортади. Бу табиий жараён тобораж амият эҳтиёжига айланмоқда. Шундай экан, мактабгача таълим муассасалариданоқ болаларни

замонавий технология, техника воситаларидан ўз интеллектуал салоҳияти, қобилияти ва билимини ошириши мақсадида фойдаланишга ўргатиб бориш замонавий ёндашувдир.Бунда аввало педагог-тарбиячиларнинг билим-малакалари,маҳорати муҳим.МТМнинг ҳар бир гуруҳи учун (масалан, илк ёш, кичик, ўрта, катта, тайёрлов гуруҳларига мос) дастурлар яратиш нафақат бола қизиқиши учун, балки техника асрининг талаби ҳамдир. Айтайлик, ўрта ва катта гуруҳлар учун махсус эртак, ибратли ҳикоят, ривоятва шеърлардан аудио китоблар, альбомлар яратиш, бунда гуруҳдаги қобилиятли болаларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Гарчи бундай аудио ресурслар, мультимедиали машғулотлар намунасининг тайёр нусхалари мавжуд бўлса ҳам, уни қўллай билиш,муҳими эса ҳар бир педагогнинг ўзи мустақил ижодий равишда ярата олиши самарали натижа беради. Бу таълим тизимига инновацион ёндашувнинг муҳим шарти бўлибгина қолмай, педагогнинг тўлиқ масъулиятини, тарбияланувчилар учун қизиқарли, янги-янги машғулотлар устида изланишини тақозо этади. Хотираси ўткир болаларнинг ёд олган эртак ва шеърларини ёзиб олиш, уни кўпчилик бўлиб эшитиш нафақат ўша бола учун завқ бағишлайди, балки гуруҳда ҳам бу анъанага интилиш ортади. Болалар ўз овозларини эшитишга ошиқади, кўпчилик олқишига сазовор бўлишни хоҳлашади. Бу истеъдод аста-секин уларнинг китобхонликка бўлган интилиши, ҳатто келажакда шу йўналишдаги касбларни танлашига ҳам ёрдам беради. Шунга ўхшаш, ўрта ва катта гуруҳларда болаларнинг ўзларига компьютерда бажариши мумкин бўлган интеллектуал ўйин топшириқлар дастури,мусиқа машғулотлари вақтида ҳам она-ватан, дўстликни мадҳ этувчи миллий қўшиқлар, ибратомуз ривоятларнингаудио вариантини эшиттиришуларни тобеъликдан қутқаради. Яъни, бу бола учун одатий машғулотга айлангач, уйда ҳам компьтер, телефон каби воситаларга ўч бўлмайди. Ёки, кичик гуруҳлардан бошлаб компьютер слайдларини овозли, расмларни ифодасига мос ҳаракатлар ёрдамида тасвирлаш бола диққатини тортишга хизмат қилади. Ҳар бир слайдни тарбиячининг ўзи яратсагина, гуруҳдаги боланинг қобилияти, қизиқиши инобатга олинади. Ўз гуруҳидаги болалар қизиқадиган соҳага, ўйин ва машғулот турларига қараб тарбиячи мавзу танлаши мумкин. Асосий дастурни такомиллаштириш, унга ўз ғоялари билан янгиликлар киритиши ҳам таълим тизимидаги ислоҳотлар асосидир. Шу тариқа, тарбиячи гуруҳдаги болаларнинг имконияти, қизиқишларини ҳис қилиб, янги ижодий дастурлар ишлаб чиқиши мумкин. Тарбиячи ўзи яратган дастурларни ота-оналарнинг планшет, мобиль телефонларига юклаб бериши, вазифа шаклидаги топшириқларни уйда ҳам шундай техник воситалар орқали бажариши боланинг бу янгиликка бўлган чексиз тасаввурини тўғри белгилашига ёрдам беради. Улуғ ҳаким ва донишманд устоз Арасту шундай деган эди: “Табиат инсон қўлига курол – интеллектуал ахлоқий куч-кудратни берди, лекин у бу қуролни акс томонга хизмат қилдириши ҳам мумкин, бинобарин, ахлоқий эътиқоди, жинсий ва дид инстинктлари пасткаш бўлган одам энг нопок ва ваҳший кимсага айланиб қолади” [3, 11-б]. Дарҳақиқат,эндиликда технологиялар асри экан, болани ҳам ундан ажратишнинг иложи йўқ. Аммо улардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга жиддий эътибор зарур.Сир эмас, техник воситалар учун минг хил ўйин дастурлари яратилган. Уларнинг аксарияти эса бола фикрини чалғитиши, ёхуд, тажовузкор ўйинлар гирдобига олиб бориши мумкин. Натижада, бола ўйинлар таъсирида очкўз, худбин, моддий бойликка ўчлик, шафқатсиз жанг олиб бориш, ҳамма нарсани вайрон қилиш каби хулқ меъёрларига эга бўлиб бораётганини пайқамай қоламиз. “Ўйин шундай улкан ёруғ ойнадирки, - деб таъкидлаган эди улкан педагог олим В.А.Сухомлинский, – у орқали боланинг руҳий дунёсига, уни ўраб олган олам ҳақида ҳаётбахш тасаввур ва тушунчалар тўлқини кириб боради, ўйин синчковлик ва қизиқувчанлик оловини ўт олдирувчи учқундир” [3, 162-б.]. Албатта, зукко тарбиячи болалар ўйинларининг моҳиятини тўғри илғайди, асрлар давомида халқ маънавий қадриятлари ифодаси ҳисобланган мавсумий, ҳаракатли, маънавий ўйинлардан кенг фойдаланади. Шу билан бирга, технологиялар асрида компьютерлаштирилган ўйинлар бола диққатини кўпроқ тортаётган экан, унинг моҳиятини тўғри англаш-англатиш мақсадга мувофиқ. Айтайлик,кичкинтойларга рангларни ажрата

олиш, топишмоқларнинг аудио нусхасини олиб, топишга ундаш, махсус тугмачалар орқали математик фигуралар, ўйинчоқлар ясаш, болаларнинг миллий халқ ўйинларидан намуналар қўйиб бериш каби дастурларни яратиш уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри йўлга қўйишда ёрдам беради. Масалан, "Ҳайвонларни уйларига жойлаштиринг", "Берилган шаклларни ўз ўрнига мослаб қўйинг", "Кийимларни ранги асосида жавонларга жойлаштиринг" тарзидаги ўйин машғулотларнинг турини, мураккаблик даражасини қанчалик оширсак, бола идрокини чархлаш, зеҳнини ўткир қилишга ёрдам берган бўламиз. Бу каби машғулотлар сенсорли экранда акс этганда уни боланинг ўзи мустақил бажариш имкониятига эга бўлади, слайд кўринишида бўлса, тарбиячи болаларнинг танлови асосида жавобни танлайди ҳамда кейинги босқичга ўтаверади. Кичик гуруҳлар учун мўлжалланган бундай машғулотларни, катта ва тайёрлов гуруҳларида ҳам машғулот дастурлари бўйича мураккаблаштириб бориш мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўз табиатларига монанд ўзгарувчанликни ёқтиришади. Инсоннинг илк болалик даври баҳор фаслига қиёсланиши шундан. Ҳамма нарса янгиланишда, ўзгаришда бўлгани учун бу фасл таровати ўзгача, шу билан бирга йилнинг қут-баракали бўлиши-да, унга боғлиқ. Бинобарин, инсон умрининг пойдевори ҳисобланган боликнинг қандай ўтиши,берилган тарбия, йўналтирилган билим унинг келажагини ҳам белгилайди."Табиат ўз ҳаракатида мудом тиним билмайди,–деб ёзган эди Гёте. Табиат тўхтовсиз янги шакллар яратади. Ҳозирги мавжуд бўлган нарсалар илгари ҳеч қачон бўлмаган; бўлиб ўтган нарсалар ҳеч қачон қайтиб келмайди; ҳамма нарса янги ва шу билан бирга эски ҳамдир"[4, 30-б.].

Таъбир жоиз бўлса, табиатнинг ана шу синоати кўпроқ болаликда яққоллашади. Болаларнинг қобилиятига қараб, улар билан шуғулланиш, уларга хос тарбия тарзини, муҳитни ташкил қилиш мумкин. Масалан, Мир Алишер Навоийнинг буюк истеъдоди, унинг шеъриятга, адабиётга бўлган улкан муҳаббати болаликда шакллангани аён. Оила даврасида тоғалари иштирокидаги шеърхонликлар, отасининг адабиёт аҳллари билан уюштирганмушоира оқшомлари, суҳбатлари ёш Алишер хотирасида нақшланиб борган. Шунга ўхшаш,буюк мусиқачи Моцартнинг 4-5 ёшидан қобилияти аниқлангани, ўзи ўйлаб топган ижодий машқларни отаси оққа кўчиргани, ҳатто ҳеч қандай мазмун англатмайдиган бўлса-да, боласи яратган қўшиқни биргаликда куйлагани ҳақидаги далиллар тарбиячиликнинг улкан намунасига далилдир. Улуғ рус адиби Л.Н.Толстой ўзининг етмиш йиллик умрини сарҳисоб қилиб: "Беш яшар боладан менгача – фақат бир қадам, янги туғилган чақалоқдан беш яшар болагача– даҳшатли масофа!",– деганда ҳақли эди. Инсон шахсиятидаги ижобий ва салбий қирраларнинг шу даврда кузатилишини рус болалар шоири ва тадқиқотчи олими К.Чуковскийнинг машҳур "Иккидан бешгача" асари ҳам тасдиқлайди [5].

Мактабгача тарбия ёшидаги бола атроф-оламдаги ўзларига номаълум ҳодисалар, нарса-предметларга қизиқишлари кучли бўлади. Айни пайтда тақлидчилик асосида ҳаётни ўзлаштира борадилар. Бинобарин, бу ёшдаги болалар эртаклари ва шеърларининг персонажлари - ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар, дов-дарахтлар бўлишса-да, одамларга тақлидий суратларга эга: одамлардай гапиради, йиғлайди, хафа бўлади. Ҳар бир жумланинг жарангдорлиги, мусиқийлиги, эртакларни ўйин, шеърларни қўшиқ қилиб айта олиниши муҳим аҳамият касб этади. Бу ёшдаги бола ўзи қизиққан эртак ёки шеърни, ҳикояни танлаш имкониятига эга бўлмаса-да, танлаб эшитади. Зукко ота-оналар, тарбиячиларгина ҳар бир кичкинтойнинг кўзидаги ҳайрат, порлоқ қувонч ёки ўйчанликни тез илғайди, уларбоп асарларни мароқ билан айтиб, ўқиб берадилар. Яъни, ижро ва ифода бу ёшда муҳим роль ўйнайди. Ана шу қизиқишлар эндиликда технологик ёндашув орқали амалга оширилишини тақозо этаётгани чинакам ривожланиш омилидир. Узлуксиз таълимда техник воситалардан фойдаланишдаги узвийлик амалиёт – ҳаётий эҳтиёжлардан узоқлашгани ҳақиқат. МТМдан мактабга қадам қўйган бошланғич синф ўқувчилари компьютерга бўлган қизиқишларини ўз-ўзича ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлишга сарфламай, интеллектуал дастурларни бажаришни ўрганса, электрон кутубхонадан кенг фойдаланса, юқори синфларда бу

қизиқиш албатта, тўғри мақсад сари йўналтирилади. Олий таълимда ҳам компьютер саводхонлиги дарсларида бевосита мураккаб ижодий топшириқларни бажариш, масофали таълим кўникмасига эга бўлиб, ижодий дастур ва ихтиролар ярата оладиган мутахассис даражасига эришилса, табиийки, юқорида зикр этилган мақсадлар амалга ошади. Заҳматкаш олим Б.Қосимов ўзбек адабиётини жаҳон контекстида ўрганиш масаласини ўртага ташлаб, шундай деган эди: “Биз миллий адабиётимизни пухта ўрганиш билан бирга, жаҳон адабиёти даҳоларини ҳам етарлича билишимиз лозим. Бугунги адабиётимиз жаҳон миқиёсида равнақ топиши учун миллий қобиғи ичида ўралашиб қолмаслиги керак” [6, 166-б.].

Хулоса шуки, миллий қадриятларимиз, анъанавий тарбия усулларимиз қаторида жаҳон болалари эгаллаётган илғор фан ютуқлари, жумладан, техник воситаларга муносабатда таъқиқлаш “қобиғига ўралашиб” қолсак, замонавий таълим тизими янада заифлашади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон фармони**.**
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Тафаккур гулшани. Ватандош ва дунё алломаларининг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари (Ш.Абдураззоқова тарж.). - Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, 274 б.
4. Гёте.Й.В. Заковат дурдоналари. - Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2012.
5. Чуковский К. От двух до пяти. - Т.1,2 , Москва,”Правда”, 1990.
6. Қосимов Б.Уйғонган миллат маърифати. - Тошкент, “Маънавият”, 2011. 320б.


## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ


Р.Каримов,

Жиззах давлат педагогика институти хузуридаги ХТХҚТМОҲМ, п.ф.н.



*Мақолада инновацион фаолиятни ташкил этиш масалалар ёритилиб, инновацион жараёнларнинг моҳияти ҳамда таълимда инновацяларни киритишнинг изчил кетма-кетлиги очиб берилган. Шунингдек муаллиф таълим инновацяларнинг даражалари, инновацион усуллар ва уларнинг омиллари кўрсатиб ўтилган.*



***Калит сўзлар:*** *инновация, инновацион жараёнлар, инновацион усуллар, инновацион даражалар, таълим самарадорлиги.*



*В статье излагаются вопросы организации инновационной деятельности, подчеркивается сущность инновационных процессов и последовательная последовательность инноваций в образовании. Авторы также указывают на инновационные уровни в инновациях, инновационных методах и их факторах.*



***Ключевые слова:*** *инновации, инновационные процессы, инновационные методы, инновационные уровни, эффективность образования.*



*The article outlines the issues of organizing innovative activities, highlighting the essence of innovative processes and the consistent sequence of innovations in education. The authors also point out innovation levels in innovation, innovation methods and their factors.*



***Key words****. Innovation, innovation processes, innovative methods, innovative levels, educational effectiveness.*


Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз

таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Педагогигик технологияларнинг ривожланиши ва уларнингўқув- тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологиярининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Маълумки, инновацион жараёнлар ташкилот, муассасаларнинг тузилиши, мақсад ва вазифалари, технологиялар, инсон ресурсларини қамраб олади ҳамда бундай ўзгаришлар ўзаро алоқада бўлади.

Фаолият жараёнига инновацияларни киритишдан мақсад янги натижаларга еришиш восита имкониятларни топиш, шунингдек, анъанавий фаолиятнинг қолоқ элементларидан қутилишдир.

Ташкилот ва муассасалар фаолиятига инновацияларни киритишда уч гуруҳ қарама-қаршиликларнинг ечимини топиш керак бўлади:

- янгилик ва эскилик орасидаги қарама-қаршиликлар:
- замонавий инновацияларнинг киритилиши билан боғлиқ чуқур ўзгаришлар (инновация-модернизация), ёки фаолиятининг анъанавий шакл, метод, тамойилларнинг киритилиши билан боғлиқ ўзгаришлар орасидаги қарама-қаршиликлар;
- ходимлар онгидаги қайта куришлар билан боғлиқ қарама-қаршиликлар, чунки инновациялар нафақат қизиқишларни, балки қадриятлар тизимини ҳам ўзгартириб юборади.

Таълимий инновацияларни ўқув муассасаларига жорий қилишда биринчи ўринда техник ва ташкилий масалалар қўйилади, ўқитувчи технолог ҳамда талаба (ўқувчи)-истемолчи раҳбарлар этиборидан четда қолмоқда. Бу икки таянч масаланинг (ўқитувчининг ўзгаришларни қабул қилмаслиги, таълим олувчининг бу жараёнларга махсус тайёрланмаслиги) ишлаб чиқилмаслиги таълим жараёнларига инновацияларни киритиш ўта суст давом этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай янгилик ўзининг техник ва психологик натижасига эга. Бунда психологик-педагогик омилнинг роли катта. Шунинг учун янгиликни киритувчилар (ташкилотчилар, новаторлар) инновацияларни киритишда аудиторияни психологик жиҳатдан тайёрлаб бориши, шундагина инновациялар тўсиқлардан яхши ўтиб олади.

Педагоглар мутахассислик бўйича мавжуд билимларидан ташқари педагогик ва психологик билимлар, технология ва ўқитиш методикаларига доир зарур педагогик билимларни эгаллаган бўлишлари керак. Шунинг учун педагогларнинг малакасини оширишда асосий масалалар қуйидагича белгиланиши лозим:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш;
- педагог кадрларга замоноавий педагогик технологияларни ўргатиш, олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш.

Замонавий таълим мухити икки турдаги педагогик жараёнлардан иборат-инновацион ва анъанавий. Педагогик инновация-бу назарий асосланган, мақсадга йўналтирилган ва амалий мўлжалланган янгилик бўлиб, уч даражада амалга оширилади: макродаража, мезодаража ҳамда микродаражада.

Макродаражада инновациялар таълим тизимидаги бутун ўзгаришларни қамраб олади ҳамда унинг парадигмасининг ўзгаришига олиб келади. Мезодаражада инновациялар регион, ёки ўқув юртларидаги таълим тизимидаги ўзгаришларга йўналтирилган. Мезодаражада асосан гап янги концептуал ёндашувлар асосида янги ўқув масканларининг

яратилиши тўғрисида боради. Микродаражада инновациялар алоҳида курслар ёки курс блокларининг яратилишига йўналтирилади (жумладан, экологик ёки гуманитар); ёки таълим жараёнини структуралашнинг янги йўлини; ёки таълимнинг янги технологиялари, шакл ва методларининг ишлаб чиқилишига қаратилади.

Таълим инновацияларининг юқорида қайд этилган даражалари беш босқичда ривожланади.

Биринчи босқич - янгилик, маълум турдаги инновацияни жорий қилиш қарорининг қабул қилиниши.

Иккинчи босқич - назарий бўлиб, унда инновациялар психологик-педагогик таҳлил асосида асосланади, қайта ишланади, шунингдек, бунда инновацион жараённинг қандай ривожланиши олдиндан айтиб берилади ҳамда унинг салбий ва ижобий томонлари кўрсатиб берилади.

Учунчи босқич – ташкилий - амалий бўлиб, унда янгиликлар ўзлаштирилади, янги тизимлар яратилади: лабораториялар, тажриба гуруҳлар ва ҳоказо.

Тўртинчи босқич - аналитик, таҳлилий бўлиб, у олинган модел таҳлили, умумлашмасидир. Шунингдек жараён қайси даражада амалга оширилди, олдиндан режалаштирилган даражага мос келадими, янгиликни киритишдан кутилган натижага эришиладими.

Бешинчи босқич – жорий қилиш босқичи, у тажриба - синовга мўлжалланган ва тўлиқ бўлиши мумкин. Бу босқичда муваффақият уч омилга боғлиқ бўлади.

- янгилик киритаётган ўқув масканнинг материал - техник базасига;
- ўқитувчи ва раҳбарларнинг малакаси, уларнинг ижодий фаоллиги ҳамда умумий инновацияларга муносабатига;
- жамоадаги ахлоқий, психологик муҳитга (жамоанинг жипслиги, кадрлар қўнимсизлиги ва ҳоказо)

Инновацион жараённинг ҳар бир босқичида шундай ижтимоий - психологик омиллар борки, улар бу жараёнга ёки тўсиқ, ёки рағбат, ёки бу жараённи бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Педагогик инновациялар ўқитувчиларнинг креатив фаолиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ўлчовлари қуйидагилардан иборат: инновацион усулларнинг янгилиги, оптималлиги, юқори натижа бериши, оммавий тажрибада ижодий қўллаш имкониятига эгалиги.

Инновацион усулларнинг асосий ўлчови уларнинг янгилиги, илмий тадқиқот натижалари ҳамда илғор педагогик тажрибалар билан тенглигидадир. Шунинг учун ҳам инновацион жараёнда фаолият кўрсатишни хоҳловчи ўқитувчилар учун янгиликнинг асосий моҳияти нимадан иборатлигини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик инновациялар самарадорлигининг ўлчови сифатида оптималлик ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кафолатланган натижага эришиши учун куч-қудрат сарфлашларини тақозо этади.

Баъзи ўқитувчилар ва ўқувчилар ўзларининг шахсий педагогик ҳамда ўқув фаолиятлари жараёнида турлича даражадаги самарадорликка эришадилар. Таълим жараёнига педагогик инновацияларни киритиш асосида имкон қадар кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда юқори самарадорликка эришиш ҳамда кафолатланган натижа олиш назарда тутилади. Худди мана шунинг ўзи педагогик инновацияларнинг оптималлик даражасини белгилайди.

Инновацион усулларнинг ўлчови ўқитувчи фаолиятида ижобий натижаларга эргашгандагина намоён бўлади. Ўлчовлардаги технология, кузатувчанлик, натижаларнинг қайд этилганлиги ўқитишнинг янги усуллари, методларини баҳолаш орқали намоён бўлади. Мазкур ўлчовнинг аҳамиятли жиҳати шахс, унинг идроки ва тушунчаларини шакллантиришнинг бир бутунлигида намоён бўлади.

Педагогик янгиликларни оммавий тарзда амалиётга қўллаш педагогик инновацияларни бахолашнинг мезони сифатида талқин этилади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг иш фаолиятларининг таҳлили, малака ошириш курси тинглочилари билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатмоқдаки, педагогик янгиликларни амалиётга жорий этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Педагогик инновацияларнинг аксарият қисми амалиётга татбиқ этилмай қолаётганлигининг бир қатор асосий сабабини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Булар:

1. Умумтаълим мактабларига кириб келаётган инновациялар ҳақида етарлича маълумотларга эга эмасликлари.

2. Инновациялар ҳамда олган билимларини ўқув - тарбия жараёнига қўллай олмасликлари.

3. Технологияларнинг назарий асослари анча мураккаблиги.

4. Мажмулар назариясини тўлиқ билмасликлари оқибатида технологиянинг мазмун ва моҳиятини тушуниб етишмасликлари.

5. Ўқув жараёнига инновациялар ва педагогик технологияларни тадбиқ этиш зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг, шунингдек, мазкур жараёнга йўналтирувчи мотивларни шакллантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилмаганлиги.

6. Ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларига муайян мақсадсиз, режасиз келишлари.

7. Малака ошириш фаолиятида бугунги кунда таълим сохасида юз бераётган ўзгаришлар, уларнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий эҳтиёжлар, илғор тажрибалар, педагогик технологиялар, шу жумладан интерфаол методлардан хабардор қилиш ва уларни мактаб амалиётида қулай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътиборнинг етарли эмаслигидир.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак.

Бу учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан куроллантириш ва олган билимларини ўқув - тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008. -15-б.

2. Мардонов Ш., Ходжаев Б., АлмамтовТ. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион қадриятли йўналишлари - Т.: “Фан ва технология”, 2014. - 14-18-б.

3. Г.Ибрагимова “Педагогик инновацияларни ўзлаштириш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш масалалари” / Халқ таълими журнали. - Т., 2007. - 1- сон. - 92-94-б.

## ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

С.Х.Хуррамова,
Самаркандский государственный университет, к.п.н., доцент

*Ушбу мақолада бугунги кунда таълим соҳасида инновацион фаолият етакчи мавқега эга бўлиб, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиги учун асос бўлиб хизмат қилади деб баён қилинади. Бундан ташқари, инновацион фаолият таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга салмоқли таъсир кўрсатади.*

***Калит сўзлар**: инновацион фаолият, таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, мутлақ ва нисбий янгилик, дастурнинг ўзига хослиги.*

*В данной статье речь идет о том, что в настоящее время инновационная деятельность в образовании выходит на ведущие позиции и становится основой конкурентоспособности образовательного учреждения на рынке образовательных услуг. Более того, инновационная деятельность оказывает существенное влияние на повышение качества и эффективности образовательного процесса.*

***Ключевые слова:** инновационная деятельность, демократизация и гуманизация образования, абсолютная и относительная новизна, оригинальность применения.*

*The article describes the leading role of educational innovation, which becomes the basis of competitiveness of any educational institution of education service industry. Moreover, the innovation activity has strong influence on quality improvement and efficiency of educational process.*

***Key words:** innovative activity, democratization and humanization of education, absolute and relative novelty, originality of application.*

Современная система образования в мире представляет собой динамичную структуру, отличительной особенностью которой является разработка и применение инновационных образовательных технологий, более совершенных методик для повышения эффективности и качества обучения. Рыночная экономика требует от своих работников инициативы, способности принимать на себя ответственность за решение проблем, умение адаптироваться к изменяющимся условиям. Обеспечить общество такими кадрами должны в первую очередь средне специальные, профессиональные и высшие учебные заведения. Поэтому и учебно - воспитательная деятельность преподавателей должна полностью отвечать современным требованиям и являться подлинным ключевым звеном в повышении качества образования и подготовки достойных специалистов.

Инновационная направленность развития общества обусловлена уровнем экономики, образования и эффективными результатами поиска новых ресурсов, необходимых для складывающейся экономической системы. Знание и образование становятся неотъемлемыми условиями воспроизводственного процесса. Эволюция образования определена главным образом закономерным исходным стремлением человека к знаниям, способствующим изменению условий труда, совершенствованию его содержания и форм. Современная система образования предусматривает реализацию таких важных процессов, как демократизация и гуманизация образования, гарантии необходимых условий для получения качественного образования, разносторонние интересы личности и общества, конкурентоспособность образовательных услуг по содержанию и качеству. Огромную роль в современном образовании занимает воспитание молодого поколения. Молодежь Узбекистана сегодня составляет более 60 процентов населения. Новое поколение стремится к знаниям, активно овладевает иностранными языками, стремится быть открытыми для инноваций.

В принятом в 1997 году Законе об образовании и Национальной Программе по подготовке кадров Республики Узбекистан огромное внимание уделяется вопросам реформирования системы образования, внедрения в учебный процесс современных педагогических технологий с целью повышения эффективности и качества обучения, значительного улучшения в подготовке высококвалифицированных кадров. В Стратегии Действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах указывается, что в развитии сферы образования и науки предусматривается:

«продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда;

повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания.

стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, создание при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков» [1, с.61].

В настоящее время руководство нашей страны создает необходимые условия для развития и реализации потенциала молодого поколения. Создана современная система образования, интеллектуальные школы, университеты международного уровня. Мы ежегодно направляем тысячи студентов в лучшие вузы мира. И конечно огромные задачи в деле образования и воспитания подрастающего поколения стоят перед преподавателями.

Несомненно, преподаватели всей системы образования должны обладать не только глубокими знаниями своего предмета, но и широким кругозором, высокой эрудицией, качественной психолого-педагогической подготовкой, соблюдать правила педагогической этики и принципы гуманистической педагогики. Для этого каждому педагогу необходимо постоянно работать над собой в плане самосовершенствования. Особую роль в процессе профессионального самосовершенствования педагога играет его инновационная деятельность. Если педагогу, работающему в традиционной системе, достаточно владеть педагогической техникой, т.е. системой обучающих умений, позволяющих ему осуществлять учебно-воспитательную деятельность на профессиональном уровне и добиваться более или менее успешного обучения, то для перехода в инновационный режим определяющей является готовность педагога к инновациям.

Систематическое изучение инновации в образовании началось в конце 50-х годов XX века в США и Западной Европе. В исследованиях американских и английских ученых (Дж. Бассет, Д Гамильтон, Р. Хейвлок и др.) прежде всего, освещались проблемы руководства инновационными процессами. В отечественной науке и практике появление устойчивого интереса к инновациям в образовании приходится на середину 80-х годов XX века и др.

В научно-педагогической литературе отражены различные направления исследования инновационной деятельности: общие и специфические особенности этой деятельности как творческой рассмотрены в работах Ф.Н. Гоноболина, В.И. Загвязинского, В.А. Кан-Калика, А.К. Марковой, Н.Д. Никандрова, Н.Р. Юсуфбековой; с точки зрения изучения педагогических достижений и распространения передового опыта инновационная деятельность учителя исследуется Ю.К. Бабанским, М.М. Поташником; особенности инновационных явлений в современной системе образования рассмотрены М.С. Бургиным, В. Клариным, С.Д. Поляковым, Л.С. Хуторским, условия формирования инновационной деятельности преподавателя исследуется в работах Н.Н. Азизходжаевой, В.А. Сластенина и др.

В.И.Загвязинский трактует инновационную деятельность через так называемый «инновационный поток» как «деятельность всех категорий педагогов, очень тесно связанную с развитием психолого-педагогических наук, несущей в образовательную практику новые идеи, новое содержание и обновленную технологию».

В то же время инновационная деятельность часто также рассматривается через аспект творческой деятельности педагога. При этом отмечается, что «творческой является всякая деятельность, создающая нечто новое, оригинальное, что потом входит в историю.

Инновационная деятельность это целенаправленная педагогическая деятельность преподавателя, основанная на осмыслении своего собственного практического опыта при помощи сравнения и изучения, изменения и развития учебно-воспитательного процесса с целью достижения более высоких результатов, получения нового знания, качественно иной педагогической практики.

Под готовностью к инновационной деятельности мы понимаем совокупность качеств педагога, определяющих его направленность на совершенствование собственной педагогической деятельности и деятельности всего педагогического коллектива, а также

его способность выявлять актуальные проблемы образования, находить и реализовать эффективные способы их решения.

Инновации могут быть представлены в виде:

абсолютной новизны (отсутствие в данной сфере аналогов и прототипов);

относительной новизны (внесение некоторых изменений в имеющуюся практику).

ЮНЕСКО определяет инновации как попытку изменить систему образования, осуществить сознательно и намеренно улучшение нынешней систем. Новшество не обязательно является чем – то новым, но обязательно чем – то лучшим и может быть продемонстрировано само по себе.

Отличительные черты инновационной деятельности педагога:

новизна в постановке целей и задач;

глубокая содержательность;

оригинальность применения ранее известных и использование новых методов решения педагогических задач;

разработка новых концепций, содержания деятельности, педагогических технологий на основе гуманизации и индивидуализации образовательного процесса;

способность сознательно изменять и развивать себя, вносить вклад в профессию.

Цель инновационной деятельности – развитие педагога как творческой личности, переключение его с репродуктивного типа деятельности на самостоятельный поиск методических решений, превращение педагога в разработчика и автора инновационных методик и реализующих их средств обучения, развития и воспитания.

В целях осуществления инновационной деятельности необходимо создание условий для педагогического творчества, совершенствования форм и методов обучения и воспитания, необходимо обеспечение вариативности в отборе содержания.

Исходя из собственного опыта и научно-практической, педагогической исследование, изучение и творческое применение различных инновационных образовательных технологий являются важным фактором повышения качества учебного процесса. Самое главное, внедрение инноваций в образовании способствует значительному росту положительной мотивации к обучению у студентов, развития у них высокого познавательного интереса к изучаемым предметам, творческих, креативных способностей. В результате применения в учебном процессе инновационных технологий студенты не только приобретают глубокие знания, расширяют свой кругозор, умения, навыки, но и активно происходит их личностная социализация. На наш взгляд, кроме активного использования в учебном процессе современных информационно-коммуникативных технологий, таких как демонстрация слайдов, различного рода презентаций, учебных видеофильмов, материалов Интернет и других технических средств обучения, наиболее эффективным являются применение трёхфазовой модели интерактивного обучения, включающая определенный алгоритм изучения нового материала в виде: «вызов – осмысление – размышление». Примечательно, что в каждой фазе этой модели можно на занятии применять разнообразные методы и приёмы из большого арсенала видов современной педагогической технологии. При этом каждый педагог, использующий современные педагогические технологии, развивая свои творческие, креативные способности имеет возможность усовершенствовать известные интерактивные технологии, а также создавать новые эффективные оптимальные методы обучения.

Таким образом, гуманизация и демократизация образовательного процесса, инновационная деятельность преподавателя играет большую роль в повышении качества подготовки специалистов, а также в формировании всесторонне развитой личности, обладающей высокими моральными принципами, нравственным сознанием и культурой.

**Список использованной литературы:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Учебное пособие. Т., 2005

3. Гуров В. Инновационная деятельность педагога // Дополнительное образование и воспитание. - 2008. - № 2.

4. Разина Н.А. Профессионально-личностное развитие педагога в условиях инновационной деятельности образовательного учреждения // Современные наукоемкие технологии. - 2008. - № 1.

5. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Готовность педагога к инновационной деятельности // Сибирский педагогический журнал. - 2007. - № 1.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН МЕДИАНИНГ ДИДАКТИК ВА ТАРБИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

М.А.Файзиев,
Самарқанд давлат университети, п.ф.н, доцент,
И.М. Шониязова,
Самарқанд давлат университети, магистр

*Мақолада электрон медианинг дидактик ва тарбиявий имкониятлари, таълим жараёнида медиамаҳсулотлар ва медиаресурслардан фойдаланиш ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:*** *медиа, электрон медиа, аудиовизуал медиа, медиавоситалар, триада, тетрада, инверсия, гедонизм, латент (махфий) функциялар, фобия.*

*В статье рассматриваются дидактические и образовательные аспекты электронных средств массовой информации, с использованием медиапродукции и медиаресурсов в процессе обучения.*

***Ключевые слова:*** *медиа, электронная медиа, аудиовизуальная медиа, средств медии, триада, тетрада, инверсия, гедонизм, латентные (скрытые) функции, фобия.*

*Deals with didactic and educational aspects of electronic media, using media and media resources in the learning process the article.*

***Key words:*** *media, electronic media, audiovisual media, media, triad, tetrad, inversion, hedonism, latent (hidden) functions, phobia.*

Ҳозирги даврда бирор соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан, ёш авлодга таълим-тарбия беришда ҳам у муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Электрон алоқа воситалари, интернет, сунъий йўлдошлар айнан оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланишига замин яратмоқда.

Газеталар, журналлар, радио, телевидение, фотография, ҳужжатли ва бадиий кино, ахборот агентликлари, интернет сон жиҳатдан беқиёс ўсди, сифат жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Компьютер, факс, “уяли” телефон, параболик антенна, электрон почта каби техник мўъжизалар оммавий ахборот воситалари ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ҳисобланмиш – медиадан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Таълим жараёнида медиа, яъни, интернет, телевидение, радио, кино, видео, телефон ва бошқа алоқа воситалари ўз самарасини кўрсатмоқда [1].

Медиатаълимда «медиа» деганда маълумотни яратиш, ёзиш, нусхалаш, кўпайтириш, сақлаш, тарқатиш, қабул қилиш ва муаллиф билан аудитория ўртасида мулоқот алмашишга мўлжалланган техник қурилмалар тушунилади. Бунда медиа инсон томонидан атроф-муҳитни комплекс равишда (ижтимоий, маънавий, психологик, бадиий, интеллектуал аспектлар) қабул қилиш сифатида қаралади [2].

Тоифаланиш асосига қўйилган параметрларга кўра медиа тавсифланишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Анъанавий равишда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва коммуникациялари ахборотни узатиш услубига кўра (босма, радио, кино, телевидение, видео, компьютер тармоқлари ва бошқалар) ва қабул қилиш каналига кўра (визуал, аудиали, аудиовизуал) турларга фарқланади. Мазкур тоифаланиш медиа кодларда қўлланилувчи белгили комплекслари моҳиятига кўра ажратилади. Даврий нашрларда иккиламчи белгили тизим қўлланилади: босма кўринишдаги табиий тил ва иконик белгилар (фотосуръатлар, расмлар, карикатуралар) ва турли шрифт ажратмалар, матн жойлашув услублари ва бошқаларга кўра ажралади. Радиога нисбатан фақатгина триада (юнонча triados - учлик) кўринишида фикр юритиш мумкин: оғзаки нутқ + табиий шовқин + мусиқа. Аудиовизуал медиа (телевидение, ҳужжатли фильм)да маълумотлар триададан фарқли равишда тетрада (юнонча tetrada – тўрталик гуруҳ) кўринишида тақдим этилади, яъни аудиторияга жонли тасвирлар намойиш этилади.

Замонавий медиа воситаларини узатиш ва қабул қилиш бўйича тоифаланиш жиҳатидан кўриб чиқадиган бўлсак, унинг остида, мультимедиавий интеграция ночизиқли гиперматнли тузилмага эга матн сифатида компьютер тасаввури сифатида тушунилади; интерактивлик ва моделлаштириш. Бугунги кунда, электрон медиалар сирасига радио, эфирли, кабелли, йўлдошли телевидение, видео, компьютер ўйинлари киритилади.

Ижтимоий-педагогик жиҳатдан медиа қуйидаги тоифалар бўйича классификация этилиши мумкин: фойдаланиш жойи (индивидуал, гуруҳли, оммавий, кундалик, ишчи ва бошқалар), ахборот мазмуни (ғоявий, сиёсий, маънавий-тарбиявий, билим олиш – ўрганиш, эстетик, экологик, иқтисодий), функциялари ва қўлланилиш мақсадлари (ахборот олиш, таълим, мулоқот, кундалик муаммоларни ечиш, кўнгилхушлик, ижтимоий бошқариш), шахсга таъсир қилиш даражаси (дунёқараш ривожланиши, ўзликни англаш, мустақил тарбия, мустақил таълим, ўзликни тасдиқлаш, ўзликни аниқлаш, ҳолатни бошқариш).

Таълим жараёнида қўлланилиш имкониятлари нуқтаи назаридан электрон медиалар функционал ёндашув доирасида қуйидаги белгиларга кўра гуруҳланади:

- Универсаллик даражаси (бажарилаётган функциялар миқдори бўйича);
- Ахборотни тайёрлаш ёки тақдим қилиш имкониятлари;
- Аудио ёки видеоматериаллар билан ишлаш;
- Статик ёки динамик видеоҳужжатлар билан ишлаш имконияти;
- Макро ёки микрообъектлар билан ишлаш имконияти.

Универсаллик нуқтаи назаридан ишларнинг кенг кўлами компьютер ёрдамида бажарилади. Универсаллик жиҳатидан қуйи поғоналарда мультимедиа проекторлари туриб, шу билан биргаликда улар исталган видео ва аудио ахборот билан ишлаш имкониятини таъминлайди.

Ахборотни тайёрлаш ёки намойиш этиш белгилари бўйича техник воситалар классификацияси жиҳатидан учта гуруҳ ажратилади:

- тайёр маълумотларни тақдим этиш воситалари (CD ёки DVD дисклар учун видеоплеер, слайд-проектор, CD ўқувчи қурилма ва бошқалар);
- маълумотларни тайёрлаш учун воситалар (фотоаппарат, рақамли фотокамера, рақамли видеокамера, товуш ёзиш аппаратураси);
- мавжуд материалларни тайёрлаш ва намойиш этиш имкониятини берувчи воситалар (компьютер, видеомагнитофон, мусиқа маркази).

Бугунги кунда техник воситалар классификациясининг энг муҳим белгиларидан бири маълумотларни намойиш этишдир. Мазкур белгига кўра воситалар икки йирик синфга ажратилади:

- маълумотларни аналогли ёзиш;
- маълумотларни рақамли ёзиш.

Замонавий медиа ижтимоий хоссаларига нисбатан кўплаб фикрлар мавжуд бўлиб, улар доимий равишда, предмет ўзгариши сайин, ўзгариб боради. Умуман олганда, россиялик олимлар Я.Н.Засурский, Е.П.Прохорова, А.Саркисян, А.В.Федоров,

Л.Н.Федотова, И.Д.Фомичева, И.Хмара классификациялари таҳлили медиалар хоссаларини қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиш имкониятини беради:

1. ахборот: ишлар ҳолати, турли факт ва ҳодисалар тўғрисида ахборот;

2. таҳлилий (баҳолаш, танқид хоссалари): кўпинча фактларни намойиш этиш уларга нисбатан берилган шарҳлар. Таҳлиллар ва баҳолар билан тўлдирилади;

3. таълимий-маърифий (таълим): кўпқиррали маданий, тарихий, илмий ахборотни берган ҳолда, масс-медиа воситалари ўз ўқувчилари, тингловчилари, томошабинлари билимлар фондини тўлдиришга ёрдам беради;

4. маънавий-маърифий: медиа жамоатчилик ҳаракатлари долзарб маънавий-эстетик намуналари, маънавият принциплари ва эстетик дид, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради;

5. таъсир функцияси: (ғоявий, ижтимоий-бошқарув, регулятив): медиа инсонлар қарашлари ва ҳаракатларига таъсир этади, айниқса жамият инверсион (инверсия, лотинча unversio – ўрнини алмаштириш) ўзгаришлари ёки оммавий ижтимоий-сиёсий акциялар даврида бу ҳолат кўзга ташланади;

6. гедонистик (гедонизм, юнонча hedone – роҳат, ҳузур, лаззатланиш): дам олиш, кўнгилхушлик, ҳордиқ, кучларни тиклаш, аудитория эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Санаб ўтилган функциялар билан бир қаторда олимлар медиа воситаларининг ёрқин бўлмаган, латент (махфий) функциялари ҳақида ҳам сўзлаган ҳолда, уларнинг асосий хоссаси жамоатчилик фикрига яширин таъсир ўтказишда деб ҳисоблашади. Тақдим этилган юклама турларидан, ҳар бир алоҳида медиавосита, одатда бир ёки бир неча функцияни бажаради, уларнинг бажарилиш жараёнида эса бир неча самарали вариантлар мавжуд: функционал, асосий функция белгилаб берган вазифа бажарилади; дисфункционал, бунда функция вазифасига қарама-қарши ҳаракат бажарилади; нофункционал, салбий эффектлар билан боғлиқ бўлиб, асосий вазифага жавоб бермайди; функционал таъсир ёки муайян натижалар мавжуд эмаслиги [2].

Айрим ҳолатларда медиа салбий ижтимоий оқимларни келтириб чиқариши мумкин:

1. ахборот оқимлари кўплиги шахс номутаносиблигига олиб келади;

2. турли фобиялар (юнонча phobos – қўрқув) ёки ортиқча оптимизм (лотинча optimus – энг яхши, яъни дунёда ижобий омил, яхшилик ҳукмронлик қилади деган тасаввур) ва ҳодисаларни бўрттириб кўрсатиш, умидсизлик ва кўнгил совишига олиб келади;

3. медиавоситалар орқали намойиш этиладиган муайян жанрларга патологик боғлиқлик: хабарлар, сериаллар, криминал хроника ва сенсациялар;

4. гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ижобий нуқтаи назардан намойиш этиш. Буларнинг барчаси замонавий санъат, ёшлар субмаданияти ва аксил маданиятга кириб бормоқда.

5. маданият оммалашиши ва бунинг натижасида маънавий эҳтиёжлар талабини пасайтириш ва ёлғон қаҳрамонлар ва идеаллар талаби пасайиши.

Электрон медиаларни таълим функциялари нуқтаи-назаридан кўриб чиқар эканмиз, таълим-тарбиявий жараёнда мувофиқ медиамаҳсулотлар ва уларнинг таълим-тарбия жараёнида қўлланилиши ҳақида айтиб ўтишимиз зарур. Агарда, чет эл адабиётларида сўз авваламбор технологик таълим услублари, тегишли дастур таъминоти ҳақида кетадиган бўлса, биздаги дидактикада асосий эътибор электрон нашрлар ва электрон ресурслар ҳақидаги тушунчаларга бағишланади.

Таълимий талабларга мувофиқ, электрон нашрлар қуйидагича фарқланади:

- Нашр эквиваленти мавжудлиги бўйича (электрон аналог, мустақил нашр);
- Асосий ахборот табиати бўйича (матн, тасвирий, товушли, мультимедиа нашри, дастурий маҳсулот);
- Мақсадли белгисига кўра (расмий, илмий, илмий-оммабоп, амалий ишлаб чиқариш, норматив, ўқув, оммавий-сиёсий, маълумот, реклама, бадиий нашр).

Электрон ахборот таълим ресурслари тузилишининг асосий йўналишларига ахборот-маълумот берувчи, ўқув ва умуммаданий йўналишлар киради.

Медиа воситаларининг муҳим хусусиятларидан бири – турли жараёнларнинг образли, кўргазмали равишда намоён этиш бўлиб, бунда кўргазмали вариантлар турли назарий тушунчалар билан биргаликда намоён бўлади. Медиа қўлланилиши жамоатчилик ҳаракатлари давомида индивидуал таълимга қаратилади ва бу ҳолат умумий таълим-тарбия жараёнида юз беради. Бунда медиа тадқиқот объекти ва таълим воситаси сифатида намоён бўлади. Таълимни индивидуаллаштириш жараёнида ҳар бир ўқувчи фаол, бевосита унга йўналтирилган фаолиятга жалб этилади. Бунда фикрлаш жараёни уйғониб, билим олиш эҳтиёжлари намоён бўлиб, ижодий фаоллик ривожланади.

Электрон медиа таълим олиш оптимал темпини танлаш, материални ўзлаштириш жараёнини назорат этади ва натижа бир неча кундан кейин эмас, бевосита дарс жараёнида намоён бўлади. Ўқувчи материални ўзлаштириш бўйича ўз усул ва услубларига эга бўлади.

Замонавий медиалар турли ахборотларни олиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли педагогнинг вазифаси ўқувчилар томонидан мустақил равишда олинган билимларни таълим олиш жараёни натижаси сифатида қабул қиладиган янги билимлар манбаига айлантиради. Медиа кенг татбиқ этилиши асосида ўқувчилар шахси эмоционал ривожлантиришига қаратилган махсус чоралар қўлланилишини талаб этади. Ахборот технологиялари тўғридан-тўғри ва ёндашма таъсири остида шаклланаётган технократик фикрлаш, психологлар фикрига кўра инсон ва унинг қадриятлари (шу жумладан психотехникада ҳам) техника, замонавий дунё кундалик турмуши мазмуни, умуминсоний манфаатлар ва мазмун мақсадлари воситалари сифатида қабул қилинади.

Шундай қилиб, медиа қўлланилиши оқибатлари ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин бўлиб, у ёки бу технология қўлланилишига нисбатан турлича ёндашувни талаб этади. Таълим-тарбия жараёнида электрон воситалар қўлланилишини режалаштирган ҳолда, педагог ўқувчи шахсига хос бўлган ўзига хосликларни эътиборга олиб, дарс режасини тузиши, материалнинг шахсга йўналтирилганлигини кўзда тутиши лозим, бу эса унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида электрон медиадан оқилона фойдаланиш ўсиб келаётган ёш авлодни четдан кириб келаётган ахборотларни тўғридан-тўғри қабул қилмасликка, саралашга, холис таҳлил этишга ўргатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тўлқин Эшбек. Медиатаълим: янги таълим усули сифатида. http://sharh.uz/munosabat/item/17008-mediatalim-axborot-tv-radio-internet
2. http://media-pedagogics.ru/lectures.html
3. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: «Extremum-press», 2015. -94 б.
4. Федоров А.В. Медиаобразование в педагогических вузах. Таганрог: Изд-во Кучма, 2003. 124 с.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Т.Ж.Оқназаров, И.Б.Аминов,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ,
Ф.У.Тўғизбоев,
Самарқанд давлат чет тиллар институти

*Бугунги кунда компьютер технологиялари таълим тизимига иннова-цион технологияларнинг замонавий метод ва дастурий воситаларини татбиқ этиш бўйича янада кенгроқ имкониятларни*

*яратиб бермоқда. Мақолада бошланғич таълим тизими самарадорлигини оширишда ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш ўрни ва усуллари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *ахборот технологиялари, инновация, инновацион технологиялар,инновацион технологиялардан фойдаланиш ўрни ва шакли.*

*В сегоднешный день компьютерные технологии дают огромные возможности применения современные методы и программные обеспечении инновационных технологии в образовании. В статье рассматриваются место иметоды использования информационной и инновационной технологии для повышения эффективности начального образования.*

***Ключевые слова:*** *информационная технология, инновация, инновацион-ные технологии, место и формы использования инновационной технологии.*

*In today computer technologies give huge opportunities of application modern methods and program maintenance of pedagogical technology in education. In clause are examined a place and methods of use of information and innovation technology for increase of efficiency of initial education.*

***Key words****: information technology, innovation, innovation of technology, place and forms of use innovation of technology.*

Бугунги кунда барча соҳалар каби ўқув муассасаларининг, шу жумладан бошланғич таълим - тарбия тизимида ҳам компьютер ва ахборот технологияларининг замоновий воситаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилиб, бошланғич таълим тизимини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълим-тарбия жараёнида янги ахборот ва инновацион технологияларини жорий этиш кун сайин оммалашмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот ва инновацион техноло-гияларининг тараққиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган бошланғич таълим жараёнининг жадал ривожланиб боришида ўрни ва самарадорлиги сезилмоқда. Бу эса иқтидорли, мустақил, ўзига ишонч-эътиқодли ўқувчиларга билим бериш, уларни тарбиялаш ва замон талабига мос етук инсонлар қилиб етиштиришда таълим-тарбия тизими муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашларини ўстириш, уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айлантирмоқ ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун эса бошланғич синфларда ўқувчиларнинг билим, малака ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш учун бевосита умумтаълим мактабларининг моддий-техника ва замонавий ахборот технологиялари базасини мустахкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлар, дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш, ўқувчиларга замонавий билимлар сари кенг йул очиш, таълим тизимини такомиллаштиришда янги педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш зарурдир.

Таълим жараёнида жуда катта миқдордаги ахборотларни тўплаш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, ўз ўрнида қўллай олиш ва узатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун унда анъанавий усуллар билан бирга замонавий ахборот ва инновацион технологиялари, жумладан компьютерлардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади .

Замонавий компьютер воситалари ва мультимедия технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Компьютер билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзуни ўқувчилар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Таълимда ахборот технологияларни қўллаганда, ўқувчилар эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар [1].

Бошланғич синфларда фанларни мультимедиа технологиялари асосида ўқитиш катта самара беради [2]. Бунинг учун эса машғулотларнинг ҳар бир мавзуси бўйича дарс ишланмалари яратилиши лозим. Ана шу ишланма асосида барча мавзуларга оид ахборот технологиялари воситалари ёрдамида баён этилиши лозим бўлган назарий ва амалий материалларнинг электрон тақдимоти шакли тайёрланади. Дарс ишланмаларига тақдимот слайдлар тайёрланиб, видеопроекторлар орқали ўқувчилар тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тақдимотда адабиётлардаги расмларни, аниқ жараёнларни акс эттирувчи

тасвирлар, тармоқдаги маълумотлардан катта электрон экранда кўрсатиб тушунчалар берилса, ахборот таълим ресурс порталларидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг билим ва малакалари янада шаклланади. Мультимедиали тақдимот нафақат матнли ва кўргазмали, балки, овозли, анимацияли бўлиши ўқувчилар томонидан мавзуни мукаммал ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Мультьмедиали тақдимот воситаларини яратишда ҳаммамизга маълум бўлаган Power Point, Macromedia Authorware дастуридан фойдаланиш мумкин. Электрон ўқув адабиётларни яратиш давомида кенг фойдаланиладиган таҳрирловчи дастурлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан Adobe Photoshop дастуридан расмларни таҳрирлаш, сифатини оширишда фойдаланилади, Corel Draw дастури орқали ҳар хил графикларни яратиш мумкин, товуш ва тасвирларни таҳрирлаш учун эса мос равишда Sound Forge ва Adobe Premier дастурларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, таълим тизимида тайёр ишлаб чиқилган мультьмедиали электрон ўқув қўлланмалар мавжуд.

Бошланғич таълим тизимида ахборот-коммуникацион технологиялари-дан фойдаланиб ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ахлоқий, ақлий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини оширишда бутунжаҳон Интернет тармоғидан керакли маълумотларни танлаш ва улардан мақсадли равишда фойдаланиш ўз самарасини беради.

Бошланғич таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган [1]. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади.

Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Жумладан, умумтаълим мактаб ўқитувчилари ҳам инновацион технологиялардан ўз фаолиятларида малакали мутахассис сифатида фойдалана олишлари учун маълум бир маънода, шу йўналиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Инновацион технологиялар ўқувчиларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади.

Инновацион технологиялар инглизчадан “innovaton” янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўқув жараёнида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишни ўз ичига оладиган воситалар эса ўқувчининг биргаликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади. Бундан ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат [3]:

– ўқувчининг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
– ўқувчининг ҳар қандай муаммога ижодий ёндошувига ўргатиш;
– педагог ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
– ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланланувчан имкон яратиш.

Бу жараёнда кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлигида фаолияти, ўқувчининг ижодий ишлаш мустақил фикрлаши, изланиши, тахлил қилиши ва хулосалай олиши, ўқувчининг ўзига ва гуруҳга, гуруҳнинг ўқувчига баҳо беришига имкон яратилиши билан боғлиқ. Ҳар бир дарсга ўқувчилар қизиқиши мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос технология қўлланилади.

Таълим сифатини оширишда қуйидаги инновацион технологиялардан фойдаланиш

самарадорлиги сезиларли даражада бўлади.

«Зинама-зина» технологияси ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Ўқувчилар бу технология орқали гуруҳларда ишлашга ўрганадилар, ўтилган мавзуни субъект ўқитиш орқали мустаҳкамлайдилар.

"Балиқ скелети" технологияси орқали ўқувчилар мустақил, кенг, ижодий, танқидий фикрлашга ўрганадилар. Ушбу технология балиқ модел чизмаси орқали намойиш этилиб, бунда ўқувчилар ўртага ташланган муаммони ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қиладилар. Балиқ скелети чизмаси ватманга чизилиб унинг тепа қисмига ечилиши керак бўлган муаммо ёзилади. Пастки қисмига муаммони ҳал этилиш йўллари ёзиб борилади

"Венн диаграммаси" ўтилаётган мавзу ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, матн билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган методлардан биридир.

"Дидактик ўйинли технологиялар" ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятин ўйин фаолияти билан қўшиб олиш боришдан иборат. Дидактик ўйинлар мусобақа, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик тарзида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсад, уни амалга ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади.

Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чуқурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради. Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларга ажратиш мумкин.

Умуман, бошланғич таълим сифати ва самарадорлиги ошириш учун ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали ўтилган дарсда ўқувчилар ўз қобилияти ва имкониятларини намойиш қилишга эришадилар, жамоа билан ишлаш малакасига эга бўладилар, ўзгалар фикрини хурмат қилишни ўрганадилар, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шаклланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ж.Г. Йўлдошев «Янги педагогик технологиялар» (йўналишлари, муам - молари, ечимлари) – «Бошл. таълим», 1999 йил, № 6, 2-5 бетлар.
2. Б.Л. Фарберман «Илғор педагогик технологиялар» Т. «ФАН», 2000 йил.
3. Н.Х. Авлиякулов «Замонавий ўқитиш технологиялари» Т. 2001 йил.

## ЛОЙИҲА МЕТОДИ ИНФОРМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

У.Х.Мингбоев,
Жиззах давлат педагогика институти хузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Ушбу ишда умумий ўрта таълим мактаблари информатика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг самарали методи келтирилган.*

***Калит сўзлар**: компетенция, компетентлик, лойиҳа методи, коммуникатив компетенция.*

*В работе приведена методы способствующие эффектиному формирование у учащихся коммуникативных компетенций в процессе обучении информатики в средней школе.*

***Ключевые слова**: компетенция, компетентность, метод проекта, коммуникативная компетентность.*

*In the work methods are presented that contribute to the effective formation in students of*

communicative competencies in the process of teaching computer science in high school.

***Key words**: competence, competent, project method, communicative competence*.

Жамиятнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш - замон талабларига жавоб берадиган, малакали, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва мазкур жараён самарадорлигини таъминлаш узлуксиз таълим мазмунини такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларида компьютерларнинг пайдо бўлиши ва улардан ўқитувчининг ёрдамчи воситаси сифатида фойдаланиши эса янги коммуникация каналларини яратмоқда ва бунинг натижасида янги, яъни психологик, педагогик, методик ва дидактик муаммолар юзага келмоқда. Умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари учун анъанавий бўлиб қолган коммуникатив компетенциялар кўриниши ўзгариб, ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ коммуникатив компетенциялар пайдо бўлмоқда. Айниқса, бу компьютер бир вақтда ҳам ўқитиш воситаси ҳам ўрганиш объекти бўлган информатика фани бўйича ташкил этиладиган машғулотларда яққол намоён бўлади.

Ўқувчиларда анъанавий коммуникатив компетенцияларни, худди шунингдек ахборатлашган жамиятда ҳаёт учун зарур бўлган ана шундай компетенцияларни шакллантириш керак? - деган муаммо бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ўз ечимини кутмоқда. Айнан, информатика фани бўйича ташкил этиладиган дарсларда ўқувчилар коммуникатив фаолияти тузилмасининг глобал қайта қурилиши юз беради.

Бугунги кунда интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган, мустақил равишда зарурий ахборотларни излаб топадиган ва улардан таҳлил асосида зарурийларини ажратиб оладиган, барча билан мулоқотга кириша оладиган, таълим муассасасидан олган билимларини шахсий ва касбий эҳтиёжларида қўллай оладиган ёшларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратилган. Бунинг учун эса ўқувчиларни бошланғич синфлардан бошлаб унга тайёрлаб бориш керак. Яъни, умумтаълим фанлари бўйича чуқур билим бериш, хорижий тилларни пухта ўргатиш ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича керакли малакаларни шакллантириб бориш лозим. Маълумки, биз ҳозирги кунда ахборотлар оламида яшаяпмиз. Ўқишда ҳам, ишда ҳам, кундалик фаолиятда ҳам компьютер техника воситаларига дуч келамиз ва буларсиз бугунги кунимизни тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шундай экан умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларимизга информатика фанидан чуқур билим бериш, компьютер ва унинг бошқа техник воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга ўргатиш керак. Ўқувчилар эса зарурий ахборотга эга бўлиш, уларни излаб топиш, ундан кераклисини ажратиб олиш ва фойдаланишни ўрганиши керак. Шу билан биргаликда ўрганилган билим, кўникма ва малакалардан улар кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишлари учун компетенциялар шакллантирилиши зарур. Шунга кўра, бу вазифаларни таълим муассасасида ўқувчиларни ўқув предметларини ўрганиш жараёнида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга қилиш билан биргаликда уларни ҳаётий эҳтиёжларида қўллай оладиган ҳолда тайёрлаш керак. Бунинг учун эса ўқитиш жараёнини компетентлик ёндашувга асосланган ҳолда ташкил этиш керак.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим – ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини

шакллантиради.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Ўқувчи яшайдиган, ривожланадиган ва ўз-ўзини намоён қиладиган замонавий жамиятда очиқлилик, толерантлилик ва коммуникатив муаммолар ҳозирги кундагидек ҳеч вақт долзарб бўлмаган. Айнан, мулоқот орқали олдинги кўпчилик ўқувчилар ҳаётий ва касбий муваффақиятга эришган. Шунинг учун ҳам таянч компетенциялардан бири коммуникатив компетенцияларни шакллантириш муаммоси бу соҳа учун анъанавий бўлган ўқув предметларидан (адабиёт, она тили ва хорижий тил) информатика фани бўйича ташкил этадиган машғулотларга ўтади. Чунки, айнан информатика фани бўйича машғулотларда ўқувчилар мулоқотининг янги ускуналарини, усуллари ва воситаларини ўрганади, коммуникация чегараларида ҳаракат қилади, ягона фикрловчилар, ҳамфикрловчилар доирасини кенгайтиради.

Информатика дарсларида ўқувчиларда шаклланадиган коммуникатив компетенция қуйидагиларни таъминлайди:

- ўқув-илмий, ижтимоий-маиший, ижтимоий-маданий соҳаларда мулоқот қилиш кўникмаси ва қобилиятини такомиллаштириш;

- фаолиятнинг турли хил кўринишларида мулоқотнинг нутқли шаклларини (монолог, диалог, саволларга оғзаки жавоб бериш, лойиҳани ҳимоя қилиш ва бошқалар) эгаллаш;

- турли хил ахборот манбалари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш;

- “инсон-техник тизим” режимида мулоқот олиб бориш (интерфейсни қуриш тамойилларини тушуниш, мулоқат ойнаси билан ишлаш ва бошқалар;

- матнни расмийлаштиришнинг усулларини эгаллаш (электрон ёзишма, тақдимотда ахборотни узатиш қоидалари ва бошқалар);

- олисдаги ҳамсуҳбат билан мулоқотни ташкил этиш учун телекоммуникациядан фойдалана олиш (турли хил кўринишдаги коммуникацияларнинг имкониятларини тушуниш ва бошқалар).

Информатика дарсларида ўқувчиларда коммуникатив кўникмаларни шакллантириш қуйидаги 3 йўналишда олиб борилиши мумкин:

1. “Инсон-инсон” ўзаро таъсирлашув тизимида. Бундай ўзаро таъсирлашув натижасида таълим олувчи эшитиш, бир-бирини эшитиш, муҳокама қилишга ўрганади.

2. “Инсон-компьютер” ўзаро таъсирлашув тизими. Компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари ва уларнинг вазифаларини ҳамда компьютерни дастурли бошқаришни ўрганиш асосида таълим олувчи матнли, график, сонли, товушли ва видео ахборотларни яхши қабул қилиш, тушуниш ва уларнинг мазмунини ўзлаштириш қулай бўлган кўринишга ўзгартиради.

3.“Инсон-компьютер-инсон” ўзаро таъсирлашув тизими. Янги билимларни олиш учун локал ва глобал тармоқларнинг имкониятидан фойдаланиш.

Информатика дарсларида ўқувчиларда коммуникатив кўникмаларни шакллантириш муаммосини қуйидаги ўқитиш технологияларидан фойдаланиб муваффақиятли ҳал этиш мумкин: муаммоли ўқитиш технологияси; ўқитишнинг лойиҳа технологияси (Полат Е. С., Бухаркина М. Ю., Моисеева М. В, Петров А. Е ., Орлова В. А., Балова Н. И., Шилина С. Н., Скрипниченко С. С ) [1,2]; вазиятли масалаларни ечиш усуллари.

Бизнинг нуқтаи назаримизча информатика дарсларида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш масалаларини тўлалигича ечишда ўқитишнинг лойиҳа технологияси катта имкониятга эга бўлиб, бу имкониятлар қуйидагилардан иборат:

1) меҳнат маҳсулотларни яратиш билан якунланадиган, аниқ муаммони ечишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш;

2) турли манбалардан ўзи учун етарли бўлмаган билимларни мустақил равишда ўзлаштириб олиш;

3) билиш ва амалий характердаги масалаларни ечиш учун ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш;

4) тадқиқотчилик кўникмаларни ривожлантириш;

5) компьютердан ижодкорлик учун восита сифатида фойдаланиш.

Лойиҳани бажаришда унинг иштирокчилари доимий равишда қуйидаги йўналишларда ўзаро таъсирлашувда бўлади:

- «инсон - инсон» (муаммо ечиш режасини тузишда, муаммони ечишнинг оптимал йўлини танлашда, ўз меҳнатининг натижаларини ҳимоялашда);

- «инсон - компьютер» (ўз билиш ва амалий фаолияти натижаларини расмийлаштиришда);

- «инсон – компьютер - инсон" (ўзи учун етарли бўлмаган билимларни олиш локал ва глобал тармоқларнинг имкониятларидан фойдаланиб лойиҳанинг бошқа иштирокчилари билан ўзора таъсирлашув).

Лойиҳа методини информатика дарсларига жорий этиш қуйидаги 3 босқичда олиб борилади: тайёргарлик; амалий; умумлаштирувчи.

5-7 синф ўқувчиларига информатика дарсларида ребуслар, кроссвордлар, ҳажми унчалик катта бўлмаган тақдимотлар яратиш бўйича ижодий топшириқларни бажаришни таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Бу лойиҳалар компьютер технологияси ёрдамида ҳал этилади. Лойиҳаларни ҳал этиш жараёнида ўқувчиларда ахборот-коммуникатив компетентлилик, яъни турли хил компьютер дастурлар (Paint график мухаррир, "Блокнот" и WordPad матн мухаррирлари, MS PowerPoint муҳитида тақдимот яратиш воситалари) дан фойдаланиш кўникмалари шаклантирилади.

8- 9 синфларда эса турли хил дастурий таъминотни қўллаб гуруҳли ишлаш талаб этиладиган бажарилиши бўйича бир мунча мураккаброқ лойиҳаларни, 10 синфда эса бу лойиҳаларни янада мураккаблаштириб (масалан анимация яратиш ва бошқаларни ) тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, информатика дарсларида лойиҳа методини қўллаш орқали ўқувчилар коммуникатив компетентлилик соҳасида юқори натижаларга эришадилар. Ўқувчиларнинг ўқув предметига нисбатан қизиқиши ошади. Лойиҳаларни қизиқиш билан бажарадилар ва турли хил конференциялар ва танловларда иштирок этишга тайёрланади. Лойиҳада кўзда тутилган муаммони ҳал этиб таълим олувчи энг муҳим ҳисобланган ўйлашга ўрганади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Орлова В. А., Балова Н. И., Шилина С. Н., Скрипниченко С. С. О компетентностном подходе в обучении // Развитие лидерства – ресурс модернизации образования. Материалы научно-практической конференции. – Омск: Издательство ОмГПУ, 2002
2. Полат Е. С., Бухаркина М. Ю.,. Моисеева М. В, Петров А. Е. / под ред. Е. С. Полат «Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебное пособие для педагогических вузов и системы повышения квалификации педагогических кадров» М.: Издательский центр «Академия», 1999.


## ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ


Ф.Ш.Рахманова,
Миллий рассомчилик ва дизайн институти



*Таълим тарбияда инновация мавзуси ўзининг долзарб муаммолари ва кўпмазмунли ҳамда мураккаб ечими билан барчани қизиқтиради. Мазкур мақолада бир нечта мавзуга доир замонавий педагогика олдида турган маумоолар ва уларнинг ечими хусусида сўз боради.*

*Калит сўзлар:новация, инновация, лойиҳалаштириш, интерактив методлар.*

*Тема инноваций в образовании интересна многим своей сложностью и многофакторностью. Существуют как минимум нсколько проблемы в современном педагогическом сообществе и системе управления, напрямую связанные с этой темой.*

*Ключевые слова: новация, инновация, проектирование, интерактивные методы.*

*The topic of innovations in educations is interesting for many of its complexity and multifactoriness. There are at least few problems in the modern pedagogical community and management directly related to this topic.*

*Key words: novation, innovation, designing, interactive metods.*

Бугунги кун тараққиётининг муҳим талаби замонавийлик ва янгиликка интилиш экани барчага маълум. Жамики соҳаларда бўлгани каби педагогиканинг равнақи ҳам инновацияга таянади. Ҳозирда инновация, стратегия, назария, амалиёт, технология, метод каби қатор тушунчалар борки, уларнинг барчаси таълим ва тарбия жараёнларига тўлиқ кириб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Таълим-тарбияда педагогик инновациялар қўллаш билан ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Бундай масалани ижобий ҳал қилишдан кўзланган асосий мақсад - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашдир.

Шундай экан, ҳар бир олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчисинингпедагогик фаолияти талабаларнинг ўқув жараёнларида келгусида етук ва малакали кадрлар бўлиб шаклланишида етакчи шахс ҳисобланади. Зеро, таълим-тарбия жараёнларида педагогик инновациялар тараққиётнинг талабигина бўлиб қолмай, балки осон билим олиш, қизиқиш билан ўзлаштириш даражасининг юксалиши, интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятни ошириш билан ҳам белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш вамодернизация қилишнинг энг муҳим шартидир” [1].

Таълим тизимида инновация ҳақидаги тушунчалар яқин даврларда пайдо бўлди, -деб бўлмайди. Чунки, маориф соҳасида инновацияга ҳар бир замон ва макон эҳтиёж сезган. Бунинг яққол мисолида ўз даврида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг янги шакллари устида бош қотирган педагогика тарихи намоёндалари Я.А.Коменский, Р.Штейнер, Л.С. Выготский, П.Я. Гальперин, А.Н.Леонтьев, Ш.Амонашвили, М.Беҳбудий, А.Авлоний, И.Гаспиралли ва бошқаларнинг педагогик фаолиятидаяққол кўриш мумкин.

Педагогик инновациянинг туб моҳиятида таълим-тарбиянинг ёш авлод онгига қай даражада самарали таъсир этиши ётади. Бу эса ўз навбатида ўқитувчининг таълим жараёнларида янгиликка интилишини, интерфаол усул ва услублардан моҳирона фойдалана олишини, турли инновацион технологиялар ва интерактив методлардан самарали фойдаланган ҳолда таълим тарбия таъсирчанлиги ва сифатини оширишга эришишни тақозо этади.

Таълим соҳасига инновацион технологияларнинг қўлланилиши таълим сифатини янада яхшилашга, самарадорликни оширишга хизмат қилади. Шундай экан, эндиликда таълим йўналишларида муҳим зарурият сифатидаюксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда қандай педагогик инновация қўллаш мумкин?

Бунинг учун педагог таълим тизимидаги педагогик инновацияларни қуйидагича таснифи билан таниш бўлиши лозим:

- фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги);
- киритилганўзгаришларнингтавсифигакўра (локал, модулли, тизимли);
- келибчиқишманбаигакўра (шу жамоаучуничкиёкиташқариданолинган).

Таълим-тарбиятизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидагиа сосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб

хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келса инновация деган тушунча шаклланади.

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Янги педагогик технологияларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани аниқ белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни реал мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни самарали амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбия жараёнларини самарали олиб борилишида унинг ютуқли хусусиятларини инобатга олиб, мазкур жараённи илмий асосда қуришга йўналтириш, тарбиялашнинг замонавий, ахборотли воситаларидан, дидактик ва кўрсатмали (фотосурат, видеотасвир) материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган тарбиячи ва тарбияланувчининг биргаликдаги фаолиятига замин яратиш зарур.

Бундан ташқари таълим-тарбия жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини педагогик жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълим-тарбияда ўқувчи ёшларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ўз устида ишлашга, ўз-ўзини тарбиялашга, хатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим ва тарбия жараёнида таълим олувчиобъектив дунёни идрок этувчи онгли ва фаол шахсга айланади.

Педагогик инновациялар ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан, интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар – таълим олувчи ва таълим берувчининг биргаликдаги фаолияти бўлиб, асосан ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва изланишга ундайди. Керакли хулосаларга келишни, улар ўзини таҳлил қилишни ва амалиётда қўллашни ўргатади.

Агар таълим муассасаларида ҳар бир педагог келажакда таълим тараққиётининг ҳаққоний ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, талаба ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир этувчи майдонига чиқса, юқорида кўзланган мақсадларга эришиш йўли анча қисқа кўринади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз тарбияда инновация янгиликлари сифатида қабул қилаётган – технологиялар имкониятларидан тўғри ва мақсадли, онгли равишда фойдалана олмайдиган, компьютер, интернет, уяли телефонга берилиб, турли ахборотлар, рекламалар, миллий қадрият ва ахлоқий мезонларимизга ёт бўлган “оммавий маданият” деб аталган бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётган ёшларимизни ҳам учратаётганимизни инкор эта олмаймиз.Бу масалани ҳам ечимини топиш бугунги илғор,

маҳоратли ва замон талабларига мос келадиган етук педагоглар зиммасига юкланмоқда. Бу каби муаммоларни педагоглар томонидан мунтазам ижобий ҳал этиб борилиши юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга замин яратади.

Ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб улғайишида инновацион ғоя ва техника ва технологияларнинг ўрни беқиёслиги, қолаверса, бу янгиликларнинг нафақат ёшлар онгига, балки уларнинг тафаккур тарзига кириб боришида ёш авлоднинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш ишларини назорат қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса ўрнида шуларни қайд этиш мумкин. Педагогик инновацияларни ўринли қўллаш қуйидаги натижаларни беради:

– таълимий - тарбиявий жараёнларга энг сўнги янгиликларни олиб кириб, ёшларга қизиқарли ва уни эҳтиёжига мос равишда ташкил этсагина, сифат ва самарадорликни кафолатлаши мумкин;

– таълим ва тарбиянинг асл моҳиятини билиш, англаш ва идрок этиш;

– кўрсатмали воситалар орқали педагогик жараёнларнинг таъсирчанлиги ва мазмуни жиҳатдан самарадорликка эришиш;

– кенг ва катта ҳажмли маълумотларни қисқа ва ихчам шаклда пухта ўзлаштириш;

– таълим жараёнларида турли чизмалар, матн, тасвир, овоз ва видеолавҳалар орқали ўқвчи ёшларни тасаввур ва идрок этиш кўламини кенгайтириш;

– тарбияда ўз-ўзини кузатиши, тўғрилаши, назорат қилиши учун имкониятларнинг мавжудлиги;

– таълим ва тарбия жараёнларини фаоллаштириш, ўз устида ишлаш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларнинг диққат эътиборини кучайтириш ва қизиқишларини ошириш;

– билим ва кўрсатмаларнинг узоқ муддат хотирада сақланишига эришиш;

– хусусан педагогик жараёнларда ҳар томонлама мукаммал педагогик маҳоратга эга бўлиш ва ҳоказоларга замин ҳозирлашни кўзда тутади.

Таълим ва тарбия инсон камолотида қўш қанот экан, унинг таъсирли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрлардан ҳар бир педагог ўзига тўғри хулоса чиқара олиши ва амалда тўғри қўллай билиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
2. Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент, 2008 йил.
3. Мациевский Г.О. Инновации и традиции в образовании. // Успехи современного естествознания. – 2010. – № 9. – С. 160-162.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ ЁНДАШУВ

М.Қ.Исмаилов, Г.М.Сатторова,
Термез давлат университети

*Ушбу мақолада муаллифлар томонидан бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш ва мазкур жараёнда уларнинг ёш индивидуал-хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *бошланғич синф, интерфаол ўқитиш, ўйин технологияси, ёш хусусиятлари, “7 қадам”.*

*В данной статье анализуется проблемы преммение преподавания разных методов в начальных классах англиского языка а также специфические особенности усвоения знания по предмету.*

***Ключевые словы:*** *началъные классы, возрастный аспекты, “7 шагов”*

*In this article it is given some information about using integrational methods in teaching pupils the*

*English language and their uniqueness according to the age in primery classes.*

***Key words:*** *primery classes, the act of teaching, the playing texnology, uniqueness to the age, "7 step".*

Биз ҳар томонлама ривожланган, маънавий ва маданий дунёси бой, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, замон талаблари билан ҳамнафас яшайдиган юрт ва келажак қуриш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу йўлнинг энг олий мақсади эса Ватан келажаги бўлган баркамол ёшларни камол топтиришни ташкил этади. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг сўзлари фикримиз тасдиғидир: " Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз" [2, 31-б.].

Мустақиллик йилларида давлатимиз дунёнинг етакчи мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий алоқаларни ўрнатди. Бу эса хорижий тилларни мукаммал биладиган кадрларга эҳтиёжни оширди. Қолаверса, замонавий кадрларнинг асосий хусусияти бир неча хорижий тилларни мукаммал билиш, ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўринишида тобора такомиллашиб бормоқда. Ёшларда айни шу хусусиятларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, таълим муассасаларининг моддий техник базаси яхшиланиши, турли тўгараклар ва танловларнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир.

2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги" Президент Қарори бу борада амалга оширилаётган ишларга қаратилган муҳим қадам бўлиб, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишни мақсад қилиб олди.

Бироқ, бу қарорнинг амалга оширилишида малакали педагог кадрларнинг ўрни катта. Зеро, "Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчиликдир. Ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир" [2, 93-б.]- дея таъкидлаб ўтадилар Биринчи Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият- енгилмас куч " асарларида.

Ҳозирги кунда бошланғич таълимда ўқитиш жараёнини интеграцион ва интерфаол ёндашув асосида ташкил этиш энг муҳим масалалардан бирилир. "*Интерфаол*" инглизча "*interact*" сўзидан олинган бўлиб, "икки томонлама алоқа, ўзаро таъсир кўрсатмоқ" деган маъноларни англатади. Бундан келиб чиқадики, таълим жараёнида билимлар икки томоннинг, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаоллиги асосида амалга оширилиши лозим. Ўқитувчи ўқитишни интерфаол ёндашув асосида ташкил этар экан, аввало билимларни ўзлаштиришнинг асосий бўғинлари ҳақида билиши лозим.

Билимларни ўзлаштириш жараёни тўртта асосий бўғинлардан ташкил топган:

1) ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотни идрок қилиш;

2) уни фаҳмлаб олиш ва тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;

3) билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;

4) ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш [ 3, 16-б.].

Хусусан, бошланғич синфларда чет тилларини, айнан инглиз тилини ўргатишда боланинг ёш хусусиятларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган мурғаккина ўқувчининг болалик ўйин кулгуларидан ортиб, мактаб тизимига мослашгунига қадар таълим тизимининг қай даражада қизиқарли ташкил этилиши бу жараённи ўз ўрнида тез ва самарали амалга оширилишига ёрдам беради. Аввало, ўқувчига

чет тилининг қайси ўринда ёки вақтда унга ёрдам беришини ёхуд тил ўрганиш унга қандай имкониятлар беришини тўғри тушунтира билиш илк қадам ҳисобланади. Бу йўналишда албатта ўқитувчининг зерикарли маърузалардан фойдаланиши, ҳаддан ортиқ қаттиққўлликка йўл қўйиши ноўрин. Бу ўринда кўплаб чет тилларини ўрганиб тарихда из қолдирган алломаларимиз тасвирлари ёки бугунги кунда шу бўйича турли ютуқларга эришаётган йигит- қизларнинг энг қувончли дақиқалари, болаларнинг интилишлари ва қизиқишларини орттира оладиган қисмларидан жамланган, энг муҳими уларда ҳавас туйғусини шаклллантиришга хизмат қиладиган жиҳатларини видео тасмалар орқали, эркин очиқ мулоқотлар орқали амалга оширишни кўп самара берадиган йўл сифатида тавсия этиш мумкин. Қуйида эса бошланғич синфларда чет тилларини ўқитишда қўллаш мумкин бўлган янги педагогик технологияларни тавсия этамиз. Биз эътиборимизни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қаратган холда усул ва воситаларни ўйин тарзидаги машғулотлар кўринишидан бошлаймиз. Машғулотларни эса "7 қадам" дея номладик. Негаки, тавсия этилаётган усуллардан навбатма- навбат ҳафта ёки ой кесимида мавзуларга мувофиқлаштириб қўллаш, ўқувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

1-қадам. "Ҳарфлардан товушларга" ўйини. Бунда ўқувчиларга алифбо ўргатиб бўлингач, ўқитувчи томонидан картон қоғозга барча ҳарфлар ёзиб тайёрлаб келинади. Ўқитувчи бирор ҳарфнинг ўқилишини талаффуз эца, ўқувчи қоғозлар орасидан қайси ҳарф эканлигини топиши лозим. Масалан, [еи] деб талаффуз эса, "Аа" ҳарфини тўғри топиб кўрсатиши лозим.

Эслатма: Бунда тайёрланган материалларнинг рангли, эътиборни тортадиган ёки турли суръатлар туширилган бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2-қадам. "Тўплам" ўйини. Бу ўйиндан бирор тўпламга оид (ўқув қуроллари, ҳайвонлар, ранглар) сўзлар ўргатилганидан сўнг уйга вазифани сўрашда фойдаланиш мумкин. Яъни, ўқитувчи томонидан тўплам номи эълон қилингач, ўқувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган расмлар орасидан шу тўпламга оидларини ажратиб топиб номини инглиз тилида тўғри талаффуз этиши керак. Бу эса расмлар воситасида янги сўзларни ўқувчилар ёдида тез ва осон сақланб қолишига кўмаклашади.

Эслатма: Расмлар орасида тўпламга яқин бўлган бошқа тўпламлардан ҳам суръатлар қўшилиши ўқувчи этиборини кўпроқ жалб этади.

3-қадам. "Мен санашни биламан!" ўйини. Бундан ўқувчиларга сонларни ўргатиб бўлгач машғулотни такрорлашда фойдаланиш ўринли. Қоғозга қуйидагича жадвал чизилади ва уларда ўқувчига таниш бирор сўз яширин бўлади. Ўқувчилар уни топиш учун катаклар ичига ёзилган сонларнинг бош ҳарфларини тўғри топишлари керак бўлади. Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| 100 | 8 | 9 |

Жавоби: 100 - hundred, 8 - eight, 9 - nine бўлса, "hen- товуқ" сўзи ҳосил бўлади.

Эслатма: Ўқувчилар ўз жавобларининг тўғрилигини ўқитувчидан эшитибгина қолмай, берилган жадвал ёнида елимлаб беркитиб қўйилган суръатни очиш орқали билсалар ўйин қизиқарли ва самарали тартибда амалга ошади.

4-қадам. "Қани? Қайси? Қаерда?" ўйини. Бунда ўтилган мавзу юзасидан берилган янги сўзларга оид предмет суръатини бўлакларга бўлган холда тескари қилиб ўқувчиларга тақдим этилади. Ўқувчидн эса шу суръатни тезкорлик билан тиклаш ва унда тасвирланган предмет номини инглиз тилида тўғри талаффуз этиш талаб этилади.

5-қадам. "Ким доно?" ўйини. Ўйин бевосита ўқувчиларнинг инглиз тилидаги сўзлашувни тушина олиш қобилиятларини ривожлантирган холда, улардаги зеҳн ва эслаб қолиш хусусиятларни оширади. Бу ўйинда ўқувчиларга магнитафон орқали матн эшиттирилади. Матн тугагач, ўқувчилар эшитган матнларидаги эслаб қолган сўзларни айтиб беришлари керак бўлади.

Эслатма: магнит тасмадаги ёзув ўқувчи имкониятидан келиб чиққан ҳолда, унга таниш сўзлардан иборат бўлиши лозим.

6-қадам. “Суръат сири” ўйини. Бу ўйинда ўқувчилар қўлига кўп суръатлар берилади ва суръатларни кўздан кечириб, уларни инглиз тилида санаш сўралади. Саналган расмларни олгач эса, улардан эслаб қолган суръатлари номини тўғри талаффуз этиб бериш талаб этилади. Ким кўп суръатни эслаб қолган бўлса демак, у ғолиб.

Эслатма: Ўйин аввалида ўйиннинг иккинчи шарти айтилмаслиги керак, шунда ўқувчилр учун қизиқарлироқ бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай ўйинларни ташкил этиш пайтида ўтитувчи ўз эътиборини эслаб қолиш қобилияти бироз сустроқ ўқувчиларга кўпроқ қаратиши лозим. Масалан, суръатларни уйга вазифа сифатида бериб юбориб, бу машқни уйда мустақил бажаришга ундаши мумкин.

7-қадам. “Янги дунё” ўйини. Бу ўйин кўпроқ толиқтирадиган машқлар бажарилгандан сўнг қўлланилса, яхши самара беради. Бунда бир ўқувчидан бирор ҳайвонга тақлид этиб беришни, қолган ўқувчилардан эса ҳайвон номини тўғри топиб, уни инглиз тилида талаффуз этиш сўралади.

Шундай қилиб, тавсия этилаётган усул ва воситаларнинг барчасидан унумли ва ўз ўрнида фойдалана олишгина яхши самара беради.

Дарҳақиқат, Ватан келажаги бўлган ёшларнинг хар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари уларнинг қай даражада таълим-тарбия олишларига боғлиқдир. Мана шу мақсадда олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда аҳамиятлидир. Таълимнинг илк босқичи мактабда бошланар экан, ҳар соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш хам ана шу даргоҳда шаклланади. Тавсия этилаётган бу усул ва воситаларда эса, инглиз тилини ўргатишга қўйиладиган илк ва энг аҳамиятли қадам сифатини оширишга қаратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон” 2008 й. 93 б.
2. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. - 2016 й. - 31 б.
3. Калдибекова А. ва Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари. Услубий қўлланма, Тошкент – 2006. - 16 б.


## USING NEW PEDAGOGIC-TECHNOLOGIES AND MULTIMEDIA METHODS IN CONTINUOUS EDUCATION


N.Xodjayeva,
Andijon state university



*Таълимда инновацион технологиялар ва техник воситалардан фойдаланиш таълим самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириб, талаба-ёшларнинг ўқув мотивини ўстиради.*

***Калит сўзлар:*** *режиссёр, мультимедиа,ижодкор, метод.*

*В статье освещается роль педогогических технологий и мультимедийных средств в повышение эффективности урока.*

***Ключевые слова:*** *режиссер, мультимедиа, создатель, метод.*

*In this article mentions the role of pedagogical technologies and multimedia in increasing the effectiveness of the lesson.*

***Key words:*** *director, multimedia, creator, method.*


The implementation of the National Program of Personnel Training encompasses the structure and content of the continuing education system radically based on modern science and social experience. For this purpose, first of all, it is necessary to ensure that the educational process in all forms of education system is implemented in a new and up-to-date methodology based on scientific, methodological approach [1].

One of the most pressing problems facing the modern education system is the efficient use of science, technology and advanced technology achievements in terms of goals, objectives, content, and methodological requirements of the younger generation.

Effective use of information technology is crucial to achieving a common approach to co-operation in educational institutions of the country. For this purpose, we need to focus on equipping the material and technical basis of the education system with modern computers, raising them to a qualitatively new level and developing their information and educational environment.

New pedagogical technologies, innovations, new pedagogical-psychological concepts, interactive techniques used by the instructor, and radically changed the content of education, are rapidly changing in the education system. A modern teacher should understand that in the course of the lesson, there should be a "director" rather than an actor. He needs to develop his own students' vision of creativity, formulate their research skills and, of course, create a lesson using new pedagogical techniques. To do this, we need to have a good understanding of the new methods of teaching. We need to increase the students' vocabulary, increase their readiness, interest in artistic and scientific literature, and their awareness of secular and religious sciences.

Interactive methods include the goal of achieving high results in a short time without excessive physical and physical effort. Throughout the course, the student needs theoretical knowledge to gain the skills and abilities that he / she is able to work on, and how he / she develops his / her spiritual qualities, supervises and evaluates the students' knowledge [2].

Some pedagogical tools that can be used by the teacher in this regard: Identify the degree of thinking of the student, depending on the student's question. A teacher alternative creates an environment that enhances learners' attributes through creativity, exploration, comparison, similarity, and distinction in the classroom. Together with questions, she also develops her ability to create questions that are thought-provoking. Interactive methods and methods include: brainstorming, clusters, independent postings, Wenndiagrams, motion tweens, mutual learning, questions to the author, insert, discussion, debate, joint research, argumentative essay and so on.

These methods are mainly used in the phases of the classroom (call, understanding, thinking) and instructors in each of them. These methods and methods not only teach the reader to develop communicative skills, emotional connectivity among students, solve problems, work in the group, listen to others' thoughts and express his / her opinion, but rely on self-confidence, knowledge.

Today, the effective utilization of achievements in science, technology and technology requires continuous development of the educational system and culture. At present, all educational institutions are equipped with modern computer and telecommunication technologies. Indeed, the content and quality of education is becoming an urgent issue today.

The results of the practical lessons learned through multimedia presentations show that this kind of teaching process doubles the efficiency of learners' learning.




The use of educational-technical equipment in the educational process has a new and higher level, which improves the efficiency of teaching and learning. The multimedia tools in the

curriculum are the most comprehensive of visual aids, and the lessons they teach are useful and effective.

During the lesson the teacher is the main person. However, the teacher's vocabulary is insufficient for completing the lesson, which makes it more efficient to use multimedia tools, that is, following the wisdom of the popular saying: "It is better to see one hundred times." As it turns out, a quarter of the information we have heard is 25%, and the ability to store and visualize the information is 35 to 70 percent larger than our video material. It is also reported that the content of these programs is increased by 70-95 percent in the case of audio, video and graphics.

Independent thinking of young people with high moral, intellectual potential, independent and independent thinking, use of pedagogical innovations in the formation of creativity, based on an integrated process, organizing a teaching process using interactive methods helps to improve the quality of education.

Today, it is becoming increasingly important for all students in all educational institutions to fully master, master and apply computer and information technology. Particularly, connecting subjects in the course of the lesson will be easier to understand and master the subject.

Any innovation, project, and production network of the science industry can not be overcome without complicated matters. Numerous modern and universal integrated systems are being developed, in order to facilitate such calculations. The package of applications includes a wide range of software developments designed to enhance the practical application of computers by utilizing practical and structured software. In direct communication with modern computer and information technology, students can see and realize computer technology as a means of solving practical issues, and in the future they will be able to use it in their practical work. At the same time, the interest of students in new information technologies and their software tools will change dramatically. This, in turn, allows students to have a deeper knowledge of not only informatics, but also computer and information technology.

In conclusion, the new method and computer technologies play a crucial role in increasing the quality and effectiveness of continuous education. Therefore, it is expedient to use innovative technologies in achieving positive results in the educational process.

**List of used literature:**

1. Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: “Маънавият”, 2008. - 152 б.
2. Йулдошев Ж. Янги педагогик технология. – Тошкент, 2003. - 22-23 б.
3. Обиддинов А. Янги педагогик технология таълимни ривожлантирувчи омил. - “Маърифат”, 2000. - № 15. - 9 б.

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БАДИИЙ САНЪАТНИНГ ЎҚИТИЛИШИ

Ҳ.А.Асланова,
Самарқанд давлат университети

*Мақолада таълим тизимининг янги технологиялари асосида бадиий санъатларнинг ўқитиш усуллари ёритилади. Унда XIV аср намояндаларидан бири Гадоий ижодида бадиий санъатларнинг қўлланилиши ҳақида сўз юритилади. Маънавий санъатларнинг тарбиявий аҳамияти ва ижодкорнинг сўз қўллашдаги бадиий маҳорати таҳлили баён этилади. Ташбиҳларнинг китобхон психологиясига таъсири ва бадиий санъатларни узлуксиз таълимда ўрганилиши ёритиб берилади.*

***Калит сўзлар**: ғазал, бадиий санъатлар, ўхшатиш, таҳлил методи.*

*В статье рассматриваются методы обучения художественного искусства на основе новых технологий системы образования, а также использование искусства в деятельности Гадои, одного из представителей XIV века образовательного значения духовного искусства и художественного мастерства художественного выражения художника. Он определяет влияние сравнения на психологию читателей и изучение литературного искусства в непрерывном образовании.*

***Ключевые слова**: газель, художественное искусство, сравнение, методы анализа.*

*The article deals with the methods of teaching fine art using new technologies of education system as well as art in Gadoi's activity, one of the XIV century representatives of the educational significance of spiritual art and the artistic skill of the artist's artistic expression. It defines the impact of similes on readers' psychology and the study of literary art in continuous education.*
***Key words:*** *gazelle, fine art, simile, analyzing methods.*

Шеър илми ва унинг ифодаси кенг кўламда тадқиқ этилилиб келинаётган соҳалардан биридир. Бадиий санъатлар ижодкорларнинг шеъриятида нафис чизгиларда ўз аксини топади. Мумтоз адабиётнинг назарий қўлланмаси дастлаб араб ва форсийларда пайдо бўлган, кейинчалик XIV асрларда эса, туркийларда Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (“Етуклик илмлари”) асари илм майдонига келган. “Илгари ўтган адабиётшунос олимлар адабиёт назарияси бўйича китоб ёзганларида кўпинча бир – ё шеър турлари, ёки вазн, ёки бадиий санъат масаласига тўхталганлар ёки бирор шеърий жанр хусусиятларини ёритиб берганлар. Шайх Аҳмад эса, бу соҳада мукаммал бир қўлланма яратишни ўз “рисола”сида назарий масалаларининг барчасини ёритиб, таҳлил қилиб беришини ният қилади, токи уни ўқиган кишилар назариядан мумкин қадар тўла маълумот ва фойда олсин” [3. 71-б]. Айнан шу асарнинг учинчи қисми илми бадеъ яъни шеърий санъатларга бағишланган. Асарда бадиий санъатнинг назарий маълумотлари ўша давр ижодкорлари намуналари мисолида асосланган. “Фунун ул-балоға” ўзбек тилидаги адабиётнинг назарий масалалари бўйича илк мукаммал қўлланма. Бу каби назариялар Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Мухтасар”ларида ҳам тўлиқ шарҳланган. Асарларда албатта, илми бадеъ назарияси ёритилиб, ғазаллар билан далилланади. Юқоридаги асарларда келтирилган тамойил ва талаблар асосида кўплаб ижодкорлар ғазалиёти тадқиқ этилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда эса, таълим технологиялари асосида ёритиш, асослаш ҳар соҳанинг инновацион ғояларида ифодаланиш билан аҳамиятлидир.

Жумладан, Гадоий шеъриятида ҳам сўз санъати намуналари ўзига хос тарзда ёзилгандир. Шоир ижодидан кўпроқ ошиқона руҳдаги ғазаллар ўрин олган. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари, тасвир объектининг сифатлари, бу икки қутбнинг бирлашиши ифодаланади. Айтиш мумкинки, бу ошиқона ғазаллар мотивини тасаввуф эгаллайди. Шу боис ҳам ғазалиёт маъно-муносабатига кўра илоҳий ва мажозий ошиқликни тараннум этувчи шеърларга бўлинади. XV аср шеъриятига хос: ғазал таркибининг шакл ва мазмуни бир-бирига қоришиб, ҳам Оллоҳга, ҳам ер гўзалига бағишланган бир ғазалнинг муштараклиги Гадоий ижодида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса, шоирнинг ижодий моҳирилигини белгиловчи омилдир. Қолаверса, «Гадоий ижодида ишқ фақат гўзал маъшуқага эмас, балки бутун табиат ва инсонга, ватанга жамият ва ундаги кишиларга ҳамда уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати сифатида талқин этилганлиги билан ажралиб туради» [1. 56-б]. Гадоий шундай ғазалларида поэтик санъатларни ниҳоятда нозик сўз сеҳри билан яратганки, улар орқали Гадоийнинг нақадар нозиктаъб ижодкор эканлигини англаш мумкин. Лирик маҳорат шоирнинг «мен»и орқали намоён бўлади. Шу боис ҳам Гадоийнинг поэтик услуби даврга нисбатан анъанавий ва айни пайтда индивидуал йўналишга эга.

Гадоий ижодида тасвир объектига нисбатан ўхшатиш санъати етакчи ўринда туради. Уларнинг ҳам ўзига хос истиора, ташбиҳ турлари борки, сўз санъати воситасида бетакрор жилоланади. Гадоийда ҳам мумтоз анъаларга мувофиқ:

Лаб-лаълга;
Соч-сунбулга;
Тиш-дурга;
Кўз-чўлпонга;
Қад-сарвга;
Юз-ойга, гулга;
Зулф-анбарга;
Қош-ҳилолга ўхшатилади.

Гадоий шеъриятида бадиий санъатларнинг бир қатор намуналарини беқиёс

ифодасини кўриш мумкин. Жумладан, маъшуқа образининг ошиқ қалб эгаси талқинида ҳусн тавсифларини берадики, айниқса ташбиҳ санъатининг латиф баёнини ўқиймиз. Ташбиҳлар турлича маънолар англатиши мумкин.

Эй сочлари сунбул, юзи гул, бўйи санавбар,

Ширин дудоқинг қулларидур шаҳд ила шаккар [2. 123-б].

(Сочлари сунбул, юзлари гулдек ва қомати тик, лаблари тотлидир. Чунки, лабларнинг ширинлигига сабаб шакар ва асал унинг қулларидир)

Ушбу байтда сочлар – сунбулга, юзлар гулга ва қадди-қомат тик – кўркамликка ўхшатилиши анъанавийликдир. Аммо, маъшуқанинг ширинсуханлигига унинг лабларидаги асал ва шакар қуллари борлигига ишора этилиши ноанъанавий тасвирдир. Ўхшатиш санъати намуналари соч ҳақида алоҳида маъно нозиклигида ифодаланганлигини кўришимиз мумкин. Бу ташбиҳлар диярли унинг муаттар ҳид билан боғланганлигини таърифу тавсифини келтиради:

Ҳар гаҳ юрусанг ноз ила, жонимга тегарлар,

Ул қомати раъно ила ул зулфи муанбар [2. 126-б].

(Назокат билан юриши, қомати кўркам, малакнинг сочларидан хушбўйлик таралади ва у менга етиб келади).

Ғазалда ҳусн таровати васф этилади. Ижодкор маъшуқанинг ташқи портретини энг сара сўзлар билан ифодалайди. Байт мазмунидан лирик қаҳрамон ҳолатининг баён этилиши ва санамга мурожаат шаклларини англаш мумкин.

Ғолибо сен сунбулингни тарадинг, эй жон, бу кун,

Ким насими субҳдамдин анбари тар сочилур [2. 128-б].

(Эй малак, эрта тонгда сен сочларингни тарадинг, ундан таралаётган ёқимли ҳид ҳар томонга сочилиб кетаяпти)

Гадоий ошиқона ғазалларида ёр нафосатини образли ва воқеабанд қилиб баён этади. Бу байтда лаффу-нашр санъатини қўллаганини кўришимиз мумкин. Лаффу-нашр – бу санъатда шоир шеъри таркибида бир-бир придметларни санаш оҳангида келтиради ва кейинги мисрада эса, уларга хос ташбиҳ ёки ҳаракатлар билан тасвирлайди. “Йиғиш ва ёйиш – маъносини ифодаловчи ушбу санъат шеър байтининг биринчи мисрасида бир неча нарса ёки тушунча номини кетма-кет келтириб, иккичи мисрада ҳар бири ҳақидаги ҳукмларни, уларнинг сифатларини баён қилишни назарда тутади” [3. 33-б].

Мундин ортуққим, қаро зулфина иқрор айлади,

Эй мусулмонлар, Худой учунки, такфирим недур? [2. 130-б].

(Қаро сочларинг мени сенга ошиқ қилди. Эй мусулмонлар, Оллоҳ йўлида ошиқ бўлдим, фикрларим тарқоқ бўлиб кетди, энди не қиламан?)

Байтда соч – қора зулф тарзда ифодаланган. Ишққа гирифтор бўлиш азоб ва қора тунга тенгдир. Чунки, ошиқ ишқ мақомига кўтарилишида мушкулотларда тобланиши талаб этилади. Ғазалда ҳам айнан ошиқнинг ҳол-аҳволи баён қилинади.

Сочнинг узунлиги таъриф этилган байт борки, Гадоийнинг автобиографиясига факт бўлиб хизмат қилади:

Ул қаро зулфунг санинг умри дарозимдур манинг,

Неча қилғайсен киши умрини мундоқ поймол [2. 153-б].

(Сенинг узун ва қора сочларинг худди менинг умрим каби узундир. Менга нописанд бўдмагин).

Маълумки, Гадоийнинг таваллуд топган ва вафот этган саналари аниқ эмас. Ушбу байтда сочга ташбиҳи орқали Гадоийнинг узоқ умр кўрганлигини англаш мумкин. Мумтоз адабиётимизда сочнинг муаттар бўлишлиги қора соч, мушк деган номланиш билан боғлиқ бўлиб, мушкнинг қора эканлиги ва у ўзидан хушбўй ҳид таратишлигига ишорадир. Қолаверса, ёрнинг гўзаллигини васф этувчи одатий ўхшатишлардан кенг фойдаланганлигини гувоҳи бўламиз. Шу ўринда айтиш керакки, Гадоий ёрнинг ташқи портретини ниҳоятда аниқ, равшан шунинг билан бирга анъанавий йўсинда тасвир этади.

Қолаверса, Гадоий ёрнинг гўзаллигини шу қадар муболағали мақтов сўзлар билан

таърифлайдики, ҳатто маъшуқанинг шахс эканлигини шубҳа билан қаламга олади, уни инсон атагувчиларни қоралайди:

Ушул парий на нарий малойил сифатли ҳур бўлур,
Ки, гар башар деса ани киши қусур бўлур [2. 136-б].

(Ёрнинг сифатларини кўриб уни "инсон" дейишлигимиз хатодир. У ҳур ёки фаришта мисолидир).

Ёрнинг жонбахш этувчи хусусияти ошиқнинг унга доимий муштоқ бўлиб туришлигини, унга интилишлигини, унинг билан бирга бўлишлик орзусини ифодаланади. Гадоий тўртликларида ҳам худди шундай тушунча англашилади:

(Агар) қилсам шаккан ирнингдин савол,
Мен Гадоға лутфи бирла келма дер.
Чун борур бўлсам ёвуқроқ қошиға,
Шум рақиби беҳақиқат келма дер [2. 203-б].

Маъшуқанинг лаби ундан бўса олиши мумкинлигини айтиб таклиф этса, ошиқ борсаю «шум рақиби»дан рад жавобини олишлиги тажнис санъати билан ифодалангандир. Ғазалларда учрайдиган «шум рақиб» борки, у ошиқнинг аҳволотини баён қилиб, Гадоий интоқ санъати намунасини нафис ёзганлигини гувоҳи бўламиз.

Гадоийнинг ижодий маҳсуллари бадиий санъатларнинг сержилолиги билан ҳам ўқувчининг дилидан жой олади. Қолаверса, сўз қўллаш маҳорати билан муаллиф ўзининг ички ҳиссиётларини ошкор этади. Мухтасар хуласа қилганда, Гадоийнинг ижодий мероси илми бадеънинг мажмуидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Аҳмадхужаев. Гадоий (Ҳаёти ва ижодий мероси). - Т.; «Фан», 1978, 56-б.
2. Рустамов М. Галоий девонининг луғати ва матни. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат музейи таҳрир бўлими. - Т., 2007.
3. Ҳайитметов А. "Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма". 2002 й, №1.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати, "Янги аср авлоди", Тошкент, 2008 й, 33-б.


## ЎҚУВЧИЛАР САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАҲОЛАШДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


Д.Мансурова,
Самарқанд давлат университети, магистр



*Ушбу мақолада ўқувчилар ёзма саводхонлигини, жумладан диктант ёзиш самарадорлигини компютер орқали амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатишга бағишланган. Шу билан бирга ёзма ишни баҳолашда холисликни таъминлаш масалалари ҳам ёритилган.*

***Калит сўзлар:** ёзма иш, диктант, самарадорлик, компютер, баҳолаш, хато, натижа.*

*В данном стаьте освещена эффект письменного работа, в том числе ровеписание диктанта с помощю компютера. А также освященно обеспечение объективно оценивавние письменого работа.*

***Ключевые слова**: письменная работа, диктант, эффект, компьютер, оценивание, ошибка, результат.*

*This article is devotet to the written literacy of the students including writing dictation and chicking them with the help of the objektine assessment of the writtin work.*

***Key words**: written work, dictation, effectiveness, computer, assessment mistake, resnet.*


Мамлакатимиздаги таълим ислоҳотлари асосан Ўзбекистонда ҳуқуқий ва демократик давлат қуриш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, халқимизга фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш энг авволо ижтимоий – иқтисодий ислоҳотларнинг изчил ва тизимли равишда амалга

ошишига боғлиқдир. Мамлакатимиздаги бугунги таълим ислоҳотлари натижасида таълим жараёнига ахборот-коммуникацион ва илғор педагогик технологияларнинг татбиқ этилиши, замонавий ўқув-методик таъминотнинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан таъминланишига асос бўлмоқда. Умумий ўрта таълим тизимидаги ўқув дастурлар ва ўқув машғулотлар мазмунини дидактик жиҳатдан модернизациялаш ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмалар билан қуроллантиришга замин яратади. Зеро, Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз. Шу нуқтаи назардан таълим жараёнига инновацион ғояларни тадбиқ қилиш бораборида дидактик жараёнларни такомиллаштириш ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда интеллектуал - маънавий ривожланган шахсни тарбиялаш, таълим мазмуни ва унинг пировард натижалари, ўқувчиларнинг малака талабларини эгаллаганлик даражасини тизимли баҳолаш билан белгиланади. Баҳолаш ўқув жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади, унинг ёрдамида таълим жараёнида ё`л қўйилган камчиликларни тузатиш, унинг натижаларини яхшилаш ҳамда ўқувчилар интеллектуал-маънавий даражаси ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчининг ўқув фаолияти натижасини баҳолаш унинг хато ва камчиликларини эътироф этиши, тушуниши ва ушбу камчиликларни ўз кучи билан бартараф этишига имконият яратади. Ўқувчининг ўқув фаолияти натижасини баҳолаш, ўқувчининг келажакда бажариши лозим бўлган стратегик мақсадларини аниқлаштиради ҳамда баҳо ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини кузатиш ва уларнинг интеллектуал-маънавий даражаси ривожланишининг истиқболларини режалаштиради. Бу эса, ўқувчиларни интеллектуал-маънавий тараққиёт сари йўллайди. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сонли фармонида умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3180-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 -йил 6-апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида ушбу устивор вазифани изчил амалга ошириш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда, ушбу ўринда эса таълим сифати ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси билан характерланади, ўқув материалларининг ўзлаштириш даражаси эса баҳолаш орқали амалга оширилади [1,10-11-б].

Баҳолаш деганда таълим жараёнида ўқувчи олдига қўйилган вазифаларни ўқув предметлари бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари билан солиштириш орқали эришилган интеллектуал - маънавий даражасини аниқлаш тушунилади. Баҳолашда ўқувчининг билими, кўникмаси, малакаси ва компетециялари аниқланади. Баҳолаш ўқув жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Унинг ёрдамида таълим жараёнида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, унинг натижаларини яхшилаш ҳамда ўқувчиларни интеллектуал-маънавий ривожлантириш имкониятлари вужудга келади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқитувчилар ва ота-оналар ўқувчилари ҳамда фарзандларини интеллектуал-маънавий ривожлантиришда баҳонинг дидактик имкониятларидан етарлича хабардор эмаслар. Ўқувчининг ўқув фаолиятини баҳолаш уни интеллектуал-маънавий ривожлантириш ва педагогик қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан ёндашилганда ўқув жараёнининг барча босқичларида ниҳоятда зарурдир. Шу билан бир қаторда, баҳо ўқувчини рағбатлантирувчи ва уни интеллектуал-маънавий

ривожлантиришни таъминловчи кучга ҳам эга.

Педагогикада муҳим дидактик воситалардан бири бўлган баҳо ва баҳолаш тизимлари бир қатор педагог ва психолог олимлар томонидан тадқиқ қилинган, баҳо ва унинг таълим жараёнидаги аҳамияти муаммоси Р.Сафарова, У.Мусаев, Г.Алимова, Г.Ҳасановалар томонидан ўрганилган. Ушбу мутахассислар томонидан баҳолаш технологияси, баҳо воситасида ўқувчи фаолияти ва бутун таълим жараёнини эркинлаштириш мумкинлиги татқиқ қилинган. Б.Г.Ананев, Е.А.Серебрякова, Л.И.Божович, Н.Г.Морозова, Л.С.Славина, А.К.Маркова, Т.А.Матис, А.Б.Орлов, Л.И.Божович, А.И.Липкина, Л.А.Рибак, О.А.Белорикина каби олимлар баҳолашни ўқув фаолиятининг майли сифатида, ўқувчини ўз-ўзини баҳолашига кўрсатадиган таъсирини назарий жиҳатдан асослашга, педагогик баҳолаш ва унинг вазифаларини аниқлашга ҳамда баҳолашнинг обективлиги масаласини ёритишга ҳаракат қилганлар. Улар ўқув фаолиятини баҳолаш компотенти мазкур жараённи тузатиш ва такомиллаштиришнинг ўзига хосликлари ўрганилган. Бироқ, баҳолашга оид ёндашувларнинг турли-туманлигига қарамасдан, ўқувчилар интеллектуал-маънавий даражаси ривожланишида баҳонинг дидактик имкониятлари махсус диссертатсион тадқиқот сифатида мутахассисларнинг эътиборини жалб қилмаганлигини таъкидлаш лозим [2, 16-б].

Умумтаълим мактабларида ижодий тафаккур соҳибларини етиштириб бериш вазифаси она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари зиммасига юклатилади. Бунда ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук бўлиб етишишларида уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини адабий меъёр тамойиллари асосида шакллантириш вазифаси ўта муҳимлиги билан долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўқувчилар ёзма нутқини шакллантириш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, умумтаълим тизимида муҳим жиҳат ҳисобланади. У саводхонлик, ижодийлик. фикрни аниқ баён эта олиш, қисқалик, тушунарлилик, тиниш белгиларини тўғри ишлата билиш сингариларни ўз ичига қамраб олади. Ёзма нутқни шакллантиришда диктантнинг роли жуда катта бўлиб, у ўқувчиларга бошланғич синфларданоқ ўргатиб борилади. Чунки уни ўтказиш ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини оширишга қаратилган муҳим ёзма ишлардан бири ҳисобланади. Уни ўтказишнинг самарадорлигини янада оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Назорат диктантларини ўтказишда ахборот технологияларининг муҳим воситаси бўлган компютердан фойдаланиш дарсда вақт тежамкорлигига саводхонликнинг юқори даражада бўлишига ёрдам беради. Жумладан компютердан фойдаланиш жараёни ҳам ўқувчиларни билимини баҳолашни, ҳам уларнинг саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади [3,27-28-б].

“Компютер диктант” қуйидагича ташкил этилади. Мазкур топшириқ шарти бўйича ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи томонидан ўқиб туриладиган топшириқ мавзусига оид матн, ҳикматли сўз, қоида ёки шеърни компютернинг матн муҳаррирларидан фойдаланиб компютерда ёзади. Хатоларни тузатиш учун бир дақиқа вақт берилади. Бу шартда диктантни ёзишда ё`л қўйилган ҳар бир хато(нуқта ёки вергулни қўймасдан кетиш ёки ортиқча қўйиш, ҳарфларни ёзмасдан кетиш ёки ортиқча ёзиш, катта ҳарфни кичик ҳарф билан ё аксинча кичик ҳарфни катта ҳарф билан ёзиш ва ҳакозалар) 1 балл билан баҳоланади ва шу балл гуруҳнинг умумий балидан айириб ташланади.

“Компютерда тез ёзиш” топшириғи шартида гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этадилар. Машқнинг шартига кўра гуруҳнинг ҳар бир аъзоси компютерда навбатма-навбат биттадан берилган мавзуга оид сўз ёзиб, яна ўз ўрнини эгаллайди. Бу жараён то ўйин учун ажратилган вақт(3-4 дақиқа) тугагунча давом эттирилади. Хато ёзилган сўзлар имло хатоси бўлса ҳам ҳисобга олинмайди. Сўзлар орасида вергул қўйилиши шарт. Ишни текшириш учун охирида гуруҳ сардорига бир дақиқа вақт берилади. (Гуруҳ сардори бу вақтни қўшимча сўзлар ёзиш учун фойдаланиши мумкин). Сўзлар ёзиб бўлингандан сўнг ўқитувчи томонидан тўғри ва бехато ёзилган сўзлар сони аниқланади. Тўғри деб топилган сўзлар аниқ бўлгандан кейин гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ўқитувчи ана шу ёзилган сўзлар орасидан биттадан ихтиёрий сўзни танлаб ўқийди ва шу сўзни шарҳлаб беришни сўрайди.

Агар гуруҳнинг ҳар бир аъзоси унга таклиф этилган сўзни тўғри шарҳлаб берса, тўғри ёзилган сўзларнинг ҳар бири 1 баллга айланади ва гуруҳнинг умумий балига (масалан, тўғри ёзилган сўзлар сони 30 та бўлса, гуруҳнинг умумий балига 30 балл) қўшиб қўйилади. Агар гуруҳ аъзоларидан бирортаси таклиф этилган сўзларни шарҳлай олмаса, у ҳолда гуруҳ аъзолари ёзган ва тўғри деб топилган сўзлар миқдори ана шу нотўғри шарҳлар сонига (бизнинг машқда 2 га) бўлинади ва ҳосил бўлинган бўлинма баллга айлантирилади(бизнинг машқда 30:2=15 балл) ва гуруҳнинг умумий балига қўшиб қўйилади. Дарс сўнгида умумий баллар жамланиб, гуруҳлар рағбатлантрилади.

Ўқув материалларини компьютерга киритишда ўқувчиларнинг аниқ имкониятлари ҳамда ёш хусусиятларини инобатга олиб, соддалаштириш ёки мураккаблаштириш имконияти мавжудлигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ёзма ишларни, жумладан диктантни компютер технологияларидан фойдаланиб ташкил этишнинг қуйидаги афзаллик томонлари мавжуд:

- ўқитувчи нафақат ўз билимларини янгилайди, балки назарий билимларини ҳам орттириш имкониятига эга бўлади;
- ўқитувчилар учун вақтни тежайди;
- ўқувчилар ўзига хос бўлган камчиликларини аниқлайди;
- сўзларнинг изоҳини аниқлайди;
- дарс давомида уларнинг ўз-ўзини бошқарувига имконият яратилади;
- ўқувчиларнинг ёзма иши натижаси тезда аниқланади;0
- ўқувчилар билими ошкора ва холисона баҳоланишига эришилади.

Хуллас, бугунги глобаллашув жараёнида таълимда, жумладан, ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини оширишда ва уларнинг билимини холисона баҳолашда компютер технологияларидан фойдаланиш яхши самара бериши, шубҳасиздир. Шу боис ҳар бир педагог ўз фаолиятини бугунги ахборотлашув жараёнига хос инновациянинг сўнгги ютуқларидан фойдаланишган ҳолда ташкил этишлари лозим бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т.: 2017.
2. Эшмуҳаммедов Р., Юлдошев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т.: Шарқ, 2013.
3. Рахимов А. Компютер лингвистикаси асослари. Т.: Академ нашри, 2011.


## ТАЪЛИМ ШАРТНОМА ТЎЛОВЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МУДДАТ ВА КЕЧИКИШ ШАРОИТЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРИШ ТИЗИМИ


А.Ахатов,
Самарқанд давлат университети, т.ф.д., профессор,
Ф.М.Назаров,
Самарқанд давлат университети



*Мазкур ишда олий таълим шартнома тўловларининг чекланган муддат ва кечикиш шароитлари кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш асосида бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган. Олий таълим муассасасилари шартнома тўлов жараёнларини мониторинг қилиш автоматлаштирилган тизимнинг имкониятлари ва вазифалари аниқланган.*



***Калит сўзлар:*** *стратегия, автоматлаштирилган тизим, мониторинг, чекланган муддат, кечикиш, администратор, меҳмон, шартнома тўлов.*



*Исследованы вопросы повышения эффективности управления на основе автоматизации мониторинга и обработки показателей оплаты образовательных контрактов в условиях ограничений и запаздывания. Определены возможности и задачи автоматизированной системы*

*мониторинга оплаты образовательных контрактов в высших учебных заведениях.*
***Ключевые слова:*** *стратегия, автоматизированная система, мониторинг, условия ограниченности сроков, запаздывание, администратор, гость, оплата по контракту.*
*The problems of improving management efficiency are studied on the basis of automation of monitoring and processing of indicators of payment of educational contracts in conditions of constraints and delays. The possibilities and tasks of the automated system for monitoring the payment of educational contracts in higher education institutions are defined.*
***Keywords:*** *strategy, automated system, monitoring, conditions of limited time, delay, administrator, guest, contract payment.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди[1]. Унда белгиланган вазифалар сирасида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ҳам алоҳида кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимидаги бошқарув жараёнларни компьютерлар ёрдамида автоматлаштириш усулларини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [1]. Жамиятнинг барча соҳалари жадаллик билан ривожланаётган бир вақтда ахборот технологиялари ҳам барча соҳаларга жадаллик билан кириб бормоқда. [2]. Бугунги кунда маълумотлар оқимининг кўплиги туфайли уларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш муоммоси ҳам ортиб бормоқда. Маълумотлар оқимининг кўплиги туфайли уларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш учун маълум бир соҳага оид муаммони ҳал қиладиган автоматлаштирилган тизимлар яратиш таълаб этилади [3].

Олий таълим муассасаси талабаларининг шартнома тўлов жараёнларини чекланган муддатда амалга ошириш керак, лекин унинг ижроси кечикиш ҳолатларида таъминланиши ҳам ўчрайди. Шартнома тўлов жараёнлари мониторингини автоматлаштириш ҳисобига кечикиш муддатларини минималлаштиришга эришса бўлади. Бунда мавжуд маълумотларни автоматик қайта ишлаш натижасида тўлов муддатлари ва миқдорларини башоратлаш, башоратланган маълумотлар асосида муддатлар ва миқдорларни оптимал равишда белгилаш, яъни тўлов жараёнлари самарадорлигини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Кўп ҳолатларда олий таълим муассасаларида талабаларнинг шартнома тўлов мониторингини маълум бир маълумотлар базасини бошқариш тизимларида амалга оширилмоқда, лекин бу тизимларда статистик маълумотларни таҳлил қилиш имкониятлари мавжуд эмас [1]. Ҳозирги вақтда Республикамизнинг олий таълим муассасалари талабаларнинг шартнома тўлов жараёнларини босқичма босқич бюджед ташкилотларининг молиявий амалиётлари учун яратилган “УзАСБО” тизимига ўтказиб бормоқда. Аммо “УзАСБО” тизими таркибида тармоқ орқали нафақат ихтиёрий фойдаланувчи балки мутасадди ходимлар ҳам (факултет декани ёки гуруҳ мураббийлари ва бошқ.) ўзининг фаолиятига тегишли талабаларнинг тўлов ҳолатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш имконияти мавжуд эмас. “УзАСБО” тизимидан олий таълим муассасаси бош ҳисобчисига ажратилган фойдаланувчи номи ва пароли орқали университет молиявий амалиётлари амалга оширилади, бундай ҳолатларда университетнинг бошқа мутасадди ходимлари шартнома тўлов ҳолатлари бўйича маълумот олиш учун бош ҳисобчи билан боғланиш керак бўлади, бу бирмунча кўп вақтни йўқотишга сабаб бўлади.

Тизимнинг вазифаси: Мазкур тизим университет талабалари шартнома тўловлари ҳолати ҳақида маълумотларни сақлаш ва уларни қайта ишлаб ихтиёрий вақтда мутасадди ходимларга узатиш учун вазифаларни қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

1) шартнома тўлов мониторинги тизимини бошқаришни масъул шахс томонидан бажарилиши (тизим администратори). Бундай ходим вазифалари - тизим модулларини назорат қилиш ва бошқаришдан иборат.

2) шартнома тўлов мониторинги тизимининг автоматлаштирилган буйруқлар мажмуаси ёрдамида шартнома тўлов жараёнларини бошқариш (тизим оператори). Унинг вазифаси ходим таълаб қилган сўровлар асосида жадвал кўринишидаги керакли ҳисоботлар яратиш, ихтиёрий факултет, гурух ва талаба фамилияси бўйича қарздорлик ҳолатларини аниқлаш, ихтиёрий факултетдаги талабани фамилияси бўйича излаб топиш, шартнома тўлов суммаси ўзгарган вақтда тўлов суммаларини автоматик тарзда барча талаба маълумотларига таъсир эттириш, талабаларни буйруқлар асосида курсдан курсга кўчириш, тизимдан фойдаланиш учун логин ва паролларни шакллантириш, ва маълумотларини тахрирлаш имкониятлари яратилади.

3) Меҳмон – бу тизимдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, у фақат ўзига тегишли факултет кесимидаги маълумотлардан хабардор бўлиш имконияти мавжуд (тизим меҳмони). Меҳмон фойдаланувчи тизим таркибига маълумот киритиш, мавжуд маълумотларни ўзгартириш ва баъзи маълумотларни ўчириш ҳуқуқига эга эмас.

Тизимдан меҳмон фойдаланувчилар автоматик бўйруқлар асосида ўзига тегишли факултет, йўналиш, гуруҳ, ва талаба фамилияси бўйича сўровлар орқали шартнома тўлов ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уни чоп этиш имкониятлари мавжуд.

Олий таълим муассасаси талабалар шатнома тўлов мониторинги тизимидан администратор ва меҳмон сифатида фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Администратор ва меҳмон сифатида фойдаланиш вазифалари қуйидаги кўринишда бўлади.

1) Тизимга тизим админстратори логин ва пароли билан мурожат қилинганда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

-Тизим, фойдаланувчи томонидан киритилган логин ва паролни тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди;

-Администратор тизим, администратор ходим таълаб қилган йўналиш, курс, гуруҳ ва талаба фамилияси бўйича сўров асосида талабалар шартнома тўловлар ҳолати ҳақида маълумотларни жадвал кўринишидаги ҳисоботларни шаклантиради ва чоп этишга тайёрлайди;

- Администратор тизим, администратор ходим тизимга киритган маълумотлар асосида меҳмон ёки администратор сифатида фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга логин паролларни шакллантириш;

- Администратор тизим, администратор ходим томонидан тизимга талаба ва талабанинг шартнома тўлови ҳақида маълумот киритишни амалга ошириш;

- Администратор тизим, администратор ходим томонидан ҳар сафар талаба тўлов суммаси ва санаси ҳақида маълумотларни янгилаш жараёнини амалга ошириш;

- Администратор тизим, администратор ходим томонидан берилган йўналиш, гуруҳ ва курс бўйича сўровлар асосида талабаларнинг қарздорлик ҳолатларини аниқлаш;

-Администратор тизим тўлов суммаси ўзгарган вақтда администратор ходим томонидан берилган маълумотга асосан автоматик талаба тўлов ҳолатларини ўзгартириш;

-Администратор тизим, администратор ходим томонидан танланган буйруқлар асосида талабаларни автоматик курсдан курсга кўчириш ва битиртириш;

-Администратор тизим, администратор ходим томонидан таълаб этилган ихтиёрий талабани тўлов сумма ва тўлов сумма амалга оширилган саналарини тезкор аниқлаш.

2)Тизимга меҳмон логин ва пароли билан мурожат қилинганда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

-Тизим, фойдаланувчи томонидан киритилган логин ва паролни тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди;

-Администратор тизим, меҳмон фойдаланувчи таълаб қилган йўналиш, курс, гуруҳ ва талаба фамилияси бўйича сўров асосида талабалар шартнома тўловлар ҳолати ҳақида маълумотларни жадвал кўринишидаги ҳисоботларни шаклантиради ва чоп этишга тайёрлайди;

-Администратор тизим, меҳмон фойдаланувчи томонидан таълаб этилган ихтиёрий талабани тўлов сумма ва тўлов сумма амалга оширилган саналарини тезкор аниқлаш;

Мазкур тизим таркибидаги администратор ва меҳмон вазифалари бир бирини такрорлаш ҳолатлари ҳам мавжуд, чунки баъзи вазифалар администратор учун ҳам меҳмон учун ҳам бирдек хизмат қилади.

Тизимдан меҳмон сифатида фойдаланувчиларга ихтиёрий вақтда ўз фаолиятига тегишли бўлган шартнома тўловлар ҳолати ҳақидаги маълумотлардан ва барча бўлимлар кесимидаги статистик таҳлил маълумотларидан хабардор бўлиш имконияти яратилади. Хусусан, факультет деканлари ёки гурух мураббийларига талабаларнинг шартнома тўлов жараёнларини ўз вақтида бажарганлигини мониторинг қилиш ва бажарилмаган ҳолатда статистик таҳлил маълумотларга асосан олдиндан башоратланган тўлов муддатлари бўйича маълумотларни олиш имкониятлари яратилади. Бундан ташқари тизимда ҳар бир талаба учун ажратилган ID рақамлар ёрдамида талабаларнинг ота оналари фарзандларининг шартнома тўлов ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардан тизимнинг web иловаси орқали хабардор бўлишлари мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган автоматлаштирилган тизимларни яратиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши олий таълим тизими бошқарув жараёнларини бирмунча самарадорлиги ошган ҳисобланади. Бошқарув жараёнлари самарадорлиги асосан ортиқча қоғозбозликдан чекиниш ва вазифалар ижросини таъминлаш ўз вақтида бажарилиши билан боғлиқдир. Олий таълим тизимини бошқариш жараёнларини юқорида келтирилган автоматлаштирилган тизим ва шунга ўхшаш бошқа тизимлар асосида амалга оширилса олий таълим бошқарув сифати бирмунча ошган ҳисобланади.

Хулоса: олий таълимнинг чекланган муддат ва кечикиш шароитлари кўрсаткичларини автоматлаштириш усулида бошқариш бир мунча иш фаолиятни сифат даражага кўтаришга хизмат қилади. Олий таълим тизимидаги бошқарув жараёнларини улардаги асосий вазифаларни компьютер ва компьютер технологиялари ёрдамида амалга ошириш иш жараёнларини тартиблаштиришга хизмат қилади. Юқорида келтирилган автоматлаштирилган тизим вазифалари асосида олий таълим шартнома тўлов жараёнларининг мониторингини амалга ошириш бошқарувни янгича ёндашувини белгилаб беради.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Вейнеров О.М., Самохвалов Э.Н. Проектирование баз данных САПР. М.: Высшая школа, 1990, с.144.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
4. Дейт Крис. Введение в базы данных Шестое издание. Киев: Диалектика, 1998.

## ПУТИ РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТНО-ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГА В УСЛОВИЯХ РЕФОРМИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В УКРАИНЕ

В.Б.Харламенко,
Сумской областной институт последипломного
педагогического образования, к.п.н., доцент (Украина)
О.В.Зосименко,
Сумской областной институт последипломного
педагогического образования, к.п.н., доцент (Украина)

*Мақолада педагогнинг шахсий-касбий компетенлик муаммолари, уларнинг олий ўқув юртидан кейинги таълим шароитларида ривожланиши ҳақида фикр юритилган ҳамда шахсий-касбий компетентлик компонентлари рейтинги эмпирик тадқиқининг натижалари ва уни ривожлантиришнинг самарали шакллари келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *касбий компетентлик, педагогнинг шахсий-касбий компетентлиги, компетентли ёндашув, педагог касбий-шахсий компетентлигининг ривожланиши.*

*В статье рассматриваются вопросы личностно-профессиональной компетентности педагога, ее развитие в условиях последипломного образования, приводятся результаты эмпирического исследования рейтинга компонентов личностно-профессиональной компетентности, эффективных форм ее развития.*

***Ключевые слова:*** *профессиональная компетентность, личностно-профессиональная компетентность педагога, компетентностный подход, развитие личностно-профессиональной компетентности педагога.*

*The questions of personal-professional competence of the teacher, its development in the conditions of postgraduate education are considered, results of empirical research of a rating of components of personal-professional competence, effective forms of its development are resulted are discussed in the article.*

***Keywords:*** *professional competence, personal-professional competence of the teacher, competence approach, development of the teacher's personality-professional competence.*

Действующим законодательством, Национальной стратегией развития образования на 2012 - 2021 гг. определено, что образовательные процессы в Украине должны отвечать современным общественным изменениям, способствовать трансформационным преобразованиям, повышать качество образования на инновационной основе, развивать научную и инновационную деятельность и так далее.

Личностно-профессиональная компетентность педагога является необходимым условием его профессионального роста в условиях инновационных образовательных изменений. Современный этап развития образования в Украине характеризуется отходом от тоталитарной унификации и стандартизации педагогического процесса, интенсивным переосмыслением ценностей, поисками нового в теории и практике обучения и воспитания.

Проблему личностно-профессиональной компетентности педагога исследовали и исследуют многие зарубежные и отечественные ученые, а именно: О.Бигич, И.Бех, Л.Ващенко, В.Введенский, А.Демченко, М.Жалдак, О.Зубков, И.Зязюн, М.Корнилова, Т.Кочарян, О.Лебедева, А.Локшина, А.Мормуль, Н.Нычкало, А.Овчарук, А.Пометун, А.Хуторской, А.Савченко, С.Сысоева, Е.Семеног и другие.

Определенный потенциал для определения специфики развития личностно-профессиональной компетентности педагога дошкольного, начального, полного общего среднего и внешкольного образования раскрыт в научных трудах: аксиологический подход (И.Белецкая, Г.Бондаренко, Н.Бондаренко, Б.Бордюк, А.Вирковського, Л.Коренная, В.Лопатинский, М.Ратко, А.Сембрат, В.Сергеева, Т.Фурсенко, и др.) компетентностный подход (И.Зимняя, И.Ермаков, А.Локшина, А.Овчарук и др.); личностно ориентированный подход И.Бех, А.Бондаревская, Г.Селевко, И.Якиманская и др.) субъектно-деятельностноый подход (Б.Ананьев, К.Абульханова-Славская, А.Брушлинский, Г.Костюк, А.Леонтьев, С.Рубинштейн, В.Татенко и др.); технологический подход (С.Гончаренко, Н.Бордовских, М.Кларин, В.Монахов, Г.Селевко, С.Сысоева и др.).

Проведенный анализ научной литературы свидетельствует, что в последнее время в Украине активно и разновекторно исследуется профессиональная компетентность педагога. Проблема развития личностно-профессиональной компетентности педагога в системе последипломного педагогического образования является предметом исследования отечественных и зарубежных ученых: И.Акуленко, И.Беха, Н.Бутенко, К.Вианис-Трофименко, А.Драгайцева, Ю.Завалевского, Т.Исаевой, С.Иванова, Л.Карпова, Г.Кашкарева, Д.Корабельникова, А.Лебедева, В.Пелагейченко, С.Савельева, Л.Семенец, Л.Сущенко, Л.Щербатюк и других.

Интересным является утверждение В.Химинец [4], которая считает, что компетентностный подход перемещает акценты с процесса накопления нормативно определенных знаний, умений и навыков в плоскость формирования и развития у учащихся способности практически действовать и творчески применять полученные знания и

приобретенный опыт в различных ситуациях.

Компетентностный подход, по убеждению И.Беха, должен обеспечить непротиворечивую трансформацию субъекта учения у субъекта развитой общественной жизни, а именно у субъекта практической деятельности как целенаправленного преобразования действительности [1].

Компетентностный подход во внешкольном образовании - это подход, основанный на реализации через цель, задачи, содержание, формы и методы внешкольного образования формирование необходимых компетенций личности.

Учитывая разнообразие подходов, целесообразным в структуре компетенций, являющихся основой реализации компетентностного подхода во внешкольном образовании, необходимо выделить следующие составляющие: познавательную, практическую, творческую и социальную [3].

Актуальность научного исследования обусловлена необходимостью преодоления противоречий между:

существенным ростом общественных требований к развитию личностно-профессиональной компетентности педагога учебного заведения в условиях реформирования Новой украинской школы и недостаточной методологической разработанностью этого вопроса;

насущной необходимостью реформирования украинской школы в соответствии с Концепцией Новой украинской школы, отражает новое содержание, основанный на формировании компетенций, необходимых для успешной самореализации через использование общенаучных современных идей и недостаточностью комплексных моделей развития личностно-профессиональной компетентности педагога, в котором нуждается обновленная школа.

Целеопределяющей основой предлагаемого научного исследования являются национальные и европейские документы стратегического уровня, в частности: Закон Украины "Об образовании" (от 23 мая 1991 № 1060-ХИИ с изменениями от 26.01.2016 № 940-VIII) Закон Украины «О высшем образовании» (от 1 июля 2014 № 1556-VII с изменениями от 21.12.2016 № 1798-VIII) Постановление Кабинета Министров Украины «Об утверждении Национальной рамки квалификаций» (от 23.11.2011 г.. № 1341); Распоряжение Кабинета Министров Украины «Об одобрении концепции реализации государственной политики в сфере реформирования общего среднего образования «Новая украинская школа» на период до 2029 года» (от 14.12.2016 № 988-р); European Union Council conclusions of 12 May 2009 on a strategic frame work for European cooperation ineducation and training ("Educationand Training 2020" (ET 2020) (Выводы Совета Европы от 12 мая 2009 года «О стратегических основах европейского сотрудничества в области образования и профессиональной подготовки (ЕТ 2020) ».

Важным показателем качества образования является обращение к духовности, общечеловеческим ценностям, богатству мировой культуры. Гуманизация образования (в том числе высшего и профессионального) стала общественно необходимой в современных условиях [3].

Инновационные процессы должны осуществляться сегодня во всех образовательных структурах. Новые типы образовательных учреждений, систем управления, новые технологии и методики - это проявления огромного потенциала инновационных процессов. Грамотное и продуманное их осуществление способствует углубление в нём позитивных изменений.

Научно-методическим советом, кафедрами Института, учреждениями общего среднего образования определено, что задача по развитию личностно-профессиональной компетентности педагога направлена на реализацию Концепции Новой украинской школы, поскольку позволит обеспечить реализацию инновационных процессов путем обновления образовательных программ.

Обоснование теоретических подходов личностно-профессиональной компетентности педагога позволило на первом этапе работы провести специальное исследование по определению уровня степени понимания данной компетентности педагогами.

В соответствии с целью исследования была разработана комбинированная анкета «Личностно-профессиональная компетентность педагога».

Исследование проводилось в течение сентября-октября 2017 года на базе учебных общеобразовательных заведений. На этом этапе исследования приняли участие 323 человека.

Нами осуществлен контент-анализ полученных результатов. В процессе исследования степени понимания личностно-профессиональной компетентности педагога путем анкетирования определено понимание педагогами понятия и превосходящих составляющих личностно-профессиональной компетентности и условий для ее развития.

Исследуя дефиницию понятия «компетентность» педагогами, анализировали ответы на открытый вопрос «Как Вы понимаете понятие «компетентность»?

Полученные результаты дают основания утверждать, что примерно половина опрошенных педагогов раскрывает содержание компетентности по совокупности отдельных составляющих компетентностей (45,51%). Так, например, большинство респондентов определяют компетентность как «... хорошо осведомлена, имеет опыт и знания»; «... осведомленность, авторитетность, опыт»; «... знания, умения, навыки, которые можно эффективно использовать на практике»; «... совокупность теоретических знаний, практических умений, опыт использовать на практике современные формы и методы обучения»; «... знания, опыт, профессиональные способности», «... знания, умения, навыки и способность их применять на практике», «... динамическая комбинация знаний, умений и практических навыков» и другие.

Примерно четвертая часть опрошенных педагогов (24,14%) определяет компетентность как «способность». Об этом свидетельствуют высказывания типа «... способность к реализации на практике своего накопленного опыта»; «... способность эффективно выполнять должностные обязанности»; «... способность адаптироваться к изменениям и внедрять инновации», «... способность умело применять в практической деятельности полученные знания».

20,43% опрошенных педагогов раскрывают данное определение через понятие «умение». Это понятие было определено педагогами следующим образом: «... умение выполнять поставленные задачи»; «... умение действовать на основе полученных знаний»; «... умение использовать приобретенные знания»; «... умение использовать знания на практике с учетом личностных характеристик учащихся и специфики учебного заведения» «... умение конструктивно оценивать преимущества и недостатки собственной деятельности».

Значительно меньше опрошенных педагогов понимают понятие «компетентность» как «опыт» (5,58%). Данные респонденты определяли компетентность, как «... опыт основан на знаниях и практике», «...опыт в определенной области» и другие.

В свою очередь, 3,09% опрошенных респондентов определяют данное понятие как «осведомленность», что проявлялось в высказываниях типа «...осведомленность в том или ином вопросе»; «... хорошо осведомлена и имеет опыт работы для успешного выполнения своих должностных обязанностей», «... осведомленность и мастерство в профессиональной деятельности» и другие.

Следует отметить, что 1,25% опрошенных педагогов определяют данное понятие как «...степень квалификации, которая позволяет успешно выполнять задачи, поставленные перед педагогом»; «...интегрированный показатель выполнения должностных обязанностей», «...интегрированная характеристика, которая определяет готовность качественно выполнять поставленные задачи».

Таким образом, анализ понятия «компетентность» дал возможность установить, что подавляющее большинство педагогов вкладывают в содержание данного понятия показатель выполнения должностных обязанностей (способность, умение, опыт). Лишь незначительное количество опрошенных педагогов обращают внимание на динамическую комбинацию знаний, умений и опыта работы.

В процессе определения педагогами содержания личностно-профессиональной компетентности, установлено, что подавляющее большинство опрошенных респондентов рассматривает содержание данного понятия через призму составляющих профессиональной компетентности (84,83%). Свидетельством этого являются такие ответы педагогов-участников опроса: «способность успешно выполнять должностные обязанности», «система знаний и владение методами, формами обучения» и др.

Значительно меньше опрошенных педагогов (13,93%) отмечают, что сущность личностно-профессиональной компетентности в первую очередь раскрывается через личностные характеристики.

И лишь незначительное количество опрошенных педагогов указывает на то, что личностно-профессиональная компетентность является совокупностью личностных характеристик и профессионального опыта для успешного выполнения должностных обязанностей (1,24%).

Перейдем к анализу преобладающих составляющих личностно-профессиональной компетентности у педагогов. Результаты исследования показали, что подавляющее большинство педагогов предпочитают акцентировать внимание на составляющих профессиональной компетентности, а на составляющие личностной компетентности обращают меньше внимания. Так, анализ составляющих первого компонента личностно-профессиональной компетентности педагога, относящиеся к личности педагога, результаты исследования дают основания утверждать: половина опрошенных педагогов считает, что личностно-профессиональная компетентность в первую очередь зависит от профессиональной мотивации: «мотивационная компетентность» (50,77% ), треть опрошенных отмечает важность умения конструктивно взаимодействовать и эффективно сотрудничать: «коммуникативная компетентность» (30,65%), и лишь незначительное количество отдает предпочтение таким составляющим, как «эмоционально-регулятивная компетентность» (18,26%), «социально-ролевая компетентность» (13,62%).

Согласно составляющих второго компонента личностно-профессиональной компетентности педагога, отражающие профессиональную деятельность педагога, результаты исследования дают возможность констатировать: подавляющее большинство опрошенных респондентов предпочитают составляющие «организационная компетентность» (54,79%), «информационно-цифровая компетентность» (51, 08%).

Около половины опрошенных педагогов выделяют такие составляющие, как «познавательная компетентность» (43,03%) и «здоровьезберегающая компетентность» (41,79%), и только четвертая часть опрошенных отмечает важность «исследовательской компетентности» (25,38% ).

Следующий шаг - анализ понимания педагогами определяющих условий для развития личностно-профессиональной компетентности, представлены такими составляющими:

- предметы, которые влияют на развитие личностно-профессиональной компетентности педагога;

- организационные формы и методы развития личностно-профессиональной компетентности педагога.

Осуществляя анализ первой группы предметов, направленных на развитие педагога как личности, результаты исследования дают возможность констатировать: подавляющее большинство опрошенных респондентов считают, что качественное выполнение должностных обязанностей в первую очередь зависит от личностных характеристик каждого педагога («Психология личности» - 52,01% ), и только незначительное количество

опрошенных - от умения налаживать конструктивное сотрудничество с участниками образовательного процесса («Профессиональная этика» - 13,62%) и учитывать психо-социальный уровень развития у учащихся («Психология творчества» - 29,10%).

Согласно второй группы предметов, предусматривающих повышение профессионального уровня педагога, результаты исследования дают основания утверждать: подавляющее большинство опрошенных педагогов считает, что личностно-профессиональная компетентность в первую очередь зависит от умения педагога удачно подобрать и применить методы и средства обучения, основываясь на основных принципах обучения («Методика преподавания предмета» - 77,08%).

Около половины опрошенных педагогов подчеркивает необходимость внедрения инновационных форм и методов обучения («педагогическая инноватика» - 41,17%) с использованием современных информационных технологий («теория и методика преподавания информатики и информационных технологий» - 40,24%).

Лишь 2,47% опрошенных педагогов отмечают необходимость развития научно-методологических знаний, способствовать формированию профессиональных компетенций у учащихся («методология научного исследования»).

На основании анализа данных, касающихся организационных форм и методов для развития личностно-профессиональной компетентности педагога можно сделать вывод, что примерно половина опрошенных респондентов считает необходимым создание профессиональных групп для обмена опытом и обсуждения проблемных вопросов (48,62%).

По определению степени значимости курсов повышения квалификации, то 41,79% респондентов выбирают эту форму обучения. Данный выбор педагогов можно объяснить тем, что с одной стороны, у них есть возможность целостно получить новейшие знания при непосредственном взаимодействии с учеными и методистами соответствующего профиля, а с другой - осуществить объективное переосмысление изученных вопросов и разработать ориентировочный алгоритм решения актуальных профессиональных вопросов.

Привлекает внимание тот факт, что 40,86% педагогов предпочитают активным формам и методам обучения для развития личностно-профессиональной компетентности путем участия в учебных тренингах.

В свою очередь треть опрошенных педагогов отмечает, что повысить уровень личностно-профессиональной компетентности можно за счет «качественного информационного поля» (39,62%), индивидуальных консультаций с компетентными специалистами (35,60%) и информального образования (34,67%).

Значительно меньше опрошенных педагогов готовы участвовать в семинарах (23,83%), конференциях (22,29%), «круглых столах» (19,19%).

И лишь незначительное количество опрошенных педагогов указывает на то, что развитие личностно-профессиональной компетентности зависит от качественно подготовленного и проведенного лекционного курса (3,40%).

## Список использованной литературы


1. Бех І.Д. Теоретико-прикладнийсенскомпетентнісногопідходу у педагогіці / І. Д. Бех // Виховання і культура.— 2009.— №1–2 (17–18).— С. 5

2. Биковська О.В. Реалізація компетентнісного підхіду в позашкільній освіті / О.В.Биковська // Позашкільна освіта і виховання.— 2007.— №2.— С. 7–16.

3. Пидкасистый П.И. // Педагогика [электронный ресурс] — Режим доступа. http://eusi.ru/lib/pidkasistyj_pedagogika/index.shtml

4. Химинець В. Компетентнісний підхід до професійного розвит кувчителя [Електронний ресурс] / Химинець В. – Режим доступу :http://zakinppo.org.ua/2010-01-18-13-44-15/233-2010-08-25-07-10-49.

# ИННОВАЦИОННЫЕ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ ЕВРОПЕЙСКИХ СТРАН

Ж.Ю Чернякова,
Сумской государственный педагогический университет, к.п.н., доцент (Украина)

*Мақолада Европа давлатларида олий таълимни ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари аниқланган ҳамда ЕИнинг “Европа 2020” ривожланиш стратегиясига мос равишда миллий даражадаги таълим фаолиятининг мақсади ва устувор йўналишлари таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *инновацион стратегия, миллий таълим тизими, олий таълим, устуворлик*

*Определены основные инновационные стратегии развития высшего образования в европейских странах; охарактеризованы цели и ключевые приоритетные направления образовательной деятельности на национальном уровне в соответствии со стратегией развития ЕС «Европа 2020».*

***Ключевые слова:*** *инновационная стратегия, национальная образовательная система, высшее образование, приоритет.*

*The main innovative strategies of higher education development in European countries are determined; the goals and key priority directions of educational activity at the national level in accordance with the EU «Europe 2020» development strategy are described.*

***Keywords****: innovative strategy, national educational system, higher education, priority.*

184-б.; 5, 83-84-б.; 6, 92-б.] таҳлили *малака ошириш таълимини индивидуаллаштириш* деганда педагогларнинг потенциал имкониятларини ривожлантиришни, индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари ва мотивларини инобатга оладиган, шахсий ва касбий сифатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳамда ўз олдига қўйган таълимий мақсад ва вазифалари асосида индивидуал таълим таректориясини қуришга шароит яратиладиган табақалаштирилган таълим жараёни сифатида тушунишимизга имкон яратди.

Демак, малака ошириш таълими жараёнини индивидуаллаштириш тоборо долзарблашиб борар экан, унинг самарали ечимларидан бири ҳар бир педагогга индивидуал таълим траекториясини қуришга шароит яратишдан иборат бўлади. *Индивидуал таълим траекторияси* – педагогнинг таълим жараёнида шахсий потенциалини амалга ошириши, касбий такомиллашуви, ўз мавқеини белгилаши ва ўзини намоён қилишига доир белгилаган, англанган ва тажрибаларига асосланган ўзига хос алоҳида ҳаракат йўлини ифода этади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Ўқитувчи касбий ривожланишини индивидуаллаштиришда унинг лойиҳалаш кўникмасига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга, чунки лойиҳалаш орқали ўз фаолиятини режалаштириш, мақсад ва вазифаларини қўйиш ва натижаларини башорат қила олиш, узлуксиз малака оширишининг шакли ва мазмунини белгилаш ҳамда танлашига эришиши мумкин бўлади.

Лойиҳалаш педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартлардан биридир. Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш, натижаларни олдиндан кўра билиш, режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади. Бу босқичда ўқитувчининг мустақил, шу билан бирга ҳамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш асосида лойиҳалаштирилган фаолияти етакчи ўрин тутади [7; 106-б.].

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалашда унга илмий-методик ҳамроҳлик қилиш, маслаҳатчи ва тегишли мутахассислар билан фаол ўзаро таъсирни вужудга келтириш, касбий компетентлигини оширишга қаратилган методик тадбирлар (анъанавий ва масофавий малака ошириш курслари режаси, методик тузилмаларнинг тадбирлари, ҳаракатдаги ўқув машғулотлари, виртуал педагогик уюшмалар, конфереция, форум, семинар ва б.) ҳақида аниқ манзилли маълумотлар етказиш лозим бўлади.

Мазкур ҳолатда жараёнга инновацион ёндашув сифатида “йўл харитаси” технологиясига тўхталиш ўринлидир. Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаштиришда “йўл харитаси” технологиясидан (Roadmap, Roadmapping, Technology roadmap) фойдаланиш уларнинг малака ошириш фаолиятини инновацион режалаштириш, шаффофлаштириш ва натижаларга эришишда шахсий танлови ва масъулиятини белгилаш имконини беради.

Тадқиқотчилар томонидан мазкур атамага оид билдирилган фикрларга мурожаат қилганимизда, уни жараённи режалаштиришнинг энг илғор ва натижага йўналтирилган қурилмаларидан бири сифатида эътироф этилишига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Ю.Кузикнинг кўрсатишича *йўл харитаси* – аниқ объект, алоҳида маҳсулот, маҳсулотлар гуруҳи, бирор-бир технология, ўзаро боғланган технологиялар гуруҳи, бизнес, компания, тармоқ, саноат, ҳаттоки сиёсий, ижтимоий муваффақиятлар режаси сценарийсининг қадам-бақадам яққол тақдим этилишидир [2,1-б.]

Бир қатор тадқиқотчилар (И.Н.Пак, Е.Г.Дорошенко, Л.Б.Хегай) эса “ўқув йўл харитаси” тушунчасини лойиҳалашган методик тизимда ўқитиш сифатини ошириш ва индивидуаллаштиришнинг самарали воситаси сифатида қарайдилар. Уларнинг фикрича *йўл харитаси* – ечими умумий мақсадга эришишга олиб борадиган ҳамда ташаббусларни кузатиб боришга имкон берадиган индикатор ва вазифаларнинг тузилмавий тўпламидир. Йўл хариталари лойиҳалар ривожланиш жараёни ҳаракатлар режасининг босқичлари кўринишида тузишнинг қулай методи сифатида намоён бўлади. Йўл хариталарини тузиш жараёни лойиҳа ривожланишининг истиқболдаги мақсадларини аниқлаштириш ва уларни

амалга оширишнинг йўлларини ишлаб чиқишга имкон беради. Демак, йўл харитасини аввал қўлланилган технологиялардан фойдаланишнинг янги йўлларини ҳосил бўлишини таъминлайдиган, тартибланган ахборотни йиғиш ва жамғариш орқали узоқ муддатли стратегик режалаштириш воситаси сифатида қараш лозим. Йўл харитаси ресурслар, бажарувчилар ва муддатлар билан боғлиқ барча тадбирлар қатъий кўрсатилган одатий режа ва дастурлардан фарқли равишда режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган янги ғоялар, технологиялар, ресурлар асосида охирги натижага эришишнинг вариативлигини назарда тутади. Йўл харитасини тузиш ўқувчига режалаштирилган ўқув фаолиятини визуаллаштириш воситасида ўзининг академик келажагини кўришга ёрдам беради ҳамда индивидуал таълим траекториясини масъулият ва ишончли лойиҳалашга ўргатади [4, 104-105-б.].

Педагогнинг малака ошириш йўл харитаси ва технологиясини таърифлашда матнда баён қилинган ёндашувларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик.

*Малака ошириш йўл харитаси* – педагогнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, шахсий масъулиятига асосланган, касбий ривожланишининг энг муҳим аспектларига эътибор қаратиладиган, малака ошириш тури, шакли ва воситаларини эркин танлаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда кутилган натижаларга эришишининг манзилли лойиҳалашган индивидуал таълим траекториясидир.

*Малака ошириш йўл харитаси технологияси* мослашувчанликни назарда тутиб, педагогнинг визуал индивидуал таълим траекториясини мавжуд ва маъқул бўлган йўллар, шакл, метод, воситалар асосида маслаҳатчининг илмий-методик ҳамроҳлигида мустақил тузиш, касбий компетенцияларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда лойиҳаланган индивидуал таълим маршрутини белгиланган муддатларда амалга оширишни ифодалайди.

Малака ошириш йўл харитаси технологияси малака оширишнинг бевосита ва билвосита шаклларини эркин танлаш, таълим муассасаси ва касбий уюшмалардаги фаолияти, масофадан ўқиш ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш, турли тадбирлар ва методик ишлардаги иштироки, ўқитишнинг анъанавий ва инновацион метод ва усулларидан ҳамда мустақил таълимдан кенг фойдаланиш ва уйғунлаштириш мумкинлиги каби афзалликларга эга.

Малака ошириш йўл харитаси педагог касбий ривожланишига самарали илмий-методик ҳамроҳликни амалга ошириш, жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсирини муваффақиятли ташкил қилиш, "бошланғич" ва "якуний" манзил(мақсад ва натижа)ларни белгилашнинг оптимал траекториясини танлаш имконини беради. Йўл харитаси педагогнинг касбий ривожланишига доир стратегик қарор қабул қилиш ва амалга оширишнинг деталлаштирилган режасини назарда тутади. Йўл харитасини ишлаб чиқишда "Мақсад – ташхис – режалаштириш – амалга ошириш - такомиллаштириш" шаклидаги тузилмавий ёндашув зарур бўлиб, у қуйидаги саволларга жавоб топиш имконини беради: Касбий маҳоратим (компетентлилигим ёки компетентсизлигим) даражаси қай ҳолатда? Педагогик фаолиятимдан мақсад ва вазифаларим нималардан иборат? Касбий компетентлик даражам қандай бўлиши керак? Бу даражага қандай эришаман? Нима учун ҳаракат қилишим керак? Буни қачон ва қандай амалга ошираман?

Малака ошириш йўл харитаси педагогнинг ривожланиш векторини кўрсатади ва йўл харитаси мақсади, тушунтириш хати, амалга ошириш, назорат-таҳлил каби таркибий қисмлардан иборат тузилмага эга бўлиши мумкин (1-расм).

Малака ошириш йўл харитасини ишлаб чиқишда фаолиятнинг барча элементлари назарда тутилади: тадбирларни режалаштириш ва ташкил қилиш, мақсад ва вазифаларни қўйиш, вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар ва зарурий ресурсларни баҳолаш, малака ошириш субъектларининг иштироки, тегишли мутахассисларни жалб қилиш, ҳаракатларни таҳлил ва назорат қилиш, натижаларни таҳлил қилиш ва рефлексия.

Педагогнинг касбий ривожланишини бошқаришда малака ошириш йўл харитаси технологиясидан фойдаланиш қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- малака ошириш турлари ва шаклларидан мақбул фойдаланиш, жараённинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда педагогнинг бутун касбий фаолиятини қамраб олиш;
- педагогларнинг касбий компетентлигини ошириш ва фаолиятидаги сифат ўзгаришларининг ижобийдинамикаси;
- педагогнинг ўз касбий маҳоратини оширишига онгли муносабати ва фаолияти натижаларига шахсий масъулияти;
- педагогнинг касбий компетентлигига бўлган ижтимоий буюртманинг қаноатлантирилиши;
- малака ошириш таълими мазмунини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш.

**Йўл харитаси мақсади**

**Умумий мақсадлар**
- келажакдаги касбий қиёфаси
- касбий қизиқишлари, қийинчиликлари ва эҳтиёжларини қаноатлантиришва юқори касбий компетентликка эришиш

**Тушунтириш хати**

**Ахборот-маълумотнома**
- умумий маълумот
- жорий ҳолат бўйича таҳлилий маълумот
- зарурий ресурслар
- амалга ошириш муддати

**Касбий қийинчилик ва эҳтиёжлар**
- умумпедагогик
- илмий-назарий
- методик
- педагогик-психологик
- коммуникатив

**Амалга ошириш**

**Малака ошириш курсларидан ўтиш**

**Мустақил таълим олиш**

**Турли тадбирлар ва методик ишлардаги иштироки**

**Таълим муассасаси ва педагогик уюшмалардаги фаолияти**

**Кутиладиган натижалар, вақт мезонлари, индикаторлар, Гант диаграммаси, кўрсаткичлар**

**Назорат-таҳлил**

**Доимий таҳлил, назорат, ўзаро таъсир, коррекция, рефлексив-таҳлил, натижаларни тақдим қилиш**

**1-расм. Педагогнинг малака ошириш йўл харитаси тузилмаси.**

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, барча режалаштириш ва лойиҳалаштириш жараёнларига хос бўлган рисклардан йўл харитаси технологияси ҳам холи эмас. Шунинг учун режалаштиришнинг дастлабки босқичида истиқболда юзага келиши мумкин бўлган хатарларни ҳам эътиборда тутиш ва эҳтимолий ечимларни тайёрлаш лозим бўлади. Мазкур рисклар қуйидагилардан таркиб топиши мумкин:
- малака ошириш турлари ва шаклларидан параллел фойдаланиш ва натижаларини қайд қилиш учун етарлича шароитлар яратилмаслиги;
- педагогларнинг узлуксиз малака оширишга бўлган ички мотивациясининг турғун эмаслиги ёки йўқлиги;
- таълим сифатини оширишга интилаётган педагогларни доимий рағбатлантириш тизимининг тўлақонли шаклланмаганлиги.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, малака ошириш йўл харитаси педагогларнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини қаноатлантириш, касбий ва шахсий ривожланиш жараёнини бошқариш, турфа хил индивидуал таълим траекторияларини меъёрлаштиришнинг самарали воситасидир. Малака ошириш йўл харитасини муваффақиятли бажариш педагогнинг касбий ривожланиши ва эришган натижаларини ташхис қилиб бориш, коррекцион муҳит яратиш, рефлексив кўникмаларини ривожлантириш ҳамда илмий-методик ҳамроҳликни амалга оширишга боғлиқ.

Педагогнинг малака ошириш йўл харитасини амалга ошириш механизми бўлиб жамғариладиган малака ошириш тизими хизмат қилади. Жамғариладиган малака ошириш эришилган натижалар портфолиоси орқали педагогнинг касбий ривожланиш ва мустақил таълим олиш фаолиятини мослашувчан ва инсонпарварона бошқариш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Возгова З.В. Деятельностный подход к моделированию региональной системы непрерывного повышения квалификации научно-педагогических работников: дисс... док.пед.наук. – Москва, 2014. – 388с.
2. Кузык Ю. Что такое дорожная карта // Популярные нанотехнологии [Электронный ресурс]. – Режим доступа:http://popnano.ru/analit/index.php?task=view &id=1087 (дата обращения 9.09.2015)
3. Кутузов А.В. Сущность индивидуализации образования в современной школе // Учёные записки Забайкальского государственного университета. Серия: педагогические науки. – Чита, 2012. – № 5. – С. 183-190.
4. Пак Н.И., Дорошенко Е.Г., Хегай Л.Б. Учебные дорожные карты как средство личностно ориентированного обучения // Образование и наука. – 2015. – № 8 (127). – С. 97-111.
5. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар:жамоа. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 376 б.
6. Розанов В.В. Сумерки просвещения. – М.: Педагогика, 1990. – 624 с.
7. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари / ўқув қўлланма. – Т.: “Фан”, 2006. – 261 б.


## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ


Ф.Нуриддинов,
Самарқанд давлат университети



*Мақолада инновацион педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти, бошланғич синф ўқитувчиларини фаолиятини такомиллаштириш уларда касбий педагогик фаолиятини инновацион ёндашув асосида ташкил этишнинг мазмуни, шакллари, йўлари кўрсатиб берилган.*



***Калит сўзлар*** *инновация, касбий педагогик фаолият, ўқувчиларни ёш хусусиятлари, модернизация, замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлар, компютерли таълим, ўқитишнинг техник воситалари.*



*В данной статье описоватся педагогические инновации внедрямое в начальное обучение в виде инновационного подхода.*



***Ключевые слова:*** *проффессионалный подход, способности учеников, модернизация, современное педагогические технологии, компютерное обучения, технические средства обучения.*



*Content essence of innovational pedagogical activity, the formation of the primary school teacher’s work, the essence, from and ways of their professional pedagogical activity on the base of innovational approach are described in this article.*



***Key words:*** *professional and pedagogical activity, student’s ability, modernization, pedagogical technologigies, cjmputer education, means of texnical education.*

Ҳозирги кунда илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим фан-техника, технологиянинг иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутади. Таълимдаги бу жараёнларни илмий жиҳатдан инновация деб номлаймиз.

Хўш инновация ўзи нима? Уни амалиётда қандай қўллаш мумкин? “Инновация бу юқори самарадорликка эга янгиликларни тадбиқ этиши, инсоннинг янги ёки аввалгиларидан сифатлироқ кўринишдаги интеллектуал фаолияти, фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётларининг якуний натижаси ҳисобланади” [3]. “Таълимда иннновацион методлар фан ва инновацион технологияларнинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга асосланган метод саналади. Инновация таълим жараёнига татбиқ этилганда таълим тизимидаги ихтиёрий ўзгариш эмас, балки яхлит таълим тизими ёки унинг баъзи бир қисмлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадли ўзгариш ҳисобланади. Бу ўзгариш янгиликларни татбиқ этиш асосида амалга оширилади” [2]. Демак, педагогик инновациялар таълим мақсади, мазмуни, таълим жараёнини ташкил этиш шакли ва усуллари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш, мазкур фаолиятни бошқаришдаги мақсадга йўналтирилган, ҳар тамонлама ўйлаб чиқилган аниқ ўзгаришларни назарда тутади.

Таълим жараёнини такомиллаштириш унинг мазмунига инновацион ёндашув масалалари Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қабул қилган қатор қарорларида ўз аксини топган. Жумладан, ушбу йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қуллаб-кувватлаш йили” деб эълон қилишини ўзи ҳамма соҳалар фаолиятига янгилик киритилишини тоқозо этмоқда. Президентимизнинг ушбу қабул қилган қарорлари асосида узлуксиз таълимнинг барча босқичларида таълим мазмунини ислоҳ қилиш уни инновацион гоялар билан бойитишни узлуксиз, изчил, тизимли амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, бошланғич таълим жараёни давлатимизнинг таълим-тарбия тизимида умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичидир. Унинг асосий мақсади болаларда элементар тарздаги ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш кўникмаларини ҳосил қилишдан, объектив олам ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш ҳамда бошланғич таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун уни такомиллаштириш ва янгича ёндашувлар билан бойитишдан иборат. Бошланғич таълим мазмунини янгича ёндашув асосида такомиллаштириш бошланғич синф ўқитувчилари олдига бир қатор вазифаларни қуяди. Хусусан:

- замонавий илмий, маданий ва технологик тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиши;
- дунё ва инсон ҳақидаги билимлар тизимини чуқур ва кенг нуқтаи-назардан англаши;
- компютерли таълим ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларини таълим-тарбия жараёнида қуллай олиши;
- интернет тармоғи тўғрисида тушунчага эга бўлиши ва ундаги ахборот технология мазмунини теран таҳлил қила олиши;
- педагогик меҳнатнинг самарадорлигини таҳлил этиш усулларини билиши;
- умуминсоний ҳамда миллий маданият ва қадриятлар миллий ғоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳатлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етиши;
- инновацион ўқитиш технологиясини анъанавий ўқитиш жараёнидаги афзалликларини билиши;
-таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун педагогик инновацияларни қўллай олиши;
- ўқувчиларга ўз фани бўйича таълим беришда педагогик технологияларни қўллай олиши, ўқув жараёнини фаоллаштириш, ўқувчиларни ўқув материалини ўзлаштиришининг

юқори даражасига эришиши;

- ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин баён қилишга ўргатиш;

- ўқув материалини ўқувчиларга осон ва тушунарли қилиб етказишда ўз ижодий фаолиятига таяниши;

- ўқувчиларнинг ўқув-билиш ва ўқув амалий фаолиятларини фаоллаштиришга кўмак берувчи инновацион методлардан фойдалана олиши;

- ўқув жараёнида қўллаётган методлар натижасини олдиндан башорат қила олиши;

- дарс жараёнида қўллаётган методларининг ўқувчиларни ёши ва психофизиологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлай олиши ва ҳк.

Бундан ташқари ўқитувчи дарс жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этишда қуйидаги бир неча омилларни инобатга олиши лозим;

- дасрга қўйиладиган дидактик талаблар;
- дарсга қўйиладиган психологик талаблар;
- дарсга қўйиладиган ахлоқий-етик талаблар;
- дарсга қўйиладиган гегиеник талаблар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмунан сифатли бўлишини таъминлайди.

Мазкур фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, бошланғич синф ўқитувчиси дарс жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этиши бўйича қўйидаги тафсияларни беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- Бошланғич синф ўқитувчиси таълимда бўлаётган янгилилардан хабардор бўлиб бориши;
- Бошланғич синф ўқитувчиси мунтазам ўз малакасини ошириб бориши;
- Инновацияга қарши бўлган тўсиқларни бартараф этиши;
- Ўқитувчи коммуникатив қобилиятини ривожлантириб бориши;
- Ўқитувчида ижодкор бўлиши;
- Ўқитувчи фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил этиши;
- Таълим жараёнида хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши;
- Таълим-тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориши;
- Умумий ва миллий қадриятлар соҳасидаги янги ижодларни ўрганиб бориши;
- Бошланғич синф ўқувчиларни илмийлик, янги усуллар ҳамда воситалардан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил, ижодий фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиши;
- Иқтидори ва қизиқишига қараб туғри йўналтира олиши;

Бошланғич синф ўқитувчиси дарс жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этилиши натижасида қуйидагиларга эришиш имконияти ортади:

- ўқувчиниг ўзлигини англаши ортади, мустақил фикрлаши тезлашади.
- ўқувчи-ўқитувчи муносабати ўрнатилади.
- ўқувчининг доимий қизиқиши ва интилувчанлиги шаклланади.
- қўрқув, ҳадиксираш, ишончсизлик чекинади.
- ўқувчи учун тенглик, эркинлик вазияти тўғилади.
- ўқувчиларда бурч ва масъулият ҳисси шакллантирилади.
- ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин баён қилишга эришилади.
- ўқувчиларни кўпчилигини баҳолашга эришилади.
- паст ўзлаштирадиган ўқувчиларни ҳам фаоллаштиришга эришилади.
- ўқувчилар жамоа бўлиб ишлашга ўрганади.
- ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги ортади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бошланғич синфларда дарслар инновацион ёндашув асосида ташкил этилса, ўқувчининг ўз кучи имкониятини очишга шароит ва имконият яратилади. Гуруҳда ўзини тутишга ўрганади, очилмаган қирралари очилади, ўқишга ҳаваси ортади. Кичик бўлсада ўқувчининг илғорлик сари қўйилган ҳар бир қадами ютуқ деб қаралса, рағбатлантирилса, у ўқувчини янгилик сари етаклайди. Унинг ижодий ва

мустақил фикр юритиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади, унинг фаоллигини ошади. Ўқитувчида эса кам куч сарфлаб кўп натижага эришиш имконияти ортади. Шундагина биз олдимизга қўйган мақсадимизга, яъни билимларни мустаҳкам ва пухта ўзлаштиришга эришамиз.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**


1. Ж.Йўлдошев, Ф.Йўлдошев, Г.Йўлдошева. "Интерфаол таълим сифат кафолати".. (Болага дўстона муносабатдаги таълим). –Тошкент.-2008 йил.
2. Р.Ишмуҳамедов, М.Йўлдошев. "Таълим ва тарбияда педагогик технологиялар". – Т; 2013. - 279 бет.
3. У.Толипов, М.Усмонбоева. "Педагогик технологияларнинг таркибий асослари. – Т.: "Фан", 2006. - 149 бет.
4. Х.Ибрагимов. Ўқитувчилар инновацион фаолиятининг ривожланиши / "Узлуксиз таълим"- № 6-2014-21-26 бет.


## ЖИЗНЕННЫЕ СТРАТЕГИИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ


Ш.Б.Ахмедова,
Самаркандский государственный университет



*Ўқувчи ёшлар шахсида ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг социал-психологик омиллари, жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш ва таълим ворисийлиги, ҳар томонлама тарбияланган авлодни шакллантириш масалалари ўрганилади.*

***Калит сўзлар:*** *ижтимоий психологик омиллар, шахс, ёшлар, тарбия, узлуксизлик, ворисийлик, авлод.*

*Социально-психологические факторы формирования социальной активности личности учащейся молодежи, духовно-нравственного и культурного развития общества, непрерывности и преемственности образования, воспитания гармоничного поколения.*

***Ключевые слова:*** *социально-психологические факторы, личность, молодежь, воспитание, непрерывность, преемственность, поколение.*

*Socio-psychological factors of the individual student youth, the spiritual moral and cultural development of society, the continuity and continuity of education, education of a harmonious generation.*

***Basic words:*** *socio-psychological factors, personality, youth, upbringing, continuity, generation.*


С установлением независимости Республики Узбекистан построение нового общества, коренное изменение в идеологии, духовно-нравственном воспитании молодежи, влияние глобализации и информатизации на формирование личности, возникающие противоречия в сознании молодежи между индивидуализмом культивируемым во многих развитых (особенно Европейских) странах и коллективизмом, являющийся традиционным этнопсихологическим принципом воспитания во многих развивающихся странах (особенно культивируемой в восточных странах, в том числе и в Узбекистане) выраженные погрешности в деятельности молодежной организации "Камолот" и как следствие преобразование её в Союз молодежи, ведущие задачи поставленные руководством страны перед новой организацией свидетельствуют об актуальности проблемы социальной активности личности учащихся молодежи.[3, 17-стр.]

От социальной активности личности молодежи (САЛМ) зависит эффективность его деятельности (профессиональной, спортивной, художественной и др. видов), административный (карьерный) рост, оценка политики (в том числе само содержание) работы с молодежью и политика в целом.

Социальная активность личности молодежи, её значимость в обществе служит фактором, влияющим:

- на социально-экономическое развитие страны и народа;
- на предупреждение тенденций роста "утечки ума", преступности, проституции,

суицида и др.;

- на формирование гармонично развитой личности.

Вышеизложенные будут способствовать выходу страны за короткий период в лидирующие позиции в международном сообществе.

Все это в целом может резко повысить качество жизни народа, несмотря на наличие определенных экономических трудностей в данном историческом периоде.

Очень многое зависит от того как молодежь воспринимает, представляет, оценивает объективную реальность, насколько он готов изменить ситуацию в лучшую сторону, насколько он социально активен.

Это и составляет актуальность сформированной проблемы и служит основание для постановки цели исследования.

Ситуация осложняется еще и тем, что социализация молодых людей проходит в принципиально других условиях, чем социализация их родителей. Жизненный опыт последних далеко не всегда может помочь их детям, поскольку сами родители не очень ясно представляют, какие именно цели будет ставить жизнь перед их детьми и какие личностные качества и навыки, адекватные новой социальной реальности, им следует стараться развивать в своих детях в первую очередь. Родители, выросшие в советской культуре в период взросления своих детей - в период передачи им ценностей и образцов поведения в обществе - сами переживают острый кризис ценностных и нормативных представлений.

Как показывают данные социологических исследований последнего времени, в родительских установках преобладает ориентация на конформистские ценности (*умение вести себя на людях, честность, аккуратность, послушание родителям, хорошие отметки и поведение в школе*) и в значительно меньшей степени ориентация на развитие внутренних регуляторов поведения детей*(ответственность, чуткость и внимательность к людям, любознательность, самоконтроль*). Такая ориентация родителей на передачу детям конформистских ценностей в ущерб развития у них внутренних регуляторов поведения делает подростков в высшей степени зависимыми от того, в какое окружение они попадают, что в условиях нестабильного общества особенно повышает вероятность девиантного поведения.

Главной проблемой нашего общества является все более очевидное деление на имущих и неимущих, на богатых и бедных, социальное расслоение. Это чрезвычайно глубокий, серьезный процесс, меняющий лицо общества. Специфика данной ситуации состоит в том, что на грани бедности и за ее чертой оказались прежде вполне благополучные в социальном плане люди, среди которых было много и специалистов с высшим образованием. В результате типичные жизненные стратегии оказались стратегиями, ведущими к бедности и социальной неуспешности, а новые типы легальных массовых жизненных стратегий, адекватных новым социально-экономическим условиям, еще не сформировались.

Одновременно с ухудшением материального положения большей части населения, в сознании людей (и особенно самых молодых!) укоренились новые, “западно-ориентированные” стандарты уровня жизни. Это позволило социологам говорить о том, что в сознании молодых людей произошла “революция притязаний”, которая сопровождается ослаблением готовности переносить (ради их достижения) жертвы, лишения и повышенные нагрузки. В сочетании с отсутствием общедоступных легальных способов заработать средства, достаточные для удовлетворения возросших материальных потребностей, "революция притязаний" чревата риском разочарований и крушений жизненных планов, ведущих к различного рода девиациям.

Параллельно с активной рекламой явно завышенных стандартов уровня жизни пропагандируется идея о том, что бедность - результат личных недостатков человека: лени, непрофессионализма, негибкости, безынициативности. [1, 59-стр.].

Поэтому бедным быть стыдно! В результате в общественном мнении сформировалось

представление о том, что общество делится на людей успешных, то есть имеющих деньги (в первую очередь, это - предприниматели и преступники) и на всех остальных (то есть бедных и, следовательно, неуспешных). Можно наблюдать замещение нравственных оценок (хороший - плохой) оценками, выражаемыми в терминах успешности - неуспешности: богатый, успешный, безнравственный, приносящий обществу пользу, вызывающий зависть и уважение противопоставляется бедному, неуспешному, для общества бесполезному, вызывающему презрение.

В социалистическом обществе показателем социального успеха являлось образование. Сегодня ему на смену пришли деньги и независимость от других. Можно сказать, что в современной модели успеха наивысшим достижением считается максимальная независимость от общества, которая не только не препятствует, но часто способствует развитию девиантного поведения. Этим деньги как критерий успеха принципиально отличаются от образования, интегрирующего молодого человека в общество. Изменение критериев социального успеха не могло не сказаться на изменении отношения молодежи к образованию.

Согласно данным социологических исследований зарубежом с 70-х и практически до конца 80-х годов у подростков и молодежи устойчиво высок был престиж высшего образования и профессий, требующих высокой квалификации. И хотя “мода” на различные специальности менялась, конкурс в высшие учебные заведения держался на неизменно-высоком уровне.

Изменился для массы молодых людей и смысл получения высшего образования. Все отчетливей проявляется прагматический подход: обучение "денежной" или "рыночной" профессии.

Студенты мечтают о*“работе первоклассного юриста, который знает свое дело”*, о*“хорошем образовании, небольшом капитале и работе в фирме”*, о*“хорошей специальности”*, которая позволит*“хорошо устроиться на работу и зарабатывать деньги”*. Образование ныне "выступает в паре" с материальным благополучием. Оно, хотя и входит в число наиболее значимых для молодых людей ценностей, несомненно, уступает по значимости “деньгам”. [2, 65-стр.],

Вообще для современного общества, в которое вступает молодежь, характерны все признаки переходности: радикальная переоценка ценностей, неясность перспектив, распространенность катастрофического мировосприятия, нарушение преемственности в отношениях между поколениями, отсутствие ясных “правил игры” или социально признанных способов реализации индивидуальных жизненных стратегий.

Так, наиболее распространенная жизненная стратегия молодого поколения - получение образования, дающего денежную профессию, и благоустроенная личная жизнь - выстраивается ради достижения максимальной независимости, полной свободы, противоположной любым ограничениям, любым “зависимостям”. По сути дела, эта жизненная стратегия формулируется так: *“я хочу иметь хорошее образование и высокооплачиваемую работу, чтобы ни от кого не зависеть”*.Иначе говоря, я вступаю в социальный мир (учусь, зарабатываю, тружусь), потому что я хочу освободиться от общества и даже от семьи (“ни от кого не зависеть!”), не быть ни чем и ни с кем связанным, “делать, что хочу”.

Очевидно, что нынешняя модель успеха, питаемая мечтой о безграничной свободе, не более, чем утопия. В то же время она является естественной реакцией на страх перед криминализацией общества и все увеличивающейся пропастью между богатыми (“бизнесменами”) и бедными (“всеми остальными”).

Проводимые референдумы о благополучии и модернизации в сфере образования нашим президентом Ш.М.Мирзияевым, можно отметить глубокую заботу о нашей молодежи, создание новых интеграций и инноваций для обучение, планирование и участие в тендерах молодежи, получение огромной помощи со стороны государства для осуществление своих жизненных стратегий и получение самых важных стимулов для

достижений своих целей.

Как подчеркивает наш президент Ш.М.Мирзияев, все в руках нашей молодежи, так как они являются нашим будущим и все привилегии создаваемые для них это - благодать.

**Список использованной литературы:**

1. Андреева Г.М. Психология социального образования. - М., 1997.
2. Налчаджян А.А. Социально-психологическая адаптация личности.-Ереван.,1988.
3. Шоумаров Г.Б. Основные проблемы этических принципов психологического консультирования. – Ташкент, 2015.

## ТАЛАБА ЁШЛАР ШАХСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

Э.Х.Бобомуродов,
Тошкент давлат педагогика университети Термез филиали, ф.ф.д., профессор

*Талаба ёшлар шахси тараққиётида ижтимоий-психологик омилларида тенгқурлари доираси, уларнинг қизиқишлари, катта роль ўйнаши, уларда дўстлик, ишқ-муҳаббат алоҳида аҳамият касб этиши кўплаб ҳар хил кечинмаларни юзага келтириши туйғулар оламини ўзгартиришининг моҳияти ва унинг омилларининг аҳамияти ёритилади.*

***Калит сўзлар:*** *ёшлар, шахс тараққиёти, ижтимоий-психологик омиллар, тенгқурлар доираси, қизиқишлари.*

*В становлении личности студента большую значение и роль играют среда, круг сверстников, их увлечения, интересы. В молодые годы товарищество, вызывают массу различных переживаний, изменяют мир чувств, углубляют процесс формирования самосознания личности студента.*

***Ключевые слова:*** *молодежь, личное развитие, социально-психологические факторы, сфера интересов, интересы.*

*In the formation of the student's personality, the medium, the circle of peers, their hobbies, interests play a big role and role. In the young years of the partnership, they cause a lot of different experiences, change the world of feelings, deepen the process of formation of the student's self-awareness.*

***Keywords:*** *youth, personal development, social and psychological factors, sphere of interests, interests.*

Шахснинг қарор топишида муҳит, тенгқурлар доираси, уларнинг қизиқишлари, манфаатлари катта роль ўйнайди. Ёшликда ўртоқлик, дўстлик, ишқ-муҳаббат алоҳида аҳамият касб этади, кўплаб ҳар хил кечинмаларни юзага келтиради, туйғулар оламини ўзгартиради, шахснинг ўзлгини англаши шаклланиши жараёнини ўзгартиради, [1, 12-б.]. Бошқаларнинг ички дунёсига қизиқиш, кишиларни тушунишга интилиш, ўзини бошқариш, ўзини назорат қилиш, ўз хатти-ҳаракатини баҳолаш қобилияти кучаяди.Уй муҳитидан бирмунча мустақил бўлиш, аввалги қизиқишларнинг ва хулқ-атвор шаклларининг сўниши, ўзгача, ўз ҳаёт соҳасига, тенгдошларнинг ёшларча қизиқишларига ўтиш намоён бўлади.

Ёшлик даврида ижтимоий-психологик ривожланиш доим ҳам бир текис содир бўлавермайдиган, ички зиддиятлар, уйғунликнинг бузилиши билан ҳам содир бўладиган ҳаддан ташқари динамик ўзгаришлар манзарасини ҳосил қилади. Биосоматик ривожланишнинг давом этиши ёш одам ҳолатига психологик таъсир кўрсатади, куч, қувват ортишини ҳис қилишда, умумий ҳаётий кўтаринкиликда, ўзгаришларга интилишда, максимализмда кўзга ташланади.

Ҳаракатга психологик тайёрлик кўпинча мақсадлар ноаниқлиги, ҳаётий тажриба камлиги, ноизчиллик, куч-кувватни зарур томонга йўналтира олмасликка дуч келиши мумкин.

Масалан, таниқли психолог олим С.Холл ўспиринлар психологиясидаги 12 хил зиддиятли ҳолатни қайд этади. Булар: ҳаддан ташқари фаоллик ҳолдан тойишга олиб

келиши мумкин; ақлсизларга қувноқлик ўрнини ғамгинлик олиши мумкин; ўзига ишонганлик уятчанликка ва журъатсизликка айланиши мумкин; ҳаддидан ошиқ альтруизм билан худбинлик галма-гал келиши мумкин; мулоқотга ҳирс қўйиш ўрнини ёлғизликка интилиш эгаллайди; нозик ҳис лоқайдлик билан алмашади, жонли қизиқувчанлик ўрнига ақлий бепарволик келади; телбалик ўрнини бефаҳмлик эгаллайди; қироатга бўлган эҳтирос унга беписанд қарашга айланади; реформаторликка эҳтирос ўрнини мутаассиблик олади ва ҳ.к.

Ёшлар психологияси хусусияти бўлган беқарорлик унинг хулқ-атворига ҳам таъсир ўтказиши мумкин. Лекин унга фақат салбий ҳолат сифатида қарамаслик даркор, чунки унда мазкур зиддиятларни ҳал этишга бўлган рағбатлар ҳам мавжуд. Турли кўринишдаги ўқиш, спорт, меҳнат ва ҳоказо фаолият бунинг учун асос бўлиб хизмат қилади. Фаолият ғайрат-шижоатни йўналтиришга кўмаклашади, мақсадга эришишдаги қатъиятни тарбиялайди, иродани мустаҳкамлайди. Фаолият орқали куч-кувват сарфланади, чидамлилик, жисмоний юкка чидаш қобилияти тарбия топади. Ва аксинча, банд бўлмаслик, фаолиятдаги бўшлиқ қизиқишлар маданияти йўқлиги билан қўшилиб, ёшларга ҳалокатли таъсир кўрсатади, жамиятга зид хатти-ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин. Буларнинг бари шахсни қаттиқ бузади, унинг емирилишига олиб келади.

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги “кучли ҳис-ҳаяжонни”, туйғулар зўрлигини, кечинмалар хилма-хиллигини ёшлар психологиясига хос деб ҳисоблашади.

Ёшлар психологиясининг мазкур хусусиятлари ҳали ҳаммаси эмас. Ёшлар ҳаётининг барча микродаврларини, биопсихологик ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хослигини, онги ва психологияси, хулқ-атвори ва турмуш тарзи хусусиятларини ўрганиш муҳимлигича қолмоқда.

Ёшлар психологиясини ижтимоий феномен сифатида тадқиқ қилишда уларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий –сиёсий ва бошқа тарихий шароитларни ўрганиш тақозо этилади.

Ёшларнинг ижтимоий тузумга боғлиқ хусусиятларини аниқлаш, шубҳасиз, асосий масаладир. Шу билан бирга ҳар бир ёш даври учун типик бўлган ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаш, биологиклик ва ижтимоийликнинг алоқаси ҳамда ўзаро муносабатини очиб бериш ҳам муҳим. [3, 86-92-б.].

Шахснинг аста-секин шаклланадиган ижтимоий етуклиги унинг ривожланишининг ўзига хос мезони, индивиднинг ижтимоий ҳаётга қўшилишининг натижаси сифатида воқеъ бўлади. Тарбиявий фаолият субъектнинг объектга унда муайян ижтимоий фазилатларни ривожлантириш мақсадидаги онгли таъсири эканлигини ҳисобга олиш даркор. Инсон, оила, мактабгача муассасалар, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, давлат ва жамоат ташкилотлари тарбия субъекти бўлиши мумкин. [6, 17-18-б.].

Ижтимоий етуклик асосий таълимнинг тугалланиши, касб-кор ва меҳнат фаоллигини орттириш, раҳбарлик функцияларини, муҳим мажбуриятларни бажариш имконияти, сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш, қонун олдида жавоб бериш, никоҳланиш, фарзандларни тарбиялаш билан бир вақтда тўғри келади. Бошқача айтганда, ижтимоий етуклик шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида намоён бўладиган, шу жумладан уларни фаолиятнинг хилма-хил турлари орқали рўёбга чиқариладиган ҳолатини ифодалайди. Шахснинг ижтимоий етуклигини тавсифлашда сиёсий позицияларни, дунёқарашни, ахлоқий эътиқодларни, эстетик дидни англай олиш даражасидаги этиканинг ҳам аҳамияти кам эмас.

Ижтимоий етуклик кўп ўлчамли бўлибгина қолмай, балки тарихан тақозо этилган ҳамдир. Ижтимоий етуклик жамият ёшлар олдига қўядиган ҳамда унинг жамиятдаги аҳволини белгиловчи асосий омил деб ҳисоблайдиган конкрет-тарихий талабларга боғлиқ.[7, 76-78, 80-81-б.].

Шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатларининг психологик жиҳатларини таҳлил қилишда индивидуал психология (энг аввало, шахс психологияси) ҳамда жамоа, кичик

гуруҳлар ва х.к. психологиясини тадқиқ қилувчи ижтимоий психология фарқланади.

Ижтимоий гуруҳнинг бир тури бўлган жамоа психологиясининг хусусиятлари объектив ижтимоий муносабатлар, қадриятлар, жамиятни ривожлантириш мақсад ва вазифалари билан белгиланади. Ёшларнинг миллий психологияси сарчашмалари ҳамда хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, объектив ва субъектив сабаблар, талаблар шарт-шароитлар, омиллар, ҳар бир индивидуалликнинг ривожланиш диалектикасини тушунишимиз даркор.

Ёшлар ижтимоий психологияси нималардан таркиб топади? Жонли мавжудотнинг олам билан ўзаро муносабати ҳиссий ва ақлий образлар, асослар, мулоқот жараёнлари, хатти-ҳаракат предметлари, кўрсатмалар, эмоционал ҳолатлар ва бошқа шу каби актлар воситасида амалга оширилади.

Хулқ-атворнинг турли психик имкониятлари унга барқарорлик ва мақсадни кўзловчи фаоллик бахш этувчи тузилмани таркиб топтиради. Инсонда бу тузилма шахснинг конкрет психик кўринишларининг ўзига хослигини белгиловчи психик тузилиши (унинг қобилиятлари, характери, темпераменти, қадриятлар йўналиши, ўзини баҳолаши, фикрлашининг индивидуал услуби, дунёқараши ва ҳ.к.) тарзида ифодаланади.

Шу боис ёшларни тарбиялашнинг муҳим элементларидан бири шуки “анъаналарнинг қадимий ворисийлиги, маданий қадриятларнинг узвий қабул қилиниши оиладан, мактабдан бошланиши даркор. Айнан ўқитувчи ватан маданий, тарихий, ахлоқий қадриятлари тикланишда кўмаклашади, болаларнинг маънавий камол топишини таъминловчи шароитни яратади”[2, 195-б].

Бизнингча, ёшлар ижтимоий психологияси тузилмасида фикрлашни, хулқ-атворни хатти-ҳаракатга айлантирувчи сифатида воқеъ бўлувчи дунёқараш йўналишлари муҳим ўрин тутади.

Дунёқараш – умуман оламга қарашларнинг умумлашган тизими, кишилар илмий фалсафий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маънавий эътиқодлари ҳамда идеалларининг мажмуи эканлиги маълум. Дунёқараш инсон учун ўзига хос маънавий мураббий, йўлбошчидир. Агар у дунёни тўғри тушунишдан келиб чиқса, оламни оқилона ўзгартириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Воқеликнинг нотўғри инъикосидан иборат бўлса, у ҳолда шахс ҳаётида жиддий тўсиққа айланади. Дунёқараш масалаларида ҳамда оламни билиш ва ўзгартиришга ёндашиш усуллари масалаларида тўғри йўлни топа олмаган инсон ўзини ишончсизлик билан тутади, ожиз ҳис қилади. Шу боис, атроф воқеликда киши ўзини онгли ва эркин тутиши учун илмий дунёқарашга эга бўлиши лозим.

Ж.Туленов таъкидлаганидек, илмий дунёқарашни шакллантириш, ҳар бир кишининг дунёқараш тайёргарлигининг ажралмас элементи бўлган қуйидаги фазилатларни тарбиялашни тақозо этади [4, 99-108-б].

Илмий дунёқараш пойдеворини табиий, ижтимоий, техник, фанларни билиш ташкил қилади, яъни илмий дунёқарашни шакллантириш ушбу барча фанлар соҳаси фундаментал билимларини чуқур ўзлаштиришдир. Билимнинг шахсий эътиқодга айланиши илмий дунёқарашни шакллантиришнинг навбатдаги ажралмас элементидир. Киши фанлар кенг мажмуи бўйича ажойиб билимга эга бўлиши мумкин, бироқ агар улар унинг шахсий эътиқодига айланмаган бўлса, бундай кишини дунёқараши бўйича тайёр деб ҳисоблаб бўлмайди. Билим шахснинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик позициясини, кишининг ички эътиқоди характерини шакллантирсагина, яъни унинг бутун ҳаёт тарзи асосига айлансагина дунёқарашга айланиши мумкин.

Билим кишининг шахсий эътиқодига ўз-ўзидан айланмайди, уни шакллантириш ҳам керак. Бунинг учун таълим ва тарбия жараёнида шахснинг ақл-идрокига, ҳис-туйғусига ва ҳоҳиш-иродасига муайян мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатиш зарур. Эътиқод мазмунини билимлар, ғоялар характери белгилаб бериши маълум. Шу боис талабаларга етказилаётган ғоялар улар томонидан теран тушуниб олиниши ва ақл-идрок мулкига айланиши даркор. Улар шундагина онгда ўз изини қолдириши мумкин. Бунинг учун субъектларларда мустақил фикрлашни ривожлантириш даркор. Бусиз илмий дунёқараш кишининг шахсий

эътиқодига айланмайди.

Мустақил фикрлашни тарбиялаш эса, ўз навбатида, субъектнинг ушбу билимлар, ғояларни эгаллаши жараёнидаги ҳиссий кечинмалари билан боғлиқ. Агар киши онги фиқат ақлий фаолият билан чегараланганида, эътиқодлар мазмуни бирон-бир ғоя билан, у ёки бошқа мантиқий билимлар билан мос тушган бўларди. Лекин инсон ҳис этган ҳолда фикрлайди ва фикрлаган ҳолда ҳис этади. Шунинг учун эътиқодга рационаллик билан ҳиссийликнинг ажралмас алоқаси хосдир. Инсоний ҳис-ҳаяжонсиз инсон томонидан ҳақиқатнинг изланиши ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Эътиқодни ҳосил қилиш ҳам ҳақиқатни излашнинг бир туридир. Бинобарин, киши ғояни соф мантиқий аниқлашдан ташқари ғоялар борасида муайян туйғуни ҳис этади, бусиз улар кишининг эътиқодининг мазмунига айланмайди.

Билимдан эътиқодга уни ўзлаштириш ва ҳис этиш орқали ўтилади. Шундай кечинмалар туфайли трансформация рўй беради, шу жараёнда илмий билимлар киши онгида янги сифат касб этади, унинг илмий эътиқодига айланади.

Илмий билимлар – киши эгаллаган ва теран ҳис қилган, бундай янги сифатда унинг онгининг органик мазмуни бўлиб қолган ғоялар, билимлардир. Эътиқодни ҳосил қилиш субъектнинг иродасини тарбиялаш жараёнидир. Эътиқодлар амалиётга айланиши лозим бўлгани учун ҳам эътиқод ҳисобланади. Субъектнинг ўз эътиқодларидан фойдаланиш ва ўзида ҳақиқатдан ҳам бор нарсани исботлаш учун эътиқодларга ўз фаолиятида амал қилишда бу билан уларни бирон-бир тарзда рўёбга чиқаришдан ўзга усули йўқ. Амалиёт бирон-бир эътиқоднинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслигининг, уларнинг илмийлиги ёхуд ғайриилмийлигининг мезони. Амалиёт кишида эътиқод умуман бор ёки йўқлигининг ва у қандайлигининг мезонидир.

Эътиқодлар ирода туфайли муайян йўналиш касб этади, субъектни тегишли хатти-ҳаракат қилиш, хулқ-атворни намоён этиш сари етаклайди. Илмий эътиқод киши бошдан кечирган, шунинг учун унинг иродаси ҳамда тегишли хатти-ҳаракат ва ишларни амалга оширишга тайёрлигининг аниқловчисига айланган ғояларни теран ўзлаштиришдир.

Илмий дунёқарашни шакллантиришнинг учинчи элементи – кишида ўз эътиқодларини рўёбга чиқаришга тайёрликни тарбиялаш. Билимлар киши фаолияти, ўз тажрибаси, ҳис-туйғуси ва кечинмалари билан мустаҳкамланган тақдирдадиган, билим ва хатти-ҳаракат бирлиги шахсни дунёқараш нуқтаи назаридан тайёрланган кишига айлантиради.

Ниҳоят, Ж.Туленов адолатли равишда таъкидлаганидек, “кишининг ўз ишонч-эътиқодини ҳимоя қила олиш маҳорати”, [5, 397-б.] уларни рўёбга чиқариш учун кураши дунёқарашнинг тўртинчи элементидир.

Бинобарин, илмий дунёқарашни шакллантириш: табиий, ижтимоий ва техник фанлар соҳаси билимларини чуқур ўзлаштириш; шу билимларни шахсий эътиқодга айлантириш; кишининг ўз эътиқодларини ҳаётда рўёбга чиқаришга тайёрлиги; ўзгача фикрлашнинг салбий шаклларига қарши курашда ўз эътиқодини ҳимоя қила олиш маҳоратини тақозо этади. Илмий дунёқарашнинг асосий таркибий қисмларини билиш ёшларни дунёқараш борасида тайёрлаш йўллари, шакллари ҳамда методларини аниқлашда мутлақо катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий психология тузилмаси ҳақида гап борганида миллий урф-одат, анъаналар, маданиятнинг ёшлар психик тузилишига таъсири масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Миллий сарчашмалар қайта кўз очаётганмиллий маънавият тикланаётган, тарихий хотирага эга бўлинаётган, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор тикланаётган жараёнда ушбу масала жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гриман Л.П. Общения с собой: Начало психологии активности. –М.: политиздат, 1991. –С. 12.

2. Кузовлев В., Горбенко В., Черных Е. Подготовка будущих учителей к воспитательной работе в школе // Народное образование. –М., 2001. №5. –С.195.
3. Туленов Ж.Т. Системный и непрерывный характер мировоззренческой подготовки личности // Мировоззренческое воспитание личности. –Ташкент: 1991. –С. 86-92.
4. Туленов Ж. Диалектика назарияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 99-108-бетлар;
5. Туленов Ж. Диалектика и современность. –Ташкент: Фан, 1989. –С. 397.
6. Чориев А. Ижтимоий тарбия // Мулоқот. 1995. 1995. №1-2. 17-18-бетлар.
7. Эргашев И. Мустақиллик, сиёсат ва қишлоқ. –Тошкент: Фан, 1996. -76-78, 80-81-бетлар.

## ПОКАЗАТЕЛИ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ О ПОЛО-РОЛЕВОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ У МОЛОДЕЖИ

Р.Г.Мустафина,
Набережночелнинский институт КФУ, к.б.н., доцент (Россия)

*Талабаларнинг жинс-мавқе мазмуни ҳақидаги тасаввурлари ўрганилган. “Бахтли оила” портрети ҳосил қилинган. Қизларда феминизм стереотипларини эгалланиши, ўғил болаларда мардлик камроқ сезилиши кузатилган. Қизларда карьера ва оиланинг устуворлиги ва асосий мотиви эканлиги аниқланган.*

***Калит сўзлар**: оила моделлари, гендер роли, келажакда оила муносабатини режалаштириш, мартаба ва оила, келажакда оила ҳақида талабаларга никоҳгача гояларни англатиш.*

*Изучено содержание представлений студентов о поло-ролевой идентичности. Получен портрет «счастливой семьи». Установлено преобладание феминизированных стереотипов у девушек, а маскулинность у юношей менее выражена. Получены образы женщины и мужчины в представлениях девушек и юношей соответственно, а также образы женщины и мужчины в представлениях юношей и девушек соответственно. Выявлена приоритетность карьеры и семьи для девушек, а также основной мотив создания семьи. Получены половые различия во взглядах на брак и взаимоотношения в семье.*

***Ключевые слова**: модели будущей семьи; гендерная роль; отношение к планированию своей будущей семьи; карьера и семья; добрачные представления студентов о будущей семье.*

*The problem of a creativity of a modern person becomes more and more actual. Creative people are necessary to a developing society, first of all, - for being intellectual-creative, capability to think safely, creativity - it is nonconventional and original, solving problems productively. The creative persons are creatively proving in different kinds of activity are necessary for a modern society. Today creativity is the important criterion of the person, the factor of his complete development. Therefore in the state educational policy of creativity - at intellectual level, naturally, on an informative basis, the especial attention now is given to active creativity. In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - potential of the person with special attention to intellectual-creative thinking. That is quite lawful, as the new thinking - courageous, original, creative, initiative, constructive, is innovative-innovative today is required.*

***Key words**: original, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.*

Ҳозирги замон шахси креативининг мумамоси янада долзарб бўлиб бормоқда. Ривожланаётган жамиятга ижодий, энг аввало, – интеллектуал-ижодий, дадил, ноанъанавий ва ўзига хос тарзда фикрлашга, муаммоларни самарали ҳал қилишга қодир бўлган шахслар зарур. Бугунги кунда замонавий жамиятга ўзини фаолиятнинг ҳар хил турларида намоён этувчи креатив шахслар керак. Шахснинг муҳим мезони-унинг яхлит тарзда ривожланишининг омилидир. Шунинг учун давлат таълим сиёсатида креативликка – интеллектуал даражадаги фаол ижодга, албатта, билишга оид асосда, ҳозирги даврда алоҳида эътибор берилмоқда.[1, 20-29-б.].

Ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий фаолияти – бу тарихий-маданий объектни, уни тарихий-маданий ва бадиий-эстетик жиҳатдан идрок қилишга – нутқий шаклда англаш ва акс эттиришга – ўз билимлари ва таассуротларини бошқаларга узатиш учун аниқ бир мақсадда йўналтирилган фаол фикрий-ижодий фаолиятдир. Ўқувчиларга бу фаолиятнинг унинг ҳар хил турларида такомиллаштирилишини рағбатлантирадиган сифатлар ва қобилиятлар зарур. Масалан, эмоционал маданият, предмет (объект)ни идрок қилишнинг кучлилиги ва чуқурлиги, технологик, мантиқий-таҳлилий фикрлаш, ижодий тасаввур, умумлаштирилган тарзда “ҳис этиш” ва бошқалар.

Ўқувчилар фаолият тўғрисида қандайдир тасаввурга эгадирлар, бироқ, фаолият турлари тўғрисидаги аниқ-назарий жиҳатдан эмас, болки шу вақтнинг ўзида, бу билимларга нисбатан қизиқишни сезсалар-да, улар фаолиятнинг структуравий-даражали жиҳатлари, технологияси ва схемаси тўғрисида мулоҳаза юрита олмайдилар. Шунинг учун уларни фаолият назарияси ва амалиёти, хусусан, биринчи навбатда, ахборот-идрок қилишга оид соҳада ва миллий ва жаҳон қадрияти ҳисобланган қадимий меъморчиликнинг

энг буюк тарихий-маданий ёдгорликларини бадиий-эстетик тарзда идрок қилиш бўйича интеллектуал-ижодий курс билан таништириш лозим. [2, 440-б.].

Мотив – эҳтиёжни қаноатлантириш учун онгли равишда ҳаракат қилиш ҳоҳиши, яъни, истак, майл – унинг қаноатланишини талаб қиладиган эҳтиёж сифатида ривожланган онгли равишдаги қизиқиш. Инонтириш, ишонч, ахлоқий-психологик ва психологик-педагогик таъсирлар (кўрсатмалар) остида, эмоционал-психологик муҳитда, шахсиятли эҳтиёж билан боғлиқ бўлган қизиқарли креатив фаолиятнинг истиқболини очиш билан вужудга келади.

Мотив ва мотивация тўғрисида юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаймиз: жараённи мотив воситасида – ижтимоий-шахсиятли омиллар таъсирида фаоллаштириш лозим; у мунтазам равишда ривожланган ва бойитилган ҳолда шахснинг структурасига кирадиган ижобий мотивациянинг мададига эҳтиёж сезади, айниқса, агарда ташқи омиллар шахсиятли омилларга таянган бўлсалар; ўқувчилар билан олиб бориладиган мотивациявий ишда қизиқишлар ва эҳтиёжларнинг бирлиги муҳим, қайси-ки, бу Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини уларнинг мажмуида – шахс креативини такомиллаштириш мақсадларида эмоционал-фаол тарзда креатив равишда идрок қилишга оид-эҳтиёжий фаолиятни асослаб беради.[3,166-167-б.].

Шундай қилиб, креативни ривожлантиришга қаратилган юқори эмоционал-ижобий кайфият, кейин эса – унга бўлган эҳтиёж сезилади.

Кўриб чиқилган психологик жиҳат педагогик тагмаъногa эга ва тадқиқ қилинаётган жараённинг назарий-педагогик ва назарий-амалий асосларини ишлаб чиқишда психологик-педагогик ориентир сифатида хизмат қилади.

эмоционал-ижобий кайфият, мотивациявий-англанган муносабат, креативни, унинг интеллектуал-ижодий потенциалини, технологиясини англаб олиш,

креатив – интелектуал-ижодий қобилиятларга қўйиладиган талабларни ўзлаштириш,

бу талабларни бажариш (идрок қилиш, меъморчилик, бадиий-таҳлилий ва интеллектуал-ижодий фаолиятда),

шахс креативининг – фаол, интеллектуал-ижодий ўз-ўзини намоён қилишга оид (топширилган ишларда идроқ қилиш-ахборот ва интеллектуал-ижодий даражаларида) – маънавий кучларини сафарбар қилиш,

креатив қобилиятлар даражасидаги фаолиятлилик, ижтимоий-коммуникатив шароитларда уларнинг намоён бўлиши,

креатив қобилиятларини интеллектуал-ижодий ўз-ўзини намоён қилиш, креатив ўз-ўзини такомиллаштиришга сафарбар қилиш.

"Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликлари: креатив ўрганиш" мавзусидаги синфдан ташқари машғулотлар мазмунининг ўқувчилар креатив – интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган психологик-педагогик модели: ўқувчилар билан олиб бориладиган мотивациявий иш; психологик-педагогик тузилиши – ориентири; луғавий-тушунчавий иш; Ўзбекистон ҳудудидаги энг буюк меъморчилик ёдгорликлари тўғрисидаги тарихий-маданиятшунослик ахборот; Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини тадқиқ қилишдаги креатив ўрганиш, интеллектуал-ижодий амалиёт, ижодий топшириқлар ва интеллектуал-ижодий ишлар, консультациялар, интеллектуал-ижодий "маҳсулот"ни эълон қилишга тайёрлаш, интеллектуал-ижодий "маҳсулот"нинг, креатив қобилиятларнинг-ижтимоийлаштирилиши, назорат-якуний машғулот, эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўқувчиларни ўз креатив – интеллектуал-ижодий ориентирларини янада ўз-ўзини такомиллаштиришга йўналтириш.[4,120-б.].

Алгоритмлар: тарихий-маданий материални идрок қилиш ва тарих маданият ёдгорликларини идрок қилиш-таҳлил қилишга оид атама.

Идрок қилиш – тарих ва маданият ёдгорликларини таҳлил қилиш жараёни анализи ўқувчиларни қуйидагиларга урғу беришга йўналтиради:

I. Ихтиёрий эмоционал-ҳиссий, субъектив-шахсиятли идрок қилиш умуман айтганда – бошланғич таассурот.

II. Ёдгорлик тўғрисида ахборот: тарихий-маданий, унинг қурилиши, вазифаси тўғрисида.

III. Иккиламчи равишда идрок қилиш (барча ракурсларда) – иккиламчи таассуротни англаб олиш.

IV. Идрок қилиш – умумий архтектура қиёфасини, силуэтини, чизиқларини, шаклини композицияни, томонларининг конструкцияларини тарафлари, қисмлари, парчаларини, ташқи-бадиий ва эстетик меъморий-безаш санъатини ички-интерьерли меъморий-безаш декорини; тасвирий-ифодали воситаларини, уларнинг мазмун билан ўзаро нисбатини умумий маъно-сўз-мазмундорлиги ва бошқа жиҳатларини ифодалайди – у даврда ва ҳозирги вақтдаги.

V. Миллий қадрият ва жаҳон мероси сифатида ифодаланадиган ёдгорлик тўғрисида мулоҳаза юритиш.

VI. Ёдгорликка нисбатан ўз муносабатини белгилаш.

Қадимий меъморчилик ёдгорликларига бағишланган ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий ишларига нисбатан қуйидаги ориентир белгиланган: қизиқиш, эмоционал-ижобий, ижодий кайфият; тарихий-маданий, миллий-тарихий аҳамият ва жаҳон қадрияти сифатидаги объектга эътибор; қадимий меъморчилик объектининг меъморий-тимсолли ифодалилигини ҳис этиш; ишда ёдгорлик тасвиринин борлиги; ишнинг аниқ бир мақсадининг белгиланганлиги; унинг мазмунининг режалаштирилиши; материалнинг идрок қилиш жозибалилиги; мантиқийлиги ва изчиллиги, ижодий тасавур билан баён қилишнинг ёрқинлиги ва ифодалилиги; қизиқарли материал, тарихий далиллар, воқеалардан, доҳиёна (Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва бошқа шу каби) шахслар тимсолларидан фойдаланиш; ёдгорликнинг нафақат, тарихий-маданий, балки, меъморий-бадиий қимматлигини, эстетикасини, эмоционал таъсирини, ҳарёқлама мангу қадриятини очиб бериш; ўзининг дадил мулоҳазаси ва фикрини билдирган ҳолда, асосий мазмуннинг умумлаштирилиши билан, ёзилганни лўнда равишда умумлаштириш; ўз креативининг ўз-ўзини очиб бериш ва ўз-ўзини намоён этиш; фойдаланилаётган адабиётлар рўйхатини келтириш.

Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини синфдан ташқари ўрганиш жараёнида кўриб чиқилган, ўқувчилар креатив – интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик аспектлари ҳаққоний ва педагогик жиҳатдан самаралидир, бу ушбу ёшдаги ўқувчилар қобилиятларини ривожлантириш жараёни ва натижаларига бағишланади.

Ўзбекистон тарихий-маданий меросини Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликлари: креатив ўрганиш мавзусини синфдан ташқари ўрганиш жараёнида ўқувчиларида креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг кўрсаткичлари ва мезонларини келтирамиз.

Кўрсаткичлар: мотивациявий замонавий шахсни такомиллаштиришда креатив ривожланиш зарурлигининг англаб олиниши, идрок қилиши, фаолиятли-ижодий, акс эттирувчи – интеллектуал-ижодий, коммуникатив, ўз-ўзини такомиллаштириши тушиналади, [5, 131-б.].

Ўзбекистон тарихий-маданий меросини синфдан ташқари креатив ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг креатив-интеллектуал-ижодий қобилиятларини ривожлантириш мезонлари:

I. Ўз креатив қобилиятларини ривожлантиришга нисбатан қизиқиш ва мотив; ўз креатив потенциалини ривожлантириш истаги.

II. “Креатив” тушунчасини, ундаги интеллектуал-ижодий қобилиятларнинг муҳимлиги, роли ва аҳамиятини билиш – тушуниш – англаб олиш.

III. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий-меъморий ёдгорликларини фаол креатив-идрок қилиш равишда ўрганиш.

1.Тарихий-маданий.

2. Бадиий-меъморий.

IV. Умри боқий миллий тарихий-маданий мерос ва жаҳон бойлиги ҳисобланган Ўзбекистон қадимий меъморий ёдгорликлари тўғрисидаги назарий-амалий топшириқлар, ишлар, эгалланган билимлар ва таассуротларнинг ҳар ҳил турларини креатив – интеллектуал-ижодий тарзда акс эттириш.

V. Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларига бағишланган интеллектуал-ижодий ишларни мактабдаги тадбирларда чиқишларнинг турли даражаларида тайёрлаш ва амалга ошириш.

VI. Ўз креатив – интеллектуал-ижодий қобилиятларини, шахс креативини ўз-ўзини такомиллаштиришга шай туриш.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, креатив қобилиятларнинг ихтисослашувини, мактаб ўқувчиларининг қизиқишларини, ишларнинг танланишини ва фаолиятини белгилайди. Шуни учун ўқувчиларнинг айниқса, синфдан ташқари машғулотлар ва тадбирларда индивидуаллашишига эътибор бериш зарур. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ёши – шахснинг шаклланишининг муҳим давридир. Ундан ташқари, бу ёш, ўз психикасининг хусусиятлари бўйича креатив қобилиятларни ривожлантиришга тайёр, бунга нисбатан тўла англанган эҳтиёжга эга.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни//Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарк, 1997. Б.20-29.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
3. Эрмолаева-Томина Л.Б. Проблемы развития творческих способностей детей // Вопросы психологии, 1985. № 5. – 166-167 б.
4. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – СПб, 2000. – 120 б.
5. Каменев Ю.М. Изучение школьниками памятников истории и культуры. – М., 1999. – 131 б.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Х.Турсунмуродов, Г.И.Исхакова,
Самарқанд давлат университети

*Мақолада фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим бўлган социал-психологик механизмлар ўрганилади. Шахснинг жамият томонидан назорати, ижтимоийлашуви, шаклланиш жараёнлари психологик, тарихий, фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади.*

***Калит сўзлар:*** *шахс, жамият, ижтимоий назорат, норма.*

*В статье исследуется социально-психологические механизмы, которые являются важными в формировании и развитии гражданского общества. Даётся психологический, исторический, философский анализ социального контроля, социализации, становления личности.*

***Ключевые слова:*** *личность, общество, социальный контроль, норма.*

*The article explores the sotcio-psychological mechanisms that are important in the formation and development of civil society. The psychological, historical, philosophical anatysis of social control, socialization, the formation of personality.*

***Key words:*** *person, society, monitoring, norm.*

Бутун дунё ҳамжамияти ривожланиш тенденцияларига эътибор берсак, шахс ва жамият тараққиётининг асосий омили ижтимоий-психологик омилларга бориб тақалмоқда.

Юртимиз фуқаролари психологиясида рўй бераётган ўзгаришларда, уларнинг ҳаётга,

қадриятларга, касб-кори, оиласи ва яқинларига бўлган муносабатларида тобора миллий истиқлол мафкурасининг асосий мазмун ва моҳияти акс этмоқда.

Биз қураётган фуқаролик жамиятида ижтимоий норма, назорат ва ижтимоий фикрнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Жамоатчилик назорати тушунчаси мазмун нуқтаи назардан "жамоа", "жамоатчилик", "назорат" сўзларининг мантиқий мақсадли уйғунлашуви маҳсулидир. Ҳозир ва ўтмишда, ватанимиз ёхуд хорижий мамалакатлар тадқиқотлари бу терминлар мазмунига турли талқин бериб, уларга мақсаддан келиб чиқадиган маъно юклатиб келинган. Хусусан, аксарият тадқиқотларда жамоатчилик назоратининг таркибий қисми бўлган "назорат" тушунчаси "тасаввур", "муҳокама", "қарашлар", "мулоҳазалар", "ишонч", "эътиқод", "лафз", "фикр билдириш", "плюрализм" ва ҳоказо терминларга синоним тушунча сифатида ҳам талқин этилади. [2, 65-б.]

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг аҳлоқ-ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз-ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ – шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Ижтимоий норма – шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ-атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. [4, 102-б.].

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади.

Ижтимоий санкциялар – нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик фикридан келиб чиқади.

Жамоатчилик фикри – халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир (Гегель), жамоатчилик фикрида ҳамиша ҳақиқий бўлмаган нарсалар чатишиб кетсада, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлиб келган.

«Жамоатчилик фикри атамаси инглизча "publik opinioh" сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дастлаб Англияда қўлланилган. Кейинчалик бошқа мамлакатларга ўтиб, XVIII аср охиридан бошлаб кенг тарқалган. "Жамоатчилик" тушунчаси энг қадимги даврларда, хусусан, куҳна Эллада ва Рим давлатлари сиёсатида муҳим ўрин тутган бўлиб, унга халқ фикри нуқтаи назаридан қараб келинган» [5,34-б.]. Мовароуннаҳрнинг кўп йиллик тарихида жамоатчилик термини муқаддас тушунчалардан саналиб, шахс ва жамоа муносабатларида бирламчи ўрин тутиб келган. У шахс туғилганидан бошлаб бутун ҳаёти давомида муайян маёқ вазифасини ўтаб, тартиб қоидалар, тузуклар, қонунлар, урф-одатлар ва анъаналар тарзида амал қилиб кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, уй-фикрлари, орзу ва режаларини муайян мақсадлар сари йўналтириб келган.

Бу борада Абу Наср Форобийнинг социал психология фани учун зарурий манба ҳисобланувчи қуйидаги асари ва фикрлари орадан кўп асрлар ўтган бўлишига қарамасдан ўз аҳамиятини йўқотмаган. 37 мустақил бобдан иборат «Китоб аро аҳл ал мадания ал фозила» («Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари») номли фундаментал асарда шундай фикрлар бор:

Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баравар

бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззат пайдо бўлади.

Форобий фикрини давом эттирар экан, ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳолатларни таҳлил қилиб беради:

Аммо, баъзи шаҳар (ёки мамлакат) лар бўладики, уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрта-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирини кўролмаслик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғилади.

Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси – фазилатли жамоадир.

Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Ф. Акрамова таъкидлашича, «Жамоатчилик назорати кишиларнинг у ёки бу ҳодисага нисбатан билдирган эътирозий ёхуд эътирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари йиғиндисидир». [2.78]

Жамоатчилик назорати моҳиятини умумий тарзда ва тўғри баҳолашда америкалик социолог У. Липмон нуқтаи назари эътиборга лойиқдир. Жамоатчилик назорати деб таъкидлайди у, кишиларнинг умумий, жамоавий манфаатлари ифодасидир [3, 57-б.].

Шундай қилиб, жамоатчилик назорати ижтимоий онгнинг ахлоқ, сиёсат, санъат, дин сингари шаклллардаги маълум ҳолати ва айни чоғда мазкур соҳаларда унинг нечоғли намоён бўлиш мезони ҳамдир.

Шахс ижтимоийлашуви соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у-индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс фаол равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин.

Шахс ижтимоийлашуви (социализацияси) ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабхаси, сохаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш йўлидаги фаоллиги унда ўзига хос ижтимоии-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) мулоқот соҳаси, айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

3) ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни "Мен" образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлилигини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш,

назорат қилиш хусусиятлари ривожланади, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фикр эркинлиги қонун йўли билан асосланган. Шахс мамлакатда бўлаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларга нисбатан ўз фикрини эркин ифода этиш ва уларда фаол иштирок этиши зарур. Акс ҳолда тараққиёт бир жойда тўхтаб қолиши, ҳатто орқага кетиши ҳам мумкин.

«Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларнинг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти» сари деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва тенг ташкил этишда кенг имконият яратади” [1, 87-б.].

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**


1. И.Каримов. Адолатли жамият сари - Т.: 1998.
2. Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология. Т.: ТДПУ, 2004.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: - 1999.
4. Бекмуродов Н. Амалий психология. - Т.:-2008.
5. Аликориев Н.С. Умумий социология - Т.: 1999.


## ЗЎРАВОН-ТАЖОВУЗКОР ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ


А.А.Бахрамова,
Самарқанд давлат университети



*Мақолада зўравон тажовузкор хулқнинг вужудга келишига таъсир этувчи омиллар, тажовузкорликнинг асосий психологик хусусиятлари очиб берилган, шунингдек, жиноятчи шахснинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *тарбия, эҳтиёж, болалик, оила, ота-она, девиант хулқ, суицид, муҳит, хавфсизлик, таҳдид, зўравонлик.*

*В статье раскрыты основные психологические особенности агрессии, воздействующие факторы возникновения агрессивного поведения, а также, изучено причины появления приступной личности.*

***Ключевые слова:*** *воспитание, потребности, детство, семья, родители, девиантное поведение, суицид, среда, безопасность, угрозы, насилие.*

*The article reveals the main psychological features of aggression, the factors influencing the occurrence of aggressive behavior, as well as the reasons for the appearance of an attack personality.*

***Key words:*** *upbringing, needs, childhood, family, parents, deviant behavior, suicide, environment, security, threats, violence.*


Ушбу тоифадаги зўравон-тажовузкор хулкнинг асосий психологик хусусиятлари шундан иборатки, маълум одамлар билан мулоқот қилиш улар учун ўта муҳим, айтиш жоиз бўлса, ҳаётини таъминловчи хусусиятга эга бўлади. Зўравонликнинг психологик "илдизи" шундаки, жиноятчи ўз қурбонига (кўп жиҳатдан онгсиз равишда) эхтиёжларини қондириш ёки ўзини унинг ахлоқ тўғрисидаги тасаввурларига мос равишда тутиш қобилиятини юклайди. Зўравонликка мойиллик киши ҳаётининг илк босқичларида, эрта болаликда шаклланади ва боланинг (бўлажак жиноятчининг) ўз оиласида эгаллаган ўрни натижаси ҳисобланади. Бу ўриннинг моҳияти уни ота-онаси ёқтирмаслиги, баъзан тўғридан-тўғри ундан юз ўгиришидан иборат бўлади. Боланинг ўз онаси рад этувчи, ёқтирмовчи ролида чиқса, бундай вазият ўта фожиали бўлади. «Ёқтирмаслик» атамаси онанинг ўз боласига шундай муносабатини англатадики, фарзандини авваламбор табиий – овқатга, иссиқликка,

тозаликка эҳтиёжларини ўз вақтида ва аниқ қондиришга қодир эмас, ёки истамайди, ёхуд қилолмайди. Бунинг натижасида бола сурункали танқислик, ўз эҳтиёжларининг доимий қондирилмаслиги вазиятида бўлиб қолади. Бу ҳолат уни доимий равишда бошқа одамга (онасига) қарам қилиб қўяди, чунки фақат угина ушбу эҳтиёжларни қондириши мумкин. Бундай эҳтиёж сақланар экан қарамлик ҳам сақланиб қолади. Демак, тажовузкор- зўравон жиноятчилар учун ҳаётий муҳим (витал) эҳтиёжларнинг сурункали равишда қондирилмаслиги хосдир, шунинг учун ҳам уларни қондира оладиган объектларга худди шундай сурункали тобелик юзага келади. Рад этилаётган бола унинг хавфсизлигини таъминловчи аниқ бир киши (онаси) юзида мужассам бўлган унинг учун ҳаётий муҳим шарт-шароитларга қарам бўлиб қолади. Бу омилларнинг етишмовчилиги унинг ҳаёти учун доимий таҳдид вазиятини юзага келтиради. У гўё сўнгги даражада яшайди: ҳеч қачон тўлиқ хавфсизликни ва ўз эҳтиёжларининг қондирилганини ҳис этмайди ва шу вақтнинг бу ҳаётий муҳим шарт-шароитлардан тўлиқ маҳ- рум бўлишгача бориб етмайди. Бу потенциал равишда ўзида ҳало- катли таҳдидни олиб келувчи мавжудликнинг ўзига хос "экстре-маллиги"дир. У қотиллик ва бошқа шаклдаги жиноий зўравонлик намоён бўлишининг келиб чиқиш манбаидан иборатдир. Агар қайд этилган вазият киши ҳаётининг илк даврида юзага келган бўлса, унда вақт ўтиши билан (қариганда) у йўқолиб кетмайди, балки унинг мазмуни ва асосий муносабатларини сақлаб бошқа шаклга ўтади. Онанинг ўрнини асосий ҳаётни таъминловчи омил сифатида бошқа шахс эгаллаши мумкин, лекин тўла тобелик муносабати сақланиб қолади. Қайд этилган қарамлик муносабати бошқа ўта аҳамиятли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Уларнинг асосийларидан бири мустақил, тобе бўлмай яшаш лаёқатини олиш жараёнининг тўхташидир. Бу тўхташ, ўз навбатида, шахснинг руҳий ва ижтимоий ривожланиши учун жиддий оқибатларга эга. Улардан асосийси ва энг умумийси руҳий функцияларнинг – хотира, ўзлаштириш, фикрлаш, диққатни жамлаш ва бошқаларнинг секинлашган ва унча чуқур бўлмаган ривожланиши ҳисобланади. Инсон шахсияти бу ерда гўё суст дифференциаллашади ва ўз тузилишига кўра мураккаблашади. Қотиллик содир этганнинг шахсиятини ўрганган тадқиқотчилар уларда ривожланишнинг ўртача олганда паст, қолоқ даражасини, юқори бўлмаган умумий маданият, тор билим ва манфаатлар доирасини белгилашлари бежиз эмас. Бу орқали ушбу шахслардаги мослаштирувчи имкониятларнинг суст ривожланиши учун асос яратилади, улар атрофдаги муҳит ўзгаришларига мослашувнинг ғоят чекланган воситалари ва усулларига эга бўладилар, ташқи ҳодисалардан жуда паст ва ҳиссий-қолоқ даражада таъсирланадилар ва ўзлаштирилаётган ахборотни интеллектуал равишда қайта ишлаш имкониятларида ғоятда чекланганлар. Руҳий ривожланишнинг умумий паст даражаси ва сақланган мослашув имкониятлари сабабли тажовузкор-зўравон жиноятчиларда кўпроқ ривожланган шахсларга нисбатан улар таҳдид қилувчи деб қабул қиладиган ташқи воқеалар ва вазиятлар кескин ортган. Тажовузкор зўравонлик ҳаракатлари содир этиладиган вазиятда, ҳар доим ҳам жиноятчилар уларга жиддий боғлиқликда бўлган кишилар иштирок этадилар. Бу боғлиқлик жиноятчилар томонидан англанмаслиги мумкин, лекин у айнан тажовузда бошқа кишининг фаоллигини унга жисмоний ёки руҳий зарар етказган ҳолда янчиб ташлашга интилишда намоён бўлади. Зўравонликка мойиллик одатда илк ёшликданоқ намоён бўлади. Шахс болаликда табиий қизиқувчанлик, ўзини бирон-бир иш билан банд қилишга лаёқатсизлигини намоён этади, бошқа одамлар билан муносабат ўрнатишда унга қийинчилик туғилмайди. Моҳиятига кўра, бу ҳолатда ҳам унинг ғайриихтиёрий равишда бошқа шахсга психологик тобелиги сақланиб қолади. Тажовузкор-зўравон жиноятчи шахснинг яна бир муҳим психологик хусусияти унинг айрим вазиятларда намоён бўладиган фикрлари, ғояларининг юқори даражаси ҳисобланади. Улар учун шахслараро муносабатларнинг исталган тарафига нисбатан уларда юқори даражада сезувчанлик, хавфсираш, атроф муҳитни душманларча қабул қилиш хосдир. Вазиятга тўғри баҳо беришдаги қийинчиликлар, тўғрилаш қийин бўлган хатолари шуларга боғлиқ бўлади. Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг фикрлари, ғоялари юқори даражада ҳиссиётга тўлалиги муҳитни паталогия билан чеклайди ва умуман, уларнинг

жамиятдан бегоналашганидан далолат беради. Ўз навбатида, ахлоқни бошқара олмаслик шунга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, улар атрофдагиларга жуда юқори талаблар қўйишга мойил бўладилар, улар тез хафа бўлувчи ва худбиндирлар, хулқлари қўпол, одобсиз ва кайфиятлари «оташин шод-хуррамликдан ўлар даражадаги ғам-ғуссагача» ўзгаришга мойилдир. Айрим тажовузкор-зўравон жиноятчи шахсларнинг мазму- нига кўра экстазга (ўзини йўқотиш даражасида ҳузурланиши) ўхшаш бўлган чуқур ва кучли ташвишларга мойиллиги ғоят диққатга сазовор хусусиятдир. Мазкур ҳолатнинг психологик мазмуни ўта мураккаб бўлиб, унда шахсиятнинг энг чуқур қатламлари қамраб олинади; зўравонлик ҳаракатлари содир этиш вақтида ушбу шахс учун фавқулодда қимматга эга бўлган руҳий эркинлик, қарамлик ҳолатидан чиқиш туйғулари қамраб олинади. Шунинг учун одам ўлдиришнинг тушуниш қийин бўлган сабабларидан бири уларнинг бу ҳолатни бошдан ўтказишга эҳтиёж сезиши ҳисобланади. Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг бошқа тоифаси қарамликдан озод бўлиш муаммосини ўз шахсиятини бошқа одамларга фаол равишда зўрлаб ўтказиш йўли билан ҳал этади. Улар ўз «Мен»ларининг қимматлилигини исбот қилиш ва унинг эътирофига эришиш эҳтиёжи билан яшайдилар. Бошқа кишини ўзининг таъсир доирасига тортиш, моҳиятига кўра уни ўзига бўйсундириш ва ундан «кайф қилишнинг» барча – моддий, молиявий, энергетик, ғоявий ва ҳоказо шакллари учун донор сифатида фойдаланишнинг барча усуллари қўлланганда, бу зўрлаб ўтказиш кўпинча яққол намойишли қараш хусусиятга эга бўлади. Тажовузкор-зўравон жиноятчиларнинг учинчи тоифаси - бу кераклилик туйғуси гипертрофияланган одамлар бўлиб, улар шахсий тасаввурлари ва ахлоқ меъёрлари нуқтаи назаридан атрофдагиларга ғоятда юқори ва қатъий талаблар қўядилар. Улар ўзларининг кераклилиги тўғрисидаги тасаввурларига қатъий боғланган бўлиб, бошқа одамлардаги ахлоқнинг бу тасаввурлардан озгина оғиши уларда ҳиссий ноқулайликни, сезиларли оғишлар эса -вазиятни уларнинг тасаввурларига мутаносиб равишда зўрлик билан тузатиш бўйича ҳаракатларни – ички қаҳр-ғазабни вужудга келтиради. Бу ерда инсон шахсий ўз идеал тасаввурларининг исканжасида бўлади ва ҳаётнинг ранг-баранглигини қабул қила олмайди: у зўрлик билан уларни ўз тасаввурлари остига олиб келади. Кўпинча бундай одамлар адолат учун шиддатли курашчилар бўлиб чиқадилар. Уни ўрнатишнинг асосий усули эса зўравонлик, мажбур қилишдир. Кераклилик ҳақидаги гипертро- фияланган тасаввур намоён бўлиши шаклларидан бири – рашк туйғусидир. Унда бошқа кишининг хайрихоҳлигидан ёлғиз ўзи фойдаланиш «ҳуқуқини» эгаллаган мулкдорнинг нуқтаи назари тўпланган ва ўзгалар ҳамда ўзгалар томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай эътибор белгилари унинг шаънини камситиш ва қайд этилган «ҳуқуққа» суиқасд деб қабул қилинади. Рашк билан асослантирилган зўрлик – бу ўзи ҳақида идеаллаштирилган тасаввурларини ҳимоя қилиши ва бошқа кишини ўзи ҳақида бундай тасаввурларга эга бўлишдан маҳрум этиш ҳамда ўзини шунга муносиб тутишдир. Тажовузкор-зўравон жиноятчилар орасида ўзи ҳақидаги шахсий фикрларида қарор қилиш, бирон иш қилиш, ғайриоддий қалтис, хатарли ҳаракат содир қилишга қодир бўлган шахс сифатида ишонч қозониш эҳтиёжига эга бўлган кишилар ҳам учрайди. Доимий равишда ўзига ишончсизлик, иккиланиш, қарор қабул қилишга лаёқатсизлик, уларнинг шахсий хос хусусиятлари бўлиб, улар онгли равишда тинкани қуритувчи номукамаллик, кераксизлик туйғусини бошдан кечирадилар ва шунинг учун уни енгишга доимо шай турадилар. Бу тайёрлик уларни қалтис, оқибати ёмон бўладиган хавфли ҳолат вазиятларига ундайди. Айрим жиноятчилар ўзлари содир қилган оғир жиноят сабабини бевосита «зўр ишни бажариш» деб белгилайдлар. Шундай тажовузкор-зўравон жиноятчилар тоифаси борки, пасайган, салгина тушкун кайфият, қизиқишлари, интилишлари, истаклари ўтмаслашувида ифодаланган пассив психологик нуқтаи назар уларга хосдир. Бу тоифадагилар кўпинча шахсий номукаммалликлари, ҳаётий орзу-истаклари ва давлатмандлиги йўқолганлигини суицидал фикрларда ифода этадилар. Уларнинг яширин тажовузкор одатлари ташқи ахлоқларида қийин намоён бўлади. Ичкиликка мойиллик, тажовузкор-зўравонона ҳаракатла- рининг соматик қайд қилиниши бу ўринда умумий манбага, лекин турли йўналишга эга бўлиб, бу одамлар ўз жиноятларини ўзига хос ҳаётий вазиятга тушиб

қолганда содир этадилар. Бу одамларнинг уйидагилар ёки яқин атрофдагилар томонидан эксплуатация қилинишига олиб келади. Оила, одатда, ўз «боқувчиси»дан норози бўлиб, унга фақат у оиласига бераётган пуллари учун чидаб келишаётганини билдиради. Бундай оилада ўз отасини уриш, уйдан ҳайдаш билан кузатиладиган жанжаллар, уруш-тўполонлар кўп бўлади. Шундай кунларнинг бирида у қотиллик содир этади. Одатда, бу «маиший» деб аталувчи сабабларга кўра содир қилинадиган жиноятлардир. Суд олдида ўз айбидан чуқур пушаймон бўлаётган ва қанчалик оғир бўлмасин, уни кутаёган жазога бефарқ бўлган тубанлашган, бахтсиз одам ҳозир бўлади. Моҳиятига кўра эса, у фақат ўзининг мавжуд бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилган эди. Жиноий зўравонликнинг психологик хусусиятлари ҳақида қайд этилганлардан умумий хулоса қилиш мумкин. Бундай жиноятлар асосида инсоннинг ўзи учун ҳаётий зарур деб билган ва шунинг учун уларга қатъий қарамлик ҳолатида бўлган эҳтиёжлари қондирилишини кескин қийинлаштирувчи шарт-шароитлар ётади. Психологик хусусиятлар ва жиноий фаолият ўртасида аниқланган алоқа муҳит маълум даражада таъсир қилганда психологик алоқаси жиноий ахлоқнинг реал равишда амалда потенциал омилларидан бири сифатида кўриб чиқиш имконини беради, чунки муҳит ушбу омил намоён бўлишига худди кучайтирувчи таъсир каби, уни тўхтатувчи таъсир ҳам кўрсатади. Келтирилган жиноятчиларнинг ахлоқий ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, деликвент шахс қонунга риоя қилувчи шахс бўлганида улар мазкур тоифадагилар учун жиноий аҳамият касб этувчи ва ўзига хос меъёрий салбий тизим ёки мустаҳкам психологик хусусиятлари билан фарқ қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ю. Асадов. “Ўсмирлар девиант хатти-харакатининг психологик хусусиятлари”. – Тошкент, 2011.
2. Н.Ф.Ядгарова. “Психопатологик синдромлар тўплами”. – Тошкент, 2014.
3. Л.М.Хакимова. “Девиант хулк-атвор психологияси” Тошкент, 2014.

## КОНФЛИКТЛАР ТАБИАТИ, ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ЕЧИМИ

Т.Эшқувватов, Ғ.Д.Бобоқулов, Д.Н.Сулайманова,
Самарқанд давлат университети

*Мақола конфликтлар ва уларнинг ечимини психологик ўрганишга доир кўплаб топшириқлар ва кўрсатмалар системасини ўз ичига олган бўлиб улар мактабга психологик хизмат кўрсатиш мақсадида бажарилган ва педагогга методик ёрдам сифатида, бола шахсини ҳари томонлама ривожлантиришга хизмат қилади.*

***Калит сўзлар:** конфликт, конфликтоген, конфликтнинг, яратувчанлик, имконияти, конфликт, функциялари, адолатпарварлик, мезонлари.*

*В статье рассматривается широкий круг задач и рекомендаций по психологическому консультированию по разрешению конфликтов в статье, которая мы думаем предназначена для оказания психологической помощи в школе и служит педагогической методической поддержкой для всестороннего развития личности ребенка.*

***Ключевые слова:** конфликт, конфликтоген, творчество конфликтов, возможность создания конфликта, конфликтные функции, конфликтные меры справедливости.*

*The article deals with a wide range of tasks and recommendations on psychological counseling for conflict resolution in the article, which we think is intended to provide psychological assistance in school and serves as a pedagogical methodological support for the comprehensive development of the child's personality.*

***Key words:** conflict, conflict, creativity of conflicts, the possibility of creating conflict, conflict functions, conflict measures of justice.*

Инсоннинг жамиятдаги яшаш тарзини турли зиддиятларсиз тасавур этиб бўлмайди. Турли низо ва зиддиятлар билан умр давомида, ҳар қандай ёшда, ҳар жойда, ҳар қандай

вазиятда тўқнаш келиш мумкин. Конфликт ҳар бир инсон ҳаётига алоқадор бўлган ўзига хос жараён бўлиб, ҳеч бир инсон ўзини комил ишонч билан конфликт вазиятлардан муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Конфликтлар табиий ҳодиса бўлиб, конфликт билан тўғри муносабат ўрнатиш инсон тарбияси, унинг шаклланишининг зарурий талабларидан биридир.

Педагогик-психологик жиҳатдан бўлажак педагогларнинг конфликтлар ва уларнинг табиатини ўрганиш фақат назарий эмас, балки жуда муҳим амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Талабаларнинг фани бу соҳасини ўрганиши турли вазиятларда юзага келувчи конфликтларнинг олдини олишга, уларни ҳал қилиш учун самарали чораларни қўллашга ёрдам беради.

Ижтимоий муносабатлар жараёнида конфликтлар табиатини психологик жиҳатдан ўрганиш ва яратувчанлик имкониятларини ривожлантириш усуллари, метод ва воситалари ишлаб чиқиш, ҳамда уларни вазиятларда қўллашга доир тавсиялар бериш долзарблик касб этади.

Конфликт – оддий ҳол. Аммо кўпчилик онгида анъанавий мавжуд бўлган фикрга кўра конфликтга нисбатан фобия, яъни конфликтдан қўрқиш ҳоллари кўпчиликни ташкил қилади. Конфликт – бизнинг миллий менеталитетимизда "яхши" бўлмаган ҳолат ва вазиятга тенглаштирилади. Конфликт бўлганидан кўра, конфликт бўлмаганини биз афзалроқ кўрамиз. Конфликтдан узоқроқда яшаш кўникмалари болаликдан бизнинг тафаккуримизга чуқур сингдирилади.

Конфликт ҳар кунлик ҳаёт тарзимизга хос бўлган воқелик бўлишига қарамай, инсонлар кўпинча уларни нотўғри талқин этади ҳамда уларни "англанган" ҳолда қабул қилишга ўргатилмайди. Конфликт вазиятга тушиб қолган вақтимиздагина мана шу конфликт вазиятни таҳлил қилишга уринамиз. Аммо ҳар доим ҳам бизнинг билим ва кўникмаларимиз конфликт вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли бўлмайди. Чунки бизнинг ҳаётий тажрибамиз кам, чунки биз конфликтлар ечими бўйича махсус билимларни эгалламаганмиз. Табиийки, ҳар бир инсон конфликтларни тушунади, улар моҳиятини тўғри англайди ҳамда уларни енга билади дейиш, хато ҳисобланади. Шу боис, конфликтларни ўрганиш, уларни илмий англаш давр талаби бўлиб, конфликтлар бўйича замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тарбиялаб – вояга етказиш давр билан ҳамнафас бўлишни англатади.

Конфликтлар катталар ҳаётида анча кенг учраб турадиган ҳодиса ҳисобланади. Масалан, раҳбар органларда ишлаган одамлар ҳаётида улар фаолиятининг 70-80 % турли очиқ-ойдин, ёки яширин зиддиятлар шароитида ўтади,уларнинг инобатга олинмаслиги, уларга беэътиборлилик эса конфликтларнинг чуқурлашиб кетишига асос бўлиб хизмат қилади.[1.48-б].

Кузатишлар шуни кўрсатадики, 80% конфликтлар уларнинг иштирокчилари хоҳиш ва иродасига қарама-қарши ўлароқ, улар истагига қарши равишда вужудга келади. Яъни, камдан кам ҳолларда конфликт атайлаб тайёрланиб, амалга оширилади.

Чунки бизнинг психикамиз ва психологиямиз ўзимизга қаратилган агрессияга қарши агрессия билан жавоб қайтаришга, зиддиятда энг аввало ўзини ҳимоя қилишга, кези келганда, ўзини муҳофазалаш учун, хужум қилишга табиатан кодировка қилинган бўлади, мана шундай ўзини тутишга биз табиатан маълум даражада ўргатилган, тайинланганмиз.

Демак, биз бошқалардан келаётган информасияни диққат билан филтрлаймиз, ўзимиз жўнатаётган информасияни эса – филтрламасдан, тўғри жўнатамиз. Шу нуқтаи назардан, ҳаммамиз ўзгалардан келаётган ахборотга эмоцонал ёндошамиз, ўзимиздан кетаётган информасияни эса кўпроқ шундайлигича, яъни борича жўнатамиз. Демак, конфликт вазият - биз жўнатаётган ва қабул қилаётган ахборотлар орасидаги хиссий - эмосионал ҳамда психологик мувозанат бузилганда юзага келади.

Конфликтологияга оид адабиётларда ҳар қандай конфликтнинг қуйидаги функцияларни кўрсатиб ўтади [2. 112-119.б].

Огоҳлантирувчи функция конфликтни кўрсаткичи сифатида характерланади.

Конфликт бу ерда одатдаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларда нимадир издан чиққанлигини, нимадир туб ўзгаришларга муҳтожлигини кўрсатади.

Ахборот функцияси. Конфликтли вазиятнинг авж олиши, кечиши, ўзгаришлари уни юзага келтирган сабаблар ҳақида муайян ахборот юкламасини ифодалайди.

Дифференциация функцияси. Бу ҳолат кўпинча аввалги ижтимоий муносабатларни бузиш ва ўзгартириш орқали юз беради. Бу функция конфликтдаги томонлар муносабатларининг қайта, янгича кўринишга келишини тушунтириб беради.

Динамик функция. Ҳар қандай ижтимоий конфликт ижтимоий муносабатлар тараққиётни тезлаштирувчи ва ижтимоий ўзгаришларга олиб келувчи восита эканлиги умумий тарзда акс эттирилган.

Адабиётларда конфликтларни ҳал қилишнинг мақсадга мувофиқ асосларига қуйидагилар кириши ҳақида фикр берилади, яъни: конфликт сабаблари; тарафлар хулқ-атвор мотивларини ўз ичига олган қарама-қарши кураш диагностикаси; вазиятли ва позициявий таҳлилни амалга ошириш (вужудга келган вазият ва тарафлар нуқтаи назарларини аниқлаштириш); конфликтлар боришини ва оқибатларини башорат қилиш (шу жумладан конфликт у ёки бу тарзда тугаганда ҳар бир тараф учун фойда ёки зарарни аниқлаш). Бу ҳаракатларнинг барчаси фақат учинчи тараф (воситачи, ҳокимият органи) томонидангина эмас, шунингдек субектларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши фойдалидир, бунда тарафлар ўтказилган таҳлилдан сўнг умумий қарорларни ишлаб чиқиш зарурияитини тушунишга яқинлашадилар.

Маълумки, конфликт асоси бу субектлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Шу сабабли конфликтларни ҳал этишнинг энг мақбул ва натижали йўли - бу субектларнинг ўзлари кўрсатилган зиддиятларни бартараф этишидир. Бироқ бу йўлга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, зиддиятларнинг турли типларини (очиқ, яширин, обектли, обектсиз ва ҳ.), уларнинг даражаларини, субектлари хусусиятларини, шунингдек, конфликтни тўхтатишга интилувчи кучлар ихтиёридаги обьектив имкониятларни ҳам эътиборга олиш керак.

Конфликтлар ечимида қўлланиладиган адолатпарварлик мезонлари, яъни қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. *Муаммони аниқлаш*
2. *Муаммода фикрни жамлаш.*
3. *Шахсга эмас, муаммога хужум қилиш.*
4. *Фаол тинглаш малакаси. Тинглашга тайёрлик.*
5. *Бировнинг ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш.*
6. *Ўз амалларига масъул бўлиш.*

Умуман конфликт ечимини топиш пассив ҳолатдаги муносабатни эмас, балки актив, яъни фаол муносабатни талаб этади. Конфликт вазиятда кўпчилик *импульсив*, яъни англанмаган ҳаракат олиб боради. Демак, конфликт вазият ўйланган қадамларни сўрайди. Бу – конфликтга бўлган *онгли муносабат* белгиси бўлади. Зиддиятга нисбатан онгли муносабат жараёнида инсон низони назорат остида ушлаб тура олади, зиддиятга ўз таъсири ўтказа олади, томонлар ҳис-туйғуларининг “кўпириб” кетмаслиги олдини олади, томонларни конструктив муносабатларга чорлайди, уларни музокаралар столига олиб кела олади, низони келтириб чиқарган муаммо ҳақида ўйлаш, фикр ва мушоҳада қилиш муҳитини ярата олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Г. Тўйчиева . Ёшлар ва конфликтлар: Конфликтлар ечимига ўрганиш. Тошкент 2008 й.
2. Юридик конфликтология. Д.Қ.Ергешова, М.К.Нажимов. Т. 2007.

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК САЛОМАТЛИККА БЎЛГАН МУНОСАБАТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ

В.Ю.Аҳроров,
Самарқанд давлат университети

*Илмий мақолада талабалар психологик саломатлигининг ёш даврларидаги хусусиятлари таҳлилдан ўтказилган. Бундан ташқари ҳозирги замон психология фанида долзарб муаммолардан ҳисобланган олий ўқув юрти талабалари психологик саломатлигини таъминлаш муаммоси таҳлилдан ўтказилган.*

***Калит сўзлар:*** *психологик саломатлик, сосиал, психик, жисмоний, феномен, биологик, вербал, сенсор, структура, тушунча, рефлексия, ижтимоий, ўрта даража, паст даража, юқори даража, ассимилятив, аккомодатив, дунёқараш, мослашиш, аффилиатсия, мотив.*

*В статье анализируется зависимость и особенности психологического здоровья в различных возрастных периодов студентов. А также в статье рассматривается и научно обосновывается такие актуальные проблемы современной психологической науки как сущностных понятии «психологическая здоровья» непосредственно относящейся к проблеме обеспечения психологического здоровья студентов.*

***Ключевые слова:*** *психологическое здоровье, социальная, психическая, физическое, феномен, биологическая, вербальная, сенсор, структура, понятие, рефлексия, средняя степень, низкая степень, высшая степень, ассимилятив, аккомодатив, мировоззрения, адаптация, аффилиация, мотив.*

*Dependency and particularities of psychological health is analyses In article at different age period student. In persisting article is considered and is scientifically motivated such actual problems of the modern psychological science as contents notion "psychological health" directly referring to the problem of the provision of psychological health student.*

***Key words****: psychological, health, social, psychic, physical, phenomenon, biological, sensor, structure, notion, average degree, low degree, high degree, world outlooks, adaptation, motivation.*

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими замонавий босқичда талабалар шахсини чуқур ўрганишни, унинг саломатлиги ва таълим олиш жараёнига индивидуал ёндашишни назарда тутган ўзгаришларни бошдан кечирмокда. Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим тизимининг асосий мақсадларидан бирини талабаларни профессионал билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларни амалиётда қўлай олишини таъминлаш ташкил этмокда. Шу ўринда глобаллашув жараёни, “оммавий маданият” шаклларининг жамиятимизга кириб бориши, талабаларнинг маънавий ривожланиши масалалари долзарб аҳамиятга молик эканлигини кўрсатмокда. Бугунги кунда ёшларнинг психикаси, уларнинг руҳий саломатлигига таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларнинг мавжудлигини эътиборга олмасдан бўлмайди. Талабаларнинг ўз саломатлигига муносабатини барқарор қадрият сифатида шакллантириш муҳим ижтимоий вазифа аҳамиятига моликдир. Шунинг учун таълим муассасалари шароитида саломатликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш турли соҳа вакиллари – шифокорлар, валеологлар, психологлар, педагоглар томонидан кенг муҳокама қилинган ҳолда уларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Саломатликнинг Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган тушунчаси ушбу феноменда жисмоний, психик, социал ва маънавий соҳаларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Шу билан бирга бир қатор муаллифлар, ривожланаётган инсоннинг саломатлиги, унинг соғлом турмуш тарзи ҳақида сўз юритишганда кўпинча фақатгина жисмоний ва психофизиологик саломатлиги ҳақида фикр юритишиб, тўлақонли саломатлик бир бутун инсон шахсининг мавжудлиги натижаси эканлигини эътибордан четда қолдиришади.

Шу билан бирга қайд этиб ўтиш лозимки, кўпгина илмий ишларда саломатлик тадқиқот предмети сифатида “сезилмас” бўлиб қолган ҳолда, уларда асосан саломатлик ҳақида эмас, балки ундаги бузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақида сўз боради. Ҳозирги вақтда саломатликни шахс ривожланишининг яхлит бойлиги нуқтаи

назаридан тадқиқ этиш истиқболли бўлган ҳолда, белгиланган устувор йўналишлар гуманистик анъаналарга мувофиқ келиб, таълим психологияси учун долзарб ҳисобланади.

Ёшлик даври – инсон ҳаётидаги энг ўзига хос, муҳим давр. Ўспиринлик ёшидан ёшлик даврига ўтар экан киши бу даврдан ҳақиқий етукликка томон илк қадамини қўяди, ўз тақдирини белгилайди. Кўпчилик ёшлар учун ёшлик даври бу – талабалик даври бўлиб, улар бу пайтда етарлича катта (жисмоний, ахлоқий, иродавий) зўриқишни бошдан кечиришади. Уларнинг етакчи фаолияти илмий ва касбий фаолият билан боғланади.

Сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган психологик маълумот талабаларнинг психологик саломатликка бўлган муносабатларининг психологик ўзига хослигини белгилайди. Л.С. Выготский сўзлари билан айтганда "ҳар бир ёш босқичида (унинг охиригача), унинг динамик руҳий ривожланишига мос келувчи сифат жиҳатдан янги психологик маълумот ўз ифодасини топган махсус ички жараёнлар ва ташқи шарт-шароитлар мавжуд бўлади" [2, 166 б].

Ҳаёт йўли фазалари онтогенез босқичларига бориб тақалади, шунинг учун ҳам кўпинча уларнинг фарқи кўзга ташланмайди, гарчи у ҳозирги пайтда қабул қилинган ижтимоий тарбия, маориф ва таълим босқичларига мансуб бўлса-да, "талаба" тушунчаси "ёшлик" тушунчаси сифатида қабул қилинади. Бироқ бу ҳар иккаласи бир хил нарса эмас. Б.Г. Ананьев ёзганидек, "Инсоннинг индивид сифатида етукликка қадам қўйиши (жисмоний етуклик), шахс сифатида етукликка қадам қўйиши (фуқаролик), онг субъекти сифатида қадам қўйиши (ахлоқий етуклик) ва меҳнаткашлик етуклиги (меҳнатга лаёқатлик) вақт жиҳатидан бир-бирига мос келмайди ҳамда етукликнинг бундай гетерохронлиги барча формацияларда сақланиб қолади" [1, 181 б].

Ўтиш даври учун ёш даври ривожланишининг гетерохронлиги айниқса муҳимдир. Худди шу ёш даврида ёшлар психологиясининг асосий қарама-қаршилик хусусиятлари намоён бўлади. Бундай гетерохронлик – объектив факт сифатида шахснинг тутган ўрни ва фаолиятини ўзида намоён этади. Шахснинг "ички позицияси" ва ўзини англаши бунда муҳим рол ўйнайди. Талабанинг "ички позицияси" унинг илгари вужудга келган эҳтиёж ва интилишлари, тажриба ва имкониятлари замирида юзага келган объектив ҳолатига, ҳозирда унинг тутган ўрни ва қандай ўринга эришишни хоҳлаши асосида вужудга келади. Ана шу нуқтаи назарда турган ҳолда психологик саломатликка нисбатан муносабатда бўлади. Ўз-ўзини англаш ва ўз шахсининг турғун образи – "Мен"и, охир оқибатда – психологик саломатликка муносабатда бўлишга ундайди.

Ўз-ўзини англаш – бу инсоннинг ўз фаолияти ва ундан келиб чиқадиган натижаларни қарашлари, ахлоқий муомала ва қизиқишлари, ахлоқий идеал ва мотивлари, ўз-ўзини ва ҳаётда тутган ўрнини мутлақ баҳолаши, англаши, баҳолай билишини англаши ва баҳолашидир. Ўз-ўзини англаш – шахсни унинг шаклланиш жараёнини тасдиқловчи белгидир [4, 49 б]. "Мен" – концепцияси инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари динамик тизими бўлиб, унга ўзи ҳақидаги жисмоний, ақлий, ахлоқий, маданий ва бошқа сифатлар, ўз-ўзини баҳолаш ҳамда ташқи таъсирларнинг мазкур шахсга кўрсатадиган субъектив таассуротлари мансубдир. "Мен" образи – индивиднинг ўзи ҳақидаги нисбатан турғун, ҳамма вақт ҳам англаб бўлмас, ҳис этиб бўлмас бетакрор тасаввурлари бўлиб, унинг асосида у бошқалар билан муносабатда бўлади.

Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ҳар қандай мураккаб психик жараён, ҳодиса каби қатор бир-биридан кейин келувчи босқичлар тарзида кечади. Бу нуқтаи назардан қараганда ёшлик даврини ўз-ўзини англаш, ривожланиш ва интегратив сифатлар чуқурлашувининг янги даражаси шаклланиш даври сифатида тавсифлаш мумкин. Унинг ўзига хос белгилари қуйидагилар: "Мен - концепцияси"га доир хусусий қадрият ва шахсий, психологик хусусиятларнинг, идрок динамиклигининг кучайиши. Булар шахс етуклигини тавсифловчи даража сифатида баҳоланиши мумкин [3, 186 б].

Ўз-ўзини англаш бир неча йўналишда юз беради:

1. Ўз ички дунёсини очиш, ижод қилиш. Талаба ўз ҳис-туйғуларини ташқи ҳодисалар маҳсули сифатида эмас, ўзининг "Мен"и тарзида қабул қилади, ўзига хослигини,

бошқаларга ўхшамаслиги, баъзан эса танҳолигини ҳис этади (“Бошқалар мени тушунишмайди, мен ёлғизман”).

2. Вақтнинг орқага қайтмаслиги, ўз мавжудлигининг охири борлигини англаш юз беради. Ана шу ўлимдан қутилиб бўлмасликни англаш инсонни ўз келажагини, ўз мақсадларини амалга ошириш устида ўйлашга мажбур қилади. Ҳаётий режа ўз ичига ўз-ўзини шахс сифатида кўришга олиб келади: ахлоқий қиёфа, ҳаёт тарзи, муносабатлар даражаси, касб танлаш, ҳаётда эгаллаши лозим бўлган ўрин ва ҳ.к. Ўз мақсадлари, ҳаётий интилишлари, ҳаёт кечириш режасини ишлаб чиқиш – ўз-ўзини англашнинг муҳим элементидир.

3. Ўзи тўғрисида, ўз психологик саломатлигига муносабат шаклланади. Бошида инсонда ўз танаси, ташқи кўриниши, жозибадорлик даражаси ҳақида, ундан сўнг эса ахлоқий-психологик, ақлий, иродавий хусусиятлари тўғрисида ялпи тасаввур шаклланади. Ёшлик даврида талаба ўз-ўзини баҳолашда кўпинча қарама-қарши фикрда бўлади (“Мен ўз тасаввуримда – даҳо+ношудман”).

Илк ёшлик даврида қадам-бақадам “Мен-концепцияси”нинг “предмет”ли алмашинуви юз беради, талаба “Мен”ининг жисмоний ва ахлоқий-психологик компонентлари шулар жумласидандир. Талаба ўз ташқи қиёфасига одатланади, ўз жисмининг нисбатан турғун образини яратади, ўз ташқи қиёфасига тан беради ва мос равишда унга билдириладиган эътирозлар даражасини турғун ҳолга келтиради. Энди аста-секин “Мен”нинг бошқа хусусияти биринчи ўринга чиқади – булар ақлий қобилиятлар, иродавий ва ахлоқий сифатлар бўлиб, талаба фаолиятининг ва теварак-атрофдагилар билан муносабатининг муваффақиятини белгиловчи омиллардир.

Талаба ўқув фаолиятида субъект сифатида иштирок этар экан, унинг фаолият мотиви касб эгаси сифатидаги шахсини шакллантириш, психологик саломатлигига бўлган муносабатда намоён бўлади. Улардан баъзиларини қуйида келтирамиз: ўқув-билув (англаш), касбий, ижодкорлик ютуқларига эришиш важлари (мотивлари), кенг ижтимоий мотивлар (жамоавий ва шахсий йўналишда, шахсий обрў, ўз мавқеини сақлаш ва кўтариш мотиви, ўз-ўзини намоён этиш мотиви, ўз ўрнини топиш мотиви, моддий манфаатдорлик мотиви). Муҳим мотивацион факторлардан бири талабанинг психологик саломатликка бўлган муносабатида муваффақиятга эришув мотивидир. У узоқ мақсадларга эришув, мисли кўрилмаган, бетакрор натижаларгача ўз фаолияти маҳсули сифатида эришув ҳамда психологик саломатлигини сақлаш ва таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш усулларида намоён бўлади. Муваффақиятга эришувга бўлган эҳтиёж инсоннинг шундай вазиятни излашга ундайдики, муваффақият унда чуқур қониқиш ҳосил қилади. Айтиш мумкинки, агар ўқув вазияти (оддий машғулотлар, синовлар ва ҳ.к.) кўплаб муваффақиятга эришиш учун имкониятга эга бўлса, муваффақиятга эришувга катта эҳтиёж сезадиган шахслар таълим жараёнидан катта қониқиш ҳосил қиладилар, ўқув жараёнига кўп кучларини сарфлайдилар, бу эса уларнинг психологик саломатликларига ҳам юксак даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Муваффақиятга эришиш эҳтиёжининг тескари томони муваффақиятсизликдан қочиш эҳтиёжи ҳисобланади. Муваффақиятсизликдан қочишга яққол интилувчи талабалар одатда, ўзларида психологик саломатликни сақлаш бўйича қўлга киритилган ютуқларни яхшилашга нисбатан паст эҳтиёж сезишади, ижодкорлик методларидан одатдаги, андазали методларни афзал кўришади, ижод қилишдан қўрқишади. Муваффақиятсизликдан қочишга бўлган эҳтиёж вазифани чин дилдан адо этмаслик, кўрсатма ва инструкцияларга догматик асосланиш натижасида келиб чиқади (ёшликда ва ҳаётнинг сўнгги давригача ҳам). Бундай талабалар учун қаттиқ хавотирланиш, ўқувга бўлган лоқайд муносабат (кўпинча баҳона топиб ўзини ҳимоялаш) хосдир. Муваффақиятсизликдан қочиш эҳтиёжи билан боғланиб қолган бундай талабалар ўқувда муваффақиятдан қониқиш ҳосил қилиш учун эмас, балки муваффақиятсизликдан сақланиш, кўнгилсизликдан сақланиш мақсадида хўжакўрсин учун таълим жараёнида иштирок этадилар. Бу эса мос равишда уларнинг психологик саломатликларини сақлаш ва таъминлашга нисбатан бўлган муносабатларида ҳам ўз

аксини топади.

Аффилиация мотиви деганда инсоннинг ўз жамияти аъзолари билан мулоқотга киришиш, бошқа инсонлар билан ижобий муносабатларни яратиш, сақлаш, тиклашга интилиши тушунилади. Мулоқотга киришишга, аффилиацияга бўлган эҳтиёж талабаларда психологик саломатликка бўлган муносабати катта таъсир кўрсатади: ё қийинлаштиради, ёки яхшилайди, ҳар икки ҳолда ҳам чуқур қониқишга сабаб бўлади.

Ўз-ўзини топишга бўлган эҳтиёж болаликдан бошланиб, ёшлик даврида жадал ривожланиб боради. Ўз ўрнини топиш мотиви кишининг бошқа кишиларга таъсир кўрсатишга, уларнинг хулқ-атворини назорат қилишга, обрў қозонишга, ишонтиришга интилишида кўринади. У бошқаларга ҳақиқатни исбот қилиш, баҳсда ғолиб чиқиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказиш, мода ва услуб, муаммони ҳал этишда намоён бўлади. Талабалар ўқув фаолиятида бу эҳтиёж психологик саломатликка бўлган ижобий муносабатни шакллантириш вазифасини осонлаштиради, унга нисбатан масъулиятни орттиради.

Талабаларнинг психологик саломатликка бўлган муносабатининг адекват мотивларидан бири билим олиш эҳтиёжидир. У инсоннинг ўз тажриба, билим олишга интилиши, мустаҳкамлаши, лаёқатли бўлишга интилиши, билимлардан эркин фойдаланиш қобилиятини ривожланиши, муаммо моҳиятини тушунишга интилиши, тажрибани ақл билан тизимлаштира билиши, дунёнинг асосланган ёрқин қиёфасини яратишга ҳаракат қилишида ўз ифодасини топади. Билим эҳтиёжи муваффақиятга эришиш мотиви билан ҳамкорликда талабалар психологик саломатлигини сақлашга нисбатан жуда ҳам кучли таъсир кўрсатади, соғлиқни муҳофаза қилишга доир масалаларни ҳал этишда чуқур қониқиш ҳосил қилиш имкониятига эга.

Шуни таъкидлаш муҳимки, талабаларнинг психологик саломатликка бўлган ёшга оид муносабатларига таъсир этувчи мотивлар уларда қадриятли мўлжалий фаолликни ҳам шакллантиради. У алоҳидалик, ўзи билан ўзи бўлишга интилиш билан чамбарчас боғлиқдир [3, 117 б].

Ахлоқий мустақилликни (талаба эҳтиёжи ва ҳуқуқини унга тегишли муаммоларни шахсан ҳал қилишини) чеклаш, эмоционал мустақиллигини (ота-онадан мустақил равишда шахсий қизиқишга бўлган эҳтиёж ва ҳуқуқни) чеклаш, ахлоқий ва қадрий мустақилликни (шунга доир эҳтиёж ва ҳуқуқни) чеклаш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Талабаларни эмоционал, когнитив, ахлоқий мустақиллиги уларнинг психологик саломатликка бўлган муносабатларига боғлиқ бўлиб, бу уларнинг шахсий соғлиғига, психологик саломатликка тегишли бўлган масалаларни мустақил ҳал этишга интилишида намоён бўлади.

Ўспиринлик даврида ўз ўрнини топишга ўхшаш, бир хил кризислар ижтимоий ва индивидуал шахсий танлаш маҳсули сифатида юзага келади. Агар у бу муаммоларни ҳал эта олмаса, номувофиқ бир хиллик шаклланади, унинг ривожланиши тўрт асосий йўналишда кечади: 1) психологик яқинликдан, яқин шахслараро муносабатлардан қочиш; 2) вақтни ҳис эта олмаслик, ҳаётий режаларни туза оласмлик, каттаришдан, ўзгаришлардан қўрқиш; 3) маҳсулдор ижодий қобилиятларнинг емирилиши, ўз ички қувватини сафарбар эта олмаслик, аниқ бир фаолият билан шуғулланишга бел боғламаслик; 4) “салбий бир хиллик”нинг шаклланиши, ўз ўрнини топишдан воз кечиш ва салбий образларга эришишни ихтиёр этиш [5, 219 б].

Олий ўқув юрти талабалигига эришиш факти бу ёшдаги кишида ўз куч ва қобилиятига ишонч, тўлақонли ёрқин ҳаётга умид ҳиссини уйғотади. Шу билан бир қаторда иккинчи ва учинчи курсда касбни, ихтисосни тўғри танлаганлигига доир муаммо унинг олдида кўндаланг бўлиб қолади. Учинчи курс охирига келиб, қандай касбни танлаш масаласи тамоман ҳал этилади. Бироқ баъзи ҳолларда мазкур танланган ихтисосдан воз кечиш ҳоллари ҳам юз беради.

Олий ўқув юртидаги ўқув жараёни вақтини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: кичик талабалик даври – ўқув жараёнига мослашиш (адаптация даври) ва

катта курс даври (одатда учинчи курсдан бошланади) – бўлажак мутахассиснинг ўз мутахассислигини танлаши, бу ниятдан ҳеч қачон оғишмаслиги, ўз иродасини топган давр.

Олий ўқув юртида биринчи босқич ўқув жараёни энг мураккаб ҳисобланади. Негаки у мактаб, коллеж, академик лицей ўқув жараёнида ташкил этилган барча ташкилий жиҳатлардан олий ўқув юрти тартиб-қоидалари, низом ва кўрсатмаларига риоя қилишига тўғри келади, қисқача қилиб айтганда ўрта ва ўрта махсус таълим тизимидаги қоида ва шароитлар билан олий таълим талабалари ўртасидаги мослашув жараёни кўндаланг бўлиб туради.

Айтиш мумкинки, ўрта махсус ўқув юрти битирувчиларининг барчаси ҳам олий ўқув юртига кира олмайди. Бунинг объектив ва субъектив жиҳатлари мавжуд бўлиб, бир хилдаги қобилиятга эга бўлган олий маълумотга даъвогар бўлажак талаба ўз ўқув юкламаси учун тўлов бадалини у ёки бу сабабларга кўра тўла олмаслиги, тўлаган тақдирда эса яна ўша тўловни кутиши натижасида ўз психологик саломатлигини бой бериши мумкин.

Бундай ҳолда талаба икки масалада ожиз психологик муҳитга тушади: ҳомийга ёки ота-онага мутеълик, агар ўз ўқишини ўзи таъминласа, бошқа шундай ёрдам кўрсатувчиларга мутеълик.

Буларнинг бири ота-онага мутеъликка ҳар қандай инсон чидаши мумкин. Иккинчиси – жамият баркамоллиги учун ўта хавфлидир.

Бундай мослашув даврида талабанинг ўз психологик саломатлигини сақлашга интилиши биринчи босқичда пассив ўрин эгаллайди. У бегона шароитга мослашишга ўқув-билувга нисбатан устун эҳтиёж сезади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини битирган олий ўқув юрти талабаларида мослашув жараёни ўрта мактабни битирувчиларда унчалик оғриқли жараёнларни талаб этмайди.

Қишлоқ лицей ва коллежлари талабалари психологик жиҳатдан ўзларини таъминлай оладиган даражада, лекин давлат стандартига унчалик жавоб берадилар деб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ДТСга олий ўқув юрти талабаларини тўлақонли рақобатбардош мутахассис, эркин фикрловчи, ижодкор мутахассис этиб тарбиялаш учун уларнинг психологик саломатликларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш муҳим педагогик ва психологик аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотимиз хулосасига кўра талабаларнинг психологик саломатликка доир ёш хусусиятлари талаба онгига сифатий-психологик бирликлари (ўз-ўзини англаш, ўз шахсига нисбатан собитқадам фикр, мотивли-эҳтиёж)нинг ўзаро чамбарчаслигига боғлиқдир.

Эмоционал, когнитив психологик маҳдудлик талабаларнинг ўз психологик саломатлигига нисбатан муносабатини ўзида ёрқин ифодалайди. Булар ўз навбатида ўз психологик саломатлиги ҳамда уни муҳофаза этиш ва бунда мустақилликка интилишда намоён бўлади. Талабаларнинг психологик саломатликка бўлган муносабати уларнинг иложи борича энг юксак билим даражасига эришиш, ўқув-билув жараёнида илғорликка эришиш, қизиқиш доирасининг энг юқори нуқтасини эгаллаш, энг илғор ижтимоий ўринни эгаллаш, етарлича интеллектуал ва ижтимоий мавқега эга бўлиш кабилардан иборатдир.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. - Л., 1968. - 332 с.
2. Выготский Л.С. Проблемы развития психики. Собр. соч. в 6 т. - М., 1982.-Т.3.-М., 1983.
3. Кон И.С. Психология ранней юности: Кн. для учителя. - М.: Просвещение, 1989.-255
4. Формирование личности в переходный период: От подросткового к юношескому возрасту/Под ред. И.В. Дубровиной. - М.: Педагогика, 1987.-184 с.
5. Эриксон М. Мой голос останется с вами: Пер с англ. - СПб: Петербург -XXI век, 1995.-256 с.

# ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИДА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Ф.Ш.Фаязова,
Миллий рассомчилик ва дизайн институти

*Ушбу мақолада ижодкор ёшларнинг инновацион таълим жараёни масалалари ёритилган. Шунингдек, ижодкор шахсининг руҳияти ва ривожига фаннинг инновацион йўналишларининг таъсири кўриб чиқилган ва ўрганилган. Шахснинг ижодий ривожланишининг топқирлик, кузатувчанлик ва креативлик каби асосий аспектлари ёритиб берилган.*
***Калит сўзлар:*** *ижод, ижодкорлик, турлари, ижодий изланиш*
*В данной статье раскрываются проблемы инновационного образования творческой молодежи. Также рассмотрены проблемы влияния инновационных направлений науки на развитие творческого развития личности, как наблюдательность, креативность и эрудия.*
***Ключевкқе слова:*** *творчество, творческая деятельность, виды, творческие искания.*
*This article reveals the problems of innovative education of creative youth. The problems of the influens of innovative scientific directions on the development of the creative personality identifity such basic of the creative development of the individual as observation, creativity and erudition.*
***Key words:*** *creation, creative work, form, creative search/*

Жамият ва инсон манфаатлари уйғунлиги шахсни тараққий этиши, унинг ўз мақсадҳамда манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти натижасида намоёнбўлади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти “Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваламбор, давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ”, деб таъкидлагани бежиз эмас [1]. Шу боис ҳам давлат шахсни камол топишида муҳим аҳамиятга эга бир қатор вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олади.

Бугунги кунда янгилик, янгича ёндашув, новаторлик, технология, интерактив ва ноанъанавий метод каби тушунчалар ва уларнинг муайян фаолиятга тадбиқ этилиши нафат маълум соҳанинг, балки шахс тараққиётининг ривожланишига ҳам ижобий маънода таъсир кўрсатади. Ижод эса инсоннинг барча психик жараёнларига, билим, малака, ҳаётий тажрибаларига ўзгаришли таъсир кўрсатиб, аҳлоқий, жисмоний кучини мобилизацияси натижасида оригинал ва тарихий-ижтимоий, бетакрор сифат янгиликлари бўлиб инсон ҳаётида мўжиза яратади. Бу эса ўз навбатида шахснинг тараққий этишига таъсир этувчи инновацион ёндашувларларни янгича кўринишларини пайдо бўлишига олиб келади.

Хусусан, санъатда, шу жумладан тасвирий, амалий, бадиий санъатда ҳам ижоднинг натижаси санъат асарларини яратишдан иборат бўлади. Яъни, объектив борлиқни махсус шаклдаги хусусиятларини бадиий образлар тарзида аксэттиришдир. Ҳақиқий санъат асари – ўзида бадиий образ шаклида ҳали мисли кўрилмаган янгиликни яратилиши ҳисобланади. Ижод психологияси эса ижодий фаолият орқали инсонни ижодкор шахс сифатида тараққий эттишига таъсир кўрсатади ва ўз ишини бажаради. Бунда масалан, ижодкор ғоявий-бадиий мазмунни ўзида жамлаган ҳолда якунланган санъат асарини яратишга эришиш учун ижодкор психологиясига ижодий кайфият, кўлами кенг тассавур, фантазияга бой ҳаёл ва ички ҳис-туйғулар бахш этиш йўлларини кўрсатади.Ижод ва ижодий жараёнлар худди фандагидек санъатда ҳам ўзининг мураккаб кўринишлари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, хар қандай ижодий жараёндагидек умумий, объектив қонуниятларга эгадир. Шундай бўлсада, шахс ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг ижтимоий-психологик омиллари, ижодий фаолият методи ва йўлларини умумлаштириш ва тавсифлаштириш мумкин.

Зеҳнлилик, топқирлик, синчковлик, қизиқувчанлик, изланувчанлик сифатлари, мустақил ва танқидий фикрлашнинг таркиб топтирилиши шахс ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Таълим жараёнларининг ушбу асосда ташкил этилиши ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотини индивидуал ва дифференциал ёндашувга асосланган инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этади. Ижод психологияси фанида талабани касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида инновацион ёндашувни жорий этишда ижодкорлик фаолиятининг маънавий, дидактик, технологик, ташкилотчилик каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Маънавий ижодкорлик – ўқитувчи ва ўқувчилар орасида маънавий-ахлоқий соҳада янги сифатли натижа берувчи такрорланмас, ўзига хос ёндашувга асосланган фаолият туридир.

Дидактик ижодкорлик – ўқув материалини танлаш, лойиҳалаш ҳамда ўқувчилар ўзлаштиришининг янги йўналишларини ишлаб чиқишга асосланган фаолият туридир.

Технологик ижодкорлик – юқори натижаларга эришиш имконини берувчи янги тизимлар, жараёнлар ва вазиятларни излаш ҳамда яратиш билан боғлиқ фаолият тури бўлиб, у ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини бутунлай қамраб олувчи ижодкорликнинг энг мураккаб тури ҳисобланади.

Ташкилотчилик ижодкорлиги – режалаштириш, назорат, ресурсларни тақсимлаш ва сафарбар қилиш, ташқи муҳит билан алоқа, ўқувчилар ва ўқитувчи орасидаги боғланишнинг янги усулларини яратишни ташкил қилиш ва бошқаришдаги ижодкорликдир.[2]

Талабанинг ижодкорлик фаолиятига унинг ўзига хос методбиланёндошиш талаб этилади. Ижодий ишлар самараси унинг қандай шароитда ва қай имкониятлар таъсирида бажарилиши билан боғлиқ бўлиб, муҳим вазиятларда мустақил ижодий фикрлаши билан намоён бўлади. Ўқувчининг ижодий фикрлаши – ўзлаштирилган билимларни амалиётдаги далил ва ҳодисаларга боғлай олишида, олинган натижаларни тўғри баҳолаб, таҳлил қилишида, аввалги эгалланганлари билан умумлаштира олишда кўринади. Бу жараённи технологик ижодкорлик негизида янги ғояларниинновацион технологияга ўтказиш, яъни маълум технологияни янги ва самаралироғига тубдан ўзгартиришга қаратилганлиги билан бойитади.

Шахснинг ижодкорлик фаолиятини педагогик жараён иштирокчиларининг бу жараёнга психологик жиҳатдан етарлича тайёр эмасликлари шахснинг касбий сифатларини таркиб топтиришни мураккаблаштиради. Бу эса бошқаларни тан олмасликларига олиб келади. Бундай психологик ҳолат турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан: азалдан умуман фикр ва мулоҳазаларни қабул қилмаслик; умумий қабул қилинган нуқтаи назардан қатъий ҳимояланиш; янги мазмун ва воситаларга нисбатан эски методларни қўллаш; янги методларда эски шаклларнинг сақланиб қолиниши; умуман янги масалани анъанавий ечиш усуллари кабилар. Ушбу ҳолатга дуч келмаслик учун ижодий фаолиятни ривожлантириш ва унга янгича ёндашиш керак, яъни аниқ метод, шакл, воситаларга интилиш, уларни таълим ва тарбия жараёнларига олиб кириш ва фойдаланиш лозим.

Ижодий психология фани машғулотларини ташкил қилишда ёш ижодкорлар хулқ-атворига сезиларли таъсир ўтказувчи мақсадларни аниқлаш ва ҳисобга олиш зарур. Аввало ҳарбир ижодкор шахснинг муайян санъат турига хос ижодий мойиллиги ва қобилияти бўлади. Ҳозирги замонавий педагогикаси ва психологияси олдида турган вазифа шахс қобилиятларини тўғри ташҳислаш, баҳолаш ва ривожлантириш керак. Замонавий психологияда шахснинг ижодкорлик қобилиятини ижтимоий муносабатларнинг тайёр махсулоти сифатида эмас, балки ўзини ёркин намоён этиш ва ўз устида ишлаб, шахсий имкониятларини янада ривожлантирувчи субъект сифатида қабул қилмоқда.Бу борада ўқитувчи кўпроқ якуний натижага қадар босқичма-босқич амалга ошарадиган оралиқ мақсадларни излаш ва улардан фойдаланиши керак бўлади. Ўқувчилар хулқ-атворини муайян йўналишга солишга қаратилган аниқ мақсад орқали исталган лойиҳани барқарор, аниқ қилиб бажариш мумкин.

Ижодкорлик жараёнида инсоннинг фан, техника, маданият ва бошқа соҳаларда ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгиликларни яратиши, кашф этиши мумкин, бундай

мураккаб фаолият натижаси самарали натижа кўрсатишида психологик жараёнларни ҳам ҳисобга олиш керак.Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, ижодда билим, тажриба, истеъдод намоён бўлади. Абу Наср Фаробийнинг таърифига кўра “ижод – билиш жараёнида шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”.

Инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларигамухтож бўлади. Чунки ҳар бир одам ҳам бахтни ва нарса-ҳодисаларни ўзича ривожлантира олмайди. Унга бунинг учун ташқи олам таъсири, катталар кўрсатмаси ва устозларнинг инновацион ёндашувикерак. Бу борада Ш.Л.Воверанг шундай дейди: “Тана доимо озиқланиб турмаса яшай олмаганидек, руҳият хамшу қонунга бўйсунади”. Дархақиқат, ҳеч бир одам мукаммал,яъни тўла шаклланган ҳолда дунёга келмайди, аммоунинг бутун ҳаёти бетиним ҳаракатдаги ўсиш ва доимий шаклланишдан" (В. Белинский) иборат экан, ўшазарур бир фоиз истеъдод ҳамма кишилар билан бирга туғилади. Табиат ҳеч кимдан бу сахийлигини аямайди. Фақат у “уруғ” шаклида яширин намоён бўлади.Гап ана шу “уруғ”нинг қаерга ва қандай шароитда тушишида. Уруғнингуниб-усиши учун яхши ер, ҳаво, сув,қуёш зарур бўлганидек, қобилият “уруғ”нинг харакати оилада, таълим муассасасида, жамиятда, таълим тарбиядаяратилган конкрет шароитга, инсоний муносабатларга боғлиқ. Унинг кузатувчанлигини, ҳавасини, қизиқишини, билимини ўстиришга, мустақил ижодий фикрюритиш кўникмасини эгаллашига, гўзалликни кўра олиш вахис қила билишига эришиш ва шу сингари муносабатларда изчил ва тинимсиз меҳр билан қилинганмеҳнат орқали “уруғ"ни — истеъдодга, яратувчи кучгаайлантириш мумкин. Шундай хусусиятга эга булганшахс ўз қобилиятини намоён қилган сохада ўзлигиниизлаб топади, буюк ишларни инсонийлик нуқтаи назаридан ва осонлик билан завку шавққа тўлиб бажаради. Бусиз табиат берган истеъдод “уруғи" — ижтимоий муносабатлар ва вақтнинг бесамарлигидан“уруғ” шаклида ўлиб кетаверади. Туғма истеъдод эгасибўлмаган кишидан шоир чикмаганидек, меҳнатдан, ўқиш-ўрганишдан, маҳорат сирларини эгаллашдан қочган, ўзлигига, ўз авлодининг қисматига ярашадиган сўзни айта билмагандан ҳам шоир чиқмайди.Туғма истеъдод билан узлуксиз меҳнат ўртасидагидиалектик алоқа моҳиятини чуқур англаган ва борҳаётини - “халкнинг, даврнинг хотироти”ни дунёга ёйишга бағишлаган ёниққисмат деб тушунгандан ижодкор туғилади. Иккаласидан биронтаси бўлмаса ёкибиронтасига амал қилинмаса, номи - шоиру, умрибўйи ҳаваскор қаламкаш бўлиб қолаверади.[3]. Ҳақиқатан ҳам, ижод қилиш жараёнида инсон ўрганади, изланади, кузатади, тадқиқотлар олиб боради, натижаларни таҳлил қилиб мантиқий хулосалар чиқаради. Хулосанинг тўғри ёки нотўғри эканлиги таълим берувчиларнинг илмий асосларига, ижод асосларига таяниб,тажрибада синаб борилади.

Ижодий изланиш натижасида ҳосил бўладиган билим мазмуни янги техник ечим, бадиий асар, математик формула, назария, қонуният каби шаклларда жамиятга тақдим этилади. Улардан жамият баҳраманд бўлишига эришилгандагина, ижод ҳақиқий тўлақонли намоён бўлади.[3]

Жамият ривожланиши билан техника ва технологияларнинг жуда тез алмашиниши инсондан ўз ҳаёти мобайнида ўзгариши мумкин бўлган касблар ва мутахассисликларга мослашиб боришни талаб қилади. Шунинг учун ўқувчиларда бўлажак касби ва касбий фаолиятга ижодий ёндошишни тарбиялаш зарур ҳисобланади.

Ўқувчилар ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш учун алоҳида ижодкорлик масалалари эмас, балки машғулотлар жараёнида ўқувчиларда юқорида кўрсатилган таснифлар ва тамойиллар орқали мантиқий операциялар шаклланадиган ва ривожланадиган ижодкорлик масалалари тизими зарур. Ўқувчилар ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш омиллари ҳар бир мавзу, ҳар бир дарсликда ўқув фаолиятининг асоси бўлиши лозим. Демак, ижодкорлик фаолияти ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг барча қирраларини қамраб олар экан, уни самарали ташкил қилиш бутун

таълим жараёнининг сифатини таъминлаб беради ва энг муҳими бу жараёнда шахс тараққиётига эришиш кафолатланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А., Асарлар тўплами, Т.: “Ўзбекистон” нашриёти.
2. Остонова Г.Р. Инсонда ижодий жараён моҳияти ва унинг психологияси. Евразийский Научный журнал. №9, 2016 йил.
3. Умуров Хотам.Бадиий ижод асослари: Филология мутахассислиги буйича таълим олувчи иқтидорли ижодкор талабалар учун дарслик. -Т.: "Ўзбекистон”, 2001.


## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ


К.Оқилова,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ



*Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Болаларда юз берадиган психологик камчилик ва уларни бартараф этиш йўллари ёритиб берилган. Болаларни тўғри шакллантириш шарт шароитлари ҳам келтирилган.*



***Калит сўзлар:*** *бола, жисмоний тарбия, фаолият, машқ, шароит.*



*В данной статье раскрываются психологические особенности детей дошкольного возвраста.Описываются психологические проблемы, возникающие у детей и показаны пути их преодоления. Предлагаются спасобы правильного формирования и развития детей.*



***Ключевой слова**: ребёнок, физическое воспитание, деятельность, упражнение, обстоятельство.*



*This article are given opinion about psychological ptculiarities of pre-scholl children. It deals with the psychological defects of children and ways of their solutions. More over it is given conditions of development and right formftion of children.*



***Key words:*** *Child, physical training, activities, exercise, condition.*


Бугунги кунда болалар қаерда яшашидан қатъий назар, доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техникавий ва индустриал соҳалардаги ўзгаришлар билан тўқнаш келишларига тўғри келади. Боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор оламни атрофидаги ашё ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, қизиқиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз.

Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида мактабгача бўлган даврни шулар сирасига киритиш мумкин. Болалар оҳанграболи олам ҳисобланган даврда, жуда тез ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлар ичида яшайдилар.Бу даврда болаларда жисмоний сифатлар билан бир қаторда психологик жараёнлари, психик ҳолат ва хусусиятлари ҳам шаклланиб боради. Айнан манашу даврда ота оналар ва тарбиячи педагоглар болаларга катта эътибор берилиши талаб қилинади. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу давр қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир бор исботлаб беради.

Болалик дунёсидан чиқиб кетган катталар унга қайтиб кира олмайдилар. Турмуш ташвишлари бунга йўл қўймайди. Катталар фақатгина болалар билан мулоқот давридагини бу оламни кузатишлари ва унинг ажойиблигидан қувонишлари мумкин. Лекин шуниси қизиқ-ки, биз катталар бу ажойиботни кўриш ва ундан баҳраманд бўлиш ўрнига ундан қочамиз ва бу ишни кимларгадир топширамиз. Баъзан ота-оналар бўла туриб қўйидаги хатоларга йўл қўямиз:

- бола тарбиясида оиладагиларнинг турлича муносабатлари (бува, буви, ота, она);
- ҳиссий иликликнинг етишмаслиги;
- асабийлашган болани бошқариш малакасининг етишмаслиги;

- болага қўйилаётган талабнинг бир-бирига мос келмаслиги.

Бу хато ва камчиликларимиз болажонларимиз хулқида муаммоларни келтириб чиқаради. Баъзан бу муаммоларни ечимини топишга ҳам қийналамиз.

Оиладаги носоғлом муҳит жанжалкаш болалар тарбияланишига сабаб бўлади. Ҳар қандай одам стресс ҳолатида жанжаллашишга мойил бўлиб қолади.Табиийки жаҳл ва унинг турлари ёш хусусиятларига кўра турлича бўлади. Бир икки ёшли бола жаҳли чиққанда жаҳлини чиқарган одам билан урушмайди, балки у ерга ётиб йиғлайди, ўзини ўзи уради.




Болани қанча шошилтирсак у шунчалик секин ҳаракат қилади. Имиллаган болалар устидан одатда оналар шикоят қилади. Бир ёшгача боладан ҳеч нарса талаб қилинмайди. Шунинг учун бу ҳолат сезилмайди. Аста-секинлик билан бу ҳолат намоён бўла бошлайди. Бу вақтда олийжаноб оналар болаларини шоширмайди. Бирор нарсага қизиқтириб тезроқ ҳаракатланишга ўргатади.Тезда жаҳли чиқиб бақириб кетадиган оналарнинг болалари ҳам қайсар бўлади. Бесабр ота-оналар доимо фарзандларини шошилтириб унинг имиллашига сабабчи бўладилар.

Болалар ўсаётганда иштаҳа билан боғлиқ муаммоларни аксарияти бир ёшдан икки ёшгача бўлади. Болакайларнинг бир йилдан сўнг иштаҳалари пасая бошлайди. Иштаҳа тишлар чиқаётганда ҳам йўқолади.

Одатда болалар икки ёшдан уч ёшгача инжиқ бўлишади. Ҳаммамиз бола инжиқлигини кўрганмиз ва кузатганмиз. Сайрга бирга олиб чиқмаганимизда, ўйинчоқ ёки ширинлик олиб бермаганимизда у айтганини қилдирмоқчи бўлади. Шу вақтда озгина иккилансак, бола буни сезиб ҳаракатга тушади. Натижада ўзимиз боламизнинг инжиқланишига шароит яратган бўламиз. Қатъий турганимизда уларни осон бошқаришимиз мумкин. Бола буни ҳис қилади ва кўнади. [1, 45-57.б.].

Инжиқланишига бирор ери оғриётгани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Хуллас, агар болангиз инжиқланса уни руҳий ва жисмоний сабабларини қидиринг.

Икки уч ёшли бола одатда кечаси ўрнига сийиб қўймайди. Баъзиларида бу ҳол уч ярим ёшгача чўзилса, баъзиларида эса икки ёшданоқ ўрни қуриб туради. Болалар кечаси ўрнини хўл қилиб қўйишининг бир неча сабаблари бор. Шулардан бири жисмоний касалликдир. Одатда бундай болалар кундузи ҳам сийдик ушлашга қийналадилар. Уч ёшдан ошган бундай болалар албатта врач назоратидан ўтиши лозим. Энурез (сийғоқлик) ўғил болаларда кўп учрайди ва бу ўсмирлик чоғларида қолиб кетади.

Боланинг ривожланиши ва ўсиши кечасию-кундузи давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бу даврда бола мустақилликка ўргатилиб борилади. Эндигина қадам қўйиб юришни ўрганган болангиз қўлини қўйиб юборишингизни талаб қилади. Эндигина тили чиқиб гапиришни ўрганганида эса “Мен каттаман” дейди. Отаси ёки онаси каби тезроқ катта бўлиш истаги уларда ҳамма нарсани мустақил равишда бажаришга бўлган интилишни келтириб чиқаради.

Юришни биладиган болани аравачада олиб юриш, тўкиб сочиб ҳам овқатни ўзи ейишга интиладиган болага едириб қўйиш ва шу аснода унга тўхтовсиз равишда “Сен ҳали кичкинасан” дейиш боланинг ўсишига халақит беради.

Фараз қилинг ўсаётган оёқнинг пойафзали каттасига алмаштирилмаса, бу билан ўсиш тўхтайди деб айтиб бўлмайди, у ўсаверади. Лекин у мажруҳ бўлиб ўсади. Болани ўсиши учун зарур бўлган эркинликлар чегараланганда ота-оналар уларни асраб-авайлагандек кўринсада, аммо уларнинг барчаси ўзларининг ҳаловатларини сақлаш учун интиладилар.

Сиз фарзандингизга ҳаёт бердингиз. Энди унга инсон бўлиши учун ёрдам беришингиз керак.

Биз ота-оналар билан оила жисмоний маданиятни шакллантириш, оилада бу жисмоний фаолиятини ошириш, болалар ўртасида соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва касалланиш даражасини пасайтириш жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигидир. Ота-оналар билан ёшликда ўйнаган ўйинларини эслаб, уларни болаларни жисмоний томондан ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида сухбатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. [2, 27-28.б.]. Бу давр психология фанининг ёш даврлар спихологияси ва мактабгача ёшдаги болалар спихологиясида ўрганилган.

Ёш даврлари муаммосини ўрганиш кўпгина оимларни қизиқтириб келган муаммолардандир. Л.С.Выготский биринчилардан бўлиб шахс онтогенетик ривожланишини даврлаштиришда тарихийлик тамойилига амал қилиш лозимлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, болали – бу мураккаб ижтимоий маданий ҳодиса бўлиб, табиатан тарихий келиб чиқиш характерига эга. З.Фрейд бўйича даврлаштириш назариясида қуйидагича бўлинади:

- орал босқич, туғилгандан 18 ойгача давом этади. Бундан она сути билан озуқаланиш, овқатланишга асосий урғу берилади. Бу дврда онанинг ишончи ва меҳри етакчи ўринга эга;

- анал босқич, 1-1.5 ёшдан 3 ёшгача давом этади. Асосий жиҳат Эгонинг ривожланиши билан белгиланади. Айнан мана шу даврда ота-она ёрдамида болада ўзини – ўзи бошқариш механизми ривожлана бошлайди;

- фаллик босқич, 3 ёшдан 6 ёшгача давом этади. Бу даврда жинсий идентификатсия шаклланади. Ўғил болаларда Эдип, қиз болаларда Электра комплекслари айнан мана шу даврда кузатилади;

- латент босқич, 6-7 ёшдан 12 ёшгача давом этади. Таълим, спорт, дўстлар билан мулоқотга бўлган эҳтиёж ортади;

- генитал босқич, (12-18 ёш) – биологик етилиш билан кечадиган давр деб такидлаб ўтади. Айнан мактабгача даврда болаларда ролли ўйин фаолияти жуда яққол кўзга ташланади. Айнан манашу даврда улар ҳаётни роллардан иборат эканлигини узларича тасаввур қилишади. Демак бу даврда айрим фаолиятнинг ижтимоий-мотивацион томони ривожланади, муносабатлар тизими, мотивлар шаклланади

6-7 ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишларини талаб этади. Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зеҳн, мустақиллик, ишчанлик ва батартиблик хислатлари бўлиши керак. Боғчадан мактабга ўтишлари натижасида Ркатталар билан бўлган муносабатларида ҳам бирмунча ўзгариш юз беради. Болаларнинг мактабга ўтишлари, уларнинг яслидан боғчага ўтишларига қараганда мураккаб босқичдир. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бола мактабга ўтиши билан унинг ижтимоий ҳолатида ҳам ўзгариш рўй беради. Чунончи мактаб ёшига яқинлашган болалар боғчада "катта" деб ҳисобланар эдилар. Мактабга ўтгач, улар яна "энг кичкиналар" қаторига тушиб қоладилар. Шунинг учун бу даврда оилада болалар учун тўлиқ эътибор бериш талаб этилади.

Келтириб ўтилган фикр ва мулоҳазалардан оилада тўғри ташкил этилган шарт-шароитлар болаларни жисмоний ва психологик томондан тўғри ривожланишига замин бўлади деган хулосага келиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. Тошкент – 2012.
2. Усмонхўжаев Т.С, Исломова С.Т.. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия. – Т.: "Илм Зиё", 2006.
3. Ғозиев Э. Умумий психология. – Тошкент, 2010.
4. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. – Т.: Ношр, 2010.

# ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ИНТЕГРАЦИЯ - ЎҚУВЧИ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

О.Ч.Холов, М.Қ.Исмаилов,
Термез давлат университети

*Ушбу мақолада ўқитишда интеграция жараёни ўқувчиларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланишига таъсир кўрсатиши ҳақида маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *интегратив таълим, ўқувчи онги, тафаккур, назарияга оид интеграция, муаммоли интеграция, фаолиятга доир интеграция.*

*В статье рассматривается интеллектуальные развития учащихся в процессе обучения о интеллекеуального фактора в развития и их вляние на учащихся.*

***Ключовой словы:*** *In teaching the process of integration have an influence that it makes affect to pupils intellectual developing . About it some scientific-theoritical information is given by the author in this article.*

***Key words:*** *integrated education, pupils thought, thinking, integrated problem.*

Баркамол авлод жамият тараққиётининг асоси. Шу боис мамлакатимизда ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодга таълим-тарбия бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Замонавий интелектуал инсонни тарбиялашда интегратив таълим ўқитишнинг барча жиҳатлари(ақлий, ахлоқий, иқтисодий, меҳнат, эстетик, гигиеник, хуқуқий, жисмоний тарбия)ни қамраб олади ва уларнинг ўзаро боғликлигини таъминлайди.

Бугунги кунда фанларни интеграциялаш муаммоси педагогик жамоага, ўқувчиларга таъсир этишнинг янги педагогик вазифаларни самарали ечимини фаол излашга қаратилган йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Биз ҳам интеграцияни тафаккур ўстириш омили сифатида қараб, уни фанлараро алоқа ҳамда таълим шаклларини синтезлаш тарзида талқин этишга ҳаракат қилдик.

Интеграция тафаккур ўстириш учун имконият, шароит яратиб беради.

Таълимда билимлар интеграциясининг муҳим аҳамияти ҳақида Л.В.Тарасов: “Таълимда интеграция, энг аввало, фанлараро алоқани кескин ривожлантиришни, турли фанларни ўзаро ҳамкорликда ўқитишдан, уларни чуқур ўзаро таъсирлашишига ўтишини тақоза қилади”, деб ўқтиради. [3, 4-б.]

Ю.М.Колягин фикрига кўра, таълим тизимида интеграция икки хил маънода қўлланилиши мумкин:

1. Ўқувчиларда атрофимиздаги олам ҳақида бир бутун, яхлит тасаввурни шакллантириш (бунда интеграцияга таълим мақсади сифатида қаралади).

2. Фанлардан бериладиган билимларни яқинлаштиришнинг умумий платформасини топиш (бу ерда интеграция-таълим воситаси ҳисобланади).

Биринчи маъно бўйича интеграция ўқувчи билим даргоҳига дастлабки қадамини қўйишиданоқ, дунёни яхлит, бир бутун, унинг барча элементлари ўзаро боғланган тизим сифатида тасаввур қилиб олсин.

Иккинчи маънода интеграция ўқув фанларидан бериладиган билимларнинг ўзаро тўқнаш(учраш)ган ери(нуқтаси)да янги тасаввурларни англай олсин. Дастлаб, фанлардаги фикр(ғоя)лар тўқнашган нуқтада аввалдан бўлган табақалашган билимлардаги камчиликларни тўлдиришга, улар ўртасида бўлган боғланишларни таркиб топтиришга даъват эцин. [4, 15-б.]

Шундан келиб чиқиб, интеграциянинг асосини фанлараро алоқадорлик ташкил этади ва ўзининг ривожини интеграция ғоясида топади. Интегратив мазмунга эга бўлган предметларни ўрганиш бўлажак мутахассислар билими, иш услублари, шахсий фазилатлари яхлит, бир бутунлигини таъминловчи омил сифатида қаралади.

Шунингдек, замонавий таълим мазмунидан келиб чиқиб, интеграция:

1) Ривожлантирувчи таълим бериш воситаси сифатида;

2) Умуминсоний, миллий тарбия воситаси сифатида қаралмоқда.

Икки ўқув фани ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда ва уларнинг интеграциясида вақти-вақти билан у ёки бу фан таянч бўлиб хизмат қилади. Турли ўқув фанлардаги мавзуларнинг узвий боғлиқлиги ва мантиқий ўзаро алоқадорлиги интеграциялашган дарсларнинг асоси бўлиши керак. Интеграция маълум бир таркибий қисмларга эга бўлиб, қуйида ана шу ҳақда фикр юритилади.

Объектга доир интеграция: бунда бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга (ер, сув, ҳаво, озиқ-овқат ва бошқа) киритилади.

Тушунчага оид интеграция: бунда умумий тушунча (акмеология, антропология, педагогик инноватика, компетенция ва бошқалар)лар мазмунини очиб берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади.

Назарияга оид интеграция: у физика, кимё, биологиядаги квант назарияси; биология, кимё, астрономия, техника, социологиядаги эволюцион назарияга асосланади.

Методологик интеграция: у фалсафа методологияси каби илмий билишнинг алоҳида методларига тааллуқли интеграция бўлиб, уларга тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва унинг моҳияти, табиатшуносликка оид муаммоларнинг қўйилиши ва уларнинг ҳал этилиши; фандаги тушунтириш ва прогноз қилиш; кузатиш, тажриба, моделлаштиришнинг тузилиш моҳияти ва қўлланилиши кабилар киритилади.

Муаммоли интеграция: у турли кенглик даражасидаги фанлараро муаммоларни қамраб олади (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш ва бошқалар).

Фаолиятга оид интеграция: мунозара, гуруҳлар таркибида ишлаш, фанлараро режа ва лойиҳалар тузиш ва бошқалар.

Амалий интеграция: турли жараён ёки техник маҳсулотларни ҳар томонлама кўриб чиқиш, антибиотиклар, синтетик моддалар, биотехнология компютерлар ва бошқалар.

Интеграция - ўқувчи билан индивидуал ишлаш ва уни фаоллаштиришнинг муҳим воситасидир. Интегратив дарсларни ташкил қилиш орқали мунозара қилдириш, мустақил тарзда ижодий мулоҳаза юритишга ўргатиш, гуруҳлараро мусобақа, савол-жавоблар ташкил қилиш мумкин. Бундай замонавий дарс турларини қўллашдан асосий мақсад ўқув жараёнида тингловчилар фаолиятини фаоллаштириш, ўқув материалини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришишдан иборат. Ана шундай технология ўқувчиларда дунёни ўзгача тасаввур қилишга ўргатади, амалиётни ҳаёт билан

боғлашга, назарий қоидаларни сўзма-сўз ёдламасликка, шахс ва жамият уйғунлигини англашга, фикрлар ранг-баранглигига эришишга, ностандарт тафаккур қилишга, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш йўлларини тушунишга имкон яратади. [ 3, 4-5 б. ].

Бизга маълумки, узлуксиз таълим тизимида бошланғич таълим муҳим бўғин ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бошланғич мактаб фақат ўқиш, ёзиш ва санашни ўргатибгина қолмасдан, бундан ҳам муҳимроқ ва каттароқ масалани амалга ошириши керак. Айтишимиз мумкинки, интеграцияланган таълим ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида унинг интеллектуал фаоллигини рағбатлантириши ҳамда таълим жараёнини болаларга тушунарли ва қизиқарли бўлишини таъминлаши даркор. [ 2, 8-б. ]

Интеграция – турли фанларга оид билимлар чегарасида янги тасаввурларни қабул қилиш воситаси. Биринчи навбатда табақалаштирилган билимлар орасида билмаган жойларни тўлдириш, улар орасидаги алоқаларни ўрнатиш лозим. У таълим олувчининг билимини оширишга, таълимдаги тор ихтисослаштиришни янгилашга йўналтирилган. Шу билан бирга интеграция таълимининг классик ўқув предметлари ўрнини эгаллаши керак эмас, у фақат олинаётган билимларни яхлит бир тизимга бирлаштириши керак, холос. Муаммонинг қийин томони интеграциянинг таълим бошидан охиригача динамик ривожлантиришдадир. Агар бошида «ҳамма нарса тўғрисида озгина билиш» лозим бўлган бўлса, кейинчалик тарқоқ билим ва кўникмаларни бирлаштириш керак бўлади ва охирига келиб «озгина нарса тўғрисида ҳаммасини билиш» керак бўлади, яъни бу янги интеграция

даражасидаги ихтисослаштиришдир.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» эълон қилингандан буён ўқув режасидаги фанларнинг сони мисол учун бошланғич таълимда 10 дан ортди. Ўқув фанлари миқдорини ошириш, албатта, ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки бугунги замонавий технология сон орқасидан қувиш эмас, балки сифат ўзгаришларининг ҳам бўлишини тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянмоқ лозим. Уларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув фанлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади.

Республикамизда етук малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган таълим тизими барча имкониятларини юзага чиқара оладиган ижодкор шахсни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълимда олиб борилаётган ишларнинг бош мезони ҳисобланади. Бу мезон асосида такомиллаштирилган, замон талабларига жавоб бера оладиган дастурлар, ўқув дарсликлари яратилмоқда. Таълим муассасалари, хусусан, мактаблар қайта реконструксия қилиниб, замонавий андозалар даражасига тенглаштирилмоқда. Ана шу асосда таълим жараёни ҳам бевосита шакллантирилиб унинг самарадорлигини оширишга аҳамият берилмоқда. Таълим жараёнига инновациялар кириб келмоқда. Бу тушунча «янгилик» маъносини билдириб, таълим ислоҳотларида демократик таълим тизимига ўтиш, шахснинг қизиқишлари, қобилиятини ҳисобга олиш, таълимни инсонпарварлаштириш, таълим тизимини жамиятнинг иқтисодий шароитларга мослаштириш, билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган таълим тизимини шакллантиришга шароит яратиш кабиларни ҳисобга олиш зарур. Таълим услублари ўқувчиларнинг қобилиятини намоён этишга, зеҳнини ўткирлашга, тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилмоғи зарур.

Таълим жараёнининг таълим мақсадига мос келишини таъминлаш учун ижтимоий талаб ва таълим мақсадидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунига асосланган янги ўқув моделларини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш; таълим мақсадига мутаносиб бўлган таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлигини таъминловчи йўналишларини кенгайтириш; ҳамда фанлараро алоқадорликни таъминлашдан иборатдир. Ҳақиқатдан ҳам таълимда мақсад ва мазмун бирлиги ўз аксини топмоғи керак, яъни:

а) борлиқни ҳис қилдиришга ўргатиш;

б) ўқитувчиларнинг ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш маҳоратини таълим мақсадлари ва мазмунига мос тарзда ривожлантириб бориш;

в) эҳтиёж туфайли билим олишга одатлантириш;

г) ўқувчиларни мустақил билим олишини тўғри ташкил этишдан иборатдир.

Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун интеграциялашган таълимни амалиётда текширилган энг маъқул услубларни ишлаб чиқиш ҳамда ўқитувчиларни мазкур услублар билан қуролллантириш, уни амалиётда қўллашга ўргатишдан иборатдир.

Демак, интеграл (интеграциялашган) дарс – бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай бўлган мавзулар бўйича ташкил қилинган дарс бўлиб, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишларини орттириб, таълим жараёнидаги фаолликларини таъминлайди.

Бундай дарслар ўқувчиларга фанлараро боғлиқликни ўргатиш орқали уларда олам тузилишининг илмий асосларини тўлиқ идрок этиш, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа-концерни. 1997-йил.
2. Мавлонова Р. ва Раҳмонқулова Н. Бошланғич таълимни интеграциялаш.

Тошкент, 2011й. 8 б.

3. Мусаев У. Интеграция - таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим принципи. //Халқ таълими журн. 2002, № 6. 4-5-б.

4. Колегин Ю.М ва О.Л.Алексенко. Об интеграции обучения и воспитания в начальной школе. // Начальная школа. - 1998. -Л 3. - С. 15.

## ИНФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАХС ИЖТИМОИЙ ТАКОМИЛИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИГА ТАЪСИРИ

Ж.Я.Орипов,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Мақолада информацион жараёнларнинг интенсивлашуви шахс ижтимоий такомилига салбий таъсири борасидаги масалалар таҳлил қилинган. Жумладан, ахборот хуружлари ва ғоявий таҳдидларнинг ёшлар қалби ва онгига таъсир этиши ҳамда диний бағрикенглик тамойилларига путур етказувчи жиҳатлари фалсафий тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:*** *информацион жараёнлар, интенсивлашув, руҳият, глобаллашув, технология, интернет, ахборот хуружлари, ғоявий таҳдидлар, диний бағрикенглик.*

*В данной статье анализированы вопросы, касающиеся интенсификации информационных процессов в социальном совершен-ствовании личности и показано его отрицательное влияние. В том числе с философской точки зрения, рассмотрены воздействие на сознание молодёжи негативной информации и идейных угроз, а также некоторые особенности разрушения тенденции религиозной толерантности.*

***Ключевые слова:*** *информационные процессы, интенсификация, психика, глобализация, технология, интернет, информационные и идейные угрозы религиозная толерантность.*

*This article deals with the issues concerning intensification of information processes in the social development which shows negative impact on individual. It also considers the actions on the consciousness of young people of negative information and ideological threats from the philosophical point of view and, as well as some features in the destruction of the trend of religious tolerance.*

***Key words:*** *information processes, intensification, psyche, globalization, technology, Internet, information and ideological threats of religious tolerance.*

Глобаллашув жараёни кечаётган бугунги даврда шахснинг шаклланиши, унинг салоҳияти, қобилияти ва руҳияти билан бу давр шароитига мослашуви қандай кечади ва нималарга эътибор қаратиш лозим бўлади, деган саволга жавоб топиш уни методологиясини ишлаб чиқиш ижтимоий-фалсафий фанларнинг устувор вазифаларидандир. Зеро, информацион жараёнларнинг интинсивлашуви ва инновацияларнинг турли соҳаларга жорий этишниниг тезлашуви, шахснинг ижтимоий такомили ҳамда унинг психологиясига таъсир этадиган жиҳатларини назарий ва амалий тадқиқ этиш ижтимоий-фалсафий фанлар доирасида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Инновация [ингл. innovation-киритилган янгилик, ихтиро] 1. Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар. 2. Илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши”. 3. Муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)”, - деб изоҳланган. [1:212-б]

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса: “Инновация (инг. Innovationas - киритилган янгилик ихтиро) – 1) техника ва технология авлод-ларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли ва фаолият доираларида қўлланилиши”, - деган изоҳ берилган. [2:169-б]

Инновация тушунчасига берилаётган турлича изоҳ ва ёндашувлар мавжуд бўлсада, аммо, “киритилган янгилик”, “ихтиро”, “техника ва технология”, - тушунчаларига кенг

урғу берилган. Демак, инновация деганда, инсон тафаккури маҳсули билан яратилган ёки ихтиро қилинган, айнан жамият ва инсон тамаддунида муҳим аҳамиятга эга бўлган янги техника ва технологияларни тушунишимиз мумкин.

Ҳозирда, дунё мамлакатлари тажрибасида инновацияларнинг соҳалар бўйича кенг қўллаш жараёни тезлашди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам инновацион ғоялар ва технологияларни жамият соҳаларига, айниқса, тадбиркорлик фаолиятига жорий этишга кенг имкониятлар ва шарт-шароитларни яратишда давлатнинг бош ислоҳатчилиги тамойили асосида амалга оширилиб, қонуний асослари яратиб берилди. 2018 йилни Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, - деб эълон қилиниши ва 2018 йил 22 январда “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Президент Фармонининг қабул қилиниши, юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Инновациялар инсоният ижтимоий ҳаётидаги бир қатор қулайликлар, имкониятлар қўламининг кенглиги ва ижтимоий ҳаётининг фаровонлиги ҳамда барқарорлигига ижобий таъсири билан характерланади. Инсоният турмуш тарзи, онгу-тафаккурининг ривожи, жамият тараққиёти ана шу инновациялардан қай даражада фойдаланиш ва жамиятнинг ижтимоий соҳаларига жорий этилишига боғлиқ.

Интернет ва инновациялар диалектик алоқадорликда ривожланмоқда. Интернет ва инновацияларнинг диалектик алоқадорлиги шундаки, иннова-цияларнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий соҳаларига кенг жорий этилаётганлигининг энг муҳим омилларидан бири бу интернет бўлса, ўз навбатида интернет инновациянинг самарасидир. Интернет инсониятга яратиб берган мисли кўрилмаган имкониятларининг вужудга келтираётганлиги билан, бошқа, техника ва технологиялардан ажралиб туради. Яъни интернет фан, маданият, санъат, тиббиёт, тадбиркорлик, бизнес, савдо, ахборот сингари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид маълумотлар баъзасига, гўёки инсоният томонидан яратилган барча нарсаларни ўзида мужассам этган дўкон (гипермаркет)га ўхшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугунги замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [3:14-б], - деб таъкидлаган эди.

Ана шундай вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда теран дунёқараши, мустақил фикрлаш қобилияти, интеллектуал салоҳияти, юксак маънавият ва маърифий етуклиги билан жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий соҳаларида тараққий этган мамлакат ёшларидан қолишмайдиган, балки улардан ҳам юксакроқ марраларни забт этадиган ёшларни тарбиялаш, шахс сифатида камол топишида муҳим бўлган вазифаларни амалга оширишга қаратилган барча шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг қонуний асослари мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”, - деб таъкидлаган эдилар.[4:115-б]

Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви даврида ахборот таҳдидларини уюштириш билан халқимизнинг маънавий бирлигига раҳна солишга, юртимизга бўлган ишонч-эътиқодини бузишга уринаётган гуруҳларнинг ҳам борлигини ва улар интернет тармоғида жангарилик,

порнография, диний экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи ва ўз жонига қасд қилишга ундовчи “кўк кит” сингари бир қанча сайтларига эга эканлигини унутмаслик лозим. Мазкур сайтларга нисбатан эътиборсиз қараш, лоқайд муносабатда бўлиш ижобий натижа бермаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “...бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим” [5], -деб таъкидлаган эди.

Ёшларнинг онги ва қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, уларнинг руҳиятига сингдириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитети кучли, иродали шахсларни камол топтириш вазифаси нафақат миллий, балки умуминсонийлик касб этмоқда. Халқимиз онгу-тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабат муҳитини шаклланиши, дахлдорлик ҳисси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганлигига замин яратмоқда.

Интернетнинг шахс ижтимоий такомилидаги ўрни, руҳиятига таъсирини объектив ва субъектив жиҳатларини тушунтириш, интернетдан фойдаланиш ҳамда ахборот маданиятини шакллантиришда нафақат ўқитувчи – педагоглар балки, катта авлод вакиллари ўзларининг ҳаётий тажрибалари билан ёшлар тарбиясида муҳим ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Ўқитувчи – педагоглар, ота-оналарнинг ҳамкорлигида ёшларни интернетдан фойдаланиш жараёни тўлиқ назоратга олиниб, тизимли равишда тўғри йўналиш кўрсатиб борилса, ёшларда интернет ва ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу тизимда аввало, ўқитувчи – педагоглар ва ота-оналарнинг ўзларидан ҳам интернетда ишлаш жараёнини мукаммал билишлари, ёшларнинг интернетдан шунчаки эрмак сифатида фойдаланиш мумкин деган қарашларини ўзгартириш зарур. Инсон онгу-тафаккуридаги қарашлар ўзгармагунча одамнинг ўзини ҳам ўзгартириб бўлмайди.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидения, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тоборо кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларни атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсадларимизга ҳам тўғри келмайди” [4:114-бет], - деб айтганлари, юқорида билдирган фикр-ларимизнинг исботидир. Ўқувчи-ёшларга бир томонлама тарбия бериш, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган таълим ва тарбия узвийлиги, деган тамойилга ҳам мос келмайди.

Ҳеч интернет кафеларда, уяли алоқа воситаларида турли жангари ўйинларни ўйнаётган ёки ўйинда ютқазиб қўйганларни руҳий ҳолатига эътибор берганмисиз. Ёшларнинг бир-бирига нисбатан муносабатларида қўпол, жиззаки, тажавузкор, асабий ҳолатга тушиб қолганлигини гувоҳи бўламиз. Энг ёмони шундаки, улар ўзларининг қимматли вақтларини самарасиз ва мақсадсиз ўтказаётганлигидир.

Юқоридаги мушоҳадаларимизга таяниб, қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин, шахснинг ижтимоий такомилида, юксак маънавий ва маърифий юксалишида, унинг интеллектуал салоҳияти, онгу-тафаккурини ўстириш, теран дунёқараш, мустақил фиклаш қобилиятини шакллантиришда ижтимоий тармоқнинг имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга шахснинг психологиясига таъсир этувчи салбий жиҳатларидан ҳимояланишни ҳам тақозо этади.

Ушбу хулосаларимиздан келиб чиқиб, қуйидагиларни тавсия этамиз:

Биринчидан, ўқув даргоҳларида информатика фан дастурларига ахборот комуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнида дуч келишимиз мумкин бўлган

салбий ҳолатлардан қандай ҳимояланиш мумкинлигини тушунтириб берувчи мавзуларни киритиш;

Иккинчидан, интернетда ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир этувчи сайтлар гирдобига тушуб қомаслик учун психолог-ўқитувчилар томонидан такомиллаштирилган тизимли фаолиятни ташкил этиш;

Учинчидан, шахснинг руҳиятига, унинг қалби ва онгига таъсир этувчи, миллий менталитетимиз, ахлоқ меъёрларимизга зид бўлган порнаграфия, ахлоқий бузуқликни, диний экстремистик ғояларни тарғиб этувчи, "ахборот хуружлари"ни уюштирувчи сайтлар фаолиятини тақиқлашда муҳим бўлган пароллаш тизимини жорий этиш ҳамда қонуний жавобгарлик масаласини янада такомиллаштиришдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.**


1. Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон республикаси фанлар академияси. Тил ва адабиёт институти. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашрёти, 5 жилд, 2 китоб, 2006. 212-бет
2. М. Аминов, Т. Даминов ва бошқалар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашрёти, 4 китоб, 2002. 169-бет.
3. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: " Ўзбекистон", 2017. 14-бет.
4. И.А.Каримов. юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. 115-бет.
5. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // "Халқ сўзи", 2016 йил 8 декабрь.


## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ МАЪРИФАТГА АСОСЛАНГАН ДУНЁҚАРАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ХУСУСИДА


Ш.Қутбиддинова,

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ



*Ушбу мақолада баркамол шахс онгида дунёқарашнинг маънавий асослари хусусда сўз юритилади. Шарқ цивиллизациясида яратилган таълим-тарбия унсурлари кенг қамровлилиги билан туронзаминни бутун дунёга танитган. Ёшларда дунёқарашни миллий маърифатимиз хазиналари замирида шакллантириш бугунги кун нуқтаи назарида сермаҳсул аҳамиятга эга.*



***Калит сўзлар:*** *шахс, дунёқараш, миллий маърифат, таълим-тарбия.*



*В этой статье рассматривается духовная основа мировоззрения в сознании компетентного человека. Имея широкий спектр образовательных и обучающих элементов, созданных в восточной цивилизации который известен во всем мире. Формирование мировоззрения на сокровищах нашего национального образования сегодня имеет большое значение.*



***Ключевые слова:*** *личность, мировоззрение, национальное просвещение, образование и воспитание.*



*This article examines the spiritual basis of the world view in the mind of a competent person. Having a wide range of educational and training elements created in the Eastern civilization which is known all over the world. The formation of a world outlook on the treasures of our national education today is of great importance.*



***Key words:*** *person, ideology, national enlightenment, education.*


Республикамизда барча соҳалар бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги инновацион ғояларнинг амалий - назарий натижаларида кўзланган мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқишга асосланган. Шу ўринда, барча соҳаларда эришилган жорий натижаларни чуқур миллий-мафкуравий таълим-тарбияга асосланган ҳолда жаҳон миқёсига олиб чиқиш долзарбдир. Таълим-тарбияда миллий индивидуалликни таъминлаш

учун эса инсонда миллий мафкурага асосланган дунёқарашни шакллантириш аҳамиятлидир.

Дунёқараш табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади.

Муайян дунёқарашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъэктларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шунингдек, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Шахсда дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади. Ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутади.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндошувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқарашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. [2.45-б.]. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.

Дунёқараш ўз моҳиятига кўра, илмий (муайян фалсафий тизимга эга) ва оддий (муайян фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқараш тарзида фарқланади. <u>Илмий дунёқараш</u> асосида узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлик касб этган ғоялар ётади.

Шахс дунёқарашини шакллантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб жараён саналади.

Ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари ва моҳияти**.** Шахс дунёқарашининг шаклланишида ақлий тарбия муҳим ўрин тутади. «Ақлий тарбия шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, уни самарали йўлга қўйиш асосида дунёқараш шаклланади». [2.136-б.]

Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништириш, уларда ижодий, эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Ақлий тарбия жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

Тарбияланувчиларга илмий билимларни бериш.

- Уларда илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш.
- Мавжуд билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
- Билимларини доимий равишда бойитиб боришга интилиш туйғусини шакллантириш.
- Билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилиятлар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадга интилиш, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафакур юритиш, ўз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гуруҳлаштириш, мантиқий хулосалар чиқариш ва ҳоказолар)ни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармонда белгиланган асосий вазифалардан бири ёшларни миллий тил ва адабиётнинг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фиклайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш ва уларнинг жаҳон илм-фани тамаддунида ўз ҳиссаларини қўшишга эришишларини таъминлашга қаратилган эди.

Шарқ цивиллизациясида яратилган таълим-тарбия унсурлари кенг қамровлилиги билан туронзаминни бутун дунёга танитган. Шундай экан, ёшларда дунёқарашни миллий маърифатимиз хазиналари замирида шакллантириш бугунги кун нуқтаи назарида сермаҳсул аҳамиятга эга.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Абдураҳмон Жомий ўзидан кейин турли фан, адабиёт, жумладан педагогикага доир ўлмас мерос қолдиради. У ўз асарларида, айниқса, насрий йўлда ёзилган “Баҳористон” асарида таълим-тарбия масалалари хусусида фикр билдирди. Унинг фикрича, “илм инсон учун хаётига йўл очувчи ва уни ўз мақсадига эриштирувчи омилдир”. [1,91-б.]. Илм ва ҳунарни ёшликдан эгаллаш керак. Илм инсонга ҳамма нарсани осон ва пухта англаб олишга ёрдам беради, меҳнатни енгиллаштиради. Жомий ёшларни илмларни эгаллашга даъват этди. У ўз педагогик қарашларида кишиларни адолат, хушмуомалалик ва доно сўз билан зулмкорларга таъсир этишга даъват этади.

Жомий манманлик, кеккайишларни қоралайди, ғурурликни нодонликнинг белгиси деб билади. Инсон хатто, бошқалардан бирор сифати билан юқори даражали бўлса ҳам, камтар бўлиши керак дейди. Манманлик нодонлик белгиси эканлигини уқтириб, ёшларни бу иллатлардан холи, пок бўлишга ундайди. Жомий тўғри сўзликни инсон учун зарурий энг яхши хусусият ҳисоблайди, изхор этиладиган фикр сўз ва ҳаракат билан узвий бирликда бўлмоғи керак. Шоирнинг таъкидлашича, дилкашлик, ширинсўзлик, очиқ чехралик ва қувноқлик кишиларга яхши, ёқимли кайфият бахш этади. [1, 76-б].

Улуғ адиб ўз асарларида ҳасисликни, ўғриликни кескин қоралайди, оқилона яшаш, ортиқча бойликни мухтожларга бериш, қаноатли бўлиш ғояларини олға суради. Жомий илмларни эгаллашда тажрибага алохида эътибор беради, хаётда фойдаланилмаган илмни жонсиз, кераксиз илм ҳисоблайди. У таълим олдигаёш авлодни жамиятга, одамларга фойдали хизмат қиладиган қилиб етиштиришни асосий вазифа қилиб қўяди.

Жомий фикрича, китоб ўтмиш донишманд авлодлар билан ўз даври ёшлари ўртасида восита, инсонга энг яқин дўст, эрта тонгдаги ёғду, устоз ва мараббийдир. Жомийнинг бу фикри шу жиҳатдан муҳимки, шоир китобнинг билим манбаи, инсоният донишмандлиги хазинаси дейиш билан бирга, донишмандлар ўз асарларини хаётий тажриба ва кишилар ижоди меваси сифатида келгуси авлодлар учун қолдирганликларини айтади. Шу сабабли ҳам ёшларда китобга муҳаббат, уни ўқишга қизиқиш тарбияланиши керак.

Ўқувчи дунёқарашини шакллантиришнинг бир неча мақбул шакл, метод ва воситалари бўлиб, улар сирасида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзуларда ташкил этилувчи суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, маърузалар, муаммоли вазиятларни яратиш асосида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи амалий тренинглар, дебатлар, мустақилишлар, шунингдек, ишчанлик ўйинлари янада самарали саналади.

Проф. М. Тохтаходжаева фикрича: «Мустақил ишларни ташкил этиш, хусусан, муайян мавзу асосида ўқувчиларни кичик илмий изланишларни олиб боришга йўллаш уларнинг дунёқарашларини янада бойиб боришида пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўсмир ҳамда ўспиринларни маълум назария ёки таълимотларнинг ғояларига нисбатан танқидий муносабат билдириш, методологик моҳиятини очиб бериш, шахсий фикрларини баён этишда асосли далилларга таянган ҳолда иш кўришга ундаш ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради». [3, 89-б.].

Таълим-тарбияни ташкил этиш жараёнида фанлараро алоқадорлик, ижтимоий ва

табиий омилларнинг ўзаро мувофиқ келишига эришиш омиллари, атроф-муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс камолотини таъминлашга эришиш имкониятларидан унумли фойдаланишга интилиш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасаларида ўқув предметлари сифатида тавсия этилган фанлар асосларининг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши уларда кенг дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Дунёқарашнинг шаклланишида жамиятда устувор ўрин тутган мафкуравий ғоялар ва уларнинг моҳиятидан тўлақонли хабардор бўлиш ўзига хос аҳамиятга эга. Шу боис таълим муассасаларида йўлга қўйилаётган таълим-тарбия, хусусан, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар асослари моҳияти билан ўқувчиларни таништириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаётида бош мезон сифатида эътироф этилган миллий истиқлол ғояси ва мафкура мазмунида илгари сурилган қарашлар хусусида батафсил маълумотлар бериб бориш, уларга нисбатан ўқувчиларда муайян муносабатни шакллантириш педагоги жиҳатдан самарали йўл ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2007. – 112 б
2. Зуннунов А., У.Маҳкамов. Дидактика. Т.: Шарқ, 2006. – 125 б.
3. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. 1- қисм. Педагогика назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. “Иқтисод-молия”, 2007. – 380 б.


## ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ РУҲИЙ РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ


Д.Р.Шаббазова,
Термез давлат университети



*Ушбу мақолада таълим фаолияти ва ўқувчиларнинг руҳий ривожланиши омиллари илмий асосда баён этилган. Таълим фаолиятининг ривожлантирувчи характери ва психик ривожланишнинг бошқа қонуниятлари таҳлил қилинган.*



***Калит сўзлар:*** *психика, таълим фаолияти, руҳий ривожланиш, психик ривожланиш қонуниятлари, фикрлаш фаолияти.*



*В данной статье научной основе изложена проблемы учебной деятельности и факторы психического развития учащихся. Также, дана анализ развиваюшего характера учебной деятельности и другие закономерности психического развития.*



***Ключевые слова:*** *психика, учебная деятельност, психическое развитие, закономерности психического развития, умственная деятельность.*



*In this article the scientific basis of the stated problems of the educational activities and the factors of mental development of pupils. Also, given the analysis of the developing nature of training activities and other regularities of mental development.*



***Key words:*** *psyche, activity learning, mental development, regularities of mental development, mental activity.*


Таълим фаолияти инсон психик ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичи ҳисобланади. Мазкур фаолиятда психик ривожланиш асосан ўқув фаолияти жараёнида ўқувчининг ўқув фаолиятига киришганлиги билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Мактаб шароитида руҳий ривожланиш ижтимоий аҳамиятли, мураккаб тузилишга, кўп босқичга, кўп предметга эга бўлган жараёнда амалга ошади ва шу йўсинда ижтимоий характер касб этади.

«Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш хусусидаги давлат хужжатлари таълимнинг турли босқичларида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга, баркамол шахсни камол топтиришга

қаратилган. Бу долзарб вазифани амалга ошириш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини тўғри, илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Бунинг учун эса таълим жараёни ва ўқувчилар шахси тараққиётининг ўзига хос психологик қонуниятларини яхши билиш, таълим фаолиятида бу омилларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Маълумки, инсон психикасининг шаклланиши хилма хил омилларга боғлиқ бўлади. Бундай омилларга табиий омиллар, ижтимоий-психологик омиллар, мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия омили ва албатта боланинг шахсий фаоллиги омиллари киритилади. Шунингдек, руҳий шаклланиш жараёнини психик ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмасдан таҳлил қилиш қийин. Инсонинг психик ўсиш жараёни маълум қонуниятга бўйсунади. Жумладан, психик ривожланишнинг нотекислиги қонуниятига мувофиқ ҳар қандай шароитда, хатто таълим-тарбиянинг энг қулай шароитларида ҳам шахснинг турли психик белгилари, функциялари ва хусусиятлари ривожланишнинг битта даражасида тўхтаб турмайди. Болаларнинг ривожланишидаги айрим даврлардаги психиканинг у ёки бу йуналишларида ривожланиш учун ниҳоятда қулай шароит пайдо бўлади ва бу шароитларнинг баъзилари вақтинчалик ўткинчи характерда бўлади. Масалан мактабгача ёшда айниқса нутк, ўсмирликда, илк ўспиринликда мустақил таффакур жадал ривожланади.

Иккинчи муҳим қонуният бу - психика интеграцияси. Психик ривожланишнинг бу қонунияти инсон психикаси ўз тараққиёти давомида тобора кўпроқ яхлитлик, бирлик, мустаҳкамлик ва доимийлик хусусиятларини касб эта боради. Масалан: алохида предмет ва ходисаларни тўлиқ идрок қилиш асосида кузатувчанлик шаклланади. Ёки аксинча, 3 ёшгача даврда бола нутқининг етарли даражада шаклланмаслиги оқибатида унинг тафаккури ҳам ривожланмай қолади ва ҳоказо. Демак, битта психик функциянинг ўсиши иккинчи психик функциянинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Психик ривожланишнинг пластиклик қонунияти бола психикасининг қотиб қолган эмаслиги, уни ўстириш, тузатиш имконияти мавжудлигини англатади. Оила, маҳалла, мактаб муҳити, турли гуруҳлар таъсирида баъзан болалар хулқида салбий хусусиятлар устунлик қилиб қолиши кузатилади. Кўпчилик педагоглар боладаги бундай ҳолатнинг сабабчисини ўқувчининг ўзи деб биладилар ва уларга тарбияси қийин, одобсиз, ўзлаштирмовчи бола сифатида қарай бошлайдилар, уларга нисбатан муносабатларини ўзгартирадилар. Педагоглар болани қандай бўлса шундай қабул қилишга одатланишлари, ўқувчини муҳокама қилиш эмас, балки уни тарбиялаш ва хулқидаги ўзгаришнинг олдини олиш, тузатиш билан шуғулланишлари лозим. Масалан, ўсмир ўқувчилар руҳиятида рўй берадиган айрим ўзгаришлар табиий ҳол ҳисобланади. Катталарнинг сабрсизликлари, уларнинг ҳолатларини ҳисобга олмаган ҳолда муносабатда бўлишлари оқибатида ўсмир ўқувчиларнинг жаҳлдор, қўрс, қайсар бўлиб қолиши амалиётда кўп учрайди. Тажрибали педагоглар бундай хатога йўл қўймайдилар. Ўқитувчининг ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, эҳтиёткорроқ бўлиш, кўпроқ ўқувчига ёрдам бериш позициясида туриши бундай ҳолатнинг олдини олади.

Психик ривожланишнинг компенсация қилиш қонунияти ўқувчи шахсининг умумий ривожланишида баъзи психик функцияларда мавжуд камчиликларни бошқага нисбатан кучлироқ жиҳатлар билан тўлдиришдан иборат. Маълумки, ҳар бир ўқувчи индивидуал психологик хусусиятларга эга эканлиги билан характерланади. Шу нуқтаи назардан таҳлил қилганимизда ўқувчилар қобилиятлари, қизиқишлари, интилишлари ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан, айрим ўқувчиларнинг қизиқишлари билим олишга йўналган бўлса, баъзилари бошқа ижтимоий аҳамиятли соҳага йўналган бўлади. Ўқувчи қайсидир соҳада муваффақият қозонса унинг қолган камчиликларининг ўрнини ушбу ютуғи тўлдириб туради ва ундаги камчилик сезилмайдиган бўлади. Масалан, агар ўқувчи фанларни яхши ўзлаштира олмасаю, спортда, жамоатчилик ишларида ва бошқа фаолиятда эришган ютуқлари унинг ўрнини боса олади. Худди шундай, аълочи ўқувчи бошқа соҳада эпсиз бўлса ҳам унинг ўқиши натижалари қолган камчиликларининг ўрнини босади. Шунингдек, ўқувчининг психик ўсишида унинг ёш хусусиятлари ҳам муҳим

ўринни эгаллайди. Ўқитувчи таълим фаолияти жараёнида психик тараққиётдаги бундай ўзига хосликни билиши ва ўқувчи шахсига тўғри ёндошиши лозимлиги, “яхши ўқувчи”, “ёмон ўқувчи” тоифаларига ажратмасдан, балки уларни тўғри йўналтира олишга аҳамият қаратишлари зарур.

Боланинг мактабда муваффакиятли ўқиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабга тайёргарлик даражаларига боғлик. Бола аввало мактабга жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёр бўлиши керак. Яъни, боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши нафақат унинг ақлий ва жисмоний тайёргарлиги, балки шахсий ва ижтимоий-психологик тайёгарлигига ҳам боғлик. Мактабга ўқиш учун келаётган бола янги ижтимоий мавқеини - турли мажбуриятлари ва хуқуқлари бўлган ҳамда унга турли талаблар қўйиладиган - ўқувчи мавқеини олиш учун тайёр бўлмоғи лозим [1].

Турли ёшдаги ўқувчиларда таълим фаолиятига муносабат турлича бўлиши мумкин. Масалан, воқейликка бўлган онгли муносабатнинг умуман ўсиши билан ўсмир ўқувчиларнинг ўқишга бўлган онгли муносабатлари сезиларли даражада кучаяди. Ўзларининг ўқиш фаолиятларида улар секин-асталик билан шахсий маъно касб этадиган хақиқий, чуқур билимлар билан янгича муносабатларга боғланган янги, юксакроқ босқичга кўтариладилар. Психологларнинг таъкидлашларича, ўсмир ўқувчилар ўқиш фаолиятининг мотивлари мураккаб тузилишга эга бўлади. Уларнинг ўқиш фаолияти мотивлари таркибига кенг ижтимоий мотивлар (билим орттиришнинг ижтимоий жиҳатдан муҳим эканини англаш, мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрланиш учун ўқиш зарурлиги) аслида муваффақиятга интилиш, иззат нафс билан боғлиқ бўлган билиш мотивлари ва шахсий мотивлар (болалар жамоасида обрў қозонишга интилиш ва раҳбарлик ролини ўйнаш) бирга қўшилиб кетган бўлади [2].

Шунингдек, ўсмир ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муҳим силжишлар юз беради. Кичик мактаб ёшида эришилган тафаккур тараққиётининг даражаси ўсмирга фан асосларини муваффақиятли ва системали ўрганиш имконини беради. Ўрганиладиган фанларнинг мазмуни ва ўқув курслари тузилишининг мантиқи билимларни ўзлаштиришнинг янги характерини, мустақил тафаккурга таянишни талаб этади. Абстракциялаш ва умумлаштириш, таққослаш, мулоҳаза юритиш, хулосалар чиқариш, исботлаш қобилияти зарур бўлади.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари шахсининг маънавий кучлари интенсив ривожланади, унинг маънавий қиёфаси таркиб топади, характер ҳислатлари аниқ бўлади, дунёқараши шаклланади. Юқори синф ўқувчилари шахснинг ривожланишига унинг мактабда, оилада, ижтимоий муносабатлар системасида тутаётган мавқеининг ўзгариши ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Уларнинг фаолияти асосан ўқиш фаолиятидан иборат бўлиши билан бирга, мактаб доираси билан чекланган бўлмайди. Ўқувчининг ижтимоий фаолияти мактаб ичида ва мактабдан ташқарида рўй беради.

Юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий ривожланишда эътиқоднинг, ахлоқий онгнинг роли кучайиб бориши билан ажралиб туради. Уларнинг хулқ-атвори кўп жиҳатдан ахлоқий тасаввурлар, ахлоқий тушунчалар, ахлоқий установкалар ҳамда эътиқод билан белгиланади. Худди ана шу даврда турли шароит ва вазиятларда ўқувчиининг ўзини тўғри тута билиши таркиб топади. Ўқувчиларнинг ахлоқий онги уларнинг жамиятдаги ҳаёти ва фаолияти таъсирида, мактаб жамоасининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши орқали ривожланади. Одатда ўқувчилар ахлоқий категорияларнинг мазмуни ва моҳиятини анча чуқур тушуна бошлайдилар. Катта мактаб ёшидаги болалар кўпгина ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий жиҳатдан кўп маъноли эканлиги билан боғлиқ бўлган энг нозик томонларини ҳам сезишга қодир бўладилар. Бурч, виждон, шахсий ғурур ва ўзининг қадр-қимматини билиш туйғулари хақидаги энг мураккаб тушунчаларни юқори синф ўқувчилари чуқур тушуниб олишга қодирдирлар.

Таълим психологиясининг асосий муаммоси ортикча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қиска вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қиска вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан

кўникма ва малакаларни хосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат килиш, улар томонидан эгалланган билим, куникма хамда малакалар даражасини баҳолаш ҳамда ўқувчиларни дарсга қизиқтириш орқали эгаллаган билимлари асосида юксак маънавий, аҳлоқий, интеллектуал фазилатларни ўзида намоён этишларига эришиш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Таълим жараёни билан боғлиқ психологик муаммоларни ўрганувчи педагогик психология ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришнинг энг оқилона йўлларини излаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқитиш ва билим олишнинг янги методларини ишлаб чиқиш, ривожлантирувчи ва тарбияловчи таълим муаммосини тадқиқ қилиш масалаларини ўз предметига қамраб олади. Педагогик психологиянинг таълимни янги мазмунда жорий қилиш юзасидан сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқлари бунинг яққол далили бўла олади. Маълумки кейинги йиллар мобайнида мамлакатимиздаги барча таълим тизимларида таълим ишларининг мазмуни тубдан ўзгарди. Таълимнинг экспериментал равишда текширилган янги усуллари жумладан, муаммоли интерфаол таълим методлари кенг жорий қилинмоқда. Бу эса ўқитувчиларга таълим жараёнида ўқувчилар билан ишлашда, уларни интеллектуал, аҳлоқий ва маънавий шакллантиришни таълим фаолияти билан қўшиб олиб боришлари учун катта имкониятларни очиб берди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, таълим муассасаларида психик ривожланишнинг юқорида баён этилган омилларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш орқали турли ёшдаги ўқувчиларнинг руҳий ривожланишини юқори даражага кўтариш мумкин. Бунинг учун педагоглар мактаб ёшидаги болаларнинг руҳий ривожланиши омилларини яхши билишлари ва педагогик фаолиятларида мазкур билимларни қўллай олиш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Ўқитувчи бундай кўникмаларни ўз устида тинимсиз ишлаши, хозирги даврнинг таълим сифатини оширишга қўяётган талаблари асосида фаолиятини ташкил этишлари орқали эгаллашлари мумкин.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлар психологияси). Тошкент, 1994.
2. Рыбалко Е.Ф. Возрастная и дифференциальная психология. Москва, 2001.

## БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ХИСЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Т.Эшқувватов,
Самарқанд давлат университети,
Г.Холбоева, С.Яхяева,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

*Мазкур мақолада бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнида уларнинг социомаданий хислатларини шакллантиришнинг долзарблиги асосланган. Педагогик фаолият давомида "шахс", "жамият" ва "давр" тушунчаларининг ўзаро муносабатлари ўрганилган.*

***Таянч сўзлар:*** *мустақил фикрлаш; комиллик; жисмоний саломатлик, ахлоқий поклик, ақлий етуклик; социомаданий хислатлар;*

*В данной статье рассматривается развитие у студентов социальной культуры как актуальный вопрос дня, полученные знания по социальной культуре и их применение студентами на практике, а также она посвящена расширению кругозора по социальной педагогике в условиях рыночно-экономической системы*

***Ключевое слово:*** *свободная мысль, идеально,горманичная развития, маральный устои, интелектуаль зрелость, социокультуреый, навыки*

*In given article is considered development beside student of the social culture as actual question of the day, got knowledges on social culture and their crushing student in practice, as well as she is dedicated to expansion of the outlook on social pedagogika in condition market -an economic system.*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритилганидан кейин ўз ватанига фидокор, ўзини англаган, янгиликка интилувчан, мустақил фикрга эга бўлган, билимли, келажакка ишонч билан қарайдиган, баркамол авлодни вояга етказишни олий мақсад сифатида белгилаб олди.

Ёшлар ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Бунинг учун улар зиммаларига юкланаётган юксак маъсулятни чуқур ҳис қилишлари, унга муносиб бўлишлари зарур. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти ёш авлодга берилаётган таълим ва тарбияга боғлиқ деб айтишимиз мумкин. Шу маънода таълим ва тарбиянинг олий мақсади шахс камолотидир. Мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. Комиллик уч босқичдан иборат: жисмоний саломатлик, ахлоқий поклик, ақлий етуклик. Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш етакчи устивор ўрин эгаллайди. Мустақил фикрлаш мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Муайян жамиятдаги шахснинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларига қараб ўзгариб боришига боғлиқ. Ёшларимизни маънавий-маърифий тарбиясига айниқса биз педагоглар маъсулмиз. Бу вазифани муқаддас билиб, амалий фаолиятимизда ҳаётга тадбиқ этиш бугунги кунда долзарб бўлиб,. баркамол авлод мустақиллигимизнинг кафолати бўлиб хизиат қилади. Комил инсон, комил шахс бу чуқур билимга эга, юксак маънавиятли, жамиятга эзгулик нурини таратадиган ижтимоийлашган шахс кафолати ҳисобланади.

Жамият-инсонлар мажмуи бўлиб, унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жиҳатдан инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқий эгаллашга интилади, бинобарин у ўзига хос интилиш лаёқати ва фаоллиги наъмуналарини намойиш қилади.

Демократик жамиятда шахс ва муайян ижтимоий гурухнинг интеллектуал салоҳияти ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлади. Ҳар бир инсон жамиятда ўз кобилияти ва эхтиёжларига яраша ўрин эгаллайди.

Хозирги шароитларда давлатнинг кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган эхтиёжни таъминлаш кафили сифатидаги роли аввалги тизимдан жиддий фарқ килади. Демократик жамият ва бозор иктисодиёти шароитларида "давлат кадрлар тайёрлаш ва уларга булган эхтиёжни қондиришнинг кафилидир" деган қоида мутлақо янги мазмун касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кўзланган мақсадлар ҳам аввиломбор шахснинг рақобатлашувига чек қўйилиши, ўзининг мустақил инсон (субект) тарзида намоён бўлиши учун моддий-маънавий негиз барпо этилиши, шахсий дунёқараш (ҳам илмий, ҳам диний), барқарор эътиқод, мустаҳкам позиция, қатъий ирода, ўткир ва букилмас ғояни егаллашга имкон яратилишидан далолат беради. Шундай экан, ана шундай умумбашарий аҳамият касб этувчи ижтимоий воқелик, ҳодиса, ижтимоий тасаввур ва эҳтиёж мамлакатимизда шахснинг марказий фигура сифатида тан олиниши ва ривожланишининг ҳаракатлантирувчиси тарзида шакллантиришни тақозо этади. [3. 15-б].

Республикамизда мустақиллик шарофати билан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда қўйилган мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг ўзгаришига олиб келади, жамиятда янги шахс – комил инсонлар вужудга келади.

Биринчи президентимиз Ислом Каримов сўзи билан айтганда: «Таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади», «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади…», «Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади» [1. 3-б].

Жамиятнинг инфраструктураларида, гуруҳий шахслараро муносабатларда демократия принципларининг қарор топиши, фуқаролар ўртасида тенгҳуқуқлилик,

субьектлилик, ҳамкорлик, ҳамдардлик (эмпатия) мезонлари турмуш тарзига айлана бориши кишилик дунёсининг жаҳоншумул ижтимоий тарихий ғалабасининг ёрқин ифодасидир. Худди шу боис, таълим-тарбия жараёнида социомаданий хислатларга эга, мустақил фикрловчи, ижодий изланувчи, кучли иродали, ишчан, ғоявий эътиқодли, маънавияти юксак, пок виждонли шахсни камол топтириш жоиз. Бу ўринда билимни ўзлаштириш катта аҳамиятга эга, чунки билимли инсонлар жамиятнинг барча жабҳаларида фаол бўлиши муқаррар, улар ўзларининг барқарор эътиқодига эга бўлишади, бу эса давлатимизнинг *баркамол шахсни етиштиришдек* мақсадига мос келиши айни муддаодир.

Бу мақсадда қўлланаётган методикалар муайян даражада мураккаб бўлиб, ҳар доим ҳам тўғри натижа бераверади, деб бўлмайди. Педагогик амалиётда талабалар шахснинг алоҳида сифатларини ўрганадилар, лекин олинган натижаларга асосланган ҳолда, ҳар доим ҳам эриша олмайдилар. Чунки педагогик тажриба узлуксизлигини таъминлаш ялпи ёндашишни тақозо этади, ҳар ёқлама таҳлилгина унинг ечимига ижобий таъсир этади.

Талабаларнинг шахсий-тавсифномавий фазилатларни аниқлаш, ҳеч бўлмаганда оддий методикасини эгаллаш, уни тадбиқ этиш, касбий педагогик тайёргарликнинг муҳим унсурларидан биридир. Бўлажак ўқитувчилар, умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари педагогик амалиётлари жараёнида, кўпинча, ёшларнинг ақлий қобилиятларини ўрганишга эътибор қаратадилар, аммо мактаб ўқувчиларида социомаданий хислатларни шакллантиришга етарли даражада эътибор беришмайди. Бунда «Давлат- жамият- шахс» категорияларини тўлақонли англаш муҳим аҳамият касб етади.

Педагогикада илгари етарли даражада эътибор берилмаган йўналиш–таҳсил олувчиларнинг билим ўзлаштиришини мукаммалаштириш асосида уларнинг социомаданий хислатларини шакллантириш, яъни «шахс» ва «давр» ёки «давр ва шахс» муносабатларининг такомиллашуви натижасида бугунги кунда салмоқли аҳамиятга эга бўлиб бориши билан белгиланади ва у қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Мафкуравий тизимнинг ўзгариши, ижтимоий янгиланиш ёшларнинг фаоллик даражасига янгича ёндашиш, қараш, муносабат, мезон, талаб, моҳият, мазмун, шакл тақозо етиши.

2. Миллийлик билан динийликнинг уйғунликка эга эканлиги, миллатлараро муносабатлардаги бағрикенглик ижтимоий фаоллик ва маданийлик феноменологияси кўламини янада кенгайтиришни талаб қилиш.

3. Педагогик тадқиқотларда психологик назария ва амалий-илмий аппаратни қўлланилиши, муҳитга мувофиқлантирилиш тенденсияси кучайиши.

Бу йўналиш мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланишида, турли-туман этник қатламларнинг маънавий-маърифий ҳаётида пайдо бўлган муамммоларини муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир жамият инфраструктураларида шахсга қўйиладиган талаб ўз мезон ва тамойилига эга бўлган. Мустақил юртимизда шаклланиб келаётган ёш авлодга янгича қараш ва муносабат ва унга қўйилган масъулият ҳам ниҳоятда ошиб бормоқда. [2. 141-б].

«Шахс ва давр» ёки «давр ва шахс» муносабати муаммолари таҳлилида учта ҳолат кўзга ташланади:

- биринчи тоифа шахслар ўз даврининг руҳи мақсад ва вазифаларини англай олмайди, яъни замондан орқада қолади.
- иккинчи тоифа шундай шахслар борки, улар давр билан ҳамнафас, ўзи яшаган замоннинг яловбардори сифатида намоён бўлади.
- учинчи тоифа инсонлар етакчилар саналиб, улар воқеликдан ўзиб кетади, айни пайтда ўз даврининг руҳини чуқур ҳис етади ва англайди.

Бундай шахс ҳаётий қарашлари, ғояси ва фаолият йўналишида келажакни кўра олади.

Иккинчи ва учинчи хусусияга эга бўлган, маънавияти юксак шахсларни тарбиялаш бугунги кунда салмоқли аҳамиятга эга. Шахснинг социомаданий хислатлари юқори бўлса, табиий равишда бу унинг амалий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади, унинг ғоялари жамиятга сингади.

Ҳар бир одам фақат таълим, ижтимоий тарбия ва маънавий камолот, касб-ҳунар ўрганиш тизими воситасидагина шахс бўлиб шаклланади. Натижада шахснинг ижтимоий камол топиши – унинг жамият учун фойдали функцияларини бажариши, ўз вазифа ва бурчларини пухта ва ижодий англаб, бошқалар билан тенг, мустақил муносабатларга киришуви юз беради.

Таҳсил олувчилар билим ўзлаштириш жараёнида ёшларда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқ-атвор малака ва одатлари ҳосил қилинади. Бунга эришиш кезида ёшларнинг онгига (таълим жараёнида), ҳиссиётига (дарсда ва синфдан ташқари ишларда), иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнида) тизимли ва мунтазам таъсир этиб борилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**


1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин // «Тафаккур» журнали. 1998. 2-сон, 3-б
2. И.А.Каримов. Юксак маьнавият енгилмас куч. Т. «Маьнавият» 2008й.
3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент: Фан, 2006.


## ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВАЎЗИГА ХОСЛИГИ


Ғ.С.Қудратов,
Термез давлат университети



*Ёшларнинг ижтимоий психологиясининг моҳияти ва ўзига хослигини тадқиқи этиш учун, энг аввало, воқелик инъикосининг психик шакли юзага келиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини билиш ва ҳисобга олишга эътибор қаратдик.*



***Калит сўзлар:*** *ёшлар, ижтимоий психология, моҳият, ўзига хослик, тадқиқот*



*В исследование сущности и специфики общественной психологии молодых людей в качестве исходной позиции требует, прежде всего, изучения, учеба закономерностей возникновения и развития психической формы отражения действительности.*



***Ключевые слова:*** *молодежь, социальная психология, сущность, оригинальность, исследования*



*In the study of the essence and specifics of the social psychology of young people, as a starting point, it requires, first of all, study, studying the laws of the emergence and development of the psychic form of reflection of reality.*



***Keywords:*** *youth, social psychology, essence, originality, research.*


Ёшларнинг ижтимоий психологиясининг моҳияти ва ўзига хослигини бошланғич нуқта сифатида ўрганиш учун, энг аввало, воқелик инъикосининг психик шакли юзага келиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олиш талаб қилинади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов мустақил давлат қуришнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб, республикамизда буюк келажакни барпо этишда маданий ва тарихий мероснинг юксак марраларини, халқнинг гуманистик анъаналарини эгаллаган шахс асосий таянч бўлишини алоҳида таъкидлаганди. Сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг олдинги марраларига айнан шахслар чиқарилади, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий маконини ислоҳ қилиш айнан шу нарсага йўналтирилган [1, 48-б].

Кишилар ҳақида шунчаки фикр юритганимизда кўпинча шахс эволюциясини, характери хусусиятларининг, манфаатларининг, эҳтиёжларининг, қизиқишларининг, фаолият тури ва турмуш тарзининг ўзгаришини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Бу ўзгаришлар доим ҳам ижодий бўлавермайди, албатта. Булар кўпинча шахснинг инқирозидан, бузилишидан, жамиятга қарши мақсадлар ҳамда хулқ-атвор шакллари пайдо

бўлаётганидан далолат беради. Шунинг учун инсоннинг ўзгариши омиллари ҳамда механизмларини аниқлаш муҳим илмий ва ижтимоий муаммодир. Шу боис кўп тадқиқотчиларнинг эътибори шахснинг таркибий компонентларини аниқлашга қаратилади. Бу йўналишда унинг ижтимоий ва ижтимоий-психологик моделлари конструкциясини яратишга турлича ёндашувлар амалга оширилди.

Бундай тадқиқот жуда қонуний, чунки у шахсни яхлит бир бутунлик сифатида тасаввур этиш, турли ёрдамчи тузилмаларнинг нисбатини, уларнинг ўзаро алоқасини, мазмунан тўлиқлигини аниқлаш имконини беради. Устига-устак шахс назариясининг тизимли-таркибли варианти унинг реал конкрет-тарихий ва индивидуал-биографик жиҳатдан амал қилиши ҳамда ривожланиши қонунларини тушуниш учун зарур. Бироқ таркибий ёндашув моҳиятан шахснинг статикадаги тавсифини бериб, уни схемага солади, дағаллаштиради, хоссалар, сифатлар, салоҳиятларнинг қандайдир тўпламига айлантиради. Шунинг учун мураккаб динамик тизим сифатида шахсни тарихий-генетик метод нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш зарур, чунки инсон биологиклик ва ижтимоийликнинг бирлигидан иборат.

Ҳозирги замон фани ва амалиёти маълумотлари фикримизча, ҳайвонлар психикаси, инсон онги ва жамиятнинг кундалик ҳамда илмий даражаси психикаси генесизм факти, инсон психикасининг ҳайвон психикасидан асосий фарқлари бугунги кун нуқтаи назаридан тўғрилигини таъкидлайди [1, 48-б].

Умуман, антропогенез назариясига кўра идеал ҳодиса бўлган психиканинг инсоннинг табиий эволюцияси сифатида шаклланиши [1, 48-б] ҳаёт шаклларининг мураккаблашиб ўзаро боғлиқ ўтиш сифатида соддароқ биологик тизимлардан нисбатан мураккабларига томон ривожланиши, ворисийлик принципи бўйича сифат жиҳатидан янги элементларнинг таркиб топиши ва тегишли равишда жонли тизимларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати шакллари мураккаблашуви билан боғлиқ.

Ижтимоий башоратни ва шу асосда ўз хатти-ҳаракатини режалаштириш имкониятини таъминлайдиган тарзда воқеликни англаш инсон психикаси хусусиятидир. Бундан ташқари, инсоннинг ҳамда жамиятнинг тегишлича, воқеликни идеал образларда инъикос эттиришнинг олий шакли бўлган инсон онгининг шаклланиши жараёнида психика ривожланишининг олий шаклига ўтиш психика органлари, биринчи навбатда миянинг сифат жиҳатдан тубдан қайта қурилиши билан боғлиқ. Инсонда нерв фаолияти механизмлари иккинчи сигнал системаси воқелик ҳақида сўз, гап орқали дарак бериш билан тўлдирилган. Бу жиҳатдан олганда, инсон шахс сифатида ижтимоий, тарихий ривожланиш маҳсулидир.

Ёшлар ижтимоий психикаси моҳияти ҳамда ўзига хослигининг дастлабки ижтимоий-фалсафий таҳлили, энг аввало, воқеликни инъикос эттиришнинг психик шакли юзага келиши ҳамда ривожланиши қонуниятини ҳисобга олишни талаб қилади. Уни ўрганиш ушбу муаммога фаолиятли ёндашув ҳисобланади. Ҳозирги фалсафий адабиётларда “фаолият” категорияси тобора катта аҳамият касб этиб, социология, психология, этика, эстетика, педагогика сингари соҳаларни, шунингдек эргономика, меҳнатни илмий ташкил қилиш, фан ва муҳандислик фаолияти методикаси ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олувчи  тадқиқотларда фойдаланилади. Инсон фаолияти, пировард натижада материянинг  аввалги барча шаклларининг фаоллигини ўзида жамлайди. Инсон фаоллиги туфайли ўтмиш авлодлардан маданиятни, билимларни, тафаккурнинг категориал қурилишини мерос қилиб олади.

Бу тушунча амалда билимнинг инсонни, унинг онгини, билиш фаолиятини ва бир қатор ҳолларда профессонал фаолиятини тадқиқ қилиш билан боғлиқ барча соҳаларини қамраб олди. Эргономика,праксеология, меҳнатни илмий ташкил қилиш инсон фаолиятини тадқиқ қилиб, уни оқилона ташкил қилиш принципларини, самарадорлигини ошириш усулларини излайди. Билиш назариясида “фаолият” категорияси билиш фаолиятининг келиб чиқиши, тузилиш ва амал қилишининг асосий масалаларини ҳал этиш имконини беради. Социоантропогенез билан шуғулланувчи билим соҳалари “фаолият” тушунчаси

асосида инсоният жамияти қарор топишининг принципиал ва энг муҳим омилларини аниқлашга интилишади. Шунинг учун ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучлари муаммосини ҳал қилиш тарихий қонуният билан кишиларнинг онгли фаолияти нисбати тўғрисидаги масалани муқаррар равишда қўяди, [2, 57-б.] психологияда эса «фаолият” тушунчаси энг, шахс ва инсоний хулқ-атвор борасидаги изчил концепцияни яратиш имконини беради.

Фаолиятнинг предметли хусусияти унинг бирон-бир предметга йўналтирилганлигида, предметни эгаллашга, унинг хоссасини ўзгартиришга интилишда ва ҳ.к. дагина ифодаланиб қолмайди. Фаолиятда моҳияти субъектлар хатти-ҳаракатига қўшилган предметларнинг ўзаро таъсири ҳисобига фаолият натижаси қўлга киритилишидан иборат бўлган сифат жиҳатдан янги мазмун шаклланишга кўра субъектнинг фаоллиги предметли бўлади.

Киши предметга предмет билан таъсир кўрсатади, мақсадга эришишнинг бу усули ҳайвоннинг қуролли фаоллиги инсон фаолиятига айланишининг асосий шартини белгилаб беради. Бунда унинг фаолият акти ҳайвонлар хатти-ҳаракат актидан фарқли ўлароқ, ташқи муҳитнинг вазият билан боғлиқ омиллари билан бевосита боғлиқ эмас. Бу акт макон ва замонда турлича жойлашиши мумкин, яъни “ҳайвон жисмоний эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳаракатланади; инсон эса, бундай эҳтиёждан ҳоли бўлганида, чинакам инсоний иш кўради; инсон мураккаб тарзда ҳаракат қилишга қодир” [3, 174-б].

Инсон хатти-ҳаракатининг табиий муҳитнинг ҳолатидан нисбий мустақиллигига унинг ўз фаолиятини амалга оширишни таъминловчи сунъий муҳит яратиши ҳисобига эришилади. Бунда табиий муҳитдаги ов, балиқ облаш, мева териш, далага ишлов бериш каби ва амалга оширилиши табиат инжиқликларига боғлиқ бўлган ҳоказо фаолият шакллари сақланиб қолади. Бироқ фаолликнинг бу шакллари предметли тузилмалар яратилишига таянади ҳамда мақсадли хусусиятга эга бўлади. Сунъий муҳитни яратиш амалиётнинг предметли фаоллик актларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган объектив (предметли) тузилмаларидан бошланади.

Бу структураларда предметларнинг ўзаро таъсири амалий ишнинг талаб қилинаётган натижани таъминловчи марказий бўғинига айланади. Шу муносабат билан, фаолиятнинг предметли хусусияти бирон-бир қуролдан фойдаланишда эмас, балки ишнинг предметли тузилмаларини танлаш, такомиллаштириш ҳамда мақсадли ташкил қилишдадир.

Инсон фаолиятининг мазкур тузилмалардан фойдаланишга таянувчи фаоллик шаклларининг қарор топиши субъектнинг хатти-ҳаракатини бошқариш жараёнларини қайта қуриш билан кечади. Фаолликнинг ички мазмунининг ўзгариши субъект психикасида “иш-натижа”нинг ўзаро боғлиқлигини қайд этиш билан бошланади. Бу алоқадан фойдаланиш табиатга фаолиятли муносабатнинг сунъий шаклларини мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади, уни бошқариш вазиятга боғлиқ бўлмай қолади.

Ташқи муҳит белгилаб бўладиган ҳайвонлар хатти-ҳаракатидан фарқли равишда, инсон фаолияти «ташқаридан” эмас, “ичдан” рағбатлантирилади. Фаолият мақсади сифатида англанадиган ички рағбат ҳаракатни рағбатлантиради. Тафаккур воситасида амалга оширилаётган мақсадни кўзлаш амалий фаолият билан бирга кечадиган ички психик жараён бўлиб чиқади. Унинг ҳар бир акти онгли бўлиб, ишни бажариш изчил ташқи таъсирлар юзага келтирадиган рефлектор реакция хусусиятини йўқотади. Шу муносабат билан “фаолият” тушунчасини субъектлар табиий органлари ҳаракатлари мажмуи билан чеклаб бўлмайди, чунки у унинг предметли тузилмасини онгли ташкил қилиш жараёнини ўз ичига олади.

Субъект онги объект тузилмаси устидаги ишдан келиб чиқиб ҳамда у билан бирикиб, уларни фаолиятга айлантирадиган элементдир. Фаолият онгдан ва онгли қўйилган мақсаддан ташқарида бўлмайди. Онгнинг вужудга келиши, айниқса, инсоният жамияти ривожланишининг дастлабки босқичларида, субъект амалиётнинг предметли тузилмасига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қоладиган, ўз хатти-ҳаракати билан тобора кўпроқ ушбу предметли структура устида бўлиб қоладиган шароитларда иш-ҳаракат билан натижа

ўртасидаги ранг-баранг ва кўпинча мураккаб алоқаларни қайд этиш билан боғлиқ бўлади. [4, 229-б.].

Онг олидин пайдо бўладими ёки фаолиятми, деган масаланинг қўйилиши кўриб чиқилаётган масалалар доирасида маъно касб этмайди. Онг-инсон фаолиятининг конструкцияловчи зарурий аломати. Унинг онги ва фаолиятининг юзага келиши аслида турли жиҳатдан қараладиган биргина жараён. Онг фаолиятни қарама-қарши қўйиш ташқи билан ичкини, яъни субъект томонидан амалга ошириладиган иш-ҳаракатни ва шу иш-ҳаракат билан кечадиган жараёнларни ажратиш тарзида ўзини оқлайди. Онгли хусусиятга эга бўлмаган ташқи фаоллик фаолият ҳисобланмайди. Инсон фаолиятига ички ва ташқининг диалектик бирлиги сифатида қараш ва бу қарама-қарши диалектик тарзда бекор қилади.

Онгнинг шаклланиши мураккаб ижтимоий-психологик жараён бўлиб, жараёнга асосланган муҳим воситаларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланишни ўз ичига олади. Бироқ онгни тадқиқ қилишнинг дастлабки нуқтаси фаолиятнинг ташқи ва ичкининг бирлиги сифатида қарашдан иборатдирки, бу жараёнда ижтимоий онгнинг филогенезининг айрим томонларидан мавҳумлашиши тўғри бўларди.

Хусусий фанлар, шу жумладан психология ҳам инсон фаолиятининг ушбу фанлар предмети сифатида воқеъ бўладиган ўзига хос шаклларини таҳлил қилар экан, фаолиятни “соф” ҳолда кўриб чиқмайди: улар фаолиятнинг конкрет шаклларининг таҳлилидан келиб чиқади. Фаолиятни инсон томонидан амалга ошириладиган жараённинг умумий шакли сифатида тадқиқ қилишга фалсафий тафаккур асосида эришилади.

Шундай бошланғич нуқтага асосланган ёшлар психологиясига фаолиятли ёндашув унинг психик инъикос шакли, бинобарин, психик фаолияти тарзидаги табиатини чуқурроқ тушунишгагина эмас, балки унинг ривожланишининг ички қонуниятларини, динамикасини кузатишга ҳам имкон беради. Психик инъикос билан субъект фаолиятининг уни ўраб турган предметли воқеликдаги ўзаро алоқаси, ўзаро боғлиқлигини ўрганиш акс этувчининг психик инъикосга ўтиши айнан фаолият жараёнида содир бўлишини кўрсатди; субъектни объектив воқелик билан амалда боғловчи фаолиятда, шу билан бирга, психик инъикос акс этувчи билан солиштирилади ва унинг кўпроқ даражада монанд бўлишини таъминловчи коррекция (тузатиш) қилинади.

Буларнинг бари психик инъикос субъектнинг предметли воқелик билан алоқасини амалга оширувчи фаолият билан тақозо қилинганлигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 48-бет.
2. Философия. –М.: МЭСИ, 1999. –С.57.
3. Саифназаров И., Касимов Б., Мухторов А. Философия. – Ташкент: Шарк, 2002. –С.174.
4. Юлов В.Ф. Концепция современного естествознания. – Киров: ВГПУ, 1997. –С.229.

## ШАХСДА АЙБДОРЛИК ҲИССИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Ф.Жўрақулова, Н.И.Ишонқулова,
Самарқанд давлат университети

*Мақолада айбдорлик ҳиссини юзага келиши, номоён бўлиш хусусиятлари ҳамда ундан халос бўлиш усуллари қизиқарли тарзда баён этилган. Шу билан бирга одамнинг маънавий сезгирлиги виждон ҳиссида ёрқин номоён бўлиши ҳаётий амаллар билан ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *айб, айбдорлик ҳисси, уят, виждон, хато, қўрқув, агрессия, бола, ота-она, ахлоқ, баҳолаш, хулқ-атвор.*

*В стати излагаются вопросы проявления чувства вины, его характеристики, интересные пути его разрешения. Кроме того, подробно раскрывается взаимосвязь вины как элемента духовно-нравственной сферы человека и совести, её отражение в жизненной практике.*

***Ключевые слова****: вина, чувства вины, стыд, совесть, ошибка, страх, агрессия, дитя, родитель, поведение, оценка, мораль.*

*The article presents questions manifestation of guilt, its characteristics, interesting ways of its resolution. In addition, the detail revealed the relationship of guilt as an element of spiritual and moral sphere of human conscience, her reflection in the practical life.*

***Key words****: fault, guilt, shame, conscience, mistake, horror, aggression, child, parent, morals, character.*

Айбдорлик ҳисси табиий ўзимизни яхши кўриш ҳиссини йўқотганимизда ва ўзимизнинг хатоларимизни кечиришни билмаганимизда вужудга келади. Ўзингнинг хатолорингни сезиш яхши нарса, аммо бундан керакли хулосаларни чиқарганингдан кейин ҳам уялиб юрсанг – бу ёмон. Доимий равишда таъқиб қиладиган айбдорлик ҳисси бизни ўзимизнинг ҳеч қандай айб иш қилмаганлигимиз, ўзимизнинг юқори даражага эгалигимиз, қадр-қимматимиз борлиги ҳиссидан маҳрум қилади. Бу эса бизни жамиятда ўз ўрнимизни тополмаслигимизга, ўзимизни бахтсиз ҳис қилишимизга, ўз-ўзимизга берадиган баҳонининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун эса жамиятдаги ҳар бир шахс айбдорлик ҳиссининг юзага келиш сабаблари, унинг ижобий ва салбий томонлари, уни юзага келтирувчи омиллар, ундан халос бўлиш чора-тадбирлари ҳақида етарли даражада билим ва кўникмага эга бўлиши талаб этилади.

Айбдорлик ҳисси, уят ва виждон тушунчалари доим ёнма-ён келади, гоҳида бир кечинмани иккинчисидан ажратиш ҳам қийин туюлади. Лекин, буларнинг барчаси биз ўйлагандек бир хил кечинма эмас, айбдорлик ҳисси, уят ва виждон тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Айбдорлик ҳисси – қўрқув, аутоагрессия ва мана шу ички агрессиядан ҳимояланиш ҳолатларининг бирикмасидир. Айбдорлик ҳисси – туғма кечинма бўлмай, балки у ижтимоий шаклланганидир. Айбдорлик ҳисси болаларга илк ёшларидаёқ гоҳида англанган, гоҳида ўзлари ҳам сезмаган ҳолда ота-оналари ёки атрофидаги яқин кишилари томонидан шакллантирилади. Кўпинча болалар катталарнинг норозиликлари, қилган ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун улар томонидан жазоланишлари натижасида ўзларида айбдорлик ҳиссини шакллантиришади. Кейинчалик инсон айбдорлик ҳиссини ўз ички оламида қайтадан юзага келтиради, бу эса одатда беихтиёр, англанмаган ҳолатда автоматик равишда амалга ошади.[1,214-215]

Илгари йўл қўйилган ва энди тўғрилаб бўлмайдиган ишлар учун азобланиш умуман бефойдадир. Айбдорлик ҳолатидаги бирдан-бир бир фойдали нарса шуки у бизга хатога йўл қўйганимиз ва қандайдир ҳатти-ҳаракат қилишимиз ва ундан тўғри хулосалар чиқаришимиз зарурлиги ҳақида хабар бериб туради.

Биз ўзимизни айбдор ҳис қиладиган вазиятларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўзимизнинг маънавий-ахлоқий қарашларимиз ва эътиқодларимизга қарши бўлган бирор-бир фаолият билан шуғулланганимизда;
2. Жамиятда қабул қилинган қадриятларга, ота-оналаримизнинг фикрларига қарши бирор-бир фаолиятни амалга оширганимизда.

Бола учун айбдорлик ҳисси оғир ва ёқимсиз ҳолат бўлиб ҳисобланади, лекин кўпчилик ота-оналар учун ўз фарзандларида бу ҳисни шакллантирмасдан туриб уларни тўғри тарбиялашнинг иложи йўқдек туюлади. Айбдорлик ҳисси нафақат болалар тарбиясида балки катталар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, кейинчалик уларни жиддий афсусланишга мажбур қилувчи айрим ҳатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишларига сабаб бўлади. Оддий қилиб айтганда айбдорлик ҳиссини худди қонун ҳимоячиларига

ўхшатиш мумкин, кўпчилик учун улар ёқимсиз, лекин уларсиз ҳам яшашнинг ҳозирча иложи йўқ. Қонун давлат ва жамиятдаги барча воқия ва ҳодисаларни назорат қилиб тургани сингари, айбдорлик ҳисси ҳам инсоннинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туради.

Шу ўринда бир савол туғилади, шахсларда айбдорлик ҳисси қандай юзага келади, уни юзага келтирувчи асосий омиллар нималардан иборат?

Бизни болалигимизда доимо "катталар" бошқаришади, назорат қилишади, танқид қилишади, қилган хатти-ҳаракатларимизга қараб меҳр-муҳаббатларини чегаралашади. Бу вақтда ота-онамиздан тез-тез эшитадиган гапларимиз "сен ўзингни ёмон тутаяпсан, сен барча ишларни нотўғри бажардинг, сен айбдорсан, энди мен сени яхши кўрмайман" кабилардан иборат бўлиб қолади. Бу гаплар кейинчалик боғчада, ўқув юртларида, ҳаттоки ишхонада бошлиқ томонидан ҳам тез-тез такрорланиб туради. Бу билан "катталар" ўзлари билиб ёки билмасдан болаларда айбдорлик комплексини тарбиялайдилар ва ривожлантирадилар.[2, 118-121-б. ].

Кўпчилик оилаларда қиз болалар ўғил болаларга нисбатан қаттиққўллик билан тарбияланади. Ўғил болаларни кўпинча кечиришади, улар бирор-бир кичик ишни бажаришса ҳам хурсанд бўлишади. Лекин, қиз болалар "деярли тўғилган вақтидан" бошлаб уйдаги барча ишларни бажара олиши, бажарганда ҳам яхши бажариши лозим, чунки у эртага уй бекаси бўлиши, барча уй-рўзғор ишларини ўзи бажариши керак деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам барча ишларда "аълочи" бўлишга интилиш синдроми аёлларда эркакларга нисбатан кучлироқ бўлади, буни аёлларнинг доимо ўзларини оқлашларида, кечирим сўрашларида, ўз хатти-ҳаракатларини тушунтиришга ҳаракат қилишларида ҳам кўришимиз мумкин.

Айбдорлик ҳиссини ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Масъулиятли ва меҳрибон кишилар учун айбдорлик ҳисси тарбиялашнинг самарали қуролидир. Масъулиятсиз киши эса айбдорлик ҳиссини ўзини хароб қилиш томонга ҳам буриши мумкин, унинг учун юзага келган вазиятни қандайдир йўл билан тўғрилаш ўрнига ўзига азоб бериш бир мунча осонроқ туюлади.

Айбдорлик ҳисси таъсири остида инсон кўпинча ҳаётда ҳоҳлаган орзу-истакларига эришиш учун ҳаракат қилишдан қўрқади. Чунки, айбдорлик ҳисси шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини пасайишига ва ўз кучига бўлган ишончини йўқолишига сабаб бўлади. Агар ҳаётда ниманидир йўлга қўйиш, ташкил қилиш имконияти пайдо бўлса ҳам айбдорлик ҳисси уйғониб унга"сен бунга лойиқ эмассан, бу сен учун эмас" деб айтиши мумкин.

Айбдорлик ҳиссидан қандай қутулиш мумкинлигини тушуниш учун қуйидагиларни билиш ва эсда тутиш лозим:

1. Айбдорлик ҳисси – бу табиат неъмати эмас, балки у жазолаш вақтида ҳис қилинадиган қўрқув ёрдамида инсон танасига сингдирилади, яъни инсоннинг ҳаёти давомида бошқалар томонидан шакллантирилади.
2. Айбдорлик ҳисси қандай ҳаракат яхши ёки ёмонлиги ҳақида маълумот бермайди, балки тарбиячиларингиз сизни нима учун жазолашган ва бу ҳисни юзага келтиришган бўлса, айбдорлик ҳисси ҳам худди шунинг учун жазолайди.
3. Айбдорлик ҳиссидан инсон тўғри хулоса чиқармаса у хатоларни таҳлил қилишга ёрдам бермайди, балки халақит қилади. Бу ҳис ёқимсиз кечинма бўлиб ҳисобланади, зеро инсонлар ёқимсиз фикрлардан қочишади, хатолари тўғрисида ҳам кам ўйлашади, уларни таҳлил қилишмайди, хулосалар чиқаришмайди. Бундан ташқари ўзидаги шахсий айбдорлик ҳисси сабабли инсон бошқаларни ҳам айбдор деб санайди, "нима, битта мен шунақа ёмон ва нотўғри иш қиладиган одамманми? Ана бошқалар ҳам мендан яхши эмас-ку?
4. Айбдорлик ҳисси сизни янада инсонийроқ қилмаслиги ҳам мумкин, чунки айнан айбдорлик ҳисси туфайли кўпчилик инсонлар ёвузлик, ғазабланиш, жаҳл каби туйғуларни бошдан кечиришади ва бу ёмонликларни барча атрофдагиларга ҳам сочишади.

Бундан ташқари, айбдорлик ҳиссидан халос бўлиш учун кўп ҳолларда “Олти қадам” усулидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Бу усул қўйидагича амалга оширилади:

1. Энг аввало сиз хато ёки нотўғри иш қилганингизни тан олинг.
2. Ўз хатоларинггизни тан олгач, вазиятни таҳлил қилинг, ўз хулқ-атворингиз сабаблари ва мотивларини аниқланг. Бу қадам сизни кейинчалик хатолардан узоқ бўлишингизга сабаб бўлади.
3. Чин қалбдан ўзингизни авф этинг, агар лозим бўлса фикран ёки реал ҳаётда сиз олдида айбдорлик ҳис қилаётган инсонлардан узр сўранг. Ўзини кечириш – айбдорлик ҳиссини енгишдаги энг муҳим қадамдир.
4. Вазиятни тўғрилаш мумкин бўлса, гуноҳни босиб кетувчи бирор иш қилинг. Аввало, сиз хафа қилган одамлардан чин қалбдан узр сўранг.
5. Ўз хулқ-атворингизни ўзгартиринг, келажакда шундай вазиятда бошқача йўл тутиш ҳақида қатъий қарор қилинг. Бу қадам сизга бир хатони қайта-қайта такрорламасликка ёрдам беради.
6. Айбдорликни четга суриб қўйиб хотиржам яшашда давом этинг. Бу қадам олдинги беш қадам амалга ошгандан кейинги табиий қадамдир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, биринчи галда инсон ўзини кечиришни ўрганиши лозим, шундагина биз энг яхши нарсаларга ҳам лойиқлигимизни ҳис қила оламиз.

Одамлар айбдорлик комплексидан қочиш учун ўзларига турли хил машғулотларни ўйлаб топишади. Масалан, кўпчилик болалар катталарнинг уларга қаттиқ муомаласидан кейин риёкорлик йўлига ўтиб олишади ваш у билан катталарнинг севгисини қайтаришга уринишади.

Ҳаётда муваффақият қозониш учун ўзимизнинг қадр-қимматимиз борлигини ҳис қилишимиз керак. Ўзимизни ҳурмат қилмасдан ўз мақсадларимизни амалга ошира олмаймиз. Агар биз ўзимизни ҳеч кимга керак эмас деб ҳис қилсак, ҳақиқий хоҳишларимиз пайдо бўлиши билан уларни бостира бошлаймиз. Айбдорлик ҳисси туфайли ўзимизни бошқалар учун қурбон қиламиз. Мен дунёдаги ҳурматга лойиқ бўлган ягона одамман – бу олий одамнинг шиоридир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўхати**


1. Изард К.Э. Психология эмоций / Перевод. СПб.: Питер, 2002. - 464с.
2. Ильин Е. П. Эмоции и чувства: Учеб. пособие. СПб. и др.: Питер, 2001. -749с.
3. Кирилина Т. Ю. Совесть и ее роль в нравственном развитии личности. М.: Изд-во Моск. гос. ун-та леса, 2001. - 126 с.
4. Матюшин Г.Г. Стыд и совесть как формы моральной самооценки. М : Изд-во МГОПУ : НОУ, 1998. - 233 с
5. Муздыбаев К. Переживание вины и стыда. СПб.: С.- Петерб. фил. Ин-та социологии, 1995. — 39 с.


## СУҲБАТДОШДА АТРАКЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ПСИХОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


Г.А.Холбоева,
Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ,
Л.Номозова,
Пастдарғом тумани спорт педагогика коллежи



*Ушбу мақолада мулоқот жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, талаба ёшларга мулоқот ва унинг психологик воситалари тўғрисидаги дастлабки билимларни бериш асосида, ижтимоий мулоқот маданиятини ривожлантиришга доир психологик усуллардан фойдаланиш масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *мулоқот, шахс, жамоа, жараён, атракция, суҳбатдош, тренинг.*

*В данной статье рассматривается особенности развития в процессе общения с молодыми студентами использование в нем психологических средств, а так же использование психологических методов для развития социального общения.*

***Ключевые слова:*** *общение, личность, коллектив, процесс, аттракция, собеседник, тренинг.*

*This article deal with significant features of communicating progress, teaching students to communicate and its psychological means, to develop social communicating culture concerning with physiological method.*

***Key words:****Meeting, person, community, process, interlocutor, trainer-trener, coach.*

Мулоқот - кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа ўрнатилиши, ривожланиши, ўзаро таъсир этиши жараёни бўлиб, бу жараён уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишга нисбатан маънавий эҳтиёжлари, англашилган мотивлари асосида вужудга келади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўзаро тушуниш, англаш:
- ўзаро бир-бирини идрок қилиш:
- ўзаро ахборот алмашиш:
- ўзаро ҳаракат қилишнинг ягона услубини ишлаб чиқиш.

Таълимнинг моҳияти ўқувчилардаги билиш фаолиятини бевосита бошқариш эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, педагогик муомала билан муомалавий бошқаришнинг кўпгина вазифалари ўзаро ўхшашлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳам муомалавий бошқариш жараёнига берилган тавсияномалар педагогик муомала жараёнига ҳам хосдир. Муомаланинг энг муҳим хусусиятлари ўзаро англаш ва ўзаро идрок қилиш, ўзаро таъсир ўтказишдир. Ўзаро англаш қуйидаги лаҳзаларга боғлиқдир:

- миллий тилнинг бирлиги;
- касб билан боғлиқ бўлган тилнинг бирлиги;
- маълумотнинг тўлалиги, унинг мантиқий баён қилиниши;
- суҳбатдошнинг ақлий даражаси, маданияти ва касбий тайёргарлигини ҳисобга олиш;
- диққатини тўплай олиш;
- қурилаётган масалани ҳал қилишда суҳбатдошларнинг шахсий қизиқишида умумийлик.

Ўзаро идрок қилиш эса қуйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- суҳбатдошнинг авторитети, нуфузи, обрўси унинг касби билан боғлиқ бўлган билими, амалий кўникмаси;
- ўзаро шахсий муносабатнинг ҳолати, унинг қанчалик ҳис-ҳаёжонга бойлиги: раҳбар ўз суҳбатдошида қанчалик кўп ижобий ҳиссий ҳолат, кечинма уйғота олса, уларнинг ўзаро бир-бирларини англаш ва идрок қилиш шунчалик тез амалга ошади.

Ўзаро шахсий муносабатларда вужудга келадиган ижобий ҳиссий ҳолатлар натижасида намоён бўладиган бир-бирига интилиш, бир-бирини ёқтириб қолиш аттракция деб аталади.

Инсонлардаги аттракцияни шакллантиришнинг психологик усуллари: ”Муносабатлар ойнаси”, ”Исми билан аташ”, ”Олтинга тенг сўзлар” (комплимент, хушомад), ”Сабр-тоқатли тингловчи”, ”Саволлар беринг”.

Ушбу усуллар кўп ҳолларда суҳбатдошда унинг ўзи ҳам англамаган ҳолда аттракцияни вужудга келтиради.

“Муносабатлар ойнаси” усулининг таъсир кўрсатиш механизми:

Ширин жилмайиш, юзнинг ёқимли кўриниши, истараси иссиқлик.

Сигнал: “Мен - сизнинг дўстингизман! “Дўст эса инсонни керакли пайтда ҳимоя қилади.

Ҳимояланишга бўлган эхтиёжнинг қондирилиши. Ижобий хиссий ҳолат вужудга келади. Ижобий хиссий ҳолатни вужудга келтирган инсонга мойиллик- аттракциянинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

“ Исми билан аташ” усулининг таъсир кўрсатиш механизми:

Суҳбатдошига исми ва шарифи билан мурожаат қилиш, унинг шахсига нисбатан эътиборни билдиради.

Инсон ўз исми орқали ўз шахсини намоён қилади. Ўз шахсини намоён қила олиш эҳтиёжининг қондирилиши инсонда ижобий ҳиссий кечинмани вужудга келтиради. Ижобий ҳиссий ҳолатни вужудга келтирган инсонга мойиллик-аттракциянинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

“Олтинга тенг сўзлар” усулининг таъсир кўрсатиш механизми: Комплимент (хушомад)- инсондаги ижобий сифатларни бир оз бўрттириб айтилган сўзларнинг мажмуасидир.

“Олтинга тенг сўзлар “ (комплимент) самарали рухий таъсир этиш ва ўзлигининг ўзгалар томонидан тан олинишига нисбатан эхтиёжнинг қондирилишидир. Яъни, ижобий хиссий ҳолатни вужудга келишидир. Ижобий хиссий ҳолатни вужудга келтирган инсонга мойиллик-аттракцияни барпо қилади.

Комплимент вазифалари:

- суҳбатдошда мойилликни вужудга келтириш ва ўз навбатида унда комплимент ҳосил қилишга эхтиёжни вужудга келтириш:
- аттракцияни мустаҳкамлаш:
- берилган кўрсатмани бажаришга ундаш:
- муваффақиятга ундовчи туртки бериш:
- муваффақиятсизликдан сақловчи фаол мотивлар ҳосил қилиш:
- суҳбатдошнинг мослашишига ёрдам бериш.

Ўз моҳиятига кўра комплимент қуйидаги ҳолатларга қаратилган бўлиши мумкин:

- ташқи кўринишининг ўзига хос томонларига (юришига, кийимига, сочининг ҳолатларига, қоматига):
- билиш доирасига ( интеллекти, нутқи, хотираси, диққати):
- эмотционал ҳолатига:
- иродавий томонларига ( қатъийлиги, мақсадга интилувчанлиги):
- касбий сифатларига ( тажрибаси, малакаси):
- инсоннинг ғурури ва муҳаббатини белгиловчи нарсалар, болалар, ўзи тайёрлаган буюмлар ва ҳоказолар:
- шахснинг умумий томонларини белгилайдиган сўзлар (хақиқий эркак, зўр ошпаз):

Комплимент қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- тўғридан-тўғри суҳбатдошга мурожаат қилиб, ундаги ижобий сифатларни айтиш:
- ”антитез “- тўғридан-тўғри суҳбатдошга мурожаат қилиб, ўзидаги сифатларга танқидий ёндошган ҳолда суҳбатдошнинг ижобий сифатларини айтиш:
- ”солиштириш”-адабиётлардаги ижобий қаҳрамонлар билан солиштириш:
- ”икки томонлама комплимент “ -суҳбатдошнинг ўғли ва қизи тўғрисида илиқ фикрлар:
- суҳбатдошнинг қўшнисига мурожаат қилиб, суҳбатдош ҳақида илиқ фикрлар билдириш:

«Сабр-тоқатли тингловчи» усулининг таъсир кўрсатиш механизми:

Суҳбатдошни сабр-тоқат ва эътибор билан тинглаш.

Шахсдаги ўз фикрини тўлиқ айта олиш эхтиёжининг қондирилиши ва шу билан боғлиқ равишда ижобий хиссий ҳолатнинг вужудга келиши.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар (аттракция) ҳар хил муомала жараёнларида инсонлар билан самарали алоқа қилиш имконини яратиб, меҳнат унумдорлигига катта таъсир кўрсатади.

Суҳбатдошингизни ўзингизга мойил қилиш учун қуйидагиларни ҳисобга олинг:

- очиқ кўнгиллилигингизни намоён қилинг, бунда “доимо юзингиздан табассум бўлсин“:
- суҳбатдошингизни тез-тез исмини тилга олган ҳолда гапиринг:
- суҳбатдошингизга нисбатан доимо ҳурмат ва эътиборда бўлинг:

- суҳбатдошингизни диққат билан эшитишни ўрганинг:

- доимо суҳбатдошингизни қизиқтирган нарсаларни ҳисобга олган ҳолда суҳбатни олиб боришга ҳаракат қилинг:

-доимо суҳбатдошингиз ўзининг аҳамиятига молик инсон эканлигини хис қилишга ёрдам беринг:

- суҳбатдошингизга комплимент қилиб туришини унутманг:

- суҳбат давомида қатъий қарши позитсияга ўтиб олманг:

-кишилар билан муносабатда иложи борича ҳамкорлик позитсияда туришга харакат қилинг:

Суҳбатдошни ҳафа қилмасдан, унинг фикрига қандай таъсир кўрсатиш мумкин:

- суҳбат аввало, комплиментдан бошланг:

- суҳбатдошингизга хос бўлган шундай ижобий сифатларни гапирингки, у келажакда ана шу ҳислатларга тўла эга бўлишга харакат қилсин:

- суҳбатдошингизни фақат шахсан ўзига сиз берган топшириқни кўнгилдагидай бажара олишга ишонтиринг:

- шундай қилинки, суҳбатдошингиз сиз берган топшириқни бажаришдан доимо мамнун бўлсин:

Қандай қилиб, суҳбатдошни ўз фикрингизга қўшилишга мажбур қилиш мумкин:

- баҳслашиб қолган пайтда бир томони ғолиб чиқиши қийин, шунинг учун баҳсда ғолиб чиқишнинг асосий ё`ли уни четлаб ўтишдир:

- суҳбатдошингизнинг айтган фикрини доимо ҳурмат қилинг, ҳеч қачон унинг юзига “Сен ноҳақсан“ дея кўрманг:

- агар бирор кишини сиз ҳақингизда салбий фикр билдирмоқчи бўлаётганини сезсангиз, ундан олдинроқ ҳаракат қилинг, яъни ўз ҳатоларингизни қатъий тарзда тан олинг:

- суҳбатни доимо дўстона оҳангда бошлашга ҳаракат қилинг, яъни “ Ширин сўз жон озиғи, ёмон сўз жон қозиғи “ деган мақолни унутманг.

- суҳбат бошиданоқ суҳбатдошингизнинг ўз фикрингизга қўшилганини тасдиқловчи “ҲА” деган жавобни олишга ҳаракат қилинг:

- суҳбатдошингиз фикрига қатъий қарши бўлсангиз ҳам ҳеч қачон унинг гапини бўлманг, балки уни тушунишга ҳаракат қилинг:

- агар қатъий иродали инсонни ўз позитсиянгизга ўтказмоқчи бўлсангиз, қурчилик ўртасида унинг қўлидан кўп нарса келишини тан олинг:

Қандай қилиб суҳбатдош билан баҳсни ташкил қилиш мумкин.

- секин ва шошмасдан гапиринг:

- суҳбатдошингизни шахсий хусусиятларини эмас, балки ишни муҳокама қилинг:

- суҳбатни бошиданоқ, баъзи бир масалалар бўйича сизнинг фикрингиз суҳбатдошингизнинг фикри билан яндил эканлигини алоҳида таъкидланг:

- суҳбат давомида асосий фикрдан чалғитмасликка интилинг:

- суҳбатдошингизни “қизишманг” дея билдирган фикрига ҳотиржам жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки коллегиал - биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқат техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг муҳим омилларидандир.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Эргашев. П. С. «Мулоқот психологияси».- Т. 2003 ТошДПУ.
2. Махсудова.М. «Мулоқот психологияси». –Н. 2005.
3. Мустафоев Ф. «Суҳбатдошни сирли бошқариш». -Ф., 2005 й.

# ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Д.Жўрақулова, Г.Атоева,
Самарқанд давлат университети

*Ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий мақсади, ёш авлодни мустақил касб танлашга тайёрлаш, қизиқиш ва қобилиятларини англашга ўргатишдан иборат. Ушбу мақола ёшларни касбий қизиқишларини аниқлаш, уларни касбга йўналтиришда таълим узвийлигини таъминлаш ва касб танлашларида юзага келадиган муаммоларга бағишланади.*

***Калит сўзлар:*** *ўсмир, касб, диагностика, психологик тажриба, меҳнат таълими, метод, фаолият.*

*The article considers the main purpose of professional orientation, preparation of youth for independent choice of a profession and to identify their interests and abilities. The article reveals the content of the problems associated with identifying the professional interests of students, the choice of profession and ensuring the organic connection of education with professional direction.*

***Key words:*** *adolescent, profession, diagnostics, psychological experience, labor training, method, activities.*

*В статье рассматриваются основная цель профориентации, вопросы подготовки молодёжи к самостоятельному выбору профессии и выявления их интересов и способностей. Материал статьи раскрывает содержание проблем, связанных как с выявлением профессиональных интересов учащихся, выборам профессии так и с обеспечением органической связи образования с профессиональным направлением.*

***Ключевые слова:*** *подросток, профессия, диагностика, психологический опыт, трудовая обучение, метод, деятельность.*

Касбга йўналтиришдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни онгли ва мустақил равишда касб танлашга тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жараён шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шакллантиришни назарда тутади ҳамда унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришига кўмаклашади. Зеро, боланинг қизиқиш ва қобилиятлари асосида тўғри танланган касб келажакда малакали, етук мутахассисларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса бугунги кунда Республикамизда амалга оширилаётган таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган энг долзарб вазифалардан бири саналади.

Касб-ҳунарга йўналтиришни бола тарбиясининг дастлабки босқичларидан, улар дунёни тушуна бошлашининг илк қадамларидан бошлаш лозим. Бола боғчага борар экан, ундаги хусусиятлар, ундаги ўзига хосликлар тенгқурлари билан ўйнаш жараёнида, тарбиячи ташкил этадиган ҳар хил гуруҳий ўйинлар жараёнида ва ҳоказоларда кўрина бошлайди. Демак, бола ўйин орқали тўла касблар ва шу фаолият билан таниша бошлайди. Масалан: “дўкон” ёки “бозор” ўйини орқали бола ҳам “сотувчи” ҳам “харидор” бўла олади, “пул” ва “товар” билан муомала қилишни ўрганади, бундан ташқари “боғча”, “мактаб”, “шифохона” ўйинларида ҳам бола “тарбиячи”, “ўқитувчи”, “шифокор” каби ролларни бажариб бу касб эгаларига тақлид қила бошглайди.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир тарбиячи болалар билан уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб турли хил касбларга оид гуруҳий ўйинлар ташкил қилиб бориши, касбларнинг турлари, ўзига хос жиҳатлари билан уларни таништириб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу босқични касб танлашга тайёргарликни бошланиш босқичи деб аташ мумкин.

Ўқувчиларни эрта ёшдан касб-ҳунарга йўналтириш – ҳозирга кунда умумтаълим мактабларида таълим-тарбия ишлари билан биргаликда олиб бориладиган узлуксиз жараёндир. Бошланғич синфларда касбга йўналтириш ишлари дарс ва дарсдан ташқари соатларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда касб турлари билан таништириш ҳамда ўйинлар орқали уларда турли касбларга бўлган илк қизиқишларини аниқлашдан, шунингдек кўрган ва эшитган маълумотларини ёдда сақлаш ва қайта тиклашнинг оддий ва мураккаб операцияларини, умумий ўқув, меҳнат ва коммуникатив

малака ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат. [5,15-19-б.].

Болаларда маълум бир соҳага бўлган қизиқишларнинг учқуни кўринганда, ушбу учқунни аланга олдириш лозим; ушбу соҳага чуқурроқ қизиқтириш, соҳага алоқадор бўлган китоблар, қўлланмалар, асбоб-ускуналар олиб бериш, ушбу касб тўғрисида, унинг аҳамияти, жамиятдаги ўрни, соҳа намоёндалари тўғрисида ҳам чуқурроқ маълумотлар бериб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Касбга йўналтириш машғулотларида ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда мавжуд психологик ўйинларнинг турли модификацияларини қўллаш лозим. Масалан, сезги ва идрокни ривожлантирувчи “Сеҳрли халтача” ўйини мавжуд. Халтачага турли касблар билан боғлиқ бўлган предметлар солинади. Бола халтачанинг ичига қарамасдан- фақатгина ушлаб кўриб, предметнинг номини ва уни қайси касбга тегишли эканини топиши лозим. Бу ёшда болалар кўпинча ўйламасдан импулсив ҳаракат қиладилар, улар қўйилган мақсадга эришишда қийналадилар. Уларга ўқиш фаолияти яъни янги билимлар олиш эмас, балки ўқитувчи томонидан унга қўйиладиган баҳо аҳамиятлироқ.

Бундан ташқари бошланғич синфларда “Ҳаракатларга қараб касбни аниқла”, “Бу касб билан боғлиқ “…” ҳарфига иложи борича кўпроқ сўзларни эсла”, “Бу касб билан боғлиқ бўлган меҳнат куролларини карточкалар орасидан танла” каби ўйинларни ўтказиш мумкин. Математика дарсида “Дўкон”, ўқиш дарсида “Кутубхона”, табиат дарсида эса “Экскурсовод-гид” каби ролли ўйинлар ҳам ўқувчиларнинг касбий тасаввурларини кенгайтиради.

V-VI синф ўқувчиларидаги қизиқишлар ҳам ҳали унча барқарор бўлмайди. Бундай қизиқиш-ҳаваслар кўпинча бирданига бошланиб кетади ва шунингдек, тез йўқолиб ҳам кетади. Боладаги бир қизиқиш ўрнини бошқа бир қизиқиш эгаллайди. Шунинг учун ҳам қизиқишларни тарбиялаш, яъни болада ижобий барқарор қизиқиш-ҳаваслар пайдо қилиш зарурдир. Бу даврга келиб “Ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш” сўровномаси, “Касб типларини аниқлаш” методикаси, “Мўжизалар майдони ўйини”, “Касблар алифбоси” ўйини, “Касблар занжири” ўйини ва шунга ўхшаш кўплаб бошқа методикалардан фойдаланиш орқали ўқувчиларда турли касбларга бўлган қизиқишларини аниқлашимиз мумкин.[6, 56-59]

Ўсмирлик даврида фанга бўлган қизиқиш мустаҳкамланиши билан бирга, келажак касбга бирмунча барқарор қизиқиш шакллана бошлайди. VII–VIII синф ўқувчилари келгусида ўзларининг қиладиган ишлари ва касблари тўғрисида жиддий ўйлай бошлайдилар. 14–15 ёшдаги ўсмирларнинг келажаги масаласи оила шароитида ҳам жиддий муҳокама мавзуи бўлиб қолади.

Ўқувчиларни узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш усулларидан бири эса касбий ташхис методикалари ёрдамида уларнинг касбий йўналганлигини аниқлашдир. Барчамизга маълумки ҳозирги кунда 9-синф битирувчилари билан “Қизиқишлар анкетаси”, “Касбий мотиватсияни аниқлаш”, “Дифференциал-диагностик сўровнома”, “Ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш методикаси”, “Шахс сифатлари ва касбий қобилиятларни ўрганиш методикаси”, Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш методикаси”, “Қизиқишлар харитаси” каби касбий ташхис методикаларидан фойдаланилади.

Ҳозирда умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган касбга йўналтириш ишларининг якуний босқичида битирувчиларга ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари тайёрлов йўналишларига тавсиялар берилади. Бу тавсиялар ўқувчиларнинг мойиллик, қизиқиш ва қобилиятларини узлуксиз психологик-педагогик ташхис қилиш хулосаларига асосланган бўлсада, битирувчиларнинг кўп қисми обектив ва субектив сабабларга кўра, коллеж ва литсейни танлашда касбий мотивларни ўзгартиради. Бу ҳолат психологлар томонидан битирувчилар ўртасида ўтказилган тадқиқотларда уларнинг кўпчилиги тавсия этилган таълим муассасидан бошқасини танлаганлари, улардаги мотивларнинг ўзгаришида ҳам аниқланган. Шулардан 44,2 % ота-онасининг хохиши билан, 15,2 % касбнинг нуфузлиги учун, 14,7 % танланган касбдан моддий манфаат кутиб, 14,7 %

ота-онасининг касбини давом эттирмоқчи, 13,9 % шу касбга кейинчалик ўзи қизиқиб қолди, 7,0 % ака-опаларининг изидан борди, 6,1 % ўзи учун ҳурматли бўлган кишининг касбини эгалламоқчи, 5,1 % дўстларига эргашади.

Кўриниб турибдики, энг кўп (44,2 %) битирувчилар ота-оналарининг ҳоҳиши билан ўз касбий режаларини ўзгартирганлар. Демак, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ота-оналар билан  ишлаш, фарзандининг касбий мойиллик, қизиқиш ва қобилиятларидан уларни хабардор қилиш, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли борлиги, шунинг учун ҳам фарзандларини ўзи ёқтирган ва қониқтирадиган касбларга йўналтириш лозимлигини тушунтириш керак. [6, 72-75-б.].

Ўспиринлар касб танлаш тўғрисида яққол тасаввурга эга бўлмаганликлари боисдан кўпроқ хатога йўл қўядилар. Танлаган ёки танланиши зарур бўлган касб ундан қандай шахс фазилатларини талаб қилишини тушуниб етмайдилар. Улар ўз лаёқатларини оқилона баҳолашга қурби етмаганлиги учун у ёки бу касбни эгаллаганда қандай тезликда ва аниқликда ҳаракат қилишликни, сезиш ва идрок қилиш хусусиятларини, асаб тизимини мувофиқлашиши мумкинлигини билмайдилар. Бироқ ҳозирги даврда бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, бунинг учун қуйидаги педагогик психологик ва ижтимоий хусусиятни умумий томонларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

1. Касбларни ўргатиш методларини ишлаб чиқиш, уларни классификатсиялаш ва лўнда қилиб ифодалаш.
2. Ўқитувчининг касб-ҳунарлар юзасидан ташвиқот ишлари олиб бориши, ўқувчилар билан касбга доир индивидуал консултатсиялар, маслахатлар уюштириш, ўспирин ва унинг ота-онаси билан касбга йўналтириш методикасини биргаликда кўздан кечириш.
3. Ёшларни касбнинг асосий гурухлари билан яқиндан таништириш, муайян касб олдига қўйиладиган шахснинг физиологик, психологик фазилатлари ҳамда касб ўрганишнинг йўллари билан таништиришни ташкил қилиш.
4. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларда дастлабки касбга тайёргарликни юзага келтириш ва унга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.
5. Психодиагностик ва касб танлашга доир методларни амалиётга тадбиқ қилишга мослаштирилган турларини ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларни онгли касб ҳунар  танлашга тайёрлаш ишларининг самарадорлигига таъсир этувчи яна бир омил уларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида интерфаол психологик, педагогик технологияларни тадбиқ этиш ва касбий психологик педагогик ташхиснинг узлуксизлигига эришишдир.

Бизнингча касбий психолгик-педагогик ташхис фақат битта-иккита методикани ўтказиш билан эмас, балки касблар тўғрисида маълумот бериш ва касбий маслаҳат ишлари билан уйғунлашиб кетган, коррекцион-ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлган жараён сифатида амалга оширилсагина юқори натижага эришиш мумкин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. И.А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: 2008 й. – 61-б.
2. И.А. Каримов “Баркамол авлод орзуси”. – Т.: 2010 й.
3. Иванов П.И., Зуфарова М. Э. Умумий психология. Т, 2008. Ўзб.ФМЖ, дарслик.
4. Нишанова З., Алимбаева Ш., Шеримбетова З.Ш. Психологик хизмат. Электрон дарслик. –Т.: 2012 й.
5. Ғозиев Э.Ғ. Мамедов К.К. “Касб психологияси” Тошкент, 2003 й.
6. И.О. Ҳайдаровнинг умумий таҳрири остида “Узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш усуллари” методик қўлланма. Тошкент, 2013 й.

# ШАХС МАЪНАВИЙ-ПСИХОЛОГИК ШАКЛЛАНИШИДА ТАФАККУРНИНГ РОЛИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

С.Б.Алмарданова,
Термез давлат университети, магистр

*Ушбу мақолада шахс маънавий-психологик шаклланишида тафаккурнинг роли назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилган. Унда инсон шахсининг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш миллий ғояни шакллантириш масалаларига эътибор қаратилган.*

***Калит сўзлар:*** *шахс, маънавий-психологик шаклланиш, тафаккурнинг роли*

*В статьи освещено значение и сущность роль мыслительной деятельности духовно-психологические качество личности.*

***Ключевые слова:****личность, духовно-психологическое образование, роль мысли*

*The article highlights the meaning and essence of the role of intellectual activity in the spiritual and psychological quality of the individual.*

***Keywords:****person, spiritual and psychological education, the role of thought.*

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий-маърифий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундай ўзгаришлар натижасида келажагимиз ворислари ҳисобланган ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Зеро, инсон боласининг шахс сифатида шаклланиши,психик ривожланиши,ўқувчилик даврига тўғри келади.Ўқувчилик даври ўзининг серқирралиги билан бошқа даврлардан фарқланади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак ёшларимизни қолаверса мактаб ўқувчиларини ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашимиз учун аввало улар тафаккурининг психологик хусусиятларини мукаммал билишимиз даркор.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар,"Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. " деб алоҳида таъкидлайдилар.Бу вазифалар биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва халқига сидқидилдан меҳнат қилишга ўргатиш учун уларнинг маънавий тафаккурини бойитиш зарурлигини назарда тутадилар.

Ёшларнинг маънавий – психологик шаклланишига Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам катта эътибор қаратиб, ўзларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) 72-сессиясидаги нутқида: -"Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир", деб таъкидладилар.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида шахснинг илғор дунёқараши ва инсон маданиятини шакллантириш катта аҳамият касб этади. Чунки билимдонликка, ўйлаб фикрлашга, доноликка интилмаган шу сифатлардан узоқ бўлган мутахассис тўлақонли мутахассис бўлолмайди.

Ҳозирги давр талаби маънавий жиҳатдан етук ҳар томонлама билимдон, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш бўлиб, бу муаммо шахслараро муносабат яъни мулоқот жараёнида ҳам амалга оширилиши мумкин.Шахснинг маънавий етуклиги, билимдон, зеҳнлилиги мана шу мулоқот жараёнида намоён бўлади.Шундай экан, кишиларни мулоқот жараёнида теран фикрлилик ҳозиржавоблик таъсирчанлик сезгирлик ва мулоқот жараёнидаги билимдонликни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек, "Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва

жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта оладилар.”

Психологик-педагогик тадқиқотларда тафаккур ва шахснинг маънавий шаклланиши муаммоси бир нечта йўналишларда талқин этилади: фаолиятни муваффақиятли амалга оширишни таъминловчи индивидуал психологик хусусият (Л.С.Выготский, Л.С.Рубинштейн, Б.М.Теплов), фаоллик ва ўз-ўзини бошқариш (Б.Ф.Ломов, А.Б.Брушлинский, Н.С.Лейтес, М.Холодная) таълим ва тарбия таъсирида ўзгарадиган ва ривожланадиган ақлий фаолиятнинг индивидуал услуби (В.С.Мерлин, Е.А.Климов Н.И.Чуприкова), сифатида тадқиқ этилган. Шунингдек, бу борадаги маҳаллий олимлар М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев, Э.З.Усмонова, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишоноваларнинг изланишлари ҳамда мутафаккирларимиз Форобий, Беруний, Ибн Сино, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг фикрларида тафаккур, ақлий тараққиёт, ақл, ақл имкониятлари ва ақлий қобилиятлар тўғрисидаги қарашларларида талқин этилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз ўсмир ва ўспирин ёшдаги ўқувчи ва талабаларнинг маънавий шаклланишида тафаккурнинг ролини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш хамда тафаккур жараёнлари ва сифатларини рўёбга чиқариш шарт-шароитларини тадқиқ этишни назарда тутади.

Ҳаётда ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни ёшлар жамият ижтимоий ҳаётининг бирон-бир соҳасида муҳим ҳолат касб этиши билан поёнига етади. Бу жараённинг яхлит кўриб чиқилиши ёш авлоднинг ушбу жараён тугаллангандаги ёшини аниқлаш имконини беради. Бунда эмперик тадқиқотдан кўзланган мақсад ёшлар томонидан эришиладиган, ушбу мақсад интеграциялашган ҳаётий позициялар ҳамда тузилмаларни тавсифлашдир. Айтилганлардан ташқари, умуман ёшларнинг ижтимоий психологиясини ва хусусан, ҳар бир боланинг психикасини тадқиқ қилишда қуйидаги қоидани ҳисобга олиш даркор: “Биз болага таълим бера туриб, уни ўрганамиз. Биз бунинг учун педагогик жараённи кузатиш фойдасига эксперимент қилишдан воз кечмаймиз, балки ўрганишни экспериментал дарс типида ташкил қилиб, экспериментнинг ўзига педагогик таъсир элементларини киритамиз. Болани ўрганар эканмиз, бола эгаллаб турган босқич ёки даражани қайд этишга эмас, балки шу босқичдан кейинги, юқори босқичга томон силжишда болалар психологияси ривожланиши қонуниятларини ўрганамиз” [2, 61-б.].

Бизнингча, ушбу қоидалар илмий мақсадлар ва амалиёт учун инсоннинг шахс сифатида босқичма-босқич ривожланишининг ўртача статистик ёш циклларини топишга халал бермайди.

Ёшларнинг ўз ҳаётини ўзи белгилашга, бизнинг фикримизча, уларнинг эҳтиёжлар билан ижтимоий ўзини-ўзи белгилаши, жамиятнинг ижтимоий тузилмаларига интеграциялашуви марказий ўринни эгаллайди. Назаримизда, ёш уларнинг интеграциялашуви икки жиҳатга эга: турар жойни аниқлаш ва ижтимоий мақом касб этиши. Эришилган ижтимоий мавқега ва жойлашиш типига мувофиқ ёш авлод дифференциялашади ҳамда унинг ўз ҳаётини ва эҳтиёжларини ўзи белгилашининг қолган жиҳатлари аниқланади.

Шу муносабат билан адабиётларда “жамият миқёсида эҳтиёжлар тўлиқ қондирила олмайди (акс ҳолда ривожланиш бўлмайди). Эҳтиёжларнинг ўсиши уларни қондириш имкониятидан илгарилаб бораётгани боис бу тараққиётни ҳаракатга келтирувчи воситалардан биридир. Жамият ва шахсни тиклаш (кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш) учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжлар қондирилмоғи лозим”, [3, 164-б.]. деб тўғри таъкидлаган.

Ижтимоий ўзини-ўзи белгилаш меҳнат фаолияти соҳаси ҳамда ёшлар иш бошлайдиган жамоа мўлжалланадиган касб танлаш билан бевосита боғлиқ. Касбий ўзини-ўзи белгилаш таълим даражасига ва танланган йўлга боғлиқ. Ёшлар таълим тизими орқали тегишли касбий тайёргарликка эга бўлади, у эса бирон-бир ижтимоий гуруҳга киришни тақозо қилади. Бу эса таълим йўли бевосита шахснинг ижтимоий ўзини ўзи белгилаши билан тўғридан-тўғри боғлиқлигини билдиради.

Ёшлар ўз ҳаётини ўзи белгилашининг муҳим жиҳати – никоҳдан ўтиш ва оила қуриш.

Ёшларнинг мулоқот гуруҳларига қўшилиши катта аҳамият касб этади, бу гуруҳлар киши ҳаётининг шахсий муҳитини таркиб топтиради. Шахсий муҳит шахс ҳаёт фаолиятининг асоси бўлган уй муҳитидир. Уй-рўзғорнинг макон-мулкий хусусиятлари кейинги шахсий ҳаётнинг, кейинги авлодларни ўзига келтириш ҳамда тарбиялашнинг моддий асосига айланади. Шахснинг ўз ҳаётини ўзи белгилашининг ушбу жиҳати унинг мақсадли ҳаётий қоидаларини аниқлаш имконини беради [4, 170-184-б.].

Муаммо шундаки, объектив шарт-шароитнинг ёшлар шахсига таъсири юз берадиган конкрет ижтимоий муҳит нисбатан мустақилликка эга: унда ҳамма нарса ҳар қачон ҳам шахснинг, айниқса, жамиятнинг реал манфаатлари билан мос тушавермайди. Онгнинг, шу жумладан гуруҳий онгнинг кўплаб элементлари орасидан ёшлар фаолиятини рағбатлантиришда бошқарувчилик ролини ўйнайдиганларни, ижтимоий хулқ-атворнинг жиддий детерминантлари бўлиб, айнан олганда, “ишлаб чиқариш жараёнини замонавий ташкил қилиш, пировард натижани кўзлаб муваффақиятли ишлаш учун хизмат қиладиганларини ажратиб кўрсатиш даркор” [5, 117-127-б.].

Ҳозирги даврда, жамиятни жадал ислоҳ қилиш ва янгилаш шароитида ижтимоий онгни янги қадриятларга ҳамда иқтисодий ва хўжалик фаолиятининг ташкил этишнинг янги шаклларига йўналтириш бўйича янги вазифалар қўйилди; кишилар психологиясини “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилидаги лоқайдликдан, бепарволикдан, руҳ заифлигидан халос қилиш зарур. Назаримизда, биринчи навбатда буларнинг барини ҳуқуқий асосда олиб бориш керак, чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлагандек, «биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш ичида ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир” [1, 10-б. ].

Ижтимоий мақсадлар ва уларнинг тарғиботдаги (оммавий матбуот, радио, телевидение орқали ва ҳ.к.) ифодаси билан индивид онги, унинг режалари ўртасида гуруҳий онг ётади: умумийлик ягона билан алоҳидалик орқали бирлашади. Бизни қизиқтираётган ҳолатда алоҳидалик соҳаси бирмунча ранг-баранг: бу-оила ҳам, ўсмирлар гуруҳлари ва норасмий гуруҳлар ҳам, синфдаги, мактабдаги ўқувчилар жамоаси ҳамдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002, - 10 бет.
2. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М.: Педагогика, 1989. – С.61.
3. Эркаев А. Духовность – энергия независимости. – Ташкент: Маънавият, 1998. – С. 164
4. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -170-184-бетлар.
5. Свирский С.Я. Учебные и внеучебные формы воспитания диалектического мышления в вузах // Методологическая подготовка личности. –Ташкент: ТГПИ им. Низами, 1993. –С. 117-127.


## ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЎСМИРЛИК ДАВРИДАГИ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ ПСИХОКОРРЕКЦИОН ТАҲЛИЛИ


М.Х.Назаралиева,
Термез давлат университети, магистр



*Мақолада шахслараро муносабатларда ўсмирлик давридаги низоли вазиятларнинг психокоррекцион таҳлили ёритилган.*



***Калит сўзлар:*** *шахслараро муносабатлар, ўсмирлик даври, низоли вазиятлар, психокоррекцион таҳлил.*



***Аннотация.*** *В статьи раскрыто период молодости возрасте между личностном*

*отношение противоречивые ситуации как психокоррекционные анализы.*
***Ключевые слова:*** *межличностные отношения, подростковый возраст, конфликтные ситуации, психокоррекционный анализ*
***Annotation.*** *The article reveals the period of youth ages between personal attitudes of conflicting situations like psychocorrectional analyzes.*
***Keywords:*** *interpersonal relations, adolescence, conflict situations, psychocorrection analysis.*

Мамлакатимизда ёшлар масаласи бугунги кунда давлат сиёсатининг бош масаласи ҳисобланади. Бу борада юзга яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсади ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом тарбиялашга интилиш, маънавий бой, ҳар томонлама ривожлантириб, ғамхўрлик қилишдан иборатдир. “Бу стратегик масалалар кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда ўз ифодасини топган. Ёш авлоднинг таълим-тарбиясига жавоб берадиган дастур, мутахассисларга катта талабларни қўйди. Ўсмирлик давридаги шахслараро мунасабатларни ўрганиш педагоглар ва психологлар учун энг қийин давр ҳисобланиб келган”.

Ўсмирлик даври фақат педагог ва психолог кадрлар учун эмас, балки оилада ота ва оналар учун ҳам муҳим ва долзарб даврдир. Ўсмирлик даври ўсмирларни фақат ташқи муаммолари эмас, балки ички муаммоларни ҳам юзаг ачиқаради. Бу жараёнда ўсмирнинг улғайиши фақат инсон организмнинг шаклланишида эмас, балки, жамиятдаги “Ижтимоийлашув” хусусиятлардaниборат. “Ижтимоийлашув” тушунчаси – бу инсонни маданий, инсоний муносабатлари ҳисобланади. “Ижтимоий” нормаларни шаклланишида, инсон бор билимини сарфлаб, етук шахсга айланиши, ижтимоий фаоллигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Психологиядаги инсон фаоллиги тушунчаси бу одамнинг маънавий ва руҳий маданияти ва уларнинг ижодиётда, мулоқотда тадбиқ этилишидан иборат.

Ижтимоий фаоллик ўсмирларда бир неча муҳим йўналишларни ўзичига олади. Бу катталар ва тенгдошлар билан мулоқот ва муносабат ўртасида, ўзўзини тарбиялашидадир. Чунки, ўсмирлик даврида биологик фаоллик кучаяди, тез чарчаш, асабларнинг таранглашиши, жинсий органларни ривожланиши ва бошқа биологик ҳолатлар жисмоний ва ўқув ақлий жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бу ечилмаган муаммолар ўсмирларда турли ҳилдаги стресс, агрессия, фрустуратсия, низолар (конфликт) каби салбий эмоционал (ҳис ҳаяжонга берилиш) ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларда инсон ўз-ўзини ёмон кўра бошлайди, катталар билан муомала муносабатлари қийинлашади, одамови бўлиб, атрофдагиларга беписанд, беҳурматлик билан қарай бошлайди. Ўқишга ва меҳнатга иштиёқи бўлмайди.

Инсон илк болалик давриданоқ турли низолар билан ўзи хоҳламаган тарзда тўқнаш келади. Агар ўзимизнинг болалигимизни эсга олсак, оддий нарсалар устида жуда қаттиқ қайғурганимиз, ўз ҳис-туйғуларимизга берилиб кетиб, манфаатларимиз ҳимояси учун курашга кирганимизни англаймиз. Буларнинг барчаси кундалик турмушда учраб турадиган одатдаги низо ва келишмовчиликлар ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида шахслараро муносабатларданизоливазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи психологик омилларни аниқлаш ва уларнибартараф этишбилан боғлиқ механизмларни ёритишга тўхталамиз.

Объектив шароитнинг турмуш тарзига таъсири, инсон ҳаёт фаолиятининг хилма-хил турлари доимо унинг психологиясига, онгига, мақсадларига, эҳтиёжларига, хулқ-атвор мотивларига, субъектив кечинмаларига боғлиқ бўлади. Бизнингча, таниқли психолог олим С.Л.Рубинштейннинг қуйидаги фикрлари бу жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади: «Инсонда бирон-бир психик ҳодиса умуман онгдан ташқари бўлиши мумкин бўлмаса керак, - деб ёзади у. – Бироқ англанмаган, “онгсиз” кечинма бўлиши мумкин. Албатта, бу биз ҳис этмаётган ёки ҳис этаётганимизни ўзимиз билмайдиган кечинма эмас; бу келтириб чиқариб предмети англанмаган кечинмадир. Кечинманинг ўзи эмас, балки унинг ўзи тааллуқли бўлган нарса билан алоқаси англанмаган ҳисобланади, ёки аниқроғи, кечинма нимага тааллуқлилиги англанмагани учун у англанмаган ҳисобланади; мен ўзим кечираётган нарса

ниманинг кечинмаси эканлиги англанмаган экан, мен нимани кечираётганимни билмайман. Психик ҳодиса субъектнинг ўзи томонидан ниманинг кечинмаси эканлиги воситасидагина англаниши мумкин” [4, 87-б.].

“Турмуш тарзи”, “турмуш уклади” тушунчаларини кўпинча ҳар хил ижтимоий-фалсафий асарларда учрайди. Бироқ турмуш тарзи моҳиятини моддий бойликларни ишлаб чиқариш усули тўғрисидаги тушунча билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина тўғри баҳолаш мумкин.

Шахс турмуш тарзи – бу энг аввало, инсоннинг реал борлиғи тавсифи, у ўз ҳаётида нималарни бажара олиши мумкинлигининг, унинг вақти нима билан тўлдирилганинининг тавсифи. Шахс ички дунёси – қобилияти, илму-заковати, интилишлари ҳамда ўй-ниятлари унинг турмуш тарзидан инсон уларни ўз иши ва хатти-ҳаракатида очиб бера оладиган даражада жой олади. Шахс ички дунёси унинг турмуш тарзига фаол таъсир кўрсатади, шу боис шахс психологиясини, ички дунёсини билмай туриб унинг ҳаёти услубининг ривожланиш тамойилини башорат қилиб бўлмайди. Шахснинг реал турмуш тарзи, унинг фаолияти, рағбатлари, интилишлари, режалари аро доимо зиддият юзага келиб туради. Бу зиддиятларни бартараф этиш асносида шахснинг турмуш тарзи ҳам, унинг ички дунёси ва онги ҳам шаклланади.

Шахс бирон-бир турмуш тарзини танлаш эркига ижтимоий шарт-шароит белгилаб берган доирада эга бўлади. Айни маҳалда, ушбу шахснинг эҳтиёжлари, идеаллари, ҳаётий режалари объектив ижтимоий идеалларга қанчалик мос бўлса, бу эрк шунчалик тўлиқ бўлади.

Ёшлар ўз тақдирини белгилаш ва ўзини қарор топтириш муаммоларини ўзлари ҳал этишади. Жамият томонидан тавсия этиладиган турмуш тарзи типини, ўз “ҳаёт услубини” танлаш имконияти шахснинг касбий соҳада ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ўз тақдирини белгилаш муаммосини юзага келтиради. Бу муаммолар, гарчи уларга бироз катталар ҳам дуч келиб туришса-да, айнан ёшлар учун долзарб ҳисобланади.

Инсонда шахсият болаликдан мавжуд эмаслиги аён. У табиий фазилатларга ҳамда хусусиятларга эга ҳолда туғилади, улар кейинчалик ривожланиб бориб, уни ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида шахсга айлантиради. Шахс фаолият жараёнида шаклланади, бинобарин, инсоннинг мазкур фаолият орқали қарор топиш жараёни унинг психологик моҳиятини очишга кўмаклашади. Масалан, “ҳар бир гўдак ҳам рассом бўолиши учун дунёга келмайди. Энг яхши психологик тавсиялар ҳам, педагогик методлар ҳам буни ўзгартира олмайди. Бироқ дунёга қадам қўяётган ҳар бир инсон муайян даражада бадиий ривожланиш салоҳиятига эгалиги ва шу салоҳиятни очиш лозимлиги ҳам тўғри. Биз барча болаларга гўё улардан рассомлар чиқадигандек қараймиз. Бундай шароитда энг истеъдодлилари ўз йўлини тез топиб олади, бошқалари эса ўз ниятларини ижодий ифодалаш борасида қимматли тажриба орттиради, санъатни теранроқ тушунадиган ҳамда қадрлайдиган бўлади” [3, 11-б.].

Шахснинг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан қарор топиши ҳамда ривожланишидаги бошқа потенциал имкониятларни шакллантиришда ҳам шу жараён бўлиб ўтади.

Уч асосий соҳа: меҳнат ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш (иш ёки ўқиш вақти), турмуш – уй-рўзғор ишини бажаришга, ўзига қарашга, турли харидлар қилишга ва ҳ.к. сарфланадиган вақт (ишдан ташқари вақт); муқаррар ташвишлар ва мажбуриятлардан холи бўш вақт нисбати шахс турмуш тарзининг муҳим мезонидир. [2, 5-7-б.].

Меҳнат, меҳнат фаолияти доимо бутун инсон ҳаётининг асосий ҳамда ҳал қилувчи омили бўлиб келгани, ҳозир ҳам шундайлиги ва шундай бўлиб қолиши билан бирга, улар инсон шахсига муайян кўникмаларни сингдирибгина, моддий фаровонликни таъминлабгина эмас, балки ҳаётий позициянинг асосий, ўзак асосини – ахлоқий ишончлиликни шакллантириб ҳам инсон шахсига жуда самарали таъсир кўрсатади [2, 5-7-б]. Катталар кўпинча: “Болалар ҳали меҳнатга тайёр бўлишмаса, бунинг қўрқинчли томони йўқ. Вақти-соати келиб, ҳаётнинг ўзи ўргатиб қўяди”, - дегандек фикр юритишади.

Тўғри ҳаёт ўргатиб қўяди. Лекин бунинг учун болаликдан бошлаб қунт билан меҳнат қилиш ҳамда билиш қобилиятини ривожлантириш зарур. Бевосита тажриба чегараларига боғланиб қолганлик, бевосита тажрибадан четга чиқиш имконияти чекланганлиги туфайли саводсиз ва камсавод кишилар билиш билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни фаол таърифлаш ҳамда уларни ҳал этишда жиддий тўсиқларга дуч келишарди.

Бу жараённинг ривожланишининг ижобий жиҳатлари ҳам бор, албатта. Чунки иқтисодиётнинг бундай кадрларга бўлган эҳтиёжи туфайли танлов даражаси ортмоқда ҳамда интегратив соҳалардаги бандлик шаклларини танлаш имконияти кенгаймоқда. Бироқ бу ҳол ижтимоий маконни ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини кенгайтириш даркорлигини асло инкор этмайди.

Ёшлар давлат корхоналаридан мулкчиликнинг тенг ҳуқуқли бошқа соҳаларига ўтишмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда қўшма корхоналарда банд бўлган ёшларнинг салмоғи 62 % ни, кооператив ташкилотларда 73 % ни, шахсий ёрдамчи хўжаликларда 63 % ни, фермер хўжаликларида 56 % ни ташкил этади [5, 165-б.].

И.А.Каримов: “Ислоҳотларда жуда кўп нарса одамларнинг руҳиятига, тафаккурига, янги қадриятларни англаб олишга, меҳнатга янгича муносабатга, меҳнатга қизиқтирувчи омилларга боғлиқ”, [1, 232-б.]-деб таъкидлаганди. Бу ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш бундан буён ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамда ҳаёт фаолиятининг бошқа соҳаларида бозор муносабатларининг конкрет намоён бўлиши билан боғлиқлигини, бугунги кунда тадбиркорликда, бизнесда ва тижоратда ёшлар сони ортиб бораётганини билдиради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -232-бет.
2. Абдуллаев М.А., Норқулов Д.Т. Маънавият ва ворислик вақт тизимида. – Тошкент: ТошДАУ, 1995, -5-7-бетлар.
3. Агоева И. Воспитай личность // Дошкольное воспитание. М.: Вестник дошьколников. 2002. №2. – С. 11.
4. Гаджиев А.М. Алфавит сознания. –Ташкент: Изд-во медицинской литературы, 1999. – С. 87.
5. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.2. – Ташкент: Адолат, 1994. – С. 165.


## SYMPTOMS OF DRUG ADDICTION AMONG YOUNG PEOPLE AND ITS PREVENTION


D.A Tursunova,
Samarkand state university, student



*Маколада наркотик моддаларнинг инсонга таъсири, ёшларда гиёхвандликнинг пайдо бўлиш сабаблари ва токсикомания, Ўзбекистонда наркотрафикга қарши кураш, уни даволаш терапиялари ва олдини олишга қаратилган чора тадбирлар ўз аксини топган.*

***Калит сўзлар:*** *гиёҳвандлик, профилактик тадбирлар, наркотиканинг ёшларга таъсири, Ўзбекистонда наркотрафикга қарши кураш, даволаш диагностикаси.*

*В статье написано про воздействие наркотиков на человека, токсикомании и причины проявления наркозависимости среди молодёжи, борьба в Узбекистане против наркотрафика, лечение наркомании, терапии и мероприятия против устранения этого воздействия.*

***Ключевые слова****: наркомания, профилактические мероприятия, влияние наркотиков молодёжи, борьба против наркотрафика в Узбекистане, диагностика лечения.*

*The article describes the impact of drugs on people, substance abuse and the causes of drug dependence among young people, the fight against drug trafficking in Uzbekistan, the treatment of drug addiction, therapy and measures against the elimination of this impact*

***Key words:*** *drug addiction, preventive measures, the impact of drugs on youth, the fight against drug trafficking in Uzbekistan, diagnosis of treatment.*

Drug addiction is a direct path to nowhere. But the ranks of addicts persistently replenished arrived seekers of new sensations. What to do to prevent drug abuse among young people? How to detect the signs of teen drug addiction [6]. The number of drug addicts in Uzbekistan in 2015 decreased by 10% As reported from the press center of the Ministry of internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, in all educational institutions, organizations and enterprises, where working youth, representatives of the internal Affairs authorities conducted preventive measures aimed at the prevention of drug abuse.

In the first place, the young man who fell into the trap of addiction, is manifested the so-called "the identity of the drug addict". It appears that the teen becomes false and quirky. For it cease to exist the authority. If before his authority was the mother or father, maybe a teacher or someone from the family, which he respected, then, since the use of drugs, for him to suddenly become the authority of his friends, he takes these drugs. The second thing you should pay attention to parents, is the inexplicable aggression of the child. He becomes nervous, rude, might push or hit [7].

Another signal for the family are the news about the gratuitous absence. It often happens that a child comes to school on the first lesson, and then disappears for a few hours and is back to school already at the end of class. In this case, you need to figure out where and with whom he spends time. In addition, the child should not unreasonably withdraw into themselves. Many parents think that such a sharp change in the character of the child are connected only with a transition period, but it is not! The problem is much deeper.

And, of course, parents need to be just closer to the child to be interested in his Hobbies, find out the reasons for delay to be friends with his friends — just interested in his life. In the end, you can just watch their child when it did not even guess, so as not to violate his personal space [8]. Over 20 years in Uzbekistan seized more than 60 tons of drugs. A positive trend is that the number of users of heroin and opium has declined sharply.

In Vienna hosted an international conference on the prevention of the growth of the spread of drugs among young people. The discussion was attended by representatives of 57 countries. The delegation of Uzbekistan took part in the annual OSCE conference on the fight against drugs, according to news Agency "Jahon".

In the Austrian capital on 10 and 11 September there was a meeting of the Organization for security and cooperation in Europe, the main theme of which was the fight against the spread of drugs among young people. Uzbekistan effectively fight against drug trafficking. The conference was attended by representatives of over 50 countries, as well as members of international organizations. At the discussion were also representatives of National information-analytical center on drug control, and members of the Public youth movement "Camelot".The participants tried to develop mechanisms that would help to reduce the demand for drugs among young people. Moreover, the parties expressed their views on how to prevent the relationship between drugs and young people.

The delegation of the Republic, in turn, shared their experience with representatives of other countries in the field of control over drug trafficking. Also much attention is paid to the authorities promoting a healthy lifestyle. Thanks to the measures taken by the government in Uzbekistan compared to 2013, the number of drug addicts has decreased significantly. Registered in Uzbekistan consists of more than 8000 drug users and 40 thousand is an alcoholic. At the end of 2017 the number of drug addicts in Uzbekistan, consisting on the account amounted to 8036, of which less than 2% women [10].

Since 2008, when in the Republic there were about 21 thousands suffering from drug dependence, the number of drug users has decreased by 60%. Over the last 10 years there has been a steady decrease in the total number of drug addicts consisting on the account, the share of consumption of "heavy" opium drugs (heroin, opium) and the proportion of injection drug use.

Approximately 800 people last year, according to statistics, had the practice of injecting drug use. They are not active injecting drug users. Most of them are in remission, they now do not use narcotic and psychotropic substances and this is a big plus. Cases of drug addiction in persons under 14 years are not marked, but there were about 50 cases of substance abuse among individuals aged 15 to 20 years is the abuse of glue and pairs of volatile solvents (gasoline, acetone). The largest number of drug addicts accounted for Samarkand, Surkhandarya, Ferghana region and Tashkent city, said statistics current figure, emphasizing that all regions is declining.

For the first time since 2000, the consumption of drugs of the opium group (opium, heroin, kuknar) was less than cannabinol (cannabis, marijuana).[8]. Addiction is a painful addiction to any substance included in a group of drugs that caused euphoric state or alter the perception of reality. Appears irresistible attraction to drug use, increased tolerance, physical and psychological dependence. Addiction is accompanied by a gradual deterioration of physical health, intellectual and moral degradation. The diagnosis is exposed on the basis of the anamnesis, survey, inspection, and results of drug tests. Treatment – long-term rehabilitation in the clinic with the use of drug therapy, psychotherapy and occupational therapy.

Patient drug prescribed infusion therapy, vitamins, nootropics, cardiac agents, drugs to restore the liver, etc. According to testimony, use of anticonvulsants, neuroleptics and antidepressants. After the elimination of the drug addicts referred for psychotherapy for the mental addiction. Use hypnosis, conditioned reflex therapy, art therapy and other techniques. Classes are conducted both individually and in groups. Psychotherapy complement occupational therapy and social rehabilitation. After discharge from the rehabilitation centre for drug addicts under observation of the doctor-psychiatrist and attends support groups. The prognosis depends on the duration of abuse, type and severity, mental and intellectual safety of the patient. The great value has level of motivation without reasonable wishes of the patient and his commitment to combat drug addiction treatment is very rarely successful. Note that a long stay in a specialized rehabilitation centre increases the chances of recovery, while short courses of inpatient drug treatment and even more therapy in an outpatient setting often do not bring the desired result, since the patient continues to remain in familiar surroundings and are regularly confronted with the problems that triggered the development of addiction. For successful treatment it is necessary not only cleansing and the use of special drugs, but also a major restructuring of the psyche, and this is possible only with a complete change of scenery in the special conditions of a closed rehabilitation center.In Uzbekistan, these prevention held and we hope that all this will give a positive answer. By the end of his report, I want to say wish a drug is someone's weakness, someone lazy, someone boring, someone's death... And how it all began? Just in time to push the hand! Thank you for your attention. The report is finished [9].

References:


1. Journal “Kamolot” – “ Prevention of drug dependence among young people” 2016, April issue.
2. Karpov,A.M. “ Self – protection from drug abuse”.
3. E.N.Protsenko “ Drugs and drug addiction”.
4. S.V.Berezin, K.S.Lisiecki “Psychology of early drug”.
5. S.V.Berezin, K.S.Lisiecki “ The Prevention of teenage and youthful addiction”.
6. http:/young’s addiction.org.
7. statistics inUzbekistan.uz.
8. psychotherapy and therpy.org.
9. http:/Camelot.uz.

## МУНДАРИЖА


| ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ | | |
|---|---|---|
| Шодиев Н.Ш., Файзиев М.А. | Бўлажак математика ўқитувчисини маънавий тарбия ишига методик тайёрлаш | 3 |
| Ҳусанбоева Қ., Хазраткулов М. | Адабиёт дарсларида иншоларни ташкил этишга қўйиладиган психологик, педагогик ва методик талаблар | 8 |
| Набиев Ф.Х., Аббасова М.С. | Таълим-тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш муаммоси, сабаби ва ечимлари | 12 |
| Раббанақулов Ҳ. | Бадиий таржима ва унинг асосий масаласи | 15 |
| Назаров Х.Э., Холмуродов М. | Бошланғич таълимда тенгламалар тушунчаси | 18 |
| Нуриддинова М.И. | Экологическое воспитание младших школьников на уроках природоведения в начальных классах | 21 |
| Мамажанова М.Қ., Ахлимирзаев А. | Бошланғич синф математика курсига мантиқий масалаларни киритиш ва уларни ечиш усуллари | 25 |
| Мухитдинова Б.М. | Сайидаҳмад Васлий Самарқандий ижодида илм ва маърифат ҳамда таълим-тарбия масалалари | 29 |
| Бегматов М., Хасанов А. | Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида немис тилидан амалий машғулотларни ташкил этишда иновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти | 32 |
| Яхшибоев Ғ., Эргашева Г. | Ўқувчилар учун орфографиядан дастурий-педагогик воситаларни яратишнинг назарий асослари | 36 |
| Назаров Х.Т., Самяев А.К., Ганиев А.З., Ибрагимов Л.З. | Умумтаълим мактабларида география фанидан амалий машғулотларни ўтишда таълим технологияларидан фойдаланиш | 41 |
| Вафоева М., Асамова Ў. | Адабий эртакларнинг бадиий хусусиятлари ва уларни бошланғич синфларга ўргатиш усуллари | 44 |
| Мардонов Э.М., Остонов Қ., Холмуродов М. | Математика ўқитиш жараёнида таянч компетенцияларни шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари | 48 |
| Ҳайдаров Ш.М. | Умумтаълим мактабларида матн мавзусини ўрганиш муаммолари | 51 |
| Рахимова Г. | Бошланғич таълимда Алишер Навоий ҳикматларини ўқитиш усуллари | 55 |
| Вафоева М., Шодиёрова У. | Бошланғич таълимда бадиий асар устида ишлаш босқичлари | 58 |
| Қосимова Р. | Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш усуллари | 62 |
| Ибрагимов Л.З., Давронова М.З. | География дарсларида табиий ресурслар мавзусини ўтишда биринчи президентимиз асарларидан фойдаланиш | 64 |
| Норбошева М. | Оила - баркамол шахс тарбиясининг бош мезони сифатида | 68 |
| Мухторова Л.А. | Бошланғич синф ўқиш дарсларида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш муаммолари | 71 |
| Бегашева Ш.Н. | Инсонийлик фазилатларининг шаклланишида оиланинг роли | 74 |
| Мустафаев Ш., Собирова О. | Талабаларни миллий бадиий анъаналар воситасида ғоявий тарбиялаш тизими | 78 |

| | | |
|---|---|---|
| Болтаев Б.Р. | Мактабгача таълимда мусиқий-ритмик ҳаракатлар барқарор ривожланишининг муҳим омили сафатида | 81 |
| Норқулов Л., Қорабоев Ҳ. | Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда замонавий ёндашувлар | 85 |
| Холов О.Ч. | Бўлажак ўқитувчиларнинг ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда тарбиявий тадбирлардан фойдаланиш тажрибасидан | 88 |
| Неъматова Ҳ.А. | Таълим тизимида сафарномаларидан фойдаланиш | 91 |
| Файзуллаева Г.Ш. | Адабий таълимда бадиий асарни идрок қилиш узвийлиги | 94 |
| Джуракулова А., Чориева М. | Математика ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари ижодий қобилиятини шакллантиришнинг методик асослари | 98 |
| Абдурахманова А.Т. | Современные воззрения на воспитания Алишера Навои | 100 |
| Мирсанов Б. | От+сифатдош моделида шаклланган қўшма сўзларнинг ўқитиш усуллари | 103 |
| Юнусова Н.А. | Ўқувчиларнинг экологик тарбия беришга тайёрлаш мезонлари | 106 |
| Набиев Р.Ҳ., Шамсиева М.А., Файзиева О.Б. | Она тили таълимида матн таҳлилининг тутган ўрни | 109 |
| Холова М.А. | Умумтаълим мактабларида Абдурауф Фитрат шеъриятини ўргатиш масаласи | 112 |
| Маннобов Ж., Суванов Ш. | Таълим ва тарбия тизимида интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш | 115 |
| Юлдашева Д.М. | Мулоқот жараёнида лексик бирликлар самараси | 118 |
| Пардаев С., Шомуродов Ж. | Ёшларимиз онги ва қалбига қаратилган оммавий маданиятнинг ижтимоий педагогик таҳдиди | 121 |
| Ирискулова Г. | Улуғ аждодларимиз ҳаёти, уларнинг меросини бошланғич таълимда ўргатиш усуллари | 124 |
| УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР | | |
| Фоменко С.Л. | Современные подходы к организации непрерывного образования педагогов | 127 |
| Тайлаков Н.И., Мирсанов У.М. | Интернет тармоғида математика фанидан web-порталларни яратиш муаммолари | 133 |
| Абдиев М.Б. | Она тили таълимида инновацион жараёнларни фойдаланиш ҳақида мулоҳазалар | 137 |
| Хасанова К., Мусинов С. | Деятельность преподавателя вуза: критерии оценки | 141 |
| Шодиев Ф., Фахриддинов М., Фахриддинова Т. | Бошланғич таълимда фанлараро интеграция технологияси | 144 |
| Аминов И.Б., Номозов Ф.Ш., Амриллоев Х. | Таълим тизими самарадорлигини ошиирищда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш | 147 |
| Қўйсинов О.А., Бобомуродова Л.Э. | Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини мазмунан модернизациялаш ва ривожлантириш истиқболлари | 150 |
| Юсупов Р.М., Кодиров Б.Н. | Оммавий онлайн очиқ курслар интернет таълимининг замонавий шакли | 155 |
| Жамилова Б.С., | Мактабгача таълим муассаларини инновацион | |

| | | |
|---|---|---|
| Раҳматова Г.М. | ривожлантиришда замонавий компьютер воситаларидан тўғри фойдаланиш | 157 |
| Каримов Р. | Таълим жараёнида инновацион технологияларни жорий этиш йўллари | 161 |
| Хуррамова С.Х. | Инновационная деятельность преподавателя как важный фактор повышения качества образовательного процесса | 164 |
| Файзиев М.А., Шониёзова И.М. | Таълим жараёнида электрон медианинг дидактик ва тарбиявий имкониятлари | 168 |
| Оқназаров Т.Ж. , Аминов И.Б., Тўғизбоев Ф.У. | Бошланғич таълим тизими самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш | 171 |
| Мингбоев У.Х. | Лойиҳа методи информатика дарсларида ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш воситаси сифатида | 174 |
| Рахманова Ф.Ш. | Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда педагогик инновациояларнинг ўрни | 177 |
| Исмаилов М.Қ., Саттарова Г.М. | Бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда интэрфаол ёндашув | 180 |
| Ходжаева Н. Нишонов И. | Using new pedagogic-technologies and multimedia methods in continuous education | 183 |
| Асланова Ҳ.А. | Узлуксиз таълим тизимида бадиий санъатнинг ўқитилиши | 185 |
| Мансурова Д. | Ўқувчилар саводхонлигини ошириш ва баҳолашда инновациялардан фойдаланиш | 188 |
| ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГИЯЛАРИ | | |
| Ахатов А., Назаров Ф.М. | Таълим шартнома тўловларининг чекланган муддат ва кечикиш шароитлари кўрсаткичларини автоматлаштирилган бошқариш тизими | 191 |
| Харламенко В.Б., Зосименко О.В. | Пути развития личностно-профессиональной компетентности педагога в условиях реформирования образования в Украине | 194 |
| Чернякова Ж.Ю. | Инновационные стратегии развития высшего образования европейских стран | 200 |
| Назаров Ф.М., Саитқулов А., Эштемиров Б. | Олий талим бошқарувида автоматлаштирилган тизимларнинг имкониятлари | 203 |
| Швец О.Г., Осьмук Н.Г. | Информационно-коммуникативные технологии как базис информационно-образовательной среды вуза | 206 |
| Турдева Н.Ё., Рахматуллаева М.Ю. | Ўқув-педагогик жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш | 210 |
| Ибрагимов А.А. | Малака ошириш йўл харитаси – педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш технологияси сифатида | 214 |
| Нуриддинов Ф. | Бошланғич таълим жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш | 218 |
| Ахмедова Ш. | Жизненные стратегии современной молодежи | 221 |
| ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР | | |
| Бобомуродов Э.Х. | Талаба ёшлар шахси тараққиётида ижтимоий-психологик омиллар | 224 |
| Мустафина Р.Г. | Показатели представлений о поло-ролевой идентичности у молодежи | 228 |

| | | |
|---|---|---|
| Салахутдинова М.И., Авезов Х. | Профилактика мировоззрения личности в суицидальном поведении | 232 |
| Закирова Л.М. | Изучения представлений об отцовстве у современной молодежи | 235 |
| Исмагилова Р.Р. | Этико-психологические характеристики в профилактике суицидального поведения подростков | 237 |
| Тилакова М.А., Каримов Р. | Ўзбекистон тарихий маданий меросини ўрганиш бўйича ўқувчиларнинг амалий креатив қобилиятларини ривожлантириш | 240 |
| Турсунмуродов Х., Исхакова Г.И. | Фуқаролик жамиятида шахсни шакллантиришнинг социал-психологик омиллари | 244 |
| Бахрамова А.А. | Зўравон-тажовузкор шахс психологияси | 247 |
| Эшкувватов Т., Бобоқулов Ғ.Д., Сулайманова Д.Н. | Конфликтлар табиати, психологияси ва ечими | 250 |
| Ахроров В.Ю | Талабаларнинг психологик саломатликка бўлган муносабатининг ёшга боғлиқ жиҳатлари | 253 |
| Фаязова Ф.Ш. | Ижод психологиясида шахс тараққиётига таъсир этувчи инновацион ёндашувлар | 258 |
| Оқилова К. | Мактабгача ёшдаги боларларнинг психологик хусусиятларини таҳлил қилиш | 261 |
| Холов О.Ч., Исмаилов М.Қ. | Замонавий ўқитиш жараёнида интеграция – ўқувчи тафаккурини ривожлантирувчи омил сифатида | 264 |
| Орипов Ж.Я. | Инновацион жараёнларнинг шахс ижодий такомили ва психологиясига таъсири | 267 |
| Қутбиддинова Ш. | Таълим-тарбияда миллий маърифатга асосланган дунёқарашнинг самарадорлиги хусусида | 270 |
| Шаббазова Д.Р. | Таълим фаолияти ва ўқувчиларнинг руҳий ривожланиши омиллари | 273 |
| Эшқувватов Т., Холбоева Г., Яхяева С. | Бўлажак педагогларнинг социомаданий хислатларини шакллантириш | 276 |
| Қудратов Ғ.С. | Ёшлар ижтимоий психологиясининг моҳияти ва ўзига хослиги | 279 |
| Жўрақулова Д., Ишонқулова Н. | Шахсда айбдорлик ҳиссининг юзага келиши ва унинг психологик хусусиятлари | 282 |
| Холбоева Г., Номозова Л. | Суҳбатдошда аттракцияни ривожлантиришга доир психологик усуллардан фойдаланиш | 285 |
| Жўрақулова Д., Атоева Г. | Ёшларни касбга йўналтиришнинг психологик асослари | 289 |
| Алмарданова С.Б. | Шахс маънавий-психологик шаклланишида тафаккурнинг ролини тадқиқ этиш | 292 |
| Назаралиева Х.М. | Шахслараро муносабатларда ўсмирлик давридаги низоли вазиятларнинг психокоррекцион таҳлили | 294 |
| Турсунова Д.А. | Symptoms of drug addiction among young people and its preventio | 297 |